Манзар Абдулхайр

НАВОИЙ

асарларининг изоҳли луғати

821.512.133(038)
М 24 | 2020 | 13-26
Навоий лирикасини
ўқиш

2020 | 13-26

Ш.Ж.Ж.542.133(03а)
Н-24

Маҳзар АБДУЛХАЙР

НАВОИЙ асарларининг изоҳли луғати

«Ўзбекистон миллий энциклопедияси»
Давлат илмий нашриёти
Тошкент–2018

УЎТ: 81'374.821.512.133(092)
КБТ 83.3(5Ў)
А 15

М 114

Масъул муҳаррир: Қ. Содиқов, *ф. ф. д.*

Тақризчилар: Э. Умаров, *ф. ф. д.;*
Б. Юсупов, *ф. ф. н.*

Абдулҳайр, Манзар

А 15 **«Алишер Навоий асарларининг изоҳли луғати»** / М. Абдулҳайр. – Тошкент: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2018. – 560 б.

Ушбу изоҳли луғат тўрт жилдлик «Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати»га кирмай қолган беш мингдан ортиқ сўз ва ибораларни ўз ичига қамраб олган. Луғат Алишер Навоий асарларининг қўлёзма ва нашрлари асосида тузилди. Унда Навоий ижодиётининг муҳим қирраси бўлган лексик хусусиятлар, маъноси тушунилиши қийин янги аниқланган сўз ва иборалар илк бор аниқланиб изоҳланди. Луғат XV аср ўзбек адабий тили меъёрларини акс эттиради. Мазкур қомус нафақат изоҳли луғат, балки муҳим тадқиқот иши сифатида навоийшунос ва кенг китобхонларга Мир Алишер Навоий меросини чуқур ўрганишда катта ёрдам беради. У мутахассислар учун тарихий, қиёсий-тарихий фонетика, лексика, грамматика ҳамда матншунослик, манбашунослик, тасаввуф бўйича янги маълумотлар беради.

Мазкур китоб Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети кенгаши (2016 йил 29 октябрь, 2-мажлис) қарори билан нашрга тавсия этилган

УЎТ: 81'374.821.512.133(092)
КБТ 83.3(5Ў)

Ю 48288
3

ISBN 978-9943-07-586-3

20/13
26

© Манзар Абдулҳайр
© «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2018

МУҚАДДИМА

Туркий тилдаги сўз ва ибораларни тўплаш, уларни илмий асослаш анъанаси XI асрда яратилган «Девону луғотит турк»ка бориб тақалади. Зеро, луғат муаллифи Маҳмуд Кошғарий ўз давридаги турли қабила-уруғлар тилига мансуб сўз ва ибораларни ўз асарида акс эттирган. Бу борада луғатшунос шундай ёзади: «Мен турклар, туркманлар, ўғузлар, чигиллар, яғмолар, қирғизларнинг шаҳарларини, қишлоқ ва яйловларини кўп йиллар кезиб чиқдим, луғатларини тўпладим, турли сўз хусусиятларини ўрганиб, аниқлаб чиқдим. Мен бу ишларни тил билмаганим учун эмас, балки бу тиллардаги ҳар бир кичик фарқни ҳам аниқлаш учун қилдим. Уларни ҳар томонлама пухта бир асосда тартибга солдим».

Ўрта асрларда туркий қабилалар тилларини бу қадар кенг қамровли ўрганиш Маҳмуд Кошғарийга фақат Алишер Навоийни қиёслаш мумкин. Зотан, улуғ шоир асарларида «Девону луғотит турк»даги кўплаб этнонимлар, соф тилшуносликка оид атамалар, қадимги илмий-бадиий ёзма ва оғзаки ижод намуналари билан бирга кенагас, қовчин, чиғатой, барлос, қиёт, тархон, арлот, жалойир, туркман, найман, манғит, қўнғирот ва бошқа туркий уруғ, элатларнинг номи такрор-такрор келади.

Шоирнинг бой адабий, илмий меросидаги сўз ва ибораларни тўғри шарҳлашда луғат манбаларнинг ўрни беқиёс. Шу жиҳатдан Навоий асарлари юзасидан ўтмишда ва ҳозирда ҳам бир қанча луғатлар яратилган. Масалан, «Бадоеъ ул-луғат», «Хамса бо ҳалли луғат», «Абушқа», «Санглох», «Луғати атрокия», «Луғати туркий», «Луғати чиғатойи ва туркий-усмоний», «Ҳалли луғоти чиғатойи «Хамса»йи Навоий», «Нисоби Навоий», «Луғати Амир Навоий», «Дар баё-

ни луғати Навоий», «Ҳалли луғоти чиғатойи»* каби қулёзма ҳамда Порсо Шамсиев, Собиржон Иброҳимов томонидан тузилган «Ўзбек классик адабиёти асарлари учун қисқача луғат» (1953) ва яна шу муаллифлар иштирокида «Алишер Навоий асарлари луғати» (1972), «Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати» (1983–1985), Ботирбек Ҳасанов томонидан тузилган «Навоий асарлари учун қисқача луғат» (1993) каби қомуслар шулар жумласидандир. Бу луғатларда Навоий асарларида қулланилган минглаб туркий, форсий ва арабий сўз ва ибораларни изоҳланган. Улардан ҳозирча нисбатан тўлароғи тўрт жилдли «Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати» ҳисобланади. Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг тарихий лексикология ва лексикография бўлимида (1983–85) тайёрланиб, нашр этилди. У буюк мутафаккир шоирнинг бебаҳо асарларини ўқиш ва тушуниш учун китобхонларга катта ёрдам берувчи фундаментал тадқиқотдир.

60-йилларнинг охирларида ЎзРФА Тил ва адабиёт институтида тарихий этимологик луғатлар бўлими очилиб, изоҳли луғатни тузиш ишлари бошлаб юборилди. Унинг нашр қилиниши ўз даврида тадқиқотчилар учун ҳам бой фактик материаллар беради. Изоҳли луғатдан фақат ўзбек мумтоз асарлари тилинигина эмас, балки қарийб барча туркий халқларнинг адабий ва тарихий қулёзма манбаларини ўрганишда ҳам фойдаланилади. Аммо шоир асарларининг тил хусусиятларини ўрганиш, унинг янги-янги қирралари мукошафаси давом этаверади. Зеро, Алишер Навоий асарлари мангуликка дахлдор сўз махзани ҳамдир.

Сўнгги йилларда диний қадриятларга, ота-боболаримизнинг меросига муносабат ўзгарди. Илгари мумтоз асарларда «худо», «пайғамбар» сўзлари, ғазаллардаги ҳамд, наътлар тушириб қолдирилган бўлса, эндиликда уларни ёзиш, ўқиш имкониятига эга бўлдик. Бу эса шоир асарларини тўлароқ

---

* Айни пайтда ушбу қулёзма луғатлар Тошкент давлат шарқшунослик институти ҳузуридаги Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқ қулёзмалари маркази фондида сақланмоқда (инвентар рақамлари: №7863, 9954, 6803, 3324, 5197 ва бошқалар).

англашга, тушунишга ёрдам беради. Шоир асарларининг тўла нашр қилиниши унинг луғати ҳам тўла ҳолда нашр қилишни тақозо қилади. Дарҳақиқат, биз ана шу имкониятдан фойдаланиб, шоирнинг 20 жилдлик асарлар тўпламидаги сўз ва ибораларни қарийб чорак аср муқаддам яратилган тўрт жилдлик «Алишер Навоий тилининг изоҳли луғати»га қиёслаб чиқдик. Маълум бўлдики, ҳали жуда кўп сўз ва иборалар изоҳланиши зарур экан. Биз уларни аниқлаб, изоҳлашга киришдик. Шу маънода Навоий асарлари тилидаги янги аниқланган сўз ва ибораларни тўплаш, уларнинг шоир назарда тутган маъно инкишофи асосида алоҳида изоҳлаш катта аҳамиятга эга.

Навоий асарларига кўп луғат тузилган бўлса-да, ҳатто уларнинг барчаси биргаликда ҳам улуғ бобомизнинг сўз бойлигини тўла акс эттира олмайди. Навоий асарларидаги баъзи сўзлар бирорта луғатда қайд қилинмаган. Баъзиларида сўзларнинг маъноси чала изоҳланган. Ҳолбуки, улуғ шоир ижодида сўзларга кўплаб маънолар юкланган.

«Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати»га кирмай қолган сўз ва иборалар қуйидаги тамойиллар асосида аниқланди:

– янги аниқланган сўз ва иборалар Алишер Навоийнинг 20 жилдлик «Мукаммал асарлар» тўпламидан йиғилди;

– луғатга кирмай қолган сўз ва ибораларни аниқлашда «Алишер Навоий асарлари тилининг тўрт жилдлик изоҳли луғати»га асосланилди;

– луғатга кирмай қолган сўз ва иборалар «Мукаммал асарлар» матнини мисрама-мисра, сатрма-сатр ўқиш жараёнида йиғилди;

– ҳар бир жанр, яъни ғазал, рубоий, қитъадан аниқланган сўз ва иборалар адресати аниқ кўрсатилди;

– нашр ва изоҳли луғатда имловий хатолар билан ёзилган сўзлар қўлёзма асосида тузатилди;

– луғатга кирмай қолган сўз ва ибораларнинг ҳамма маънолари, жумладан, диний ва тасаввуфий маънолари изоҳланди.

ИЗОҲЛИ ЛУҒАТДАН ФОЙДАЛАНИШ ТАРЗИ

Луғат мақоласининг тузилиши

Ушбу изоҳли луғатни тузишда Алишер Навоийнинг 1987–2003 йилларда нашр этилган шоирнинг 20 жилдлик «Мукаммал асарлар» тўпламига таяндик. Луғатда барча сўз туркумларига доир туркий, арабий, форсий туб, ясама, қоришик, қўшма сўзлар, сўз бирикмалари изоҳланди*. Шаклдош сўзлар алифбо тартибида ўз ўрнида бош сўз сифатида берилиб, мустақил равишда шарҳланди.

Луғат мақола қуйидаги таркибга эга:

– бош сўз, аввал транслитерацияси, сўнг унинг этимологияси, қулёзмадаги арабча шакли;

– сўз маъноларининг изоҳи;

– сўзнинг маъноларини тасдиқловчи мисоллар ва уларнинг адресати.

Сўзнинг фонетик вариантлари луғат мақоласи ичида кўрсатилди. Уларни кўрсатишдан мақсад, эски ўзбек тили шевалари ҳақида тўлиқроқ маълумот бериш. Мисоллар:

АТОРИД [عطارد] 1 Меркурий сайёраси. У мумтоз адабиётда, кўпинча, «Дабир» ва «Тир» номлари билан юритилади.

Агар толеъида юз иқбол эрур,
Аторид вале анда бадҳол эрур.

Садди Искандарий, 202-б.

Рақам азмиға йўнғач хома бошин,
Аторид йиғди сочилгон тарошин.

Фарҳод ва Ширин, 42-б.

2 Киши исми маъносида истиора санъати ишлатилган; Суҳайло.

---

* Эслатма: мазкур луғат Навоий асарларини матний тадқиқ этиш асносида юзага келган. Шунинг учун бу луғат, айрим тузилиш хусусиятларига кўра, бошқа махсус луғатлардан фарқланиши мумкин.

Ки, ҳамраглиг этиб иқболи жовид,
Аторид сори келмиш ойу хуршид.

Фарҳод ва Ширин, 137-б.

АТОРУД [عطارد] қ. **Аторид**.

Равон хоманг учун айлаб мураттаб,
Аторид кўз қаросидин мураккаб.

Бадоеъ ул-бидоя, 18-б.

УТОРИД [عطارد] **1** *айн.* **Аторид**. Мирзо, фалак котиби.

Онча фарёд этти мутриблар Навоий назмидин,
Ким Уторид шеъридин чарх узра Ноҳид этмагай.

Наводир уш-шабоб, 455-б.

2 Бунда Аториднинг ёзувчи ва санъаткорларга ҳомийлиги кўзда тутилган.

Фоидага аҳли чу очиб варақ,
Гарчи Уторид эса айтиб сабақ.

Ҳайрат ул-аброр, 310-б.

Агар толеъида юз иқбол эрур,
Аторид вале анда бадҳол эрур.

Садди Искандарий, 202-б.

УТОРУД *айн.* **Аторид**.

Чун Уторуд чархига еттим, табиат қилди майл,
Кургали назминки зоҳир қилди табъи жавдатин.

Бадоеъ ул-васат, 479-б.

ЙЎҚСУЗЛУҚ, **=лиқ, =лик** [يوقسوزلوق // يوقسوزليك] **1** Мавжуд эмаслик.

2 Камбағаллик, йўқчилик, етишмовчилик, муҳтожлик.

3 Фақирлик.

... Бир неча вақт бизинг уйда булур эрди ва манга йўқсузлуқ даст бериб эрди.

Насойим ул-муҳаббат, 497-б.

... Манга деди: чун йўқсузлиқ даст берибдур, ул захирадинки, бу зарфлардадур, невчун қут қилмассен? Дедим: алар бўшдур.

Насойим ул-муҳаббат, 497-б.

Жаъфар Хулдий дебдурки, неча кун Ҳаммод Қурайшийни курмайдур эрдим, уйига бордим ани кургали. Ул

йўқ эрди, ул йўксизлик заруратидин аёлининг бурунчакин олиб, бозорга элтган эрмишким, сотиб егулик келтургай.

Насойим ул-муҳаббат, 59-б.

Луғатда қўшма сўзларнинг биринчи компоненти курсатилди:

ИСТИНШОҚ [استنشاق] **1** Сув ёки ҳаво билан бурунни қоқиш.

2 Таҳорат вақтида бурунга сув олиш ёки бурунни чайиш учун сув ишлатиш.

Чу булди мазмаза қилмоқ мукаррар,
Бил истиншоқ ҳам мундоқ мукаррар.

Сирож ул-муслимин, 280-б.

Истиншоқ қилмоқ Таҳорат вақтида сув билан бурунни тозаламоқ, қоқмоқ.

Оғизга мазмаза қилмоқ билгил,
Бурунга даҳи истиншоқ қилгил.

Сирож ул-муслимин, 281-б.

Бош сўз алоҳида қўлланилмасдан, бирикма ҳолатида ишлатилган бўлса, бош сўздан сўнг ўша сўзнинг бирикмадаги ҳолати шарҳланди, баъзи ўринларда луғатнинг специфик хусусиятидан келиб чиқиб айрим сўзларгина бош сўз сифатида иккинчи компоненти билан бирга қайд этилиб изоҳланди:

ЖАВОНА [جوانه] Полапом; бола.

Жавона чиқармоқ Тухум очмоқ, бола очмоқ.

Ким икки кабутари ягона,
Бир уйда чиқордилар жавона.

Лайли ва Мажнун, 261-б.

Бундан ташқари, янги маъноси аниқланган айрим сўзлар ёки тасаввуфий маъно ташиган сўз бирикмаларининг биринчи компоненти «Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати»да қайд этилган бўлишига қарамасдан ушбу луғатда изоҳланди. Зеро, бундай сўзлар ҳам бошқа сўзларга бириккандагина тўлиқ бир тасаввуфий, ирфоний маъно англатади:

МАВТ [موت] **1** Ўлим; дунёвий лаззатлардан тийилиш.

Мавти абяз 1) оқ ўлим; 2) очлик. **Мавти асвад** 1) қора ўлим; 2) сабр; 3) одамларнинг туҳмат ва бўҳтонларига сабр қилиш. **Мавти ахзар** 1) яшил ўлим; 2) жулдур кийимдан

жанда тикмоқ. **Мавти аҳмар** 1) қизил ўлим; 2) нафсни енгиш.

[*Ҳотам Асамм қ. с.*]. *Ва ҳам ул дебдурки, ҳар ким бу йулга кирар, турт улумни узига тутмак керак: Мавти абяз – ва ул корин очлигидур ва мавти асвад ва ул халқ изосига сабр қилмакдур ва мавти аҳмар ва ул нафс мухолафатидур ва мавти ахзар – ва ул хирқага юрунлар тикмакдур.*

Насойим ул-муҳаббат, 53-б.

Луғатда имловий нуқсонлар билан нашр қилинган сузлар қўлёзма асосида тузатилди:

Қўлёзмада	Нашрда
БЕИЁР [بی‌جار] Қадр-қимматсиз	**БЕ АЁР** [Тарихи анбиё ва ҳукамо, 132-б]
ИСТИКБОР [استکبار] Ғурурланиш, такаббурлик қилиш	**ИСТИБКОР** [Вақфия, 239-б]
ТАХЙИР [تخیر] Ихтиёр бериш, эркинлик бериш	**ТАҲЙИР** [Сирож ул-муслимин, 280-б.]
САЙРОФ [صیراف] Сарроф, заршунос	**САЙРОТ** [Муншаот, 135-б.]

Айтиш жоизки, мумтоз ўзбек тили имло қоидалари яратилмагани учун улуғ шоир асарларидаги айрим сўзлар турли шаклларда ёзиб келинмоқда: *жомиъ ~ жомеъ* – тўпловчи, *хуршид ~ хуршед* – қуёш, *ўйла ~ ўйла* – шундай; *осиб ~ осийб* – зиён, зарар; *оташгоҳ ~ оташгаҳ* – ўтхона, ўчоқ; *масоиб ~ масойиб* – қайғу, алам; *кукус ~ кукс* – кўкрак. Биз бу мураккаб масалага тўхталмадик.

Луғатда шаклдош сўзларнинг берилиши

Шаклдош сўзлар I, II каби рим рақамлари билан алоҳида-алоҳида алифбо тартибида берилди:

ҲАНГ I [هنگ] Босиқлиқ, ҳушёрлик; билимли.

Шайх Шариф Балхда дебдурки, бизнинг Абу Мансурга Ҳирийда бир ўғул булди. Андоқ ҳанг. Ва ҳанг лафзидурки, жамеъ яхшиликлар анда дарждур...

Насойим ул-муҳаббат, 229-б.

ҲАНГ II [هنگ] Аскар, қўшин, лашкар.

Қирққандин ики-уч кун ўтубон бўлмиш эди,
Ўйлаким ҳанги пай эткайлар ики дилкаш ёй.

Бадоеъ ул-васат, 407-б.

Кўп маъноли сўзлар изоҳи

Алишер Навоий асарларидаги кўп маъноли сўзларнинг маъно нозикликлари нуқтали вергул (;) ва сўзларнинг мустақил маънолари бир-биридан араб ракамлари билан фарқланди:

АНДУҲГИН [اندوهگین] **1** Ғамга ботган, ғам босган, маҳзун, ғамнок.

Бадан дарддин ранжаву хаста доғи,
Кунгул ҳажрдин зору андуҳгин ҳам.

Наводир уш-шабоб, 313-б.

2 Ғамгин. дард-аламли, қайғули; маъюс, хафа.

Ва ҳам ул дебдурки, андуҳум андин эмаски, андуҳгиндурмен. Андуҳим андиндурки, андуҳгин эмасмен!

Насойим ул-муҳаббат, 483-б.

3 Озурда; озорли, кулфатли.

[*Шайх Абу Али Даққоқ р. т.*]. *... ва кунас сари боқиб айтур эрди: мулк саргардони, бу кун нечук эрдинг ва нечук уткардинг, ҳеч ерда бу ҳадиснинг андуҳгиниға партав солдингму ва ҳеч ерда бу ишнинг зеру забар булғанларидин хабар олдингму?*

Насойим ул-муҳаббат, 205-б.

Шоир асарларидаги кўп маъноли сўзларни изоҳлашда олдин уларнинг бош маънолари, кейин ҳосила маънолари берилди:

МУҲКАМ [محکم] **1** Мустаҳкам, маҳкам, пухта, қаттиқ.

Гар ул шаҳ базмида бир журъа май топмон ажаб эрмас
Ки, май шўхи кириптур ширадин муҳкам ҳисор ичра.

Наводир уш-шабоб, 399-б.

Гул аҳмар, савсан азрақ бу чаман ичра бўлуб андин
Ки, елдин тарбият кожин аларга еткуруб муҳкам.

Наводир уш-шабоб, 286-б.

Муҳкам бўлмоқ Ёпишмоқ, маҳкам бўлмоқ

Тўлуптур кунгул ишқинг уқидин андоқ
Ки кўп уқ даги уққа муҳкам булуптур.

Наводир уш-шабоб, 125-б.

2 Ёпмоқ, бекитмоқ.

Элга расво бўлмоғи бўлдум не суд эмди, агар
Юз туман мисмор ила оғзимни муҳкам айладим.

Наводир уш-шабоб, 299-б.

Муҳкам қилмоқ Бекитмоқ, ёпмоқ; бандламоқ.

Ҳар бино рахнасини тутса булур турфа буким,
Мумкин эрмас бу ики рахнани қилмоқ муҳкам.

Наводир уш-шабоб, 305-б.

Қароғ эрмаски, қилмишмен кузум сайли йўлин муҳкам,
Сиришк эрмаски, ул йул беркимай қилмиш
тарашшуҳ нам.

Наводир уш-шабоб, 310-б.

3 Узилмас; боғлиқ (маҳкам боғлиқ).

Тори умрум ажал илгидин узулса ғам эмас,
Тори зулфунгга агар муҳкам эрур пайвандим.

Наводир уш-шабоб, 303-б.

Ҳаво қилганда зулфунг ҳалқа домидин кунгул, билдим,
Бу қушнинг ҳам аёг, ҳам бўйнида муҳкам эмиш илмак.

Наводир уш-шабоб, 238-б.

4 Кучли.

Иштиёқим хирқатига чорае қил, эй рафиқ
Ким, хароб айлабтурур ҳолимни муҳкам иштиёқ.

Наводир уш-шабоб, 231-б.

Алишер Навоий асарлари матнидаги сўзларнинг маъноларини очишда қуйидаги усуллардан кенг фойдаланилди:

а) эквивалент (муқобил) танлаш йўли билан изоҳлаш:

УҒАР [اوغار] Қашқа.

Уғар қилмоқ Қашқа қилмоқ

Қилди уғар утоғасин ул қотили шижоъ,
Хуршид оразиға ҳамоно хати шиоъ.

Наводир ун-ниҳоя, 252-б.

б) синонимлар билан изоҳлаш:

КЎЗАНАК [كوزنك] **1** Сўзанак, ниначи.

Андоқки, тунглук ва узук ва тўрлуг ва босруг ва чиг

ва қанот ва кўзанак ва увуғ ва боғиш ва бусаға ва эркина ва ало ҳозал-қиёс.

Муҳокамат ул-луғатайн, 20-б.

2 Юзга тутадиган чиммат; сўзанак.

Эй Навоий, ул маҳи хиргаҳнишин ҳифзи учун
Кўзанак эрмаски, ҳар сори тикилмиш кўзлари.

Наводир ун-ниҳоя, 520-б.

в) кисқа изоҳлаш:

ТУЙҒУН [توبغون] Қирғийнинг эркаги.

Қора қузғунни оқ туйғун деса, қозни яхши олур демаган муқассир.

Маҳбуб ул-қулуб, 15-б.

г) умумий ва хусусий изоҳлаш:

КЕЛИ [كيلي] Буғдой, жўхори каби донларни майдалайдиган ёки қадимий қўлбола ускуна, ўғир.

Бобо оёғин узатиб, дедиким, бор, кўрай нечук борурсен? Ҳирот Бодғисининг келидин санга беribдурлар, ёниб ўз ишингга бор!

Насойим ул-муҳаббат, 410-б.

д) кенгроқ изоҳлаш:

ТИРСАК [ترسك] Қўлнинг билак суяги билан елка суяги бириккан жойи, бўғими.

Қаро қайғу мени элтиб қаро зулфунг учун ҳар тун,
Қаро бошни тутуб овуч қаро ерга кириб тирсак.

Наводир ун-ниҳоя, 285-б.

Ю(в)моғ уч қатла қул тирсакка тегру,
Яна бир мазмаза уч қатла ҳам бу.

Сирож ул-муслимин, 280-б.

е) қомусий изоҳлаш:

БИЛГУТ [بيلگوت] Туркий уруғлардан бирининг номи.

Эй Навоий, мени зор айлади бир лўливаш
Ким, ҳам арлот унут бўлди манга, ҳам билгут.

Фавойид ул-кибар, 55-б.

Эй Навоий, манга бас санами лўлийваш,
Бекка қипчоқу оғар, шаҳга қиёту билгут.

Наводир уш-шабоб, 57-б.

ё) Қуръони каримдан иқтибос келтириш йўли билан изоҳлаш:

НАСУҲ [تصريح] **1** Чин кўнгилдан қилинган тавба.

2 Илоҳий тавба; диний манбаларга кўра, қадим замонда бир подшоҳнинг ҳарамига қарашли аёллар ҳаммомида аёл қиёфали, хушсурат бир йигит хизмат қилган экан. Унинг исми Насуҳ бўлган. У узининг ташқи кўринишидан фойдаланиб, подшоҳ ҳарамига ўрнашиб олган. Бир куни ҳарамдаги аёллардан бирининг узуги йўқолиб қолади. Подшоҳ мулозимлари ҳарам аёлларини бирма-бир тафтиш қила бошлайдилар. Насуҳ энг орқа қаторда бўлади. Мулозимлар ҳарам ҳаммомидаги ҳар бир аёлни текширганда Насуҳнинг жони гўё ҳалқумига келади, жони танасидан чиқаёзади. Навбат Насуҳга етганида мулозимлардан бири узук топилди, деб қолади. Тафтиш тўхтатилади. Насуҳнинг сири ошкор бўлмайди. Лекин жони омон қолган Насуҳ Аллоҳга минг бора шукроналар келтиради. «Бу ҳарамни елкамнинг чуқури кўрсин, то тирик эканман, ҳаргиз бу ишни бошқа такрорламайман», деб онт ичиб, тавба қилади ва ҳарамга бошқа йўламайди. Насуҳ умрининг охирига қадар шу ваъдасига содиқ қолади. Шунинг учун ҳам Қуръони каримда «Ё айюҳаллазина оману тубу илаллоҳи тавбатан Насуҳан» – «Эй имон келтирганлар, агар тавба қилсаларинг, худди Насуҳ тавбасидай чин тавба қилинглар», дейилган. [66:8]. Тасаввуфий манбаларда ҳам, аслида, ҳақиқий тавба Насуҳ тавбасига нисбатан айтилиб, илоҳийдир дейилади. Зотан, Нақшбандия тариқатининг машҳур намояндаларидан бири бўлган Хожа Аҳрор Валий ҳам «Барча дунёвий, ухровий, маънавий ва суварий азобларга мустаҳиқ бўлган солик – бу балодан «Тавбаи Насуҳ»га эришиш орқали фориғ бўлади», деган фикрни илгари сурган [Табаррук рисолалар. – Т., 2004, 117-б.].

Буюрма тавба яна, носиҳоки, мугбачалар
Ҳавоси қилди мени тавба тавбасида Насуҳ.

Бадоеъ ул-бидоя, 106-б.

Дайр пири онча тутти элга жоми файзбахш,
Ким қадаҳ бўйла ушатқай тавба бўлса юз Насуҳ.

Наводир ун-ниҳоя, 91-б.

«Тубу илаллоҳ» ила топса футуҳ,
Бўлса бу тавбаки, топибдур Насуҳ.

Ҳайрат ул-аброр, 264-б.

Луғатда иллюстратив мисолларнинг берилиши

Бошқа изоҳли луғатларда бўлгани сингари луғатдаги мисоллар бош сўз мақоласидаги сўз ва ибораларнинг маъно (нозиклик)лари мавжудлигини ва ўша маъноларда ишлатилганлигини тасдиқлаш учун хизмат қилган.

Алишер Навоийнинг насрий баёнларидаги айрим мисоллар қисқартириб берилди. Тасдиқловчи мисолнинг қисқартирилган кисми ўрнига айрим ҳоллардагина кўп нуқта қўйилди:

АТТОРЛИҒ [عطـار ليـغ] Атирфурушлик, атирчилик; турли дориворлар ва хушбўй нарсалар сотиладиган дўкон.

[*Шайх Фаридуддин Аттор Нишобурий қ. с.*]. *...Тавбаларига сабаб бу булгондурки, бир кун атторлиг дўконида муомалага машгул ва машъуф эмишлар.*

Насойим ул-муҳаббат, 459-б.

ФОЙДАЛАНИЛГАН МАНБАЛАР

I. Алишер Навоий асарлари

1. Алишер Навоий. Мукаммал асарлар. 20 ж. – Т., 1987–2003.

2. Алишер Навоий. Ҳайрат ул-аброр // Насрий баёни билан. – Т., 1974.

3. Алишер Навоий. Фарҳод ва Ширин // Насрий баёни билан. – Т., 1989.

4. Алишер Навоий. Лайли ва Мажнун // Насрий баёни билан. – Т., 1989.

5. Алишер Навоий. Сабъаи сайёр // Насрий баёни билан. – Т., 1991.

6. Алишер Навоий. Садди Искандарий // Насрий баёни билан. – Т., 1991.

7. Алишер Навоий. Лисон ут-тайр // Насрий баёни билан. – Т., 1991.

II. Илмий-танқидий матнлар

8. Алишер Навоий. Хамса. Илмий-танқидий матн / Тузувчи: Порсо Шамсиев. – Т., 1959–70.

9. Алишер Навоий. Наводир уш-шабоб. Илмий-танқидий матн / Нашрга тайёрловчи: Ҳамид Сулаймонов. – Т., 1959.

10. Алишер Навоий. Лисон ут-тайр. Илмий-танқидий матн / Тузувчи: Ш. Эшонхўжаев. – Т., 1965.

11. Алишер Навоий. Мезон ул-авзон. Илмий-танқидий матн / Тузувчи: Иззат Султонов. Масъул муҳаррир: М. Т. Ойбек. – Т., 1949.

12. Алишер Навоий. Садди Искандарий асосида насрий баён билан. Илмий-танқидий матн / Нашрга тайёрловчи: М. Ҳамидова. – Т., 1991.

III. Луғатлар

13. Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати. – I–IV ж. – Т., 1983–85.

14. Боровков А. К. Бадаи ал-лугат. Словарь Тали Имани Гератского к сочинениям Алишера Навои. – М., 1961.

15. Будагов Л. Сравнительный словарь турецко-татарских наречий. Т. I–II. – СПб., 1869.

16. Девону луғотит турк. Индекс-луғат//.А. Абдурахмонов ва С. М. Муталлибов таҳрири остида. – Т., 1967.

17. Древнетюркский словарь. – Л., 1969.

18. Миллер Б. В. Персидско-русский словарь. – М., 1953.

19. Навоий асарлари луғати. – Т., 1972.

20. Наджин Э. Н. Историко-сравнительный словарь тюркских языков XIV века, книга I. – М., 1979.

21. Персидско-русский словарь. – М., 1953.

22. Севартян Э. В. Этимологический словарь тюркских языков – М.,1974.

23. Шамсиев П., Иброҳимов С. Узбек классик адабиёти асарлари учун қисқача луғат. – Т., 1953.

24. Фарҳанги забони тоҷики (аз асри X то ибтидои асри XX). Т. I–II. – М., 1969.

25. Zenker T. Dictionnaire Turk–Arab–Person. – Leipzig, 1866.

26. Mirza Mehdi Mehmet Han. Sanglax. Lugat-i Nevai. Tıpkıbasım. Yayınlayan Beşim Atalay. – Istanbul, 1950.

27. Sanglax. A Persian Guide to the Turkish language by Muhamad Maxai Xan. Facsimile Text with an introduction and indices by Sir Gerald Glauson. London, 1960.

28. دکتر جعفر سید سجادی - فرهنگ اصطلاحات و تعبیرات عرفانی - تهران. از انتشارات ظهوری ۱۳۸۶ ش

IV. Диний-маърифий асарлар

29. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. Ал-Жомиъ ас-саҳиҳ. 2-жилд. – Т., 1997.

30. Муҳаммад Мустафо Муҳаммад. Қуръони карим оятларининг мавзулар бўйича мундарижаси. – Бухоро, 1984.

31. Қуръони карим. (Таржима ва изоҳлар муаллифи Алоуддин Мансур). – Т., 1992.

32. Ҳусайн Воиз Кошифий. Тафсири Ҳусайн (Қулёзма). Чоп этилган йили 1303/1885–86.

33. Абдурахмонов Ғ., Шукуров Ш. Ўзбек тилининг тарихий грамматикаси. – Т., 1973.

34. Батманов Н. А. Язык енисейских памятников древнетюрской письменности. – Фрунзе, 1959.

35. Габескирия Ш. В. Лексика произведений Юнуса Эмре. – Тбилиси, 1983.

36. Гиргас В. Очерк грамматической системы арабов. – СПб., 1873.

37. Капранов В. А. Таджикско-персидская лексикография в Индии. – Душанбе, 1987.

38. Мелоранский П. М. Араб-филолог о турецком языке. – СПб., 1900.

39. Мусаев К. М. Лексикология тюркских языков. – М., 1984.

40. Тюркская лексикология и лексикография. – М., 1971.

20/13
26

ШАРТЛИ ҚИСҚАРТМАЛАР

а. – арабча
а.-т – арабча-туркийча
а.-ф. – арабча-форсча
а.-ф.-т. – арабча-форсча-туркийча
а.-ф.-а. – арабча-форсча-арабча
ар. – арманча
а. р. – алайҳир-раҳма – унга (Аллоҳнинг) раҳмати бўлсин!
а. с. – алайҳис-салом – унга (Аллоҳнинг) саломи бўлсин
в. а. – валлоҳу аълам – Аллоҳ билгувчи
к. в. – каррамаллоҳу важҳаҳу – Аллоҳ унинг юзини мукаммал қилсин
м. – мўғулча
м.-ф. – мўғулча-форсча
н.м.н. – наввара марқадаҳу нураи – унинг қабри нурга тўлсин
р. а. – раҳматуллоҳи алайҳи – унга Аллоҳнинг раҳмати бўлсин
с. – суғдча
с.-а – суғдча-арабча
т – туркийча
т.-а. – туркийча-арабча
т.-ф. – туркийча-форсча
т-ф.-а. – туркийча-форсча-арабча
т.-ф.-т. – туркийча-форсча-туркийча
тур. – туркманча
ф – форсча
ф.-а – форсча-арабча
ф.-т. – форсча-туркийча
ф.-т.-ф. – форсча-туркийча-форсча
ф.-а.-т. – форсча-арабча-туркийча
ф.-а.-ф. – форсча-арабча-фарсча
х. – хитойча
ю. – юнонча
ю.-а – юнонча-арабча
ю.-ф. – юнонча-форсча
ю.-а.-ф. – юнонча-арабча-форсча
я. – яҳудийча
я.-а. – яҳудийча-арабча
қ. с. – қуддиса сирруҳу (қаддасаллоҳу сирраҳу) – унинг сирри муқаддас қилинди (Аллоҳ сиррини муқаддас қилсин)
қ. с. а. – қуддиса сирруҳум азиз – уларнинг азиз сирлари муқаддас қилинди
қ. р. а – қаддасаллоҳу руҳаҳул азиз – Аллоҳ унинг азиз руҳини муқаддас қилсин
қ. т. р. – қаддасаллоҳу таоло руҳаҳу – Аллоҳу таоло унинг сиррини муқаддас қилсин
ҳ. – ҳиндча
ҳ.-ф. – ҳиндча-форсча
ҳ.-а.-ф. – ҳиндча-арабча-форсча

А

АБАД [*а.* ابد] Доимийлик, сўнгги йўқ келгуси замон; доимо, ҳамиша.

Абад ул-абад Доимо, умрбод, фаносиз, ҳар вақт; битмас-туганмас, ниҳоятсиз, охирнинг охиригача, интиҳонинг интиҳосигача.

... ва анинг бадан маҳшури бўлгайки, ҳашрдин сунгра абад ул-абадки, бўлгусидур, анинг била бўлгай, ул мавзеъга назар ва таалluқи кўпрак бўлгусидур ўзга ердин.

Насойим ул-муҳаббат, 307-б.

АБАДИЯ [*а.* ابديه] Бутунлай; то абад; абадий, даври қиёматгача.

Иблис Одам жиҳатидин лаънати абадияга шойиста бўлуб эрди.

Тарихи анбиё ва ҳукамо, 100-б.

АБАДИЯТ [*а.* ابديت] Абадийлик, доимийлик, мангулик, чексизлик, ниҳоятсизлик.

Илоҳи, азамат ва жабарут сенинг шаънингдадур ва мулку малак – сенинг ҳукму фармонингда, азалиятингга бидоят йўқ ва абадиятингга ҳадду ниҳоят йўқ.

Муножот, 293-б.

АБАҒА [*т.* اباغه] қ. **Абоға.**

АБОҒА [*т.* اباغه] Отанинг оға-иниси, отанинг ака ёки укаси, амаки, амакизода, амакивачча, ака-укаларнинг ўғил-қизлари.

Ва булар отанинг оға-инисини «абоға» дерлар.

Муҳокамат ул-луғатайн, 20-б.

АБРКИРДОР [*ф.* ابركردار] Булутдек, булут каби.

... ва бу фурқат чангалидин қурбат саҳросига қадам урулса ҳам, чун қазо ҳодийси инонкаш бўлгусидур, барқвор секирмакдин узга, абркирдор елмакдин узга чора бўлмагусидурур.

Муншаот, 148-б

АБТАРЛИҒ [*а.-т.* ابترليغ] **1** Калталик, қисқалик; нуқсонлик.

2 Арзимаслик, кераксизлик.

3 Бахтсизлик; бадбахтлик.

Ким эрур ул маҳз бадгавҳарлиғинг,
Айни бемаънилиғу абтарлиғинг.

Лисон ут-тайр, 69-б.

АБУ [*а.* ابو] Арабларда ва бошқа баъзи мусулмон халқларда кунярларнинг таркибий қисми бўлиб, «отаси» деган маънони билдиради.

Абу Ҳанифа Имом Аъзам Нўъмон ибн Собит (699–767) – машҳур имом, Ҳанафия мазҳабининг асосчиси, Куфада таваллуд топган. У ҳадис, фиқҳ илмлари билан шуғулланган.

Ҳар нуктаки кўргузуб вузуҳин,
Шод айлаб Абу Ҳанифа руҳин.

Лайли ва Мажнун, 42-б.

АБУҚУБАЙС [*а.* ابوقبيس] Тоғнинг номи.

Гаҳ солиб Абуқубайс уза тоб,
Андин булубон ҳарам сафоёб.

Лайли ва Мажнун, 51-б.

АВАЛАМОҚ [*т.* اولا مق] **1** Уйилмоқ, тупламоқ.

2 Қуймоқ, ясамоқ

Ва Шайх Иброҳим Ожурийки, хишт авалабдур.

Насойим ул-муҳаббат, 15-б.

АВВАЛДИН-ОХИР [*а.-т.-а.* اولدين آخر] Бошдан-охир.

Назар айлаб борин аввалдин-охир,
Булуб бошдин-аёқ оллимда зоҳир.

Фарҳод ва Ширин, 44-б.

АВРОДЛИҒ [*а.-т.* اوراد ليغ] **1** Бирор сўз ёки ишни қайта-қайта такрорлаш, одат, ҳар кунлик доимий машғулот.

2 Зикрлик; ўз вақтини зикр қилиш билан ўтказишлик, яхши дуолик, яхши нафаслик, пайдар-пай, узлуксиз намоз ўқишлик ва зикр қилишлик.

[*Шайх Абдуллоҳ Барнишободий қ. с.*]. *Софий авқотлиг ва авродлиг киши эрди.*

Насойим ул-муҳаббат, 430-б.

АВТОД УЛ-АРЗ [*а.* اوتاد العرض] **1** Бир жамоанинг улуғ кишилари.

2 *тасаввуфда* Дунёнинг тўрт кунжида жойлашган тўрт устун авлиё; Аллоҳга етишган, Аллоҳ валийси, валиюллоҳ, авлиёлар авлиёси.

«Кашф ул-маҳжуб» соҳиби дер эмишки, ул автод ул-арзиндур.

Насойим ул-муҳаббат, 198-б.

АВҚАР [*а.* اوقر] **1** Оғир, вазмин.

2 Олий мартабали.

3 Муомалали.

Шайх Нажибуддин Суҳравардий ва ғайриҳумо бир авқар вақор ва баҳолиг киши кирди ва дедики, [*Ассалому алайк, эй Аллоҳ валийси!*].

Насойим ул-муҳаббат, 378-б.

АВҚОТЛИҒ [*а.-т.* اوقات ليغ] **1** Вақт ўтказишлик.

2 *тасаввуфда* Покиза, пок умр кечиришлик, уз вақтини доимо покиза (зикр қилиш ва намоз уқиш билан) утказишлик.

Хонақоҳ ва муридлари бор эрди, покиза авқотлиг, бийик мақомотлиг бузург эрди.

Насойим ул-муҳаббат, 441-б.

АД [*а.* عد] **1** Адад, сон, саноқ, ҳисоб.

2 Ҳаддан зиёд.

Силсила бу навъ азал то абад,
Келгучию кетгучи беҳадду ад.

Ҳайрат ул-аброр, 249-б.

АДАБЛИ [*а.-т.* ادبلي] **1** Одобли, тарбияли.

2 Мулозаматли; таъдибли.

3 Фазлу камолли.

Аллоҳга пинҳон ва ошкор адаб билан муомала қилсанг, ажамий бўлсанг ҳам адабли ҳисобланасен.

Насойим ул-муҳаббат, 98–99-б.

АДАБЛИҚ, -лиг [*а.-т.* ادب لیق//ادب لیغ] **1** Одоблик, яхши хулқлик, яхши равишли; шарм-ҳаёли.

Мавлоно ҳушёрлигда басе одамиваш ва ҳаё ва адаблиг йигитдур.

Мажолис ун-нафоис, 73-б.

2 Билимли, фазлу камолли.

3 Танбеҳли, таъзирлик.

Чун саодатманд йигит эрди, таҳсилда саъйлар қилди. Ҳоло яхши толиби илмдур. Воқеан адаблиқ ва тавозуъ ва инсониятлик одми йигит булубтур.

Мажолис ун-нафоис, 74-б.

4 Одоб-ахлоқли, илму донишли.

Меҳмонки адаблиқ булгай, мунтазир булгай, йуққи мутақозий.

Насойим ул-муҳаббат, 36-б.

АДЛОЙИН [*а.-ф.* عدل ایین] Адолатли, инсофли, ҳақиқатпарвар, адолатманд.

Адлойинеким, раият риоятида инсофи деҳқони мададидин
Миррихи қаҳтандеш савобит доналарин сипеҳр мазраъида экти.

Бадоеъ ул-бидоя, 15-б.

АЁНЛИҚ [*а.-т.* عیان لیق] Аниқлик, равшанлик, маълумлик; ошкорлик, очиқлик; комиллик.

...фунун дақойиқи, балки дақойиқ фунунининг мутаввил маоний аёнлиқ ва мухтасар баёнлиқ муҳаддислари ниҳоди...

Вақфия, 234-б.

АЁҚ [*т.* اياق] У ёқ, у томон, яъни осмон ё узга макон.

...исён зулматида аёқдин тушганларга хулосаи олам шафоати дастгирдурур ва ул шафеъ-шафоат қилгонларга Холиқи олам ва одам шафоатпазир.

Ҳайрат ул-аброр, 25-б.

АЁҒЛУҚ [*т.* اياغ لوق] Косалик.

Ул қул ҳикоятиким, аёғи тойилиб, аёғлуқ ошини шоҳнинг боши косасига урди ва карамлиг шоҳ олида уз ошин нишурди.

Ҳайрат ул-аброр, 343-б.

АЁҒ-ИЛИГ [*т.* اياغ ايليك] Оёқ-қул.

Таҳорат қилур эрди ва ел келур эрди ва аёг-илиги ёрилур эрди ва қон келур эрди.

Насойим-ул муҳаббат, 133-б.

АЁҒСИЗ [*т.* اياغ سيز] Оёқсиз, беоёқ, оёғи йуқ, ногирон.

Кафшсизликдин малул бўлмагил, аёгсизларга боқиб шукр қил.

Маҳбуб ул-қулуб, 129-б.

АЖВИБА [*а.* اجوبه] Жавобгар.

Анинг била Хожа Носируддин Тусий орасида асъилаву ажвиба воқеъ булубдур.

Насойим ул-муҳаббат, 396-б.

АЖДАҲОШИКОРЛИҚ [*ф.-т.* اژدها شکارلیق] Аждарҳо овлашлик; баҳодирлик, рустамлик.

...ва ул газолаи чиний шер суратида майдонга кириб, аждаҳошикорлиқ қилгони.

Садди Искандарий, 431-б.

АЖУЗ [*а.* عجوز] қ. **Ужуз**

АЖУЗА [*а.* عجوزه] Қари аёл, кампир; айёр кампир.

Жиржис а. с.ни бир ажуза бева уйида банд қилдиларким, очлиг азоби била ўлгай.

Тарихи анбиё ва ҳукамо,185-б.

АЖУЗАЛИҒ [*а.-т* عجوزه لیغ] Қари аёл, кампир эканлик; айёрлик.

Ва бу хотун андоқки, зуафо расмидур, ул бирга ҳам ўгулсизлиқ жиҳатидин хам таън қилур эрди, ҳам ажузалиг жиҳатидин шамотат кўргузур эрди.

Тарихи анбиё ва ҳукамо, 151-б.

АЗАЛИЯТ [*а.* ازلیت] Ибтидосизлик, азалийлик, бошланиши маълум бўлмаганлик, аввалу охирсизлик, қадимийлик

Илоҳи, азамат ва жабарут сенинг шаънингдадур ва мулку малакут – сенинг ҳукму фармонингда, азалиятингга бидоят йўқ ва абадиятингга ҳадду ниҳоят йўқ.

Муножот, 293-б.

АЗЗ [*а.* عز] Улуғ, буюк, мукаррам.

Азза қадруҳ [عز قدره] Қадрини улуғ қилди: иззатлилик, мукаррамлик, карамлилик.

Жалла зикруҳ зиҳе илоҳи рафеъ,
Азза қадруҳ зиҳе расули шафеъ.

Арбаъин, 261-б.

АЗИМЖУССАЛИҒ [*а.-т.* عظیم جثالیغ] Катта жуссалик, улкан қоматлик, алп қоматлик, паҳлавон сийратлик, келбатлик; салобатлик.

...ва азимжуссалиги васфидаким, байзонинг сиймин байзасин жаноҳайни остига яширур ва ҳар гадога ул соя тушса, салотин анинг гадойидурур.

Садди Искандарий, 95-б.

АЗИМ [*а.* عظیم] Улуғ, буюк, катта.

Азим ул-хилқа Йирик, каттакон, улкан кўринишли: ҳайбатли.

Чун намоздин фориг бўлдук, бир азим ул-хилқа яшил қуш ул қушлар орасидин инди ва тобут қошида ултурди ва тобутни ютти ва учуб ўзга қушларга қўшулди.

Насойим ул-муҳаббат, 392-б.

АЗИМЛИҒ [*а.-т.* عظیم لیغ] **1** Улуғлик, буюклик, улканлик, зўрлик, каттолик.

2 Кўплик, мўллик.

3 Қаттиқлик.

Ва не бу хаёлу муддаодин ўзумни уткара олур эрдим ва не ишнинг азимлиги ва душворлиги жиҳатидин шуруъ қила олур эрдим.

Насойим ул-муҳаббат, 12-б.

АЗИМШОН [*а.-ф.* عظیم شان] Қадр-қимматли, юксак мартабали, иззатли.

Гарчи сен ҳам азимшон кишисен,
Олам аҳлида шаҳнишон кишисен.

Сабъаи сайёр, 83-б.

АЗОКИРДОР [*а.-ф.* عزا کردار] Аза тутган, азадор, мотамли, мусибатли.

Ой ҳалокимга тутуб мотам, кийиб тундин қаро,
Оразин силли била аҳли азокирдор этар.

Наводир уш-шабоб, 122-б.

АЗОСИЗ [*а.-т.* عزاسز] Мотамсиз, мусибатсиз; ноласиз, дод-фарёдсиз, фиғонсиз.

Булбул топмай узин азосиз,
Бўлгай пари бўйнига қаро кийз.

Лайли ва Мажнун, 278-б.

АЗР [*а.* عذر] Сабаб, баҳона.

Бўлма малул улса кенгашда талош,
Азру узун доғи керакмас кенгаш.

Ҳайрат ул-аброр, 326-б.

АЗРОИЛ [*а.* اعزرائیل] Диний манбаларга кура, одамлар жонини оладиган фаришта; ажал фаришгаси, малак ул-мавт.

Тенгри таоло анинг уз углини сойир атфолдин мумтоз қилиб, писандида тутмай, Азроилга амр бўлдиким, руҳин қабз қилиб...

Тарихи анбиё ва ҳукамо, 166-б.

АЗҒОС [*а.* اصغاث] Паришон тушлар.

Қози бу тушни азғосу аҳломга ҳамл қилиб яна такя қилди, яна бу воқеъани кўрди.

Насойим ул-муҳаббат, 362–363-б.

АЗҲАР [*а.* ازهر] Порлоқ, ёрқин; қуёшга, ойга ишора.

Боргаҳи торами азҳар киби,
Хайли бу торам аро ахтар киби.

Ҳайрат ул-аброр, 204-б.

АЗҲО [*а.* اضحی] Қурбонлик; Қурбонлик байрами, Ийди қурбон, Ҳайит байрами, зулҳижжа ойининг унинчи кунларида ўтказиладиган Қурбон ҳайити байрами.

Ул дебдурки, Ибн Хоббоздин эшиттимки, дедимки, азҳо ийдида Жамра яқинида эрдим.

Насойим ул-муҳаббат, 141-б.

АЙБСИЗ [*а.-т.* عیب سیز] **1** Айби йўқ, беайб; нуқсонсиз, камчиликсиз; **2** Таънасиз, маломатсиз.

Неча фикр қилилса, бу тийра рўзгор нақуҳида атвор мусоҳиблигидин узга айб онда топса бўлмас, аммо айбсиз тенгридур.

Мажолис ун-нафоис, 142-б.

АЙЛАМАМАК [*т.* ایلامامق] Қилинмаслик.

Илож айламамак Илож қила олмаслик; ор қилишлик.

Сурдунг эл кўнглини, сўргил чу дедим кўнглумни,
Решга кимса илож айламамиш, санчиб неш.

Фавойид ул-кибар, 171-б.

Бўлмоқ агар куп эса ҳам базлсоз,
Бергали ор айламамак булса оз.

Ҳайрат ул-аброр, 239-б.

АЙЛАМАКЛИК [*т.* ايلا ماق ليك] Айламоқлик, қилмоқлик, этмоқлик.

Эй Навоий, билки топмас лаълидин қути ҳаёт,
Жонни таслим айламакликда мусаллам булмаган.

Ғаройиб ус-сиғар, 352-б.

АЙНАЙН [*а.* عينين] Ҳақиқатни билувчи, художуй

Ва бу вақтда Юсуф а. с. утуз ики ёшар эрди ва Зулайхо утуз ва бикр эрди. Невчунки, азиз айнайн эрди. Ва Юсуф а. с.ға Зулайходин ики уғул булди.

Тарихи анбиё ва ҳукамо, 126-б.

АЙНАН [*а.* عينا] Худди; узгинаси, ҳеч қандай узгаришсиз, худди узидек.

Эй, жамолинг равзаси фирдавс боғидек жамил,
Лабларингнинг кавсари айнан тусаммо салсабил.

Бадоеъ ул-бидоя, 341-б.

АЙНИЙЯ [*а.* عينيه] Рисола номи.

Ул жумладин бири «Айнийя» рисоласидурким, Ҳазрат Махдуми н. м. н. дебдурки, имом анга битибдурки, равонлиг ва салосатда айтса булурки, назири йуқдур.

Насойим ул-муҳаббат, 283-б.

АЙН [*а.* عين] Асл; улуғ.

Айн уз-замон 1) кипи лақаби; 2) *тасаввуфда* покдомонлик, замоннинг улуғи.

[*Жамолуддин Гилий қ. с.*]. *Арбаъин итмомидин сунграки, улуг маротиб ҳосил булди. Айн уз-замон лакаби бердилар.*

Насойим ул-муҳаббат, 297-б.

Айн ул-қузот 1) асл қозилар, арз-дод тинглайдиганлар; 2) *тариқатда* тасаввуф шайхларидан бирининг лақаби, бу сифат шайхнинг соликлик-да куп иродат кургизиб, ҳақпараст, туғри суз булганлиги учун берилган; Шайх Ҳамадонийнинг лақаби.

Айн ул-қузот тил шарафидин Масиҳ гуфтор булди ва Ҳусайн Мансур тил суръатидин дорға сазовор.

Маҳбуб ул-қулуб, 94-б.

[*Айн ул-қузот Ҳамадоний қ. с.*]. *Куняти ва оти Абулфазойил Абдуллоҳ б. ... Айн ул-қузот лақабидур.*

Насойим ул-муҳаббат, 283-б.

АЙНИЯТ [*а.* عينيت] Улуғ, буюк; тенг, баробар.

... ул сифотидин зоти айнийат мушоҳада қилиб, сабабни мутлақо орадин муртафеъ кўруб...

Хамсат ул-мутаҳаййирин, 13-б.

АЙРУЛУҚ [*т.* ايرولوق] 1 Бошқалик, узгалик.

2 Айрилик.

Мен дедимким, чун санга келмак бизга Ҳақ с. т.ға машғуллуқлардиндур, анинг учун Тенгридин айрулуққа узр қилмасбиз.

Насойим ул-муҳаббат, 91-б.

АЙТГУЧИ [*т.* ایتگوچی] қ **Айтқучи**

Ким сўзни териб айтгучи оғзига бергай,
Молик ани дўзах ўтининг дудига тергай.

Маҳбуб ул-қулуб, 95-б.

АЙТИЛМАМОҚ [*т.* ایتیلما ماق] Айтилмаслик.

...сипеҳр лужжасига ташбиҳ қилилса, дарёсидин қатрае айтилмамиш булғай.

Муншаот, 144-б.

АЙТУЛҒУЛУҚ [*т.* ایتولغولوق] Айтилгулик, айтилганлик, дейилганлик.

Дедимким: «Бу бир иш эди қилғулуқ,
Бу айтилмагон нукта айтулғулуқ.

Садди Искандарий, 564-б.

АЙТҚУЧИ [*т.* ایتقوچی] **1** Айтгувчи, дегувчи, сўзлагувчи.

...етмиш минг қатла «ло илоҳа иллоллоҳ» демакка айтқучининг нажотига ё ҳар кишики, анинг ниятига уқилмиш булғай, тамом асари бор.

Насойим ул-муҳаббат, 387-б.

2 Нотиқ.

... ва зеҳни пок каромат қилибдурки, бу афсоналарни ясаб, бировга боғласалар, эшитган киши инона олмагай, балки жаълийдур деб, айтқучининг такаллумиға қулоқ солмагай.

Мажолис ун-нафоис, 209-б.

3 Ашулачи, хонанда.

Айтқучи ва чолғучи зорлиг ва ийнамак била олғучи.

Маҳбуб ул-қулуб, 31-б.

4 Чақимчи, иккиюзламачи, гап ташувчи, чақмачақар; ғийбатчи.

Ким сўзни териб айтгучи оғзига бергай,
Молик ани дўзах ўтининг дудига тергай.

Маҳбуб ул-қулуб, 95-б.

АЙЮҲАШ-ШАЙХ [*а.* ایهاالشیخ] Эй шайх!

Бир кун Шайх Абу Али Бундор Сайрафий анга дедиким, айюҳаш-шайх, бу не эрдики, санга воқеъ булди, ул иш қайдин тушти?

Насойим ул-муҳаббат, 162-б.

АЛАВИЙ [*а.* علوی] Ҳазрат Алининг авлоди; ҳазрат Алининг издоши ва тарафдори.

Шайх ул-ислом дебдурки, минг икки юздин ортуқ машойихни танирмен, алардин иккиси алавий эрди...

Насойим ул-муҳаббат, 39-б.

АЛ-АДЛ [*а.* العدل] Одиллик, ҳаққонийлик; Аллоҳнинг гузал исмларидан бири.

Адолатқа етганда қилмиш худо,
Ўз отини «Ал-адл» бирла адо.

Садди Искандарий, 116-б.

АЛ-АЗИМ [*а.* العظیم] **1** Энг буюк.

2 Аллоҳнинг сифатлари (исмлари)дан бири.

Ҳар паришон сўзки ёздим, ё карим.
Барчадин астағфириллоҳ, ал-азим.

Лисон ут-тайр, 303-б.

АЛАЙКАБЕК [*а.-т.* عليكـه بيـك] Ҳусайн Бойқаро бекларидан бирининг номи.

«Мир Али Дуст – Рафикий» тахаллус қилур. Алайкабекнинг набираси булур.

Мажолис ун-нафоис, 147-б.

АЛАЙКАССАЛОМ [*а.* عليك السلام] Сенга салом, сенга дуо, сенга олқиш.

Азизе сакраб қупти ва деди: алайкассалом, нечуксен?

Насойим ул-муҳаббат, 34-б.

АЛАЙҲАССАЛОМ [*а.* عليه السلام] Сенга салом.

Абулхайр Тайнотий асҳобидин бири дебдурки, бир кун Шайх ул-туруб эрди, дедиким, ва алайҳассалом! Сўрдумки, малойика салом бердики, жавоб бердинг? Деди йуқ, одамизоддин бирав ҳавога учуб борур эрди, салом берди, жавоб бердим.

Насойим ул-муҳаббат, 150-б.

АЛАЙҲИССАЛОМ [*а.* عليـه السـلام] Улуғлашни ифодалаш мақсадида пайғамбарларнинг исми шарифига қушиб айтилади: унга салом, унга тинчлик-омонлик бўлсин; унга саломлар бўлсин, унга мақтовлар бўлсин.

Улусни тутти Навоий сузи, анинг бирла
Магар Расули алайҳиссалом қилди ҳадис.

Бадоеъ ул-бидоя, 98-б.

АЛАЛ-ИТЛОҚ [*а.* علىالإطلاق] 1 Умуман, умумий равишда, барча-барчаси.

Муножот ул карими Халлоқ ва мукрими алал-итлоққаким, караминнинг «коф»и саркашлик билан ёзуқ «қоф»ини ерга паст қилур.

Садди Искандарий, 15-б.

2 Мутлақо, тамоман.

Даҳр халқиға сен келиб халлоқ,
Халқ аро Холиқи алал-итлоқ.

Сабъаи сайёр, 13-б.

АЛАЛ-ХУСУС [*а.* علي الخصوص] Айникса, хусусан.

[*Хожа Муҳаммад Порсо р. т.*]. *Таважжуҳ била ўзига фуру бормоқ ва хавотир нафйи алал-хусус таманнинг хотири ҳол ва мозий ва мустақбал нисбатига яхши муассирдур.*

Насойим ул-муҳаббат, 270-б.

АЛАМНОК [*а.-ф.* المناك] Аламли, дардли, қайғули, ғам-аламли.

Кишининг неча кўпрак гавҳари пок,
Анинг бедодидин кўпрак аламнок.

Фарҳод ва Ширин, 422-б.

АЛАН [*а.* علن] Очиқ, ошкор, руй-рост, белгили, ошкоро.

Ғайр нақшидин этиб лавҳи замирин софий,
Ёр қолғай доғи ул балки бири сирру алан.

Наводир уш-шабоб, 319-б.

АЛАФБАҲО [*а.* الفبا] Солиқ номи, солиқ тури, экиннинг кукига қараб белгиланган солиқ тури.

Бирисидин «алафбаҳо» кутариб,
Сабзаи умри айшдин кукариб.

Сабъаи сайёр, 66-б.

АЛ-БАҚАРА [*а.* البقرا] Қуръони каримнинг иккинчи сураси номи.

...ва мусаннафотидин бири «Жавоҳир ут-тафсир»дурким, «Ал-Бақара» сурасин бир мужаллад битибдурким, мунсифи қатъ била юз жуз булгай.

Мажолис ун-нафоис, 119-б.

АЛВОҲ [*а.* الواح] **1** Лавҳлар, текис тахталар.

2 Равшан нарсалар.

Бу маҳд алвоҳига қилгон нигориш,
Бу янглиг қиссага берди гузориш.

Фарҳод ва Ширин, 245-б.

АЛИМ [*а.* علیم] **1** Олим, доно, билимли.

Эрур ҳаййю алиму яна қодир,
Муриду ҳам самеъ улдиву нозир.

Сирож ул-муслимин, 277-б.

2 Аллоҳ таолонинг сифат (исм)ларидан бири, илмлар соҳиби.

Алимеки, йуқтур бидоят анга,
Азимеки, йуқтур ниҳоят анга.

Ғаройиб ус-сиғар, 525-б.

АЛИФСИЗ [*а.-т.* الف سز] Абжад ҳисобида бир рақамига тенг булган эски ўзбек ёзувидаги биринчи ҳарф – алиф (١)сиз.

Гар имон элга раҳматдин нишондур,
Ва лекин чун алифсиздур ямондур.

Фарҳод ва Ширин, 49-б.

АЛКАҲФ [*а.* الکهف] Қуръони мажиднинг ўн саккизинчи сураси номи.

Деди: Расул с. а. в. дебдурки, агар менинг отимга «Ал-Каҳф»дин ўзга сура инмаса эрди, ҳам кофий эрди.

Насойим ул-муҳаббат, 221-б.

АЛЛАМАЛ [*а.* علمل] Қуръони карим сўзи: «Алламал инсона маълам яълам» («У инсонга (инсон) билмаган нарсани ургатди»).

Алламал инсонга чун айлаб мушарраф ер бериб,
Тахти жоҳу ишрат узра равзаи ризвон аро.

Фавойид ул-кибар, 8-б.

АЛЛОҲ [*а.* الله] Исломда бутун мавжудотни яратган Олий илоҳий куч, Яратувчи.

Аллоҳус самад У (Аллоҳ) ҳеч бир нарсага эҳтиёжсиз ва ҳеч бир нарсага муҳтож эмас. Барча ҳожатларни сурайдиган Зотдир: итоат қилинган буюк; Усиз ҳеч бир иш битмайди; ҳеч кимга ҳожати тушмайди. ҳамманинг ҳожати Унга тушади. Бутун махлуқот ва наботот битиб тугаса ҳам, Ўзи доим абадийдир.

Эй Навоий, десанг ихлос ила бу сирни тилай
Қулҳуаллоҳу аҳад, сўнградур Аллоҳу самад.

Фавойид ул-кибар, 91-б.

АЛ-МУТАКАЛЛИМ [*а.* المتکلم] Такаллумли, нотиқи мутлақ; Аллоҳ таолонинг сифатларидан бири.

Бу бандага ҳам чун бу навъ азим давлатки, ҳаق субҳонаҳу ва таолонинг «Ал-мутакаллим» деган исмига маҳҳарият бўлгай...

Муҳокамат ул-луғатайн, 39-б.

АЛ-МУТАХАЛЛИС [*а.* المتخلص] Тахаллусли.

...назм гулистонининг андалиби нағмасаройи, яъни Алишер ал-мутахаллис бин Навоий.

Муҳокамат ул-луғатайн, 8-б.

АЛОМОНЛИҒ [*а.-т.* الامان لیغ] Саргардонлик, хонумонсизлик, уй-жойсизлик, бекас-бечоралик, хонавайронлик.

Хонумоним гаҳ бало тоғи, гаҳе ғам даштидур,
Буйла ким курди алохонлиғ, аломонлиғ доғи.

Бадоеъ ул-васат, 434-б.

АЛОҚАДР [*а.* علی قدر] Меъёрига кўра..., мос келишга кўра..., лаёқатига кўра...

... хоҳ авлиё гуруҳи, хоҳ сойири нос жамоати алоқадри маротибиҳим ҳар бири ўз ерида мураттабдур.

Садди Искандарий, 194-б.

АЛОҲОЗАЛ-ҚИЁС [*а.* علی هذاالقاس] Қиёс қилиб бўлмас даражада; қиёси йўқ, беқиёс, қиёсдан ташқари.

Жонга лаълингдин бир ўпмакдур қиесан илтимос,
Лаълинга ҳам жонни қуйдурмоқ алоҳозал-қиёс.

Наводир уш-шабоб, 168-б.

АЛТАФ [*а.* الطف] Латифроқ, нозикроқ, нафисроқ; лутфлар, марҳаматлар.

Бу сўз к-офаринишдин ашрафдурур,
Анинг даги мавзуни алтафдурур.

Ғаройиб ус-сиғар, 528-б.

АЛФИРОҚ [*а.* الفراق] Ўзидан кетганда ва ҳижрон ўртаган онларда айтиладиган нидо калимаси. Мумтоз адабиётда кўпинча ундов сўз тарзида ишлатилади (Ажралишганимиз бўлсин! Ажралайлик!).

Тоғу фалакларда тароқо тароқ,
Борча тароқида аён алфироқ.

Ҳайрат ул-аброр, 24-б.

АЛЪАМОН-АЛЪАМОН [*а.* الأمان الأمان] **1** Раҳм-шафқат, ёрдам сураш учун айтиладиган ундов сўз.

2 *тасаввуфда* Солик ёки дарвешнинг Аллоҳ таолодан омонлик ва паноҳ тилаб оҳу нола қилаётган пайтда айтиладиган нидо калимаси: Илтижо-илтижо! Ёрдам бер-ёрдам! Панoҳ бер-панoҳ! Қутқар-қутқар!

Чу бир дамга йуқтур кишига зимон,
Фалак зулмидин алъамон-алъамон!

Садди Искандарий, 470-б.

АЛҚИССА [*а.* القصه] **1** Ниҳоят; хулоса.

Боқиб табассум этар пири дайру мугбача ҳам,
Бу дайр аро кулар алқисса шайху шоб менга.

Наводир ун-ниҳоя, 31-б.

2 Хуллас.

Шайхқа алқисса етти чун фарог,
Дайр ишидин Каъбага айлаб ярог.

Лисон ут-тайр, 135-б.

3 Хулласи калом, шундай қилиб.

Ул шух кунгул лавҳин этиб тийра нафасдин,
Бир тифлдур алқиссаки, кузгу била уйнар.

Бадоеъ ул-васат, 124-б.

4 Қисқаси, бир сўз билан айтганда.

Етти алқисса чун муродиға шоҳ,
Сунггидин етти борча хайлу сипоҳ.

Сабъаи сайёр, 374-б.

5 Кичик қисса, қисқа қисса.

Заруратдин алқисса ҳар ҳол ила,
Анинг қиссасин сурдум ижмол ила.

Садди Искандарий, 133-б.

АЛҲАЗАР [*а.* الحذر] Нидо калимаси: Ҳазар қил! Ҳазар эт! Сақлан, сақлан!, Огоҳ бул! Хабардор бул! Ҳушёр бул!

Алҳазар айламак Сақланмоқ, ҳазар қилмоқ.

Қаёнким тавсанин айлаб равона,
Йироқтин алҳазар айлаб замона.

Фарҳод ва Ширин, 239-б.

АЛҲАМД [*а.* الحمد] Қуръони каримнинг биринчи «Фотиҳа» сураси бошланиш ояти.

Бурун «алҳамд»ни қилмоқ қироат,
Яна бир сура анга қилмоқ изофат.

Сирож ул-муслимин, 283-б.

АЛҲАМДУЛИЛЛОҲ [*а.* الحمد لله] **1** Аллоҳга шукр, Худога шукр, Худо ҳаққига шукр, Ўзингга шукр.

Юзунг кўрди кўзум алҳамдулиллоҳ,
Сени топти узум алҳамдулиллоҳ.

Фарҳод ва Ширин, 179-б.

2 Барча сано ва мақтовлар Тангри таолога махсусдир.

Алҳамдулиллоҳ валминна бу учурда ҳукм йўсуни била форсий паришон абёт ва пароканда ашъорни йиғиб, девон йўсунлуқ жилд қилиниб эрди.

Муншаот, 219-б.

АМАКИЗОДА [*а.-ф.* عمكي زاده] Ака-укаларнинг ўғил-қизлари, амаки фарзандлари, амаки қариндошлари.

Дедим: агар бир руқъа амакизодаларингга битилса, сенинг ҳолинг риояти қилурлар.

Насойим ул-муҳаббат, 487-б.

АМИН [*а.* امن] **1** Омонатни яхши сақловчи, хиёнат қилмайдиган, ишончли.

2 Муҳаммад (с. а. в.)нинг сифатларидан бири.

Деб лақабин аҳли тажаммул Амин,
Андин улуб ҳамдами Руҳул-амин.

Ҳайрат ул-аброр, 36-б.

АМКИНА [*а.* امكنه] Жой, урин, ер, муқаддас ерлар, муқаддас жойлар, муқаддас макон.

Қачон ул руҳи мусавварки симоъ ичра кирар,
Эврулур бошиға қудс амкинасидин арвоҳ.

Фавойид ул-кибар, 78-б.

АММА [*а.* عمه] Отанинг опаси ёки синглиси.

[*Умми Муҳаммад р. т.*]. *Шайх Абдулқодир Гилонийнинг аммасидур.*

Насойим ул-муҳаббат, 490-б.

АММАЗОДА [*а.-ф.* عمزاد] Опа-сингилларнинг ўғил-қизлари, амманинг фарзандлари, амманинг уруғ-аймоқлари.

Шайх Абулазҳар Истахрий дебдурки, ул аммазодасиға мубтало булди ва ани никоҳиға киюрди.

Насойим ул-муҳаббат, 153-б.

АМРАД [*а.* امرد] Куса, соқолсиз; соқол-мўйлови сийрак ёки йўқ, ёшлигидан то кексайгунга қадар юз-чаккаларига тук чиқмаган киши.

Шайх Рукнуддин Алоуддавла қ. с. буюрубдурки, улки дерлар амрад эрмиш, Ҳазрат Шайх хидматиға етибдур, хилоф воқеъдур.

Насойим ул-муҳаббат, 292-б.

АМРАҚ [*а.* امرق] **1** Улфат, дўстлик; маҳбуб, марғуб.

2 Овунчоқ.

3 Ишқ билан исиган соф кунгил.

Бу балоға не даводурки, Навоийни ул ой
Нечак кўрса, муни ишқ анга амрақ этадур.

Ғаройиб ус-сиғар, 135-б.

АМРСИЗ [*а.-т.* امرسز] **1** Буйруқсиз, ҳукмсиз, фармонсиз, фармойишсиз.

2 Ишсиз, ҳаракатсиз.

Не қадаме амрсиз олиб не дам
Борча вужуд аввалидин то адам.

Ҳайрат ул-аброр, 103-б.

АМР I [*а.* امر] Буйруқ.

АМР II [*а.* امر] Иш, юмуш, ҳаракат; воқеа.

Амру Зайд 1) ҳаёт ва туҳфа.

Риштаи тазвир ўлуб ўзига қайд,
Лек арода мужрим ўлуб Амру Зайд.

Ҳайрат ул-аброр, 226-б.

2) узбекча «Эшмат, Тошмат» иборасига тўғри келади.

Агар мен ва агар сен ва гар Амру Зайд,
Керакмасдурур рубъи маскунга қайд.

Садди Искандарий, 280-б.

АМУД [*а.* عمود] **1** Чодир устун.

2 Гурзи.

3 Перпендикуляр.

...нур мунқатеъ булғондин сунгра мен сўзни бас қилдим, яъни ул нурдин амуд осмондин илоҳий мададининг сурати эрди.

Насойим ул-муҳаббат, 411-б.

АМУДИЙ [*а.* عمودي] Устундек.

Нури амудий Узунчоқ нур, устундек нур; дастакка ўхшаган бир нур.

Анга дедиларки, фалон дедики, шайх суз айтур эрди, кўрдумки, осмондин бир нури амудий шайхнинг оғзига муттасил эрди.

Насойим ул-муҳаббат, 411-б.

АМУЗОДА [*а.-ф.* عموزاده] Амманинг ўғил-қизлари.

Ва анинг Исмоил а. с. қизидинки амузодаси эрди, беш ўғли бор эрди.

Тарихи анбиё ва ҳукамо, 121-б.

АНАЛЛОҲ [*а.* اناالله] **1** Мен Аллоҳман, Мен Худоман.

2 Қуръони карим [«Тоҳо» сураси, 14-оят] сузи.

Дарахтдин Аналлоҳ садоси чиқди. Мансур аналҳақ деса, ажаб эмас...

Насойим ул-муҳаббат, 438-б.

АНАЛҲАҚ [*а.* اناالحق] Мен ҳақман, мен ҳақиқатман, мен худоман.

Мансур «аналҳақ» деса, ажаб эмас...

Насойим ул-муҳаббат, 438-б.

АНАС [*а.* انس] Чин дўст, ҳамдард.

Навоий ўлмади ровий ҳадисидин хушҳол,
Ки бу ҳабибу анис айтур ул ҳабибу анас.

Фавойид ул-кибар, 158-б.

АНБАР [*а.* عنبر] **1** Мушк каби бир хил мулойим, мумдек хушбуй қора ёки кулранг модда (парфюмерияда амбра).

2 Зулф, соч.

Рухсори жонибида ул холи анбаролуд,
Ўт гушасида гўё анбар тушуб қилур дуд.

Бадоеъ ул-васат, 96-б.

АНБАРОЛУД [*а.-ф.* عنبرالود] Анбар аралаш, тим қора ва хушбўй.

Рухсори жонибида ул холи анбаролуд,
Ўт гушасида гўё анбар тушуб қилур дуд.

Бадоеъ ул-васат, 96-б.

Юзи ўтида зулфи анборолуд,
Ул ўтқа чун ёғиб ашки, чиқиб дуд.

Фарҳод ва Ширин, 360-б.

АНБАРОМЕЗ [*а.-ф.* عنبرآميز] Хушбуйроқ; хушбуй ҳид аралаш, анбарга қоришган.

Юз уза зулфунгни қилдингму паришон ноз ила,
Ким гаҳи гулбору, гоҳи анбаромез эсти ел.

Фавойид ул-кибар, 158-б.

АНБАРФОМ [*а.-ф.* عنبرفام] Анбар тусли, тим қора тусли.

Анга тегурки мушк сочиб шом,
Қилди олам юзини анбарфом.

Сабъаи сайёр, 140-б.

АНБОН [*ф.* انبان] **1** Турва, халта.

2 *тасаввуфда* Солик ёки дарвешлар йўл юрганларида ўзлари билан бирга олиб юрган турва-халталари «анбон» деб ҳам юритилган.

[*Мир Ғиес қ. р.*]. ... *ул вақт биёбон эрди, сокин булди. Бир кеча Иброҳим Халил била Ҳазрат Рисолат с. а. в. ни воқеъда курдики, келурлар ва Амир ул-муъминин Али р. а. ҳам алар биладур. Бир анбонда тула утмакдур.*

Насойим ул-муҳаббат, 410-б.

АНБОР-АНБОР [*ф.* انبار انبار] **1** Хирмон-хирмон, уюм-уюм.

2 Хашак-хашак.

Ўкулган нофадин харвору харвор,
Тўкулган мушк худ анбор-анбор.

Фарҳод ва Ширин, 121-б.

АНВАРВАШ [*а.-ф.* انورویش] Энг порлоқ қуёш каби, қуёшга ўхшаш, қуёш монанд.

Шоҳ ул шуъулада самандарваш,
Не самандарки, меҳри анварваш.

Сабъаи сайёр, 178-б.

АНВОР [*а.-ф.* انوار] Нурлар, ёруғликлар.

Анвори шоҳий Шоҳлик белгиси; шоҳлик нури, улуғ куриниш.

Сўзидин зоҳир асрори илоҳий,
Жамолидин аён анвори шоҳий.

Фарҳод ва Ширин, 273-б.

АНГЛАҒУЧИ [*т.* انگلاغوچی] Англагувчи, тушунгувчи; фаҳм этгувчи; билгувчи.

Ва Марвга келди ва деди: шаҳрдин шаҳрга кезармен, бир эшитиб, англаҒучининг орзусида!

Насойим ул-муҳаббат, 123-б.

АНДИҒ [*т.* اندیغ] **1** Бироз, озгина, пича.

2 Атрофи, гардиши.

Агар баъзи мазкур булгон азизлардин кичик булса, баъзиси улуқтур ва агар баъзи ишлари андиг уксук булса, баъзиси ортукдурким, кўпига бу фақири мазлум номақдур риоятлар еткурубдур.

Маҳбуб ул-қулуб, 74–75-б.

АНДОМЛИҒ [*ф.-т.* اندام لیغ] **1** Баданлик, жисмлик, танлик, буйлик, қадди-қоматлик.

2 Таносиблик, ўхшовлик, тартиблик.

Эрмас ўтлуг кўнглум оғзинг нақшидур кўксум аро,
Қатрайи қон оташинг гул ғунчаси андомлиг.

Ғаройиб ус-сиғар, 246-б.

АНДУҲГИН [*ф.* اندوهگین] **1** Ғамга ботган, ғам босган, ғамнок.

Бадан дарддин ранжаву хаста доғи,
Кўнгул ҳажрдин зору андуҳгин ҳам.

Наводир уш-шабоб, 313-б.

2 Ғамгин, дард-аламли, қайғули; маъюс, хафа.

Ва ҳам ул дебдурки, андуҳум андин эмаски, андуҳгиндурмен. Андуҳим андиндурки, андуҳгин эмасмен!

Насойим ул-муҳаббат, 483-б.

3 Ботинан озурда; кулфатли

[*Шайх Абу Али Даққоқ р. т.*]. *... ва кунас сари боқиб айтур эрди: мулк саргардони, бу кун нечук эрдинг ва нечук ўткардинг, ҳеч ерда бу ҳадиснинг андуҳгиниға партав солдингму ва ҳеч ерда бу ишнинг зеру забар булғанларидин хабар олдингму?*

Насойим ул-муҳаббат, 205-б.

АНЖУМАНСОЗ [*ф.* انجمن ساز] Ақлли, доно, донишманд.

Борин ҳозир этти тузуб анжуман,
Деди анжумансози лашкаршикан.

Садди Искандарий, 242-б.

АНЖУМОЙИН [*ф.* انجم نما] Юлдуздек юмалоқ, юлдуз каби думалоқ

Топиб анжумойину табъин тамом,
Тибои маволиди сифлий мақом.

Садди Искандарий, 395-б.

АНЖУМСИПОҲ [*ф.* انجم سپاه] 1 Аскари юлдуздай кўп, сон-саноқсиз; дурлардай ҳисобсиз.

Ки тўртунчи хайл улча шоҳ эрдилар,
Фалакқадру анжумсипоҳ эрдилар.

Садди Искандарий, 83-б.

Скандар хаёли буким субҳгоҳ,
Таҳаррук топиб хайли анжумсипоҳ.

Садди Искандарий, 335-б

2 Лашкарбоши

Шоҳ Шужоъдек олийқадр подшоҳлар ва рафеъмартаба анжумсипоҳлар рангин абёт ва ширин ғазалиёт айттилар.

Муҳокамат ул-луғатайн, 35-б.

АНЖУМЧА [*ф.-т.* انجمچه] 1 Юлдузлардай юксак.

2 Улкан, энг юқори даражали.

Афлокча тахти иқтидоринг бўлсун,
Анжумча сипоҳи бешуморинг бўлсун.

Муншаот, 228-б.

АНКАЛ [*а.* عنكل] Мубтало, гирифтор, боғланиб қолган, берилиб қолган, ошиқ; тутқун.

Куйидин қавланг ҳавосу ақлни, эй дарду ишқ,
Анда саргардон Навоийнинг вале анкал қилинг.

Наводир уш-шабоб, 260-б.

АНОСИЗ [*т.* انايسز] Беона, волидасиз.

Масиҳо бирла Маръямдин қиёс эт,
Ки имкон йўқтурур бўлмоқ аносиз.

Бадоеъ ул-васат, 490-б.

АНТА [*а.* انت] Сен.

Инни минка анта минни Мен сендаман, сен мендадурсан.

Анинг сариким, ўзи улу ул ўзидур,
Барча «инни минка анта минни» сўзидур.

Назм ул-жавоҳир, 123-б.

АНШИ [*т.* انشی] Хушҳол, мамнун, хурсанд.

Кишвар анга нуру сафо хиттаси,
Анши этиб ҳамду сано хутбаси.

Ҳайрат ул-аброр, 87-б.

АНҲОРЧА [*а.-т.* انهارچه] **1** Дарёдай юксак.

Жаннату тажри таҳтуҳол-анҳорча Боғлар, тагидан оқиб турадиган сувлар каби.

2 Улкан, энг юқори даражали.

Куйини ул ҳурнинг селоби ашким касрати,
Айламиш жаннату тажри таҳтуҳол-анҳорча.

Фавойид ул-кибар, 355-б.

АРАБИЯ [*а.* عربيه] Арабий, араб тили, араб тили илмлари.

[*Хожа Авҳаз Муставфий к. с.*]. *Донишвар киши эрди. Дерларки, улуми арабиядин воқифдур.*

Насойим ул-муҳаббат, 440-б.

АРАС [*а.* عرس] Ўрта асрларда Сирдарё (Сайхун дарёси) Арас ҳам дейилган.

Баҳри ишқ ичра, Навоий, ошнолиг топмадинг,
То бу бир кўзни Арас, ул бирни Ому килмадинг.

Бадоеъ ул-васат, 255-б.

АРАСТУШУКУҲ [*ю.-ф* ارستوشكوه] **1** Машҳур Юнон файласуфи Арастудай улуғвор.

2 Шон-шавкатли; салобатли.

Бори ҳикматойину донишпужуҳ,
Филотунманиш, бал Арастушукуҳ.

Садди Искандарий, 298-б.

АРАФА [*а.* عرفه] **1** Арабистондаги бир тоғ номи.

2 Рамазон ёки Қурбон ҳайитидан олдинги кун; диний таомилга кура, ҳожилар ҳар йили зулҳижжа ойининг тўққизинчи куни Арабистондаги Арафа ёки Арафот тоғида йиғилишади.

Сендин бизга мундоқ етибдурким, арафа куни ўз ерингдин чиқарсен ва сойир ҳужжож била Арафот мавқеъида ҳозир булурсен.

Насойим ул-муҳаббат, 174-б.

АРБАДАЖУ [*а.-ф.* عربده جو] **1** Урушқоқ, жанжал кутарувчи; шовқин-сурон қилувчи, бақирувчи, қичқирувчи, тупаланг қилувчи.

2 Бадмастлик, бемаъни валақловчи, ёмон қилиқли.

Саломат аҳли, тутунг дину офиятқа азо,
Ки масту арбадажу чиқти номусулмоним.

Фавойид ул-кибар, 277-б.

АРБАЪИНОТ [*а.* اربعينات] Қирқ кун чиллада ўтириш, чилла утириш, қирқ кун хилватда ибодат қилиш.

Шайх Рукнуддин Алоуддавла қ. т. с. ким, авойилда анда булур эркандур ва арбаъинот анда чиқарибдур...

Насойим ул-муҳаббат, 282-б.

АРЖУМАНД [*ф.* ارجمند] Азиз, ҳурматли, қадрли, қимматли.

Инсоният боғининг дилписандроқ шажари эҳсондур ва одамийлиқ конининг аржумандроқ гавҳари ҳам эҳсондур.

Маҳбуб ул-қулуб, 77-б.

АРМАНИВОР [*а.-ф.* ارمني وار] Арманий каби, арманийдек, арманий монанд.

Мени чун қилди моҳи Армани зор,
Чекай бир неча соғар арманивор.

Фарҳод ва Ширин, 222-б.

АРМАНИЯ [*а.* ارمنيه] Арманистон ва арман халқи номи

Ки чун хайлни ҳайрат қилиб данг,
Қилибон Армания сари оҳанг.

Фарҳод ва Ширин, 232-б.

АРҚАМ [*а.* ارقم] Оқ-қора илон, олачипор илон, холдор илон

Ҳар эски ёгочини қўнгорурга фалак пили субҳ хартуми била ажз зоҳир қилиб... эашроти маҳбатидин рузгори букаламун арқами бир пайса таноб ва сабоъи салобатидин чархи дун асадига паргиздин ясагон шерча ҳисоб.

Муншаот,147–148-б.

АРҒАДОЛ [*т.* ارعدال] **1** Тепа; тоғ ва тепанинг пастқам жойи.

Зулфининг ҳар чинида юз фитнадур дин аҳлига,
Арғадол ичра қароқчи айлаган янглиг камин.

Наводир уш-шабоб, 328-б.

2 Пистирма, пана жой.

Арғадол ичра қароқчи махфий улгондекдурур,
Фитна хайлига панаҳ зулфунг доғи чину шикан.

Наводир уш-шабоб, 364-б.

АРҒАМЧИ [*т.* ارغمچی] Арқон, ингичка арқон.

Илоҳи, гар дастгир сен бўлмасанг, асо ҳамону ит ганчиси ҳамон ва агар пардапуш сен бўлмасанг, ридо ҳамону эшак арғамчиси ҳамон.

Муножот, 296-б.

АРҒУВОНРАНГ [*ф.* ارعوان رنگ] Қизил, қизил ранг, қизил тусли ранг.

Бўлуб жилва қилгон замон арғувон,
Туни арғувонранг, лек навжувон.

Садди Искандарий, 404-б.

АРҲАМ [*а.* ارحم] Раҳмли, шафқатли, меҳрибон.

Арҳам ар-роҳимин Раҳмлилар раҳмлиси

Илоҳи, арҳам ар-роҳимин – сен ва мен тийра рўзгор.

Муножот, 294-б.

АСАДУЛЛОҲ [*а.* اسدالله] Аллоҳнинг шери.

Асадуллоҳ ул-ғолиб 1) Аллоҳнинг енгилмас шери; жасур, ботир; 2) ҳазрат Али (к. в.) сифатларидан бири; музаффар, ғолиб халифа Али (к. в).

Валоят дарёсининг гавҳари ва ҳидоят сипеҳрининг ахтари асадуллоҳ ул-ғолиб, Амир ул-муъминин Али ибни Абу Толиб, ризо мақоми таърифида...

Маҳбуб ул-қулуб, 64–65-б.

АСА(М)М [*а.* اصم] **1** Кар, гаранг, қулоғи оғир, қулоғи эшитмайдиган киши.

2 Қаттиқ, маҳкам.

[Ҳотам Асамм қ. с.]. Дерларки, асамм эмас эрди ва бир амре воқеъ булдики, ани Асамм дедилар.

Насойим ул-муҳаббат, 53-б.

АСАРИЧА [*а.-т.* اثري چه] Кейинича.

Соҳиби ҳар неча интизор тортибдурлар. Ул пайдо булмайдур. Оқибат ани тилай асарича борибдур. Курубдурки, ул ултурубдур.

Насойим-ул муҳаббат, 85-б.

АСАҲ [*а.* اصح] Энг туғри, дурустроқ, туғрироқ, тузукроқ.

Аммо асаҳ улдурким тиҳа балийяси айёмида эркандур.

Тарихи анбиё ва ҳукамо, 146-б.

Ва дебдурларким, асаҳ улдурким, Ҳизқил а. с. булғай.

Тарихи анбиё ва ҳукамо, 151-б.

АСМО [*а.* اسما] Исмлар, номлар.

Асмои ҳусна 1) барча нарсаларнинг исмлари.

...Ҳақ субҳонаҳу ва таоло асмои ҳуснани анга ургаттиким ва «аллама одамаал асмоа куллаҳо» ва молойикайи муқарраб анинг илмига муътариф булдилар.

Тарихи анбиё ва ҳукамо, 99-б.

2) Аллоҳнинг 99 та (исми) сифатига ишора.

Исминг жамъи сифоти – асмои ҳусна, раҳмонлиг ва раҳмлиғинг-га юз минг ҳамду сано.

Муножот, 293-б.

АСО [*а.* عصا] Ҳасса; Мусо пайғамбарнинг афсонавий таёғи.

Асо ахзар Яшил ранг, абадийлик; яшовчанлик рамзи.

Хирқаси ахзару асо ахзар,
Гўйи ул эрди Хизр Пайғамбар.

Сабъаи сайёр, 217-б.

АСОЙЛАМОҚ [*т.* اسايلا مق] Асовланмоқ, қизишмоқ, ёнмоқ.

...Ҳақ с. т. халқдин ваҳшат берди, андоқки ҳозирдин асойламассен ва ғайбни тиламассен, билки иродаси улдурки, санга узи била унсу ором бергай.

Насойим ул-муҳаббат, 146-б.

АСРАЪ [*а.* اسرع] Энг тез, энг суръатли.

Бу не рокибдуру маркабки, жавлон вақти бор эрди,
Қуёшдин пояда аъло, фалакдин пўяда асраъ.

Бадоеъ ул-бидоя, 256-б.

АСРАҒУЧИ [*т.* اسراغوچی] Сақлагувчи, асрагувчи.

Ато-онангга раҳмат, эй ўғилким, кўрмамиш сендек
Не ул тўққуз ато бал не бу тўрт асрағучи доя.

Фавойид ул-кибар, 367-б.

АСРАҒУЛУК, -луқ [*т.* اسراغولوك//اسراغولوق] Сақлагулик, асрагулик.

Сувдин асрағулукдур туфроқ ва балчиғ уйин.
Ва утдин асрағулуқдур, яғоч ва қамиш уйин.

Маҳбуб ул-қулуб, 126-б.

АСЪИЛА [*а.* اسئله] Савол; асъилаву ажвиба – савол-жавоб.

Анинг била Хожа Носируддин Тусий орасида асъилаву ажвиба воқеъ булубдур.

Насойим ул-муҳаббат, 396-б.

АСҲОБ [*а.* اصحاب] **1** Қавм.

Асҳобил фил Қуръони каримнинг «Фил» сурасида хабар келтирилишича, исломдан илгари утган Абриҳа исмли Яманга ҳоким қилиб тайинланган ҳабашистон (эфиопия)лик тарихий бир шахс филлар ҳужуми билан Макка шаҳридаги Каъбани вайрон қилишга отланади. Бироқ жанг чоғида Аллоҳнинг иродаси билан осмондан Абобил қушлари учиб келиб, душманлар устига тош ёғдиради ва Абриҳа ва унинг қавми қирилади. Тарихда Пайғамбаримиз Муҳаммад (с. а. в.)нинг таваллуд топишларидан эллик кун олдин содир булган бу воқеа «Фил минган аскарлар», «Фил жанги» ёки «Фил қавми» номи билан хотирланади. Зеро, Муҳаммад (с. а. в.)нинг «Фил йили»да туғилганлар дейилиши ҳам шунга ишорадир.

Курки не бир лаҳзада булди қатил.
Тайри абобил ила асҳоби фил.

Ҳайрат ул-аброр, 320-б.

Асҳоби ямин Туғри, рост йулдан юрувчи саҳобалар.

Шодлиқ асҳоби ямингa рақам,
Сафҳалари лавҳига етмай қалам.

Ҳайрат ул-аброр, 105-б.

АСҲОБУР-РАЪС [*а.* اصحاب الرأس] **1** Раъс дўстлари, Раъс суҳбатдошлари (Раъс – тарихий шахс номи).

2 Фаҳш аҳли, фоҳишалар. Диний манбаларга кўра, қадимда (Ғарб мамлакатида) Самуд авлодидан Раъс исмли бир худопараст подшоҳ булган. Бироқ у умрининг охирларида ўз тожу тахтига мағрурланиб, худоликни даъво қилади. Унинг даврида фаҳш ишлар авжига чиқади *Ва хотунлар чарм ва теридан олат ясаб, узларига истиъмол қулурлар эрди. Ва ҳоло гуёки бу навъ зуафони Раъс ҳам дерлар.* (Тарихи анбиё ва ҳукамо, 111-б.). .. Раъс ҳақ ҳукми била жазога мустаҳиқ булади. Аммо у шунда ҳам тақдир ҳукмига ишонмай, бир мис қопламадан ясалган қурғонга кириб яширинади, аммо бу фойда бермайди. Зеро, Қуръони каримда: «Валав кунтум фи бурувжим мушайядатин (Қаерда булмангиз, ҳатто мустаҳкам қалъалар ичида булсангиз ҳам ўлим сизларни топиб олур)», дейилган [«Нисо» сураси 78-оят].

Хантила бинни Сафвон Қаҳр бинни Қаҳитон ўғлидур. Они Тенгри таоло Асҳоб ур-Раъсқаким, Каломуллоҳда мазкурдур, йиборди. Ва Раъс подшоҳе эрди. Самуд наслидин.

Тарихи анбиё ва ҳукамо, 111-б.

АТО-АНОЛИҚ [*т.* اتا انالیق] Ота-оналик.

Андоқ чу тузилди кадхудолиқ,
Бу навъ улди ато-анолиқ.

Лайли ва Мажнун, 10-б.

АТОРИД [*а.* عطارد] **1** Меркурий сайёраси. У мумтоз адабиётда, купинча, «Дабир» ва «Тир» номлари билан юритилади.

Агар толеъида юз иқбол эрур,
Аторид вале анда бадҳол эрур.

Садди Искандарий, 202-б.

2 Осмон котиби, фалак котиби.

Аторидки, мавлойи даргаҳнишин,
Қачон хома йунса булуб резачин.

Садди Искандарий, 45-б.

Рақам азмиға йунгач хома бошин,
Аторид йигди сочилгон тарошин.

Фарҳод ва Ширин, 42-б.

3 Киши исми маъносида истиора санъати ишлатилган; Суҳайло.

Ки, ҳамраглиг этиб иқболи жовид,
Аторуд сори келмиш ойу хуршид.

Фарҳод ва Ширин, 137-б.

АТОРУД [*а.* عطارد] қ. **Аторид**.

Равон хоманг учун айлаб мураттаб,
Аторуд куз қаросидин мураккаб.

Бадоеъ ул-бидоя, 18-б.

АТОРУДСОН [*а.-ф.* عطارد نسل] **1** Меркурий сайёраси каби, Аторудга ўхшаш, Аторуд монанд.

2 Осмон котиби сингари.

Мулкоронинг турт равзаи, Эрам монанд била турт қасри фалак пайванд иморатин тўрт айириб ҳар бирига Зуҳалваш саркор ва Аторудсон меъмор таъйин қилиб рубъи маскундек ободлиғига машғул булгони.

Фарҳод ва Ширин, 79-б.

АТТОРЛИҒ [*а.-т.* عطار نبع] Атирфурушлик, атирчилик; турли дориворлар ва хушбўй нарсалар сотиладиган дўкон.

[*Шайх Фаридуддин Аттор Нишобурий* رح. *с.*]. *Тавбаларига сабаб бу булгондурки, бир кун атторлиг дуконида муомалага машгул ва машъуф эмишлар.*

Насойим ул-муҳаббат, 459-б.

АФГАНЛИК [*ф.-т.* افگن لیك] Отувчилик.

Муборизи афганликлари ўз ҳолига, сафшиканликлари уз ясолиґа.

Маҳбуб ул-қулуб, 18-б.

АФГОРЧА [*ф.-т.* افگار چه] Жароҳатланган, хасталанган; эзилган, ғам еган.

Хотири афгорча Жароҳатланган кўнгил.

Гарчи даврон хоридин гул яфрогидур юз тешук,
Ҳажр нешидин эмас бу хотири афгорча.

Фавойид ул-кибар, 354-б.

АФЛОКИЙ [*а.* افلاكی] Осмоний, фалакий.

Зиҳи йўлунгда бир афтода одами хокий,
Ҳавойи ишқингда саргашта меҳри афлокий.

Фавойид ул-кибар, 438-б.

АФЛОКСАЙР [*а.* افلاك سیر] Фалакни сайр этувчи.

Бу ашжор учида ҳар жинс тайр,
Булуб тойир улгонда афлоксайр.

Садди Искандарий, 311-б.

АФСАРПАРАСТ [ф. افسرپرست] Тожпараст, подшо(ҳ)лик ёки юксаклик тожи, баланд мартабага ўч бўлиш, подшо(ҳ)ликка сиғиниш; тожу тахт қулига айланиш.

Яна бўлди Озарми афсарпараст,
Ким ул топти Турон ерига нишаст.

Садди Искандарий, 85-б.

АФСУРДАДИЛ [ф. افسرده دل] Руҳсизланган, эзилган, сўлғин, маҳзун дил; кунглидан завқ ва шавқ кўтарилган кипи; хастадил, ғамзада дил.

Не тонг, афсурдадил бўлсамки, то ҳусн ўти ўчмиштур,
Кунгулдин доғи ҳаргиз чиқмамиш бир шўълалик оҳе.

Бадоеъ ул-бидоя, 526-б.

АФТОДА [ф. افتاده] қ. **Уфтода**

АФҒОНСИЗ [ф.-т. افغان سیز] **1** Фиғонсиз, дод-фарёдсиз, ноласиз.

Ичимда кирпики, гар нола айласам тонг йўқ
Кунгулга неш тикилса бўлурму афгонсиз.

Наводир ун-ниҳоя, 181-б.

2 Овозсиз, садосиз.

Гар Навоий чекар ун ҳажр туни,
Йўқ ажаб, тун эмас ит афгонсиз.

Бадоеъ ул-бидоя, 214-б.

АХЁР [а. اخيار] Хайрли, яхшилар.

...бу китоб мумарасотига машъуф бўлгон аҳли тамайюзлар кунглин мастур бўлгон ахёр футуввати шамойимидин мунаввар ва аржуманд этгайсен.

Насойим ул-муҳаббат, 498-б.

АШБОҲ [а. الشباح] Узоқдан куринган бирор шаклнинг қораси; кечаси, кечки вақт, кечқурун.

[*Бобо Фарғоний қ. с.*]. *Шахс анга кари қилмаски, они зиёрат қилгайлар ва ашбоҳ зуҳурига ҳеч нима боғлиқ эмас.*

Насойим ул-муҳаббат, 198-б.

АШК [ф. اشك] **1** Қадимги Эронда ўтган афсонавий подшоҳлардан бири

Илоҳий, туман минг бу Ҳорун киби,
Не Ҳорунки, Ашқу Фаридун киби.

2 Кўз ёши.

Садди Искандарий, 19-б.

Не янглиг ёшурай ҳижрон ғаминким, фош этар ҳар дам
Оғиздин шўълалиқ оҳим, назардин ашксиз қоним.

Бадоеъ ул-бидоя, 385-б.

АШО [а. عشا] Шом; кечки овқат.

Учу тўрт англа, мағриб-ла ашода,
Вали қил витрни вожиб арода.

Сирож ул-муслимин, 285-б.

АШР [*а.* عشر] Ўн.

Бал анга ҳар доираи ашр гард,
Рутба аро бир фалаки ложувард.

Ҳайрат ул-аброр, 104-б.

АШРАҚАТ [*а.* اشراقات] Чиқиш, кутарилиш; таралиш; порлаш.

Ашрақат мин акси шамс ил-каъси анвор ул-ҳудо,
Ёр аксин майда кур, деб жомдин чиқти садо.

Бадоеъ ул-бидоя, 29-б.

АШРОР [*а.* اشرار] Ёмонлар, ёмон қилиқлилар, ярамаслар, бузуқилар, фосиқлар, бадкирдорлар.

Ва ул зония Жариҳқа ўз зиноси била туҳмат қилди. Ва ул ашрор Жариҳнинг бўйнига ип тақиб, маликлари қошига элтиб, малик Жариҳқа қатл ҳукми қилди.

Тарихи анбиё ва ҳукамо, 190-б.

АШРОҚ [*а.* اشراق] Чиқиш, кўтарилиш, таралиш.

Макка авжида камол тутти, балки анвори ашроқи била машриқдин мағрибқача «Каншшамси нисфу-н-наҳор» ёрутти.

Лайли ва Мажнун, 16б.

АШУРО [*а.* عاشورا] Диний маросим куни; шиаларда ўтказиладиган мотам маросимлари куни

Ашуро айёмида жамоати касир алар хизматида ўлтуруб эрдилар ва алар маърифатда сўз айтадур эрдилар.

Насойим ул-муҳаббат, 254-б.

АЪЗАМЛИҚ [*а.-т.* اعظم لیق] Улуғлик, улканлик, буюклик.

Эрур бу турфаким, ишқи балоангиз ҳар соат
Бу аъзамлиқ била айлар муаллақ чархи мийнони.

Фавойид ул-кибар, 426-б.

АЪУЗУ [*а.* اعوذ] «Аъузу биллоҳи минаш-шайтонир-ражим»ни айтмоқ.

Ул ундин бирини истифтоҳ билгил,
«Аъузу» иш бандига мифтоҳ билгил.

Сирож ул-муслимин, 284-б.

АҚЗАЛ-ҚУЗОТ [*а.* اقضى القضات] Қозиларнинг қозиси, қозикалон.

Бир кун Кози Саъдким, Деҳли шаҳрининг ақзал-қузоти эрди, Шайх Мужирдин сурдиким, масжиди жомеъга не учун келмассен?

Насойим ул-муҳаббат, 370-б.

АҚЛИЙ [*а.* عقلي] **1** Ақлга мансуб.

2 Улуми ақлий ва нақлий-шуурий илмлар; назарий илмлар.

Ҳазрат Шайх суҳбати азимати қилди, китобхонага кирди ва улуми ақлий ва нақлий латойифидин мажмуае интихоб қилдики, сафарда анинг муниси булгай...

Насойим ул-муҳаббат, 297-б.

АҚЛКУШ [*а.-ф.* عقلکش] Ақлни олувчи, ақлдан оздирувчи.

Жунундин ақлкуш, бал дардкаш ҳам,
Пари рухсора, бал девонаваш ҳам.

Фарҳод ва Ширин, 36-б

АҚМИША [*а.* اقمشه] Турли хилдаги тўқима моллар, матолар.

...ва маоний ақмишаси нафойисин бу латофат ҳужласи оройиси учун гайб тужжоридин ҳаёт нақдин бериб савдо қилмоқ...

Фарҳод ва Ширин, 41–42-б.

АҒИРЛАМОҚ [*т.* اغیرلامـاق] Марҳамат қилмоқ, тақдирламоқ, ҳурматламоқ.

Бориб ани ағирла ва айтким, ерингни бадал қилким, бу ер орзу ери эмас.

Насойим ул-муҳаббат, 192-б.

АҒЛАЗ [*а.* اغلـظ] Энг ғализ, энг қўпол, энг дағал; қўпол бадавийлар, саҳройи араблар.

Ул замонгачаким, халқнинг ашадди ва аглази аъроб эрдилар...

Насойим ул-муҳаббат, 14-б.

АҲВОЛЛИҚ [*а.-т.* احوال لیق] Ҳолатлик; хокисорлик.

Иккилик бу йўлда аҳволлиқдурур,
Сирри ваҳдатдин муъатталлиқдурур.

Лисон ут-тайр, 234-б.

АҲЛИЯТ [*а.* اهلیت] Лойиқлик, ярашиқлик, муносиблик, сазоворлик.

Иккиси хидматидин хушҳол ўл,
Тенгрига аҳлият бу хидмат била йўл.

Фавойид ул-кибар, 487-б.

АҲЛОМ [*а.* احلام] Уйқусираш, туш кўриш, рўё (руъё).

Қози бу тушни азгоси аҳломга ҳамл қилиб яна такя қилди, яна бу воқеъани кўрди.

Насойим ул-муҳаббат, 362–363-б.

АҲМАД [*а.* احمد] Муҳаммад (с. а. в.)нинг дастлабки сифатларидан бири. **Аҳмади мурсал** Муҳаммад алайҳиссалом, Муҳаммад пайғамбар.

Улки камол аҳлидин акмал дурур,
Шоҳи русул Аҳмади мурсал дурур.

Ҳайрат ул-аброр, 239-б.

АҲМАДИЙ [*а.* احمدي] Муҳаммад (с. а. в)нинг сифатларидан бири.

Беш навбат ғулғулаким, йўқ ҳади,
Ғулғула йўқ, дабдабаи Аҳмадий.

Ҳайрат ул-аброр, 311-б.

АҲРАМАНВАШ [*ф.* اهرمن وش] Аҳраман каби, Аҳраман монанд, девдек.

...ва Аҳраманваш рахшин Аҳраман касрига сургони...

Фарҳод ва Ширин, 153-б.

АҲРАМАНКУШ [*ф.* اهرمن کش] Аҳраман ўлдирувчи, дев ўлдирувчи

Бу маъни қўнглидин зойил қилиб хуш,
Равон савдо мизожи Аҳраманкуш.

Фарҳод ва Ширин, 160-б.

АҲҚАР [*а.* احقر] Қадрсиз; ночор; арзимас:

Фалак аъзам, доғимен аҳқар улдум офаринишдин,
Менинг қаддимга золим ишқ пайдо айламиш они.

Фавойид ул-кибар, 426-б.

Б

БАВВОБ [*а.* بواب] Эшик соқчиси, эшик оғаси, эшик қоровули, дарвозабон; қоровул; парда тортувчи, пардадор.

... бир эшиккаки, не ҳужжоб кургайсен анда, не баввоб.

Насойим ул-муҳаббат, 494-б.

БАВЛ [*а.* بول] Пешоб.

Бавл қилмоқ Сиймоқ, ҳожат чиқармоқ

Шайх ул-ислом дебдурки, ул уттуз йил Маккада эрдиким, онда бавл қилмади, Ҳарам ҳурмати жиҳатидин.

Насойим ул-муҳаббат, 65-б.

Дарвешлар таажжубда эрмишларким, ул мушук келиб, ул мусофирларни бирин-бирин ислаб, бирининг устига бавл қилибдур. Таҳқиқ қилибдурлар. Ул киши диндин бегона эрмиш.

Насойим ул-муҳаббат, 104-б.

БАГТАРИН [*ф.* بگتربن] Темир совут; темирдан ясалган жанг кийими, жангчилар киядиган темир совут; зирҳ (қадимда хос жангчилар жанг майдонига киришдан аввал киядиган махсус темир совут).

Солиб танга сўз жавшану багтарин,
Қўюб бош уза пок назм афсарин.

Садди Искандарий, 39-б.

БАДАНЛИК [*а.-т.* بدن لیك] Танлик, гавдалик, жисмлик.

Жилва қилди даҳр аро кўп ҳусни бехамто йигит,
Гул кеби нозик баданлик, сарвдек раъно йигит.

Фавойид ул кибар, 445-б.

БАДАСЛ [*ф.-а.* بداصل] Ёмон зотли, ёмон хулқли, паст табиатли; чиркин.

Бадасл элга мулояматдин эҳтироз кўсин урмоқу идбор аҳли суҳбатидин ижтиноб қилмоқ...

Ғаройиб ус-сиғар, 547-б.

БАДАХШОНЛИҚ [*ф.-т.* بدخشانلیق] Бадахшонлик, Бадахшон шаҳридан.

Мавлоно Шамсий – бадахшонлиқдур.

Мажолис ун-нафоис, 155-б.

БАДИАТ [*а.* بدیعت] Мисли кўрилмаган даражадаги янгиликлар, гузаллик, нафислик.

Ажал пайки қачонким етса филҳол
Бадиатни, – дегач, – топшур. – Десам: – ол.

Вақфия, 247-б.

БАДИИЙ [*а.* بدیعی] Шоир Мавлоно Юсуф тахаллуси.

Мавлоно Юсуф – «Бадиий» тахаллус қилур эрди.

Мажолис ун-нафоис, 60-б.

БАДНАФСЛИҒ [*ф.-а.-т.* بدنفسلیغ] Баднафслик, нафси бузуқлик; ёмон нафслик.

[*Мавлоно Сонеъий*]. *Вазир эрди, зулм ва баднафслиғи жиҳатидин подшоҳ сиёсатига гирифтор бўлди ва мақтул бўлди.*

Мажолис ун-нафоис, 65-б.

БАДТАЪМ [*ф.-а.* بد طعم] Бемаза, мазасиз, ёмон таъмли, мазаси ёмон.

... бадтаъм мевалари била номақбул ашжори «ва фавокиҳатун ва нахлун ва руммон» (мевалар, хурмолар, анорлар)дин намудор.

Муншаот, 148-б.

БАДФАРЖОМ [*ф.* بد فرجام] Ёмон оқибатли, оқибатсиз, яхши натижа бермайдиган; бирор ишни охири ёмонлик билан тугаши, ёмон оқибатли.

Бир замон айрилма аҳбоби неку фаржомидин,
Ким эрур охир жудолиг даҳри бадфаржом аро.

Наводир ун-ниҳоя, 23-б.

БАДХАЁЛ [*ф.-а.* بد خیال] Ёмон ўйли, ёмон хаёлли, ёмон тасаввурли.

Кимки ошиқ бўлса, зору хастаҳол ўлмоқ керак,
Рашкдин олам элига бадхаёл ўлмоқ керак.

Ғаройиб ус-сиғар, 269-б.

БАЁЗВАШ [*а.-ф.* بیاض وش] **1** Оқиш, оқ тусли.

2 Шеърлар тўпламига ўхшаш.

... ва хошоки таърифида баёзваш сафҳа баёзида ахтар монанд жавоҳир тўкубдурур.

Назм ул-жавоҳир, 133-б.

БАЁНЛИҚ [*а.-т.* بیان لیق] Сўзлик, ифодалик, тасвирлик, таърифлик, изҳорлик.

... балки дақойиқ фунунининг мутаввил маоний аёнлиқ ва мухтасар баёнлиқ муҳаддислари...

Вақфия, 234-б.

БАЖИНС [*ф.-а.* بجنس] Мол, мато, туҳфа, эҳсон билан.

Қуллуқ арзадош улким, Абдулкаримдин йиборган иноятномани бажинс Мирзонинг илгига бердук...

Муншаот, 169-б.

БАЗЗОЗЛИҒ [*а.-т.* بزازلیغ] Газламафурушлик, матофурушлик, дўкончилик.

[*Қози Шарафуддин Буҳайро р. т.*]. *Ани отаси аввал баззозлиг ҳирфосига топшурди, то касб қилгай... Устод бу сўздин мутаассир бўлуб, Қозини отаси қошига элтиб, дедики, бу ўғулни ўзга фоидалиг ишга топшурки, анинг мартабаси андин бийикрақдурки, баззозлиққа бош индургай. Отаси ани илм таҳсилига далолат қилди.*

Насойим ул-муҳаббат, 360–361-б.

БАЗЛСОЗ [*а.-ф.* بذل ساز] **1** Инъом берувчи, эҳсон берувчи, ҳадя берувчи, саховат қилувчи.

2 Харж қилувчи, сарф қилувчи.

Бўлмоқ агар кўп эса ҳам базлсоз,
Бергали ор айламамак булса оз.

Ҳайрат ул-аброр, 239-б.

БАЙЗАВОР [*а.-ф.* بیضه وار] Олтин доналари каби, олтиндай.

Қилиб наргис уз гунчасин байзавор,
Ки кузинда эрди рамаддин губор.

Садди Искандарий, 378-б.

БАЙН [*а.* بين] Оралиқ, ўрта, ора.

Байн ал-ақтоб 1) икки қутб ораси, 2) *тасаввуфда* икки улуғ ортаси, икки авлиё ораси.

[Амир Сайиид Али б. ...]. Алар Шайх Шарафуддин Маҳмуд б. Абдуллоҳ Маздақонийнинг муридидурлар, аммо одоби тариқат касби соҳибуссирр, байн ал-ақтоб Тақиюддин Али Дустий қ. р. қошида қилибдурлар.

Насойим ул-муҳаббат, 314-б.

Байн ал-ишоайн Икки намоз ораси, аср ва шом намозлари оралиғи.

Яна бирав нақл қилибдурки, Рамазон ойи байн ал-ишоайн бозорга бордим, то аҳлим учун нима сотқун олғаймен.

Насойим ул-муҳаббат, 416-б.

Байн ал-манзилайн Икки манзил ораси, икки маскан оралиғи.

... Худое, сенинг қошингга агар менинг қадрим булса, улумум байн ал-манзилайнда бўлса эди.

Насойим ул-муҳаббат, 79-б.

БАЙРАМЛИҚ [*т.* بيرم ليق] Ҳайитлик, қурбонлик, байрамлик; байрам шарафига бериладиган ҳадия.

Нотавон жисмимга байрамлиқ била бер сиҳҳате,
Ким кўнгул уммидвору мунтазирдур жон санга.

Наводир уш-шабоб, 18-б.

БАЙТ [*а.* بيت] Уй, хона, жой.

Байт ул-муқаддас 1) Қуддуси Шариф (Фаластин) шаҳри ва ундаги яҳудийларнинг зиёратгоҳи.

Чун «Инжил» Исо а. с.га нозил булди, учовда Байт ул-муқаддасқа келиб, Исо а. с. амри илоҳи била халқни Тенгри таоло амриға далолат қилди.

Тарихи анбиё ва ҳукамо, 176-б.

2) *тасаввуфда* қалб поклиги.

БАЛАНДЛИҚ [*ф.-т.* بلند ليق] **1** Юқорилик, баландлик.

2 Муътабарлик; улуғлик.

Қурубон ўз ҳақиру пастлиғин,
Қора туфроққа ҳамнишастлиғин.
Пастликдин баландлиқ топқай,
Зурдин баҳрамандлиқ топқай.

Сабъаи сайёр, 41-б.

БАЛОЛИҚ [*а.-т.* بلا ليق] **1** Балолик, офатлик, мусибатлик; аламлик.

2 Ажойиблик, аломатлик.

3 Маъшуқалик.

Қут бир бодому ерим гушайи меҳроб эди,
Ғорати дин этти ногаҳ бир балолиқ кўзу қош.

Бадоеъ ул-бидоя, 237-б.

БАЛОРАКФИГАН [*ҳ.-ф.* بلارك فگن] Қилич солувчи, ўткир қилич солувчи

Туқуз юз минг гул навъ новакфиган,
Не новакфиганким, балоракфиган.

Садди Искандарий, 333-б.

БАЛОСИЗ [*а.-т.* بلا سز] **1** Офатсиз, азоб-уқубатсиз, мусибатсиз.
2 Аломатсиз.
3 Ёрсиз.

Чун балосиз ком йуқ топмас бақо комин магар,
Кимки, ани ўртамас оти фано булган бало.

Ғаройиб ус-сиғар, 48-б.

БАЛОХУР [*а.-ф.* بلا خور] Текинхўр, баднафс, бировнинг ҳаққини егувчи.

Танимдек дарду балохури поймоли йуқ эркандур, умид улким булмагай ҳам, гаму кунгумдек- гаму ибтило андуҳининг ошуфтаҳоли мавжуд эмас эркандур.

Муншаот, 223-б.

БАЛХЛИК [*ф.-т.* بلخ لیك] Балхлик, Балх шаҳрида яшовчи, Балх шаҳридан.

Мавлоно Ҳажрий – балхликдур.

Мажолис ун-нафоис, 88-б.

БАНАҚД [*ф.-а.* بنقد] Нақддай, тайёрдай, нақддек.

Ким манга ҳоло банақд, эй зоди сарви хушхиром,
Сунбулунгдур уқдайи раъсу юзунг моҳи тамом.

Бадоеъ ул-бидоя, 596-б.

БАНД-БАНД [*ф.* بند بند] **1** Қийма-қийма, бурда-бурда; реза-реза, пора-пора; буғин-буғин.

Жавр тиғидин танимни қилмадингму банд-банд,
Фурқатингдин банд-бандимни жудому қилмадинг!

Фавойид ул-кибар, 447-б.

2 Инсон тана аъзоларининг қисмлари ёки бўғим, буғин булаклари.

Тош урмоқ ила тани нажандин,
Гуёки айирди банд-бандин.

Лайли ва Мажнун, 263-б.

БАНДАВАШ [*ф.* بنده وش] Қулдек, қулларча

Ки чексун келиб мол ила пешкаш,
Бажо келтуруб қуллуғинг бандаваш.

Садди Искандарий, 215-б.

БАНДАКИРДОР [*ф.* بنده کردار] Итоаткор, буйсунган; қулдай, қул каби.

Улуским санга бандакирдордур,
Санга доғи бир қодире бордур.

Садди Искандарий, 548-б.

БАНДАСИЗ [*ф.-т.* بنده سز] **1** Қулсиз, хизматкорсиз.
2 Итоаткор.
3 Факир, бечора, нотавон.

Агар сарфароз ар сарафгандасиз,
Бори Тенгрига мен киби бандасиз.

Садди Искандарий, 106-б.

БАНИЙУЛЛОҲ [*а.* بني الله] Аллоҳнинг фарзанди, Аллоҳнинг боласи; Аллоҳнинг ўғли.

Ибрий тил била они Обир дебдурлар. Ибрий Обирдин муштақдур. Араб Ҳуд деди. Яъни, Банийуллоҳдур. Муъжизоти қуттур.

Тарихи анбиё ва ҳукамо, 109-б.

Қайси тил бирла, ё банийуллоҳ,
Сени таъриф этай мене гумроҳ.

Вақфия, 235-б.

БАННОЛИҒ [*а.-т.* بنا لنغ] **1** Бинокорлик, меъморлик.

Дебдурларки, ул кундуз баннолиг касбига машғул эрди.

Насойим ул-муҳаббат, 76-б.

2 Усталик, устакорлик.

Сувйи келгач яна ясаб болчиг,
Ибтидо айлар эрди баннолиг.

Сабъаи-сайёр, 186-б.

БАРАК [*а.* برك] Эзгулик; саодат.

Барак зарриштаси Саодат нурлари, ҳидоят нурлари.

Бўлубтур сарвинозим ҳусн шамъи, бошида онинг
Барак зарриштаси улким, ёнар бир неча тор андин.

Бадоеъ ул-бидоя, 440-б.

БАРАНДА [*ф.* برنده] Олиб борувчи.

Барандаи роҳ Йўл кўрсатувчи.

Дарёйи карам кимгаки огоҳдурур,
Билдикки, валоят аҳлига шоҳдурур,
Гумроҳларга барандаи роҳдурур,
Бу бешада яъни Асадуллоҳдурур.

Назм ул-жавоҳир, 135-б.

БАРАСЛ [*ф.-а.* براصل] Аслиятча, ҳақиқий.

Соз этинг аввал гамимдин нагмаким, барасл эрур
Уй иморат айламак хоро била бунёд этиб.

Бадоеъ ул-бидоя, 84-б.

БАРГСИЗ [*ф.-т.* برگسز] **1** Бебарг, япроксиз; **2** Бенаво, фақир.

Оразингни боғ аро чун курди, ҳайрон булди гул,
Баргсиз қолди, нединким, бас паришон булди гул.

Бадоеъ ул-васат, 277-б.

БАРД [*а.* برد] Совуқ, қаҳратон.

Бард ул-ажуз Совуқ, қаттиқ совуқ, қора совуқ, қиш чиқиши олдидан бўладиган қаттиқ совуқ.

Ул қавмиким уз кучларига мағрур эрдилар, хошокдек совуруб, тоғ ва тошга уруб, борисин ҳалок қилди. Ва бу ҳол шаввол ойида бард ул-ажуз вақтида эрди.

Тарихи анбиё ва ҳукамо, 108-б.

БАРДАСТ [*ф.* بردست] Қўли юқори, ботир, жасур.

Бўс бардаст Қулини упмоқ

Анингдек очти аждар оғзиға шаст
Ки, деди гурди анжум бўс бардаст.

Фарҳод ва Ширин, 147-б.

БАРДАЪ [*а.* بردع] Жой номи; Аррон ҳокимиятининг қадимий пойтахти (кейинчалик Ганжа деб юритилган).

Низомий олса Бардаъ бирла Ганжа,
Қадам Рум аҳлига хам қилса ранжа.

Фарҳод ва Ширин, 475-б.

БАРКЎЧ [*ф.-т.* برکوچ] Куч устига.

Кўч-баркўч Кўч устига кўч; қатор-қатор, жуда кўп юк.

Черик ойини булди сарбасар куч,
Юруш булди муқаррар куч-баркуч.

Фарҳод ва Ширин, 134-б.

БАРНОЗОД [*ф.* برنازاد] Барно йигит, гўзал, чиройли ёш йигит; чиройли латофатли ёр.

Не барнозод сарви бустони,
Курубдур ондин осиби хазони.

Фарҳод ва Ширин, 239-б.

БАРАКОТ [*а.* برکات] **1** Баракалар, фаровонлик.

2 Хайр-эҳсонлар, эзгуликлар, яхшилик; иқбол, саодат, шарофат.

Аммо фақирларким аларнинг шариф зотлари баракотидин мак-фуф ва жонбахш такаллумлари оби ҳаётидин маҳрум қолурлар...

Муншаот, 201–202-б.

БАРПОЙ [*ф.* برپای] Турғун, барқарор, мустаҳкам, устувор, пойдор, асосли.

Ростлиқ таърифидаким, вужуд уйи бу туз сутун била барпой.

Ҳайрат ул-аброр, 200-б.

БАРСАЙР [*ф.-а.* برسیر] Сайр устига сайр.

Кузу кўнглум баҳру барсайр эттилар ёр истабон,
Бу сафарда топтилар ягмо кўнгул, гарқоб кўз.

Ғаройиб ул-сиғар, 184-б.

БАРФАТҲ [*ф -а.* برفتح] Забт этишда, зафар қозонишда.

Бир овуч су топмайин улсанг керак чун ташналаб,
Баҳр ила барфатҳида узни Сикандар булди, тут.

Наводир уш-шабоб, 55-б.

БАРШИКАН [*ф.* برشکن] Жингалак; чигал, чувалган, тўзғиган

Эй Навоий, қаддингга солди шикаст узра шикаст,
Чун санга булди ватан зулфи шикан баршикани.

Бадоеъ ул-васат, 410-б.

БАРҚАНДОН [*а.-ф.* برقندان] Шаъбон ойининг ўртасида қилинадиган базм ва суҳбат (бу кун ислом динида байрам ҳисобланиб, барот ёки барот ойи ҳам деб юритилади).

Эй Навоий, бизни ёд этгайму барқандон куни
Ичса жоми Жам тилаб сонийи Афридун қадаҳ?

Бадоеъ ул-бидоя, 109-б.

БАРҚВОР [*а.-ф.* برق وار] Чақмоқдай, яшиндай.

... ва бу фурқат чангалидин қурбат саҳросиға қадам урулса ҳам, чун қазо ҳодийси инонкаш булғусидур, барқвор секирмакдин узга, абркирдор елмакдин ўзга чора булмағусидурур.

Муншаот, 148-б.

БАРҚОЙИН [*а.-ф.* برق آئین] Яшин каби, чақмоқ каби, яшинга ўхшаш, чақмоқ монанд.

Ҳар обдор лафзи қуйган қунгуллар утига таскин ва ҳар оташбор калимаси совуғон юраклар ҳароратига барқойин.

Муншаот, 227-б.

БАРҚПАРВОЗ [*а.-ф.* برق پروا] Чақмоқдек учадиган, яшиндай югурик.

Ки, етти ул барида ҳомили роз,
Қулинда бир буроки барқпарвоз.

Фарҳод ва Ширин, 21-б.

БАРҚСАЙР [*а.* برق سیر] Яшиндек тез сайр қилувчи.

Демай барқким, тойири барқсайр,
Қўлида бир ул навъким барқтайр.

Садди Искандарий, 25-б.

БАРҚТАЙР [*а.* برق طیر] Чақмоқдек тез парвоз қилувчи; яшиндек тез ҳаракат қилувчи.

Демай барқким, тойири барқсайр,
Қулида бир ул навъким барқтайр.

Садди Искандарий, 25-б.

БАРҚУН [*а.* برقُ] Яшин, чақмоқ.

Сорт тилида чоқин ва илдиримдек мутааййин ва муъатабар икки нимага от қўймайдурлар ва араб тили била «барқун» ва «соиқатун» била адо қилибдурлар.

Муҳокамат ул-луғатайн, 17-б.

БАСРАЛИҚ [*а.-т.* بصره لیق] Басралик, Басра шаҳридан.

[*Ҳорис Асад Муҳосибий қ. с.*]. *Асли басралиқдур ва бағдодлиғларнинг пиридур.*

Насойим ул-муҳаббат, 45-б.

БАТИЙ [*а.* بطی] Оҳиста, суст, секин, аста.

Батий сайр Секин юрувчи, оҳиста кезувчи.

Дайр сабукравга нигаҳбон булуб,
Лек батий сайру гаранжон булуб.

Ҳайрат ул-аброр, 87-б.

БАХАЙР [*ф.-а.* بخیر] Хайрли.

Дайр аро тинди қулоғим, роҳибо, зикринг бахайр
Ким саҳар зикр айтурида куп алоло қилди шайх.

Ғаройиб ус-сиғар, 109-б.

БАХОВАР [*ф.* بخاور] Шарққача; кун чиқишгача.

Ки, Искандарки олиб етти кишвар,
Ҳудуди бохтардин то баховар.

Фарҳод ва Ширин, 168-б.

БАЯКБОР [*ф.* بیکبار] Бир бора, биратула, яна бир бор.

Маҳжуб эди ул шўх улустин, чу май ичти,
Ҳар хайл била булди баякбор мусоҳиб?

Фавойид ул-кибар, 40-б.

БАЯКНОГОҲ [*ф.* بیک ناگاه] 1 Тусатдан, кутилмаганда, бирданига, беҳосдан, баногоҳ.

Яна бири дедики, деб эрдики, ямғур ёғиб, сероб булғунгуздур! Шайх дедики, ямғур сизга мужда булсунки, баякногоҳ булут пай-

до булди ва мунташир булди ва ёга киришди. Онча ёгдики, сероб бўлдуқ.

Насойим ул-муҳаббат, 411–412-б.

2 Иттифоқ

[*Мир Муфлисий қ. с.*]. *Табъи назм айтурга мулойим экандур. Баякногоҳ анга жазбае етти ва ақлу ҳуш ҳулясидин бебаҳра булди.*

Насойим ул-муҳаббат, 445–446-б.

БАҚАР [*а.* بقر] **1** Сигир

2 Сигир йили.

Жавзо кўзи турт ўлуб Бақардин,
Топиб Саратон ҳам ул назардин.

Лайли ва Мажнун, 24-б.

БАҚЛИЙ [*а.* بقلي] Семизўт, бир навъ ошкук; ейиладиган ўт тури.

Шайх ул-ислом дедики, Абу Саид Муқрий дедики, Абу Абдуллоҳ Рудборий била бақлий ейдур эрдим. Бир бақлий олдим яна ўрнига қўйдум.

Насойим ул-муҳаббат, 185-б.

БАҚЛО [*а.* بقلا] қ. **Бақлий.**

БАҚҚОЛ [*а.* بقال] Ўй-рўзғор буюмлари ва озиқ-овқат билан савдо қилувчи дўкондор, баққол.

Бир кун Миср мадорисидин бирида кезар эрдим, кўрдумки, мадраса эшикида бир қари баққол эрди.

Насойим ул-муҳаббат, 391-б.

БАҒДОД [*а.* بغداد] Ироқдаги пойтахт шаҳарнинг номи.

Бағдод ул-мавлид Туғилган жойи Бағдод, Бағдодда таваллуд топган.

[*Абубакр Шиблий қ. т. с.*]. *Ва Суламий табақотида «Хуросоний ул-асл ва Бағдод ул-мавлид вал-маншаъ» битилибдур.*

Насойим ул-муҳаббат, 127-б.

Бағдодий ул-асл Асл бағдодлик, ҳақиқий бағдодлик, асли келиб чиқиши Бағдоддан.

[*Абулҳусайн Нурий қ. т. с.*]. *Оти Аҳмад б. Муҳаммад. Ал-Бағовийга маъруфдур. Бағдодий ул-аслдур.*

Насойим ул-муҳаббат, 59–60-б.

БАҒДОДЛИК [*а.-т.* بغداديك] Бағдодлик; Бағдод шаҳридан.

[*Сарий б. ...*] *Сайиид ут-тоифа Жунайд қ. с.нинг устодидур ва бағдодликларнинг шайхи ва пири.*

Насойим ул-муҳаббат, 46-б.

БАҒИР [*т.* باغير] Жигар; кўкрак.

Тош бағирлиқ Бағритошлик; бешафқатлик; тошюраклик

Тош бағирлиқ раҳмсиз ҳунрези айёр истагил,
Лек дермен, даҳр аро ёри вафодор истагил.

Наводир уш-шабоб, 484-б.

БАҲМАНИЙ [*ф.* بهمني] Каёнийлар сулоласи подшоҳларига мансуб буюк ҳукмдор ёки Исфандиёрнинг ўғли қадим Баҳман подшоҳларидан бирининг номи; шоҳларга мансуб.

Булуб куп Каёний иш эҳдос анга,
Тегиб Баҳманий мулк мерос анга.

Садди Искандарий, 133-б.

БАҲОДИРВАШ [*м.-ф.* بهادر وش] Шижоатли, қўрқмас, жасур; баҳодирдай, қаҳрамон монанд.

Бас баҳодирваш эрур, лекин мулойим ҳам эрур
Ким, Навоий кунглига тушиш анинг васвоси чух.

Фавойид ул-кибар, 83-б.

БАҲОНАСИЗ [*ф.-т.* بهانه سز] Важ-корсонсиз, рўкачсиз, сабабсиз, асоссиз.

Лабинг баҳонасиз эл қонини тукар ҳар дам,
Манга чу етти иш, албатта, бир баҳона қилур.

Ғаройиб ус-сиғар, 159-б.

БАҲОРОЙИН [ф. بهارآيين] Баҳорга монанд, баҳорга ўхшаш.

Кукартурга муҳаббат даштин ашким ёмғури бирла,
Ҳар оҳим дудидин қук бир баҳоройин саҳоб айлар.

Наводир уш-шабоб, 136-б.

БАҲРАМАНДЛИК [*ф.-т.* بهره مندلیق] Баҳри олувчилик.

Пастликдин баландлиқ топқай,
Зурдин баҳрамандлиқ топқай.

Сабъаи сайёр, 41-б.

БАҲРАСИЗ [*ф.-т.* بهره سز] Ҳиссасиз, насибасиз, бебаҳра.

Кунгулу кўз санга муштоқу йўлуқсанг чиройингдин
Ани бехудлуг этиб баҳрасиз аммо муни ҳайрат.

Фавойид ул-кибар, 58-б.

БАҲРНИШИН [*ф.* بهرنشين] Ўтиришга муяссар бўлиш (кема ичидан жой олиш).

Етгач-ўқ музд айлабон таъйин,
Бўлдилар кема ичра баҳрнишин.

Сабъаи сайёр, 268-б.

БАҲРОМИЙ [*ф.* بهرامي] Баҳромга ўхшаш, Баҳром монанд.

Гур учун очмоқ недур ҳар лаҳза баҳромий каманд,
Чун сени Баҳромдек айлар ажал гўри шикор.

Ғаройиб ус-сиғар, 152-б.

БЕГОР [*ф.* بيگار] **1** Мажбур.
2 Ҳақсиз, тўловсиз мажбурий иш.

Жон фидо қилғумдурур, лаълинг қабул этсун десам,
Дерки: «Руҳуллоҳ бу навъ ишларга бегор айламас».

Бадоеъ ул-бидоя, 222-б.

БЕДАВЛАТ [*ф.-а.* بي دولت] Камбағал, бахтсиз, бадбахт.

Ва Жиржис а. с. уй ичидан солим чиқиб, яна бедавлатлар даъватига машғул бўлди.

Тарихи анбиё ва ҳукамо, 185-б.

БЕДИЛИЙ [*ф.* بي دلي] Ҳиротлик форсигўй шоира тахаллуси.

Андоқ зоҳир бўлурким, волидаси ҳам хуш табъдурур ва «Бедилий» тахаллус қилур.

Мажолис ун-нафоис, 134-б.

БЕДОДФАН [*ф.-а.* بيدادفن] Адолатсизликка, ситамгарликка, зулмга ургган.

Чархи бедодфан Ситамгарликка ургган фалак.

Қадаҳ қалқонин истаким, чарх ўқидин,
Басе ёгдурур чархи бедодфан ўқ.

Фавойид ул-кибар, 221-б.

БЕДУД [*ф.-т.* بي دود] О **1** Тутунсиз. **2** Оҳсиз, оҳу ноласиз.

Ким эмас бир-бирдин айру нуру зулмат, эй рафиқ,
Шуълаи ишрат қани бедуди меҳнат, эй рафиқ.

Наводир уш-шабоб, 483-б.

БЕЖИГАР [*ф.* بي جگر] Юраксиз, қалбсиз; дардсиз.

Бежигар бўлсам бало тортарга эмди, вах, не тонг,
Борди кўздин чун бағир парголасидин кўпрагим.

Наводир ун-ниҳоя, 352-б.

БЕЗАБОНЛИҒ [*ф.-т.* بي زبان ليغ] **1** Тилсизлик, соқовлик, индамаслик

Дафъ ўлуб агёр, топсам бор ул хилват аро,
Безабонлиг бирла шарҳи дарди ҳижрон айласам.

Бадоеъ ул-васат, 307-б.

2 *тасаввуфда* Рамз, ишора, сукут.

Ва ул ва Шайх бир-бири била сирда безабонлиг тили била сўзлар айтиштилар.

Насойим ул-муҳаббат, 341-б.

БЕЗАКЛИК [*т.* بيرك ليك] Ясатиқлик, зийнатлик, пардозлик.

Қабр тошидур безаклик сарбасар гул баргидин,
Тоза-тоза доғ ила кўҳи бало бўлган таним.

Ғаройиб ус-сиғар, 326-б.

БЕИЁР [*ф.-а.* بي عيار] **1** Маҳак (кумуш ва олтинга суртиб, уларнинг асллигини аниқлайдиган тош)сиз.

2 Қадр-қимматсиз, қимматлилик даражаси паст; ўлчовсиз.

Ва танга ва пул сойир маскукотни нима қотиб беиёр ясар эрдилар.

Тарихи анбиё ва ҳукамо, 132-б.

БЕИЛОЖ [*ф.-а.* بي علاج] Иложсиз, давосиз, чорасиз.

Илоҳи, беилож дардга алил қилма ва бемурувват номардга залил қилма.

Муножот, 298-б.

БЕИНОЯТ [*ф.-а.* بي عنايت] Лутфсиз, марҳаматсиз, илтифотсиз.

Ҳар нечаки беиноят ўлуб,
Қилдинг мени бегуноҳ мужрим.

Бадоеъ ул-васат, 473-б.

БЕИНСОФЛИҒ [*ф.-а.-т.* بي انصاف ليغ] **1** Инсофсизлик, **2** Софдилликсиз, тўғриликсиз.

Боғ гулгаштида беинсофлигдур, гар десам,
Сарвни қаддингга, гулни оразингга ўхшатай.

Бадоеъ ул-васат, 437-б.

БЕИШТИБОҲЛИК [*ф.-а.-т.* بي اشتباه ليك] Хатосизлик, бешаклик, шубҳасизлик, бегумонлик, аниқлик.

Илоҳи, ул бедорлиғни огоҳликка еткур ва ҳушёрлиғни беиштибоҳликка уландур.

Муножот, 295-б.

БЕКОМ [*ф.* بی کام] **1** Умидсиз, маҳрум; бемурод, мақсадсиз, орзусиз. **2** Бахтсиз.

Вафо аҳлини чарх беком этиб,
Жафо хайлини комрон қилдило.

Наводир уш-шабоб, 416-б.

Беком айламак Маҳрум қилмоқ.

Шиква қилсак сендин, эй гардун, раво эрмас дема,
Бизни беком айлаб, эл комин равому қилмадинг.

Бадоеъ ул-васат, 255-б.

БЕКУЛФАТ [*ф.-а.* بی کلفت] Машаққатсиз, ранжсиз, қийинчиликсиз; меҳнатсиз; осонгина.

Алар дебдурларки, биз биравни топалики, сизнинг мусоҳабатингиз ва хидматингизни бекулфат қабул қилғай.

Насойим ул-муҳаббат, 431-б.

БЕКУСУФ [*ф.-а.* بی کسوف] Тутилишсиз; Қуёш тутилишисиз.

Яна бу адад бирла олтун зуруф
Қуёшдек фурузон вале бекусуф.

Садди Искандарий, 297-б.

БЕЛБОҒЧА [*т.* بیلباغچه] Белбоғ каби, камардек, қийиқ каби.

Най қурунди қоматингча найшакар ширину туз,
Най анинг банди белингга боғлаган белбоғча.

Ғаройиб ус-сиғар, 439-б

БЕМАЗАЛИҚ [*а.-ф.-т.* بی مزه لیق] **1** Мазасизлик, таъмсизлик. **2** Ярамаслик, ёмонлик, бемаънилик, номаъқуллик.

Ҳолда асҳоб доғи пирдек,
Бемазалиқда бориси бирдек.

Ҳайрат ул-аброр, 138-б.

БЕМАКР [*ф.-а.* بی مکر] Ҳийласиз, фирибсиз, макрсиз.

Бемакру тазвир Ҳийла, фирибсиз, найрангсиз, макру ҳийласиз.

Яна билмакдурур бемакру тазвир,
Ки, Ҳақдиндур ямон-яхшиига тақдир.

Сирож ул-муслимин, 277-б.

БЕМАЛОМАТ [*ф.-а.* بی ملامت] Маломатсиз, таънасиз, дошномсиз.

Каъба истарсен муғилон чекса тил қайғурмағил,
Бемаломат топмади кимса саломат, эй кунгул.

Наводир уш-шабоб, 279-б.

БЕМАНСАБЛИҒ [*а.-ф.-т.* بی منصب لیغ] Берутбалик, мартабасизлик, беамаллик, бемақомлик.

Ҳеч ким йуқтурки ёр оллида йуқтур мансаби,
Бизга бемансаблиғ улмиш мансаб ул даргоҳда.

Наводир ун-ниҳоя, 20-б.

БЕМАР [*ф.-а.* بیمر] Ҳисобсиз, сон-саноқсиз, чек-чегарасиз, ҳадсиз, ҳаддан зиёд, куп.

Десанг, эй соқий, бадал булсун, қадаҳ тут беҳисоб,
Ким тўкар қонимни беҳад, ким эрур бемар яра.

Бадоеъ ул-васат, 28-б.

БЕМАЪНИЛИҒ [*ф.-а.-т.* بي معني ليغ] **1** Маъносизлик, мазмунсизлик.

2 Қуруқ сафсатабозлик, номаъқулчилик.

3 Ахлоқсизлик, ярамаслик, бўлмағурлик.

Ким эрур ул маҳз бадгавҳарлиғинг,
Айни бемаънилиғу абтарлиғинг.

Лисон ут-тайр, 69-б.

БЕМИСЛЛИК [*ф.-а.-т.* بيمثلك] **1** Мислсизлик, беқиёслик, тенги йўқлик, ўхшаши йўқлик

2 Ўз гўзаллигига ошуфта бўлиб, Аллоҳни унутишлик, ғурурга берилиплик

Юсуф а. с. бани одам жинсининг жамилроғидур. Бир кун юзин кўзгуда кўруб, андоқки ҳусн истиғною ғурурга муқтазодур, кўнглига кечтиким, оё агар мен қул бўлсам эди, менинг баҳомни ким бера олғай эрди. Чун бу хиёл далолат бемислликкa қилур...

Тарихи анбиё ва ҳукамо, 122–123-б.

БЕМОНАНДЛИҒ [*ф.-т.* بي مانندليغ] Ўхшаши йўқлик, тенги йўқлик, мислсизлик.

Илминг дарёсидин ҳар гавҳар нужум дурларидин покроқ, мулкунг саҳросидин ҳар лола қуёш машъалидин оташнокроқ. Бемонандлиғингга «Лайсака мислиҳи шайъун» (Аллоҳга ўхшаш бирор нарса йўқ) гувоҳи содиқ...

Муножот, 293-б.

БЕНАМУД [*ф.* بي نمود] Кўринмайдиган, кўринмас.

Намуди бенамуд Кўриниб турган нарсалар (аслида) зоҳирда йўқдир, кўриб бўлмайдиган, кўринмаган.

Сендин ўзга мавжуд кўрунганлар намуди бенамуд, балки нобуду номавжуд, вужуд ва мавжуддин сен мақсуд.

Муножот, 293-б.

БЕНИҚОБ [*ф.-а.* بي نقاب] **1** Пардасиз, тусиқсиз, ниқобсиз; чачвонсиз, чодирсиз.

2 Ҳақиқатни, ҳақиқий ҳолни пардаловчи воситасиз.

Қошу юзунгни мунажжим чунки кўрди бениқоб,
Деди: Кўрким қавс бурҗидин тўғптур офтоб.

Ғаройиб ус-сиғар, 57-б.

БЕОЗОРЛИҒ [*ф.-т.* بي آزار ليغ] **1** Беазиятлик, қайғу-аламсизлик, ранжсизлик; кийинчиликсиз

2 Бешикастлик.

Биров ўзни фалак озоридин озод қилдиким,
Фано туфроғи ичра тушти беозорлиғларға.

Наводир уш-шабоб, 414-б.

БЕПАЙВАНДЛИҒ [*ф.-т.* بي پيوند ليغ] **1** Алоқасизлик, муносабатсизлик.

2 Қариндош-уруғчиликсиз.

3 Замон ва макондаги ўзаро алоқаликлардан мустаснолик, воҳидлик, яккалик, ёлғизлик.

Бемонандлиғингга «лайсака мислиҳи шайъун» (Аллоҳга ухшаш бир нарса йуқ) гувоҳи содиқ, бепайвандлиғингга «Лам ялид ва лам юлад» (У туғмайди ва туғилмайди) далили мувофиқ.

Муножот, 293-б.

БЕПАРТАВ [*ф.* بی پرتو] Нурсиз, ёлқинсиз, ёғдусиз шуъласиз; ёруғликсиз.

Наби шаръидин аёқ чиқарган кажрав ва кузи зулмат бодиясида ҳидоят шамъидин бепартавдур.

Бадоеъ ул-васат, 487-б.

БЕРАҲМЛИҚ [*ф.-а.-т.* بی رحم لیق] Шафқатсизлик, раҳмсизлик.

Раҳм эмас бераҳмлиқдур сурмасанг бошимга рахш,
Ким бу кўп қатла анинг помоли бўлган бош эрур.

Наводир ун-ниҳоя, 168-б.

БЕРГУЧИ [*т.* برگوچی] Бергувчи.

Олди жон лаълингу элга лаби жон бергучилар
Барча қул бўлсун анинг оллида жондин, ё Раб.

Фавойид ул-кибар, 38-б

Соликнинг атворига андом бергучи сафар, кунгулнинг ҳар сари ҳаво қилуриға ором бергучи сафар.

Маҳбуб ул-қулуб, 119-б.

БЕРК-БЕРК [*т.* برک برک] Қаттиқ-қаттиқ, маҳкам-маҳкам.

Икки ёндин қул хамойил берк-берк андоқ чекиб,
Ким яна бир-бирдин айрилмас масаллик урмашиб.

Фавойид ул-кибар, 46-б.

БЕРМАМАК [*т.* برماماق] Бермаслик; бермаганлик

Оғзининг сирри манга маълум агар эрмас не айб,
Ҳеч кимга заррае чун бермамиш ҳақ илми ғайб.

Ғаройиб ус-сиғар, 64-б.

Иё мукриму ҳужра тайёр анга,
Карамдин эмас бермамак бор анга.

Садди Искандарий 256-б.

БЕСАРУДИЛЛИҚ [*ф.-т.* بیسرودل لیق] Дил уртовчилик, кунгулни шайдо қилувчилик, кучли эҳтиросилик.

Хотирим савдоомиз хаёлларидин мушавваш, бесарудиллиқдин ҳар неча дилкаш сўз бўлса кунглумга нохуш.

Ғаройиб ус-сиғар, 20-б.

БЕСАРУПОЛИК [*ф.-т.* بی سروپالیق] **1** Бош-оёқ яланглик.

2 Кимсасизлик, бечоралик.

3 Бевошлик; девоналик, мажнунлик.

Сен нечук узунгни мундоқ жунуни бесаруполикка солибсенки, сени тилаб кўрсалар...

Насойим ул-муҳаббат, 72-б

БЕСАРФА [*ф.-а.* بی صرفه] Ўринсиз; беҳуда, бўлар-бўлмас, ноҳақ, бемаъни, ножуя.

Сўзидин кишиким гаму бало ҳосилдур,
Ҳар нуктада тили деса, бало дохилдур,

Бесарфа деган кишига тили котилдур,
Алқиссаки, кимсанинг балоси тилидур.

Назм ул-жавоҳир, 139-б.

БЕСИФАТЛИҒ [*ф.-а.-т.* بي صفتليغ] Ўхшашсизлик, бемонандлик; ягона ўхшашсизлик.

Дер эмишларки, ҳар қачон қудват ул-авлиё Хожа Муҳаммад Али Ҳаким Тирмизий руҳига таважжуҳ воқеъ бўлур эрди, ул таважжуҳ асари маҳзи бесифатлиг зуҳури эрди...

Насойим ул-муҳаббат, 85-б

БЕСУТУН [*ф.* بيستون] **1** Устунсиз иморат.

2 Биҳистун – Эронда бир қоянинг номи; Эронда Ҳамадон шаҳридан тахминан 100 км ғарбда жойлашган тоғ қоялари Унда Ахамонийлар ҳукмдори Доро I буйруғи билан (мил. ав. 522–486) қоятошга битиклар ўйилган, уларда Доро I нинг турли ўлкаларда жанг қилиб зафар қозонганлиги айтилган.

3 Юксаклик, буюклик рамзи; осмон.

Ва гар минг Бесутундек қилсанг идрок,
Йўлида бир кесак, бал бир овуч хок.

Фарҳод ва Ширин, 12-б.

БЕТААБ [*ф.-а.* بيتعب] **1** Ранжсиз, бемашаққат, қийинчиликсиз.

2 Хасталиксиз, чарчашсиз, ҳоришсиз.

Тенгиз тулу арзин важаб-барважаб,
Топиб зарбу қисмат била бетааб.

Садди Искандарий, 498-б.

БЕТАВАККУЛ [*ф.-а.* بي توكل] Ишончсизлик, беэътиқод; Аллоҳнинг марҳаматига ишонмаслик.

Таваккул сифатию бетаваккуллар мазаммати.

Ғаройиб ус-сиғар, 544-б.

БЕТАКАЛЛУФОНА [*ф.-а.-ф.* بي تكلفانه] Оддийгина, соддагина, ортиқча дабдабасиз.

Ва пашмина кияр эрди ва бетаккаллуфона таом ер эрди, ангачаки улғайди.

Насойим ул-муҳаббат, 339-б.

БЕТАЪАЙЮНЛУҒ [*а.-ф.-т.* بيتعيّنوغ] **1** Оддийлик, кўримсизлик.

2 Камтарлик, хоксорлик.

Охир бу Қусам Шайх Хожа инқитоъий ва камоли бетаъайюнлуғидин Бухоронинг тимларидин бирида андоқ савдо ва сотиқ қилди...

Насойим ул-муҳаббат, 259-б.

БЕТАЪН [*ф.-а.* بي طعن] Таънасиз, маломатсиз; таъна-пичингсиз, таъна-дашномсиз.

Бу сўз сидқига даги бетаъну танз,
Далолат қилур ояти «Кунту канз».

Ғаройиб ус-сиғар, 534-б.

БЕТАҲАММУЛЛУҒ [*ф.-а.-т.* بي تحمل لوغ] Бесабрлик, тоқатсизлик.

... ва самоъ суҳбатида бетаҳаммуллиғлар қилиб, азим сайҳалар ва саъқалар тортар эрди.

Насойим ул-муҳаббат, 444-б.

БЕЧУН [*ф.* بی چون] Ўхшашсиз, монандсиз.

Фано бешаси саҳатида висол шажарисидин самара топгонлар бошига фалакнинг мухолиф ҳаракатидин ҳар жафо арраси келса, зикриёкирдор тиллари жуз холиқи бечун ҳамдига зокир бўлмогусидурур.

Мунша́от, 146-б.

БЕШИБҲ [*ф.-а.* بی شبه] Ўхшашсиз, бемонанд; ухшашию тенги йўқ.

Ҳар бири уз таврида бешибҳу назир,
Бордилар барча – не айлай тадбир.

Фавойид ул-кибар, 505-б.

БЕШУУРЛИҚ [*ф.-а.-т.* بی شعورلیق] 1 Онгсизлик, сезгисизлик, ҳиссизлик; фаҳмсизлик.

2 Ҳушсизлик.

Ва жазба тариқи била ҳар қачон ҳар кимга тиласалар эркан, тасарруф қилурлар эрмиш ва ани бу оламга, ҳузур ва шуур мақомидин ўткариб, беҳудлиқ ва бешуурлиқ оламига еткурур эмишлар.

Насойим ул-муҳаббат, 272-б.

БЕЭЪТИДОЛ [*ф.-а.* بی اعتدال] 1 Бир текисда эмаслик, муъгадил ҳолатсиз, эътидолсиз.

Майхораи беэътидол Ўртача ҳолатни йўқотган майхур, маст гузал.

Эй Навоий, мен худ эттим тавба, лекин нетгамен,
Ким ажаб майхораи беэътидолим бордур.

Наводир ун-ниҳоя, 135-б.

Девонаи беэътидол Бир меъерда бўлмаслик, бир зайлда бўлмаслик.

Сурма кунглум ҳолини, бедод ила ултургуси,
Ўзин ул девонаи беэътидолим бу кеча.

Бадоеъ ул-васат, 372-б.

2 Мувозанатсиз.

Ошкор этмас эдим ишқин, вале утган кеча
Бода зур айлаб, йиғи беэътидол этмиш мени.

Бадоеъ ул-васат, 430-б.

3 Беўлчов, номутаносиб, тартибсиз.

Ичкали лаъли майидин хушу ақлим қолмамиш,
Бода маст эрди, ажаб, беэътидол этмиш мени.

Фавойид ул-кибар, 418-б.

4 Адолатсиз.

Даний тажаммулу озоданинг фалокатидин,
Замон табиати беэътидол эмиш – билдим.

Фавойид ул-кибар, 296-б.

БЕҚОНУН [*ф.-а.* بی قانون] Бетартиб, беқоида, қонунсиз, низомсиз, курсатмасиз.

Эгриликка шуҳра бўлмоқ истамассен, айлама
Аҳли исён хизматида қадди беқонунни кўж.

Бадоеъ ул-бидоя, 216-б.

БЕҒАЙРАТЛИҒ [*ф.-а.-т.* بی غیرت لیغ] Ғайратсизлик, танбаллик, дангасалик, ишёқмаслик, ялқовлик, лавандлик

Халқ ичинда бор эди беғайрате,
Элга беғайратлиғидин ҳайрате.

Лисон ут-тайр, 67-б.

БЕҒАМХОР [*ф.-а.-ф.* بی غمخوار] **1** **1** Беғамхур, бемеҳрибон. **2** Дилсўз эмас, жонкуяр эмас.

Ғам емак булмиш ишим, йуқтур вале ғам ер кишим,
Турфа ишким, гарчи беғамхормен ғамхормен.

Наводир уш-шабоб, 342-б.

БЕҒАРРО [*ф.-а.* بی عرا] **1** Белгисиз, нишонсиз, аломатсиз.

2 Равшан булмаган, ноаник.

Шайх ул-ислом дебдурки, бу каромат эмаски, тасаввуф тариқида беғарродур.

Насойим ул-муҳаббат, 142-б.

БЕҲАВСАЛА [*ф.-а.* بی حوصله] Бетоқат, чидамсиз.

Разили беҳавсала мукнат курса, ўзин азиз тутмоқ не ғариб ва жоҳ майи нашъасидин ўзин унутмоқ не ажиб.

Бадоеъ ул-васат, 494-б.

БЕҲАНЖОР [*ф.* بی هنجار] Йўл-йўриқсиз, тартиб-қоидасиз, равишсиз, йўсинсиз.

Дайр пири гар деса: бору йуқунгни утка сол,
Йуқ эса қилма йуқу борингни беҳанжор харж.

Фавойид ул-кибар, 72-б.

БЕҲАРОС [*ф.* بی هراس] Қурқувсиз, ваҳмсиз.

Чу сўз етти бу ерга, мен беҳарос,
Қутуб айладим бир дуо илтимос.

Садди Искандарий, 578-б.

БЕҲАҚИҚАТ [*ф.-а.* بی حقیقت] **1** Ҳақиқатсиз.

Мажоздин чу ҳақиқатка йул топар ошиқ,
Қилур мажозни нафйи улки, беҳақиқат эрур.

Фавойид ул-кибар, 512-б.

2 Аслсиз, келиб чиқиши ноаниқ; бетайин.

[*Бобо Али Пойи Ҳисорий қ. с.*]. ... *ярим кеча Бобо уз еридин қутуб, мақтул қошиға келиб, кўп йиғлаб, нудбалар қилиб дегандурки, Тенгри сенинг жазонгни бергайки, беҳақиқат эл санга зулм қилдилар, аммо дойим аҳли таҳқиққа жуҳҳоддин бу навъ ишлар воқеъ булғондур.*

Насойим ул-муҳаббат, 449-б.

БЕҲИЖОБОНА [*ф.-а.-ф.* بی حجابانه] Бепарда, юзсизларча, уятсизларча, беҳаёларча

Бошлади нукта беҳижобона
Ким, пари қилмиш эрди девона.

Сабъаи сайёр, 320-б.

БЕҲИСОБЛИҒ [*ф.-а.-т.* بی حسابلیغ] **1** Беқадр-қимматлик; ҳисобсизлик, сон-саноқсизлик, зиёдалик, кўплик.

2 Ҳисоб-китоби йуқ; бебилиска.

Яфроғи ғулуси ҳижоблиғидин туфроғига ҳаргиз меҳри зарфишон анворидин бир дирам тушмаган ва муртафеъ шажари беҳисоблиғидин сахатига мутлақ саҳоби ғуҳарафшон жавоҳиридин бир жола етушмаган.

Муншаот, 147-б.

БЕҲУДАЛИҒ [*ф.-т.* بی هوده لیغ] **1** Бекорчилик, кераксизлик; бефойдалик.

2 Асоссиз, бемаънилик.

Чекиб борча олудалиғдин аёқ,
Тутуб бори беҳудалиғдин қироқ.

Садди Искандарий, 38-б.

БЕҲУРМАТ [*ф.-а.* بی حرمت] Ҳурматсиз, беобру.

Тиладики, аларни ранжида қилғай ва беҳурмат этгай.

Насойим ул-муҳаббат, 327-б.

БИДОЯТ УЛ-АНБИЁ [*а.* بدایت الانبیاء] Пайғамбарларнинг боши, аввали, бошланиши.

Чун валоятнинг интиҳосида валининг руҳи набининг жисмига мушобаҳат топар, тариқатда ниҳоят ул-авлиё бидоят ул-анбиё бўлғай.

Насойим ул-муҳаббат, 309-б.

БИДРУД [*ф.* بدرود] Соғлик, саломатлик.

Бидруд бўлмоқ Саломат бўлмоқ.

Бодияда бир кун ўз аҳлига айтиким, бидруд булки, мен бордим.

Насойим ул-муҳаббат, 35-б.

БИЁБОНГ [*ф.* بیابانگ] Жой, мавзе номи.

Султон Яъқуб яхши эъзоз ва эҳтиром қилиб Биёбонгни суюргол бердиким, юз минг олтунга якин ҳар йил тегар эрди.

Мажолис ун-нафоис, 122-б.

БИЁБОНГАРД [*ф.* بیابان گرد] Биёбон кезувчи, саҳро кезувчи.

Бириси Муқбили биёбонгард,
Яна бир Мудбири биҳор навард.

Сабъаи сайёр, 307-б.

БИЁБОНЛИҒ [*ф.-т.* بیابان لیغ] Саҳролик, чўллик, биёбонлик, даштлик.

Фурқати даштида ҳам саргашта, ҳам оворамен,
Ким қуюнлуғдур ишим, ғули биёбонлиғ доғи.

Бадоеъ ул-васат, 434-б.

БИЁБОННИҲОД [*ф.* بیابان نهاد] Саҳрога ухшаш, биёбон каби.

Ки Мен ваҳшиймен биёбонниҳод,
Атодин ато ваҳшию ваҳшзод.

Садди Искандарий, 442-б.

БИЙЛАМАК [*т.* بیلامک] Қайрамоқ, ўткирламоқ.

Салотин хизматиға журъат қурғузмак, ўз риштаи ҳаётин ўзмоқдур... ва аларға тақарруб тиламак ўз қатлиға бало тиғин бийламакдур.

Маҳбуб ул-қулуб, 96-б.

БИКУЛЛ [*а.* بكلي] қ. **Бикуллий**

Эй Навоий, шарт қилдимким, агар булсам халос,
Ишқидин узга бу иш зикрини бикулл қилмайин.

Фавойид ул-кибар, 325-б.

БИКУЛЛИЙ [*а.* بكلي] Бутунлай, тамоман, батамом.

... агар амре ҳодис булсаки, мужиби тараддуди хотир булса, даҳоналар тарафидин хотир бикуллий жамъ булса.

Муншаот, 190-б.

БИЛГУТ [*т.* بيلگوت] Туркий (чиғатой) уруғлардан бирининг номи

Эй Навоий, мени зор айлади бир луливаш.
Ким ҳам арлот унут булди манга, ҳам билгут.

Фавойид ул-кибар, 55-б.

Эй Навоий, манга бас санами лулийваш,
Бекка қипчоқу оғар, шаҳга қиёту билгут.

Наводир уш-шабоб, 57-б.

БИЛИКСИЗ [*т.* بيليكسيز] Билимсиз, илмсиз, ақлсиз.

Сунгакка иликдур, эранга билик,
Биликсиз эран – ул сунгаксиз илик.

Насойим ул-муҳаббат, 427-б.

БИЛИС [*а.* بليس] 1 Иблис, шайтон.

2 Алдоқчи, фирибгар, ҳийлагар, ярамас; найрангбоз.

Билиси лаин Лаънати иблис.

Ул деб ани шаҳпари Руҳ ул-амин,
Ташлаб ани гарчи билиси лаин.

Ҳайрат ул-аброр, 268-б.

БИЛКУЛЛИЯ [*а.* بالكليه] Тамоман, куллиятан, батамом, бутунлай; мутлақо.

Яъқубки, муни курди, мулкни углига берди ва узин билкуллия шайхқа таслим қилди.

Насойим ул-муҳаббат, 405-б

БИЛЛУРИЙ [*ф.* بلوري] Оқ шаффоф тошдай, биллурдай шаффоф.

... ва анинг кузига сангпора ушоқ тошча ва қизил олтун қаро туфроғча курунмай, кузи чазъи биллурий дуржга тушуб, сувда меҳри ховарийдек, биллурда ойинаи Искандарийга тушгони...

Фарҳод ва Ширин, 119-б.

БИЛМАКЛИК [*т.* بيلمـاك ليـك] Билмоқлик, англамоқлик, тушунмоқлик; идрок этмоқлик.

Чу анда бул-ажаб курди шамойил,
Булуб шаҳзода билмакликка мойил.

Фарҳод ва Ширин, 122-б.

БИЛОЛ [*а.* بلال] Соғлом.

Билол Ҳабаший Азон айтган илк муаззин.

Кузларинг бирла лабинг андогки урди дин йулин,
Не балолардин Билол уткай, не саҳбодин Суҳайб.

Ғаройиб ус-сиғар, 64-б.

БИЛОНИҲОЯТ [*а.* بلانهايت] Ниҳоятсиз, бениҳоя.

Киши туганмагини фараз қилса, ул фаржалар бирла минг, балки юз минг билониҳоят ортар.

Маҳбуб ул-қулуб, 127-б.

БИЛОХИР [*а.* بالاخر] Охиран, сунгти, кейинги, охирги.

Мисранинг яна бир рукнининг ҳам ушбу ҳукми бор. Яна фасли билохирда ҳазрат махдумзода таърифида муболаға қилиб эрдингиз, ул таъриф мужиби хушҳоллиқ...

Муншаот, 228-б.

БИЛХОСИЯ [*а.* بالخاصيه] Хосиятига кўра, хосияти жиҳатидан, моҳиятан.

Лаъли ёқути муфарриҳдур магар билхосия
Ким, хаёлидин манга йуқтур насиб илло фараҳ.

Наводир уш-шабоб, 78-б.

БИЛХОССА [*а.* بالخاصه] Хусусияти жиҳатидан, хусусан.

Билхосса ишқи хонапардоз,
Кунгли аро солди махфи ул роз.

Лайли ва Мажнун, 182-б.

БИЛҚИСЛИҚ [*а.-т.* بلقيس ليق] Билқислик, маъшуқалик (диний манбаларга кўра, Билқис – Сулаймон пайғамбарга никоҳ қилинган Сабо мамлакатининг маликаси).

Бир иш Билқислиққа бўлса монеъ,
Сулаймонга пари ҳам келди тобеъ.

Фарҳод ва Ширин, 372-б.

БИЛҲАҚИҚА(Т) [*а.* بالحقيقه // بالحقيقت] Ҳақиқатан, ростдан ҳам, чиндан ҳам.

Арзадошт улким, бу ҳақирни баъзи маслаҳатлар учунким, ул ҳазратнинг маслаҳати даги анинг зимнидадур, агарчи билҳақиқа иккаласи бир маслаҳат - ўқдур, Хуросон вилоятига юборилди.

Муншаот, 151-б.

БИНАФШАГУН [*ф.* بنفشه گون] **1** Бинафша рангли, бинафша гул рангли; гунафша тусли.

Ёпти чу етишти бўйла банди,
Гул узра бинафшагун паранди.

Лайли ва Мажнун, 280-б.

2 Мовий ранг, нилгун

Бу гулу сабзаким, келиб зебо,
Тўни лекин бинафшагун дебо.

Сабъаи сайёр, 96-б.

БИНАФШАПЎШ [*ф.* بنفشه پوش] Бинафша тусли кийим кийган. бинафша ёпинган.

Эй Навоий, ул бинафшапўш гулнинг васфида
Бўлмасун ҳар не ёзарсен когазе илло бинафш.

Ғаройиб ус-сиғар, 221-б.

БИННИ [*а.* بن] Ўғил, ўғли.

Баҳром бинни Шопур.

Тарихи анбиё ва ҳукамо, 219-б.

БИНТОС [*а.* بنطاس] Сайёра номи.

Каронгу кеча чиққач ўқи ёдин,
Ўтуб Бинтос фалакдин, йул Суҳодин.

Фарҳод ва Ширин, 451-б.

БИРИНЖИНА [*ф.* برنجینه] **1** Миснинг сариқ туслиси
2 Биринж (мис)дан ясалган нарса; сариқ.

Сув юкидин қад қўйи мойил анга,
Барқи биринжина ҳамойил анга.

Ҳайрат ул-аброр, 279-б.

БИРОДАР [*ф* برادر] **1** Ака-ука, оға-ини
2 Дуст.
3 Оғайни.

Ижозатномада биродар унвон била зикр қилибдур ...

Насойим ул-муҳаббат, 340-б.

БИРОДАРЗОДА [*ф.* برادرزاده] Ака ёки уканинг фарзанди.

Шайх Абу Язиднинг биродарзодасидур, анинг муридидур.

Насойим ул-муҳаббат, 210–211-б.

БИРОР-ИККИРОР [*т.* بیرار ایکیرار] Битта-иккитадан, битта-иккита, битта-яримта.

Тонгласи фақир алар хизматиға еттим, айттиларким: «Бу китобни ғариб навъ битибдур, анга ўхшарким, илтизом қилмиш булғайким, ғалатсиз мисраъ битмагай, баъзи ерда ҳам бирор-иккирор, балки ортуқ абёт ҳам тарк қилибтур.

Хамсат ул-мутаҳаййирин, 24-б.

БИСМ [*а.* بسم] Бисмиллоҳир раҳмонир раҳим иборасининг қисқарган шакли.

Нуқтаи бо «бисм» учун тафсир
Юз мужаллад қила олиб таҳрир.

Сабъаи сайёр, 42-б.

БИСЧОҚИЯ [*ф.* بسچاقیه] Шаҳар марказидан узоқ; унча катта бўлмаган овлоқ бир жой номи.

[*Шайх Имодуддин...*]. *Дебдурларки, Макка азимати қилғонда гузари Шерозга тушубдур ва анда Бисчоқия деган зовияда нузул қилибдур.*

Насойим ул-муҳаббат, 478-б.

БИТГУЧИ [*т.* بیتگوچی] Ёзгувчи, биттувчи, ёзувчи.

... ва ҳар қайси уз фаҳму идрокларига кўра баҳра олғайлар, битгучига ҳам бир дуо била баҳра еткургайлар.

Маҳбуб ул-қулуб, 11-б.

БИТИКЛИК [*т.* یازیکلیك] Ёзилган, битилган, ёзиғлик.

Анда битиклик дурур афсонае,
Ким бу навоҳий аро вайронае.

Ҳайрат ул-аброр, 173-б.

БИТИРГУЧИ [*т.* بیتیرگوچی] Тугаттувчи

Бу золимлар – мулкни барбод бергучилардур ва мулк аҳли йиғиштурғонларин битиргучилардур.

Маҳбуб ул-қулуб, 16-б.

БИҲИШТ [*ф.* بهشت] Жаннат, энг гўзал боғ.

Биҳишти соний Иккинчи жаннат, жаннатга ўхшаш, жаннатмонанд.

Тузуб суҳбат «Биҳишти соний» ичра,
Май ичса «Боғинав» айвони ичра.

Фарҳод ва Ширин, 58-б.

БИҲОЗАЛҚИЁС [*а.* بهذالقياس] Шу қиёсда, шунга таққослаб, шу улчовда, шу андазада.

Эрур чун тафовут била ул асос,
Асофилга тегру биҳозалқиёс.

Садди Искандарий, 150-б.

БОБ [*а.* باب] Фарғоналик машҳур Умаршайхнинг лақаби.

[*Бобо Фарғоний қ. с.*]. *Оти Умардур. Фарғонада булур эрди. Ул ерда улуғ машойихни «Боб» дерлар.*

Насойим ул-муҳаббат, 198-б.

БОБАШОРАТ [*ф.-а.* باباشارت] Хушхабарлик, муждалик, башорат қилишлик; башорат билан.

... илоҳий фазл ва икромига ва қалб қути ва якин қуввати номутаноҳий файз ва фазлга бор экан вақтда ишорат бобашорат ҳукми билаки...

Насойим ул-муҳаббат, 268-б.

БОБОБЕК [*т.* بابابيك] Ҳурматли, улуғ, буюк диний раҳнамо; донғи кетган шайх.

Агар Бобобек уғли айлади нақл,
Ҳақ этсун равзани маъвоси анинг.

Бадоеъ ул-васат, 492-б.

БОДАОМЕЗ [*ф.* باده آميز] Майга қоришган, май аралаш, соф майли.

Эрур гул барги узра оби ҳайвон,
Лабинг ул дамки булгай бодаомез.

Наводир уш-шабоб, 153-б.

БОДАОШОМ [ф. باده آشام] Май ичувчи; маҳбуба, ёр.

Офият кўйида маҳвашларга йўқтур нисбатим,
Ул муқаммиршева шухи бодаошомим керак.

Бадоеъ ул-васат, 239-б.

БОДАПАРАСТОНА [ф. باده پرستانه] Майни яхши кўрувчи; майпарастларча, майпарастлардек.

Соқий бодаи мастона кетур,
Дайрдин бодапарастона кетур.

Фавойид ул-кибар, 475-б.

БОДАПОЛОЛИК [*ф.-т.* باده پالاليق] Май сузгичлик, май сузиладиган матолик, докалик.

Май учун зоҳид ридоси андин ўлмас раҳнким,
Бодапололиққа ҳам лойиқ эмас ул порабуз.

Фавойид ул-кибар, 147-б.

БОДАСИЗ [*ф.-т.* باده سيز] **1** Майсиз, шаробсиз.
2 Бебаҳра.

Бу чаманким, тўкулур шом гул, очилса сабоҳ,
Бодасиз шому сабоҳ ўлмоқ эмас бизга салоҳ.

Наводир ун-ниҳоя, 90-б.

Эй Навоий, чун кўнгул бир дам очилмас бодасиз,
Истасанг ул ўйни равшан дам-бадам тутгил аёг.

Наводир уш-шабоб, 215-б.

БОДГИР [*ф.* بادگیر] **1** Елвизак, ҳаво ёки шамол тортадиган тўйнук.

2 Инсон тана аъзосининг маълум бир қисми, бурун тешиги, бурун коваги.

Лаъл эшиги узра ики бодгир,
Ҳайати матбуу узи дилпазир.

Ҳайрат ул-аброр, 92-б.

БОДОМА [*ф.* بادامه] Бодомдек, бодом каби, бодомга ўхшаш, бодом шаклидаги муҳр.

Ишқ нақди кисасининг ҳифзига бодома муҳр
Гар тилар булсанг, муносибдур бу чок улган юрак.

Бадоеъ ул-васат, 236-б.

БОЗОРИЙ [*ф.* بازاری] **1** Бозор ишларига мансуб кипи.

2 Бозорчи, савдогар, тижоратчи.

... мен не салоҳият била бу ишни қилурменки, бир бозорий кишиман, уммий ва фуқаро тариқин ва аларнинг одобин билмасман.

Насойим ул-муҳаббат, 406-б.

БОКЛИК [*ф.-т.* باکلیك] **1** Қўрқинчлик, хавфлик, ваҳмлик.

2 Андишалик, парволик.

3 Ажаблик.

Ҳусн аро улким насибинг қилмади жуз боклик,
Хотирим лавҳини гайринг нақшидин пок айлади.

Наводир ун-ниҳоя, 574-б.

БОН [*а.* بان] Чиройли ва ўзидан хушбўй ҳид таратувчи дарахт тури; нафис барглари ёқимли ҳидга эга ва пистага ўхшаш доналари магзидан хушбўй ёғ олинади.

Хасталиқ давлатидин сурғали келдинг бошим узра,
Заъф учун бон берурам гар сен эсанг аҳли иёдат.

Наводир ун-ниҳоя, 65-б.

БОНУ [*ф.* بانو] **1** Хоним, ойим.

2 Алишер Навоий «Фарҳод ва Ширин» достонининг бош қаҳрамонларидан бири, Меҳинбону исмининг қисқарган шакли.

Ул айлаб куп тазаллумларки, Бону
Лекин дер жонима миннат магар бу.

Фарҳод ва Ширин, 274-б.

БОРГИР [*ф.* بارگیر] Улов; юк ташувчи ҳайвон ёки уловлик учун туя, от кабилар.

[*Жорияи Мажнуна р. т.*]. *Деди: эй жавонмард, тақвони озугунг қил ва зуҳдни йўлунг ва вараъни боргиринг ва қурқунчлуглар тариқида сулук қил...*

Насойим ул-муҳаббат, 494-б.

БОРДИЛ [*ф.* بار دل] Ҳосилли, мевали.

Ёгочининг самари бордил ва самарининг таъми заҳри қотил.

Муншаот, 148-б.

БОРМАМАК [*т.* بارماماك] Бормаслик.

Оби ҳайвонинг ғамидин токи заъфим булди саъб,
Бормамиш бир қатра бўгзум ичра, жоно, су ҳануз.

Наводир уш-шабоб, 160-б.

БОРМОҒЛИҚ [*т.* بارماغلق] Бормоқлик.

Вале айлаб Миҳинбону ҳамиша,
Анинг қошига бормоғлиқни пеша.

Фарҳод ва Ширин, 250-б.

БОРУР-КЕЛУР [*т.* بارور كيلور] Бориб-келиш, борди-келди.

Ғофил бўлмай ишингда ғамдин,
Борур-келурунгда бир қадамдин.

Лайли ва Мажнун, 212-б.

БОРҒУЛУҚ, =лик [*т.* بارغولوق // بارغولق] Боргулик.

Муг кўйи азмидин мени манъ этма, эй рафиқ,
Бу йул эрур чу аҳли маломатқа борғулуқ.

Бадоеъ ул-васат, 232-б.

Дебдурки, ҳар ишда булсанг андоқ булки, Азроил бошингга келса, ул ишдин узга ишга борғулиқ булмағойсен ва бори ҳолатинг сенинг била булғай.

Насойим ул-муҳаббат, 242-б.

БОРҒУЧИ [*т.* بارغوچي] Боргувчи.

... ва биёбон қатъ этарга маркабни восита гумон қилсанг таййи арз била борғучилар оллида маркаб не эътибор.

Маҳбуб ул-қулуб, 52-б.

БОТИН-ҲУСН [*а.* باطن حسن] Яширин ҳусн, ички ҳусн, ички ғузаллик; кўнгил ғўзаллиги; руҳ ботини

[*Абу Ҳафс Ҳаддод қ. с.*]. *Ул дебдурким, зоҳир-ҳусн адаби, ботин-ҳусн адабининг унвонидур.*

Насойим ул-муҳаббат, 49-б.

БОФАРРУ ЖУД [*ф.* بافر جود] Инъом-эҳсон билан; саховат билан; шон-шавкат билан.

Не янглиғки ҳукм этти, тутти вужуд,
Ижозат бериб шоҳи бофарру жуд.

Садди Искандарий, 353-б.

БОХАРЗ [*ф.* باخرز] Жой номи.

Мавлоно Малик – Бохарз вилоятида Кориздиндур.

Мажолис ун-нафоис, 89-б.

БОШСИЗ [*т.* باشسيز] **1** Калласиз, бебош; сарбонсиз.

Мен чу кечтим ишқ аро бештин маломат қилмангиз
Ким, ажабдур бошсиз элнинг қулоғин тўлғамоқ.

Наводир уш-шабоб, 225-б.

2 Учсиз, бирор нарсанинг учисиз.

... ва Хусравнинг туғи бошсиз ва боши худсиз урдусига сурмоки...

Фарҳод ва Ширин, 297–298-б.

БОҚИЙЛИҒ [*а.-т.* باقی‌لیغ] **1** Абадийлик, доимийлик, мангулик, баҳолик.
2 Руҳий тириклик.

Фоний эрканнию боқийлиғни ҳам,
Маст эрканнию соқийлиғни ҳам.

Лисон ут-тайр, 237-б.

БОҚЛА [*а.* باقلا] Дони ёки уруғлари пишириб тановул қилинадиган ловияга ухшаш усимлик.

[*Абубакр Кафшириий қ. с.*]. *Ул дебдурки, Бани Исройил тиҳида борур эрдим. Манга парзада утмак ва боқла ҳавас булди. Филҳол боқла сотқучининг уни келди тиҳдаки қошимға келтурди.*

Насойим ул-муҳаббат, 142-б.

БОҚЛИ [*а.* باقلی] қ. **Боқла**

БОҒБОНО [*ф.* باغبانا] Эй боғбон.

Даҳр боғида вафо нахли экиб, берди жафо бар,
Боғбоно, деки, не бергамен ул самаримдин.

Фавойид ул-кибар, 304-б.

БОҒ [*ф.* باغ] Мевазор, чаманзор, бустон.

Боғи нав Ҳирот атрофидаги гузал боғлардан бири.

Тузуб суҳбат «Биҳишти соний» ичра,
Май ичса «Боғи нав» айвони ичра.

Фарҳод ва Ширин, 58-б.

БУ [*а.* بو] Арабча «абу», яъни «ота» сузининг қисқарган шакли.

Бу Жаҳл Абу Жаҳл – Муҳаммад алайҳиссаломга қарши кураш олиб борган араб зодагонларидан бири.

Ё Раб, эт бизни ҳабибинг сифатиға росих,
Айла Бу Жаҳл тариқин ичимиздин масқут.

Фавойид ул-кибар, 195-б.

БУЗКУШ [ф. بوزکش] **1** Эчки суювчи қассоб.
2 Улоқчи.
3 Арзимас нарса учун тортишувчи майдакаш киши.

Шайх деди: яхши кур, онинг карами эмасмукин, бир бузкуш ўгли бузурглар садрида ўлтурғай.

Насойим ул-муҳаббат, 202-б.

БУЗУРГЛУҚ, -лук//-лик [*ф.-т.* بزرگ لیک // بزرگ لوق // بزرگ لوک] **1** Каттолик, ёши улуғлик.

[*Абу Али Сиржоний қ. с.*]. *Ул қарилиг ва заъф ва бузурглуки била борур эрди ва яна бир олиб келур эрди.*

Насойим ул-муҳаббат, 147-б.

2 Авлиёлик, покдомонлик, порсолик, тақводорлик; улуғлик, буюклик.

Ва ул фаранги кофир йигит бу ҳолни кўруб, анинг бузурглуқин билди ва уз беадаблиқларидин уялиб, бош яланг қилиб, имон келтирди.

Насойим ул-муҳаббат, 336-б.

[*Мир Кориз р. т.*]. *Ҳам Шайх Фаридуддин Аттор баъзи китобида анинг зикрин қилибдур ва адосидин басе бузурглик фаҳм булур.*

Насойим ул-муҳаббат, 431-б.

БУКАНМАК [*т.* بوكان مك] Букилмоқ, букчаймоқ, қатланмоқ.

Бир манзил Нишобурдин Дизбодғачаки ёғин ёғар эрди. Икки буканиб ҳадис жузвин куксумда тутуб, борибменки, жузв ул булмагай.

Насойим ул-муҳаббат, 231-б.

БУКРАК [*т.* بوكراك] Буйрак.

[*Адиб Аҳмад р. т.*]. *Ҳақ с. т. агарчи зоҳир кузин ёпуқ яратқандур, аммо кунгли кузин бағоят ёруқ қилгондур: лубёга илик суртубдур ва дебдурки, қуй букрагига ухшайдур ва нахудни бармоғи била силаб, дебдурки, итолгу бошига ухшар.*

Насойим ул-муҳаббат, 426-б.

БУЛБУЛВАШ [*а.-ф.* بلبل وش] Булбулдай, булбул каби, булбулга ўхшаш, булбул монанд.

Гулда йуқ буйи вафо, шамъда йуқ шуълаи меҳр,
Узни булбулвашу парвона мисол айламангиз.

Фавойид ул-кибар, 152-б.

БУЛБУЛЛУҒ [*а.-т.* بلبل لوغ] Булбуллик.

Булбуллугунг булса айла парвоз,
Парвоналиғингни қилгил оғоз!

Лайли ва Мажнун, 289-б.

БУЛУЖ [*ф.* بلوج] Форс халқларидаги қабила, уруғ; эл, элат номи.

Ул элгаки дашт соридур майл,
Турку арабу булужу ҳар хайл.

Лайли ва Мажнун, 43-б.

[*Бобо Шиҳоб қ. р.*]. *Булуж элидин эрди. Тағойиси қизига мутааллиқ булуб телбарар эди.*

Насойим ул-муҳаббат. 451-б.

БУЛУТЛУҒ [*т.* بولوت لوغ] Булутлик, абрлик.

Сунбулунгни тараганда гул уза тонгдур арақ
Ким, булутлуг кечанинг албатта булмас шабнами.

Ғаройиб ус-сиғар, 503-б.

БУЛЪАЛО [*а.* بولعلا] Саҳобалардан бирининг номи.

Қаҳр барқи бирла раҳмат ёмғури гар буйладур,
Эмин эрмас Булъало, навмид эмастур Бу Лаҳаб.

Ғаройиб ус-сиғар, 60-б.

БУЛҚОСИМ [*а.* بوالقاسم] Нишопурлик Шайх Абулқосим Розий Жаъфар ибн Аҳмон ибн Муҳаммад исмининг қисқарган шакли.

Турфа буким, Булбашар келди атоларга ато,
Лек Булқосим деди фарзанд ани беваҳму бийм.

Бадоеъ ул-васат, 279-б.

БУЛҒАНЧУҒЛУҚ [*т.* بولغانچوغ لوق] 1 Булғанчилик, ифлослик, чиркинлик, бузуқи қилиқлик, рост йўлдан озишлик, бузуқ йўлга киришлик, фитна-фасодчилик.

2 Туполон, қўзғолон.

Ривоятдурки, Ҳизқил а. с.дин сунгра бани Исроил орасида миллат ҳайсийятидин кўп булғанчуғлуқ воқеъ булди.

Тарихи анбиё ва ҳукамо, 152-б

БУЛҒАТМАК [*т.* بولغتمك] Оғритмоқ

Хасм неча ҳақир бўлса, кўнгул қўзғатур ва хас неча ушоқ булса, кўз булғатур.

Маҳбуб ул-қулуб, 121-б.

БУНОГЎШ [*ф.* بناگوش] Қулоқнинг исирға тақиладиган юмшоқ қисми; қулоқнинг орқаси.

Саф шикан ул турки буногуш ўлуб,
Қатл хаёлига зириҳпўш ўлуб.

Ҳайрат ул-аброр, 195-б.

Эврулубон боши, озиб хуши ҳам,
Ёшунуб эгнига буногўши ҳам.

Ҳайрат ул-аброр, 259-б.

БУРДБОРЛИҒ [*ф.-т.* بردبارلیغ] **1** Вазминлик, оғирлик, виқорлик.
2 Сабр-тоқатлик.

... ва нафс таййиби била қиём кўргузмак ва халқ била яхшилик қилмоқ ва бурдборлиг.

Насойим ул-муҳаббат, 155-б.

БУРЖ БАР БУРЖ [*а.-ф.-а.* برج بر برج] Буржма-бурж (қадимги фалакиёт илмида – қуёшнинг йиллик ҳаракат доирасидаги ўн икки нуқтанинг ҳар бири).

Яна бир ҳуққа булгоч дуррига дурж,
Кезиб ул торам ичра бурж бар бурж.

Фарҳод ва Ширин, 353-б.

БУРЖЛУЛУҒ [*а.-т.* برجلولوغ] Қоровуллик, қўриклашлик; қарзга олинган маблағлик.

Кисангда агар дирам йўқ, кўнглунгда кисабур ғами ҳам йўқ. Ифлос машаққатин буржлулуғунг йўқидин унут, ҳар ҳолда шукр ва қаноат тариқин берк тут.

Маҳбуб ул-қулуб, 129-б.

БУТКАРМАК [*т.* بوتكرمك] Битказмоқ, сунгтига, охирига етказмоқ, адо қилмоқ, тугатмоқ.

[*Абулҳусайн ҳаддод Ҳиравий р. т.*]. *Андин сунг уч кун тирик эрди, тўртунчи кун Тенгри ҳукмин буткарди.*

Насойим ул-муҳаббат, 193-б.

БУТЛОНИ [*а.* بطلانی] Бузуқ-фосидга ўхшаш, бузуқ-фосид суз, гаплар, ноҳақ, асоссиз, нотўғри, беҳуда, бемаъни.

Шайх дегандурки, жамеъ милалу ниҳалда киши мундин расвороқ суз демайдур. Ва яхши боқса, Табиия ва Даҳрия мазҳаби мундин яхшироқдур. Ва сўзнинг яқини ва бутлонида куп сўзлар битибдур.

Насойим ул-муҳаббат, 345-б.

БУТМАМАК [*т.* بوتمامك] Битмаслик, усмаслик, кўкармаслик, унмаслик.

Боғ нахлининг қадингдек бошида гул бутмамиш,
Ҳусн боғининг бўлур эрмиш ниҳоли ўзгача.

Наводир уш-шабоб, 398-б.

БУТОВ [*т.* بوتو] Туғма кўр, туғма битилган, кўзи битик.

[*Адиб Аҳмад р. т.*]. *Дерларки, кузлари бутов эрмишки, асло зоҳир эрмас эмиш. Басир бўлуб, узга басирлардек андоқ эмас эрмишки, куз булгай ва курмас бўлгай.*

Насойим ул-муҳаббат, 426-б.

БУХОРОЛИҒ [*т.* بخارلیغ] Бухоролик, Бухоро шаҳридан

Мавлоно Сайфий-бухоролигдур, андин Ҳирий шаҳрига келди.

Мажолис ун-нафоис, 72-б.

БУЮКРОҚЛИҒ [*т.* بویوکراقلیغ] **1** Улуғроқлик, буюкроқлик.

2 Валийлик, порсолик.

[*Абдуллоҳ Ҳозир р. т.*]. *Анинг била Юсуф б. Ҳусайн орасида сузлар борким, барчада, мартабада анинг буюкроқлиги Юсуф б. Ҳусайндин зоҳир булур.*

Насойим ул-муҳаббат, 72-б.

БУЮРҒУЧИ [*т.* بویورغوچی] **1** Амр этгувчи, буюргувчи.

2 Айтгувчи, гапиргувчи.

Ҳунарпарвар – ишни буюргучидур,
Ҳунарвар, вале, лоф урғучидур.

Садди Искандарий, 578-б.

Айтқучи ва чалгучи зорлиг ва ийнамак била олгучи. То буюргучида сила ва иньом бор, алар мулозимдурлар ва хизматгор.

Маҳбуб ул-қулуб, 31-б.

БУЁҚЧИ [*т.* بویاقچی] Бўеқчи.

Баланд ҳолот ва аржуманд каромот соҳиби эрди. Отаси буёқчи эрди.

Насойим ул-муҳаббат, 390-б.

БУЁҒЧИЛИҚ [*т.* بویاغچیلیق] Буёқчилик.

Ва алар ун ики киши эрдилар пешалари буёғчилиқ эрди.

Тарихи анбиё ва ҳукамо, 177-б.

БЎЗЛУК [*т.* بوزلوق] **1** Кўк рангли кийимлик.

Керак либоси малоҳатда маҳваш эл дилкаш,
Гар эгни ҳуллалиг улсун, ва гар тани бузлук.

Фавойид ул-кибар, 225-б.

2 Ранги бўздай оқарганлик, ранги кув учишлик, ранги оппоқ бўлиб кетганлик, ранги учганлик.

Рақибдин ул ой афсун била фан урганмиш,
Парийга дев не таълим қилди кур бузлук.

Фавойид ул-кибар, 225-б.

БЎЙ [*ф.* بوی] **1** Ҳид, ис, ифор. **2** Нишон, аломат, белги.

2 Умид.

Бўйи вафо Вафо нишонаси, вафо аломати.

Даҳр боғининг гулида йуқтурур бўйи вафо,
Ўзни, эй булбул, агар парканд-парканд айладинг.

Ғаройиб ус-сиғар, 290-б.

БЎЛМАМОҚ [*т.* بولماماق] Бўлмаслик.

Монеъ бўлмамоқ Монеъ бўлмаслик, тусиқ бўлмаслик, қарши булмаслик.

Кишидин талабсиз ғино ҳосил этмас,
Яна жудга бўлмамоқ ҳеч монеъ.

Маҳбуб ул-қулуб, 56-б.

Мунъақид бўлмамоқ Боғланмаслик (дустлик ришталари билан).

Дуслтуг ким қилса, душманлиқ топардин даҳр аро,
Бўлмамиш гуё муҳаббат аҳли ҳаргиз мунъақид.

Бадоеъ ул-васат, 89-б.

Хам бўлмамоқ Хам бўлмаслик, эгилмаслик, бўкилмаслик.

Ашким артилган учун хам бўлмамиш кирпикларим,
Ким ясабдур кўз хаёлин чеккали куллоблар.

Ғаройиб ус-сиғар, 153-б.

Ҳарис бўлмамоқ Очкўз бўлмаслик, тамагир бўлмаслик.

Гарчи билдимки ҳарис улди жаҳонда маҳрум,
Бўлмамоқ мумкин эмас ёр висолига ҳарис.

Наводир уш-шабоб, 199-б.

БЎЛМАМОҒЛИҚ [*т.* بولماماغلق] Бўлмаслилик.

Ғофил бўлмамоғлиқ Бехабар бўлмаслилик, ғофил бўлмаслилик.

... ё бу икки ишга далолат қилурдек бир амрдин гофил бўлмамоғлиқ авлодурур.

Бадоеъ ул-бидоя, 21-б.

БЎЛМАСЛИҚ, -лиғ [*т.* بولماسلق/بولماسلیغ] Бўлмаслик.

Нокас киши бўлмаслиқда ва ножинс киши жинси бўлмаслиқда.

Наводир уш-шабоб, 521-б.

Кўнгли ранж била куюб жононига демагонин булбул куйса гули хандонига гам бўлмаслигин ташбиҳ қилиб, ишқ чаманида булбулдек гулбонг урғони.

Мажолис ун-нафоис, 196-б.

БЎЛМОҚЛИК [*т.* بولمقلیك] Бўлмоқлик.

Ул ошкор этти, дорга ток бўлмоқлик насиб бўлди.

Маҳбуб ул-қулуб, 61-б.

БЎЛМОҒЛИҚ, -лиғ [*т.* بولماغلق/بولماغلیغ] қ. **Бўлмоқлик.**

Бу оламда бўлмоғлиқ офоқгир,
Яна олам аҳлида жаннат сарир.

Садди Искандарий, 124-б.

Биров топса бир ишга мунча сабаб,
Жаҳонгир бўлмоғлиги не ажаб?

Садди Искандарий, 125-б.

БЎЛҒУЧИ [*т.* بولغوچی] Бўлгувчи.

Борчани ҳам, қилгучи нобуд ўзи,
Борча бориб, бўлгучи мавжуд ўзи.

Ҳайрат ул-аброр, 102-б.

БЎРА [*ф.* بورہ] Кўпинча тиббиётда қўлланиладиган туз моддасининг бир тури, танокор.

Гаҳ кўзидин ултурур, гоҳи лабидин жон берур,
Шухлигидиндур анга ҳар дам бўрайи мунқалиб.

Бадоеъ ул-васат, 42-б.

БУРЁБОФ [*ф.* بوریباف] Буйра тўқувчи, буйрасоз, буйра тайёрловчи.

Биров кўнгли олиндаким софдур,
Агар заркаш, ар бурёбофдур.

Садди Искандарий, 51-б.

БУРКЛУК [*т.* بورکلوك] Бош кийимлик; (қалпоқлик, телпаклик) саллалик.

Абу Абдуллоҳ Диноварий дарёда кема ичида қолди, мураққаъин кесар эрди ва тикар эрди, то бир бурклукка еткурди.

Насойим ул-муҳаббат, 109-б.

БУСТОНИЙ [*ф.* بوستانی] Боғ, бустонга оид, чаман, гулзорга тааллуқли. Бустонлик, гулзорлик, чаманзорлик.

Шаҳ қилиб хилъатини райҳоний,
Рост андоққи, сарви бустоний.

Сабъаи сайёр, 202-б.

Гулрух андоққи сарви бўстоний,
Кисват айлаб ҳарири райҳоний.

Сабъаи сайёр, 235-б.

БУТАЛИҒ [*т.* بوتالیغ] Бўталоқли, болали.

Бўталиғ тева Болалик туя, бўталоғи бор туя.

Алар ожиз бўлгондин сўнгра, Солиҳдин ғариб муъжиза тиладиларким, хора тошдин дуо қилиб, бир бўталиғ тева чиқорғил. Солиҳ а. с. дуо қилиб, Ҳақ таоло ул тошни шак қилиб, тева бўтаси била тош орасидин чикти.

Тарихи анбиё ва ҳукамо, 109-б.

БУТРАШМОҚ [*т.* بوترشماق] Қочмоқ

Бўтрашти чу ҳар бириси бир ён,
Қолди орада ғариб гирён.

Лайли ва Мажнун, 229-б.

БУТРАТМАК [*т.* بوتراتماك] Совирилмоқ.

Бўтратқали молини ҳаводис,
Қўймағай агар бор улса ворис.

Лайли ва Мажнун, 59-б.

БУШЛУҒ [*т.* بوشلوغ] **1** Бўшлик, бўш бўлиш.

2 Оч бўлиш, очлик.

Ва бу зуруф ошлиг зуруфидур ва буларнинг қути ошлиғдур, чун қорин очлиғи, яъни бушлуғи зоҳир булса, ани ошлиг ва ҳубоб била тула қилурлар.

Насойим ул-муҳаббат, 497-б.

БУЮН [*т.* بویون] Буйин, ғавданинг бош билан танани бириктирувчи қисми.

Буюн сўнмамак Буйсунмаслик.

Ва «Нафаҳот»да мундоқдурки, ҳеч валий қолмадики, бу сўзга буюн сўнмамуш бўлғай.

Насойим ул-муҳаббат, 377-б.

Буюн қўймоқ Буйин эгмоқ, буйнини паст қилмоқ, буйсунмоқ, итоат қилмоқ; розилик бермоқ

Барча авлиё буюн қўйғайлар. Ва Шайх Ҳаммод беш юз йигирма бешда Рамазон ойида оламдин утубдур.

Насойим ул-муҳаббат, 376-б.

В

ВАДИАТ [*а.* وديعت] Омонат нарса.

Вадиати ниҳоний Жон омонати.

Чун етти суруши осмони,
Топшурди вадиати ниҳони.

Лайли ва Мажнун, 260-б.

ВАДОЪ [*а.* وداع] Алвидо, видо, хайру хуш; видолашиш.

Мен Рамазон ойидурмен, келибменки, эътизор қилгаймен, ул умурдинки, менда санга муқаддар бўлуб эрди ва санга вадоъ қилгайменки, бу охир ижтимоъдур, сенинг била менинг орамда, деди ва қайтти.

Насойим ул-муҳаббат, 378-б.

ВАЖҲСИЗ [*а.-т.* وجه سيز] **1** Бесабаб, беваж (ҳ), боиссиз; далилсиз. **2** Юзсиз, жамолсиз, чеҳрасиз.

Чеҳра ёпиб мени қуйдурма, ахи,
Важҳсиз жонима ўт урма, ахи.

Наводир уш-шабоб, 462-б.

ВАЖҲУЛЛОҲ [*а.* وجه الله] Аллоҳнинг жамоли.

Юзунг лавҳида важҳуллоҳ аёндур,
Не тонг гар олмасам ул кўзгудин кўз.

Наводир ун-ниҳоя, 192-б.

ВАЗЗУҲО [*а.* والضحى] Чошгоҳ билан қасам, Қуръони каримнинг «Ваззуҳо» ояти билан бошланувчи сураси маъносига ишора. Бу сурада Муҳаммад алайҳиссалом шарафланиб улуғланади.

Ул шамъки, «вазzуҳо» қуёш юзидур,
Мазоғ била сурма чекилган кўзидур.

Назм ул-жавоҳир, 123-б.

ВАЙ [*т.* وي] Оҳ, вой

Эй кунгул, ҳижрон куйидур, тортиб афғон йиглагил,
Вай кўз, айрулгунгдур ул гулчеҳрадин, қон йиглагил.

Бадоеъ ул-васат, 274-б.

ВАЙРОНАЛИК [*ф.-т.* ويرانه ليك] Харобалик, бузуқлик.

Туттилар аҳли жунун вайроналик ул жамъдин
Ким, паришонлиглар ичра бўлди вайрон мен кеби.

Наводир уш-шаббоб, 439-б.

ВАЛИЙМА [*а.* وليمه] Зиёфат, туй, базм; никоҳ туйи.

Суфилар кадхудо бўлдилар ва валийма берур эрдилар. Ул ҳам уйланди.

Насойим ул-муҳаббат, 192-б.

ВАЛЛОҲ [*а.* والله] Худо ҳаққи, азбаройи Худо.

Кўюнг уммиди, юзунг ҳасрати бирла, агар улсам
Ёвумай равзага валлоҳ, тиламай ҳурни биллаҳ.

Ғаройиб ус-сиғар, 422-б.

ВАРАЪПЕША [*а.-ф.* ورع پیشه] Парҳез қилувчи, тақво қилувчи, покдомонлик қилувчи; тақводор, парҳезкор, покдомон, порсо.

Ул дебдурки, отам манга васият қилдики, илм ўрган, зоҳир одоби учун ва вараъпеша қил, ботин одоби учин.

Насойим ул-муҳаббат, 152-б.

ВАСАТ [*а.* وسط] Ўрта, ўрталик.

Васат ул-ҳаёт Ҳаёт ўрталари.

Ва учунчи девонким, васат ул-ҳаёт майхонасида ишқ била шавқ паймонасининг юзланган бадиъ нишотлар кайфиятин ёзилиб эрди.

Ғаройиб ус-сиғар, 19-б.

ВАСЛАЛИҒ [*а.-т.* وصله لیغ] Ямоқ, йиртилган; ямоқлик тўн.

Силк этак зарриштa бирла гул туқулгон жинсдин,
Ким эмас тори чу булган васлалиг мошобдек.

Ғаройиб ус-сиғар, 264-б.

ВАСОВИС [*а.* وساوس] Шайтон, иблис; васваса.

... ва замир хилватгоҳини хавотир ғавғосидин муаррову қунгул зистгоҳини васовис ҳужумидин мубарро қилдим.

Ғаройиб ус-сиғар, 16-б.

ВАСОТАТ [*а.* وساطت] Восита бўлиш, ўртага тушиш, ўртага юриш, ўртакаш.

Шайх буюрдиларки, аларнинг иродати мундин сунгра санга манинг иродатимдур, аммо сенинг васотатинг аларга нафъ қилур.

Насойим ул-муҳаббат, 310-б.

ВАССОБИҚУН [*а.* والسبق] Қуръони каримда келган оятнинг маъноси (ҳаммадан илгари келганлардан ҳам илгари бор эди)га ишора.

Ул эди олам элига раҳнамун,
Келди чун вассобиқун ассобиқун.

Лисон ут-тайр, 21-б.

ВАФОЖЎЙ [*а.-ф.* وفاجوي] Вафо истовчи, вафо қидирувчи.

Вафо бозорининг косидлиғида ва вафожўйлар хаёлининг фосидлиғида.

Наводир уш-шабоб, 513-б.

ВАФОИЙ [*а.* وفائي] Киши (шоир Аҳмад Ҳожибек) тахаллуси.

Аҳмад Ҳожибек – Султон Малик Кошғарийнингким, замонининг бебадалларидин эрди, ўғлидур. «Вафоий» тахаллус қилур.

Мажолис ун-нафоис, 151-б.

ВАҚОР [*а.* وقار] **1** Оғир, вазмин.

2 Салобатли, улуғвор, олий мақомли.

3 Муомалали.

Шайх Нажибуддин Суҳравардий ва ғайруҳумо бир авқар вақор ва баҳолиг киши кирди...

Насойим ул-муҳаббат, 378-б.

ВАҚТШУНОС [*а.-ф.* وقتشناس] Вақт (кун)нинг хосиятли ёки хосиятсизлигини билувчи, аниқловчи (вақтнинг қадр-қимматини билувчи).

Ҳукамо бўлдилар чу вақтшунос,
Бўйла соат ишига бўлди қиёс.

Сабъаи сайёр, 138-б

ВАҲДОНИЯТ [*а.* وحدانيت] 1 Тасаввуф таълимотларидан бири (Ваҳдоняття кура, ҳамма нарсанинг яратувчиси яккаю ягона Аллоҳдир); яккаю ягоналик, танҳолик.

Ваҳдоният сифатида шарику вазирдин мубарро ва фардоният сийратида волиду валаддин муарро.

Муножот, 293-б.

2 Аллоҳнинг бирлиги, ягоналиги; ёлғизлик.

Тенгри сузин эшитти, ваҳдоният кунглиґа кашф бўлди ва инсоният сифоти маҳв бўлди.

Насойим ул-муҳаббат, 48-б.

3 Ёлғиз ўзига, Аллоҳнинг ягоналигига эътиқод қилиш, иймон келтириш.

Бир узининг ваҳдониятиґа ва пайґамбарининг рисолатиґа иқрор қилмоқдур.

Мунша от, 221-б.

ВАҲЛ [*а.* وحل] Лой, балчиқ.

Дунё сориким майл укин отти, ахий,
Анинг ваҳлиґа белича ботти, ахий,
Гумроҳ улус ичра узин қотти, ахий,
Дунёґа бировки дунёни сотти, ахий

Назм ул-жавоҳир, 160–161-б.

ВАҲМЛИҒ [*а.-т.* وحملیغ] 1 Қўрқувлик, ваҳималик, ҳаяжонлик

2 Сақланишлик, хавф, хатар.

Бўлуб савру ҳут авжидин ваҳмлиґ,
Тубидин топиб кўп ўю балиґ.

Садди Искандарий 508-б.

ВАҲМНОК [*а.-ф.* وحمناك] 1 Ваҳимали, қўрқувли.

2 Сақланишли.

Бўлуб эл бу ики балодин ҳалок,
Кириб нақб аро бир неча ваҳмнок.

Садди Искандарий, 274-б.

ВАҲШАТАФЗО [*а.-ф.* وحشتفزا] 1 Куркинч орттирувчи, хавф-хатар орттирувчи.

2 Ёлғизлик, одамлардан узоқлаштирувчи.

Ґам туни эрмаски, оҳимдин қоронґудур сипеҳр,
Бу қўҳан дайр ичра беҳад ваҳшатафзо бўлди дуд.

Фавойид ул-кибар, 88-б.

ВАҲШАТОБОД [*а.-ф.* وحشت آباد] Дунё, жаҳон, олам.

Дема мулкким, ваҳшатободи зишт,
Тамуґ билгуруб ґойиб улґач биҳишт.

Ґаройиб ус-сиґар, 531-б.

ВАҲШИЙШИКОР [*а.-ф.* وحشی شکار] Ваҳшийларни қўлга туширувчи, душманни асир олувчи; ваҳимали овчи.

Куп этти чу лутфу карам ошкор,
Деди: «К-эй адувбанд, вахшийшикор,
Ўзунгни аён қилки, кимсен, равон
Ки, шавкунг сенинг биздин олди тавон»!

Садди Искандарий, 439-б.

ВИЛОҲАТАФЗОЙ [*а.-ф.* ولاهت افزای] Саргашталик, сарсонлик, саргардонлик; мафтунлик.

Вов ҳарфининг вилоҳатафзойларининг вокеъи «наводир» дин.

Наводир уш-шабоб, 367-б.

ВИТР [*а.* وتر] Хуфтон намозининг суннатидан кейин ўқиладиган уч ракаатлик витр намози.

Ики субҳу яна турт улди пешин,
Яна аср ичра бўлди турт таъйин.
Учу тўрт англа, мағриб-ла ашода,
Вали қил витрни вожиб арода.

Сирож ул-муслимин, 285-б.

ВИҚОРЛИҚ [*а.-т.* وقارلیق] **1** Оғирлик, вазминлик, улуғворлик; ўзини тутган, босиқ одам; олий мақомли.

2 Сабрлик, бардошлик.

Бир пир йўлиқди, яхши юзлуг, ҳайбатлиқ ва викорлиқ.

Насойим ул-муҳаббат, 380-б.

ВОДИЙ [*а.* وادی خرم] Кенг бўшлиқ, дара, дашт.

Водийи хуррам Шодлик водийси, хурсандлик водийси, поклик водийси; дилписандлик водийси.

Йул эмас, Ясрибда йиртибтур юзин тирноғ ила
Мақдаминг то етмади ул водийи хуррам аро.

Бадоеъ ул-бидоя, 33-б.

Водий ул-қария Қишлоқ водийси, қишлоқ дараси; қарилик водийси; нотавонлик маскани.

Баъзи қутубда мундоқ дебдурларким, бир заифаким, оти Вазиъа эрди ва аёг-илки мафлук ва Солиҳ а. с. ға доим тил текурур эрди, улмай қолди ва тани дуруст бўлуб, ул диёрдин водий ул-қарияға келди...

Тарихи анбиё ва ҳукамо, 110-б.

Водий ун-Намл Қадимий жой номи.

Водий ун-Намлға еттиким, баъзи Ани Тойифи Ҳадидо дебдурлар.

Тарихи анбиё ва ҳукамо, 162-б.

ВОЖИБ [*а.* واجب] Исломда ҳар бир мусулмонга Муҳаммад (с. а. в.) томонидан буюрилган, бажарилиши мажбурий, зарур бўлган амал тури.

Вожиб ул-вужуд Ўрта аср Шарқ фалсафасидаги тасаввуфий тушунчалардан бири. Форобий бутун мавжудотни 6 даражага булади. Шулардан биринчиси Вожиб ул-вужуд – Аллоҳ; қолган 5 таси: ақл, жон, шакл, борлиқ, осмон – мумкин ул-вужуд. Қуръони каримда эътироф этилганидек, вожиб ул-вужуд Аллоҳни билдиради; вужуди унинг ўз зотига боғланган-дир ва ҳеч кимга муҳтож эмас; қатъий мавжуд зот, Аллоҳ.

Таоло шаънука ва аммо эҳсонука ва ло илоҳа ғайрука. Е вадуд ва Маъбуди вожиб ул-вужуд.

Муножот, 293-б.

Вожиб ут-таъзим Ҳар қанча улуғлаш, ҳурматлаш, таъзим бажо келтириш лозим булган Зот, Аллоҳ; таъзим бажо келтириш лозим.

Зиҳи исминг азим, раҳмонлиғу раҳимлиғинг – Вожиб ут-таъзим.

Муножот, 293-б.

ВОЛАЛИҒ [*а.-т.* والهه لیغ] Мафтунлик, шайдолик, берилишлик, ҳайратда қолганлик, ўзини йўқотишлик.

Даме васли ичра волалиғ била рухсорим эгнида,
Яна бир дам ниёзу ажз ила бошим оёғинда.

Ғаройиб ус-сиғар, 47-б.

ВОРАСТАЛИҒ [*ф.-т.* وارسته لیغ] Қутулганлик, халос бўлганлик, озодлик.

Чун фано аҳлиға қайд ўлди сочинг силсиласи,
Қилмади нафъ тажарруд била ворасталиғим.

Бадоеъ ул-васат, 305-б.

ВОРИССИПОР [*а.-ф.* وارث سپار] Меросхўрга қолдирувчи, варасага қолдирувчи; меросхўр.

... ва ўз молин тамғодин ўғурлаб ўзига мазаллат етгай, ё вориссипор учун йиғингай...

Маҳбуб ул-қулуб, 34-б.

ВОСЕЪАТ [*а.* واسعت] Кенгликлар, бепоёнликлар.

Агарчи ул фаржа зоҳир булган такмили учун яна хишт соли(н)са, арзи Аллоҳ восеъат юзин, балки курраи арз даврасин тамом хишт солмоқ лозим була келур.

Маҳбуб ул-қулуб, 126-б.

ВОСИЛОТ [*а.* واصلات] Етишганлик, комилликка эришганлик.

[*Туҳфа р. т.*]. *Ул нисонинг солиҳоти, балки восилотидин эрмиш.*

Насойим ул-муҳаббат, 490-б.

ВОСИТИЙ [*а.* واسطی] Восита, воситалик; ўрта, ўртадаги; сабабчилик.

Воситий ул-асл 1) ҳақиқий восита, асл сабабчи, бош сабабчи; 2) ҳаққа етишган, ҳаққа восил булган

[*Бунон б. ...*]. *Учунчи табақадиндур. Воситий ул-аслдур ва Мисрда сокин эркандур.*

Насойим ул-муҳаббат, 110-б.

ВОҚИФЛИҒ [*а.-т.* واقف لیغ] хабардорлик, огоҳлик, бохабарлик.

... ва огаҳлиғдур, башарият инодиға воқифлиғдур, нафси амора фасодиға ва кунгулга нафармонлиғдин мутағаййир бўлмоқдур...

Маҳбуб ул-қулуб, 47-б.

ВОҲИД [*а.* واحد] Якка, ягона, ёлғиз, битта [Аллоҳ].

Ройинг ичраким келибдур ҳар ёруғлуғ манбаъи,
Фарди воҳид боҳир айлаб ўз жамоли раҳматин.

Бадоеъ ул-васат, 482-б.

ВУЗАРОТ [*а.* وزرات] Вазирлик, подшо(ҳ) саройи.

Қубод фарзандининг мулоқотин шуғун тутуб, ҳоқон черикин ҳам андин қайтариб, ҳарам била ўглин олиб, Мадойинга етиб, подшоҳлиққа ултурди ва Сухрони вузаротдин азл қилмади.

Тарихи мулуки ажам, 240-б.

ВУСУЛФИКРЛИК [*а.-т.* وصول فكرلك] **1** Васл хаёллик, висол ўйлик. **2** Етишганлик.

Жамилзикрлиг улган жамолинг этти таманно,
Вусулфикрлиг элга висолинг ўлди тавалло.

Наводир уш-шабоб, 8-б.

ВУСУҚ [*а.* وثوق] Ишонч, таянч, суянч, тўғри, ҳақиқат.

Вусуқи тамом Тулиқ ишониш, бутунлай хотиржам бўлиш.

... ва рафоҳият ҳолида ва вусуқи тамом, илоҳий фазл ва икромиға ва қалб қути ва яқин қуввати номутаноҳий файз ва фазлга бор экан вақтда...

Насойим ул-муҳаббат, 268-б.

Г

ГАВҲАРАФШОНЛИҒ [*ф.-т.* گوهرافشان لیغ] **1** Гавҳар сочувчилик, гавҳар ёғдирувчилик.

Агарчи хомамнинг гавҳарафшонлиғига ниҳоят йироқдур ва лекин дуо гавҳарфишонлиғи била ихтисор қилмоқ яхшироқ.

Ғаройиб ус-сиғар, 22-б.

2 Чиройли маъноли сўзловчилик, ширин сўзлик, фасоҳатли нутқ; аниқ ва равшан сўзлаш.

Кунглумга узга қувват кирди ва таъбимга узга жавдату жалодат ҳосил бўлди, килким жардайи тезкомига узга равонлиғу хаёлим саҳоби барқхиромига узга гавҳарафшонлиғ юзланди.

Ғаройиб ус-сиғар, 16-б.

ГАВҲАРКАШ [*ф.* گوهرکش] Гавҳар ташувчи, гавҳар келтирувчи.

Пили гавҳаркашдурур ҳар ён саҳоби пилранг,
Бошида чангак ҳилолу ёнида хуршид занг.

Бадоеъ ул-васат, 241-б.

ГАВҲАРМЕҲР [*ф.* گوهرمهر] Порлоқ қуёши, нурли қуёши, қуёш.

Илми дарёсига ҳубоб сипеҳр,
Йуқки, ул баҳр ичинда гавҳармеҳр,
Кашфи ҳикмат иши камоҳи анга
Ҳам табиию ҳам илоҳи анга.

Сабъаи сайёр, 41-б.

ГАВҲАРНИШОН [*ф.* گوهرنشان] **1** Гавҳар аломатлик, гавҳар асарлик.

2 Гўзал хатлик.

... икки забоналиқ килки зулфиқоридин нишона ва ул килки забоналари суръатда дулдулидек равона бу баргузиданинг назми гавҳарнишони ва насри луълуъ фишонидур.

Назм ул-жавоҳир, 126-б.

ГАВҲАРОЙИН [*ф.* گوهراین] Гавҳар сифатли.

Мурассаъ эгар бирла тазйин топиб,
Яна ғоиия гавҳаройин топиб.

Садди Искандарий, 309-б.

ГАВҲАРСИЗ [*ф.-т.* گوهرسز] Дурсиз, гавҳарсиз, қимматбаҳо тошсиз.

Гар ул булмаса кимсага йуқ шараф,
Анингдекки, гавҳарсиз улгай садаф.

Садди Искандарий, 40-б.

Сахосиз киши бирла гавҳарсиз садафнинг бир ҳукми бор.

Маҳбуб ул-қулуб, 80-б.

ГАВҲАРФУРУШ [*ф.* گوهرفروش] **1** Гавҳар сотувчи.

2 Синчиклаб, танлаб сўзлайдиган шоир.

Бу дурларниким сочти гавҳарфуруш,
Садаф оғзидек сойил улди хамуш.

Садди Искандарий, 105-б.

ГАВҲАРШОДБЕГИМ [*ф.-т.* گوهرشاد بیگم] **1** Ҳиротдаги (Афғонистон) мадраса номи.

2 Темурийзода Шоҳрухнинг хотини.

Ҳоло маҳди улё «Гавҳаршодбегим» мадрасасида ва яна баъзи мадорисда мударрисдур.

Мажолис ун-нафоис, 117-б.

ГАДОВАШ [*ф.* گداوش] **1** Гадодай, тиланчи каби.

2 Фақирдек.

Ниёзу ажзидин ар улса дам-бадам, не ажаб,
Гадовашеки, анга подшо эрур мунис.

Бадоеъ ул-васат, 168-б.

ГАДОЛИКЧА [*ф.-т.* گدالیکچه] **1** Тиланчиликча, гадоликларча.

2 Фақирликларча.

Бўлмаса ҳақ ёдидин огоҳлиқ,
Билки гадоликча эмас шоҳлиқ.

Ҳайрат ул-аброр, 320-б.

ГАДОПЕША [*ф.* گداپیشه] Гадойликка одатланган, гадоликни касбкор қилиб олган киши, тиланчилик қилувчи.

Деди сурғон дам ул гадопеша.
«Ҳожатимдур бир арра, бир теша».

Сабъаи сайёр, 239-б.

ГАЖДУМ [*ф.* گژدم] **1** Чаён.

2 Ёрнинг зулфи.

Оразинг кофурида ул зулфи мушкин гаждуми,
Анбарин кошинг хамида холдек қуз мардуми.

Бадоеъ ул-бидоя, 597-б.

ГАЗДАСТА [*ф.* گزدسته] Қамчи.

Сойислиғига зухал урруб фол,
Газдаста била қўлида ғирбол.

Лайли ва Мажнун, 24-б.

ГАЗИСТОН [*ф.* گزستان] Юлғунзор, бутазор.

[*Абу Сулаймон Хаввос ...*]. *Улдурки, бир кун бир газистон орасидин эшак миниб борур эрди.*

Насойим ул-муҳаббат, 161-б.

ГАНЖБАХШ [*ф.* گنج بخش] **1** Хазина бағишловчи, бойлик бағишловчи.

2 Бахт қуши.

... ва ганжбахшеким, рўзафзун жаноби исмидин кишваркушойлиқ сиккасининг миръоти беҳбуд нақшин зоҳир этти.

Бадоеъ ул-бидоя, 15-б.

ГАНЖ [*ф.* گنج] **1** Қимматбаҳо нарсалар (олтин, кумуш, лаъл ва бошқ).

2 Бойлик, хазина.

Ганжи равон 1) ҳаракатланувчи хазина. 2) Қуръони каримдаги равон оқувчи «кавсар» сувига ишора, оқар хазина; диний манбаларга кўра, ер остидаги ҳаракатланувчи [ҳаракатланиб турувчи ёки ҳаракати Қорун томонидан бошқарилиб турувчи] тахти равонга туташган Қорун хазинаси; ганжи Қорун.

Олиб заҳмати жисму ранжи равон,
Хирад айтибон они «ганжи равон».

Садди Искандарий, 236-б.

ГАНЖРЕЗ [*ф.* گنج ریز] 1 Бойлик тўкувчи, тилло тўкувчи.

Кўнгли билик гавҳаридин ганжхез,
Илги саховат кафидин ганжрез.

Ҳайрат ул-аброр, 69-б.

2 Сўз хазинасини тўкувчи.

Ҳам ул ганжрезу ҳам ул ганжпош,
Булуб базмидин даҳр аро ганж фош.

Садди Искандарий, 44-б.

Чу қилдим қалам нўгини нуктабез,
Қила бошлади нугидин ганжрез.

Садди Искандарий, 566-б.

3 Маъноли сўз айтувчи.

Ганжа ватан, кўнгли анинг ганжхез,
Хотири ганжуру тили ганжрез.

Ҳайрат ул-аброр, 49-б.

ГАНЖФИШОНЛИҚ [*ф.-т.* گنج فشانلق] 1 Хазина сочувчилик.

2 Бебаҳо сўзлар айтишлик.

... ва Ганжа ҳакими таърифидаким, ганжи Корун анинг «Панж ганж»и қошида ганж олида вайронадек курунгай – ганжфишонлиқ қилмоқ.

Лайли ва Мажнун, 29-б.

ГАНЖХЕЗ [*ф.* گنج خیز] 1 Хазина қадар бебаҳо.

Бировга етишгонга қиймат пашез,
Яна бирга қиймат келиб ганжхез.

Садди Искандарий, 44-б.

2 Сўз жавоҳирларини берувчи; латиф маънолар берувчи.

Ганжа ватан, кунгли анинг ганжхез,
Хотири ганжуру тили ганжрез.

Ҳайрат ул-аброр, 49-б.

Кунгли билик гавхаридин ганжхез,
Илги саховат кафидин ганжрез.

Ҳайрат ул-аброр, 69-б.

ГАНЖХОНА [*ф.* گنج خانه] 1 Қимматбаҳо тошлар тўпланган жой.

2 Сўз махзани.

3 Маъно хазинаси.

... ўз хизонайи хотири ганжхонасидин ёқуту лаъли рангин ва гавҳару дурри самин била ул зебу зийнатқа табдил еткуруб, ҳар газални тартиб юзидин ўз ўрнига ракам қилур эрди.

Ғаройиб ус-сиғар, 17–18-б.

ГАРАВ [*ф.* گرو] Гаров, ваъданинг бажарилишига ишонтириш учун қолдириладиган омонат нарса.

Гарав боғламоқ Бас боғлашмоқ, гаров боғлашмоқ, гаров ўйнамоқ

Сизга ўз муддаомни собит қила олмон, аммо бир кишини ҳакамлиқга мусаллам тутсангиз, гарав боглармен.

Хамсат ул-мутаҳаййирин, 18-б.

ГАРДАНГЕЗ [*ф.* گردانگیز] Чанг, тўзон кўтарувчи; чангитувчи, ғубор қўзғатувчи, чанг-тўзон қўзғатувчи

Маркаб эрмаским сабо майдонда гардангез эрур,
Рокиб эрмас, барги гулдурким, сабодин тез эрур.

Наводир уш-шабоб, 141-б.

ГАРДАНГИЗ [*ф.* گردانگیز] қ. **Гардангез.**

ГАРДАНКАШ [*ф.* گردن‌کش] Буйин товловчи, итоатсиз.

Чун чиқиб тахти хилофат уза ҳақдин, бўлубон
Ҳукми гарданкашига мулкдин амри ихрож.

Бадоеъ ул-васат, 72-б.

ГАРДЛИҚ, -лиғ [*ф.-т.* گرد لیق/گرد لیغ] **1** Чанглик, ғуборлик.
2 Юрувчилик, кезувчилик.
3 Ғам-ғуборлик; ҳасратлик.
4 Асарлик, нишонлик, излик; фойдалик, баҳралик.

Агар куюнгда ултурмоқ топар жонига юз миннат,
Агар йиллар Навоий бу ҳавода гардлиқ қилса.

Бадоеъ ул-васат, 396-б.

Гардлиғ чавгон хамида ахтар ўлган ўйлаким,
Гўйи габгаб даврида чавгон зулфи мушкбез.

Наводир уш-шабоб, 147-б.

ГАРДУНМАҚОМ [*ф.-а.* گردون مقام] Баланд мартабали, осмондек баланд мартабали, олий мақомли, баланд мақомли; олий мартабали зот, буюк зот.

Ул кеча ким, ул шаҳи гардунмақом,
Ким они ҳақ истади гардунхиром.

Лисон ут-тайр, 16-б.

ГАРДУНМАҲАЛ [*ф -а.* گردون محل] Аршдек юксак мақомли, фалакдек баланд мартабали.

Яна сурди доройи гардунмаҳал.
Ки эй чарх ашколи олингда ҳал.

Садди Искандарий, 407-б.

ГАРДУННАБАРД [*ф.* گردون نبرد] Чархи кажорафтордек уришқоқ, фалак каби жангжў.

Мураттаб қилиб шоҳи гардуннабард,
Кириб кемага, бўлди дарёнавард.

Садди Искандарий, 504-б.

ГАРДУННАВАРД [*ф.* گردون نورد] Осмон хабарчиси; Жаброил исмли фаришта.

Қолиб пуядин пайки афлок гард,
Қадам олмайин рахши гардуннавард.

Садди Искандарий, 29-б.

ГАРДУННАЗИР [*ф.-а.* گردون نظیر] Фалакдек, осмонга ухшаш, осмоннинг энг баланд жойи, фалакнинг авжи нуктаси

Деди: «К-эй шаҳаншоҳи гардунсарир,
Сарирингга йўқ авжи гардунназир».

Садди Искандарий, 349-б.

ГАРДУННАҲИБ [*ф.-а.* گردون نهب] Фалак толон-тарожи, чарх ғорати; фалак қурқинчи, чарх улжаси.

Ки: Айлаб карам шоҳи гардуннаҳиб,
Бу кишварга рухсоридин берса зеб.

Садди Искандарий, 307-б.

ГАРДУННИШИН [*ф.* گردون نشین] Кўкда яшовчи, кўкда утирувчи, осмонда яшовчи, фалакда турувчи; баландда турувчи

Қаро юз била чархи гардуннишин,
Нечукким, харос уйи ичра чибин.

Садди Искандарий, 10-б.

ГАРДУНРАВ [*ф.* گردون رو] Осмондек тез юрувчи, чархдек тез айланувчи.

Худ риёзида фикри гардунрав,
Айириб чарх мазраин жав-жав.

Сабъаи сайёр, 41-б.

ГАРДУНСО [*ф.* گردون سا] Осмонга тегувчи.

Деди: «Шаҳридур ул биҳиштосо,
Нахли тўби мисоли гардунсо.

Сабъаи сайёр, 241-б.

ГАРДУНФИРОШ [*ф.* گردون فراش] Осмондек кенг урин, фалакдек кенг дастурхон.

Талаттуф била шоҳи гардунфирош,
Бериб дўстлардек адувсига ош.

Садди Искандарий, 278-б.

ГАРДУНЧА [*ф.-т.* گردون چه] Осмонча, фалакча.

Қуёшдектур тула куп оғзи давридин майи софий
Ки, гар бўлди қуёш авло буким, гардунча бўлғай хум.

Фавойид ул-кибар, 278-б.

ГАРМЛИҒ [*ф.-т.* گرم لیغ] Иссиқлик, қайноқлик; жўшқинлик.

Не гармлиғни қуяр, не фусурдалиғни башар
Нечаки куюб эрур уту муз кеби қишу ёз.

Ғаройиб ус-сиғир, 172-б.

ГАРММЕҲР [*ф.* گرم مهر] Қизғин меҳрли, оташин муҳаббатли, иссиқ муҳаббатли; жўшқин муҳаббатли.

Ул қуёш ҳар дам бўлур бир зарра бирла гарммеҳр,
Меҳр шамъин сен даги бир узга ой бирла ёрут.

Ғаройиб ус-сиғар, 78-б.

ГАРМШИКОР [*ф.* گرم شکار] 1 Қизғин ов, овнинг қизиган палласи.
2 Ёрнинг ўткир нигоҳи.

Жунун эрмас кийиклар суҳбати дермен манга шояд,
Бир ўқ теккай ғалат, ул қоши ё гармшикор ўлгач.

Ғаройиб ус-сиғар, 97-б.

ГАРОНЖОН [*ф.* گران جان] 1 Ялқов, танбал; суст, буш.

Дайри сабукравга нигаҳбон бўлуб,
Лек батий сайру гаронжон бўлуб.

Ҳайрат ул-аброр, 87-б.

2 Оғир, вазмин, босиқ

Қарида гарчи сабук руҳлуг фаровондур,
Вале йигитлар аро чун кирар, гаронжондур.

Фавойид ул-кибар, 97-б.

ГАРОНСИЗ [*ф.-т.* گران سز] Бекадр, қадр-қимматсиз

Жаҳонни ул қуёшнинг барқи ҳусни уртагай эрди,
Гаронсиз баҳри ашким булмаса эрди агар монеъ.

Ғаройиб ус-сиғар, 241-б.

ГАРРО [*ф.* گرا] Қул, ғулом, банда.

Анинг муножотидурки, «Худовандо, ҳар кимга дунё матоиндин сийму зар керак бергил ва ҳар кимга ер ва қул керак бергил, Хайр-чага сен бассен!» Шайх ул-ислом дебдурки, ул гарро ҳоли маҳалли ғайратдур, аммо Ҳақ ихтиёри бандаларга бесабабу иллатдур.

Насойим ул-муҳаббат, 239-б.

ГАРРОЙ [ф. گرای] Сартарош; қон олувчи.

Луъбати чин гар чин гар тилар хоқон, не тонг, гар ройи ҳинд,
Севди эрса бир малоҳат шевалик гарройни.

Фавойид ул-кибар, 423-б.

ГЕТИ [*ф.* گیتی] Олам, дунё, жаҳон.

Бўлуб гети аро меҳри само ул,
Ҳамул ойинаи гетинамо ул.

Фарҳод ва Ширин, 169-б.

ГЕТИНАМОЙ [*ф.* گیتی نمای] 1 Жаҳоннамо, жаҳонни курсатувчи.

2 Тасаввуфий манбаларга кура, Жамшид исмли подшоҳнинг бир пиёласи (жоми гетинамой) булиб, унда дунёда юз бераётган ҳамма ишлар кўриниб турган.

Булуб шаҳга ул навъ ишратфизой
Ки, ёд айламай жоми гетинамой.

Садди Искандарий, 253-б.

ГИЛАЛИК [*ф.-т.* گله لیك] Гиналик, ўпкалашлик; шикоятлик, ҳасратлик.

Курубон ғайрга лутфунгни агар дам урмон,
Дема, йуқтур гилалик, айламон изҳор гила.

Наводир ун-ниҳоя, 497-б.

ГИЛАМАНД [*ф.* گله مند] Ўпкалаш, гина қилиш, шикоят қилиш.

Абнойи жинсимдин халқ гиламанд эдиларким, элдин номақдур олурлар, нима бермас деб мендин ҳам шикоят қилурлар.

Бадоеъ ул-васат, 502-б.

ГИЛШОҲ [*ф.* گل شاه] 1 Лойдан яратилган киши, балчиқдан яратилган одам.

2 Каюмарснинг нисбати. У қадимда Пешдодийлар сулоласига мансуб Эрон ҳукмдори бўлган.

Одам деганлар қавли била ани гилшоҳ дебдурлар, бу маъни билаким, балчиғдин яратилди, яъни киши пуштидин эмас эрди.

Тарихи мулуки ажам, 197-б.

ГИРДБОД [*ф.* گرد باد] Хас, тупроқларни ҳавога кўтариб кетувчи қаттиқ шамол, қуюн, айланма шамол.

Совурғил ақл уйин, гардун, мени мажнун агар улсам,
Таним туфроғию охим елидин гирдбод айлаб.

Наводир уш-шабоб, 48-б.

Гирдбодки, софи ҳавода ердин қупар. Бир минора сурати била мустатил ва узига чирманур. Киши анга боқса соғинурки, туфроғ узин чирмайдур ва тебранадур ва андоқ эмасдур.

Насойим ул-муҳаббат, 250-б.

ГИРДИБОЛИШТ [*ф.* گرد بالشت] Атрофига гажимлар тутиб безалган юмалоқ болиш.

Гирдиболишт анга хуршид улди,
Ул эрур Исои Марям гўё.
Олам асбоби учун гам емагил,
Арзимас бунчага олам гўё.

Фавойид ул-кибар, 25-б.

ГИРЕҲКОРЛИҒ [*ф.-т.* گره‌کار لیغ] қ **Гириҳкорлиқ**

... ва Билқиси узмо Гавҳаршод ого «Наварра-л-лоҳи марақадаҳу» мадрасаси сориким, кошиси гиреҳкорлиғидин хирад муҳандиси саргардондур – борур.

Вақфия, 259-б.

ГИРЁНЛИҒ [*ф.-т.* گریان لیغ] Йиғловчилик, йиғлаб турганлик.

Ултуруб тун, субҳ тиргузмак мени зоҳирдурур,
Шомнинг гирёнлигию субҳнинг кулгусида.

Бадоеъ ул-васат, 392-б.

ГИРИБОНЛИҚ [*ф.-т.* گریبان لیق] Ёқалик.

Чоки гирибонлиқ Ёқа йиртиштик.

Хаста жоннинг сўгида девонаедур мотами,
Кўкрагимнинг захмидин чоки гирибонлиқ кўнгул.

Бадоеъ ул-васат, 278-б.

ГИРИҲ-ГИРИҲ [*ф.* گره گره] **1** Тугун-тугун, чигил-чигил

2 Эгри-эгри, қинғир-қинғир.

3 Ўрим-ўрим соч.

Гириҳ-гириҳ чу тугарсен етар оёғингга соч,
Гириҳларин чу очарсен, тушар қулоч-қулоч.

Наводир ун-ниҳоя, 88-б.

ГИРИҲКОРЛИҚ [*ф.-т.* گره کار لیق] **1** Чигаллик, мушкуллик.

Борча чаманлар гулу гулзорлиқ,
Ҳар чамани йўли гириҳкорлиқ.

Ҳайрат ул-аброр, 311-б.

2 Кажавалилик, жингалаклик, ўрамалилик, ҳалқадорлик, бурамалилик.

... ва Билқиси узмо Гавҳаршод ого «Наварра-л-лоҳи марақадаҳу» мадрасаси сориким, кошиси гириҳкорлиғидин хирад муҳандиси саргардондур – борур.

Вақфия, 259-б.

ГИРИҲНОК [*ф.* گره ناک] **1** Тугунли.

Сарриштаи диққати гириҳнок,
Ҳар бир гириҳида юз дури пок.

Лайли ва Мажнун, 31-б.

2 Қийин, мушкул; чигал.

Ҳар лаҳза ишимни чархи бебок,
Ул ришта била этиб гириҳнок.

Лайли ва Мажнун, 15-б.

ГИРОМИЙ [*ф.* گرامی] 1 Қиммагли, азиз, ҳурматли.

2 Севикли.

Неча ул дурри гиромий шавқида ҳижрон туни,
Куз етишгунча сиришким сайлини даре курай.

Ғаройиб ус-сиғар, 495-б.

ГОЗИРГОҲ [*ф.* گازرگاه] 1 Ювиниб-таранадиган жой; кийимларни ювадиган жой.

2 Ҳиротдаги Ансорий исмли суфий шоир дафн қилинган жой номи ёки тоғ этагидаги хушманзара майдон.

Ва алҳақ ул ередур, Ҳирот дор ус-салтанасининг равзаи эрам зийнатлик ва байт ул-ҳарам манзилатлик балдаи фохирасининг шимол ҳаддидаким, Гозургоҳнинг ушоқ тоши лаъли кони ва гавҳари уммонийга танноз...

Вақфия, 256-б.

ГОЗИРУН [*ф.* گازیرون] Кубод даврида Эронда барпо этилган шаҳар номи.

Гозируний ул-асл Асли гозирунлик.

[*Шайх Рузбехони Кабир Мисрий р. т.*]. *Гозируний ул-аслдур, аммо Мисрда бўлубдур.*

Насойим ул-муҳаббат, 286-б.

ГОЗУРГОҲ [*ф.* گازرگاه] қ. **Гозиргоҳ**.

Ва Шайх Сайфуддин етти юз саксон учда дунёдин ўтубдур ва қабри Хилватийлар гўристонидадур. Гозургоҳ кўпруки бошида Жахонорой боғининг ёнидадур.

Насойим ул-муҳаббат, 353-б.

ГУВАЛАК [*т.* گوه لك] Қуюн, уюрма, шамол, довул; тўфон.

[*Абу Абдуллоҳ...*]. *Будурки, жамоате била кемада эркандурким мухолиф ел эсиб, гувалак бўлубдур ва ул жамоат тазарруъ била назрлар қилибдурлар.*

Насойим ул-муҳаббат, 79-б.

ГУВОҲЛИҒ [*ф.-т.* گواه لیغ] Гувоҳлик, шоҳидлик, исботлик.

[*Абуаббос Сурайж қ. т. с.*]. *Улким Шерозга келди ва аларнинг мартабаю мақомин баён қилди ва алар тили била сўз айтти ва аларнинг фазлига гувоҳлиг берди.*

Насойим ул-муҳаббат, 105-б.

ГУЛГУНАЛИҚ [*ф.-т.* گلگونه لیق] Қизиллик, қип-қизиллик, қизил гулранглик.

Қон тўкар кўз оразинг гулгуналиқ қурган маҳал,
Не учунким суйи анинг қон ила бўлмиш бадал.

Ғаройиб ус-сиғар, 300-б.

ГУЛГУНЛУҚ [*ф.-т.* گلگون لوق] 1 Упа-эличлик, зийнатлик.

2 Гул ранглик, қизиллик, қип-қизиллик.

3 Чеҳралик, юзлик.

Орази гулранги гули тозаси,
Гул уза гулгунлуқ анинг ғозаси.

Ҳайрат ул-аброр, 188-б.

ГУЛГУНҚАБО [*ф.-а.* گلگون قبا] **1** Қизил кийим кийган

2 Чиройли, гузал, зебо.

3 Санам, севгили, маъшуқа.

Бир қадаҳ гулгун май, эй соқий, тула тутким, кунгул
Ул бути гулгунқабо бедодидин ғамгин эрур.

Бадоеъ ул-бидоя, 175-б.

ГУЛЗОРЛИҚ [*ф.-т.* گلزارلیق] Гулзорлик, чаманлик, гулбоғлик

Борча чаманлар гулу гулзорлиқ,
Ҳар чамани йули гириҳкорлиқ.

Ҳайрат ул-аброр, 311-б.

ГУЛРЕЗЛИК [*ф.-т.* گلریز لیك] **1** Гул тукувчилик, гул сочувчилик.

2 Ўт уйининнинг бир тури бўлиб, унда екилган ўт учқунлари юқорига кўтарилади ва юқоридан гул тўкилгандай бўлиб тўкилади; мушак учқунларининг осмондаги гул шакли.

Неча тикон янглиғ этиб тезлик,
Тонг елидин бошига гулрезлик.

Ҳайрат ул-аброр, 218-б.

ГУЛСИЗ [*ф.-т.* گلسز] **1** Бегул.

Ки эй гулсиз ўлгон хазондийда боғ,
Ёруғ нуридин айру тушган чароғ.

Садди Искандарий, 537-б.

2 Майсиз, бодасиз.

Токим ул гулсиз булут янглиғ ҳавойий булмишам,
Базми айши ёдидин ошким қолинмас бодадин.

Бадоеъ ул-бидоя, , 412-б.

3 Ёрсиз (Аллоҳсиз).

Каъбадин дайр сари чек меникимм,
Ринд ўлур кирса порсо анда.
Фурқат ичра Навоий ул гулсиз
Булбуледурки, йўқ наво анда.

Бадоеъ ул-васат, 25-б.

Оразинг ҳижронидин келмас манга гулзор хуш,
Гулсиз андоқким эмас гулбунда юз минг хор хуш.

Наводир уш-шабоб, 194-б.

ГУЛФОМИЙ [*ф.* گلفامی] Гул рангли; қизғиш рангли, қизил гулранг тусли.

Ҳамул кундин сариғ чеҳрамда гулгун ашкдур, эй шайх,
Ки бир зарбафти гулфомий кийиб чиқти гуландоме.

Бадоеъ ул-бидоя, 532-б.

ГУЛЧЕҲРАЛИК [*ф.-т.* گلچهره لیك] Гул юзлилик, гузаллик, чиройлилик.

Хижолатдин қизармиш, гул таҳаррук сарвдин кетмиш,
Магар боғ ичрадур гулчеҳралик сарви хиромоним.

Наводир ун-ниҳоя, 343-б.

ГУЛШАНОЙИН [*ф.* گلشن آئین] Атиргуллар экилган жой каби, гулзор монанд, гулзорга ўхшаш.

Гулу сабза айёмида бўлди тўй,
Булуб гулшанойин била шаҳру кўй.

Садди Искандарий, 400-б.

ГУМНОМЛИҒ [*ф.-т.* گمنام لیغ] **1** Номи учганлик, эътибордан қолганлик, биров танимаслик, номапҳурлик.

2 Беномнишонлик, номаълумлик.

3 *тасаввуфда* узлигини йўқотиб, бошқача тус олишлик.

Яна мукаррар бу иш воқеъ бўлди. Шайх Абу Али Даққоқдин мунинг сиррин сурдум, деди: ул дунёда гумномлиг ихтиёр қилиб эрди, Ҳақ с. т. ҳам ани пинҳон асрор эрди.

Насойим ул-муҳаббат, 129-б.

ГУНАГУН [*ф.* گونه گون] Ранг-баранг, турли рангдаги; турли, ҳар хил, турли-туман.

Ҳажр ўтида ҳам жунунга солгай,
Ҳам меҳнати гунагунга солгай.

Лайли ва Мажнун, 122-б.

ГУРОЗ [*ф.* گراز] Ёввойи чўчқанинг урғочиси, дашт чучқаси, ёввойи чўчқа.

Ва сорт барчасин «хук» ва «гуроз» лафзи била айтур.

Муҳокамат ул-луғатайн, 20-б.

ГУРУҲО-ГУРУҲ [*ф.* گروها گروه] Гуруҳ-гуруҳ, тўда-тўда, даста-даста; гала-гала; саф-саф.

Ҳар сори журм аҳли гуруҳо-гуруҳ,
Юкланибон журмлари кўҳ-кўҳ.

Ҳайрат ул-аброр, 27-б.

ГУҲАРНИГОР [*ф.* گهرنگار] Жавоҳирлар билан безатилган, гавҳар билан зийнатланган; гавҳар безакли.

Азоси бобида дурбор қаламдин гуҳарнигор рақамким, сахфайи кофурий нажодни нуктайи мушкин савод била оройиш бериб эрди – етишти.

Муншаот, 224-б.

Хомаи гуҳарнигор Гўзал тасвир солувчи, зийнатловчи, гўзал тасвирловчи, дур-гавҳар сочувчи қалам.

Маъшуқ умидида дарду ҳасратини изҳор қилиб бетоқатлиғига раҳм этмасида у матлаъда – уқ жавоб ул табъи дурарбордин ва хомаи гуҳарнигордин рақам топибдурким, васфида ақл ҳайрон ва фаҳм саргардон.

Мажолис ун-нафоис, 190-б.

ГУҲАРНИСОР [*ф.-а.* گهرنثار] **1** Гавҳар сочувчи, гавҳар тукувчи; чиройли ва маъноли сўзлар сочувчи.

2 Ёмғир ёғдирувчи.

Бу дамки гуҳарнисор хоманг,
Таҳрир этибон етишти номанг.

Лайли ва Мажнун, 205-б.

ГУҲАРПОШЛИҚ [*ф.-т.* گوهرپاشلیق] **1** Гавҳар сочувчилик, гавҳар тўкувчилик, нур сочувчилик; гўзал ва маънодор сўзлар сочувчилик.

2 Кўз ёши тўкувчилик.

... ва баъзи замонда айшу нишот била илиги зарпошу баъзи авонда тоату ибодат била кўзи гуҳарпошлиққа мутааммилу муштағил учун бу хошок дарёдек кўнглига кирмасу бу зарра қуёшдек замириға пайдо эрмас.

Ғаройиб ус-сиғар, 15-б

ГУЁЛИҒ [*ф.-т.* گویالغ] Кўп орифона сўзлар айтишлик, аниқ ва равшан сўзлашлик.

Мажолисда маориф кўп айтур эрмиш. Дер эрмишки, Мусо а. с. воқеъада манга бир аёқ шарбат беribдур, бу гўёлиғим боиси улдур.

Насойим ул-муҳаббат, 348-б.

ГУШАНИШИН [*ф.* گوشه نشین] **1** Жамиятдан холи, ёлғиз ҳаёт кечирадиган киши.

2 *тасаввуфда* Хилватга кирувчи, хилватда ўтирувчи суфийлик ҳаётидаги киши.

Ҳар гушанишину бенавойи,
Қилғайлар анинг учун дуойи.

Лайли ва Мажнун, 141-б.

ГУЯНДАЛИҚ [*ф.-т.* گویندالیق] **1** Сўзловчилик, нотиқлик; хонандалик, ҳофизлик, мутриблик, ашула айтувчилик; чолғучилик.

2 Бахшилик, жирловчилик.

Пурҳол ва пурзавқу шавқ киши эрди. Ваъз мажлисида хонандалик ва гуяндалик ва самоъ суҳбатида бетаҳаммуллуғлар қилиб, азим сайҳалар ва саъқалар тортар эди.

Насойим ул-муҳаббат, 444-б.

Д

ДАБИҚА [*ф.* دبیقه] Мисрнинг Дабиқ номли шаҳрига нисбат бериб юритиладиган сифатли ва нафис ипак матонинг бир тури (ипак матонинг бу тури фақат Дабиқ шаҳрида тайёрлангани учун ҳам «Дабиқа» номи билан машҳур бўлган), ипакдан тайёрланган мато.

Бир кун Рай масжидида пайтобае тилади, бирав анинг олдига дабиқа солди. Бир пайтобалигин йиртуб, оёгига чирмади ва ортуғин ташлади.

Насойим ул-муҳаббат, 56-б.

ДАВЛАТҚАРИН [*а.* دولت قرین] Давлат эгаси.

Булуб шод Хоқони давлатқарин,
Дуолар била айлабон офарин.

Садди Искандарий, 349-б.

ДАВОСИЗ [*а.-ф.* دواسز] **1** Давосиз, бедаво.

2 Чорасиз, тадбирсиз, иложсиз.

Фироқинг зулмидекдур шоми ҳажрим муддати, яъни
Давосиз дардим ул янглигдурурким, субҳи йуқ шомим.

Наводир уш-шабоб, 306-б.

Не рафиқеким, давосиз дарди ҳолимни десам,
Не шафиқеким, ниҳоятсиз малолимни десам.

Бадоеъ ул-васат, 292-б.

ДАЙР [*а.* دیر] Дунё, жаҳон, олам.

Дайри куҳун 1) кўҳна дунё, эски жаҳон.

Дайр эрди биноси бесару бун,
Уйлаким бу рафъи дайри куҳун.

Сабъаи сайёр, 187-б.

2) *тасаввуфда* эски майхона.

Гурдек тийра эрди дайри куҳун,
Чарх ул тийраликда бесару бун.

Сабъаи сайёр, 118-б.

ДАКЛА [*т.* دکله] Енги калта кийим.

Ва маъҳудий албисадин мисли: дастор... ва дакла ва ялак... йусунлуг нималарни борисин турк тили била айтурлар.

Муҳокамат ул-луғатайн, 21-б.

ДАЛЛАТ [*а.* دلّه] Ҳийлагар, айёр хотин.

Даллат ул-муҳтола Афсоналарда ўз ҳийлакорлиги ва айёрлиги билан ном чиқарган жодугар хотин номи.

Атаб кук пир золи хола они.
Ано деб Даллат ул-муҳтола они.
Этиб тадбир ила ул холани бикр,
Ҳар оқшом Даллат ул-муҳтолани бикр.

Фарҳод ва Ширин, 397-б.

ДАЛИРЛИК [*ф.-т.* دلیر لیک] **1** Шижоатлилик, жасоратлилик, ботирлик, дадиллик.

2 Паҳлавонлик, баҳодирлик.

3 Уятсиз, бешарм.

... ва баъзи ҳушмандликда булса, баъзи девоналиқда воқеъ булуб эрди; ораларида, шоядки, фоҳиш тафовут булгай деб жамъ қилмоғида далирлик қилинмас эрди...

Бадоеъ ул-бидоя, 24-б.

ДАМЛИК [*ф.-т.* دم لیق] Лаҳзалик, нафаслик.

Сенсиз эрур уйла дарду ғамлиқ
Ким қолмишдур бир-икки дамлиқ.

Лайли ва Мажнун, 216-б.

ДАМСАРДЛИК [*ф.-т.* دمسرد لیق] Совуқ нафаслилик; номаъқул суз юритувчилик.

Қизиғроқдурмен ул ой ишқида, ҳар нечаким носиҳ
Бу иш таркида узни гарм этиб дамсардлиқ қилса.

Бадоеъ ул-васат, 396-б.

ДАН [*а.* دن] Катта хум.

Соқиё, узлук ила мушкул эрур қатъи анинг,
Дермен уздин борайин жомима қуй дурди дан.

Наводир ун-ниҳоя, 386-б.

ДАНГОНА [*ф.* دنگانه] Бир нарсани купчилик булиб сотиб олиш учун уртада пул йиғиш. шерикчиликда тупланган пул.

Неча муфлис истаб дедим май учун
Қалали ичин оро дангонае.

Ғаройиб ус-сиғар, 516-б.

ДАНДОНАСИЗ [*ф.-т.* دندانه سیز] Тишнинг учидаги арра-арра жойисиз, дандонасиз.

Оғиз улуб дурж, вале донасиз,
Тишлар улуб «син», вале дандонасиз.

Ҳайрат ул-аброр, 287-б.

ДАРАК [*а.* درك] **1** Чуқурлик.

Дарак ул-асфал Иши пастга кетишлик, иши юришмаслик.

... ва ғазаби номутаноҳий била аларға ҳам не расволиғлар насиб этти ва дарак ул-асфалга кетиб, ишлари не ерга етти.

Маҳбуб ул-қулуб, 76-б.

2 Бирор нарса ёки хусусиятдан далолат берувчи нишона; аломат.

ДАРАХТИСТОН [*ф.* درختستان] Дарахтзор, сердарахт жой, дарахтлари куп жой.

Тенгри таоло етти кун ҳавонинг ҳароратини ул мартабада қилдиким, ул қавм бетоқат булуб, аёл ва атфоллари била шаҳрларидин чиқиб, беша ва дарахтистонга юзландилар.

Тарихи анбиё ва ҳукамо, 132-б.

ДАРАХШ [*ф.* درخش] **1** Равшанлик, ёруғлик.

2 Чақмоқ, яшин.

Секкизинчи фалакка сурди чу рахш,
Нуридин собитот олди дарахш.

Сабъаи сайёр, 24-б.

ДАРАХШАНДА [*ф.* درخشنده] Равшан, яркироқ, порлоқ, яркировчи
Дарахшанда бўлмоқ Порламоқ, яркирамоқ
Уйлаким, тугса меҳри рахшанда,
Тоқ лавҳи бўлур дарахшанда.

Сабъаи сайёр, 19-б.

ДАРБ [*а.* درب] Дарвоза, эшик; жой, мавзе.
Мазори Ҳирий шаҳрида Хушк ва Ферузобод дарби орасидадур.

Насойим ул-муҳаббат, 241-б.

ДАРБАНДОНЛИҚ [*ф.-т.* دربندان لیق] Муҳосара, қамал, қуршовда қолишлик, маҳкамлик, басталик.
Ки, бу муддатки дарбандонлиқ эрди,
Фалакдин бизга саргардонлиқ эрди.

Фарҳод ва Ширин, 430-б.

ДАРВЕШСИЙРАТ [*ф.-а.* درویش صیرت] Юриш-туриши дарвешона, дарвеш хислатли, дарвеш равишли, дарвеш ҳолатли.
Ҳокимсурату дарвешсийрат, балки Дарвеш исми ҳукумат қисм...

Садди Искандарий, 559-б.

ДАРГАҲХИРОМ [*ф.* درگه خرام] Хизматкор бўлиб юришлик; хизматкорлик.
Ениб чун бўлуб урнига раҳхиром,
Яна бир булуб хоки даргаҳхиром.

Садди Искандарий, 160-б.

ДАРГОҲЛИҚ [*ф.-т.* درگاه لیق] Эшиклик, остоналик, бўсағалик
Хоки даргоҳлиқ Эшик ости тупроғилик; хизматкорлик.
Санга айлабон хоки даргоҳлиқ,
Анинг отин этсам эди шоҳлиқ.

Садди Искандарий, 523-б.

ДАРДИСАР [*ф.* درد سر] Ортиқча ташвиш, дахмаза.
Навоий жони сенсиз дардисардур,
Борурда они ҳам олғай эдинг кош.

Бадоеъ ул-бидоя, 234-б.

ДАРЁБОР [*ф.* دریابار] **1** Денгиз; катта денгизлар.
Искандарнинг ҳукамодин дарёбор вазъин савол этгони ва Суқротнинг курраи арз даврида сувнинг не навъ эҳота қилғонин шарҳ қилғони...

Садди Искандарий, 485-б.

2 Дарё каби бой деб ўйлаш, билиш.
«Бадоеъ ул-васат» муқаттаотининг сарсуханлари Тенгрининг хазонаи карамин мамлу билиб элдин тамаъ қилган дарёборида хуй суйидин дур тилаган булгай.

Бадоеъ ул-васат, 487-б.

ДАРЖЛИҒ [*а.-т.* درج لیغ] Садаф кутичалик, хазиналик; фасоҳатлилик.
Ва икки мураттаб булган девонлардин янги айтилган абёт ада-

ди аксар ва ҳар байти лафзу маъно била даржлиғ гавҳар демайким шуъалиғ озар...

Ғаройиб ус-сиғар, 11–12-б.

ДАРЗДУЗЛИҚ [*ф.-т.* درزدوزلیق] Девор, идиш, мато ва шу кабиларнинг ёриғи, чокини игна ва арқон сингари ямоқчилик асбоблари билан ямамоқ; ямоқчилик.

... ва бу фано хирқасини заъфу ифтиқор ямоқларин кирпик синуқ игнасига ашк узук торин тоқиб, юз дарздузлиқ била ямамоқнинг эҳтитоми ва ул меъморлиқ хижолатидин узр ҳужрасига юз урмоқ...

Ҳайрат ул-аброр, 331-б.

ДАРМОНДАЛИҚ [*ф.-т.* درماندلیق] Аросатда қолганлик, аро йўлда, қийин аҳволда қолганлик, ҳайронлик, нотавонлик, мубталолик.

Кузни уюб, кунгулни уртайки, ёр истаб,
Солди кунгул мени бу дармондалиққа ё кўз.

Наводир уш-шабоб, 160-б.

ДАРМОНСИЗ [*ф.-т.* درمان سیز] **1** Кучсиз, қувватсиз; давосиз.

2 Чорасиз, тадбирсиз, беилож.

Ер васлида ҳижрон балоси биймидин улум орзу қилмоқки, ҳижрон доғи била ногаҳ қуймаки ва васл аро уртаған доғи дармонсиз дебтур, яъни маҳзи дармон.

Мажолис ун-нафоис, 193-б.

ДАРСХОН [*а.-ф.* درس خوان] Дарс олиш, сабоқ ўқиш, таълим олиш, ботин илмларини ўқиш.

Эй ақл, қуй фасонаки, бир вақт бор эди
Ҳар поя минбар уза мулки дарсхонимиз.

Бадоеъ ул-бидоя, 202-б.

ДАРҲАМЛИҒ [*ф.-т.* درهم لیغ] **1** Сочилганлик, ёзилганлик, паришон бўлганлик.

2 Чирмашганлик.

3 Ураб олганлик.

Уйлаким тун дудини оҳим паришон айлади,
Тонг елидиндур муанбар сунбулунг дарҳамлиғи.

Наводир уш-шабоб, 456-б.

ДАСТАФШОНЛИҒ [*ф.-т.* دست افشان لیغ] Тарк этишлик, воз кечишлик, қўл силташлик.

Дину дунё нақдини сочтим, чу кирдим дайр аро,
Бу эди аввал қадаҳ ичканда дастафшонлиғим.

Ғаройиб ус-сиғар, 340-б.

ДАСТБАНДИ [*ф.* دست بندی] Айрим суфийларнинг шеър боғлами ҳолатида битилган жоиз ёки ножоиз ҳукмнамо ёзишмалари, фармони.

Яъни суфийларнинг дастбандидин қутқардим. Шайх ул-ислом, дебдурки, кўрубмен бир ердаким, суфийлар дастбанди битибдурки...

Насойим ул-муҳаббат, 128-б.

ДАСТ-БАРДАСТ [*ф.* دست بر دست] Қулма-қўл.

Машаққат хайлидин булгон сойи паст,
Етиб ул хайл, хайли даст-бардаст.

Фарҳод ва Ширин, 471-б.

ДАСТЗЎР [*ф.* دست زور] **1** Кучли қул, забардаст, бақувват билак.
2 Паҳлавон.

Бу янглиг чу курди алар дастзўр,
Хаёл айлаким, тушти дарёга шўр.

Салди Искандарий, 462-б.

ДАСТЛИҚ [*ф.-т.* دست لیق] Қўллик.

Соқий, эрур коми дилим мастлиқ,
Монеъ эрур лек тиҳи дастлиқ.

Ҳайрат ул-аброр, 256-б.

ДАСТОРЧА [*ф.-т.* دستار چه] **1** Юз-қўл артиш ёки бирор нарсани ўраб-чирмаш учун газмол ё ипак матодан гайёрланган бир парчалик, рўмолча.
2 Рўмол, салла.

Мавлоно енгларидин бир дасторча чиқариб анга берди. Ул хушдил бўлуб, яна кўнглига кечурдиким, агар амомасидин ҳам бир парча иноят қилсаларким, ўгум бошига чирмасам. Мавлоно дедиким, ул дасторчаниким сенга бердук, эски амомамиздин ясаббиз.

Насойим ул-муҳаббат, 368-б.

ДАСТПЕЧ [*ф.* دست پیچ] **1** Асос, дастак, ушлаш.
2 Имтиҳон.
3 Баҳона.
4 Сабаб.
Дастпеч қилмоқ Маҳкам ушламоқ

Улки қаноатни қилиб дастпеч,
Ҳолига бу печ етушгайму ҳеч.

Ҳайрат ул-аброр, 170-б.

ДАСТРАНЖ [*ф.* دسترنج] **1** Касб-кор; қул меҳнати, қул иши, қора меҳнат; машаққат.
2 Иш ҳаки.

Айлар чу сукут топса тил осойиш,
Ҳам булмаса дастранж эл осойиш,
Рузини тилар таркини бир осойиш,
Рузи тилар эрмиш сени қил осойиш.

Назм ул-жавоҳир, 152-б.

ДАСТУРСИЗ [*ф.-т.* دستور سیز] **1** Ижозатсиз, рухсатсиз.
2 Йул-йуриқсиз, йусинсиз.
3 Қўлланмасиз, намунасиз.

Деди андин дастурсиз ва йулга мутаважжиҳ булубсиз, қайтинг, даги анинг хидматига боринг!

Насойим ул-муҳаббат, 165-б.

ДАХЛСИЗ [*а.-т.* دخل سیز] **1** Аралашмаслик, муносабатда бўлишмаслик. алоқада бўлишсиз. **2** Бедаромад, киримсиз, бебаҳра.

Хато ройи унг келмаса, дахлсизларга ширкат, балки нақиз тутқонларга зиёда туҳмат.

Маҳбуб ул-қулуб, 15-б.

ДАШНА [*ф.* دشنه] Ханжарнинг бир тури.

Дашнаи тез Ўткир тиғли ханжар, ўткир учи калта ханжар.

Назар Фарҳодга чун солди Парвез,
Дегил куксига тегди дашнаи тез.

Фарҳод ва Ширин, 300-б.

Яна чун қатл ҳукмин қилди Парвез,
Дегон сўзлар нечукким дашнаи тез.

Фарҳод ва Ширин, 357-б.

ДАЪ [*а.* دع] Ташла, йўқ қил

... ва башарият иқтизоси била ҳадсиз лоф зоҳир қилмоқдинким ўз нафйиға «Ло»дурур – уёлмоқ ва ярим учун даъво кўргузмакдинким ўз манъиға «даъ» дурур – хижолатқа қолмоқ.

Фарҳод ва Ширин, 468-б.

ДАЪВООМИЗ [*а.-ф.* دعوامیز] **1** Даъволи, исботли.

2 *тасаввуфда* Ҳақиқатни қарор топтиришга журъат этишлик.

Ани баъзи ҳам сиёдатқа мансуб қилибдурлар. Ва турк улусида «Ато» дерлар. Ва шуҳрати багоят кўпдур ва даъвоомиз сўзи ҳам кўп.

Насойим ул-муҳаббат, 425-б.

ДАҚОЙИҚШИОР [*а.* دقایق شعار] **1** Назокатли, латиф ва нафис дилли; фасоҳатли ва нозик маъноли сўзларни теран фарқловчи, нозик таъбли.

2 Мулойим сўзли.

... ва ул ҳазратнинг дақойиқшиор таъблари назм ойини ва интишориға толиб ва ҳақойиқосор зеҳнлари шеър тартиби ва иштиҳориға рағиб ...

Мезон ул-авзон, 43-б.

Яна дақойиқшиор муҳаққиқлар хизматида ва ҳақойиқдисор мудаққиқлар ҳазратида арзим улдурким, бу паришон абётким, шарҳ қилгондек тартиб топти.

Бадоеъ ул-бидоя, 24-б.

ДАҲАНБЎСТ [*ф.* دهن بوست] Оғзи очиқ, рўзасиз.

Авом рўзасин баён қилмоқ ва даҳанбустлар очлиғин аён қилмоқ.

Ғаройиб ус-сиғар, 551-б.

ДАҲРИЯ [*а.* دهریه] Тариқатдаги бир мазҳабнинг номи.

Шайх дегандурки, жамиъ милалу ниҳалда киши мундин расвороқ сўз демайдур. Ва яхши боқса, Табиия ва Даҳрия мазҳаби мундин яхшироқдур.

Насойим ул-муҳаббат, 345-б.

ДЕБСАМАК [*т.* دیبسامك] Тепинмоқ, депсинмоқ, ер тепмоқ, ер тепиб турмоқ.

Дебсабу сайҳа чекиб андоқки пил,
Чангаки нафс олида хору залил.

Ҳайрат ул-аброр, 136-б.

ДЕВЗОДА [*ф.* دیوزاده] Дев насаб, дев авлоди, девдан туғилган, девдан тарқаган.

Чарх мисосида булутдек ғирев,
Девзода уйлаки курганда дев.

Ҳайрат ул-аброр, 24-б.

ДЕВКИРДОР [*ф.* دیوکردار] Ёмон табиатли, бадкирдор, ярамас, фосиқ; ёмон феълли, ёмон одатли, ёмон қилиқли.

Ва ошиқ мундоқ балонинг гирифтори ва мундоқ офатнинг беихтиёри, мундоқ туфоннинг ғариқи ва бу навъ соиқанинг ҳариқи, мундоқ ғаддорнинг забуни ва мундоқ паризоднинг мафтуни ва мундоқ девкирдорнинг мажнуни.

Маҳбуб ул-қулуб, 66-б.

ДЕВОНА [*ф.* دیوانه] Шоир Паҳлавон Ҳусайн тахаллуси.

Паҳлавон Ҳусайн – «Девона» тахаллус қилиб эрди.

Мажолис ун-нафоис, 65-б.

ДЕВОНАСОЗ [*ф.* دیوانه ساز] **1** Девона қилувчи, ақлу ҳушдан оздирувчи.
2 Ошиқ қилувчи

Қилиб ваҳмким ишқи девонасоз,
Анга қилмағай ногаҳ ифшойи роз.

Садди Искандарий 226-б.

ДЕВҲУШ [*ф.* دیوهوش] **1** Девсифат, шайтонсифат, махлуқсифат.
2 Маккор, фирибгар.

Чиқти бир неча девҳуш бирла,
Кинакаш, балки хиракаш бирла.

Сабъаи сайёр, 258-б.

ДЕГУЧИ [*т.* دیگوچی] Гапирувчи, сузловчи.

Куп дегучи, куп егучи – тамуг турига ошуқуб кетгучи.

Маҳбуб ул-қулуб, 105-б.

ДЕЙИЛМАМАК [*т.* دیل ماماك] Айтилмаслик, дейилмаслик.

... ва бу мунҳасиф ҳилоллар сайрининг суръати била бир ойга дегинча ул мартабада эрдиким, ҳар бир кун минг йилчилиқ йул бор эмиш дейилса, мингдин бирини дейилмамиш булғай.

Муншаот, 144-б.

ДЕЙИШМАК [*т.* دیشمك] Айтишмоқ, дейишмоқ.

Рашкдин ишқинг тутармен жону кунглумдин ниҳон,
Булмас эл сиррин дейишмак икки номаҳрам била.

Фавойид ул-кибар, 362-б.

ДЕМАКЛИК [*т.* دیماکلك] Демоқлик, айтмоқлик.

Десамки, эрур сохо анга фан,
Демаклик эрур қуёш равшан.

Лайли ва Мажнун, 40-б.

ДЕМОҚЛИК [*т.* دیماقلیك] қ. **Демаклик**

Булмайин равшан онинг нурига куз,
Ўз демоқлик бирла келмас рост суз.

Лисон ут-тайр, 198-б.

ДЕҲҚОНЧИЛИК [*ф.-т.* دهقانچیلیك] **1** Деҳқон иши, касби.
2 Ерга экин, яъни дон экиб озиқ-овқат етиштириш, экинчилик, зироатчилик.

Аммо хабарда андоқ келтирурким, чун Ҳазрати Одам Сафий (салавоту лиллоҳи алайҳи) дунёга келгондин сунг Худойи таоло анинг гуноҳин бағишлади. Эрса Жаброил (а.с.)га амр булдиким, Одамга деҳқончиликни ўгротгил.

Рисолайи тийр андохтан, 303-б.

Жаброил (а. с.) келиб айди. – Ё Одам, Худойи таоло санга айди, андин сўнг амр қилдиким, деҳқончилик қилсун.

Рисолайи тийр андохтан, 303-б.

ДИГАР [*ф.* دیگر] **1** Ўзга, бошқа; бошқача, ўзгача.

2 Иккинчи бор, ундан сўнг, кейинги, минбаъд.

Намози дигар Кун ботиш олдидан ўқиладиган намоз, беш вақт намознинг учинчиси – аср намози.

Ва Мавлоно ҳазратлари анинг бошин кутариб, илтифот ва навозиш қилиб, пешиндин ва намози дигаргача Мавлоно ҳазратлари самоъда эрмишлар.

Насойим ул-муҳаббат, 333-б.

ДИКЛА [*т.* دکله] қ. **Дакла**.

ДИЛАФГОРЛИҒ [*ф.-т.* دل‌افگارلیغ] **1** Ғамгинлик, қайғулилик, уйчанлик, дил хасталик, кунгли вайронлик, маҳзунлик.

2 Ошиқлик, маҳбублик.

Хаста кўнглини Навоийнинг олиб асраки, бор
Санга дилдорлиг иш, бизга дилафгорлиг иш.

Ғаройиб ус-сиғар, 216-б.

ДИЛАФРЎЗЛУК [*ф.-т.* دل‌افروزلوک] Дилни ёритувчилик, кунгилни очувчилик, кунгилни шод этувчилик.

Илоҳи, гул узориға дилафрўзлук ҳам сен бердинг ва булбул фиғону зорига жигарсўзлуқ ҳам сен бердинг.

Муножот, 297-б.

ДИЛБОНГ [*ф.* دل بانگ] Дил ноласи, дил фарёди, дил садоси.

Ки то булгай жаҳон боғи бу гулшан мевазор ўлсун,
Ҳаримида бу булбулларга бу дилбонг бор ўлсун.

Муҳокамат ул-луғатайн, 10-б.

ДИЛКАШНАВО [*ф.* دلکش نوا] Еқимли, дилни ўзига тортадиган куй, наво, дилкаш наво.

Сурук турфа тутийи дилкашнаво
Ки, ҳарён тутуб беша ичра ҳаво.

Садди Искандарий, 311-б.

ДИЛОВАРСИФАТ [*ф.-а.* دلاورصفت] Шерсифат, шерюрак.

Булуб илму ҳикматқа ҳамдаст ҳам,
Диловарсифатдур, забардаст ҳам.

Садди Искандарий, 141-б.

ДИЛОРОЛИҒ [*ф.-т.* دلارالیغ] Кунгилни юмшатишлик, дилоролик.

Дилоролиг анда жаҳон дар жаҳон,
Латофат ани кўздин айлаб ниҳон.

Садди Искандарий, 41-б.

ДИЛХАСТАЛИҚ [*ф.-т.* دلخسته لیق] Кунгли эзилганлик, кунгли дардлик, дили вайронлик; ошиқлик.

Кимга ким дунёгадур вобасталиқ,
Етса ул андешидин дилхасталиқ.

Лисон ут-тайр, 146-б.

ДИЛХАШ [*ф.* دل خش] Яхши, ёқимли, дилкаш, ёқимли бўлмоқ.

Ғамимдин бўлмадинг бир лаҳза дилхаш,
Ҳамиша бор эдинг зору мушавваш.

Фарҳод ва Ширин, 413-б.

ДИЛШИКАН [*ф.* دل شکن] Хафа қилувчи, кўнгилни синдирувчи, дилни сиёҳ қилувчи.

Гар дил шикаста бўлса, Навоий, ажаб эмас,
Нечунки, дилшикан эруру шайх дилбари.

Фавойид ул-кибар, 436-б.

ДИЛШИКАНЛИК [*ф.-т.* دل شکن لیک] Кўнгилни синдирувчилик, дилни сиёҳ қилувчилик.

Бедил эл дилжўйлуқ ё дилшиканлик расмини
Фаҳм қилмаслар, бу ишни дилситонлардин сўрунг.

Фавойид ул-кибар, 241-б.

ДИНОЙИН [*а.-ф.* دیناین] Дин одатли, дин равишли.

Эй зоҳиди динойин, дайр ичра тутуб таскин,
Зуннор ипини тортиб, хирқанг ямадинг боре.

Ғаройиб ус-сиғар, 492-б.

ДИРАМСИЗ [*ф.-т.* درم سیز] **1** Дирҳамсиз, тангасиз, тийинсиз; кумуш тангасиз.

2 Бепул.

Чун юди кўзлар саводин ашк ёрут юз очиб
Ким, дирамсиз элга бой эл фарздур бермак закот.

Ғаройиб ус-сиғар, 80-б.

ДИРНО ТАЛОЛО [*ф.* درنا تلا] **1** Туполон, қий-чув, шовқин-сурон.

Ғафлатдин авродида алоло, нечунким мастлар базмида «дирно талоло».

Маҳбуб ул-қулуб, 44-б.

2 Қўшиқда бир турли нақарот; қўшиқнинг ҳар бир бандидан сўнг қайтариладиган қисми.

Ариғнинг икки ёнидин алоло,
Нишот аҳли тузуб дирно талоло.

Фарҳод ва Ширин, 265-б.

ДИҚҚАТОЙИН [*а.-ф.* دقت آئین] **1** Ингичкаликка ўхшаш, нозикликка ўхшаш.

2 Синчковлик, нозик нарсаларни кўра билишлик; қунтлилик, ўткир зеҳнлилик.

Маълум бўлдиким, сўзга маротиб бор ва ҳар мартабада ҳунар маъйиб ва ул маротиб ижмоли юзидин идрок ва диққатойинлари ва уқул хурдабинлари қошида уч қисм бирла мунқасимдурур.

Назм ул-жавоҳир, 125-б.

ДОВАРЛИҒ [*ф.-т.* داورلیغ] **1** Одилона ҳукм чиқаришлик, ҳакам.

2 Ҳокимлик, ҳукмронлик; подшоҳлик.

3 Шикоятлик.

Саййид Ажалки, Нишобурнинг улуғи эрди, Шайх ёнида ултуруб эрди. Шайх Абулаббос Шақоний келди. Шайх ани Саййид Ажалдин юқорироқ ултуртти. Саййид андин ранжа бўлди ва кунглига доварлиг кирди.

Насойим ул-муҳаббат, 218-б.

4 Ҳудолик.

ДОВУДТИМСОЛ [*я.-а.* داودت تمثال] **1** Мусиқадаги бир куйга ухшаш, хушнаводек.

2 Довуд пайғамбардек.

Руҳпарварлиқда анинг жонафзо баёнидек масиҳмисол ва руҳгустарлиқда анинг ҳаётосо алҳонидек довудтимсол.

Муншаот, 225-б.

ДОВУЛҒА [*т.* داولغا] Жанг майдонида тиғ ва ўқ ўтмаслиги учун бошга кийиладиган темир ёки пўлатдан ясалган бош кийими, шлем.

Довулга бўлуб туппи янглиг бари,
Ўтога бош узра сариқ қуш пари.

Садди Искандарий, 174-б.

ДОИРА [*а.* دائره] **1** Тўғарак, айлана; тугарак чизиқ.

Доираи муштабиҳа Аруз вазнидаги баҳрлардан бири.

... аларни даги бир доираға киюруб, бу мухтасарға дохил қилилдиким, ул доирадин орий булмагай ва ани «Доираи муштабиҳа» дебдурлар, бу сурат биладур.

Мезон ул-авзон, 58-б.

2 Майдон; ҳад-чегара, гардиш.

ДОМА [*а.* دائمه] Давом этсин, доимий булсин.

Дома тавфиқаҳ Унинг ёрдами доимий булсин!

... ва туркийшиор йигитлар сарҳайли ёри азиз Суҳайлий дома тавфиқаҳким, форсий ашъор баҳорида файз саҳобидин ёққан маоний ёмғурининг ҳар қатраси риштасига шўхтабъ абкори бармоғлари учи била юз гириҳ тугар...

Бадоеъ ул-бидоя, 15-б.

ДОМҒОН [*ф.* دامغان] Жой номи.

Мавлоно Шомий – Домғондиндур.

Мажолис ун-нафоис, 76-б.

ДОНАДЎСТ [*ф.* دانه دوست] **1** Дон билан озиқланувчи, дон ейишни хуш кўрувчи, донхўр; донга оппиқ.

Донадўст бўлмоқ Донга оппиқ бўлиш.

Зулфига тушса Навоий холи шавқидин не тонг,
Домдин йўқ чораси ҳар қушки, бўлгай донадуст.

Ғаройиб ус-сиғар, 90-б.

2 Нафсга берилиш.

ДОНАК [*ф.* دانك] **1** Меваларнинг данаги, данак, уруғ.

Ул дебдурки, косибеки касб ҳақиқатин риоят қилгай, ҳаргиз Абу Муҳаммад Атойидийдек кўрмадим. Ҳар кун ярим донак касб қилур эрди ва анинг қути андин эрди.

Насойим ул-муҳаббат, 168-б.

2 Поклик тимсоли.

ДОНИШМАНДЛИК [*ф.-т.* دانشمند لیك] Билимдонлик, олимлик, донолик.

Бовужуди донишмандлик, шеър ва муаммо ва саноеъда даги маҳорат пайдо қилди ва муаммога кўп машгул булур эрди.

Мажолис ун-нафоис, 118-б.

ДОНИШОГОҲ [*ф.* دانشگاه] Билимли, донишманд, олим.

Скандар соридин доги шоҳлар,
Хирадпешау донишогоҳлар.

Садди Искандарий, 356-б.

ДОРАЙН [*а.* دارین] Икки дунё, бу дунё ва у дунё.

Саодати дорайн Икки дунё саодати.

Иноят қилиб дойимги дастур била ваҳийосор руқъалар била сарафроз қилилса, бу фақирнинг мужиби саодати дорайни булгусидур.

Муншаот, 168-б.

ДОРОНАЖОД [*ф.* دارنژاد] Доро авлоди, Доро наслидан.

Яна ҳукм қилдики, доронажод,
Қаенким киши булса гамгину шод.

Садди Искандарий, 204-б.

ДОРОСАРИР [*ф.-а.* داراسریر] Доро шавкатли, Доро тахтли.

Анга булди иш бўйла суратпазир,
Вале шоҳи Жамқадру Доросарир.

Садди Искандарий, 248-б.

ДОРОШУКУҲ [*ф.* داراشکوه] Доро мартабали, Доро шавкатли.

Жаҳондори Дорошукуҳ Доро мартабали жаҳондор.

Чу Доронн даҳр этти жондин сутуҳ,
Скандари жаҳондори Дорошукуҳ.

Садди Искандарий, 193-б.

ДОР УС-САЛТАНА [*а.* دارالسلطنه] Пойтахт, подшоҳ яшайдиган жой.

Батахсис Ҳирот дор ус-салтанасининг амнободи тавсифидаким...

Ҳайрат ул-аброр, 305-б.

ДОСТОННАВОЗ [*ф.* داستان نواز] **1** Овозаси кетган, ҳамма хуш кўрувчи, машҳур

2 Достон айтувчи.

Менки ул шаҳр нагмасози эдим,
Базмлар достоннавози эдим.

Сабъаи сайёр, 342-б.

ДОШЛИҚ [*ф.-т.* داشلیق] Хумдонлик, сопол, ғишт, оҳак ва бошқа нарсаларни пиширадиган ўтхоналик.

Деди: «Ридонгни менга бер!» Анинг ридосин уз ридосига чирмаб дошлиқ утга ташлади ва анинг кейнича дошқа кириб, олиб чиқди.

Насойим ул-муҳаббат, 42-б

ДОҒЛИҒ [*ф.-т.* داغ لیغ] **1** Белгилик, нишоналик, излик, асарлик.
2 Куюклик, доғлик.

Недур ой сафҳаси булған қорадин доғлиғ, гуё
Жамолинг дафтарин ёзганда бўлмиш бир варақ ботил.

Ғаройиб ус-сиғар, 295-б.

ДОҒСИЗ [*ф.-т.* داغ سیز] **1** Белгисиз, нишонсиз, изсиз, асарсиз.
2 Бедоғ.

Юзун кўр, қилмағил мужгону хатту холидин нола
Ки бўлмас хорсиз гул, дудсиз ут, доғсиз лола.

Наводир ун-ниҳоя, 458-б.

ДОҒЧА [*ф.-т.* داغ چه] **1** Белгича, нишонча.
2 Куйикча, доғча.

Равзадин дўзахқа тушканнинг ўтининг шиддати,
Иуқтурур қуймакта ҳижронингда куйган доғча.

Ғаройиб ус-сиғар, 439-б.

ДУБАЙТИЙ [*ф.-а.* دوبیتی] Икки байтлик; ҳажази мусаддаси маҳфуз ё мақсур [мафоъийлун мафоъийлун мафоъил ёки фаъилон] вазнидаги рубоийнинг бир тури.

Рубоий вазниким ани «дубайтий» ва «тарона» ҳам дерлар.

Мезон ул-авзон, 66-б.

ДУДСИЗ [*ф.-т.* دود سز] **1** Тутунсиз.
2 Оҳсиз, оҳ-ноласиз.

Юзун кўр, қилмағил мужгону хатту холидин нола
Ки бўлмас хорсиз гул, дудсиз ут, доғсиз лола.

Бадоеъ ул-васат, 364-б.

ДУКУЛДАМАК [*т.* دوکولدامك] **1** «Дук-дук» этган овоз чиқармоқ (юрак ҳақида).
2 Ўйнамоқ, тез урмоқ, тепмоқ, дукилламоқ.

Не тушки, ҳажри балосин курарда сескансам,
Дукулдамак била қушнини уйготур юрагим.

Бадоеъ ул-бидоя, 362-б.

ДУНЁВИЙ [*а.* دنیاوی] Дунёга, борлиққа оид, ҳаётий.

Анинг учунки, бизнинг қасдимиз бу изоми машоир ва адъияки, ҳар маҳалу мақомда килилди, барчанинг диний ва дунёвий масолиҳи эрди ва ул қасд бу башорат муқтазоси била мақбул...

Насойим ул-муҳаббат, 269-б.

ДУНЁЛИК [*а.-т.* دنیا لیك] Бойлик, мол-ашёлик.

Гулханийдин гулхан олотин тамаъ қилмоқдурур
Ҳар киши дунёлик этса аҳли дунёдин тамаъ.

Бадоеъ ул-бидоя, 255-б.

ДУОГЎЙЛИҚ [*а.-ф.-т.* دوعاگوی لیق] Дуо қилувчилик, дуо тиловчилик, бировнинг ҳаккига яхши ва хайрли тилак тиловчилик, тилакдошлик; хайрихоҳлик; оқиқлик.

Илоҳи подшоҳи Исломни муслимин бошига тутқил бардавом, яъни бандаларнинг устига куланканги қил мустадом, то шоҳу гадога дуогўйлиқ килмиш бўлгаймен, вассалом.

Муножот, 299-б.

ДУОСОЗ [*а.-ф.* دعا ساز] Дуо қилувчи, дуо тиловчи, тилакдошлик қилувчи.

Равон ҳикмат аҳли сўз оғоз этиб,
Тилин шаҳга бори дуосоз этиб.

Садди Искандарий, 242-б.

ДУРАНГ [*ф.* دورنگ] **1** Икки ранг.

2 Икки хил фикр билдирувчи; мунофиқлик; саботсиз; айнимол.

Кибр этибон эл била феълин дуранг,
Қуллаи зулм узра нечукким паланг.

Ҳайрат ул-аброр, 267-б.

ДУРДИЙ [*ф.* دردي] Суюқ нарсанинг қуйқаси, қуйқум.

Чун бода йиқар даврда не софу не дурдий,
Чун давр ўтар хоҳ аламу хоҳ танаъум.

Наводир уш-шабоб, 318-б.

Соқиё, ўзлук ила мушкул эрур қатъи анинг,
Дермен ўздин борайин жомима қуй дурдийдан.

Наводир уш-шабоб, 319-б.

ДУРДИЙКАШ [*ф.* دردي کش] Май қуйқасини ичувчи, майпараст.

Ишқ сиррин ринди дурдийкаш билур, йўқ аҳли дарс,
Улча авроқ узра сабт ўлмас не билгай Мавлавий.

Ғаройиб ус-сиғар, 496-б.

ДУРДИЙОШОМ [*ф.* دردي اشام] Сирқиндихўр, қуйқахур, май қуйқумини ичувчи.

Навоий, мен ким-у софий тараб майлу таманноси,
Муқайяд чун эмас мундоққа масти дурдийошомим.

Наводир уш-шабоб, 307-б.

ДУРДКАШЛИК [*ф.-т.* دردکش لیک] Май қуйқасини симирувчилик, ичувчилик.

Мубоҳот этиб дурдкашлик била,
Қилиб тақвову зуҳддин ор ҳам.

Ғаройиб ус-сиғар, 516-б.

ДУРРМАСАЛЛИК [*а.-т.* درمثل لیک] Дурдек, инжудек, гавҳар каби, дурга ўхшашлик

Бировким бу дарёда ғаввос эди,
Манга нуктае дуррмасаллик деди.

Садди Искандарий, 428-б.

ДУРФИШОНЛИҚ =лиғ [*а.-т.* درفشان لیغ // درفشان لیق] **1** Дур сочувчилик; дурафшонлик.

Навоий, қилмоғил бас назм бирла дурфишонлиғким,
Маоний бикрига зевар ҳадисинг гавҳаринди дур.

Наводир уш-шабоб, 139-б.

Дурфишонлиғ айламак 1) дур сочувчилик қилмоқ; 2) ажойиб шеър ёзмоқ

То сузда фалак нишонлиғ айлай,
Ахтар киби дурфишонлиғ айлай.

Лайли ва Мажнун, 300-б.

2 Чиройли, нозик сўз айтишлик; бенуксон гапирувчилик.

... Султони соҳибқирон мадҳида бир неча дурфишонлиқ била музайян қилмоқ...

Садди Искандарий, 543-б.

3 Мадҳ этишлик, маддоҳлик; мақтанишлик.

Табъинг оллинда саҳоб андоқ ҳаёдин терлабон,
Ким ҳамул судин юб ўздин дурфишонлиг туҳматин.

Бадоеъ ул-васат, 482-б.

ДУШМАНВОР [*ф.* دشمن وار] Душманга ўхшаш, душманларча.

Мен ўлар ҳолатда, душманлар кўрунур дўстваш,
Невчун улмайким, келур бошимга душманвор дўст.

Наводир ун-ниҳоя, 68-б.

ДУШМАНДЎСТЛУҒ [*ф.-т.* دشمن دوست لوغ] Душманни дўст тутишлик; душмандан дўсти борлик.

Дўст душмандин манга кўпрак чу текурди жафо,
Не ажаб гар эмди душмандўстлуг бўлгай фаним.

Ғаройиб ус-сиғар, 332-б.

ДУШМАНКОМЛИҒ [*ф.-т.* دشمن کام لیغ] Душманни хоҳлаш, ёвни исташ.

Неча, эй ороми жон, ҳажрингда беоромлиг,
Дўстлуг кўргузки, ҳаддин ошти душманкомлиг.

Ғаройиб ус-сиғар, 246-б.

Дўстким қилгай мени бедоди душман кулгуси,
Бўйла душманкомлигдин яхшироқдур ўлганим.

Ғаройиб ус-сиғар, 332-б.

ДУШМАНОЙИН [*ф.* دشمن آئین] Душман монанд, душманга ўхшаш.

Мен чу асрай олмадим сирримни, найлай айб этай,
Душманойин дўстлар гар ошкоро қилдилар.

Фавойид ул-кибар, 110-б.

ДУШНОМ [*ф.* دشنام] Дашном, ҳақорат.

Невчун эл душиному таънидин бўлай ошуфтаҳол,
Эй Навоий, чун неким дерлар юз онча бормен.

Ғаройиб ус-сиғар, 374-б.

ДУЗАХВАШ [*ф.* دوزخ وش] Дўзахдек. жаҳаннамга ўхшаш.

Ва дузахваш фазосида сели балодек рудхона «жаннотин тажри таҳтиҳал анҳору»дин нишона, бадтаъм мевалари била номақбул ашжори «ва фавокиҳатун ва нахлун ва руммон»дин намудор.

Муншаот, 148-б.

ДЎЛАШМАК [*т.* دولاشمق] Ўралмоқ, буралмоқ.

Маҳкам дўлашмак Маҳкам ўралмоқ, маҳкам ёпишмоқ

Навоий туркларнинг тарки тутса, айб қилмангким,
Анга бир туркмон махваш гами маҳкам дўлашибдур.

Бадоеъ ул-васат, 109-б.

ДЎСТВАШ [*ф.* دوست وش] Дўстдек, дўст каби, дўстга ўхшаш.

Мен ўлар ҳолатда, душманлар кўрунур дўстваш,
Невчун улмайким, келур бошимга душманвор дўст.

Наводир ун-ниҳоя, 68-б.

ДУСТДОР [*ф.* دوستدار] Дуст тутувчи, муҳиб.

Ва агар мунинг била мағлуб бўлмаса муттафиқ аҳбоб ва мувофиқ асҳоб ва вафокеш ёрлару хайрандеш дустдорлар, дилсуз мулозимлар ва меҳрандуз ходимлар, балки хурдабин душманлар хирадойин ғадрфанлардин ҳар тадбиру таҳқиқ ва ҳар тазвиру тадқиқ ила англағай.

Муншаот, 226-б.

ДУСТДОРИЙ [*ф.* دوستداری] Дустсеварлик, меҳрибонлик.

Не даврида хайли дустдори,
Не олида сарви гулъузори.

Лайли ва Мажнун, 88-б.

ДУСТ-ДУШМАНЛИҒ [*ф.-т.* دوست دشمن لیغ] Дуст-душманлик.

Недур ажзим олинда тавсанлиғинг
Ангаким эрур дўст-душманлиғинг.

Садди Искандарий, 412-б.

ДУСТЛУК [*ф.-т.* دوست لوق] Дустлик, иноқлик.

Ул дебдурким: Мен Ҳақни дўстлук ва севуклук юзидин парастиш қилурмен.

Насойим ул-муҳаббат, 35-б.

ДУҒ [*ф.* دوغ] Қатиқ, ёғсиз қатиқ.

Ва дебдурки, қирқ йилдирки нафсим бир ичгуча совуқ сув ва аччиқ дўғ тилар.

Насойим ул-муҳаббат, 210-б.

Е

ЕГУЧИ [*т.* ییگوچی] **1** Егувчи, ошагувчи, озиқланувчи.

Тева қумалоғин сотарда қанд дегучи, маъракасидаги муъташидлари ани сотқун олиб егучи.

Маҳбуб ул-қулуб, 32-б.

2 Қушма феъл ясашда иштирок этадиган тўлиқсиз феъл.

Ғам егувчи Ташвиш қилувчи, ўйловчи

Шоҳга дунёда чин сўз дегучи ва анинг охирати ғамин егучи.

Маҳбуб ул-қулуб, 14-б

ЕЛЛАНМАК [*т.* یلانمق] **1** Ҳаволанмоқ.

2 Мағрурланмоқ, кеккаймоқ.

Не елланмакдур, эй шаҳ, мўр хайлидек чирикдинким,
Сулаймондек бу водий ичра барбод ўлди чандинлар!

Бадоеъ ул-бидоя, 138-б.

ЕМАК-ИЧМАК [*т.* ییمك ایچمك] Емоқ-ичмоқ.

Ер-ичари борча ҳарому ҳариш.
Бу емак-ичмакдин анга парвариш.

Ҳайрат ул-аброр, 270-б.

Бу тоифа анга кушиш қилурким, андокки, емак-ичмакдин бўгузга савм буюрғайлар.

Насойим ул-муҳаббат,17–18-б.

ЕМАКЛИК [*т.* ییمك لیك] Емаоқлик; егулик.

Шаҳи даштпаймо басл оч эди.
Баҳоят емакликка муҳтож эди.

Садди Искандарий, 389-б.

ЕМАМАК [*т.* ییمامك] Емаслик.

[*Шайх Али Деҳистоний р. т.*]. *Ва ул макомедурки соликка андин эҳтиёж егуликка қолмас. Чун ул мақомда ўзин курди, ғурурe анда пайдо булди ва узига дедики, нима емамак Ҳақ таоло сифатидур ва бу манга ҳоло ҳосилдур.*

Насойим ул-муҳаббат, 312-б.

ЕНГСИЗ [*т.* ییڭسز] Енги йўқ, беенг.

Танга тошу қўлга тиш захмики солди телбалик,
Фош қилди элга кўнглаксиз бадан, енгсиз илик.

Наводир ун-ниҳоя, 307-б.

ЕР-ИЧАР [*т.* یر ایچار] Овқатни еб-ичишлик; очофатлик.

Ер-ичари борча ҳарому ҳариш.
Бу емак-ичмакдин анга парвариш.

Ҳайрат ул-аброр, 270-б.

ЕТАР-ЕТМАС [*т.* ییتار ییتمس] **1** Маълум мулжал, меъёрдан бир оз камроқ

2 Бирор манзилга ҳали етмасдан, яқинлашиб қолганда.

Эй Навоий, дам бу дамдур-тут ганимат, бода ич,
Ўзга бир дамга етар-етмаска чун вокиф эманг.

Бадоеъ ул-васат, 242-б.

ЕТКУРГУЧИ [*т.* يتكورگوچي] Етказувчи.

Шоҳга то давлат бор – душман эрур хор ва хоксор. Давлатга еткургучи Тенгри ҳам олгувчи, ҳам бергучи Тенгри.

Маҳбуб ул-қулуб, 18-б.

ЕТКУРМАМАК [*т.* يتكورمامك] **1** Етказмаслик, келтирмаслик

Давр аёгин, соқиё тутгонда лаълинг қил газак
Ким, майи еткурмамиш жуз заҳри даврон оғзима.

Наводир уш-шабоб, 391-б.

2 Баҳраманд бўлмаслик.

Жаҳон хокий эрур бир кесак, вале нопок,
Этак етурмамак авло мулаввас улса кулух.

Наводир уш-шабоб, 82-б.

ЕТКУЧИ [*т.* يتكوچي] Етгувчи.

Мен арода булгомен ҳукм эткучи,
Ёргу айлаб, узрунгузга еткучи.

Лисон ут-тайр, 159-б.

ЕТМАМАК [*т.* يتمامك] **1** Етмаслик; тугулланмаслик.

Магар шоҳ девонига кетмамиш,
Етар махзан ичра магар етмамиш.

Садди Искандарий, 137-б.

2 Етмамиш эрди Ёзиб тугалланмаган.

Бу янглиг етиб турти итмомга.
Бири етмамиш эрди анжомга.

Садди Искандарий, 61-б.

3 Ҳалал етмамак Шикастламаслик

Сойири аъзога халал етмамак,
Шаръ хилофига шуруъ этмамак.

Ҳайрат ул-аброр, 115-б.

ЕТМАКЛИК [*т.* يتمك ليك] Етмоқ, бирор мақсадга эришмоқ.

Етмаклик эрур мушкул мақсадга, нединким бор
Кўз хираву тун тийра, от оқсоғу йул буртоқ.

Бадоеъ ул-васат, 230-б.

ЕТТОВ [*т.* يتاو] Еттов, еттита, етти нафар, етти киши, еттитаси.

Хилофи шаръ агар етти кўкка чиққунгдур,
Яқинки, етти тамугдин батардур ул еттов.

Фавойид ул-кибар, 343-б.

ЕШИЛМАК [*т.* يشيل مك] Ечилмоқ, ёзилмоқ.

Далил эрурки, кунгулларни қилмиш улгасен озод,
Бу ким салосили зулфунг тугунлари ешилибдур.

Ғаройиб ус-сиғар, 134-б.

Ё

ЁВУЗ [*т.* یاوز] Ёмон, баттол, ярамас.

Бошгин-оёқ кимсаки, туздур сўзи,
Ёки бўёлгону ёвуздур сўзи.

Ҳайрат ул-аброр, 207-б.

ЁДАМОҚ [*т.* یاداماق] **1** Бўшашмоқ **2** Заифлашмоқ, кучсизланмоқ

Ишқим утида ёдарму эркин,
Ҳажрим ғамида чидарму эркин?

Лайли ва Мажнун, 138-б.

Дардимдин ўзи ёдоб экинму,
Ҳажримдин иши хароб экинму?

Лайли ва Мажнун, 139-б.

ЁДАТМОҚ [*т.* یاداتماق] Кучсизлантирмоқ, бўшаштирмоқ, заифлаштирмоқ

Кўруб заиф мени туҳмат этма жаврунггаким,
Ёдатти ҳажр мени йўқса жаврдин ёдаман.

Наводир уш-шабоб, 331-б.

ЁДОМОҚ [*т.* یاداماق] к. **Ёдамоқ**.

Дардимдин ўзи ёдоб экинму,
Ҳажримдин иши хароб экинму?

Лайли ва Мажнун, 139-б.

ЁЗҒУЧИ [*т.* یازغوچی] Котиб, ёзувчи, ёзадиган.

Фасонам ёзғучи, билким, битик узра сочар кулдек
Куюб сочилгуси когазга илгингдин калам бир кун.

Бадоеъ ул-бидоя, 442-б.

Лавҳда ҳар нақшки, бўлмиш рақам,
Ёзғучи бир-бир калам ўлмиш қалам.

Ҳайрат ул-аброр, 224-б.

ЁЛҒОНЛИҒ [*т.* یالغانلیغ] Ёлғонлик.

Ёр келгумдур дебон, борди-ю келмас, вах, яна
Бевафолиг зоҳир этти, аҳди ёлғонлиг доги.

Бадоеъ ул-васат, 434-б.

ЁЛҒОНЧИ [*т.* یالغانچی] Ёлғончи, ёлғон гапирадиган одам; алдамчи.

Кимсага ёлғончи дебон қолса от,
Бу от ила чорласалар ўзу ёт.

Ҳайрат ул-аброр, 209-б.

Кирса ёлғончи куйгай андоми,
Пишгай ул сувда пайкари хоми.

Сабъаи сайёр, 314-б.

Ёлғончи киши эмас, ёлғон айтмоқ эранлар иши эмас.

Маҳбуб ул-қулуб, 124-б.

ЁЛҒУЗЛУҚ [*т.* یالغوزلوق] Яккалик, танҳолик, ёлғизлик.

Мен дедим: Ҳеч ёлғузлук вахшати топмассен? Деди: [*Жорияи Мажхула р. т.*] *Мендин йироқ бул, ул менинг кунглумни ҳикматининг латойифидин ва муҳаббатидин андоқ тула қилибдур...*

Насойим ул-муҳаббат, 494-б.

ЁНДУРМАМАК [*т.* یاندورماماق] **1** Ёндирмаслик, **2** Қайтармаслик.

Қайси ҳижрон даштиким қасдимга тортиб ғам сипоҳ,
Ул черикнинг ўтин оҳим шуъласи ёндурмамиш.

Наводир уш-шабоб, 193-б.

ЁНДУРМОҒЛИҒ [*т.* یاندورماغلیغ] Ёндирмоқлик, ёқмоқлик, куйдирмоқлик.

Бу янглиг ўтга ёндурмоғлиг они,
Кул улгоч кўкка совурмоғлиг они.

Фарҳод ва Ширин, 326-б.

ЁНМОҒЛИҒ [*т.* یانماغلیغ] Қайтмоқлик.

Ким Навфал иши ажаб кўрунди.
Ёнмоғлиги бесабаб кўрунди.

Лайли ва Мажнун, 173-б.

ЁНЧОҚ [*т.* یانچاق] Безатилган от ёпиғининг икки ёни, ёпиқнинг этаги.

Тазарве эрди раъноликда оти,
Икки ёнчоқ булуб икки қаноти.

Мажолис ун-нафоис, 150-б.

ЁНҒОҚ [*т.* یانغاق] Ёнғоқ.

Суфрада нон эрди ва ёнгоқ ва туз. Мен оч эрдим, емакка машғул бўлдум.

Насойим ул-муҳаббат, 163-б.

ЁПИШМОҒЛИҚ [*т.* یاپیشماغلیق] **1** Етишмоқлик.
2 Осилмоқлик.

Жаҳондин силкиниб чиққан этак топиб ёпишмоғлиқ
Муяссар бўлса, не ишдур талаб йўлинда хок улмоқ.

Ғаройиб ус-сиғар, 260-б.

Ё РАБ-Ё РАБ [*а.* یا رب یا رب] Эй Худо-эй Худо!

Чарх тоқидин садо эрмас, малойик зикридур,
Чун Навоий еткурур гардунга ё раб-ё рабин.

Фавойид ул-кибар, 311-б.

ЁРАНМАК [*т.* یارانماق] Хушомадгўйлик қилмоқ, тилёғламалик қилмоқ.

Не назмики ўтлуг кўнгулдин чиқардим,
Дедиким, менинг хотиримга ёранғай,
Манга онча ўт солди ҳар байтким табъ,
Гар оби ҳаёт ўлса андин усонгай.

Наводир уш-шабоб, 509-б.

ЁРАСИЗ [*т.* یارسیز] **1** Бешикаст, жароҳатсиз.
2 Беғам. **3** Ғам-ташвишдан холи; беташвиш, хотиржам

Эй парий, юз ёралиқ кунглум сари наззора қил,
Ёрасиз ҳар қайдаким топсанг, ани ҳам ёра қил.

Бадоеъ ул-васат, 273-б.

ЁРМАШМАК [*т.* يارماش ماك] **1** Чирмашиб чиқмоқ, ўрмалаб чиқмоқ.

Чиқти туз ҳар нарх уза бир ишқпечон ёрмашиб,
Ваҳки, бир қад ишқидин жисмимда печу хам ҳануз.

Бадоеъ ул-бидоя, 207-б.

2 Ёпишмоқ, тирмашмоқ, осилмоқ.

Чиқти зулфин солгач ул чоҳи занахдондин кунгул,
Анкабут ул навъким, торига чиққай ёрмашиб.

Наводир ун-ниҳоя, 43-б.

ЁРСИЗЛИҒ [*т.* يارسـزلنغ] Ёрсизлик, дустсизлик; маҳбубасизлик, севгилисизлик.

Ёрсизлиғдин Навоийни яна қурқутмангиз,
Ким ба саъб ишга юрак бости кунгул туқтоди ҳам.

Бадоеъ ул-васат, 294-б.

Гаҳи ёрсизлиғлар айлаб ҳалоким,
Гаҳи дарду ғам қургузуб ёрлиғлар.

Фавойид ул-кибар, 110-б.

ЁС [ф. ياس] **1** Ёсаман (ёсамин//ёсмин) сўзининг қисқарган шакли; хуш исли, оқ ва сариқ тусли гул, жасмин.

2 Сарғайган юз, ҳоли хароблик.

3 Юз, рухсор.

Жафокорким мен онглабмен жаҳондин,
Вафо сендин манга голибдурур ёс.

Наводир уш-шабоб, 494-б.

ЁСТУҒ [*т.* ياستوغ] Болиш, ёстиқ.

[*Иброҳим Утруш р. т.*] *Шайх ул-ислом қ. с. дебдурким, ул мутааххирларидиндур. Ул дебдурки, суфийнинг рикваси овучидур ва ёстуғи қули ва хазинаси улдур, яъни Ҳақ субҳонаҳу таоло.*

Насойим ул-муҳаббат, 41-б.

ЁТМАМАК [*т.* ياتماماك] Ётмаслик, дам олмаслик.

... ва кеча ул ерда Тарсус деган мавзедаки, кофирлар мусулмонлардин олиб бузубдурлар, сабоҳгача намоз қилмоқ керак ва бир замон ётмамак керак, шоядки машойих кунгли сени қабул қилгай.

Насойим ул-муҳаббат, 203-б.

ЁТУҒОН [*т.* ياتوغان] Мусиқа асбоби.

Эй йиров сен ҳам ишингни кургуз,
Ётуғон бирла улуғ йирни туз.

Фавойид ул-кибар, 484-б.

ЁТУҒОНЧИ [*т.* ياتوغانچى] Ётуғон мусиқа асбобини чалувчи, созанда, мусиқачи.

Ётугончию йиров тузган ун,
Сен қадаҳ олу тўқуз қатла юкун.

Фавойид ул-кибар, 484-б.

ЁТҚУЗМАК [*т.* ياتقوزماك] Ётқизмоқ.

Ётқуздилар они маҳд ичинда,
Гул ёфроғи тушти шаҳд ичинда.

Лайли ва Мажнун, 60-б.

ЁШ [*т.* باش] Янги, соф; пок; ёр.

Нақш тушмиш кўзда ёшим менинг,
Ўйлаким, бормас буен ёшим менинг.

Бадоеъ ул-васат, 519-б.

ЁШИМОҚ [*т.* باشیماق] Роҳатланмоқ, шодланмоқ, хурсанд бўлмоқ.

Ёшибон заррин камар нозук белин қилсам халос,
Тортибон гулгун қабо сарви саҳи рафторидин.

Наводир уш-шабоб, 336-б.

ЁҚИЛҒУЧИ [*т.* یاقیلغوچی] Ёқилувчи, ёндирилувчи, куйдирилувчи.

Ҳусн малоҳатин идрок қилғучи ҳам, кунгул ва ишқ ути ёлинига ёқилғучи ҳам кунгул.

Маҳбуб ул-қулуб, 92-б.

Ким экин ул шуъулаға ёқилғучи,
Ё бу жароҳатқа даво қилғучи.

Ҳайрат ул-аброр, 59-б.

ЁҒДУРМАМАК [*т.* یاغدورما مق] Ёғдирмаслик.

Янаким ҳукм қилдинг тийр борон,
Санга ёғдурмамиш уқ хайли ҳижрон.

Фарҳод ва Ширин, 327-б.

ЁҒЛИҒ [*т.* یاغ لیغ] Ёғли, мойли

[Абу бакр Шаъроний р. т.]. Деди, ё Або Абдуллоҳ, бу кун сенинг баракатингдин ёғлиқ таом егумиздур.

Насойим ул-муҳаббат, 167-б.

ЁҒСИЗ [*т.* یاغ سیز] Беёғ, мойсиз.

Шайх дебдурки, муни кўрунг, ҳарисани ёғсиз еяолмас, мендин ёғ тилар.

Насойим ул-муҳаббат, 416-б.

Ж

ЖАББ [*а.* حبّ] Аруз атамаси; аруз қоидаларидан бири.

«Жабб» – икки сабаби хафиф исқотидур, бас, мафоъийлундин мафоъ қолғай ва фаъул анинг ўрнига қўярлар.

Мезон ул-авзон, 48-б.

ЖАБИНФАРСОЛИҚ [*а.-ф.-т.* جبين فرسالق] Бошни саждага эгишлик, пешанани ерга тегизишлик.

Кўп қилма намоз амрида бепарволиқ,
Ракъат била қил оҳ хадангин ёлиқ,
Қилсанг кеча саждаға жабинфарсолиқ,
Кундузунга ул намоз эрур зеболиқ.

Назм ул-жавоҳир, 158-б.

ЖАБҲАТ [*а.* جبهت] Олд томон, пешана, манглай.

Дулгадин тиғким ўт секретиб, рангин қилиб,
Шуъласи Баҳром важҳин, дуди Кайвон жабҳатин.

Бадоеъ ул-васат, 483-б.

ЖАВ-ЖАВ [*ф.* جو جو] Майда-майда, муфассал синчиклаб, бир-бир, зарра-зарра.

Худ риёзида фикри гардунрав,
Айириб чарх мазраин жав-жав.

Сабъаи сайёр, 41-б.

ЖАВДАТ [*а.* جودت] Сезгирлик, баркамоллик; нуқсонсизлик.

Кўнглумга ўзга қувват кирди ва табъимга ўзга жавдату жалодат ҳосил булди, килким жардайи тезкомиға ўзга равонлигу хаёлим саҳоби барқ хиромиға ўзга гавҳарафшонлиг юзланди.

Ғаройиб ус-сиғар, 16-б.

[*Мавлоно Шамсуддин Мўҳаммад Асад қ. с.*]. *Зоҳир улумдин табъ жавдатиға ва фаҳм ҳиддатиға шуҳрати бор эрмиш.*

Насойим ул-муҳаббат, 322-б.

ЖАВОМЕЪ [*а.* جوامع] Тушловчилар, жам этувчилар; ўз ичига қамраб олганлар.

Жавомеъ ул-калим Чуқур маъноли сўзларни ўзида мужассам этувчи, кам сўзли ҳикматли гап.

Сен бўлмасанг анбиёда кимдур
Ким, нутқи жавомеъ ул-калимдур.

Лайли ва Мажнун, 18-б.

ЖАВОНА [*ф.* جوانه] Полапом; бола.

Жавона чиқармоқ Тухум очмоқ, бола очмоқ.

Ким икки кабутари ягона,
Бир уйда чиқордилар жавона.

Лайли ва Мажнун. 261-б.

ЖАВОНМАРДЛИҒ [*ф.-т.* جوان مرد + لیغ] **1** Ёшлик, ёш йигитлик.

2 Олижаноблик, ҳимматлилик, яхши хислатлилик, олийҳимматлилик, сахийлик; довюраклик, жасурлик; уз ёш умрини эзгу ишларга, Аллоҳ йулида инсонларга ёрдам беришга бахшида қилишлик ва қилган эзгу амалларини унутишлик

Маккадин Шайх Абулаббос Қассобқа келди ва сурдиким, жавонмардлиғ недур? Шайх дедики, жавонмардлиғ улдурки, харисани ёронларга совутмагайсен.

Насойим ул-муҳаббат, 193-б.

Кур, не жавонмардлиғ булгайким, умрини суфий ҳурматини тиламакка ийсор қилгай.

Насойим ул-муҳаббат, 115-б.

ЖАВОҲИРСЕВАР [*а.-т.* جواهر سیور] Қимматбаҳо гавҳарларни яхши кўрувчи, мол-дунёга ўч.

Жавоҳирсевар салотин инкоридаву анинг тошқа мушобаҳати изҳорида.

Ғаройиб ус-сиғар, 553-б.

ЖАВРАНДИША [*а.-ф.* جور اندیشه] Зулм қилувчи, ситам қилувчи.

Чархи жаврандиша Золим фалак.

Масту беҳуш улмоғим тун-кун, Навоий, сўрмагил,
Чархи жаврандиша жуз ғаддорлиғ билмас, нетай?

Наводир уш-шабоб, 466-б.

ЖАДВАЛСИЗ [*а.-т.* جدول سیز] **1** Чизиқсиз, китоб ёки дафтардаги хат чизиғисиз.

2 Тусиқсиз.

3 Графиксиз, белгиланган аниқ режасиз, тўғри йўлсиз.

Ва пайғамбарлиғи даъвосида муъжизаси паргорсиз доира ва қалам жадвалсиз мустақим хат изҳор қилибдур.

Тарихи мулуки ажам, 232-б.

ЖАДДУ ОБО [*а.* جدّوآبا] Ота-боболар.

Жадду обо санга авлоди қани,
Оға-ини санга аҳфоди қани?!

Фавойид ул-кибар, 473-б.

ЖАДЪ [*а.* جدع] Аруз вазнидаги баҳр.

«Жадъ» – мафъулотунинг иккала сабабининг исқоти ва «то»сининг исконидур – лот қолур, фоъ анинг урнига қуярлар.

Мезон ул-авзон, 50-б.

ЖАЗАБОТ [*а.* جذبات] **1** Тортиш, берилиш, жалб этилиш; ҳаяжонга тушиш.

2 Жазбалар, суфийларнинг узидан кетиш ҳолати, жазба ҳолати; кунгил интилиши.

Андоқки, дер эрмишларки, мабодии аҳволда бир кеча ғалаботи жазаботдин Бухоро мазоротидин уч мозорга етишдим.

Насойим ул-муҳаббат, 261-б.

ЖАЗАЪКОР [*а.-ф.* جزع کار] **1** Бесабр, тоқатсиз, қарорсиз.

2 Хавф, хатар, қурқинч.
3 Тавба-тазарру.

Бу дард ичра улким жазаъкорроқ,
Ризо бермаган дарди душворроқ.

Садди Искандарий, 536-б.

ЖАЙРАН [*т.* جیران] Буғу, кийик, оҳу.
Гавзи жайран Кийикнинг бир тури.

Илгингга хино ёқиб муайян,
Гаҳ жайрану гоҳи гавзи жайран.

Лайли ва Мажнун, 187-б.

ЖАЛИЛ [*а.* جلیل] Улуғ, буюк.
Жалил ул-қадр Қадри баланд, улуғ мартабали.

[*Шайх Муфарриж р. т.*]. *Куп жалил ул-қадр ва кабир уш-шаън экандур.*

Насойим ул-муҳаббат, 413-б.

ЖАЛЛА [*а.* جل] Улуғ, қудратли.
Жалла зикруҳ Унинг ёди улуғ бўлсин! (Аллоҳ сифатидан сунг қўшиб айтиладиган жумла).

Жалла зикруҳ зиҳе илоҳи рафеъ,
Азза қадруҳ зиҳе расули шафеъ.

Арбаъин, 261-б.

ЖАМЖАНОБ [*ф.-а.* جم جناب] Жамшид мартабали, баланд мартабали.

Хосса базмиким қўёш жомин шафақ роҳи била
Элга туткай хусравий анжумсипоҳи Жамжаноб.

Ғаройиб ус-сиғар, 57-б.

ЖАМЛИҚ [*ф.-т.* جملیق] Қадимий Эрон шоҳи Жамшид исмининг қисқарган шакли, жамшидлик.

Фано дайри гадойимен, майим эски сафол ичра,
Тамошо айлаб, эй шайхлар, кўрунг ул жом ила жамлиқ.

Фавойид ул-кибар, 216-б.

Искандару жамлиқдур ишқингда Навоийга,
Ким рахшинг изу наълин кузгу била жом этмиш.

Ғаройиб ус-сиғар, 214-б.

ЖАМОЛНАМОЙ [*а.-ф.* جمال نمای] Гўзалликни намоён этувчи.
Ойинаи жамолнамой Гўзалликни кўрсатувчи кўзгу.

Зиҳи тажаллий ҳуснунг келиб жаҳонорой,
Жамиллар санга ойинаи жамолнамой.

Наводир уш-шабоб, 417-б.

ЖАМРА [*а.* جمرة] Жой номи; оловнинг чўғи.

Ул дебдурки, Ибн Хаббоздин эшиттимки, дедиким, азҳо ийдида Жамра якинида эрдим.

Насойим ул-муҳаббат, 141-б.

ЖАМШИДВОР [*ф.* جمشیدوار] Жамшиддек, Жамшид каби.

Кириб боргоҳ ичра Жамшидвор,
Бўлуб бахту давлатдин уммидвор.

Садди Искандарий, 439-б.

ЖАМШИДЛИҒ [*ф.-т.* جمشیدلیغ] Жамшидлик.

Зотиға Жамшидлиғ ойин бўлуб,
Кузгу анга жоми жаҳонбин бўлуб.

Ҳайрат ул-аброр, 255-б.

ЖАМШИДСОЗ [*ф.* جمشیدساز] Жамшид тайёрлаган.

Жоми Жамшидсоз Жамшид тайёрлаган қадаҳ, май пиёласи.

Кетур соқий, ул жоми Жамшидсоз
Ки, қилғай жаҳондин мени бениёз.

Садди Искандарий, 77-б.

ЖАМҚАДР [*ф.-а.* جم قدر] Жамшид мартабали, Жамшиддек қадрли, улуғ мартабали, энг юқори мартабали.

Анга бўлди иш бўйла суратпазир,
Вале шоҳи Жамқадру Доросарир.

Садди Искандарий, 248-б.

Билки эрур мояи амну амон,
Хисрави Жамқадр Бадиуззамон.

Ҳайрат ул-аброр, 318-б.

ЖАНДАЛИҒ [*ф.-т.* ژنده لیغ] 1 Эски либослик, жулдур кийимлик.

2 *тариқатда* Суфийлар киядиган жанда тўн ёки пустин, дарвишлар тунини кийганлик.

Ишқ қуйининг гадойименким, анда тенгдурур
Шоҳ эса зарбофтлиғ ё сойил улса жандалиғ.

Бадоеъ ул-васат, 215-б.

ЖАННАТ [*а.* جنت] Биҳишт; гўзал боғ, бўстон.

Жаннат ул-маъво Жаннат боғшана, жаннат боғчалари; биҳишт, жаннат.

Ҳақ таолодин улсун қабри пурнур,
Равони жаннат ул-маъвода масрур.

Муншаот, 224-б.

ЖАННАТМИСОЛ [*а.* جنت مثال] Биҳиштдек, жаннатдек; боғу бўстондек.

Жамолинг жаннатмисол айлади,
Буюнг тубийосо ниҳол айлади.

Садди Искандарий, 283-б.

Яна онча товуси зебо жамол,
Латофатда товуси жаннатмисол.

Садди Искандарий, 298-б.

ЖАРОЙИМ [*а.* جرایم] Гуноҳлар.

Шояд бу маҳал бир оҳ урғай
Ким, гарди жаройимим учурғай.

Лайли ва Мажнун, 313-б.

ЖАРРОРЛИҚ [*а.-т.* جرارلیق] Жанговарлик, довюраклик, ботирлик.

Тайёр қилиб сипоҳи жаррор,
Жаррорлиқ ичра барча тайёр.

Лайли ва мажнун, 162-б.

ЖАСРАТХОН [*а.-ф.* جسرت خان] 1 Жасоратли.

2 Киши лақаби.

Жумлаи олам ичра ҳашматрон,
Эл ани дерлар эрди «Жасратхон».

Сабъаи сайёр, 142-б.

ЖАТУТ [*ҳ.* جتوت] **1** Жатлар, Ҳиндистонда яшовчи бир халқ ёки ҳинд лўлиларининг бир тоифаси.

2 Ҳайвон ўйнатувчилар

Эй Навоий, айлади лўливаше кўнглумни қайд,
Халқни атрок асир этти, вале бизни жатут.

Фавойид ул-кибар, 66-б.

ЖАФОГУСТАР [*а.-ф.* جفاگستر] Халққа жабр-зулм қилувчи; жафо қилувчи, ситамкор, жафогар.

Гар жафоси бор-у, раҳми йўқ, анга не эътироз,
Ким Худо бермайдур ул шўхи жафогустарга раҳм.

Фавойид ул-кибар, 294-б.

ЖАФОКАШЛИК [*а.-ф.-т.* جفاکش لیک] Жафо тортувчилик, эзилганлик, қийналганлик, жабру ситам кўрганлик.

Жафогарликда йўқ эрмиш сенингдек, дерга йўқ ҳаддим,
Йўқ эркандур жафокашликда боре мен кеби ҳаргиз.

Бадоеъ ул-васат, 153-б.

Факирни жафокашликка нисбат қилибтурлар.

Муншаот, 229-б.

ЖАФОКОРЛИҒ [*а.-ф.-т.* جفاکارلیغ] Жафо қилувчилик: золимлик.

Иш вафо қилмоқ эрур, гар қила олсангки эмас,
Эй вафосиз, бу жаҳон ичра жафокорлиг иш.

Ғаройиб ус-сиғар, 215-б.

ЖАФОҚУШ [*а.-ф.* جفا کوش] Жафо қилишга тиришувчи.

Они доғи гунбази жафокуш,
Ўз жуфтига айлади ҳамоғуш.

Лайли ва Мажнун, 261-б.

ЖАФОПАРДОЗ [*а.-ф.* جفاپرداز] Жафокор, жафо қилувчи, ситам қилувчи.

Чархи жафопардоз Золим фалак

Чарх ўртангай қуёш ўтиға кўрганни десам,
Ул қуёш бедодию чархи жафопардоздин.

Наводир уш-шабоб, 321-б.

ЖАФОПЕША [*а.-ф.* جفاپیشه] Золим, ситамкор.

Чун жафопешалар йироқ борди, жафокаш оғзидин бир ушолгон дирам чиқарди. Жаъмики ани кўрдилар.

Маҳбуб ул-қулуб, 57-б.

Чархи жафопеша Золим фалак, ситамкор фалак

Гаме етти чархи жафопешадин,
Ҳамул анжуми хориж андешадин.

Ғаройиб ус-сиғар, 527-б.

ЖАЪЛИ(Й) [*а.* جعلی] Қалбаки, сохта.

Субҳоналлоҳ! Офарин ул сонеъгаким, бир соҳиб давлатқа мунча ҳусни хулқ ва камоли фазл ва баланд идрок ва табъ ва зеҳни пок

каромат қилибдурки, бу афсоналарни ясаб, бировга боғласалар, эшитган киши инона олмағай, балки жаълийдур деб, айтқучининг такаллумиға қулоқ солмағай.

Мажолис ун-нафоис, 209-б.

Ошуфтаваш ва девонасор киши кўрунур. Аммо бу тарийқлари жаъли(й) ранг ҳам бор.

Мажолис ун-нафоис, 159-б.

ЖАЪФАРИЙ [*а.* جعفري] **1** Зиравор сифатида ишлатиладиган, хушбуй кукат, ошкук **2** Тилла рангли хушбуй гул номи. **3** Заҳарли қора илоннинг бир тури.

Уйлаким шоҳ морга бўлғай мумид ҳам жаъфарий,
Ё вабоий халққа тоун ҳам ўлғай бир сари.

Маҳбуб ул-қулуб, 15-б.

ЖАҲДСИЗ [*а.-т.* جهدسز] Беҳаракат.

[*Шайх Абу Абдуллоҳ Мавло қ. с.*]. *Илоҳи, ишгинаки санга керак, қила олгайсен, яъни агар иноятинг булса, дустларингнинг ишин сабабу жаҳдсиз ясарсен.*

Насойим ул-муҳаббат, 187-б.

ЖАҲОНГАРДЛИК □лиғ [*ф.-т.* جهان گرد ليغ // جهان گرد ليق] Жаҳонгаштталик, дунё кезувчилик.

Недур мунча лофи жаҳонгардлиқ,
Эрур бу сифат лофи дамсардлиқ?

Садди Искандарий, 477-б.

Ким: жаҳонгардлиғ эрур ҳавасим,
Йўқ ани манъ этарга дастрасим.

Сабъаи сайёр, 145-б.

ЖАҲОНКУШОЙЛИҚ [*ф.-т.* جهان كشاي ليق] Жаҳонни фатҳ этувчилик, оламни очувчи, оламни ёритувчилик.

... жаҳондорлиғ кишварининг соҳиб сарири ва жаҳонкушойлиқ сипеҳрининг меҳри мунири Султон Бадиуззамон баҳодир мадҳида.

Садди Искандарий, 71-б.

... ва Арастуга жаҳонкушойлиқ тили очилмоқ ва адл натижаси жаҳонгирлик эрканин собит қилмоқ ва одилга ул жаҳон саодати ҳам топилмоқ.

Садди Искандарий, 124-б.

ЖАҲОННАМОЛИҚ [*ф.-т.* جهان نماليق] Жаҳонни курсатувчилик.

Ҳам зотингга дарж кимиёлиқ
Ҳам ойинаи жаҳоннамолиқ.

Лайли ва Мажнун, 293-б.

Топқоч ани бу сифат зиёлиқ,
Тоқти отиға жаҳоннамолиқ.

Лайли ва Мажнун, 295-б.

ЖАҲОНТОБЛИҒ [*ф.-т.* جهان تابليغ] Жаҳонни ёритувчи.

... ва васл гавҳари шабчарағининг жаҳонтоблиғи ва гавҳари шабчароқ васлидек ноёблиғи.

Садди Искандарий, 445-б.

ЖАҲОНХУСРАВ [*ф.* جهان خسرو] Жаҳон шоҳи, жаҳон ҳукмдори.

Жаҳонхусрав ул чоғда Доро эди,
Анга шоҳлиғ ошкоро эди.

Садди Искандарий, 133-б.

ЖАҲФ [*а.* جهف] Аруз вазнидаги баҳр, аруз атамаси.

«Жаҳф» – фоъилотунни хабн қилмоқдур ва фосилани исқот қилмоқ, тун қолғай, фаъ анинг урнига қуярлар.

Мезон ул-авзон, 49-б.

ЖИГАРРАНГ [*ф.* جگر رنگ] Жигар ранг, қип-қизил.

Жигарранг ўлуб қон аро ҳайъати,
Булуб боис ул ишга қон туҳмати.

Садди Искандарий, 320-б.

ЖИГАРСЎЗЛУҚ [*ф.-т.* جگرسوزلوق] **1** Бағрини қуйдирувчилик, изтироблилик.

2 Ғамхўрлик.

3 Қаттиқ азоб берувчилик, қийновчилик.

Илоҳи, гул узорига дилафрузлук ҳам сен бердинг ва булбул фиғону зорига жигарсузлуқ ҳам сен бердинг.

Муножот, 297-б.

ЖИЗЯ [*а.* جزيه] Мусулмон бўлмаганлардан олинадиган солиқ тури.

Ва ул вақтда Фаластин мулки Жолутнинг истилосидин бани Исроил ул ерга етиб эрдиким, борча зулм қурарлар эрди. Сўнгра аларга жизя таъйин қилиб эрди...

Тарихи анбиё ва ҳукамо, 156-б.

ЖИЛАВДОР [*т.*-ф. جلودار] Жилов тутувчи, жиловбардор.

Оғзим қуруб, дамим тутулуб, секридим, не тонг,
Ким телба чобукумга жилавдормен яна.

Ғаройиб ус-сиғар, 424-б.

ЖИЛВАОЙИН [*а.-ф.* جلوه آئين] Жилва қилиш, жилва қила бошлаш

Гул этти чиқиб жилваойин яна
Тикиб жойбига нофаи чин яна.

Садди Искандарий, 406-б

ЖИСМЛИҒ [*а.-т.* جسم ليغ] Гавдалик, жуссалик, заиф кўринишлик.

[*Жорияи Мажхула р. т.*]. *Дедилар: бир дайрда харобдур! Ул дайрга бордим, кўрдум, асру заиф жисмлиғки, уйқусизлик асари анда зоҳир эрди.*

Насойим ул-муҳаббат, 494-б.

ЖИСМОНИЯ(Т) [*а.* جسمانيه//جسمانيت] Жисм, жисмоний жисмга тегишли, жисмлилик.

Шайх Муҳйиддин Арабий баъзи расойилда дебдурки, бу тоифадин биз баъзини кўруббизки, аларнинг руҳоний суратлари мутажассид ва мутамассил бўлур, жисмоний суратларига ва ул мутажассида суратларига афъолу аҳвол ўткарурлар, курганлар соғинурларки, ул аҳвол аларнинг жисмоний суварига ўтадур.

Насойим ул-муҳаббат, 381-б.

ЖИҒОН [*т.* جيغان] Камбағал, фақир, ҳеч вақосиз.

Тиндурур бою жигонни ҳокими равшанзамир,
Ерутур обод ила вайронани меҳри мунир.

Фавойид ул-кибар, 530-б.

ЖОЙНАМОЗ [*ф.* جاینماز] Мусулмонлар намоз уқиш учун ерга тушайдиган мато, палосча.

[*Шайх Шайхзода Абулҳасан қ. с.*] *Ҳазрат Махдумий н. м. н. шарафи мажлисига мушарраф булуб, алардин илтифотлар топиб, алар уз мусаннафотларидин бир китоб ва жойнамоз ва бир рупок анга бергандурлар.*

Насойим ул-муҳаббат, 424-б.

ЖОМАБОФЛИҚ [*ф.-т.* جامه‌بافلیق] Кийим тукувчилик; бузчилик.

Мавлоно Нажмий – ҳам машҳадлигдур, Жомабофлиқ ҳирфасига мансубдур.

Мажолис ун-нафоис, 99-б.

ЖОМЕЪ [*а.* جامع] Жамловчи, тупловчи, ўз ичига қамраб олувчи.

Жомеъ ул-фазойил Барча фазилат ва етукликни ўзида мужассам этувчи, яхши фазилат ва хислатлар соҳиби.

[*Форс шоири – Мавлоно Риёзий*]. *Жомеъ ул-фазойил ва муқавий уд-далойил киши эрди ва етти қалам била хатни хуб битар эрди...*

Мажолис ун-нафоис, 59-б.

ЖОМИЙ [*а.* جامی] Жомлик, Жомда туғилган.

Жомий ул-асл Асл жомлик, асли келиб чиқиши Жомдан.

Кунияти Абулфазлдур. Жомий ул-асл, Нишобурий ул-мавлид.

Насойим ул-муҳаббат, 409-б.

ЖОМРАСОН [*ф.* جام رسان] Ҳает жомига етказувчи, завқу сафо қадаҳига етказувчи.

Танга ҳаёт жомидур комрасон,
Бул танга нишот комидин жомрасон,
Жонга ҳам улумдин бурун оромрасон
Ким, туғмоқ эрур улумга пайгом расон.

Назм ул-жавоҳир, 152-б.

ЖОНГУДОЗЛИҚ [*ф.-т.* جانگدازلیق] Жозибалилик, кунгилга ҳарорат солувчилик.

Шоҳиди раънодин лаъб андузлиқ тила ва ринди фарзонадин жонгудозлиқ ва дилсузлиқ иста.

Бадоеъ ул-васат, 504-б.

ЖОНИЙ [*ф.* جانی] Журжонлик форсигуй шоирлардан бирининг тахаллуси.

Мавлоно Жоний – журжонликдур. «Райҳоний» тахаллус қилур эрди, вилояти муносабати била анга «Жоний» тахаллус буюрулди.

Мажолис ун-нафоис, 86-б.

ЖОНОНА [*ф.* جانانه] Маҳбуба, севгили, маъшуқа.

Шамъдек қомату юз шамъи ила жонона,
Қилди уртарга кунгуллар қушини парвона.

Фавойид ул-кибар, 360-б.

ЖОНОНСИЗ [*ф.-т.* جانان سیز] 1 Севгилисиз, маҳбубасиз, маъшуқасиз.

Жоним ол, эй ҳажру жононсиз манга ранж истама,
Чунки жононсиз Навоий жонидин ранжон эрур.

Ғаройиб ус-сиғар, 150-б.

2 Дустсиз, беёр.

Деб эдинг жононсиз ўлсанг, жонинг олгум, эй ажал,
Жон фидонг, ар ваъдани уткармасанг мийодидин.

Бадоеъ ул-васат, 328-б.

3 Гувоҳсиз.

4 Аллоҳсиз, Тангри васлисиз.

Манга жононсиз ўлмоқ яхширок, эй Хизр, юз қатла,
Кетурсанг мужда ўлмоқ бирла умри жовидондин ҳам.

Наводир уш-шабоб, 290-б.

ЖОНОФАРИН [*ф.* جان افرین] **1** Жонбахш, ҳаётбахш.

2 Аллоҳнинг сифатларидан бири, Аллоҳ, Тангри таоло.

[*Шайх Малик Насируддин Маҳмуд қ. с.*]. *Ва шаҳодат бармоғин қойим қилиб, калимаи шаҳодат баёни қилди ва жонни жонофаринга топшурди.*

Насойим ул-муҳаббат, 373-б.

ЖОНСИТОНЛИҒ [*ф.-т.* جان ستان لیغ] **1** Жонга човут солувчилик, жон олувчилик, ҳалок қилувчилик.

2 Қаттоллик, бераҳмлик.

Бирида аждар айлаб жонситонлиг,
Дамидин қилгуси оташфишонлиг.

Фарҳод ва Ширин, 139-б.

ЖОНФАРСОЙ [*ф.* جان فرسای] Ҳалокатли.

Лабида асради жонимни, ишқи жонфарсой
Қурутти қонини қон ичра айлади маҳфуз.

Бадоеъ ул-васат, 208-б.

ЖОРИЯ [*а.* جاریه] **1** Қиз

2 Чури, канизак.

[*Шайх Имраъатун Мажҳула р. т.*]. ... *Ул ун сунгича бордим, курдумки, жорияе Каъба асториға осилибдур ва айтадур...*

Насойим ул-муҳаббат, 493-б.

ЖОСУС [*а.* جاسوس] Айғоқчи; хуфия; хабарчи.

Жосус ул-қулуб Қалблар сирини билувчи, дил сирини ўгирловчи.

[*Шайх Абулҳасан Бишр Сижзий қ. с.*]. *Шайх ул-ислом дебдурки, ул менинг пирларимдиндур. Бу машойихдинки, мен кўрубмен, уч киши улуқ эди: Харақоний ва Тоқий. Ва иккаласи жосус ул-қулуб эрдилар.*

Насойим ул-муҳаббат, 232-б.

ЖОҲВАШ [*ф.* جاهوش] **1** Мансабдордек, мартабалидек.

2 Улуғлардек.

Васл аро ўзни хаёл айлаб нишотим бордур,
Сойил андоқким ясагай узни аҳли жоҳваш.

Бадоеъ ул-васат, 181-б.

ЖУВОНМАРДЛИҒ [ф.-т. جوان مرد لیغ] қ. *Жавонмардлиг.*

Анғадур жаҳон аҳлидин фардлиғ
Ки, ойини булғай жувонмардлиғ.
Ани бил жувонмард ёхуд карим
Ки, бедодидин булмағай элга бим.

Садди Искандарий, 315-б.

ЖУДОЛИҚ, =лиғ [*ф.-т.* جدالیق//جدالیغ] 1 Алоҳидалик, бир-биридан узоқлашганлик.

Сенким, элдин қилиб жудолиқ,
Қилмишсен аларга ошнолиқ.

Лайли ва Мажнун, 156-б.

2 Айрилиқ, жудолик; фироқлик.

Жудолиққа шод улма асҳобдин,
Жафо етса айрилма аҳбобдин.
Чу гардун иши бевафолиғдурур,
Саранжоми расми жудолиғдурур.

Садди Искандарий, 471-б.

ЖУЗА [*а.* جزء] Бўлак, бошқа, узга; майда.

Ишқ дардига жуза улмак йуқ эмиш ҳеч илож,
Бош қуюб оллига анингки бу маънони билиб.

Ғаройиб ус-сиғар, 75-б.

ЖУЛДУ [м. جلدو] Совға, инъом.

Ҳажр аро тузди Навоий васл мулкин берди ёр,
Андоғ иш қилғонга мундин кам керакмас жулдуси.

Бадоеъ ул-бидоя, 521-б.

ЖУМЛАФУРУШ [*а.-ф.* جملفروش] 1 Гап сотувчи.

2 Ҳамма нарса сотувчи;

3 Бозорнинг шу ном билан юритилиши («гап сотувчилар бозори»).

Бир ўт пайдо булубдур ва масжидқа, чун йиғочдин экандур, ту-ташибдур ва андин ул бозорга тушубдурки, ани «жумлафурушлар бозори» дер эмишлар.

Насойим ул-муҳаббат, 241-б.

ЖУМРИЙ [*т.* جمری] Саркаш

Жумрий укунуб бийик булмас, учку югуриб кийик булмас.

Маҳбуб ул-қулуб, 123-б.

ЖУНАЙД [*а.* جنید] Киши исми, машҳур шайхлардан булиб, Саййид ут-тоифа Жунайд Бағдодий мақомига мушарраф бўлган.

Жунайди соний 1) Иккинчи Жунайд (ушбу байтда Ҳусайн Бойқаро назарда тутилган).

Ҳиммат тутубон Жунайди соний,
Очтим бу хазойини маоний.

Лайли ва Мажнун, 38-б.

ЖУНОҚ [*т.* جونق] Эгарнинг қоши.

Гардундин ўтар замон буроқи,
Ой-кун булубон ики жуноқи.

Лайли ва Мажнун, 20-б.

Пўя қилурда чобукум учти рикобида парий,
Нақш соғинма зеб учун сизган анинг жуноқиға.

Ғаройиб ус-сиғар, 416-б.

ЖУРЖОНЛИК [*ф.-т.* جورجان ليك] Журжон шаҳридан, Журжон шаҳрида яшовчи.

Мавлоно Жоний – журжонликдур.

Мажолис ун-нафоис, 86-б.

ЖУРМСИЗ [*а.-т.* جرم سز] Гуноҳсиз, бегуноҳ, айбсиз.

Журмсиз ёр агар ўлтурди, Навоий, фарах этким,
Ҳусн хайлиға будур шеваю ишк аҳлиға одат.

Фавойид ул-кибар, 58-б.

Бир ўт эсаки манга журмсиз вафони кам эттинг,
Юз ўтдур улки жихатсиз улусни муҳтарам эттинг.

Наводир уш-шабоб, 261-б.

Ёзуқсиз, журмсиз бедод этар фош,
Манга ул сурмасиз кўз, вусмасиз қош.

Бадоеъ ул-бидоя, 228-б.

ЖУРРАБОЗ [*ф.* جرباز] Нар лочин, лочиннинг эркаги.

Фалак жавфида ғарқ улуб журрабоз
Пару бол урар чун нишебу фароз.

Садди Искандарий, 255-б.

ЖУФТЛУҒ [*ф.-т.* جفت لوغ] **1** Жуфтлик.

2 Нар ва модалик.

3 Баравалик, тенглик.

... ва Сулаймони замон рисолатин қушлар тили била арз қилғони ва товусни Анқо жуфтлуғиға сўз солғони...

Фарҳод ва Ширин, 288-б.

ЖУҲҲОД [*а.* جحّاد] Инкор қилувчилар; ҳақиқатни инкор қилувчилар; мушриклар.

[*Шайх Бобо Али Ҳисорий қ. с.*]. *... ярим кеча Бобо уз еридин қутуб, мақтул қошиға келиб, кўп йиғлаб, нудбалар қилиб дегандурки, Тенгри сенинг жазонгни бергайки, беҳақиқат эл санга зулм қилдилар, аммо дойим аҳли таҳқиққа жуҳҳоддин бу навъ ишлар воқеъ бўлғондур.*

Насойим ул-муҳаббат, 449-б.

ЖУ(Й) [*ф.* جوي] Сўз бирикмасида «истовчи, қидирувчи» маъноларида келади.

Жўйи мақом Жой истовчи, жой қидирувчи. **Жўйи мақом бўлмоқ** Ўз жойига қайтмаслик, ўз ерини қидирмаслик.

Топтилару ром бўлмади ҳеч,
Жўйи мақом бўлмади ҳеч.

Лайли ва Мажнун, 262-б.

ЖУЛАҲА [*ф.* جولهه] **1** Тўқувчи.

2 Пахтани чиғириқдан чиқариб, чигитдан ажратувчи; наддоф.

ЖУЛАҲО [*ф.* جولها] қ. **Жўлаҳа.**

Жўлаҳо гирвошида оҳордек,
Йўқки заган паррида мурдордек.

Ҳайрат ул-аброр, 258-б.

ЖЎЛИДАМЎ(Й) [*ф.* جولیدمو // جولیدموی] 1 Хаёлпараст, паришонхотир, тарқоқ фикрли.

2 Сочлари тўзғиган; девонасифат.

Суроҳий то майи лаълинг висоли орзу қилмиш,
Ани бу мастлиг девонаи жўлидамў қилмиш.

Наводир ун-ниҳоя, 225-б.

[*Шайх Мир Ғиёс қ. р.*]. *Мир чун Машҳадқа етти, бир кеча Имом Али алайҳит-таҳияту вас-салому равзасида иҳё қилур эрдиким, бир жулидамўй киши зоҳир булуб, анга дедиким, улча анинг талабидасен, ул биздадур, деб утти.*

Насойим ул-муҳаббат, 410-б.

ЖЎШКУРМАК [*т.* جوشکورمك] Алангаланмоқ.

Субҳдин лек уйла жўшкурди
Ким, дамидин ул утни совурди.

Сабъаи сайёр, 334-б.

З

ЗАВ [*а.* ضوء] Қуёш нури, нур.

Файз қуз тутма риёзатда тешилмай юрагинг,
Очмайин равзана, уй ичра қуёш солмади зав.

Бадоеъ ул-бидоя, 473-б.

ЗАВИЙ [*а.* ذوي] Уста, моҳир; хосланганлик.

Завий ул-ихтисос Бирор илм, фан ёки бирор нарсага хосланган киши, мутахассис, ўз ишининг устаси.

Мазмуни буким, эй қадимий бандайи хосу эй бойирий ходими завий ул-ихтисос, бурунги икки девонким, бизнинг ҳукму хитобимиз била мураттаб қилдинг...

Ғаройиб ус-сиғар, 13–14-б.

Завий ул-ҳаёт Бирор нарсага хосланганлик; яшовчанлик.

Зол ҳарфининг завий ул-ҳаётларининг зуфунунлуги «ғаройиб»дин.

Ғаройиб ус-сиғар, 121-б.

ЗАИФМИЗОЖ [*а.* ضعيف مزاج] Сust табиат, сустмизож, хулқ-атвори заиф; бечораҳол.

Ҳидоятинг қулидин шарбати шифо топибон,
Аники иллати куфр айлабон заифмизож.

Наводир уш-шабоб, 72-б.

ЗАЙД [*а.* زيد] **1** Фалон киши.

2 Лайлининг қабиладоши, икки ошиққа ҳамдард, уларнинг ишқий номаларини бир-бирига етказиб турувчи шахснинг исми.

Ул хайл отим хитоб этиб Зайд,
Бир хайли аёл этиб мени қайд.

Лайли ва Мажнун, 174-б.

3 Купайтириш, қўшиш.

4 Заргарнинг номи.

Айлаб ул икки нукта ичра фасиҳ,
Зайдни айламоқ учун тафзиҳ.

Сабъаи сайёр, 184-б.

Бу тараф Зайд ўлуб, замин поймой,
Жонни қутқарғали қадам фарсой.

Сабъаи сайёр, 187-б.

Зайд Заҳҳоб Зайд исмли заргар.

Зоти аҳли ҳунар мубоҳоти,
Зайд Заҳҳоб ўлуб онинг оти.

Сабъаи сайёр, 179-б.

Насойим ул-муҳаббат, 410-б.

ЗАЛАЛ [*а.* زلل] **1** Хато қилиш; янглишиш; хато, нуқсон.

[*Шайх Исрофил Мағрибий р. т.*]. *Уч кундин сунгра дедиким, манга жавоб айттиларки, агар амалдин бурун савоб раво булса, залалдин ҳам бурун азоб раво булгай.*

Насойим ул-муҳаббат, 34-б.

2 Аруз атамаси.

«Залал» – «ҳатм» ва «харм» ижтимоидур, мафоъийлунда бас фоъ қолгай.

Мезон ул-авзон, 48-б.

ЗАЛАМА [*а.* ظلمه] Золимлар, зулм қилувчилар.

Заламно раббано Қуръони каримдан иқтибос. Тангри таоло одамга жон ато этаётганида, унинг (одам) биринчи бор аксириши ва барча малоиклар истиғфор келтириши, шайтон алайҳи лаъна эса: «Мен нурдан, одам балчиқдан яралди», деб, сажда қилмай кибрга кетганлиги каби илоҳий маъноларга ишора.

Чекмай малак лутфунг куни жуз зикр ила тасбиҳ уни
Одам дебон қаҳринг туни ҳар дам «заламно раббано».

Фавойид ул-кибар, 7-б.

Заламно раббано анфусано Эй раббим, биз ўзимизга зулм қилдик.

ЗАЛИЛЛИК [*а.-т.* ذلیل لیق] **1** Беъэтиборлик.

2 Хорлик, тубанлик, пастлик, фақирлик.

Нафсни чун такво риёзати била зеридаст қилдилар – шайтонни залиллик била ерга паст қилдилар.

Маҳбуб ул-қулуб, 122-б.

ЗАЛЛА [*а.* زله] **1** Қолдиқ овқат, сарқит.

2 *тасаввуфда* Айрим суфийлар кунгилдан кибрни қувиш, халқ иззасига сабр қилиш ёки уз шахсини паст тутиш мақсадида гўй-ҳашам, зиёфат ёки умумий овқатланишдан сўнг қолган сарқит таомларни кутаришни одат қилишган

Залла боғламоқ Ўтирган жойидан ўзи билан бирга қолдиқ озиқ-овқатларни – сарқитни бирор нарсага ўраб-чирмаб олиш.

[*Шайх Фатҳ б. Али Мавсилий қ. р.*]. *Егулик келтурдилар, ончаки матлуби эди, еди, қолганини чирмаб кутарди. Биров куруб дедиким, Фатҳни дерларки, мутаваккилларнинг имомидур, онак залла боғлади.*

Насойим ул-муҳаббат, 43-б.

Залла қилмоқ Қолдиқ таом кутариш; еб-ичишдан қолган егуликларни олиш.

Ул жамъдин бировнинг хотирига кечмиш булгайки, агар Мавлононинг каромати бор, бизинг учун кишмиш келтургайки, залла қилгайбиз.

Насойим ул-муҳаббат, 353-б.

ЗАЛУМ [*а.* ظلوم] Ўта золим, ортиқ зулм қилувчи.

Парий қабул эта олмай ани, магарким мен
Қилиб отимни залуму жаҳул бирла адо.

Наводир уш-шабоб, 7-б.

Залум айламак Зулм қилмоқ

Ғайри инсонким қилиб они қабул,
Ҳам залум айлаб хитобин, ҳам жаҳул.

Лисон ут-тайр, 9-б.

Залум этмак Зулм этмоқ.

Бўлмаса эрди Навоий сирри ишқингга амин,
Не залум эткай эдинг анинг хитобин, не жаҳул.

Ғаройиб ус-сиғар, 300-б.

ЗАМАН [*а.* زمن] Замонлар (замон сўзининг бошқа шакли).

Чаманда маст елдин, ваҳки, ҳар ён ҳам бўлур гулдек
Замоне жилва айлаб, бизни расвойи заман қилдинг.

Бадоеъ ул-бидоя, 314-б.

ЗАМЗАМ [*а.* زمزم] Маккада Каъба яқинидаги мусулмонлар муқаддас ҳисоблайдиган қудуқ суви, обизамзам.

Тийғи бот-бот захм урардин зор жисмим қилди заъф,
Замзам улсунким, куп ичса еткурур озор су.

Ғаройиб ус-сиғар, 400-б.

ЗАМИНРУБ [*ф.* زمین روب] Ер супурувчи

Тош узра қилиб танини саркуб,
Мижгонини айлабон заминруб.

Лайли ва Мажнун, 265-б.

ЗАМИРОН [*а.* مضمران] Жойлашиш, жойлашиш ўрни.

Зод ҳарфининг замирон бўйларининг зиёси «наводир»дин.

Наводир уш-шабоб, 200-б.

ЗАМО [*а.* ظما] Бир нарсани қаттиқ орзу қилмоқлик, орзумандлик.

Дайр пири мангаву мугбачалар
Неча урса юзига замо хирад.

Наводир уш-шабоб, 92-б.

ЗАНБИЛ [*ф.* زنبیل] Сават, замбил

[*Шайх Абулхайр Тайнотий қ. т. с.*]. *Занбил туқир эрмиш. Киши қурмайдурки, нечук туқур эрди.*

Насойим ул-муҳаббат, 149-б.

ЗАНГ [ф. زنگ] Қора танли, қора сочли одам; ҳабаший, ҳабаш; Ҳабашистон.

Гар эрур занг аҳли зулмони ва лекин қор ила
Қил тун зангисини аҳли сафову нур қиш.

Бадоеъ ул-васат, 194-б.

ЗАНГИ [*ф.* زنگی] Ҳабаш, қора танли.

Зангийи хунхор Қонхўр ҳабаш.

Ушбу ҳолатда зангийи хунхор,
Тоғ аро ул сифатки тийра бухор.

Сабъаи сайёр, 229-б.

Зангийи девсор Дев сувратли қора танли, дев қуринишли ҳабаш.

Шоҳ худ турмиш эрди майдонда,
Зангийи девсор жавлонда.

Сабъаи сайёр, 231-б.

Зангийи наҳс Миррих сайёрасининг қора рангли белгиси.

Зангийи наҳс қуйди қалъага пай,
Саъдни гор ичинда бости май.

Сабъаи сайёр, 230-б.

ЗАНЖИ [*ф.* زنجي] қ. **Занги**.

ЗАРАНДУД [*ф.* زراندود] Олтин қопланган, зар югуртирилган, олтиндек ялтирайдиган.

Базми гамида шаҳмен, сариғ юзумда қон ёш,
Бу лаълранг бода, ул соғари зарандуд.

Бадоеъ ул-васат, 97-б.

ЗАРБАТ [*а.* ضربت] Уриш, зарб билан уриш, зарба.

Балорак зарбати Кескир қилич зарби.

Шахс жисми лойи нафй улғай бақоси шонида,
Хасми топқоч хасм илгидин балорак зарбатин.

Бадоеъ ул-васат, 483-б.

ЗАРДВАШ [*ф.* زرد وش] Сарғиш, сариққа ўхшаш.

Яна бир хилъате кийиб заркаш,
Зардваш ўй ичра роҳи асфаркаш.

Сабъаи сайёр, 47-б.

ЗАРДУШТ [*ф.* زردشت] **1** Қадимги Эронда (Гуштасп замонида) оташпарастликка асос солган шахс ёки файласуфнинг номи.

Вале тутти Зардушт оййини ул,
Мажус улди истаб, алар дини ул.

Садди Искандарий, 79-б.

2 Ўтпарастлик, оташпарастлик.

Батахсис, булут мушкфом ҳавога қорнинг суда сиймидин кофурбор ва дай шоҳи шабихунидин ўт зардуштининг хайли манқал қўргонида ҳисорий...

Муншаот, 140-б.

ЗАРКЎБ [*ф.* زركوب] **1** Тилла варақлар, олтин, кумуш, нуқра безаклар ясовчи заргарлар.

2 Тиллага кандакорлик ишловини бериш.

Мавлоно Жалолуддин хидматлари заркублар ҳовлисидин утарда, аларнинг зарби унидин аларга ҳол воқеъ бўлубдур ва самоъга кирибдурлар.

Насойим ул-муҳаббат, 333-б.

ЗАРНИСОР [*ф.-а.* زرنثار] Зар сочиш, зар чочқи

Сарф эттим анга умр баҳорин даги,
Бўстони ҳаёту лолазорин даги,
Оллида хазони зарнисорин даги,
Кофурфишон қиш била қорин даги.

Ғаройиб ус-сиғар, 19-б.

ЗАРОАТ [*а.* ضراعت] Илтижо қилмоқ.

Сўзим чун туганди дуо айлайин,
Зароат тариқин адо айлайин.

Садди Искандарий, 555-б.

ЗАРОЙИФШИОР [*а.* ظرايف شعار] Нозик маънолик.

... ва сабт бўлган ашъор барча заройифшиорким, эллик, олтмиш ё юз ғазалга яқин йиғилса эрди...

Ғаройиб ус-сиғар, 17-б.

ЗАРОФАТЛИҚ [*а.-т.* ظرافت لیق] 1 Зийраклик, нозик фаҳмлилик, ҳозиржавоблик, қочирим сўзлик.

2 Ҳазил-ҳузуллик, ҳазил-мутойибалик

[*Форсигўй шоир – Адҳами Иброҳим*]. *Туркман бекларида мутааййин хуштабъ ва зарофатлиқ киши эрди.*

Мажолис ун-нафоис, 158-б.

ЗАРРАЧА [*а.-т.* ذره چه] Энг кичик зарра, энг майда бўлакча.

Ул қуёш ишқи қавийроқдур, Навоий, нечаким,
Заррача ҳам қуймади ҳижронда миқдоримни заъф.

Фавойид ул-кибар, 211-б.

Ул юзга бу ҳавойи саргашта меҳрининг,
Хуршид бирла заррача бор элга шуҳрати.

Фавойид ул-кибар, 396-б.

ЗАРРОҚ [*а.* زراق] Маккор, ҳийлагар; алдоқчи.

[*Мирчаи Сафолфуруш қ. с.*]. *Бир заифа етишти ва анга деди, эй зарроқ, фалон киши фавт булди, намозига бормассен?*

Насойим ул-муҳаббат, 194-б.

ЗАРУРИЯТ [*а.* ضروریت] Зарурат, табиий эҳтиёж.

[*Шайх Абулҳасан Кардуя р. т.*]. *Шерозда олтмиш йил уз уйида мунзавий эрдики, жумъа намозидин узга ва баъзи зарурияти дин узга ишга уйдин чиқмади.*

Насойим ул-муҳаббат, 181-б.

ЗАФАРНОМА [*а.-ф.* ظفرنامه] Қулга киритилган ғалабалар, зафарлар қиссаси.

Рақам айлаган бу зафарномани,
Адо бўйла қилди бу ҳангомани.

Садди Искандарий, 203-б.

ЗАХМИЙ [*ф.* زخمی] 1 Яралилик, жароҳатлилик.

2 Дардлилик, аламлилик.

3 Оппиклик

Захмий оғзида лабинг зикрию оҳволи қатиқ,
Жон етиб оғзиға ҳол устидадур хаста кунгул.

Ғаройиб ус-сиғар, 302-б.

ЗАЪҚА [*а.* زعقه] 1 Бақириш, кичқириш.

Заъқа урмоқ Бакирмоқ, кичқирмоқ.

[*Шайх Мавлоно Шамсуддин Муҳаммад Асад қ. с.*]. *Самоъ мажлисида ҳоли мутағаййир бўлуб, андоқ сайҳалар ва заъқалар урар эрдики, асари мажлис аҳлиға сироят қилур эрди ва вақтлари хуш бўлур эрди.*

Насойим ул-муҳаббат, 323-б.

2 Ун тортмоқ.

[*Шайх Исрофил Мағрибий р. т.*]. *Муни деди ва заъқа урди ва шурға тушди ва андин сўнгра уч кундин ортуқ тирилмади ва борди.*

Насойим ул-муҳаббат, 34-б.

ЗАҲРЛИК [*ф.-т.* زهرلیك] Заҳарли.

Ўз қатлини айламиш эди биг,
Пинҳон қилиб эрди заҳрлик тиг.

Лайли ва Мажнун, 244-б.

ЗАҲРНОК [*ф.* زهر ناك] Заҳарли.

Афлок хайъати шикоятидаким, ҳар бириси дурже курунур ва ҳар кавкаби бир гавҳари пок, аммо ҳуккаедурур заҳрнок, балки заҳри ҳалок.

Ҳайрат ул-аброр, 245-б.

ЗАҲРОШОМ [*ф.* زهرآشام] Заҳарҳур, заҳар ичувчи; оғу ичувчи.

Жоми ҳижрон чеккали билдимки, жавринг саъб эмас,
Май неча талх улса, кўрмас ани заҳрошом талх.

Ғаройиб ус-сиғар, 107-б.

ЗАҲРПАРВАРД [*ф.* زهرپرورد] Заҳарли, қаттиқ жароҳатловчи

Қилса кунглум чок тиғи заҳрипарварди анинг,
Қўймангиз маҳрамки, ўлтурсун мени дарди анинг.

Наводир ун-ниҳоя, 316-б.

ЗАҲРЧАШМ [*ф.* زهرچشم] Қаҳр-ғазабнинг кўзда (тез) ифодаланиши.

Огиздин аччиг сўз айтиб зоҳир этса заҳрчашм,
Айб эмастур, писта шўру, тонг эмас, бодом талх.

Бадоеъ ул-бидоя, 111-б.

Заҳрчашм айламоқ Қаҳр қилмоқ, ғазабланмоқ.

Нетай ҳуру пари базминки, қатлим ё ҳаётимга
Аён ул заҳрчашм айлаб, ниҳон бу нўшханд этмас.

Бадоеъ ул-бидоя, 223-б.

ЗАҲҲОД [*а.* زهاد] Суфийлар; тариқат йўлига кирган солик.

Эй Навоий, дайр пири нуктасин заҳҳод аро
Демаким, ҳар кимса ҳақ сирриға маҳрам бўлмагай.

Наводир ун-ниҳоя, 569-б.

ЗАҲҲОКЛИҒ [*а.-т.* ضحاكلیغ] Заҳҳок каби иш тутишлик, Заҳҳок феъллилик (Заҳҳок – пешдодийлар сулоласининг беҳинчи золим ҳукмдори).

Зулмда Заҳҳоклиғи билгуруб,
Икки йилон эгнида ҳалқа уруб.

Ҳайрат ул-аброр, 267-б.

ЗЕБНОМА [*ф.* زیبنامه] Чиройли ҳуснихат, зебо хат.

Чу йўндум хомаи мушкин шамома,
Қилай деб Ҳақ оти бирла зебнома.

Сирож ул-муслимин, 273-б.

ЗЕБОРУЙ [*ф.* زیبارو] Чиройли юз, гузал чеҳра.

[*Язид бинни Маҳлойил*]. *Дерларким, Язид баҳоят зеборуй ва писандидаҳўй эрди.*

Тарихи анбие ва ҳукамо, 103-б.

ЗЕБУ ЗАЙН [*ф.-а.* زیب وزین] Зеб-зийнат.

Вужудидин офоқ аро зебу зайн,
Улус хон бин хони Султон Ҳусайн.

Садди Искандарий, 65-б.

Даҳрга берсун мудом мақдамидин зебу зайн,
Шоҳ Муҳаммад Бадиъ ибни Музаффар Ҳусайн.

Муншаот, 199-б.

ЗИ(Й)БАҚ [*а.* زیبق] Симоб; кумуш суви.

Хиром вақтида суръатидин юзики терлаб булуб биайниҳ,
Гул узра шабнам иўқ эрса, хуршид уза сочилган сигор зийбақ.

Наводир уш-шабоб, 227-б.

ЗИДДИЯТ [*а.* ضدیت] Қаршилик, қарама-қаршилик, келиша олмаслик

Сув бирла ут аро зиддият ўлди чун азалий,
Агар ҳаёт суйидурки, ўтга офат эрур.

Бадоеъ ул-бидоя, 632-б.

ЗИЁДАТЛИҒ [*а.-т.* زیادت لغ] Ортишлик, купайишлик

Ложарам оташдин дам урди ва ҳар кун қурбат зиёдатлиғининг истидъосида эрди.

Насойим ул-муҳаббат, 331-б.

ЗИЁЛИҚ [*а.-т.* ضیالیق] Нурли, ёруғлик, шуълали.

Топгач ани бу сифат зиёлиқ,
Тоқти отига жаҳоннамолиқ.

Лайли ва Мажнун, 295-б.

ЗИЁРАТГОҲ [*а.-т.* زیارت گاه] Зиёрат қилинадиган жой, маскан.

[*Шайх Мавлоно Калон Зиёратгоҳий қ. с.*]. *Зиёратгоҳдин шаҳрга масжиди жомеъга келур булса, уй миниб келур эрмиш.*

Насойим ул-муҳаббат, 427-б.

ЗИКРИЁКИРДОР [*а.-ф.* ذکریاکردار] Зикриё пайғамбардек, Зикриё монанд.

Фано бешаси сахатида висол шажарисидин самара топгонлар бошига фалакнинг мухолиф ҳаракатидин ҳар жафо арраси келса зикриёкирдор тиллари жуз холиқи бечун ҳамдига зокир булмоғусидурур...

Муншаот, 146-б.

ЗИЛЛАЛЛОҲ [*а.* ظل‌الله] **1** Аллоҳнинг сояси, подшоҳ;
2 Тангрининг паноҳи; Тангрининг ҳимояси.

Эй ким, нафсингни ҳақ деди зиллаллоҳ,
Яъни, ониким зулм қуёши ногоҳ.

Муншаот, 227-б.

ЗИЛЛУЛЛОҲ [*а.* ظل‌الله] қ. **Зиллаллоҳ**

Бировким ола ичра шоҳ келмиш,
Улус бошига Зиллуллоҳ келмиш.

Фарҳод ва Ширин, 108-б.

Ваҳдати жовид топқай шоҳга,
Восил этгай ўзни зиллуллоҳга.

Лисон ут-тайр, 39-б.

ЗИНДАГОНЛИК [*ф.-т.* زنده گانلیک] Умр кечиришлик, яшашлик; ҳаёт кечиришлик.

Ва ҳам ул дебдурки, ажаб келур манга биравдинким, билгандин сўнграки, анга Тенгри сари йўлдур, анинг ғайри била нечук зиндагонлик қилур.

Насойим ул-муҳаббат, 152–153-б.

ЗИНДАДОР [*ф.* زنده دار] Яшовчи.

Ул ой васлин тилар бўлсанг Навоий,
Ҳам ўл шаб зиндадору ҳам саҳархез.

Наводир уш-шабоб, 153-б.

ЗИНО [*а.* زنا] Беникоҳ эркак билан аёлнинг яқинлик қилиши; суҳбат, муошират.

Журму гуноҳлардин ўтуб, келтурма юзга қўрқутуб,
Лола агар соғар тутуб, мусича гар қилмиш зино.

Фавойид ул-кибар, 7-б.

ЗИСТГОҲ [*ф.* زیست گاه] 1 Тириклик чашмаси.

2 Ҳаёт боғи.

... ва замир хилватгоҳини хавотир гавғосидин муаррову кўнгул зистгоҳини васовис ҳужумидин мубарро қилдим.

Ғаройиб ус-сиғар, 16-б.

ЗИШТЛИҚ [*ф.-т.* زشت لیق] Ёмонлиқ, қабиҳлик, чиркинлик.

Ҳаққа муҳаббати софий бўлмагай, то зиштлиқни барча оламга қўймагай.

Насойим ул-муҳаббат, 73-б.

ЗОВИЯ [*а.* زاویه] 1 Бурчак.

2 Чекиниш жойи.

Зовияи зуҳур Пайдо бўлиш жойи, кўриниш жойи, майдонга чиқиш бурчаги.

... аммо баъзи вужуд анжуманида зовияи зуҳур ва бақодадурлар, маъдумларни ҳақ раҳмати мағфиратидин баҳраманд қилсун...

Мажолис ун-нафоис, 150-б.

ЗОЙИД [*а.* زاید] Ортиқ, ортиқча, зиёд.

Зойид ул-ҳад Ҳаддан зиёд, ҳаддан ортиқ

... ва дилпазир мустазодлар, барчанинг васфи зойид ул-ҳад; ва беназир фардлар барча лутфу равонлиқди муфрад.

Бадоеъ ул-бидоя, 22–23-б.

ЗОЛИЗАР [*ф.* زال زر] 1 «Тилла кампир».

2 Киши лақаби.

Сим кучидин бўлубон симбар,
Халқ лақаб айлаб анга «Золи зар».

Ҳайрат ул-аброр, 132-б.

ЗОНАИ [*а.* زانة] Аруз атамаси.

Ўила йуқ де – фошлотун вонаи фар – фошлотун – зонаи – фошлун.

Мезон ул-авзон, 60-б.

ЗОНИЙ [*а.* زانی] Зинокор киши, зино қилувчи; эркак ва аёлнинг никоҳсиз ўзаро жинсий яқинлик қилиши.

Сукр ғалаёни ва шаҳват туғёнидин анга майл қилди. Қиз ибо қилдиким, агар ҳожатимни раво қилурсен, бу иш бўлур... Ул зоний бу зония хотири учун Яҳё маъсум қатлига ризо берди.

Тарихи анбиё ва ҳукамо, 175-б.

ЗОНИЯ [*а.* زانیه] Зинокор аёл, зино қилувчи заифа; бузуқ аёл.

... Яъни Тенгри таоло санга зония хотунларнинг юзин кургузсун.

Ва онасининг бу дуоси мустажоб бўлуб, жамъики анинг қасдида эрдилар, бир зонияни мол ваъдаси била фирифта қилиб, Жариҳнинг савмаасига раҳнамолиг қилдилар. Ва ул зония Жариҳқа уз зиноси била туҳмат қилди.

Тарихи анбиё ва ҳукамо, 190-б.

ЗОРИ-ЗАБУН [*ф.* زار زبون] Хор-зор, ожиз-нотавон, бечора.

Қазо амри юки оғирлигидин фалак қади ничундур ва қадар панжаси зўридин фалак мартабалари зори-забун.

Муншаот, 153-б.

ЗОРЛИҚ [*ф -т.* زارلیق] Зор этишлик, ёлворишлик.

[*Шайх Музаффар Кирмоншоҳий Қирмисий қ. с.*]. *... Ва узига зорлиқ қилиб, бу байтларни ўқур эрдиким...*

Насойим ул-муҳаббат, 154-б.

ЗОТЛИҒ [*а.-т.* ذات لیغ] **1** Асллик, моҳиятлик.

2 Эгалик, соҳиблик;

3 Шахслик, улуғ зотлик.

... ва нигаҳбонлар анинг [*Фарҳоднинг*] *малакий сифат ва фаришта зотлиғин билиб қайдин итлоққа бадал қилиб дашт юзлари ва тоғ қулларида мутлақ ул-инон қилғонлари...*

Фарҳод ва Ширин, 335-б.

Яъқуб Мирзо – туркман салотинида анингдек писандида зотлиг ва ҳамида сифотлиг йигит оз бўлгай.

Мажолис ун-нафоис, 167-б.

ЗОТ [*а.* ذات] **1** Эга, соҳиб.

2 Моҳият.

Зот ул-имод 1) устунлар соҳиби, баланд бинонинг эгаси (Боғи Эрам сифати); 2) ислом динининг асоси бўлган беш устунларига эга бўлишлик.

Бириси будурким, чун кишига абадий давлат ва сармади саодат ва ҳаёт чашмасининг навиди ва нажот манзилининг умиди исломнинг беш сутунлуқ зот ул-имодига кирмагунча мумкин эрмас...

Вақфия, 261-б.

ЗОҲИР-ҲУСН [*а.* ظاهر حسن] **1** Кўриниб турган ҳусн, ошкора ҳусн.

2 Ҳусннинг сирти.

[*Шайх Абу Ҳафс Ҳаддод қ. с.*]. *Ул дебдурким, зоҳир-ҳусн адаби, ботин-ҳусн адабининг унвонидур.*

Насойим ул-муҳаббат, 49-б.

ЗУБДА [*а.* زبده] **1** Қаймоқ

2 Бирор нарсанинг яхши қисми, сараси, қаймоғи, яхши натижаси, хулосаси; сара.

3 Сарвар, Аллоҳ.

Чун коинот зубдаси ожиз куруб узин,
Ҳамд эта олмас онча фасоҳат била санга.

Бадоеъ ул-бидоя, 31-б.

ЗУЛ-ЖАНОҲ [*а.* ذو الجناح] **1** Қанот соҳиби, қанотли.

2 Икки қанотли, икки қанот эгаси.

3 Учқур от.

[Шоҳ Қубод бинни Феруз]. Ва анинг замонида Яман мулкининг мулукидин Шумур зул-жаноҳ хуруж қилиб, анга юруди. Ва ул анинг била муқоваматдин ўзин ожиз кўруб, яраштн ва қолин туҳфа ва табаррук бериб уткарди ва Шумур зул-жаноҳ Жайҳундин утуб, Мавороуннаҳрни олди.

Тарихи мулуки ажам, 241-б.

ЗУЛ-ИҚТИДОР [*а.* ذوالاقتدار] Қудратли, икки ҳисса, иқтидорли, бақувват, кучли.

Сипеҳри даввор шабнам рашошасига анжум зиёси беribдурур ва чархи зул-иқтидор туфроқ ажзосини қуёшдин уткарибдурур.

Назм ул-жавоҳир, 133-б.

ЗУЛМАТЗУДО [*а.-ф.* ظلمت زدا] Зулматни тарқатувчи.

Зулфи зулмат шомию давлат тонгидур орази,
Тийра ҳажрим шомидин зулматзудо булса не тонг.

Наводир уш-шабоб, 265-б.

ЗУЛМАТОБОД [*а.-ф.* ظلمت آباد] **1** Жуда қоронғи жой, зимистон.

2 *тасаввуфда* Паст олам, жаҳон, дунё.

Менмудурменким қуёш кулбамни равшан айламиш,
Оби ҳайвон зулматободимни гулшан айламиш.

Наводир уш-шабоб, 189-б.

ЗУЛМГУСТАР [*а.-ф.* ظلم گستر] Зулм тарқатувчи, ситам берувчи, озор берувчи.

Бериб зулмгустарга фарсудалиқ,
Раиятқа еткурсун осудалиқ.

Садди Искандарий, 108-б.

ЗУЛМКАШ [*а.-ф.* ظلم کش] Зулм тортувчи, мазлум.

Қилма бедод бурунроқки кетургайлар юз
Ангаким, зулмкаш эл чекса фиғону дод берур.

Наводир ун-ниҳоя, 165-б.

Не золимки, бир кимсага зулм этар,
Ики фоида зулмкашга етар.

Садди Искандарий, 119-б.

ЗУЛОНА [*а.* ذلانه] Хор бўлишлик, ҳақир бўлишлик.

Бир парийдин гар санга банди жунун тушти не тонг,
Эй Навоий, қочмагай девоналар зулонадин.

Бадоеъ ул-васат, 346-б.

ЗУЛҚОФИЯТАЙН [*а.* ذوالقافيتين] Икки қофияли, икки қофияли байт.

Зулқофиятайндур ва қофиялари тарди акским, жавоб айтмоқ бу фақир қошида маҳолатдиндур.

Мажолис ун-нафоис, 68-б.

ЗУЛҲАЁТ [*а.* ذوالحيات] **1** Икки ҳает, абадий ҳаёт, ҳаётлик, қувватлик

Зол ҳарфининг зулҳаётларининг зуфунунлиги «наводир»дин.

Наводир уш-шабоб, 97-б.

2 Сувда ва қуруқликда яшовчи ҳайвонларнинг бир тури, қурбақа (амфибия).

Коҳинлар ушбу тарихда деб эрдилар, бир зулҳаёт дарёдин чиққайким, анинг оғзи луобидин ул мараз дафъ булгай.

Тарихи анбиё ва ҳукамо, 134-б.

ЗУМРА [*а.* زمرة] Жамоа(т), гуруҳ, тўда.

Зумраи ислом Ислом жамоати, дин аҳли.

Ул бирига вайл булди мақом,
Зумраи исломга дор ус-салом.

Ҳайрат ул-аброр, 110-б.

ЗУМУРРАДНИШОН [*ю.-ф.* زمرد نشان] 1 Яшил кўринишли, яшил аломатли.

2 *тасаввуфда* Муқаддас файздан нафси амморанинг барҳам топиши

Ери сабза бирла зумурраднишон,
Анга чархи мино забаржадфишон.

Садди Искандарий, 312-б.

ЗУННУРАЙН [*а.* ذوالنورين] 1 Икки нур соҳиби.

2 Муҳаммад алайҳиссаломнинг икки қизини (Руқайя, Умми Кулсум) олгани учун Усмон ибн Аффонга берилган ном.

Ул ҳаё коники нур ул-айн эди,
Уйлаким айнайн зуннурайн эди.

Лисон ут-тайр, 24-б.

ЗУРУБ [*а.* ضروب] Зарблар, зарба уриш.

... ва вафо шажараси соясида мурод самарасидин натижа кургонлар оёғига чархнинг мутаоқиб зурубидин ҳар ситам тешаси тегса мансурвор нутқларини ғайри сонеъ кун фаякун шукрига такаллум қилмоғусидур.

Муншаот, 146-б.

ЗУРУФ [*а.* ظروف] 1 Зарфлар, суюқлик ёки нарса солинадиган идиш, товоқ, коса.

2 Қадаҳ, жом.

3 Ғаладон.

Яна бу адад бирла олтун зуруф,
Қуёшдек фурузон вале бекусуф.

Садди Искандарий, 297-б.

Ҳар ниманинг қути анга муносиб булгай ҳожат вақти. Ва бу зуруф ошлиг зуруфидур ва буларнинг қути ошлигдур...

Насойим ул-муҳаббат, 497-б.

ЗУФУНУНЛУҒ [*а.-т.* ذوفنون لوغ] Ҳунар эгасилик.

Зол ҳарфининг завий ул-ҳаётларининг зуфунунлуғи «бадоеъ»дин.

Бадоеъ ул-васат, 98-б.

ЗУЪМ [*а.* زعم] Фикр, ақида.

Улки хато сузига ойин эрур,
Зуъмида улким, бу хато чин эрур.

Ҳайрат ул-аброр, 206-б.

ЗУҲАЛ [*а.* زحل] 1 Сатурн юлдузи (Кайвон сайёраси).

Тоқига кук поясидин нардбон,
Кунгури даврада Зуҳал посбон.

Ҳайрат ул-аброр, 312-б.

Қуюб кунглин чу афсуну ҳиялга,
Қуёшни айлабон ошиқ Зуҳалга.

Фарҳод ва Ширин, 396-б.

Наҳсиятидин Зуҳал юмуб чанг,
Тунга берур эрди юзидин ранг.

Лайли ва Мажнун, 248-б.

2 Бадиий адабиётда юксаклик рамзи, буюклик тимсоли.

Тошида муҳандис Зуҳал пайкари
Ичида мударрис булуб Муштарий.

Вақфия, 234-б.

Зуҳал асбобин айлади бир-бир,
Ҳиндуйидекки, булса маъракагир.

Сабъаи сайёр, 24-б.

Қил даватимни, эй Зуҳал, мамлу,
Хайи рухсорадин солиб қора сув.

Сабъаи сайёр, 59-б.

Моҳрух бурж устида ҳозир,
Меҳри анвар Зуҳал сори нозир.

Сабъаи сайёр, 231-б.

ЗУҲРА [*а.* زهره] **1** Чўлпон юлдузи (Ноҳид ёки Венера сайёраси); Зуҳра каби порлоқ, чиройли.

Меҳру моҳу муштарию зуҳра чун қилди тулуъ,
Ҳеч наҳс ахтар тулуъи анда қатъо булмаса.

Фавойид ул-кибар, 22-б.

Зуҳра не укуб, не чолибон чанг,
Парда аро кирмак айлаб оҳанг.

Лайли ва Мажнун, 248-б.

Ки: Ҳусн ичра хуршиди тобон эрур
Яна Зуҳра янглиг хушилҳон эрур.

Садди Искандарий, 439-б.

Тунд сендин сипеҳр Баҳроми,
Чангзан Зуҳранинг Дилороми.

Сабъаи сайёр, 7-б.

2 Бадиий адабиётдаги Дилором тимсоли; осмон чолғувчиси, созандаси.

Зуҳра бир лаҳза чолма соз охир,
Чекмагил лаҳни дилнавоз охир.

Сабъаи сайёр, 59-б.

ЗУ́РБОЗУ [*ф.* زورباز] Кучли қул, бақувват билак, билаги кучли.

Кунгул фано кучидин зурбозу истарким,
Ҳавос панжасини англамиш бағоят шах.

Бадоеъ ул-бидоя, 110-б.

ЗУ́РДАСТ [*ф.* زورست] Қули кучли, кучли, бақувват.

Ки, ҳар ким анга кўргузуб зурдаст,
Чу зур айлабон, илги топиб шикаст.

Садди Искандарий, 562-б.

ЗЎРСАНЖ [*ф.* زورسنج] Куч ўлчови.

Солиб панжаким, бўлгали зўрсанж,
Топиб панжа ул панжада тобу ранж.

Садди Искандарий, 562-б.

ЗЎРХОНА [*ф.* زورخانه] **1** Ҳарбий машқ қилинадиган бино, жой.
2 Мустаҳкам уй, хотиржамлик уйи.

... соҳибқиронеки, зафар пайкар ливосини «инна фатаҳно лака фатҳан мубийнан» (маъноси: Биз сенга очиқ-ойдин қилиб очдик)... зўрхонасида варзеш тобкон қўлдин ўзга қўл чека билмас.

Вақфия, 241-б.

И

ИБН [*а.* ابن] Ўғил.

Ибн Салом Арабларнинг Бани Асад қабиласи бошлиғи, катта бойлик эгаси; Лайлига уйланмоқчи бўлган шахс [Ибн Салом].

Лайлининг сарви хиромони гулшандин уйга хиром қилгонда Ибн Салом кунгли қуши ул сарв сори ҳаво қилгони...

Лайли ва Мажнун, 126-б.

ИБН-АММ [*а.* ابن عم] **1** Амаки фарзанди, амакизода.

2 Муҳаммад алайҳиссаломнинг куёвлари (Ҳазрат Али).

Дарёйи улумиу меҳри буржи карам ул,
Олам танининг жонию жонони ҳам ул,
Султони русул бирла қадам барқадам ул,
Фарзанду рафиқу куёву ибн-амм ул.

Назм ул-жавоҳир, 124-б.

ИБНУЛЛОҲ [*а.* ابن الله] Аллоҳнинг ўғли.

Баъзи ерларда ёшурун қолгонни муқобала қилдилар эрса, бир ҳарф ортуқ-уксук эмас эрди. Баъзи бу ғариб ҳолатдин Узайр а. с. ни Ибнуллоҳ дедилар.

Тарихи анбиё ва ҳукамо, 173-б.

ИБОРАТЛИҚ [*а.-т.* عبارت ليق] **1** Баёнлик, талқинлик, ифодалик; баён қилишлик.

2 Иборалик, сўзлик. **Салис иборатлиқ** Равшан иборалик, теран сузлик.

... ва нозук хаёллиқ, салис иборатлиқ, латиф адолиқ шеър фақир кўрмайдурмен, бовужуди улким, қасидагўйларким муқаддамдурлар, қасойидларин кўп мутолаа қилибмен...

Хамсат ул-матаҳаййирин, 16-б.

ИБТИДО [*а.* ابتدا] **1** Ҳар бир иш ёки нарсанинг бошланиши.

2 Шеъриятга оид атама; кейинги мисранинг олдинги рукни ёки сўзи.

Чун муқаддимот баёнига кирди, аммо билмак керакким... ва сунгги мисранинг бурунқи жузвин «ибтидо» дерлар ва сўнгги жузвин «зарб». Ва улча «садр» ва «аруз» ва «ибтидо» ва «зарб» орасидадур, ани «ҳашв» дерлар.

Мезон ул-авзон, 63-б.

ИБТИЛОСИЗ [*а.-т.* ابتلا سيز] **1** Мубталоликсиз, балога дучор бўлмаслик.

2 Синовсиз, беимтиҳон.

Нафас қатъ улди ул юз фурқатидин, кузгу келтурманг
Ки, мен эмди қутулдим ибтилосиз имтиҳондин ҳам.

Наводир уш-шабоб, 290-б.

ИБҲОМ I [*а.* ابهام] **1** Сўз ва ибораларнинг маъноси ноаниқ ва шубҳали бўлиши, ноаниқлик, фикр дудмоллиги.

2 Шеъриятда бир-бирига зид маъноли булиши мумкин булган ибораларни бир жойда келтириш.

Бориб келури бўлуб ики гом,
Қай бир бурун эрканида ибҳом.

Лайли ва Мажнун, 29-б.

ИБҲОМ II [*а.* ابهام] Катта бармоқ, бош бармоқ.

Яна сул пошна устида ором,
Қилмоқ қибла сори мойил ибҳом.

Сирож ул-муслимин, 284-б.

ИДМОН [*а.* ادمان] **1** Ҳар кун қиладиган одатий иш.
2 Машқ, бирор ишга берилиш, ишқибоз булиш.

Шоҳким, бир кийикка урди хаданг,
Десам идмонни ишга келди батанг.

Сабъаи сайёр, 109-б.

ИЁЛ [*а.* عيال] Аёл, хотин, бола-чақа, оила.

[*Хожа Пир Аҳмад Наққош қ. с.*]. *Авойилда салотин хидматиға машғул эрди, сунгралар гуша тутуб, ибодат ва иёллар маоши учун касбга машғул эрди.*

Насойим ул-муҳаббат, 444-б.

ИЁСИЗ [*т.* ایاسز] Эгасиз.

Бир иёсиз ит бўлуб эрди Навойи ёрсиз,
Булмасун, ё рабки, ҳаргиз банда султондин жудо.

Наводир уш-шабоб, 479-б.

ИЖЛОЛ [*а.* اجلال] Буюклик, улуғлик.

... Ва кўрадурменки вақт авлиёси барча буюнларин санга паст қилибдурлар, ижлолу икромингдин.

Насойим ул-муҳаббат, 376-б.

ИЖТИМОЪ [*а.* اجتماع] Мажлис, йиғин, тупланиш

Хизр а. с. дедики, Мусо б. Имрон с. р. а. учун валодати кунидин анинг била ижтимоъ кунигача минг масъала анинг учун муҳайё қилиб эрдим. Ул алардин уч масъалаға сабр қила олмади.

Насойим ул-муҳаббат, 397-б.

ИЗЗ [*а.* عز] Азизлик, иззат.
Иззу шон Иззат ва шараф.

Борчаси Аҳмадда топиб иззу шон,
Ўғлида уч ҳарф атодин нишон.

Ҳайрат ул-аброр, 33-б.

ИЗОЛА [*а.* ازاله] Аруз баҳрларидан бири.

«Изола» – мустафъилуннинг охиридаги ватади мажмуъга бир сокин орттурмоқдур, мустафъилон булур.

Мезон ул-авзон, 50-б.

ИЗОМАТ [*а.* عظمت] Катталик, улуғлик.

Мавлоно султонга дедиким, салтанат тожини бошингдин ол ва изомат камарин белингдин ешиб ерга сол.

Насойим ул-муҳаббат, 357-б.

ИЗОР [*а.* ازار] **1** Ички кийим, зержома.

Муртаъишнинг бир мирзи бор эрди ва пустини. Мирзни изор қилди ва пўстинни сотти ва бир табақ нон ва узум олиб, Иброҳим Қассорга йиборди.

Насойим ул-муҳаббат, 147-б.

2 Ипгтон, шалвар.

Абу Амр Истахрий дебдурки, гусл қилур эрдим, изорим очилди, курдумки, икки илиг кейнимдин пайдо булуб, изоримни белимга маҳкам боглади...

Насойим ул-муҳаббат, 176-б.

ИЗТИҲОР [*а.* اظهار] Зоҳир бўлиш

Имомнинг равзаи пур анвори изтиҳоридур ва шаъмлари анвориким, кавкабу собитот намудори.

Фавойид ул-кибар, 517-б.

ИЗҒИМОҚ [*т.* ازغماق] Санқимоқ, изғимоқ.

Васлидин, вах, не суз айтайким эмас мумкин валек,
Холи изғиши ҳам эрмас ҳар замон отилмоги.

Наводир ун-ниҳоя, 516-б.

ИЙД [*а.* عيد] Байрам, ҳайит.

Ийди акбар Улуғ байрам, катта ҳайит.

Эй, сенинг кошинг қилиб зоҳир янги ой хижлатин,
В-эй, юзунг шарманда айлаб ийди акбар талъатин.

Бадоеъ ул-васат, 479-б.

ИЙСИ [*а.* عيسى] Исо алайҳиссалом.

Ийси эъжоз Исонамо муъжиза кўрсатувчи

Ултурди хатиби Ийси эъжоз,
Ҳақ ҳамду саносин айлаб оғоз.

Лайли ва Мажнун, 234-б.

ИКМОЛ [*а.* اكمال] Комиллик, мукаммаллик, камолотлик; камолга етказиш.

[*Хожа Алоуддин Аттор қ. с.*]. ... *ва алар суҳбати юмни тарбияти натижасидин кўп толиблар буъду нуқсон пойгоҳидин қурбу камол пешгоҳига етибдурлар ва такмилу икмол мартабаси топибдурлар.*

Насойим ул-муҳаббат, 265-б.

ИКАВ [*т.* ايكاو] Икки киши.

Хаттидин лаълига еттим, лаълидин топтим ҳаёт,
Ул икав бўлди манга, эй хаста жон, Хизру Масиҳ.

Бадоеъ ул-васат, 81-б.

ИКАВЛОН [*т.* ايكاولان] Икковимиз, иккимиз, иковлон

Не хуш бўлгай икавлон маст бўлсақ васл боғинда,
Қўлум бўлса анинг бўйнидаву оғзим қулоғинда.

Ғаройиб ус-сиғар, 47-б.

ИЛБОС [*а.* الباس] Кийинтириш.

Фисқ бари тарийқда ёмондур ва порсолиқ илбосида ёмонроқ.

Маҳбуб ул-қулуб, 110-б.

ИЛИК-АЁҒ [*т.* ايليك ياغ] **1** Қул-оёқ.

2 Қурқувдан қўл-оёқ қимирламай қолиш, ўрнидан қўзғалмай қолиш.

Хайл ичра шукуҳидин таваҳҳум,
Андокки қилиб илик-аёг гум.

Лайли ва Мажнун, 290-б.

Илик-аёг урмоқ Ўзидан кетмоқ (тариқатга дахлдор ҳолат) ҳушидан кетмоқ, беҳуш бўлмоқ.

Беҳуш бўлдим ва йиқилдим. Ва калонинг оёғи остида илик-аёг урар эрдим.

Насойим ул-муҳаббат, 343-б.

ИЛИК-ИЛИК [*т.* ايليك ايليك] Қул-қул; қулма-қўл, қулдан-қўлга.

Муҳтож бўлуб илик-иликка,
Сайр этсам эди эшик-эшикка.

Лайли ва Мажнун, 121-б.

ИЛИТМОҚ [*т.* ايليتماق] Иситмоқ, илитмоқ

Юзланди атосига иситмоқ,
Тер суйини жисмидин илитмоқ.

Лайли ва Мажнун, 259-б.

ИЛЛИК [*т.* ايلليك] Йиллик.

Фалак сайридин тез ором анга,
Минг иллик фалак сайри бир гом анга.

Садди Искандарий, 26-б.

ИЛМ [*а.* علم] Таҳлил этиш билан эришиладиган билим; фан.

Илм ул-яқин 1) ҳар нарсанинг моҳият ва кайфиятини билиш, очиш; 2) *тасаввуфда* ҳақиқат нурининг пайдо бўлиши.

Шаҳ улдурким шиори илми диндур,
Нединким илми дин илм ул-яқиндур.

Фарҳод ва Ширин, 464-б.

ИЛО [*а.* علي] ...-гача.

Илоҳазал қиёс Шу қиёсгача, шу таққосгача.

Жонга лаълингдин бир утмакдур қиёса илтимос,
Лаълинга ҳам жонни қуйдурмак илоҳазал қиёс.

Наводир ун-ниҳоя, 198-б.

ИЛТИҲОБ [*а.* التهاب] **1** Ловиллаб ёниш, ўт олиш; иссиқлик, алангалик. **2** Асабийлашмоқ, қизишмоқ.

Эсиб халқ сари насими висол,
Менга ҳажр утидин етиб илтиҳоб.

Наводир уш-шабоб, 49-б.

Тиг селобидин бериб бас кин,
Кин ути илтиҳобига таскин.

Сабъаи сайёр, 62-б.

ИМОМ [*а.* امام] Эргаштирувчи, пешво.

Имом ул-мужтаҳид Имомлик мазҳаби, раҳбарлик силсиласи, насл-насабнинг улуғлик шажараси.

[*Абдураҳмон Жомий*]. *Аларнинг олий насаблари имом ул-мужтаҳидин Муҳаммад бинни Ҳасан бинни Абдуллоҳ бинни Товус бинни Ҳурмуз Шайбонийга борурким...*

Хамсат ул-мутаҳаййирин, 10-б.

Имом ул-муслимин Мусулмонлар имоми, мусулмонлар пешвоси.

Мавлоно анинг инонин тутуб деди: ё Имом ул-муслимин, Боязид бузургракдур...

Насойим ул-муҳаббат, 331-б.

Имом ул-муттақин Тақводорлар имоми, раҳбари, парҳезкорлар пешвоси.

Аҳли дин ичра амир ул-муъминин,
Тақвий аҳлига имом ул-муттақин.

Лисон ут-тайр, 26-б.

Имом ул-умом Умматлар имоми, пешвоси, раҳбари.

Зумраи роз аҳлига маснаднишин,
Даҳр имом ул-умами фахри дин-
Қилди чу Хоразмни оромгоҳ,
Кўрмагига келмади Хоразмшоҳ.

Ҳайрат ул-аброр, 221-б.

ИМОТА [*а.* امانه] Ўлим, улимга етишлик.

... ва мавто иҳёси ва иҳё имотаси ва жамодот ва наботот ва ҳайвонот каломининг самоъи ва маонийсига вуқуф топмоқ...

Насойим ул-муҳаббат, 22-б.

ИМРОН [*а.* عمران] 1 Ҳаёт.

Лутф ишида кургузур ҳар дам яди байзо ул ой
Не ажаб гар элтса Мусойи Имрондин илиг.

Ғаройиб ус-сиғар, 266-б.

2 Киши исми.

Икаласининг ҳарамлари эгачи-сингил эрдилар. Имронга фарзанд кўп булди ва Зикриё а. с. га бўлмади.

Тарихи анбиё ва ҳукамо, 173-б.

ИНАБ [*а.* عنب] Узум.

Инаб ус-саълаб Тулки узум.

[*Шайх Иброҳим Мутаваккил р. т.*]. *Чун бир неча қадам бордуқ, бир миқдор инаб ус-саълаб йўлда тушуб эрди, ани олди ва юди ва еди ва ултурди. Ва дедикм, сен борки, манга ушбу кофийдур.*

Насойим ул-муҳаббат, 175-б.

ИНГ-ИНГ [*т.* اینگ اینگ] Мунг-мунг; мунгли-мунгли, дардли-дардли.

Эй Навоий, дам-бадам афгор кунглунг соғиниб
Инг-инг овуну эл кунглини афгор айлама.

Наводир ун-ниҳоя, 473-б.

ИНДАМАМАК [*т.* ایندامامك] Индамаслик.

... ва мунгланмак ва индамамак ва тергамак ва теврамак...

Муҳокамат ул-луғатайн, 12-б.

ИНДАТМАК [*т.* ایندتمك] Чақиртирмоқ, чорлатмоқ.

Хушвақт улубон қўпуб тарабнок,
Индатти қабила аҳлини пок.

Лайли ва Мажнун, 233-б.

ИНДУРМАМАК [*т.* ایندرمامك] 1 Бош эгмаслик; бош энгаштирмаслик, таъзим қилмаслик.

2 Саждага бош қуймаслик.

Қадингга сарв бош индурмамиш эмас акси
Ки, даҳр адаб қилур ани солиб су ичра нигун.

Ғаройиб ус-сиғар, 387-б.

Ва шариат жодасида мардона турмоқдур. Ва бошни риёйи саждага индурмамакдур, балки андоқ тоатни хаёлга кечурмамакдур.

Маҳбуб ул-қулуб, 50-б.

ИНЖОҲ [*а.* انجاح] Мақсадга етишиш, муваффақият.

Чун Навоий ишқ розин асрай олмай қилди фош,
Отини роз аҳли туморинда инжоҳ қилмангиз.

Бадоеъ ул-васат, 158-б.

ИНЖУЛИК [*т.* اینجولیك] Бойлик, дур-жавоҳир.

... ва аларнинг мухталиф муддаоси била эъзоз қилиб, номақдур матлубларн била ватанларига юбормакнинг балоси, озодларнинг инжуликка кирмак тамаъидин ташниъи...

Вақфия, 263-б.

ИНОНКАШ [*а.-ф.* عنان کش] Етакловчи, боғқарувчи, (жиловни тутувчи).

Ва агар ватан ҳажри айёмига муқтазий булуб, бу фироқ бешасидин висол даштига юз қуюлса ва бу фурқат чангалидин қурбат саҳросига қадам урулса ҳам чун қазо ҳодийси инонкаш булгусидур...

Муншаот, 148-б.

ИНОНМОҒЛИҒ [*т.* اینانماغلیغ] Ишонмоқлик.

Анинг маънисидур тил бирла иқрор,
Кунгул бирла инонмоглиг даги бор.

Сирож ул-муслимин, 276-б.

ИНСОНИЙЛИК [*а.-т.* انسانی لیك] **1** Етуклик, комиллик.

2 Инсоний эҳтиёжлар.

[*Абу Яъқуб Мазобилий р. т. с.*]. *Андин сурдиларким, тасаввуф недур? Дедиким,* [*тасаввуф бир ҳолдурки, унда инсонийлик аломатлари йуқ булиб кетади*].

Насойим ул-муҳаббат, 91–92-б.

ИНТИСОБЛИҚ [*а.-т.* انتساب لیق] Нисбатлилик, тегишлилик.

[*Шоҳ ва дарвеш Муҳаммад Султон*]. *... ва яна ҳам анга қаробат ҳисоблиқ тезфаҳм шаҳзодалар ва мусоҳиб интисоблиқ хуштабъ мирзодалар мутааддид савод қилиб, сойир улусга ёйилур эрди.*

Бадоеъ ул-бидоя, 13-б.

ИНФОҚ-ЭҲСОН [*а.* انفاق احسان] Харж-эҳсон қилиш, сарф-эҳсон қилиш, нафақа бериш, маош бериш, совға қилиш; ҳадя-эҳсон.

Кимки, бойлик, инфоқ-эҳсонни фақирликдин афзал деса, гуё тавба шарофатидин гуноҳни тоатдин афзал билган одамга ухшайди.

Насойим ул-муҳаббат, 285-б.

ИНЧКАЛИК [*т.* اینجکه لیك] Диққат этиш, икир-чикиригача текшириш.

[*Шайх Арун б. Вассоба қ. с.*]. *Ул дебдурки, ҳисобимни қилдилар инчкалик била, сунгра миннат қуюб, озод қилдилар.*

Насойим ул-муҳаббат, 74-б.

ИНШОАЛЛОҲ [*а.* انشاءالله] Аллоҳ хоҳласа, Худо хоҳласа.

Иншоаллоҳ ул-азиз Улуғ Аллоҳ хоҳласа, Худо хоҳласа.

Ва анинг баъзи ҳолати Юсуф а. с. қиссасида ижмол била иншоаллоҳ мазкур булгай. Иншоаллоҳ ул-азиз.

Тарихи анбиё ва ҳукамо, 122-б.

Иншоаллоҳ ул-азизким, уз маҳалида шарҳ била битилгай ва нақиру қатирига дегинча шарҳ қилилгай.

Тарихи мулуки ажам, 236-б.

Иншоаллоҳ таоло [*а.* انشاءالله تعالى] Улуғ Аллоҳ хоҳласа.

Ва умидим будурким, ҳамиша ул ер бу давлатка сазовор ва мудом бу хоксор ҳам бу иноятка бархурдор булгаймен. Иншоаллоҳ таоло.

Вакфия, 257-б.

ИОНАТ [*а.* اعانت] **1** Кўмак, ёрдам.

2 Садақа.

Ҳам ҳаракотидин ионат етиб,
Ётгали мақсудка таҳрик этиб.

Ҳайрат ул-аброр, 14-б.

ИПЛИК [*т.* ايپلك] Ришгали.

Ул халойиқ орасида бу суз сиҳҳатка етибдурким, ҳар кишига ришта заҳмати булсаким, Турклар ани «иплик» дерлар чун бир ришта Хожанинг қабрига богласа, тахаллуфсиз ул мараз дафъ булур, в. а.

Насойим ул-муҳаббат, 359-б.

ИРИМАК [*т.* ايرى مك] Айнимоқ, чиримоқ, иримоқ.

[*Шайх Абубакр Заққоқи Сагир қ. с.*]. *Вараъдин, очлиқдин бир кўзум ириюб юзумга оқди. Ул дебдурки, қирқ йилдурки, Жунайддин фанода бир суз эшитибмен, ҳануз анинг чошниси жонимдадур.*

Насойим ул-муҳаббат, 124-б.

ИСАВИЙ [*а.* عيسوى] Исога мансуб, нафаси Исо; ҳаётбахш.

Ғамидин ўлдигу ул исавий дам айламади,
Иёдат айлагали ранжа бир қадам бизга.

Фавойид ул-кибар, 24-б.

ИСИРҒА [*т.* ايسيرغه] Хотин-қизларнинг қулоққа тақиладиган олтин, кумуш каби металлардан ясаладиган зираги, сирға.

Олтун исирғаки қулоқ оғритур,
Зарҳал этукдурки, аёқ оғритур.

Ҳайрат ул-аброр, 167-б.

ИСИТМОҒЛИҚ [*т.* ايسرتماغلق] Иситмоқлик, қиздирмоқлик, қуйдирмоқлик.

Ул ўтни тонг ели бирла дам айлаб,
Иситмоғлиқ учун қаддин хам айлаб.

Фарҳод ва Ширин, 104-б.

ИСИҒЛИҒ [*т.* ايسيغ ليغ] Ҳарорат, иссиқлик

Исиглиғдин танинг ўт булди, тонг йуқ, неча толпинса,
Ҳароратдин қолибтур шуъла дойим изтироб ичра.

Бадоеъ ул-васат, 376-б.

ИСКАНДАРИЙ [*ю.-а* اسکندری] Искандари Зулқарнайнга тегишли

Не иқлим балким жаҳон кишвари
Ки, топмиш эди фатҳи Искандарий.

Садди Искандарий, 39-б.

Ҳирот ўлди алқоби Искандарий,
Дедилар авом они лекин – Ҳирий.

Садди Искандарий, 237-б.

Хуршиди искандарий Қуёш чиқиши.

Чу хуршиди искандарий очти чеҳр,
Скандардек офоқ уза солди меҳр.

Садди Искандарий, 342-б.

ИСКАНДАРИЯ [*ю.-а.* اسکندریه] Хужанд сарҳадидаги Сирдарё қирғоғига яқин жойда Искандар қурдирган таянч манзилгоҳ ёки қалъа номи.

Мундоқ нақл қилибдурки, Шайх Нажмуддин Кубро Ҳамадонга бориб, Ҳадис ижозати ҳосил қилди ва эшиттики, Искандарияда муҳаддисе борки, олий санади бор.

Насойим ул-муҳаббат, 289-б.

ИСЛОМИЙ [*а.* اسلامی] Ислом динига алоқадор, ислом динига мансуб, Аллоҳга итоаткорлик.

Хожа Баҳоуддин Нақшбанд қуддуса сирруҳу мадҳидаким, Сунъ наққоши ҳикмат хомаси била рузгор саҳифасида анинг вужуди нақшин исломий тарҳ этти.

Ҳайрат ул-аброр, 96-б.

Ва шайхнинг валодати отасининг исломий замонида эрди.

Насойим ул-муҳаббат, 179-б.

ИСЛОМСИЗ [*а.-т.* اسلام سز] Бедин.

Ком ила исломсиз улмак, мусулмонлар, не тонг,
Мендек улким қотили бир кофири худкомдур.

Бадоеъ ул-васат, 137-б.

ИСМАТ [*а.* عصمت] Поклик, бегуноҳлик.

Исмат уд-дунё Оламнинг поклиги, оламнинг софлиги.

Навоий гар қуёш норанжидин беҳрак қурар, тонг йуқ,
Беҳиким тутф қилмиш маҳди улъё исмат уд-дунё.

Бадоеъ ул-бидоя, 60-б.

ИСМ [*а.* اسم] **1** Ном; киши оти.

2 Нарса-буюм оти.

Исми Аъзам 1) Қуръони карим сураси; 2) Аллоҳнинг номларидан бири, диний эътиқодга кўра агар ҳар ким уни билса, ичида такрорлаб юрса, муваффақият қозонади.

Ўқурда «исми аъзам» тутма ором,
Ўқумай «исм» қўйма йўлда бир гом.

Фарҳод ва Ширин, 166-б.

Ки, қалқон қуббасида мисли ҳотам,
Сулаймон ёздурубтур исми аъзам.

Фарҳод ва Ширин, 149-б.

Туш улгоч Аҳраманга исми аъзам,
Қулидин зўр кетти, жисмидин ҳам.

Фарҳод ва Ширин, 158-б.

ИСМИ-Л-ЛАТИФ [*а.* اسم اللطيف] Гўзал исм.

Ул сифат зотинг тенг латофат айнидин жонбахшдур
Ким, ҳамоно они мазҳар қилди исми-л-латиф.

Наводир ун-ниҳоя, 264-б.

ИСНАЙН [*а.* اثنين] Икки.

Йуқки бу иснайн ани солис дебон,
Балки наби узига ворис дебон.

Ҳайрат ул-аброр, 217-б.

Сонийи иснайн Йўлдош, иккинчи одам.

Улки султони расулнинг ёридур,
Соний иснайн азҳумо филғоридур.

Лисон ут-тайр, 21-б.

ИСНАЙНИЯТ [*а.* اثنينيت] Икки худолик (дуализм), иккилик, жуфтлик.

Бал келди алар демак хатодин,
Иснайният чиқиб ародин.

Лайли ва Мажнун, 28-б.

Ишқида мендин асар йуқ, кимга булса мултафит,
Токи иснайният ўлмас, мумкин эрмас иттиҳод.

Фавойид ул-кибар, 88-б.

ИСОБА [*а.* اعصابه] Пешанабоғ, пешонабанд, пешона билан танғиб ўраладиган кичик рўмол.

Бир хотун кишининг исобаси боқий қолдики, ияси пайдо эмас эрди. Шайх ани олди ва уз муборак эгнига солди. Солгоч филҳол ул исоба Шайхнинг эгнидин ғойиб булди. Ман ҳайрон қолдим. Чун Шайх минбардин тушди, анинг кайфиятин манга айттики, чун мажлис аҳли бизинг мувофақатимизга дасторларин минбар оёғига солдилар, биз-нинг бир синглимиз бор Исфоҳонда, ул ҳам исобасин солди.

Насойим ул-муҳаббат, 496–497-б.

ИСОНАФАС [*а.* عيسى نفس] Нафаси Исо дамидек шифобахш, ҳаётбахш.

Деди нуктапардози Исонафас
Ки: Гар мен ҳақир эрсам андоқки хас.

Садди Искандарий, 556-б.

ИСООСО [*а.-ф.* عيسى آسا] Исо каби, Исодек; Исо нафасидек (Исо – насронийларнинг пайғамбари. Унинг Масиҳ//Масиҳо, Руҳуллоҳ сингари сифатлари бор. Масиҳ жонлантирувчи, тирилтирувчи маъноларини ифо-далайди). Исо мўъжизаси деганда унинг ўликларни тирилтириши кузда ту-тилади. Мумтоз адабиётда лирик маъшуқа лаблари жон бағишловчи Исо нафасига ўхшатилади.

Бу янглиг мени айлабон гунгу лол,
Аён айлади Исоосо мақол.

Садди Искандарий, 564-б.

Тонг насимин Исоосо айлади,
Боғ амвотини эҳё айлади.

Лисон ут-тайр, 8-б.

ИСОСИРИШТ [*а.-ф.* عیسی سرشت] Исо табиатли, Исо хулқли; Исо нафасидек.

Назоҳатда гулшан, нечукким, биҳишт,
Ели борча анфоси Исосиришт.

Садди Искандарий, 404-б.

ИСОСИФАТ [*а.* عیسی صفت] Исо хусусиятли, Исо сифатли.

Жон берурда лаълидин Исосифат жононае,
Қўнгул олурда кўзидин Юсуфойин дилларе.

Ғаройиб ус-сиғар, 509-б.

ИССИҚ-СОВУҚ [*т.* اسیق سووق] Иссиқ ва совуқ, ҳаётнинг оғир-енгил, яхши-ёмон кунлари.

Гармрав ашку совуг оҳ эттилар ожиз мени,
Ваҳки, ишқингдин юзумга келди куп иссиқ-совуқ.

Бадоеъ ул-васат, 227-б.

ИССИҒ-ИЛИҒ [*т.* ایسیغ ایلیغ] Ўз вақти-соатида, эртароқ, барвақт.

Куйидин қовса, Навоий, сени ёр,
Оҳу ашкинг била чиг иссиг-илиг.

Фавойид ул-кибар, 209-б.

ИСТАМАКЛИК [*т.* ایستاماکلیك] **1** Чақиртирмоқлик; хоҳламоқлик.
2 Қидиртирмоқлик.

Не ҳад кунглакинг истамаклик валек
Ярам тиккали бир анинг торини.

Бадоеъ ул-васат, 440-б.

ИСТАТМАК [*т.* ایستاتماك] Чақиртирмоқ

Истатти ҳашам уруғларин бот,
Арз этти аларга бу мақолот.

Лайли ва Мажнун, 222-б.

ИСТЕҲКОМЛИҒ [*а.-т.* استحکام لیغ] Маҳкамлик, мустаҳкамлик, қаттиқлик.

Кўз ёшимдин нам топибдур, гарчи меъмори казо,
Боглади кўк гунбади тоқини истеҳкомлиг.

Ғаройиб ус-сиғар, 246-б.

ИСТИБЪОД [*а.* استبعاد] **1** АҚлдан йироқ деб ҳисоблаш.
2 Эҳтимолдин холи ҳисоблаш.

Истибъод қилмоқ Эҳтимолдан холи деб билмоқ.

Аммо мажоли таманно қилиб, шайхқа арз қилдурубдурларки, агар бу расмни бажо келтурса, бир лакки юз минг дирам булгай, ниёзмандлиг қилгайлар. Шайх қабул килмай истибъод қилиб, бу байтни дебдурки...

Насойим ул-муҳаббат, 475–476-б.

ИСТИВО [*а.* استوا] **1** Тенглик, баробарлик, ўрта даража, тенг булиш.

Хати истиво Экватор; кун ўртаси, туш пайти; қиёмат вақти.

2 Тўғрилик; барқарорлик, устуворлик.

Икки букулган қадду мадди асо,
Чархи нигун бирла хати истиво.

Ҳайрат ул-аброр, 287-б.

ИСТИДОМАТ [*а.* استدامت] **1** Бирор ишни давом этишини хоҳлаш, исташ, доимо ниманидир хоҳлаш

2 Давомийлик, дойимийлик; асослилик, устуворлик.

Андин андуҳ ила надомати бор,
Ёки айш ичра истидомати бор.

Сабъаи сайёр, 363-б.

ИСТИЗҲОР [*а.* استظهار] **1** Бирор кишидан паноҳ ва ҳамроҳлик хоҳлаш.

2 Тиргаклик, суянчиқлик, пушт-паноҳлик.

3 Тасдиқ қилиш, таъкидлаш; тасдиқ, таъкид.

Қанот кўп урмоғ ила бир қори учарлари йуқ,
Учарда гарчи қоридур аларға истизҳор.

Бадоеъ ул-бидоя, 664-б.

ИСТИКБОР [*а.* استكبار] Ғурурланиш, такаббурлик қилиш, узини катта олишлик.

... ва нубувват сирри ҳамдамларининг эъжози або саҳбосидин сархушроқ, истикбор ҳавосидин саркашроқ булуб, Расул ҳаворицин саҳарга тушурса...

Вақфия, 239-б.

ИСТИНШОҚ [*а.* استنشاق] **1** Сув ёки ҳаво билан бурунни қоқиш

2 Таҳорат вақтида бурунга сув олиш ёки бурунни чайиш учун сув ишлатиш.

Чу булди мазмаза қилмоқ мукаррар,
Бил истиншоқ ҳам мундоқ муқаррар.

Сирож ул-муслимин, 280-б

Истиншоқ қилмоқ Таҳорат вақтида сув билан бурунни тозаламоқ, қоқмоқ

Оғизга мазмаза қилмоқ билгил,
Бурунга даги истиншоқ қилгил.

Сирож ул-муслимин, 281-б.

ИСТИОНАТ [*а.* استعانت] Ёрдам сураш.

Истионат қилмоқ Ёрдам сўрамоқ, кумак сўрамоқ.

[*Шоҳ Баҳром Бинни Баҳром*]. *Халойиқ анинг бадхуйлуғидин ожиз булуб, муъбадлар ва ҳакимларга истигоса кургузуб, истионат қилдилар.*

Тарихи мулуки ажам, 227-б.

ИСТИСВОБ [*а.* استصواب] Сайланган, саралланган, бирор кишининг ишини маъқул топмоқ ва тўғри ҳисобламоқ, маслаҳат қилмоқ, маслаҳат сурамоқ.

... бурунги икки девонким, бизнинг ҳукму хитобимиз била мурат-таб қилдинг ва куллиёту жузвиётин бизнинг машварату таълиму истисвобимиз била тузатингким, бирининг ишқомиз абётидин бу эски дайрнинг рафиъ тоқида ушшоқнинг шуру гавгосидур...

Ғаройиб ус-сиғар, 14-б.

ИСТИСҚО [*а.* استسقا] **1** Ёмғир ёғдириш дуоси номи.

Ҳам бу хушксолда Деҳли аҳлидин акобиру ашраф Қози хидматидин истисқо дуоси илтимос қилдилар. Қози қабул қилиб, дашт азимати қилди.

Насойим ул-муҳаббат, 372-б.

... Мавлоно хидматидин истисқо дуоси илтимос қилдилар. Мавлоно шаҳрнинг ийдгоҳига бориб, истисқо дуоси қилди...

Насойим ул-муҳаббат, 357-б.

Масжиди жумъаға бордим. Курдумки, меҳробда ултурубдур, истисқо дуоси уқийдур. Ҳам ул замон андоқ ёғин туттиким, уюмга кела олмадим.

Насойим ул-муҳаббат, 65-б.

2 Сув хоҳлаш, сув талаб қилиш; ёғин тилаш; ёмғир талаб қилиш.

Эл истисқоға чиқиб эрдилар, мен ҳам била эрдим.

Насойим ул-муҳаббат, 74-б.

[Шайх Саъдун Мажнун қ. с.]. Ва сурдиким, бу не гавғодур? Дедим қаҳт ва қуроғлик жиҳатидин халойиқ истисқоға чиқибдурлар.

Насойим ул-муҳаббат, 76-б.

Дерларки, бир қатла Гилонда қурғоғлиқ бўлди. Халойиқ истисқоға чиқдилар ёғин ёғмади. Барча халқ Умми Муҳаммаднинг уйи эшикига келдилар ва ёмғир дуосини тиладилар.

Насойим ул-муҳаббат, 490-б.

3 Сувчечак; қорнинг сув йиғилиш касали.

Истисқое азим Катта сувчечак, касалликнинг оғир тури.

Аммо Мустафо с. а. в. истисқое азим ва сувсизлиг устиға сувсизлиг эрди ва муборак кўкси шарҳи била бўлуб эрди. Ложарам оташдин дам урди ва ҳар кун қурбат зиёдатлиғининг истидъосида эрди.

Насойим ул-муҳаббат, 331-б.

ИСТИТОАТСИЗ [*а.-т.* استطاعتسيز] Кучсиз, қудратсиз, иқтидорсиз.

Олам элида биров саодатсиз улур –
Ким, фақр йўлида иститоатсиз улур,
Иззат топмаским қаноатсиз улур,
Ҳар кимса ҳасуд булса, роҳатсиз улур.

Назм ул-жавоҳир, 179-б.

ИСТИФОДАТ [*а.* استفادت] **1** Баҳраманд бўлиш, фойдаланиш, илм олиш.

2 Касб қилиш.

Эй зойири каъбаи саодат,
Лутфунгдин этармен истифодат,
Ким, бизни даги дуода ёд эт,
Бу ишқ ути шуъласин зиёд эт!

Лайли ва Мажнун, 148-б.

ИСТИҚРОР [*а.* استقرار] **1** Қарор топиш, ором топиш.

2 Сабот, матонат, бардош, чидам; ўз жойида, мустаҳкам туриш.

Ва бир қарн бўла бордиким, истиқлол била аморат ва истиқрор била подшоҳга наёбат қиладурким, ҳеч киши андин бир номулойим нимаким, мужиби эътироз бўла олгай, нақл қилмайдур.

Мажолис ун-нафоис, 151-б.

ИСТИҒНОЛИҒ [*а.-т.* استغنالیغ] **1** Муҳтож бўлмаслилик, эҳтиёжсизлилик; давлатмандлилик, озга қаноат қилишлилик.

2 Ҳеч кимга муҳтож ва қарам бўлмаслилик; ўз иззатида туришлик.

3 Такаббурлилик; ғурурлилик.

4 Нозлилик, карашмалик.

Бўлмагай эрди бу бепарволигинг,
Ғафлат ичра маҳз истиғнолигинг.

Лисон ут-тайр, 193-б.

ИСТИҒОСА [*а.* استغاثه] Ёрдамга чақириш, мадад сураш, кўмак сураш.

Истиғоса қилмоқ Ёрдамга чақирмоқ, кўмак сўрамоқ; дод-вой қилмоқ.

Ул заифа бизга истиғоса қилди. Иброҳим Саъд ул черигчи била сўзлашди, сўзин қабул қилмади.

Насойим ул-муҳаббат, 39-б.

[*Шайх Зайниддин Абубакр Хавофий қ. с.*]. *Ул бўркни мендин тилади, андоқки, фақру дарвешлик муқтазоси бўлгай, анга бердим. Кеча воқеъда кўрдумки, ул бўрк менинг қошимда истиғоса қиладур.*

Насойим ул-муҳаббат, 347-б.

ИСТИҲЁ [*а.* استحيا] Беҳаёлик, ҳаёсизлик, уятсизлик, беавратлик

[*Шайх Аммор Ёсир қ. р.*]. *Ва азм қилдимким, агар манга чиқмоқ доияси голиб бўлса, кийганимни йиртайин, то сотири аврат қолмагай ва то истиҳе хуруж маньи бўлгай.*

Насойим ул-муҳаббат, 286-б.

ИСТИҲЛОЛ [*а.* استحلال] Ҳалоллаш, бир нарсанинг ҳалол бўлишини исташ, ҳалол.

... Ул итнинг боши тилга келиб дедики, бу ул кишининг сазосики, Абу Зурьа уйида исланган этни емагай. Шайх сафардин қайтди ва Шайх Абу Зурьа уйига бориб, истиҳлол қилди ва биҳиллик тилади ва андин сунгра сафарга чиқди.

Насойим ул-муҳаббат, 222-б.

ИСҚАРМОҚ [*т.* اسقارماق] Титмоқ, юлмоқ.

... ва яшқамоқ ва исқармоқ ва кунгранмоқ...

Муҳокамат ул-луғатайн, 12-б.

ИСҒО [*а.* اصغا] Қулоқ тутиш, эшитиш, сўзга қулоқ тутиш.

Исго қилмоқ Эшитмоқ, тингламоқ.

Ҳар ким ихлос юзидин исго қилмаса, имонининг тубин ва динининг шохин кесиб, ани судрай-судрай сақар мустақаррига элтурлар.

Насойим ул-муҳаббат, 335-б.

ИТИРМАК [*т.* ايتيرمك] Йўқ қилмоқ, йўқотмоқ.

Ориф кунглин дарёга нисбат берурки, анда ҳар не тушса сингурур балки итурур.

Наводир уш-шабоб, 512-б.

ИТИТМАК [*т.* ايتيتمك] Ўткир қилмоқ

Бало аро чу мен улдум, бало қиличларини,
Не тонг ититкали лавҳи мазорим улса билов.

Бадоеъ ул-васат, 361-б.

Қора-қора мужа ханжарларин ититмак ишинг,
Ҳаёт нахлини кескан қиё-қиё боқишинг.

Фавойид ул-кибар, 234-б.

ИТЪОМ [*а.* اطعام] Таом бериш, ейиш-ичиш.

[*Шайх Малик Насируддин Маҳмуд қ. с.*]. *Ҳамиша зиёрат тариқини маслук тутар эрди ва фуқарову ғурабо итъомида кушиш кургузур эрди.*

Насойим ул-муҳаббат, 372-б.

ИФОФ [*а.* عفاف] **1** Иффат, маъсумлик, поклик.

2 Номус, покдомонлик.

Салоҳ аҳлида гарчи қўймадинг сатру ифоф, аммо
Сени ҳақ асрасин ўз пардаи сатру ифофинда.

Бадоеъ ул-васат, 383-б.

ИФРОД [*а.* افراد] Бирор нарсадан жудо қилиш, ажратиш; ёлғизликка маҳкум этилиш.

Сойири ифрод иши бу булса, улким фард эрур,
Барча элдин ҳусн аро оздур анга юз мунча ҳам.

Фавойид ул-кибар, 269-б.

ИФТИРО [*ф.* افترا] Туҳмат, бўҳтон.

Нафсинга раҳмати ҳақ била иқтирон,
Муъжиз отингга сеҳру фусун ифтиро.

Бадоеъ ул-васат, 11-б.

ИФТИКОР [*а.* افتقار] **1** Камбағаллик, муҳтожлик, бечоралик.

... юз оҳу сўз била сувомоқнинг итмоми ва бу фано хирқасини заъфу ифтиқор ямоқларин кирпик синуқ игнасига ашк узук торин тоқиб, юз дарздузлиқ била ямамоқнинг эҳтимоми.

Ҳайрат ул-аброр, 331-б.

2 *тасаввуфда* Фақирлик; тупроқ мисол ному нишонсиз бўлишлик.

Ва «Савониҳ» фузулидин бири будурким, маъшуқ барча ҳоли била маъшуқдур, бас истиғно анинг сифатидур. Ва ошиқ барча ҳоли билан ошиқдур, бас ифтиқор анинг сифатидур. Ошиққа ҳамиша маъшуқ кераклик, бас ифтиқор анинг сифатидур.

Насойим ул-муҳаббат, 251-б.

ИХВОН [*а.* اخوان] **1** Ака ёки ука; биродарлар.

2 Дўстлар, ёрлар, содиқ дўстлар, дўсту ёрлар, қардошлар.

Жонинг агар ком эса ихвонинга,
Сарф эту қўй миннатини жонинга.

Ҳайрат ул-аброр, 300-б.

ИХТИЁРСИЗ [*а.-т.* اختیارسز] Хоҳишсиз, беихтиёр.

Кунгли сабру қарорсиз бўлди,
Нуктада ихтиёрсиз бўлди.

Сабъаи сайёр, 248-б.

ИЧГУЧИ [*т.* ایچگوچی] Араҳхўр, майхўр, кўп ичувчи.

Ямонроқ ичгучи анга маглуброқ, ҳар неча ямонлиги зоҳир булса анинг қошида маҳбуброқ.

Маҳбуб ул-қулуб, 104-б.

ИЧМАК-ЕМАК [*т.* ایچمک یمک] Ичиш-ейиш; сув ва нон.

Андуҳ еб, этиб жафо майи нўш,
Ичмак-емаги бўлуб фаромуш.

Лайли ва Мажнун, 152-б.

Ҳажрингда қону ғуссадур ичмак-емакларим,
Ишрат суруди нолаи зор айламакларим.

Бадоеъ ул-васат, 289-б.

ИШВАГАРЛИК [*а.-т.* عشوه گرلیك] Карашмалилик, ноз қилувчилик.

Ишвагарлик қилсалар ғаммоз улуб,
Пардадарлик этсалар танноз ўлуб.

Бадоеъ ул-бидоя, 22-б.

ИШКАМИШ [*ф.* اشکمیش] Бадахшон.

[*Мавлоно Муҳаммад Бадахший*]. – *Қундузнинг Ишкамиш отлиг кентидиндур.*

Мажолис ун-нафоис, 123-б.

ИШРАТПАРАСТ [*а.-т.* عشرت پرست] Айш-ишратга берилиш, хурсандчиликни хуш кўрувчи, дилхушликни хуш кўрувчи, маишатпараст.

Чу Хусравга ул ики иш берди даст,
Нишот айлабон булди ишратпараст.

Садди Искандарий, 398-б.

Бу тақдир ила шоҳи ишратпараст,
Неча кун тараб жомидин бўлди маст.

Садди Искандарий, 409-б.

ИШРАТОЙИН [*а.-т.* عشرت آیین] Айш-ишрат палласи, дилхушлик чоғи.

Ғалат қилдим, булуб Фарҳоду Ширин,
Риёзи жаннат ичра ишратойин.

Фарҳод ва Ширин, 447-б.

ИШРАТСИГОЛ [*а.-ф.* عشرت سگال] Ишратга мойил.

Ҳаким англамиш эрди чун, барча ҳол,
Бу иқболдин булди ишратсигол.

Садди Искандарий, 92-б.

ИШРОФ [*а.* اشراف] **1** Юқори бўлиш.

2 Мушарраф бўлиш, баланд мартаба соҳиби бўлиш; олий рутбали.

[*Шайх Абулҳусайн Сирвонийи Сағир қ. с.*]. *Ва ҳам ул дебдурки, Абулхайр Тайнотий дедики, манга дўзах аҳлиға ишроф бердилар.*

Насойим ул-муҳаббат, 190-б.

Шайх Баҳоуддин Валад қ. с. нинг асҳоби ва муридларидиндур. Анинг хавотирга ишрофи жиҳатидин Саййиди сирдонга машҳурдур.

Насойим ул-муҳаббат, 324–325-б.

ИШСИЗ [*т.* ایشسیز] **1** Беиш, бекорчи

2 Вазифасиз; амалсиз.

[*Муъаммил Жассос р. т.*]. *Ҳар қачон бир мусулмон ишига машғул бўлса, ишсиз киши саломиға жавобдин узга суз демас эрди.*

Насойим ул-муҳаббат, 171–172-б.

ИШТАРАК [*а.* اشتراك] Бирлашган; шерик бўлган.

Туз кўринур меҳр чу турғон суда,
Эгри булур иштарак урғон суда.

Ҳайрат ул-аброр, 207-б.

ИШФОҚ [*а.* اشفاق] Шафқат, аяш, меҳрибонлик.

Ишфоқ этмак Меҳрибонлик қилмоқ.

Ҳар гавҳари туфроғ уза бир қатра су янглиғ тушкач адам улғай,
Гар қилмаса ишфоқ этибон Хусрави Ғозий назми сари парво.

Ғаройиб ус-сиғар, 499-б.

ИШЪОР [*а.* اشعار] Хабардор қилиш, маълум қилиш, огоҳ қилиш.

Ишъор қилмоқ Хабардор қилмоқ.

Аммо дустларим насиҳат юзидин ишъор қилурлар эрдиким, ҳар муҳра тожга тикилган била феруза бўлмайдур...

Муншаот, 216-б.

ИШҚ [*а.* عشق] **1** Севги, муҳаббат.

2 Кунгилнинг ошиқ томон кучли иштиёқ билан интилиши.

Ишқ бўлбули Фарҳод кўзда тутилган.

... балки гул иси била ул ишқ бўлбулининг хушин учурғони...

Фарҳод ва Ширин, 313-б.

ИШҚБОЗЛИК, -лиг [*а.-ф.-т.* عشق باز لیغ // عشق باز لیک] Бировга кунгил боғлашлик, ошиқлик, ишққа берилганлик.

Мавлоно ҳазратларига ҳам-ул ишқбозликким, Шайх Шамсуддин Табризий била эрди, анинг била бунёд қилдилар.

Насойим ул-муҳаббат, 333-б.

... ва хилофатлари Чалабий Низомуддинга мунтақил бўлди ва ишқбозлиг анинг била бунёд қўйдилар.

Насойим ул-муҳаббат, 333-б.

ИШҚИЯ [*а.* عشقیه] Тариқат силсиласига оид суфиёна истилоҳ; ишқия тариқати.

Ишқия силсиласида Шайх Абулҳасандин сунгра гуё андин улуғроқ киши йўқ эркандур.

Насойим ул-муҳаббат, 423-б.

ИШҚОЙИН [*а.-ф.* عشق آیین] Ошиқ, ишқ равиши.

Ҳукамо ҳам келиб алар била рост,
Қилдилар шаҳга ер упуб дархост
Ки: Кеча шаҳга ишқойиндур,
Лек кўҳ виқору тамкиндур.

Сабъаи сайёр, 367-б.

ИШҚОМИЗ [*а.-ф.* عشق آمیز] Муҳаббатли, ошиқона.

... Бирининг ишқомиз абётидин бу эски дайрнинг рафиъ тоқида ушшоқнинг шуру ғавғосидур ва яна бирининг шавқангиз ғазалиётидин бу қадимий маниъ гунбад равоқида муҳаббат аҳлининг хуйу алолоси.

Ғаройиб ус-сиғар, 14-б.

ИШҚСИЗ [*а.-т.* عشق سیز] Беишқ, бедард, муҳаббатсиз, андуҳсиз.

Чу ишқсиз эди зуҳд аҳли келди ноболиг,
Эрурлар атфол эл гарчи дерлар они шуюх.

Наводир ун-ниҳоя, 93-б.

Гар солиб юз минг балоға мендек узни булмаса
Ишқсиз бир дам санга ҳам сабру тоқат, эй рафиқ.

Ғаройиб ус-сиғар, 261-б.

Малойик ишқсиз гар эрди сен бор улки хажрингда,
Туташти барчаға ут шуълаи ишқим шароридин.

Бадоеъ ул-васат, 326-б.

ИҚОБ [*а.* عقاب] Жазо; азоб, озор; қийноқ, уқубат.

[*Имом Аҳмад Ҳанбал р. т.*]. *Бағдодда Муътазила ғалаба қилғанда, анга таклиф қилдиларким, Қуръонни махлуқ дегай, демади. Ва қари булуб эрди ва заиф ҳам, иқобига торттилар ва минг қамчи урдилар, ҳеч фойда қилмади ва ҳам ул озор била оламдин утти.*

Насойим ул-муҳаббат, 33-б.

ИҚТИРОН [*а.* اقتران] **1** Яқин келиш, йулиқиш, учрашиш; бир-бирига яқин дуст бўлиш.

Нафсинга раҳмати ҳақ била иқтирон,
Муъжиз отингга сеҳру фусун ифтиро.

Бадоеъ ул-васат, 11-б.

«Ре» лариким зоҳир этиб иқтирон,
Фош улуб ондин зарари бегарон.

Ҳайрат ул-аброр, 12-б.

... ва самин жавҳарларнинг бир-бирига иқтирони дилпазир курунуридин, назм таркибин наср тартибиға таржиҳ қилмоқ.

Ҳайрат ул-аброр, 57-б.

2 Икки ёки бир қанча сайёранинг бир-бирига дуч келишига ишора.

Қарн ила даврон топибон иқтирон,
То булубон бир киши соҳибқирон.

Ҳайрат ул-аброр, 216-б.

Ў

ЙИГИТЛИҒ [*т.* ییگیت لیغ] Ёшлик, ўсмирлик

Йигитлигда йиг илмнинг махзани,
Қарилиг чоғи харж қилгил ани.

Тарихи анбиё ва ҳукамо, 194-б.

ЙИРТУҒЛУҒ [*т.* یرتوغلوغ] Йиртиқлик, йиртилиб кетганлик, йиртилганлик.

Дастор йиртуғлуғидин гам ема, боши ёруғларга боқиб, Тенгри ҳамдидин ўзга дема.

Маҳбуб ул-қулуб, 129-б.

ЙИТИЛМАК [*т.* یتیلماك] Ўсмоқ, ўсиб етилмоқ, ўсиб кетмоқ.

Алқисса, бир бузуқда имомни топмишким, паришон зоҳир била сочи, тирноғи йитилган, чопон кийиб, сару по бараҳна қибла сари мутаважжиҳ. Қуръон ўқуб ўлтуруб эрмиш.

Насойим ул-муҳаббат, 72-б.

ЙИҚИЛА-ҚЎПА [*т.* ییقیلا قوپا] Йиқила-сурила, йиқила-тура.

Чун хайга йиқила-қўпа етти,
Жон оқзига етти, ҳуши кетти.

Лайли ва Мажнун, 101-б.

ЙИҒИСИЗ [*т.* ییغی سز] Кўз ёш тўкмаслик, йиғи-йиғисиз.

[*Шайх Шаъвона р. т.*]. *Ул дебдурки, ул кўзки, маҳбуби лиқосидин йироқ қолгай ва анинг дийдориға мушток бўлгай, йиғисиз яхши кўрунмас.*

Насойим ул-муҳаббат, 484-б.

ЙИҒЛАҒУЧИ [*т.* ییغلاغوچی] Йиғлагувчи.

[*Шайх Абулҳасан Харақоний р. т.*]. *Дебдурки, биров била суҳбат тутмангизки, сиз Ҳақ дегайсиз ва ул ўзга нима дегай ва дебдурки, андуҳ тиланг, то кўз суйи ҳосил бўлгайки, Тенгри йиғлагучиларни суяр.*

Насойим ул-муҳаббат, 210-б.

ЙИҒМОҒЛИҚ [*т.* ییغماغلیق] Тўпламоклик, уймоклик, йиғмоклик.

Чун айлар хурда йиғмоғлиққа оҳанг,
Тутар бу хурдадин даҳр они дилтанг.

Фарҳод ва Ширин, 97-б.

ЙИҒОЧЛИҒ [*т.* ییغاچ لیغ] Узунлик ўлчовининг номи, масофалик, ўлчовлик.

Уч йиғочлиғ Уч қулочлик (қарийб ўн икки километрдан ортиқроқ) масофалик.

Муштул – бир кентдур, Мисрнинг уч йиғочлиғида.

Насойим ул-муҳаббат, 146-б.

ЙЎЛСИЗ [*т.* يول سيز] **1** Йўлсиз, бероҳ.

... Алар бу ҳолни маълум қилиб, иттифоқ била шаҳрларидин қочиб, эл йўлуқур ваҳмидин йўлсиз биёбонга тушуб, бир қўйчиға учраб, қўйчи даги аларга қушулуб, қўйчининг ити ҳам эришиб Рақим отлиғ ғорга кирмишлар.

Тарихи анбиё ва ҳукамо, 181-б.

2 Беусул.

Шоҳ улдурким – йўлидин қойтасен,
Ҳар замон йўлсиз ҳадисе ойтасен.

Лисон ут-тайр, 56-б.

3 Бемаслак, бетариқат.

Ким тун-кун улғамен рафиқинг,
Йўлсиз югурурда ҳамтариқинг.

Лайли ва Мажнун, 196-б.

Туштилар бир йўл аро икки рафиқ,
Бир эди йўлсиз, бири соҳибтариқ.

Лисон ут-тайр, 71-б.

ЙЎЛЧИ [*т.* يولچي] Йўловчи. йўл юрувчи.

Йўл неча туз, йўлчиға мақсад қариб,
Хамлиғидин тушса йироқ йўқ ажиб.

Ҳайрат ул-аброр, 201-б.

ЙЎНМОҚЛИҚ [*т.* يونماقلق] Тарашламоқлик.

Кунгул саргашталикдин булди йуқ оғзинг кеби, гуё
Ани чарх айлагандур ғунча йўнмоқлиққа инкора.

Наводир уш-шабоб, 386-б.

ЙЎРҒА [*т.* يورغا] Майда қадам ташлаб тез юрадиган (от, эшак, ҳуккиз ҳақида).

Бу навъ ораста қилғондин сўнгра чанбаршоҳ йўрга ўйга тескари миндургайлар ва шаҳрнинг кўй ва маҳаллотиға кездургайлар.

Маҳбуб ул-қулуб, 42-б.

ЙЎХСУЛЛИҚ [*т.* يوخسوللق] Камбағаллик, бечоралик, нотавонлик; фақирлик.

Борлиғки, лутфу карами ом булғай, йўхсуллиқда анга барча элдин ком бўлғай, ком булса, боре хижолат булмағай ва эл сарзанишидин малолат боре булмағай.

Маҳбуб ул-қулуб, 103-б.

ЙЎҚСИЗ [*т.* يوق سيز] **1** Мавжуд эмас.

2 Йўқликсиз, адамсиз.

3 Фаносиз.

Ҳар кимдаки даҳр ибтилоси кўпдур,
Йўқ бок агар ҳаққа ризоси кўпдур
Борлиқда агар даҳр жафоси кўпдур,
Йўқсизда вале фоқа балоси кўпдур.

Назм ул-жавоҳир, 143-б.

ЙУҚСУЗЛУҚ, **-лик** [*т.* يوقسوزلوق // يوقسوزلىك] **1** Мавжуд эмаслик.
2 Камбағаллик, йўқчилик, етишмовчилик, муҳтожлик
3 Фақирлик.

... Бир неча вақт бизинг уйда булур эрди ва манга йуқсузлуқ даст бериб эрди.

Насойим ул-муҳаббат, 497-б.

... Манга деди: чун йуқсузлиқ даст беribдур, ул захирадинки, бу зарфлардадур, невчун қут қилмассен? Дедим: алар бушдур.

Насойим ул-муҳаббат, 497-б.

Жаъфар Хулдий дебдурки, неча кун Ҳаммод Қурайшийни курмайдур эрдим, уйига бордим ани кургали. Ул йуқ эрди, ул йуқсизлик заруратидин аёлининг бурунчакин олиб, бозорга элтган эрмишким, сотиб егулик келтургай.

Насойим ул-муҳаббат, 59-б.

К

КАВКАБМИСОЛ [*а.* كوكب مثال] Сайёралардек, юлдуз каби.

Ул хазратнинг сипеҳросо тахти кавкабмисол сабот ва давом гулмихлари бирла истиҳком топсун.

Муншаот, 209-б.

КАВКАБАФРУЗ [*а.-ф.* كوكب افروز] Юлдуздай порлоқ, юлдуздай ёритувчи, юлдуз каби нур сочувчи.

Ҳар лаган дуржи кавкабафрузи,
Кавкаби гавҳари шабафрузи.

Сабъаи сайёр, 8-б.

КАВОШОНЛИҒ [*ф.-т.* كاوشان لیغ] Кавошонда яшовчи, Кавошонлик.

Ва Кавошонлиг Бишр бобидаким, кабутархона анинг ишорати била йиқилибдур...

Насойим ул-муҳаббат, 234-б.

КАВСАРМИСОЛ [*а.* كوثرمثال] Ҳаётбахшлик хусусиятига эга сув, биҳиштдаги кавсар булоғи каби

Вале бу сифат наҳри кавсармисол
Ки, андин жаҳон коми топиб зилол.

Садди Искандарий, 236-б.

КАДУД [*ф.* كدود] 1 Бигиз.

Ва «ёйий» мисол уч ҳаракатдин ортуқ топилмас: бийзки сорт «кадуд» дер ва бизки «мо» ва «наҳну» маъниси биладур ва бийзки «дарафш» дерлар.

Муҳокамат ул-луғатайн, 19-б.

2 XV асрда Хуросонда яшаб ижод этган олим, форсигуй шоир Хожа Авҳад Муставфий лақаби.

Хожа Авҳад Муставфий – анинг лақабин «Кадуд» ҳам дерлар.

Мажолис ун-нафоис, 32-б.

КАЁНИЙНАЖОД [*ф.* كيانى نژاد] Каёний авлодлари, Каёний наслидан; Каёний зот.

Яна қавму хайлимга қилма инод
Ки, дерлар аларни Каёнийнажод.

Садди Искандарий, 191-б.

Атодин Скандарниҳод улгай ул,
Анодин Каёнийнажод улгай ул.

Садди Искандарий, 192-б.

КАЁСАТЛИҒ [*а.-т.* كياست لیغ] Зийрак, ҳушёр, басир, фаросатли.

... Манзар бинни Умарким, ақлу каёсатлиг киши эрди...

Тарихи анбиё ва ҳукамо, 164-б.

КАЖРАВОЙИН [*ф.* کجروایین] Тескари айланувчи дунё.

Тузулди ўйла базми хусравойин
Ки, курмай ўйла чархи кажравойин.

Фарҳод ва Ширин, 271-б.

КАЛЕЗ [*ф.* کلیز] Асалари, ари.

Шакар тунгини айлади шаҳдрез,
Куп ул шаҳд зимнида неши калез.

Садди Искандарий, 413-б.

КАЛЛА [*ф.* کله] Бош, калла, инсон ва ҳайвонларнинг бош қисми.

Кургузубон лола уюн ичра жуш,
Ел учуруб калласидин каллапуш.

Ҳайрат ул-аброр, 280-б.

КАЛЛАПЎШ [*ф.* کله پوش] Бош кийим, қалпоқ, дўппи.

Кургузубон лола уюн ичра жуш,
Ел учуруб калласидин каллапуш.

Ҳайрат ул-аброр, 280-б.

КАЛО [*ф.* کلا] Эчки.

Ва нима ўқумайдурмен, манга кало утлатмоқ била хуш эрди. Бир кун пайғоҳда кало ўтрусида ултуруб эрдим. Ногоҳ манга ҳоле мак-шуф бўлди ва жазба зоҳир булди ва ҳижобни кўзум оллидин олди-лар. Беҳуш бўлдум ва йиқилдим. Ва калонинг оёғи остида илиг-аёг урар эрдим.

Насойим ул-муҳаббат, 343-б.

КАЛОМ [*а.* کلام] **1** Сўз.

2 Қуръони карим.

Каломи мажид Шарафли Қуръон.

Ва анга воситасиз уз каломи мажидимизга такаллум қилиббиз.

Тарихи анбиё ва ҳукамо, 142-б.

КАЛОҒПО(Й) [*ф.* کلاغ پای // کلاغ پا] Ола қарға ёки калзоғ оёғи изидек варақни буяб, чизиб ёзадиган бадхат хаттот, бесавод котиб.

Аммо ул сафҳа рақамин ўзларидин ўзга киши билмас ва ул калоғ-поларни ул савод аҳлидин ўзга биров ўқумас ва фаҳм қилмас.

Муҳокамат ул-луғатайн, 11-б.

Котибки калоғпойи зоғи мулаввас аёғидин манкуброқ уз олида Жаъфар (изоҳ: машҳур мусаввир) ва Аҳҳар (изоҳ: қилқалам хат-тот, Жаъфарнинг шогирди) хатидин маҳбуброқ.

Маҳбуб ул-қулуб, 72-б.

КАМАРДЎЗЛИҚ [*ф.-т.* کمردوزلیق] Белбоғчилик, белбоғ тикувчилик.

Мавлоно Толеъий – камардўзлиққа мансубдур.

Мажолис ун-нафоис, 30-б.

КАМБАҲО [*ф.* کمبها] Қадрсиз, паст.

Илоҳи, сенинг йўлунгда туфроғ етса, тутиёдур ва кесак йўлуқ-са, кимёдур, гайрингдин қизил олтун қора туфроғдек беқадру кам-баҳодур.

Муножот, 295-б.

КАМИТ [*а.* کمیت] Миқдор, ҳисоб, саноқ; ўлчов, қолип.

Бордилар ёмғур дуосин қилғали аҳли риё,
Мен ниёз аҳли эдим, даъви камитин сўрмадим.

Наводир уш-шабоб, 520-б.

КАМИ(Й)ЯТ [*а.* كميت] қ. **Камит**.

Ҳақир кўрма фано аҳлини палос ароким,
Камият ҳимматига жул сипеҳри атласдур.

Фавойид ул-кибар, 132-б.

Андаким, ҳажр камиятин сўрдум,
Бир-икки ёр санга топшурдум.

Фавойид ул-кибар, 489-б.

КАМО [*а.* كما] Худди, шундай.

Халқ дастури била борур эрди, камо беш-тўрт қадам борғунча бир хатм қилдики, ҳарф-баҳарф фахм бўлди.

Насойим ул-муҳаббат, 400–401-б.

КАМСАРМОЯ [*ф.* كمسرمايه] Қадрсиз, бечора, нотавон, зътиборсиз; пулсиз, сармоясиз.

... ва ул меҳри авжи камол била бу зарраи камсармоя орасида утган ҳолотдин бир неча варақ нигориш қилғаймен...

Хамсат ул-мутаҳаййирин, 8-б.

Гадое камсармояи баландпоя ҳикоятиким, шоҳи баландпояи камсармояга насиҳатда суз юзин ирик қилди...

Садди Искандарий, 555-б.

КАМ [*ф.* كم] Оз, озгина, арзимас.

Каму костлиқ Кам-кўстлик, етишмовчилик.

Кимки бу давронда қилур ростлиқ,
Йўқтур иши ғайри каму костлиқ.

Ҳайрат ул-аброр, 206-б.

КАННУЖУМ [*а.* كنّاجوم] Юлдузлар сингари, юлдузлар янглиғ; юлдузларга ўхшаш; асҳоби каннужум–менинг ҳамсуҳбат (аҳл)ларим юлдузларга ўхшашдир.

Нубувват сипеҳрида қуёш эркони маълум,
Мусоҳиблар шаънида асҳоби каннужум.

Маҳбуб ул-қулуб, 8-б.

КАНАРКАМАК [*т.* كنار كماك] Кундирмоқ, иқрор қилдирмоқ.

... ва сирмамак ва канаркамак ва сиғриқмоқ...

Муҳокамат ул-луғатайн,12-б.

КАРАГ [*ф.* كرگ] қ. **Карак**

КАРАК [*ф.* كرگ] Булдуруқлар туркумига мансуб бўлган чўл қуши, булдуруқ қуши.

Пардаги улди эгин ичра карак,
Учти очиб парадаларин шабпарак.

Ҳайрат ул-аброр, 82-б.

КАРАМЛИҒ [*а.-т.* كرم لغ] Марҳаматлик.

Ул қул ҳикоятиким, оёғи тойилиб, оёғлуқ ошини шоҳнинг боши косасиға урди ва карамлиғ шоҳ олида уз ошин пишурди.

Ҳайрат ул-аброр, 343-б.

КАРВОНСАРОЙ [*ф.* کروان سرای] Карвонлар қуниши тунаши учун махсус мосланган жой, сарой, келиб-кетиш жойи; работ

[*Мавлоно Шамсуддин...*]. *Охир ҳолида доим сафар қилур эрмиш ва қаро кийиз кияр эрмиш ва ҳар мулкка борса, карвонсаройда тушар эрмиш.*

Насойим ул-муҳаббат, 330-б.

Чун Димашққа етсанг, Солиҳияда карвонсаройдур машҳур, яксар анда борки, ани анда топарсенки, бир фаранги соҳибжамол йигит била шатранж ўйнайдур.

Насойим ул-муҳаббат, 335–336-б.

КАРДА [*ф.* کرده] Қилинган.

Кардаву нокарда Иш, амал қилинган иш, амалга оширилган иш; амалга оширилган-оширилмаган иш

Чун чекибон лутф саропардасин,
Кечсанг алар кардаву нокардасин,
Бўлса наво бирла бори муҳтарам,
Айлама маҳрум Навоийни ҳам.

Ҳайрат ул-аброр, 32-б.

КАРИ [*ф.* کری] Арзимас, арзигулик эмас.

Қилмас кари Ўйлашга арзимайди.

Гар ватанинг Шом дурур, гар Ҳири,
Шому Ҳири фикрга қилмас кари.

Ҳайрат ул-аброр, 294-б.

КАРКЗЎР [*ф.* کرکزور] Каркидон номли катта ҳайвон, каркидек зур.

Басе тезрав, рахиш хорошикан,
Бори каркзуру бори пилтан.

Садди Искандарий, 309-б.

КАРОМАТГЎЙ [*а.-ф.* کرامت گوی] 1 Каромат қилувчи; башоратгўй
2 Хушхабар айтувчи; сахий зот, ҳиммат қилувчи; мурувват қилувчи

Эй кароматгўй, ишим оғози худ исён эди,
Шамъи раҳмат партави етгайму анжомимга айт.

Наводир ун-ниҳоя, 80-б.

КАРОНСИЗ [*ф.-т.* کران سیز] 1 Қўйисиз, чегарасиз, ҳадсиз; таши йўқ.

Фалак жавфида бир овуч хокдек,
Каронсиз тенгиз ичра хошокдек.

Бадоеъ ул-бидоя, 16-б.

2 Қирғоқсиз, соҳилсиз.

Жаҳонни ул қуёшнинг барқи ҳусни ўртагай эрди,
Каронсиз баҳри ашким бўлмаса эрди агар мониъ.

Бадойиъ ул-бидоя, 259-б.

КАРОҲИЯТ [*а.* کراهیت] Дилғашлик, нафратланиш, нафрат

Бир бузуққа кирдим, кўрдумки, Шайх Жаъфар Ҳаффор Бағдодий ултурубдур. Ранжур бўлдумки, анга кароҳият етмиш бўлгай...

Насойим ул-муҳаббат, 116-б.

[*Шайх Абу Жаъфар Мажзум р. с*]. *... Менга салом бериб дедиким: эй Абулҳусайн, ҳажга озимсен? Кароҳият била дедим: Бале!*

Деди: ҳамроҳ керак? Узумга дедимки, саҳиҳ ҳамроҳлардин айрилдим, бу навъ маъюбқа йўлуқтум, тийралик юзидин.

Насойим ул-муҳаббат, 119-б.

... Дедиким, сен ҳамроҳ қилмасингга онт ичтинг, менга сенинг онтингни ёлгон қилурга карохият келур.

Насойим ул-муҳаббат, 120-б.

КАРРАМУЛЛОҲ [*а.* كرم الله] Аллоҳнинг саховати, Аллоҳнинг ҳиммати, Тангрининг каромати.

Каррамуллоҳи важҳа Аллоҳнинг саховати ҳаки.

Ва гунашни Ювшаъ а. с. дин бошқа Тенгри таоло Сулаймон а. с. била амир ал-мўминин Али каррамуллоҳи важҳа муъжиза ва карматидин магрибдин машриқ сори ҳаракат берди.

Тарихи анбиё ва ҳукамо, 150-б.

КАРХ [*ф.* كرخ] Бағдод жануби-ғарбида жойлашган бир маҳалла номи.

Фано тариқида бирдек эмас бори маъруф,
Бирига Кархдурур жилвагаҳ, бирига курух.

Наводир уш-шабоб, 85-б.

КАСБСИЗ [*а.-т.* كسب] Ҳунарсиз.

Мулк ва мулксиз вилояти бор ва олату касбсиз рузе ер ва элга едирур ва бу каромат эмасму?

Насойим ул-муҳаббат, 202-б.

КАСИР [*а.* كسر] Синиш.

Касир ул-вуқуъ Арузда бир баҳр (вазн)нинг жузвларида буладиган (синиш юз бериши) узгариш.

Ва улча бу секкиз усулдин форсий шеърда касир ул-вуқуъдур – бешдур.

Мезон ул-авзон, 47-б.

КАСРАТ [*а.* كثرت] Кўплик, кўпчилик; мўллик, кенглик.

Касрати ҳасаб Донг таратиш, шуҳрат қозониш, ўзини улуғлаш, қадрлаш

[*Форсигўй шоир Мирхонд*]. *... ўзи йигитликда улум такмили қилди ва ҳоло бовужуди кибари син ва улви насаб ва касрати ҳасабки барча мужиби ужб аниониятдурлар, ул миқдор бетаайюн ва фоний машраб ва хуш ахлоқ кишидурким, андин ўтмас.*

Мажолис ун-нафоис,121-б.

КАТУН [*а.* كتون] Канопдан ишланган мато, кийим.

Ким кафанни ёд этар, андин ўлук огоҳроқ,
Гар либосин билсаким, эрур катон ёхуд катун.

Бадоеъ ул-бидоя, 417-б.

КАФ [*а.* كف] Аруз баҳрларидан бири.

«Каф» – бешинчи ҳарф исқотидур, бас фоъилотун фоъилон булғай.

Мезон ул-авзон, 49-б.

«Каф» – мафоъийлун «нун» унинг исқотидур, то мафоъийлу қолғай.

Мезон ул-авзон, 48-б.

КАФТОР [*ф.* کفتار] Териси хол-хол бўлган итсимон улаксахур ваҳший бир ҳайвон.

Аммо анинг сурхрулуғига гулгуна сазовордур ва оқлиғига муносиб сапида бордурким, қари муханнас мабҳут ва анинг холазодаси кафтори фартут ширкат била машшоталиқ тузгайлар...

Маҳбуб ул-қулуб, 42-б.

КАШМИРЗОД [*ф.* کشمیرزاد] Кашмир зоти, кашмир авлоди.

Канизеким ул бўлса ҳиндийнажод,
Не ҳиндийнажод, айт кашмирзод.

Садди Искандарий, 413-б.

КАШОКАШ [*ф.* کشاکش] **1** Қийинчилик, машаққат, азоб.
2 Низо, мухолифат, жанжал, ғавғо.

Бу кашокашу изтиробда не уйқум колди ва не қарорим.

Насойим ул-муҳаббат, 418-б.

КАШТИ(Й) I [*ф.* کشتی] Кема, қайиқ

Ваҳки, ул каштийда дарёкуш, манга худ йуқ ҳаёт
Эл дегандинким, фалоннинг кофири бебокидур.

Ғаройиб ус-сиғар, 125-б.

КАШТИ(Й) II [*ф.* کشتی] Май ичадиган қадаҳ, кема шаклидаги май идиш.

Йуқки, май каштийси ғам туфонидин айлар халос
Ким, топар андин киши бир қатра ичса умри Нуҳ.

Наводир уш-шабоб, 81-б.

КАШФ [*а.* کشف] Аруз атамаси

«Кашф» – мафъулоту «то»сининг исқотидур, мафъулун анинг ўрнига қўярлар.

Мезон ул-авзон, 50-б.

КАШФГОҲ [*а.-ф.* کشفگاه] Бир нарсанинг сирини топиш жойи, сирни очиш жойи (остона).

Бир кунки, Шайх ҳазратлари самоъда хушҳол бўлуб эрдилар. Шайх Саъдуддин Шайх Маждуддинга хабар қилди. Ул аёг яланг келди ва бир таштда ут тўлдуруб, бошига кутариб, кашфгоҳда турди.

Насойим ул-муҳаббат, 293-б.

КАЪБ [*а.* کعب] **1** Оёқнинг тупиғи.
2 Азиз-авлиёларнинг қадамжоси.

Каъби ери давраи иродат,
Давр аҳлига халқаи саодат.

Лайли ва Мажнун, 35-б.

КАҲЗАН [*ф.* کهزن] Паншаха.

Тожирғаки даст топти раҳзан
Ногаҳдур анинг ёнида каҳзан.

Лайли ва Мажнун, 304-б.

КАҲРАБОКИРДОР [*ф.* کهرباکردار] Сарғиш, сап-сариқ, сариқ рангли тошдек.

Коҳи юз бирла улармен, Исавийдам соқиё,
Бода тут хуршиди жоми каҳрабокирдоридин.

Ғаройиб ус-сиғар, 354-б.

КАҲФ [*а.* كهف] **1** Қуръони каримда тилга олинган ғор номи.

2 Қуръони каримнинг «Каҳф» сурасига ишора.

Каҳф ити Қуръони каримнинг ун саккизинчи «Каҳф» сурасидаги «Асҳоби Каҳф» воқеасига ишора Қадимда Дақёнус номли золим подшоҳ замонида бир неча йигитлар мусулмон бўлиб, яширинча Тангри таоло ибодатига машғул бўлишган. Бундан Дақёнус воқиф бўлиб, уларни қатл этмоқчи бўлади. Бироқ улар бу ҳолдан хабар топиб, шаҳарларидан чиқиб, қочишади. Йўлда бир чўпон ва унинг ити ҳам уларга эргашади. Улар Аллоҳнинг иродаси билан Рақим деган ғорда 309 йил уйқуга кетишади. Бунда ит ҳам уларга доимий (вафодор) ҳамроҳлик қилади; вафодор ит.

Итларингга нисбатимни рост қилсам, Каҳф ити
Одамиларга узин қилган кебидур мунтасиб.

Бадоеъ ул-васат, 42-б.

КЕВУРМАК [*т.* كوورمك] Киритмоқ.

Кевурга даҳр аро солиб ғиреви,
Нечукким маст бўлгай нарра деви.

Фарҳод ва Ширин, 53-б.

КЕЗИК [*т.* كيزيك] Дафъа, ишда навбат-момент.

Бас, Худойи таоло Жаброил (а. с.) дин Одами Safийга бир ей ва неча ўқ йиборди. Чун Одамга ўқ отмоқни ўгротти. Андин сунг буюрдиким, Одам бу ўқни қарғалар сари отгил. Бас, Одам (а. с.) отти ва хато қилди. Жаброил табассум қилиб айтди: – Яна бир ўқ отгил. Бу кезикда отган урди.

Рисолаи тийр андохтан, 303-б.

КЕЙНИ [*т.* كيني] к **Кийни**

КЕЙНИЧА [*т.* كيينجه] Орқасидан.

Кейнича кунгулсиздур эришмакка Навоий,
Ул шух чу уз мулкига борди кунгул олгоч.

Наводир уш-шабоб, 77-б.

Хожа билибдурким, кургач ташлагусидур, кейнича бориб, дасторни олмишлар...

Насойим ул-муҳаббат, 19-б.

[*Иброҳим Ажурий Сагир р. т.*]. *Деди: ридонгни менга бер! Анинг ридосин уз ридосига чирмаб дошлиқ утга ташлади ва анинг кейнича дошқа кириб, олиб чиқди.*

Насойим ул-муҳаббат, 42-б.

КЕКЛИК [*т.* كيكلك] Каклик, тоғ қуши

Қалин кекликлар курдумки, ҳаргиз онча қалин кеклик курмайдур эрдим.

Насойим ул-муҳаббат, 403-б.

КЕЛГУЧИ [*т.* كيلگوچي] Келгувчи.

Келгучи бу хаста гам ободига,
Кетмаги худ келмай анинг ёдига.

Ҳайрат ул-аброр, 334-б.

КЕЛИ [*т.* كيلي] Буғдой, жўхори каби донларни майдалайдиган қадимий қўлбола ускуна, уғир

Бобо оёғин узатиб, дедиким, бор, кўрай нечук борурсен? Ҳирот Бодгисининг келидин санга беribдурлар, ёниб ўз ишингга бор!

Насойим ул-муҳаббат, 410-б.

КЕЛМАМАК [*т.* كيلما ماك] Келмаслик.

Бода беранжи хумор эрмиш фано жомида лек,
Ичмак ани келмамиш ҳар булҳаваснинг шонига.

Ғаройиб ус-сиғар, 406-б.

Хизматига қайси юз бирла борайким, келмамиш
Тийраликдин узга мен юзи кародин ўзга иш.

Фавойид ул-кибар, 179-б.

КЕЛМАКЛИК [*т.* كيلماكليك] Келмоқлик.

Мажнун кўруб они ошноваш,
Келмаклиги келди кўнглига хуш.

Лайли ва Мажнун, 154-б.

КЕЛТУРГУЧИ [*т.* كيلتورگوچى] Келтиргувчи.

Ёлғон афсоналарда уйқу келтургучи, ёлғончи уйқуда такаллум сургучи.

Маҳбуб ул-қулуб, 94-б.

КЕЛТУРМАМАК [*т.* كيلتورما ماك] 1 Келтирмаслик.

2 Гапирмаслик.

Дайр пирининг қулименким, харобот аҳлидин
Неча кўрмиш журм аларнинг юзига келтурмамиш.

Наводир уш-шабоб, 193-б.

КЕНГЛИК [*т.* كينگ ليك] Эни, кундаланг улчами катта булганлик; энлилик, кенглик.

Бу чоҳ оғзи бас тордур, қаъри кенг,
Ҳамул қалъа даври кенгликда тенг.

Садди Искандарий, 268-б.

КЕНТ-БАКЕНТ [*т.* كينت بكينت] Шаҳарма-шаҳар.

Яна улким, бу дастур билаким, шаҳрда таъйин қилинур булукот улуғларни Хожа Фахриддин янглиғ борча бу дастур била муқаррар қилилсаким, булуклар кент-бакент бу навъ амал қилсалар.

Муншаот, 188-б.

КЕРАК-ЯРОҒЧИ [*т.* كيراك يراغچى] Қурол-аслаҳачи, асбоб-анжомчи.

Мансабда андоқки, қурчи ва сувчи ва хазоначи ва керак-яроғчи ва чавгончи ва найзачи ва шукурчи ва юртчи ва шилончи ва ахтачи йусунлуг кўптур.

Муҳокамат ул-луғатайн, 22-б.

КЕСМАК [*т.* كسماك] 1 Суймоқ, кесмоқ, қирқмоқ.

Сайддек ўқтин қатил ўлди Навоий кўнгликим
Сунди ойлар тийг ила кесмакка ҳар ёндин илиг.

Ғаройиб ус-сиғар, 266-б.

2 Ажратмоқ, узмоқ.

Узлугинг қайдини кесмакка Навоий билким,
Йўқтурур даҳр ирикликларидин яхши эгак.

Ғаройиб ус-сиғар, 268-б.

КЕСГУЛУК [*т.* كيسگولوك] Кесгилик, кесишлик.

Ва эгрилик нафйидаким, агар эгри киши зулфдек симбарлар юзида ер тутарким, боши кесгулук.

Ҳайрат ул-аброр, 200-б.

КЕТАКЎРМАК [*т.* كيتاكورماك] Кетмоқ, кета бошламоқ

... ва саъй ирода қилурлар, андоқки, билакур ва кетакур ва етакур.

Муҳокамат ул-луғатайн, 23-б.

КЕТГУЧИ [*т.* كيتگوچي] Кетгувчи.

Силсила бу навъ азал то абад,
Келгучию кетгучи беҳадду ад.

Ҳайрат ул-аброр, 249-б.

КЕТМАМАК [*т.* كيتماماك] Кетмаслик.

Магар шоҳ девонига кетмамиш,
Етар махзан ичра магар етмамиш.

Садди Искандарий, 137-б.

[*Саҳл б. Абдуллоҳ Тустарий к. с*]. *Ва ул дебдурки, дарвешеки, анинг кўнглидин элнинг илгидин нима олмоқнинг чучуклиги кетмамиш булгай андин фалоҳ келмагай.*

Насойим ул-муҳаббат, 55-б.

Бермак киши хотиридин кетмамак,
Бермагу олмоқни хаёл этмамак.

Ҳайрат ул-аброр, 241-б.

КЕТМАКЛИК [*т.* كيتماكليك] Кетмоқлик.

Чу кетмаклик андин эрур ногузир
Даме хушдил улмоқ эрур дилпазир.

Садди Искандарий, 85-б.

КЕТМОҚЛИК [*т.* كيتماقليك] к. **Кетмаклик**.

Чу кетмоқлик керактур бот, агар кеч,
Ҳамул давлат била бу умр эрур ҳеч.

Фарҳод ва Ширин, 180-б.

КЕЧКА [*т.* كيچكه] Пешона билан танғиб ураладиган кичик румол.

Савсаний буркунг ёпар кечкангни, эй миръоти ҳусн,
Кўзгу янглиғким, учасен қилди оҳангар бинафш.

Фавоийд ул-кибар, 185-б.

КЕЧКАМ [*т.-ф.* كيچكم] Саҳро [ёки жой номи].

[*Аҳнаф Ҳамадоний қ. с.*]. *Ногоҳ бирав кечкам тарафидин мени чорлади. Боқтим эрса, кўрдум, аъробидур, тева минган.*

Насойим ул-муҳаббат, 58-б.

КЕЧУРМАМАК [*т.* كيچورماماك] **1** Кечирмаслик, **2** Келтирмаслик

Ва бошни риёйи саждага индурмамакдур, балки андоқ тоатни хаёлга кечурмамакдур.

Маҳбуб ул-қулуб, 50-б.

КИВУРГУЧИ [*т.* كيووركوچي] Кириттувчи, **2** Келтирмаслик.

Сафар махжурларни матлубига еткургучи ва маҳрумларни мурод уйига кивургучи ва хомларни пиширгучи ва таомларни сингургучи.

Маҳбуб ул-қулуб, 119-б.

КИВУРМАК [*т.* كيورمك] қ. **Кевурмак**.

Йиғиштурдилар элни таклиф ила,
Кивурмакка хандаққа тахвиф ила.

Садди Искандарий, 461-б.

Они чиқорғоч кивуруб ёнани,
Ўз қилибон, бир яна бегонани.

Ҳайрат ул-аброр, 249-б.

Чун кивуруб ҳар сори рахти нажот,
Банд бўлуб чорсуйи коинот.

Ҳайрат ул-аброр, 99-б.

Исо иши чиққан жонни танга кивурмак дуо била...

Маҳбуб ул-қулуб, 24-б.

КИЙДУРГУЧИ [*т.* كيدورگوچى] Кийдирувчи

[*Абу Ҳомид Дўстон қ. с.*]. *Дерларки, ул ҳаргиз узи тун киймас эрди. Мўридлари кийдирурлар эрди... Кийдургучи ва олгучига ихтиёр эрди, анга йўқ.*

Насойим ул-муҳаббат, 197-б.

КИЙМАМАК [*т.* كيما مك] Киймаслик.

Киймамиш ул сарв гулгун тунки, тонг эрмас бу ранг,
Нахлким, кўз боғида қон бирла топти парвариш.

Ғаройиб ус-сиғар, 214-б.

КИЙНИ [*т.* كينى] Орқаси, кети

Чун санаме айлади эл кийнидин,
Гулни ниҳон сунбули мушкинидин.

Ҳайрат ул-аброр, 30-б.

КИНАЖЎ [*ф.* كينه جو] Жангчи, қасоскор

Булар борча бирёну бирён бу
Ки майдон аро бордурур кинажў.

Садди Искандарий, 439-б.

КИНАСИЗ [*ф.-т.* كينه سيز] Гинасиз.

Эви курдики кўрмайдур мисоли,
Нечукким кинасиз эл кунгли холи.

Фарҳод ва Ширин, 160-б.

КИНОЯТАНГЕЗ [*а.-ф.* كنايت انگيز] Кесатиқли, киноялі, пичингли, қочиримли.

Бу воқеъ бўлгон ишларда агарчи давлатхоҳ мушфиқ қулларга маҳал ул бор эрдиким, бирор таъномез ва киноятангез суз ғоят жонлари кўйгандин ва кўнгуллари таҳаммул қилмоғондин арз қилгайлар.

Муншоат, 150-б.

КИНОЯТАНГИЗ [*а.-ф.* كنايت انگيز] қ. **Киноятангез.**

КИРКИНМАК [*т.* كركنمك] Қўзғолмоқ, қўпмоқ

... ва бухсамақ ва киркинмак ва суқадамак...

Муҳокамат ул-луғатайн, 13-б.

КИРДОРЛИҚ [*ф.-т.* كردارلق] Хусусият

Асад кирдорлик. Шерга ухшаш шижоатли

Фарридин топти қўзи қучқорлиқ,
Саврга етти асад кирдорлиқ.

Лисон ут-тайр, 18-б.

КИРМАМАК [*т.* كرمامك] Кирмаслик.

Аммо буларнитнг солиминики, анга ҳеч зиҳоф кирмамиш булгай, ҳеч доирага тартиб била забт қилмайдурлар.

Мезон ул-авзон, 56-б.

КИРМОНИЙ [كرمنى] Қадимги Кирмон вилояти қандолатпазларни пиширган думалоқ, яъни курут шаклидаги новот назарда тутилган.

[*Хожа Муҳаммад Порсо р. т.*]. *Алар илтифот қилиб, бир бош кирмоний набот илгимга бердилар.*

Насойим ул-муҳаббат, 267-б.

КИРОЙ [*а.-ф.* كراى] Ижара ҳаққи. арзимоқ, лойиқ бўлмоқ, мушарраф бўлмоқ.

Тирик булса эди Фарҳоди ғамгин,
Қилур эрди кирой қилмоқ мунга кин.

Фарҳод ва Ширин, 425-б.

КИРОМ [*а.* كرام] Карамли, саховатли; муҳтарам.

Киром ул-котибин Инсоннинг номаи аъмоли (яхшилик ва ёмонликлари) ни ёзиб борувчи фаришталар; мусулмонларнинг икки елкасида ўтирган икки фаришта (унг елкадаги савоб ишларини, чап елкадагиси гуноҳ ишларини ёзиб боради).

Киром ул-котибин андин қилиб сабт,
Эл эткондин ямон-яхшини бир-бир.

Бадоеъ ул-бидоя, 663-б.

Ўғул-атога бозий бермак пешалари, дағалликларин киром ул-котибиндин ёшурмоқ андешалари.

Маҳбуб ул-қулуб, 35-б.

КИСАБУРИ [*ф.* كيسه برى] Ўғри

Бу кеча бир кисабури нақбзан,
Булмиш эди масканига нақбкан.

Ҳайрат ул-аброр, 243-б.

КИСВАТЛИҒ [*а.-т.* كسوت لغ] Кийимлик, уст-бошлик; либослик.

[*Мавлоно Жалолуддин Муҳаммад Балхий Румий*]. *Атфолга дебдурким, ул соатки, сизга ул сузни айтадур эрдим, курдумки, яшил кисватлиглар мени сизинг орангиздин сирмадилар ва кутариб осмонга элттилар ва малакут ажойибни менга кургуздилар.*

Насойим ул-муҳаббат, 326-б.

КИСРО [*а.* كسرى] Нуширавон (Анушервон)нинг лақаби; (Анушервондан кейин) Сосонийлар сулоласи подшоҳларининг лақаби.

Қаҳри кисролар бошидин олди тож,
Ваҳми қайсарларга ҳамл этти хирож.

Лисон ут-тайр, 23-б.

КИСРАВИЙ [*а.* كسروى] Шоҳ Кисрога мансуб.

Расуле қасру тоқи Кисравийдин,
Не Кисроким, бисоти Хусравийдин.

Фарҳод ва Ширин, 288-б.

КИС(С)АБУР [*ф.* کیسه بر] Чунгак ўғриси, ўғри.

Киссабур била муқаммир асасларидин бозор ва қиморхонага мустаъжир.

Маҳбуб ул-қулуб, 36-б.

Кисангда агар дирам йўқ, кунглунгда кисабур гами ҳам йўқ.

Маҳбуб ул-қулуб, 129-б.

КИТОБЛИҚ [*а.-т.* کتاب لق] 1 Бирор нарса ёза олишлик.

2 Саводхонлик.

[*Саййид Ҳасан Ардашернинг ўғли Саййид Муҳаммад*]. *Табъи хуб ва сурати маҳбуб ва ахлоки ҳамида ва атвори писандида, ун тўрт ёшда толиби илмлиги шогирд китоблиқга етиб эрди.*

Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер, 99-б.

КИТОБУЛЛОҲ [*а.* کتاب الله] Қуръони карим, Каломуллоҳ, Аллоҳнинг китоби.

[*Шайх Абу Наср...*]. *Бир кари киши анга йўлиқиб, деди: Эй йигит, нега йиглайсен? Магар «Китобуллоҳ»дин ояте санга етибдурки, анинг била амал қилмагайсен.*

Насойим ул-муҳаббат, 240-б.

Бу сифат бировга мусалламдурки юзи ҳақ йўлига бўлгой ва «Китобуллоҳ»ни ўнг илкига тутқой ва Расул с. а. в. суннатин сул илкига ва бу икки ёруглуқ орасида йўл сулуки қилгай.

Насойим ул-муҳаббат, 255-б.

КИШВАР-БАКИШВАР [*ф.* کشور بکشور] Мамлакатма-мамлакат, юртма-юрт, манзил-баманзил.

Жаҳон мулкин кезиб кишвар-бакишвар,
Ҳудуди бохтардин то ба ховар.

Фарҳод ва Ширин, 218-б.

КИШВАРГИР [*ф.* کشورگیر] Мамлакат фатҳ этгувчи, мамлакат олувчи, жаҳонгир.

Тиги ҳиндий чиқорса кишваргир,
Олибон то Хитой, бал Кашмир.

Сабъаи Сайёр, 141-б.

КИШВАРКУШОЙЛИҚ [*ф.-т.* کشورکشای لق] Жаҳонгирлик, улка, шаҳарларни қарам қилиш.

Иқлимгиреким, ҳумоюн алқоби шарафидин фармонраволиқ хутбасининг минбари пояси Муштарий авжига етти ва ганжбахшеким, рузафзун жаноби исмидин кишваркушойлиқ сиккасининг миръоти беҳбуд нақшин зоҳир этти.

Бадоеъ ул-бидоя, 15-б.

КИШВАРОЙИН [*ф.* کشور آیین] Мамлакат бошқарувчиси, мамлакат подшоҳидек.

Ўзни шоҳи кишвароийн соғиниб,
Ҳар не қилса ҳазл ила чин соғиниб.

Лисон ут-тайр, 77-б.

КИШИСИЗ [*т.* کیشی سیز] Ҳеч кими йўқ, ёлғиз, кимсасиз.

Кунгулсизга мушфиқ, кишисизга ёр,
Уммиди йуқ эл андин умидвор.

Ғаройиб ус-сиғар, 525-б.

КИШИСИЗЛИК [*т.* كشى سيز ليك] Кимсасизлик.

Дарди ҳажрингда куяр кунглуму уз ҳолимга
Кишисизликдин ўзумдурмен ўзимга дилсўз.

Бидоеъ ул-васат, 157-б.

КИШМИШ [*т.* كيشمش] Меваси майдарок булган уруғсиз узум, кишмиш.

Ул жамъдин бировнинг хотириға кечмиш булгайки, агар Мавлононинг каромати бор, бизинг учун кишмиш келтургайки, залла қилгайбиз. Ул жамоат қўпқондин сунгра Мавлоно ул кишини тилади ва уйга кириб бир табақда қуруқ узум чиқариб, анга берди. Ва дедики, маъзур тутки бизнинг богда кишмиш йуқдур.

Насойим ул-муҳаббат, 353-б.

КИШНАМАК [*т.* كشنامك] Кишнамоқ, кишнов товуш чиқармоқ

Ҳар ашҳабки, кукка боқиб кишнабон,
Қуёш ашҳаби тобидек ишнабон.

Садди Искандарий, 297-б.

КОВГАР [*ф.* كاوگر] Таъсирли; қатгиқ.

Ҳар муғаннийки, дардмандонароқ нағма чекар, анинг нагмаси захлиқ юракка ковгарроқ тегар.

Маҳбуб ул-қулуб, 30-б.

КОВ(И)ЁНИЙ [*ф.* كاويانى] **1** Ковага тегишли, Ковага оид. **2** Зийнатланган учбурчак байроқ.

Дирафши ковиёний 1 Кованинг бигизи. **2** Пешдодийлар сулоласининг бешинчи хукмдори Заҳҳоки Морон зулмига қарши чиққан исфаҳонлик машҳур темирчи Кованинг чарм байроғи.

Боши узра тожи Каёний булуб,
Дирафши анинг ковиёний булуб.

Садди Искандарий, 76-б.

... ва Кова оҳангарни улуқ тарбият қилиб, тайаммун учун анинг йигочқа боглаб, алам [Изоҳ: «байроқ»] қилгон сахтиёнини мурассаъ қилдиким, дарафши ковиёний они дерлар.

Тарихи мулуки ажам, 202-б.

КОГАЛ [*ф.* كاگل] **1** Зарурат.
2 Ўрин.

Ва анда тилга когал йўқ ва тақриру баёнга мадхал йуқ.

Маҳбуб ул-қулуб, 61-б.

КОЁК [*ф.* كياك] Зараркунанда конхўр ҳашарот

Фалон масх агар чин десун, йўқса акс,
Анинг асл зотига не бокдур
Ки, коёкни акс ҳам қилсалар,
Вуқуф аҳли оллинда коёкдур.

Бадоеъ ул-васат, 500-б.

КОЛА I [*ф.* كاله] Мулк, қимматли нарсалар.

[*Ҳожа Қутбиддин Яҳъё Нишобурий қ. с.*]. *Ва етти қатла ҳаж гузарлабдур. Бир кун уз кайл ва коласи бошига ёзига борғондур.*

Насойим ул-муҳаббат, 409-б.

КОЛА II [*ф.* کله] Қовоқ, шароб учун қовоқдан тайёрланган идиш, шароб сақланадиган қовоқ.

Пиёла бирла май оғзимга купдин қуйма, эй соқий,
Ким ул жавҳарга гуёким муносиб кайл эрур кола.

Наводир ун-ниҳоя, 459-б.

КОЛО [*ф.* کالا] қ. **Кола** I.

[*Ҳожа Қутбиддин Яҳъё Нишобурий қ. с.*]. *Ва етти қатла ҳаж гузарлабдур. Бир кун ўз қай ва колоси бошига ёзига борғондур.*

Насойим ул-муҳаббат, 409-б.

КОМЛИҚ [*ф.-т.* کام لیق] Муродлик, мақсадлик, тилаклик.

Дустким қилғай мени бедоди душман кулгуси,
Буйла душман комлиқдин яхшироқдур ўлганим.

Наводир ун-ниҳоя, 359-б.

КОМРАВОЛИҚ [*ф.-т.* کامراولیق] Мақсадга етишлик.

Гавҳар керак эрса бенаволиқ айла,
Эҳсони била комраволиқ айла.

Назм ул-жавоҳир, 134-б.

КОРОЗМОЙ [*ф.* کارزمای] Тажрибали.

Расули хироманди корозмой,
Равон булди туфроқ узра чеҳрасой.

Садди Искандарий, 329-б.

КОСИД [*а.* کاسد] Касод, касодга учраган, ривожсиз, харидорсиз, молнинг ўтмай қолиши.

Эй Навоий,бу чаман ичра вафо истамаким,
Ул матоъ ўлди бу бозорда беҳад косид.

Наводир уш-шабоб, 96-б.

КОСИДЛИҒ [*а.-т.* کاسد لیغ] Касодлиғ, касодга учраганлик

Вафо бозорининг косидлиғида ва вафожўйлар хаёлининг фосидлиғида.

Наводир уш-шабоб, 513-б

КОСОВ [*т.* کاساو] Ўт, оловни тортиш, титкилаш учун ишлатиладиган учи темир ёки ёғоч таёқ.

Тийралар лутф айлабон тутмас сафо аҳли ерин,
Ёруған бирла учи шамъ урнини тутмас косов.

Наводир ун-ниҳоя, 443-б

КОФИРВАШЛИК [*а.-ф.-т.* کافروش لیک] 1 Кофирга ўхшашлик

2 Ноаҳллик.

Журъакашлик – динлари ва кофирвашлик ойинлари.

Маҳбуб ул-қулуб, 17–18-б

КОФИРКЕШ [*а.-ф.* کافرکش] 1 Бедин, худони танимайдиган инкор, ислом динини инкор этувчи, гайридин

2 Худодан қуркмайдиган, раҳмсиз, кўнгли қаттиқ

Кузларинг кеши эрур куфр эмас ҳеч ажаб,
Аҳли ислом сени гар десалар кофиркеш.

Фавоийд ул-кибар, 172-б.

КОФИРОЙИН [*а.-ф.* کافرانه] **1** Кофирга ухшаш, кофирмонанд.
2 Берахмга ўхшаш; қаттол каби.

...кашмирийси сеҳрсозлиғда дилрабову дилкаш ва румийси турк-тозлиқда кофиройину фарангийваш...

Ғаройиб ус-сиғар, 17-б.

КОФИЯ [*а.* کافیه] Араб тилининг грамматик қоидасига бағишланган асар номи.

[*Форсигуй шоир Мир Атоуллоҳ*]. *Андин илм таҳсили учун шаҳрга келди. «Кофия» ва «Мутавассит» ўқур эрди.*

Мажолис ун-нафоис, 118-б.

КОФУ НУН [*а.* کاف و نون (ک□ ن)] Араб алифбосидаги «коф» ва «нун» ҳарфларининг номи бўлиб, улар қўшилса «кун» (کن) сузи юзага келади. Диний манбаларга кўра, Тангри таоло азалда мавжудотни яратишда шу сўз билан амр этган, яъни Аллоҳ бўл деса бўлади; дунё яралишининг биринчи куни, рузи азал.

Муҳаммад «кофу нун»га қурратул-айн,
Туфайли «кавн» улуб, йуқ-йуқки, кавнайн.

Фарҳод ва Ширин, 17-б.

КОФУРКОРЛИҚ [*ф.-т.* کافورکارلیق] Оқлик, оппоқ туслилик.

[*Шоҳ Баҳром*]. *... ва ул кофуркорлиқдин ҳижрони ҳарорати таскин топиб, уз газоли мушкбусидин хабар топқони.*

Сабъаи сайёр, 334-б.

КОҲ [*ф.* کاه] **1** Каҳрабо.
2 Сомон йўли.
Коҳи аъзам Сомон йўли.

Шуша олтунлар эрур дурри висолингга баҳо,
Коҳи аъзам узра эскирган алифлар ҳайъати.

Наводир ун-ниҳоя, 530-б.

КОҲИЛСАРОЙ [*а.-ф.* کاهل سرای] Суст гапирувчи.

Ки, ҳар неча нутқ улса коҳилсарой,
Битигаймен уттуз йилин уттуз ой.

Ғаройиб ус-сиғар, 529-б.

КУДУРАТСИЗ [*а.-т.* کدورت سیز] **1** Хираликсиз.
2 Гина-кудуратсиз; дил ғашликсиз; ғам-ғуссасиз.
3 Душманликсиз, адоватсиз.

Ародин муртафеъ булсун кудурат,
Кудуратсиз сафо булгай зарурат.

Фарҳод ва Ширин, 309-б.

КУЙГУЧИ [*т.* کویگوچی] Куйгувчи

Ўт солса жаҳон элига Мажнун,
Бир куйгучи бўлгуси Филотун.

Лайли ва Мажнун, 311-б.

КУЙДУРГУЧИ [*т.* کویدورگوچی] Куйдургувчи

Утедур номус уйин куйдургучи, еледур иззат хирманин совургучи ва виқор шамъин учиргучи.

Маҳбуб ул-қулуб, 54-б.

Соиқаедур, ақлу дин хирманин куйдургучи ва сарсаредур аларнинг кулин кукка совургучи.

Маҳбуб ул-қулуб, 66-б.

КУЙДУРГУЛУК [*т.* كويدورگولوك] Куйдиргилик, куйдиришга лойиқ

Омий қозики май ичкай – ўлтургулукдур ва дузах утига етмасдин бурун куйдургулукдур.

Маҳбуб ул-қулуб, 21-б.

Бу эса ошиқ, эрур ўлтургулук,
Бошдин-аёқ жисмини куйдургулук.

Ҳайрат ул-аброр, 193-б.

КУЙДУРМАМАК [*т.* كويدورماماك] Куйдирмаслик.

Қайси бир мажлиски, май тобию ораз барқидин
Элга утлар солиб, ул қотил мени куйдирмамиш.

Наводир уш-шабоб, 193-б.

КУЙМАСЛИК [*т.* كويماسليك] Куймаслик, ёнмаслик.

Ин иҳтариқа жисми мин нори ҳавойиҳ,
Куймаслиги хаснинг чокин етканда не имкон.

Фавойид ул-кибар, 301-б.

КУЙМАКЛИК [*т.* كويمك ليك] Куймоқлик, ёнмоқлик

Не ишқ утиға куймакликка тоби,
Не андин қуртулиб жони хароби.

Фарҳод ва Ширин, 375-б.

КУЛАҲДОРЛИҚ [*ф.-т.* كله دارلق] Подшоҳлик, мустақил ҳукмдорлик.

Сен эт маснад узра кулаҳдорлиқ,
Мен олингда айлай сипаҳдорлиқ.

Садди Искандарий, 349-б.

КУЛ-КУМАК [*т.* كول كومك] Кум-кўк.

Кул-кумак этмак Кум-кўк қилиб юбормоқ

Урди атоси мазорига бош
Ким, кул-кумак этти бошин ул тош.

Лайли ва Мажнун, 263-б.

КУНАСЛИК [*т.* كنسلك] Офтбруя, қуёш нури тушиб турадиган жой.

[*Ато б. Сулаймон р. т.*]. *Бир кун бемор эрди. Кунасликда ётиб эрди.*

Насойим ул-муҳаббат, 75-б.

КУНГУРДАМАК [*т.* كونگوردامك] Алжирамоқ.

... кунгурдамак, кинаркамак, кезармак...

Муҳокамат ул-луғатайн, 13-б.

КУНДАЛАТМАК [*т.* كنده لاتمك] Оёқни буғовга солмоқ, жодига солиб қисмоқ, чоптирмоқ, майдалатмоқ

... кундалатмак, кумурмак, йигирмак...

Муҳокамат ул-луғатайн, 13-б.

КУНДДИМОҒ [*ф.* کند دماغ] **1** Бирор нарсанинг маълум бир қисмини ерга эриб тушиши, ҳид билмас.

2 Димоғи куйган.

Етишти бурнига офатки, тутти бурнин эл,
Ёруғлуги била чун шамъ бўлди кунддимоғ.

Наводир уш-шабоб, 218-б.

КУНДУРМАК [*т.* كوندورمك] Тикламоқ, тўғриламоқ.

... кундурмак, сундурмак, суқлатмак...

Муҳокамат ул-луғатайн, 13-б.

КУНТУ КАНЗ [*а.* كنت كنز] Мен бир хазина (Қурьони каримдаги оятдан).

Бу суз сидқига даги бетаъну танз,
Далолат килур ояти «кунту канз».

Ғаройиб ус-сиғар, 534-б.

КУРАВИЙ [*а.* كروي] Думалоқ, тўгарак.

... сипеҳри куравий заргар курасидек меҳр утидин ул навъ қизидиким, яқиндурки, фалак тосидин савобит доналари тосдаги қалъий қаторатидек эриб,тома киришгай...

Муншоат, 135-б.

КУРАШ [*т.* كوراش] Кураш, тўй ёки бирор тадбирда курашиш учун икки кишти уртасидаги маълум қоидага асосланган ўзаро беллашув.

[*Паҳлавон Маҳмуд Паккаёр қ. с.*]. *Ҳинд мулки подшоҳининг бир курашчиси бор эрди, Пахлавонни анинг учун тилаган эрмишки, анинг била курашга солгай.*

Насойим ул-муҳаббат, 300-б.

КУРАШМОҚ [*т.* كوراش ماق] Кураш тушмоқ, узаро беллашмоқ.

Бу сўзни Паҳлавон била мулоқот қилгондин сўнгра изҳор қилиб, муқаррар андоқ бўлмишки, тонгла халойиқни мажмуъ қилиб курашгайлар.

Насойим ул-муҳаббат, 300-б.

КУРАШЧИ [*т.* كوراشچى] Кураш билан шуғулланувчи; кураш тушадиган киши; паҳлавон, полвон.

Паҳлавон билибдурки, ул курашчининг онасидур, ўзи била мукаррар қилибдурки, тонгла ул курашчи илигида йиқилгай.

Насойим ул-муҳаббат, 301-б.

КУРАШЧИЛИК [*т.* كوراشچى لك] Беллашувчилик, курашчилик.

Ёр қассобнинг ўглидур. Курашчиликда саромад бўлуб, азим шуҳрат тутубдур.

Насойим ул-муҳаббат, 300-б.

КУРУК [*т.* كوروك] Курк товуқ, тухум қилишдан чиқиб, тухум босишга етилган товуқ курки.

Вақти била қилди хурус ун аён,
Тинмади бир лаҳза курук макиён.

Ҳайрат ул-аброр, 276-б.

КУФРХИСОЛ [*а.* كفرخصال] **1** Кофир хислатли, кофир сифат; бедин.

2 Ношукурлик, кўрнамаклик.

Агар ул куфрхисол – элга доғи куфр тарийқи афъол.

Маҳбуб ул-қулуб, 20-б.

КУШ [*ф.* کش] Ўлдирувчи, суювчи; қотил.

Куши хунхора Қон тукувчи қотил, қонхўр суювчи (жаллод).

Золи маккора, балки Фарҳод куши хунхоранинг тиғи забонин тез этиб...

Фарҳод ва Ширин, 396-б.

КУҲАНДИЗЛИҒ [*ф.-т.* کهن دزلیغ] Арклик, қалъада яшовчилар, куҳандизлик (Мовароуннаҳрдаги бир шаҳар номи).

[*Шайх Абу Исмоил Абдуллоҳ...*]. *Ва дебдурки, мен тазкира ва тафсир илмида Хожа Яҳё Аммор шогирдимен ва дебдурки, мен турт ёшимда эрдимки, Хожа Яҳё Аммор куҳандизлиғларга айттиким, Абдуллоҳни азиз тутунгки, ондин имомлиғ келур.*

Насойим ул-муҳаббат, 231-б.

КУҲАНПИР [*ф.* کهن پیر] Қари, ёши улуғ, кари чол, кекса.

Навоий ўлса, куҳанпиру куйса,айб этманг,
Ки мундоқ ўт анга бир шухи навжувон соладур.

Бадоеъ ул-бидоя, 188-б.

Эл оёғига тушардин бошқа чиқмоқ расмини
Май куҳанпиридин ушбу дайр аро иршод бил.

Бадоеъ ул-бидоя, 324-б.

КУДАК [*ф.* کودك] Бола, гудак.

Ҳар неча замона аҳлининг турфанисен,
Е фарз айтолики, аблаҳу кудакисен,
Ризқ иста-ю бўлма халқнинг душмани сен,
Истар сени чун ризқ нечукким ани сен.

Назм ул-жавоҳир (илмий-танқидий матн),121-б.

КУЖПУШТ [*ф.* کوژپشت] Букри.

Басо кўжпушту пароканда ҳол,
Бўйида чу бўлғай ипе эски шол.

Садди Искандарий, 385-б.

КУЗАЛИК [*ф.-т.* کوزه لیك] Қорни кенг, бўғзи ингичка, бир томонидан дастаси бор идиш номи, куза; кузалик, идишлик.

... илайларига кузалик сув қўйдуруб, баъзининг кафш ва дасторларин ва ёғлиқларин ва анинг учида тугунгинаси бўлса,белгулуклларин мулозимларга топшуруб...

Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер, 95-б.

КУЗАНАК [*т.* کوزنك] 1 Сўзанак, ниначи.

Андоқки, тунглук ва узук ва тўрлуғ ва босруғ ва чиғ ва қанот ва кузанак ва увуғ ва боғиш ва бусаға ва эркина ва ало ҳозал-қиёс.

Муҳокамат ул-луғатайн, 20-б.

2 Юзга тутадиган чиммат; сўзанак.

Эй Навоий, ул махи хиргаҳнишин хифзи учун
Кузанак эрмаски, ҳар сори тикилмиш кузлари.

Наводир ун-ниҳоя, 520-б.

КУЗЛУҒ [*т.* کوزلوغ] Кузлик.

Шайх Абу Тоҳиргаким,аларнинг фарзанди эрди, васият қилдиларким, менинг вафотимдин неча йилдин сунгра бир навхат буюк буйлуқ, азрақ кўзлуг Аҳмад отлиг йигит сенинг хонақоҳингдин киргай...

Насойим ул-муҳаббат, 244-б

КЎЗУКМАК [*т.* كمك كوزو] Кузикмоқ, кўз тегмоқ.

Қуёшким зарра кўзгаб кирса вайронимга ҳажрингда,
Кўзукма кул совурмоқ, бил они кунглумга ут урмоқ.

Ғаройиб ус-сиғар, 257-б.

КУЙ-КУЧА [*т.* كوي كوچه] Куча-куй, ҳамма жойда, ҳамма ерда.

Абнойи жински дебмен, сизни демаймен, сойир итларни дебменким, куй-кучада юрурлар.

Хамсат ул-мутаҳаййирин, 40-б.

Ишқдин жаҳон ичра, афгонидин калом ва кую кучада бу достонидин паем.

Мажолис ун-нафоис, 187-б.

КУКУРД [*ф.* كوكرد] Гугурт.

Хирқаи зуҳд ўртамак кунглум шиори айладим,
Субҳа торин уздуму кукурд тори айладим.

Бадоеъ ул-васат, 304-б.

КЎМАКЧИ [*ф.-т.* كومكچى] Кумак берувчи, ёрдамчи.

Ким уч чодир кумакчидек етишкай
Гадо уйига кўзлардин ниҳоний.

Ғаройиб ус-сиғар, 549-б.

КЎНГЛАКСИЗ [*т.* كونكلك سز] Куйлаксиз, кийимсиз.

Танга тошу кулга тиш захмики солди телбалик,
Фош қилди элга кунглаксиз бадан, енгсиз илик.

Наводир ун-ниҳоя, 307-б.

КЎНГУЛЛУК, -лик [*т.* كونكول لوك/كونكول ليك] **1** Қалбли, кунгилли, дилли.

Икки бошим бўлмаса, икки кунгуллук ёрни
Севмагайменким, бало урсун мукаррар бошима.

Наводир уш-шабоб, 411-б.

Темир кунгуллук Темир кунгиллилик, тошбагирлик.

Темир кунгуллук улус қармоғига суҳондур
Қаю харошки, зоҳир бўлур фиғоним аро.

Наводир уш-шабоб, 30-б.

2 Ёдли, хотирли.
3 Фикрли, хаёлли, ихтиёрли, ботинлили.
4 Майлли, хоҳишли.
5 Ёрлик; дўстлик.

Шайх ул-ислом дедики, Абусаид Муаллим ҳам рушан пире эрди, яхши кунгуллик ва содиқ.

Насойим ул-муҳаббат, 236-б.

Шайх ул-ислом дебдурки, Кошонда қавме бор эрдилар, ёруқ кунгуллук.

Насойим ул-муҳаббат, 191-б.

Бойқаро Мирзо – бовужуди улким, Султон Соҳибқироннинг туғқон оғаси эрди. Йиллар Балх (қуббат ул-исломий)да салтанат қилди. Ва лекин ишкаста нафслиқ ва кичик кўнгуллуқ, тавозуъ ва таъзимлиқ киши эрди ва ҳақшуносли ғи аъло мартабада эрди.

Мажолис ун-нафоис, 168-б.

КЎНГУЛСИЗ [*т.* كونگول سز] 1 Дилсиз, қалбсиз.

Дустлар, мени кўнгулсиз деб сурарсиз, шодмен,
Булмайинму шодким, дафъ ўлмиш андоқ душманим.

Бадоеъ ул-бидоя, 374-б.

2 Хотирсиз, ёдсиз, хаёлсиз.

Кейнича кўнгулсиздур эришмакка Навоий,
Ул шух чу уз мулкига борди кўнгул олғоч.

Наводир уш-шабоб, 77-б.

3 Фикрсиз, ихтиёрсиз.

Сафарни тамуғдин нишон айлабон,
Тамуғ ранжин андин аён айлабон;
Кўнгулсизга мушфиқ, кишисизга ёр,
Умиди йўқ эл андин уммидвор.

Ғаройиб ус-сиғар, 525-б.

4 Ишқсиз, муҳаббатсиз.

Заъф булуб меваси йўқ шох иши,
Сустайиб андоқки, кўнгулсиз киши.

Ҳайрат ул-аброр, 283-б.

5 Майлсиз.

Кўнгулсиз роқим хомасин рақамкаш қилмоқ ва бу рақам саводи била кунглин хуш қилмоқ.

Ҳайрат ул-аброр, 72-б.

КЎНГУЛСИЗЛИК, =лик [*т.* كونگول سزلیك // كونگول سزلیق] 1 Қалбсизлик, кўнгилсизлик.

Кунглум олди ғар кунгулсизликдин улса юз ғамим,
Ўйла бедилменким, дей олман ани дилдорға.

Ғаройиб ус-сиғар, 433-б.

2 Муҳаббатсизлик, ишқсизлик.

Новакинг пайконини то чектилар нолон кунгул,
Айламас афғон кунгулсизликдин андоғким жарас.

Бадоеъ ул-бидоя, 221-б.

3 Хотирсизлик.

Кунгулсизлик андуҳидин вах, не ғам,
Киши курса ёнида дилдорини.

Бадоеъ ул-васат, 439-б.

4 Фикрсизлик, хоҳишсизлик.

Бўйла кўнгулсизлиқ ила зорлиқ,
Еткурибон нахлга беморлиқ.

Ҳайрат ул-аброр, 283-б.

КЎРГУЧИ [*т.* كورگوچی] Кургувчи.

Улуғлар саҳмноку уйла ҳойил
Ки, айлаб кургучи ҳушини зойил.

Фарҳод ва Ширин, 204-б.

Чун воқиа кургучи кўз очти,
Кўздин қонлиг сиришк сочти.

Лайли ва Мажнун, 262-б.

Туз кургучи – пок назар, ҳунар кургучи – рост басар.

Маҳбуб ул-қулуб, 99-б.

КЎРГУЗГУЧИ [*т.* كورگوزگوچى] Кургизгувчи.

Зулм риштасин узгучи ва авқоф бузугин тузгучи ва зироат касратида саъй кургузгучи.

Маҳбуб ул-қулуб, 17-б.

КЎРМАКЛИК [*т.* كورماكلك] Кўрмоклик

Ани мен айта олмон зишт ё хуб,
Санга курмаклиги бор эрса матлуб.

Фарҳод ва Ширин, 311-б.

Элга меҳрингдин куярмен, менга қаҳринг саҳл эрур,
Дузах аҳлига эрур жаннатни курмаклик азоб.

Наводир уш-шабоб, 35-б.

Кура олмаслиг Куролмаслик.

Ёрни агёр била кура олмаслигидин кўз қони деб айни рашкдин бу матлаъ хуб адо топибдур.

Мажолис ун-нафоис, 200-б.

КЎРМАМАК [*т.* كورماماك] Кўрмоқ феълининг, ноаниқ ва булишсиз шакли; курмаслик.

Асл улдурки, санамлар сари кўз солмагасен,
Эй Навоий, тиласанг курмамак асло офат.

Бадоеъ ул-васат, 69-б.

Ато онангга раҳмат, эй угилким курмамиш сендек
Не ул тўқкуз ато, бал не бу тўрт асрагучи доя.

Фавойид ул-кибар, 367-б.

Англадинг ўтлуқ юзи кунглум не янглиг қилди су,
Мум ароким курмамиштур шуъланинг таъсирини.

Наводир ун-ниҳоя, 540-б.

КЎРУКСАМАК [*т.* كوروكسمك] Куришни, йўлиқишни истамоқ.

... куруксамак ва бушурганмак ва бухсамак...

Муҳокамат ул-луғатайн, 13-б.

КЎРУНМАМАК [*т.* كورونماماك] Куринмоқ феълининг булишсизлик шакли; куринмаслик.

Ғариб зулфу юз эрмасмуким, жаҳон элига
Курунмамиш бу икининг мисоли тун билан тонг.

Бадоеъ ул-васат, 259-б.

КЎТАРТМАК [*т.* كوتارتماك] Кутартирмоқ, ўртадан олдирмоқ.

Шайх дедики, сажжодайики сизинг ўлтурурунгизга ярамас, бизинг даги ўлтururумизга ярамас ва ародин кўтартти.

Насойим ул-муҳаббат, 397-б.

КЎФАЛИҚ [*а.-т.* كوفه لىق] Кўфа шаҳридан, Кўфа шаҳрида яшовчи, кўфалиқ

[*Фузайл б. Иёз қ. т. р.*]. *Анинг не ерлик эрканида ихтилоф бор. Куфалиқ дебдурлар.*

Насойим ул-муҳаббат, 35-б.

КЎФТА [*ф.* كوفته] Ҳориган, чарчаган.

Ани ул либос била Парвез гумон қилдилар. Дедиким: чун сизга гирифтор бўлдум бағоят куфтадурмен.

Тарихи мулуки ажам, 247-б.

КЎЧУН [*т.* كوچون] Шошилиш.

Улубон халқ ул навоға кучун,
Жон бериб балки андоқ улмак учун.

Сабъаи сайёр, 338-б.

КЎҲ [*ф.* كوه] Тоғ.

Кўҳ то кўҳ Тоғ-тоғ, тоғдан тоққа; тоғларча.

«Қоф»ин манга айла кўҳу андўҳ,
Кунглумга ғамини кўҳ то кўҳ.

Лайли ва Мажнун, 145-б.

КЎҲБАВОР [*ф.* كوه بوار] Тоғдек, тоғ каби.

Ҳарзарав улди купалак кўҳбавор,
Ҳулла дурур жисмида нақшу нигор.

Ҳайрат ул-аброр, 214-б.

КЎҲЛ [*а.* كحل] Сурма

Кўҳл ул-жавоҳир Кўзнинг куриш кувватини ошириш учун марварид кукуни билан сурманинг аралашмасидан тайёрланган жавоҳир сурма

Хоки пойингким эрур кўҳл ул-жавоҳир топса кўз,
Ҳаргиз узга зоҳир этмас тутиёға эҳтиёж.

Фавойид ул-кибар, 71-б.

КЎҲНАВАРД [*ф.* كوه نورد] Тоғда юрувчи, тоғ кезувчи.

... агар кўҳнавард ашқабни қулла азиматиға сурулса ва анинг хоро шикоф тувоғидин секриган ут била барқ ламъасидек мунтазирлар кўзларин ёрутулса, тоғдин қуёш чиққондек булғай...

Муншаот, 135-б.

КЎҲПАЙКАР [*ф.* كوه پيكر] Зўр от, чопқир от.

Қиё янглиг остида кўҳпайкаре,
Вале пуяда, уйлаким, сарсаре.

Садди Искандарий, 435-б.

Л

ЛАББАЙК [*а.* لبيك] Эй Аллоҳ, Сенинг хизматингга тайёрман, ҳозирман, қабул қиламан (ҳаж зиёратига боришда кўп қўлланиладиган сўз, яъни ҳожилар ҳаж зиёратига етгунча «лаббайк» урадилар).

[*Абуладён қ. с.*]. *Шайх ул-ислом дебдурким ул қачон ҳажга борса эрди, уйидин эҳром боғлаб «лаббайк» урар эрди ва тебрар эрди.*

Насойим ул-муҳаббат, 156-б.

ЛАБТАШНАЛИҚ [*ф.-т.* لبتشنه لق] Чанкоқлик, сувсаганлик.

Рузада лабташналиқдин килди заъф ул моҳрў,
Жон берурмен лаълига то булгуси жонимда су.

Наводир ун-ниҳоя, 445-б.

ЛАВАНДШЕВАЛИҚ [*ф.-т.* لوند شيوه لق] Бебошлик, узбошимчалик, тартибсизлик, лаванд қилмоқлик, қўрқмаслик, жасурлик, довюраклик.

Ва ҳаддин ўтгандин сўнгра андоққи, шабоб айёмининг иқтизосидур, ўзларин май ичмакка ва лавандшевалиқларга ва ошиқпешалиқларга солибдурлар.

Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер, 91-б.

ЛАВВАТА [*а.* لوطه] **1** Бадахлоқлик, хунук қилиқлик.

2 Хунасалик.

Лаввата қилмоқ Хунасалик қилмоқ.

[*Хантила бинни Сафвон*]. *Анинг замонида эранлар лаввата қилиб, баҳойим била жамъ булур эрди. Ва хотунлар чарм ва теридин олат ясаб, узларига истиъмол қилурлар эрди.*

Тарихи анбиё ва ҳукамо, 111-б.

ЛАВКАШАФ [*а.* لوكشف] Биров кашф этади.

Бўлмас ниқоб очсанг доғи чун ҳалли сирри лавкашаф,
Талибга недур айламак таҳсили ганжи манъараф.

Бадоеъ ул-васат, 222-б.

ЛАВКАШИФ [*а.* لوكشف] қ. **Лавкашаф**.

Соқие, ул кавсаросо бодадин бир журъа тут,
Ким мени ҳайронга бўлгай кашф сирри лавкашиф.

Бадоеъ ул-бидоя, 267-б.

ЛАВҲ [*а.* لوح] қ. **Лавҳа.**

ЛАВҲА [*а.* لوحه] Тахта, ёзув тахтаси; ёйиқ нарса.

Лавҳаи маҳфуз То ҳисоб-китоб кунига қадар инсонларнинг яхши ва ёмон амаллари ёзиб бориладиган Аллоҳнинг (лавҳи) ёзув тахтаси.

Борчаси ҳақ илмида маълум эди,
Лавҳаи маҳфузда марқум эди.

Хайрат ул-аброр , 107-б.

Азал субҳида малҳузунгни келтур!
Арога лавҳи маҳфузунгни келтур!

Фарҳод ва Ширин, 16-б.

Лавҳан хотир То даври қиематгача одамларнинг яхши ва ёмон амаллари ёзилиб, сақланадиган Аллоҳнинг лавҳи.

Буки сафо чашмасидин завқнок,
Айлагасен лавҳаи хотирни пок.

Ҳайрат ул-аброр, 112-б.

Лавҳу қалам Ёзув тахтаси, доска.

Гар қалам тутмадинг қулунгга не гам,
Азбар эттинг чу сирри лавҳу қалам.

Сабъаи сайёр, 20-б.

Сафҳа лавҳида қаламий қилди рақам
Ким, хаттига офарин деди лавҳу қалам.

Муншаот, 200-б.

Фарши бўлуб арш ила лавҳу қалам,
Қуймоқ учун рахши аларга қадам.

Ҳайрат ул-аброр, 46-б.

ЛАЗЗАТСИЗ [*а.-т.* لذت سيز] Тотлиликсиз, ширин эмас.

Эй Навоий, даҳр аро не келса, бўлгил мунбасит,
Гарчи лаззатсиз булур куч бирла қилмоқ инбисот.

Бадоеъ ул-васат, 205-б.

ЛАИМСИЙРАТ [*а.* لئيم سيرت] **1** Нокас, очкўз.

2 Хасис.

Аммо бу тоифанинг сойири ҳам агарчи тарабойин ва меҳнатзададурлар ва лекин филҳақиқат лаимсийрат ва гадодурлар.

Маҳбуб ул-қулуб, 31-б.

ЛАМЪАШ [*а.* لمعش] Порлоқлик, ёруғлик, шуълалик, нурлик.

Сарви нозим қошида келди Навоий тўби
Ламским, суврати хатти ўқидим ани ламъаш.

Бадоеъ ул-васат, 182-б.

ЛАТИФТАБЪ [*а.* لطيف طبع] Нозик табъли.

[*Ҳаким Санайи Ғазнавий р. т.*]. *Соқий дебдурки, Санойи фозил ва латифтабъ киши.*

Насойим ул-муҳаббат, 458-б.

ЛАТОЙИФОСОР [*а.* لطائف آثار] **1** Латиф сузли, қимматли, маҳоратли; нозик маъноли сўзлар каби.

... ўз латойифосор нутқи тақрири, алқобимни юқори адо қилдимки, не унвон била сабт қилдиларки, муқаррор қилмоқ ҳожат эрмас.

Муҳакамат ул-луғатайн, 39-б.

2 Ажойиб асарлар, нозик таъб асарлар.

... яъни айтилган абёт барча латойифосор ва сабт булган ашъор барча зароифшиорким, эллик, олтмиш ё юз ғазалга яқин йиғилса эрди...

Ғаройиб ус-сиғар, 17-б.

ЛАТОФАТОМИЗ [*а.-ф.* لطافت اميز] **1** Латофатлилик.

2 Хушмуомалалик.

... барча латофатомиз ва нафиъ муқаттоат, барча манфаатангиз...

Бадоеъ ул-бидоя, 22-б.

ЛАТОФАТШИОР [*а.* لطافت شعار] **1** Нозик сузли, латиф сузли.

2 Покиза сўзли; равшан сўзли.

Ва яна доги латофатшиор нозимлар заройифи ва зарофатдисор роқимлар латойифи ҳар ёндин истимоъ тушарким...

Бадоеъ ул-бидоя, 15-б.

ЛАЪБАНДУЗЛИҚ [*а.-ф.-т.* لعب اندوزلیق] **1** Кунгил очишлик.

2 Найрангбозлик, мазах қилишлик.

Шоҳиди раънодин лаъбандузлиқ тила ва ринди фарзонадин жонгудозлиқ ва дилсузлиқ иста.

Бадоеъ ул-васат, 504-б.

ЛАЪЛ [*а.* لعل] **1** Қизил рангли тош.

Лаъли ноб 1) соф қизил рангли қимматбаҳо тош.

Боғбонга чун ғино айлаб насиб эҳсонинг илги,
Хуша-хушаки зумуррад, гоҳ лаъли ноб осиб раз.

Наводир ун-ниҳоя, 176-б.

2) соф қизил рангли май, лаъл тошидай рангли шароб.

Соқиё куп кунжидин тут бизга лаъли нобким,
Бу боринда майл булмас ганжи Афридун сари.

Наводир ун-ниҳоя, 560-б.

Лаъли обдор Тиниқ, порлоқ лаъл, тоза лаъл; гиниқ, соф май; қизил ёқутдай тоза май.

Боиси гамдур лаби ҳажрида лаъли обдор,
Май дебон рангин су ичган айламас пайдо фараҳ.

Наводир ун-ниҳоя, 92-б.

2 Қип-қизил лаб.

Лаъли руҳафзо Руҳлантирувчи қип-қизил лаб, жонлантирувчи лаълдек лаб, тирилтирувчи қизил лаб

Ғунчалар очилса, ўлганлар тирилса не ажаб,
Айлай олмас кулгудин чун лаъли руҳафзони забт.

Ғаройиб ус-сиғар, 232-б.

3 Қизил сиёҳ билан ёзилган хат.

4 Қизил рангли май.

5 *тасаввуфда* Вахдат майи

ЛАЪЛПОРА [*а.-ф.* لعل پاره] Қип-қизил томчи.

Куксумни чунки қилди лабинг ҳажри яралар,
Ҳар яра қон кеби оқизур лаълпоралар.

Наводир уш-шабоб, 114-б.

ЛАЪЛФОМ [*а.-ф.* لعل فام] **1** Қип-қизил, лаъл каби, қизил ёқут сингари

Сипеҳр узра эмас гулгун булут, ҳар сариким тушмиш,
Фалак миръотига акси сиришки лаълфомимдин.

Фавойид ул-кибар, 315-б.

2 Тиниқ қизил.

Бодои лаълфом Тиниқ қизил май.

Алардин бири ул дурахшанда жом,
Ичинда тула бодаи лаълфом
Ки, ҳар нечаким ичса кам булмайин,
Ича олмайин кимса, хам булмайин.

Садди Искандарий, 252-б.

Бодадин юзни лаълфом айлаб,
Кунгул айвонида хиром айлаб.

Сабъаи сайёр, 33-б.

ЛАҲЗАЛИҚ [*а.-т.* لحظه ليق] Бирдамлик, бир нафаслик, бир онлик, бир лаҳзалик.

Сабр куп қилсанг фавойид кўп дединг, носиҳ, не суд,
Ким кўнгулни ҳажр аро бир лаҳзалиқ йўқ тоқати.

Наводир ун-ниҳоя, 548-б.

ЛАҲЗАТАН [*а.* لحظتاً] Дамбадам, муттасил.

Лаҳзатан филаҳзатан Шу сониядан, шу вақтдан.

Ул соатан фисоатан ишида исиғроқ бўлгай ва лаҳзатан филаҳзатан қилмишида қизикроқ булгай.

Маҳбуб ул-қулуб, 50-б.

ЛАҲНСОЗ [*а.-ф.* لحن ساز] Куй-оҳанг; жур-наво; чалғувчи, нағмачи

Наво ичра минг лаҳнсозинг қани,
Дасотини хотирнавозинг қани?

Садди Искандарий, 58-б.

ЛИЛЛОҲИЛҲАМД [*а.* لله الحمد] Аллоҳга шукр, Худога шукр.

Лиллаҳилҳамдким, яна иқбол
Кавкаби бахтим этти фаррухфол.

Сабъаи сайёр, 387-б.

ЛИ [*а.* الى] ...-гача.

Лимааллоҳ 1) соф, пок.

2) Лимаоллоҳ бусағаси, лимаоллоҳ мақоми, лимаоллоҳ манзили.

Эй Навоий, мосиваллохдин кесилмак кимсани,
Лимааллоҳ манзилига еткурур аввал қадам.

Фавойид ул-кибар, 269-б.

Ишқ маҳв этти мени, сен чиқ ародин, эй сабо,
Лимааллоҳнинг мақомида не ҳожат Жабраил?

Бадоеъ ул-бидоя, 595-б.

3) Аллоҳнинг ҳузуридаги арш остонасига ёстонмоқ, Аллоҳ билан бирга бўлиш.

Лимааллоҳ остонин ёстониб,
Қоба қовсайн иттиҳодин қозгониб.

Лисон ут-тайр, 19-б.

4) поклик мақоми.

Қилиб майл уммат низомига ҳам,
Ёниб «Лимааллоҳ» мақомига ҳам.

Садди Искандарий, 31-б.

ЛИМАН [*а.* لمن] ...-га хос.

Лиман ил-мулк Сўз мулки Ун (Аллоҳ)га хос.

Суз «Лиман ил-мулк» улуб ул дам анга,
Ким ангадур мулк мусаллам анга.

Ҳайрат ул-аброр, 25-б.

Лимуфиз ил-карам Файз бахш этувчи Парвардигори олам.

«Ҳайра саноин лимуфиз ил-карам»,
Ким карамидин эрур эл муҳтарам.

Ҳайрат ул-аброр, 15-б.

ЛИСОН [*а.* لسان] Тил.

Лисон ул-вақт 1) вақт тили; 2) замонасининг алломаси, замона сирларини билувчи.

[*Аб ул-Ҳусайн Ҳусрий р. т.*]. *Шайх Суламий дебдурки, машойих орасида андин тамомҳолроқ ва ширин забонроқ, улуқ сузроқ курмадим. Лисон ул-вақт эди ва машойих ягонаси.*

Насойим ул-муҳаббат, 163-б.

[*Шайх Абу Али Даққоқ р. т.*]. *Лисон ул-вақт эди ва бу фанда вақтнинг имоми эрди.*

Насойим ул-муҳаббат, 204-б.

ЛИҲИЯ [*а.* لحيه] Соқол, эркак кишининг юз, чакка туклари.

Яна таҳлил қилмоқ лиҳияга зам,
Оёг бирла илик бармоғлари ҳам.

Сирож ул-муслимин, 280-б.

ЛОЖУВАРДИЙНИШОН [*ф.* لاجوردي نشان] Тўқ кўк-ложувард тусли.

Суроҳий келиб ложувардийнишон,
Қилиб они зарҳал била шустмон.

Садди Искандарий, 312-б.

ЛО [*а.* لا] Йўқ, эмас.

Ло илониҳоя Шу топда, охир-оқибат.

Ва мунинг шакар гуфторлигига ло илониҳоя мужда син еткургай.

Муншаот, 181-б.

ЛОЛАГУНЛУҚ [*ф.-т.* لاله گون لوق] Лолага ўхшаганлик, лоларанглик, қизил ранглик.

Ҳар нечаким юз улса ҳижронда заъфарони,
Ғам йуқ берур чу қон ёш ул юзга лолагунлуқ.

Фавойид ул-кибар, 215-б.

ЛОЛАКОР [*ф.* لاله كار] Лоладай қизил, лоларанг; лоладай таъсир қилувчи.

Бир гул юзи фироқида хуноби ашк ила
Юз заъфарони ичра кузум лолакордур.

Наводир уш-шабоб, 138-б.

ЛОЛЛИҚ [*а.-т.* لال لق] Лол ва ҳайрон бўлиб қолишлик

Лутфу хулқидин икки ахзар пуш,
Лолликдин бор эрдилар хомуш.

Сабъаи сайёр, 204-б.

ЛОМ-АЛИФ [*а.* (لا) لام الف] Араб алифбосидаги лом ва алиф ҳарфларини, уларнинг «баҳри лом-алиф»да бирикма тарзида келиши; қул қовуштириш, қайчи.

Лом-алифнинг лоларухларининг лобаси «Фавойид» дин.

Фавойид ул-кибар, 388-б.

ЛОРАЙБ [*а.* لاريب] Илоҳийлик

Илми лорайб Улуҳият илми.

Анга ҳамдким илми лорайб эрур,
Ҳамул илм ила олимул-ғайб эрур.

Муншаот, 153-б.

ЛОФАТО [*а.* لافتا] Қуръони карим сўзи, ўтмадими?

Ул Тенгрики, жовид бақо келди анга,
Ончаки баҳо жуду ато келди анга,
Бир дустга нукта «Ҳал ато» келди анга,
Ким, зот аро васфи «Лофато» келди анга.

Назм ул-жавоҳир, 123-б.

ЛОФИЯ [*а.* لافيه] Лоф, ёлғон гап; муболаға.

Не сафо лофия урар ҳиндуи оташдони,
Уй ёрутмас кусов, ун қатла ёрутсанг они.

Фавойид ул-кибар, 530-б.

ЛОШАЙЪ [*а.* لاشيء] Ҳеч нарса, ҳеч нарсага арзимайди (сариқ чақага ҳам арзимайди).

Нимаки айласа бўлғай анга шай итлоқи,
Кўзунгга олма нединким жаҳон эрур лошай.

Наводир ун-ниҳоя, 529-б.

ЛОЯ [*ф.* لايه] Хитойи ипак тўқимасидан қилинган беқасам тун.

Сенинг гулгун тунунгким, нақш эрур зарриштадин ҳар ён,
Биайниҳ уйладурким, зарварақ остидаги лоя.

Фавойид ул-кибар, 366-б.

ЛОҒ I [*т.* لاغ] Жой, манзил.

Хаёлинг этти Навоий бошинда манзилгаҳ,
Нединки бир тепада жорий эрди икки бу лоғ.

Наводир уш-шабоб, 218-б.

ЛОҒ II [*т.* لاغ] Ҳазил, эрмак; найранг.

Ёр аёғин суға солди, кузум тулди сиришк,
Эй Навоий, бўйла балиғқа керак мундоқ бу лоғ.

Наводир уш-шабоб, 216-б.

ЛОҒ-ДОҒ [*ф.* لاغ داغ] Ловуллаб доғланиш, ловуллаб куйиш.

Демаким, не доғдур кунглунгдаким, ўтлуғ кўзунг,
Қўйди анда кўргузуб юз лоба бирла лоғ-доғ.

Наводир уш-шабоб, 217-б.

ЛУЪБФИГАН [*а.-ф.* لعب فگن] Уйин қилувчи, ўйновчи.

Демайин муҳрабози шуъбадафан,
Балки луъбатнамойи луъбфиган.

Сабъаи Сайёр, 45-б.

ЛУҚМАХОҲ [*а.-ф.* لقمه خواه] **1** Еб-ичишни хоҳлаш; инъом-эҳсон хоҳлаш.

2 Таъмагир.

Шаҳ чу тамаъ қилди эрур луқмахоҳ,
Қонеъи дарвеш эрур подшоҳ.

Ҳайрат ул-аброр, 165-б.

ЛУҚТА [*а.* لقطه] **1** Кишиларнинг йуқолган буюмларини бошқа бир киши топиб олиши; йуқолган буюм.

2 Вақф моли.

[*Бунон б. Муҳаммад Ҳаммол қ. т. с.*]. *Ишим суубатқа етканда, борадургонда бир парча олтун тушуб ётур эрди. Олай дедим, олмадимки, луқтадур.*

Насойим ул-муҳаббат, 111-б.

ЛУҒОМ [*а.* لغام] Тоғ номи.

[*Абу Али Ворижий қ. с.*]. *Дедиким, Лугом тоғида эрдим, ириг палос кийиб эрдим.*

Насойим ул-муҳаббат, 176-б.

М

МАВАДДАТХИСОЛ [*а.* مودت خصال] Дўстлик фазилати, хислати, сифати.

Магар Шом мулкида эрди бу ҳол
Ки, ики рафиқи маваддатхисол.

Садди Искандарий, 154-б.

МАВЖСИЗ [*а.-т.* موج سز] Тўлқинсиз, тошқинсиз.

Сув вужудидин тенгиз бўлди тенгиз,
Бўлса ул гар мавжлуқ гар мавжсиз.

Лисон ут-тайр, 269-б.

МАВИЗ [*ф.* مویز] Майиз.

Анга ичмак бўлуб ноком янглиг,
Мавизу шираи бодом янглиг.

Фарҳод ва Ширин, 68-б.

МАВОИД [*а.* مواعد] **1** Сўз бериш, ваъда, ваъда қилинган нарсалар.
2 Ваъда вақти, аҳд-паймон пайти.

Яна андаги элга фармон қилиб,
Борига мавоид эҳсон қилиб.

Садди Искандарий, 205-б.

МАВОЛИД [*а.* موالید] **1** Туғилганлар.
2 Фарзандлар.
3 Юзага келган нарсалар.
Маволиди салос Жонсиз табиат, наботот ва ҳайвонот.

Бўлса маволиди салос ул учи,
Бу ети обонинг ишин қилгучи.

Ҳайрат ул-аброр, 103-б.

МАВОСИҚ [*а.* موثق] Аҳд-паймон; қасамёд; ваъда.

[*Шайх Саъдуддин Ҳуммуйий қ. с.*]. *Шайх Садруддин Кунявий анинг суҳбатига етар экандур. Дебдурки, ул дедики, мавосиқ еттидур.*

Насойим ул-муҳаббат, 294-б.

МАВТ [*а.* موت] **1** Ўлим; дунёвий лаззатлардан тийилиш.
Мавти абяз 1) оқ ўлим; 2) очлик. **Мавти асвад** 1) қора улим; 2) сабр, 3) одамларнинг туҳмат ва бўҳтонларига сабр қилиш. **Мавти ахзар** 1) яшил ўлим; 2) жулдур кийимдан жанда тикмоқ **Мавти аҳмар** 1) қизил ўлим; 2) нафсни енгиш.

[*Ҳотам Асамм қ. с.*]. *Ва ҳам ул дебдурки, ҳар ким бу йўлга кирар, тўрт ўлумни ўзига тутмак керак: мавти абяз – ва ул қорин очлигидур ва мавти асвад – ва ул халқ изосига сабр қилмақдур ва мавти*

аҳмар – ва ул нафс мухолафатидур ва мавти ахзар – ва ул хирқаға юрунлар тикмакдур.

Насойим ул-муҳаббат, 53-б.

МАВЪИЗАПАРДОЗ [*а.-ф.* موعظه پرداز] Ваъз айтувчи, ўгит айтувчи; насиҳат қилувчи.

... бу байтларнинг насиҳатсоз воъизлари ва мавъизапардоз носиҳлари монеъ бўлғайлар.

Бадоеъ ул-бидоя, 21-б.

МАВЪИЗАТАНГИЗ [*а.-ф.* موعظت انگیز] Насиҳатомиз, ўгитона; панд-насиҳат берувчи.

... анда маърифатомиз бир ғазал топилмағай ва ғазал бўлғайким, анда мавъизатангиз бир байт бўлмағай.

Бадоеъ ул-бидоя, 21-б.

МАВЪИЗАТОСО [*а.-ф.* موعظت آسا] Ваъзга ухшаш, ўгитдек, насиҳатга ухшаш.

... бирор-иккирор насиҳаторо ва маъизатосо байт иртикоб қилиндиким, аларнинг ламъайи рухсори иффат бурқаъидин кўп ташқари ломиъ бўлмағай...

Бадоеъ ул-бидоя, 21-б.

МАДАДКОРЛИҚ [*а.-ф.-т.* مددکار لیق] Мададкор бўлишлик.

Не ҳикмат анга еткурур ёрлиқ,
Не ойини дониш мададкорлиқ.

Садди Искандарий, 412-б.

МАДХУЛИН [*а.* مدخولین] Компонент; кириш.

– «Аз калбуҳим» таркибида «аз» – «мин» маъноси биладур, «мин» ҳуруфи жорраднидур ва мадхулин мажрур қилур ва бу таркибда уз амалин қилса, қофия ғалат бўлур.

Хамсат ул-мутаҳаййирин, 22-б.

МАЖБУБ [*а.* مجبوب] Аруз атамаси.

... фаул-мажбуб, фоъ-асалл; фаъ-абтар.

Мезон ул-авзон, 48-б.

МАЖЛИСНИШИН [*а.-ф.* مجلس نشین] Мажлисда утирувчи

Ки, уч кимсадур садри мажлиснишин,
Қилиб шарҳ бир-бир аларнинг ишин.

Садди Искандарий, 573-б.

МАЖНУНВАШЛИҒ [*а.-ф.-т.* مجنون وش لیغ] Мажнунга ухшашлик; жунун сифатлик.

Гоҳи мажнунвашлиғи бирла бўлурмен музтариб,
Гоҳ беҳол улмоғидин заъф аро беҳолмен.

Наводир ун-ниҳоя, 415-б.

МАЖНУНКИРДОР [*а.-ф.* مجنون کردار] Мажнун табиатли; мажнунвор

Сабрсиз кунглининг ишқ ва жунунин ва нотавон ҳолининг дарду шавқи бир-биридин фузунин девонавор дегони ва мажнункирдор адо қилғони.

Мажолис ун-нафоис, 194-б.

МАЖОЛИС [*а.* مجلس] Алишер Навоий «Мажолис ун-нафоис» асарининг қисқартма шакли.

Ўзгасин қилмадим андин мазкур,
Ки, «Мажолис»да эрурлар мастур.

Фавойид ул-кибар, 506-б.

МАЖҲУЛВОР [*а.-ф.* مجهول وار] **1** Номаълумга ухшаш, ганилмаган.

2 Бегона.

3 Беъэтибор.

[*Хожа Аҳмад б...*]. *Чун уйғонди, уч мувофиқ ёр пайдо қилди ва мажҳулвор андоқки, эл танимағай.*

Насойим ул-муҳаббат, 227-б.

МАЗАЛИҒ [*а.-т.* مزه ليغ] Таъмлик, мазалик.

[*Шайх Райҳон қ. с.*]. *Шайх анинг илигидин риквани олиб, ул судин ҳариса устига қуюбдур, латиф мазалиғ ёғ экандур.*

Насойим ул-муҳаббат, 416-б.

МАЗАРРАТ [*а.* مضرت] Зарар, зиён, мусибат, офат

Оз сўз демакнинг манфаатидаву куп сузнинг мазарратида.

Ғаройиб ус-сиғар, 549-б.

Ва ул ҳуққа лаолиси мазарратидин қалам тили лол ва бу золнинг жамъи завол дурур.

Ҳайрат ул-аброр, 245-б.

МАЗАСИЗ [*а.-т.* مزه سيز] Бемаъни, маъносиз.

Ул ерларда бу навъ ухшаши йуқ, мазасиз мукобаралар гоҳи воқеъ булур.

Мажолис ун-нафоис, 64-б.

МАЗДАК [*ф.* مزدك] **1** Ут, олов.

... ва дай шоҳи шабихунидин ут зардуштининг хайли манқал қурғонида ҳисорий ва баҳман чериги чопкунидин шарора маздакининг сипоҳи тош бирла темур қалъасида мутаворий.

Муншаот, 140-б.

2 Тарихий шахс номи (маздакийлик ғаълимотининг асосчиси, зардуштлик эволюцияси жараёнидаги босқичлардан бири), у Эрон шоҳи Қубод I (488–531) замонида яшаб ўтган

... ва Маздаки лаин Қубод замонида пайдо булуб, нубувват даъвоси ошкор қилди ва элни бир-бирининг моли ва аёлиға шарикликка рухсат берди.

Тарихи мулуки ажам, 240-б.

МАЗМАЗА [*а.* مضمضه] Оғиз чайиш.

Мазмаза қилмоқ Ғарғара қилмоқ; таҳорат қилиш вақтида сув билан оғиз-томоқ йулларини чайиш

Чу бўлди мазмаза қилмоқ мукаррар,
Бил истиншоқ ҳам мундоқ муқаррар.

Сирож ул-муслимин, 280-б.

Оғизға мазмаза қилмоқ билгил,
Бурунға дағи истиншоқ қилғил.

Сирож ул-муслимин, 281-б

МАЗОРЕЪ [*а.* مزارع] Экинзор.

Ки, ободу бум ичра воқеъдурур,
Жазоирки анда мазореъдурур.

Садди Искандарий, 487-б.

МАИС [*ф.* میس] Май, ваҳдат майи, майхона.

Бу зуҳд шайхи худписанд иши, ул узр ринди ниёзманд иши. Бу бири умиди жовидга сармоя ва ул бири маиси муаббадга пироя.

Маҳбуб ул-қулуб, 100-б.

МАЙГУНЛУҒ [*ф.-т.* میگون لوغ] Май ранглик, қип-қизил ранглик.

Агар майгунлуғидин ранг айлар эрса машшота,
Кузумнинг мардумин қуйгул уюб ул турфаҳол узра.

Фавойид ул-кибар, 372-б.

МАЙДОННАВАРД [*ф.* میدان نورد] Майдон кезувчи; жанг майдони.

Чопиб Барбарий булди майдоннавард,
Муборизи тилар эрди истаб набард.

Садди Искандарий, 180-б.

МАЙМАНА [*а.* میمنه] **1** Қўшиннинг унг қаноти.

2 Киши исми

Май булубон қути ҳаёти анинг,
Халқ ичида Маймана оти анинг.

Ҳайрат ул-аброр, 265-б.

МАЙОЛО [*ф.* می آلا] Май юққан, май аралаш; май, ваҳдат майи.

Мусалло гаравда майоло бўлуб,
Ридо гўшаси бодаполо бўлуб.

Садди Искандарий, 18-б.

МАЙОЛУД(А) [*ф.* می آلود/می آلوده] Май аралаш, май юққан, май теккан

Майга ашким лаълидин олудалиг гар истамас,
Не учун соқий лаби лаълин майолуд айлади.

Ғаройиб ус-сиғар, 482-б.

Чоклик жон қолур ўти су аро,
Чун майолуда бўлур ул ики лаб.

Фавойид ул-кибар, 36-б.

МАЙРУҚ [*т.* میروق] Эгри-бугри.

Бинафшанинг нега бўлмиш димоғи мунча улуқ,
Ки, ул сенинг хатинга ҳиндуйидурур майруқ.

Бадоеъ ул-васат, 230-б.

МАЙСИЗ [*ф.-т.* می سز] **1** Шаробсиз, бодасиз.

2 Шароб қадаҳисиз, жомсиз, пиёласиз.

Базм эмас боғ ичра майсизким, ҳунарвар илгидин
Бўлди рангин мум ҳар қолаб била ҳайъатпазир.

Ғаройиб ус-сиғар, 167-б.

3 *тасаввуфда* Бирлик майисиз, ваҳдат майисиз.

Ўзунгни асрама бир лаҳза мутрибу майсиз,
Десанг бу ғамкада ичра бўлай сурур била.

Бадоеъ ул-васат, 395-б.

4 Художуйлик.

5 Нашъасиз.

Кеча хонақаҳ ичра сармаст эдим,
Бугун майсиз итти қарорим менинг.

Бадоеъ ул-бидоя, 606-б.

6 Суфийликда бирликсиз, бирикиб кетмаслик.

Айш айладилар неча туну кун
Ким, не куни майсиз эрди, не тун.

Лайли ва Мажнун, 242-б.

МАЙСУР [*а.* ميسور] Муяссар бўлган, мумкин бўлган; енгиллашган, ўнғай.

Ва ҳеч кишига фазлу ҳунар аҳлидин майсур, балки кўпрак навъи башарга мақдур эмас.

Насойим ул-муҳаббат, 393-б.

МАКРУМАТ [*а.* مكرمت] **1** Ҳурмат, шараф, иззат.

2 Сахийлик; улуғлик.

Макрумати волидайн Ота-онани ҳурмат қилиш.

Бири эрур макрумати волидайн,
Билки мунинг қилмоғидур фарзи айн.

Ҳайрат ул-аброр, 160-б.

МАКТУБОТ [*а.* مكتوبات] Мактублар, ёзишмалар, ёзувлар, хатлар.

Айн ул-кузот мактуботидин бирида дебдурки, оз киши бу тоифадин зоҳирий улум билгай, Хожа Имом Абу Ҳомид Ғаззолий ва қардоши Шайх Аҳмад Ғаззолий бу жумладиндур.

Насойим ул-муҳаббат, 283-б.

МАЛАИЛ-АЪЛО [*а.* ملاء الاعلى] Арши аъло, энг юксак арш.

[*Хожа Абдуллоҳ Ансорий қ. с.*]. *Аларнинг мутаҳҳар руҳи чун малаил-аълога азимат қилди ва асҳобнинг ҳаёти қуши ҳамул тойири қудсийдин ирашти, фазаи акбар малаи аълога етишти, чун ул пок муҳиб узин пок маҳбуб висолига солди – олам жонсиз бадандек холи қолди.*

Хамсат ул-мутаҳаййирин, 77-б.

МАЛАК [*а.* ملك] **1** Фаришта.

2 Гўзал.

Малак ул-мавт Ўлим фаришгаси; ажал фаришгаси, Азроил фаришгасининг сифатларидан бири.

[*Имом Аъзам қ. т. с.*]. *Дебдурларким, замон халифаси Малак ул-мавтни туш кўрди ва сурдиким: менинг умрумдин неча қолибдур?*

Насойим ул-муҳаббат, 32-б.

МАЛИКЗОДА [*а.-ф.* ملك زاده] Подшоҳзода, хонзода.

Ва душманлар Сакина тобутидин неча пайғамбарзода ва маликзода била торож ва асир элттилар.

Тарихи анбиё ва ҳукамо, 155-б.

МАЛИК [*а.* ملك] Подшо, ҳукмрон, султон.

Малик ут-гужжор Савдогарлар султони.

Чун бу мавзун ҳаракатлик дилкашлару бу матбуъ сифатлик шуҳвашлар эллик, олтмиш ё юзга яқин бўлсалар эрди, бу фақир савдойий бир тожирдекким, малик ут-тужжор деса бўлғай.

Ғаройиб ус-сиғар, 17-б.

МАЛОМАТИЙ [*а.* ملامتي] Маломатийлик, маломатия тариқатига мансуб (киши).

Саломат аҳлининг малакваишлиққа майли ва ўзидек маломатийларни шайтон хайле дебтур.

Бадоеъ ул-васат, 491-б.

[*Мира Нисобурий р. т.*]. *Пире эрди, бузург суфийлардин ва маломатий эрди.*

Насойим ул-муҳаббат, 184-б.

МАЛОМАТИЯ [*а.* ملامتية] IX асрда Нишопурда пайдо булган тариқат Бу тариқатни қабул қилганлар ўзларининг малакаларини ошириш, кунгилларини покиза тутиб, сунний мазҳабга қатъий риоя қилишлари шарт бўлган.

Ҳамоноки, сўз маломатия зикрига етти, бирав айттиким, маломатия сузи бизинг шонимиз эмас, биз бу сўзнинг кими булурбиз?

Насойим ул-муҳаббат, 53-б.

[*Абу Мансур Говкулоҳ қ. т. с.*]. *Шайх ул-ислом дебдурки, Маломатия машойихидиндур.*

Насойим ул-муҳаббат, 109-б.

МАЛОҲАТЛИҒ [*а.-т.* ملاحت ليغ] Ёқимлилик, ширинлилик, малоҳатлилик.

Дам урма рақиб, ул десун, сузки бор.
Малоҳатлиг элдин ҳикоят малиҳ.

Фавойид ул-кибар, 79-б.

МАНЗАЛА [*а.* منزله] Мақом, мартаба; юксак даража.

Чун арабий тил ва мақол била... ва улувви манзаладин ва бири ниҳояти наҳусат ва динувви мартабадин орадин чиқтилар.

Муҳокамат ул-луғатайн, 11-б.

МАНЗАР [*а.* منظر] 1 Кузатиб турилган жой, объект, кўриниш, шакл.

Кофири золим сиришти ишвагар
Ёна ул манзардин улди жилвагар.

Лисон ут-тайр,111-б.

2 Тарсо қизи кўзда тутилган.

Ул ғарибу ошиқу зору қари,
Йул уза ётиб кузи Манзар сари.

Лисон ут-тайр,110-б.

3 Осмон, фалак.

Турфа манзардин чу ҳуснунг булди фош,
Уйлаким, туртинчи манзардин қуёш.

Лисон ут-тайр,113-б.

Эй етти манзар тархига меъмори сунъунгдин бино,
Маснуълар фоний, вале маслуби сонеъдин фано.

Фавойид ул-кибар, 7-б.

МАНЗАРЛИҒ [*а.-т.* منظرلیق] Куринишлик, назар ташлайдиган жойлик.

Ва жаҳл шоми тийра манзарлиғидаким, ғафлат чоҳини залолат кечасида зоҳир қилиб, бу кечада шақоватдин фасона айтур.

Ҳайрат ул-аброр, 212-б.

МАНЗИЛ-БАМАНЗИЛ [*а.-ф.*-а. منزل بمنزل] Манзилдан-манзилга; юрт-ма-юрт, работма-работ, маррама-марра, йўлма-йўл.

Икки куз манзилинг, эй моҳи маҳмил,
Кунгулга азм қил манзил-баманзил.

Наводир ун-ниҳоя, 337-б.

Ики кун турмайин бир ерда маҳмил,
Азимат айлабон манзил-баманзил.

Фарҳод ва Ширин, 134-б.

Кесарлар эрди йўлни гом-баргом,
Юруб манзил-баманзил тутмай ором.

Фарҳод ва Ширин, 223-б.

МАНОМ [*а.* منام] 1 Ётоқхона, ухлаш жойи.

2 *тасаввуфда* Туш кўриш, тушида кўриш, баъзи бир ҳолатлар туш орка-ли шоён бўлиши.

Ва маном тақлилида эътидол тариқи била кўшиш қилмақ...

Насойим ул-муҳаббат, 270-б.

МАНОФИЙ [*а.* منافی] Хилоф, зид.

Йуқ эрса қуссаким, қон келса софий,
Икисидур таҳоратқа манофий.

Сирож ул-муслимин, 281-б.

МАНОҲИЙ [*а.* مناهی] Ман қилинган нарсалар, шариатда ман этилган нарсалар.

Базмиға май келтургали муҳтасиб рози ва майга бодапола риши қози, кишварки, анда маноҳий мундоқ беҳисоб бўлгай, ислом ва ша-риатга не иззат ва не ҳисоб бўлгай.

Маҳбуб ул-қулуб, 17-б.

МАНСУБЛУҚ, =лук [*а.-т.* منسوب لوق// منسوب لوك] 1 Тегишлилик, доир-лик; тааллуқлилик

2 Қариндошлик, яқинлик.

Чу топтуқ жанобингга мансублуқ,
Фузун бўлди ҳайратқа маглублуқ.

Садди Искандарий, 304-б.

Бу таъриф қилгон ишқ ва бу баён этган аҳли ишқ маъшуқ вуж-уди бирла қойимдурлар ва бу адо топқон ҳолотга мансублуклари дойим.

Маҳбуб ул-қулуб, 66-б.

МАНСУРВОР [*а.-ф.* منثوروار] 1 Паришон ва тартибсиз каби.

2 Ипга тизилган каби.

3 Наср билан ёзилган, равондек.

... ва вафо шажараси соясида мурод самарасидин натижа кўр-ганлар оёғига чархнинг мутаоқиб зурубидин ҳар ситам тешаси

тегса мансурвор нутқларини ғайри сонеъ кун фаякун шукрига такаллум қилмоғусидур.

Муншаот, 146-б.

МАНФААТАНГИЗ [*а.-ф.* منفعت انگیز] **1** Манфаатли.

2 Даромадли; фойдали.

... барча латофатомиз; ва нафиъ муқаттаот, барча манфаатангиз...

Бадоеъ ул-бидоя, 22-б.

МАНФААТЛИҚ [*а.-т.* منفعت لیق] **1** Манфаатлик, фойдалик.

2 Даромадлик.

Аммо ул ҳазратнинг кимё хосиятлиқ илтифотларидин ва иксир манфаатлиқ муроотларидин мулозаматда беихтиёр ва убудиятда девонавор эрдим...

Бадоеъ ул-бидоя, 17-б.

МАНҚАЛОЙИН [*а.-ф.* منقل ایمن] **1** Утдондек, отапдонга ўхшаш; манқалдаги утдек.

2 Сихлик кабоб пиширишга мўлжалланган хумдон ёки (кўра) учоқдек.

Анинг манқали шийра тазйин келиб,
Мунинг шийраси манқалойин келиб.

Садди Искандарий, 223-б.

МАНҚАНАЪ [*а.* من قنع] Қаноат қилиш.

Қоққил, Навоий, ушбу эшикни лажож ила,
Ким собит улди фақрда мазмуни манқанаъ.

Бадоеъ ул-васат, 209-б.

Азза манқанаъ Кимки қаноат қилса азиз булади. «Залла ман тамаъа, азза ман қанаъа» ибораси маъносига ишора.

Элни хор айлаган тамаъ билгил,
Доимо азза манқанаъ билгил.

Фавойид ул-кибар, 531-б.

МАНҚАРИБ [*а.* منقریب] Тақдир этиш, тақдир булиш.

Ул ошкор этти ва мен ёшурдум. Менким ёшурдум, тождорлиғ манқариб булди.

Маҳбуб ул-қулуб, 61-б.

МАОРИФНИГОР [*а.-ф.* معارف نگار] Машҳур, донг таратган, довруғи кетган, таниқли; буюклик.

... ул ҳазрат уз пок табълари натижасидин зоҳир булгон рисолаки, уз маорифнигор килки таҳрири эрди...

Муҳокамат ул-луғатайн, 39-б.

... ва соликнинг розилиққа мутаассир булгони тавсифида варақ юзига маорифнигор хома урубтур...

Маҳбуб ул-қулуб, 65-б.

[*Шайх Шамсуддин Муҳаммад Ҳофиз Шерозий қ. с.*]. *Чун аларнинг ашъори маорифнигори андин машҳурроқдурки, иродга эҳтиёж булгай.*

Насойим ул-муҳаббат, 480-б.

МАОСИЙ [*а.* معاصی] **1** Гуноҳкор, айбдор, гуноҳга ботган, осий.

2 Дин ва шариат қонун-қоидаларига хилоф йўсинда иш тутиш.

Қодиро, ул заифи осиймен
Ки, бошимдин-оёк маосиймен.

Сабъаи сайёр, 14-б.

Бировким Ҳақ амриға осий бўлур,
Неким қилса журму маосий бўлур.

Садди Искандарий, 118-б.

МАРДИМАРДОНА [*ф.* مردِ مردانه] **1** Қаҳрамон, баҳодир эр, мардларнинг марди.

2 Тўғри сўз, содиқ

Шайх дедики, Жунайд ва Боязид бу аҳдда бўлсалар эрди ул мардимардонанинг гошиясин кўтаргойлар эрди ва миннат жонларига қўйғайлар эрди.

Насойим ул-муҳаббат, 329-б.

МАРДУМАКВОР [*ф.* مردمک وار] **1** Кўз қорачиғига ўхшаш, кўз қорачиғидек.

2 Қўйдек.

Юзу мардумаквор холим сўзи,
Дегил гул уза тушти булбул кўзи.

Садди Искандарий, 415-б.

МАРДУМШИКОР [*ф.* مردم شکار] Одам овловчи.

Чу аҳволида булди заъф ошкор,
Белидин тутуб гурди мардумшикор.

Садди Искандарий, 183-б.

МАРЗУҚ [*а.* مرزوق] Насиб этилган, ризқ-руз этилган; ризқланган, ризқи берилган, ризқли.

Мундоқ деҳқон Одамнинг фарзанди халафидур, балки марзуқлар анга фарзанд ва ул Одами сафийдур.

Маҳбуб ул-қулуб, 38-б.

МАРМАР [*а.* مرمر] Ҳар хил рангда учрайдиган қимматбаҳо тош.

Совурди чун шажар баргини сарсар,
Сунинг сиймобини дай қилди мармар.

Фарҳод ва Ширин, 104-б.

Бир вақт етибки тунд сарсар,
Ёпқай сув ҳарири узра мармар.

Лайли ва Мажнун, 278-б.

МАРМАРИЙ [*а.* مرمري] Мармарга ўхшаган, мармардек.

Қуёш лаъли чекиб тоғ узра авранг,
Фалакни субҳ қилди мармарий ранг.

Фарҳод ва Ширин, 89-б.

МАРМУЗ [*а.* مرموز] Рамзли, рамз қилинган, киноялн.

[*Шайх Саъдуддин Ҳуммуйий қ. с.*]. *Ва мусаннафотида мармуз сўзлар мушкул калимоту арқом ва ашколу давойир кўпдурки, ақлу фикр назари анинг кашфу ҳаллидин ожиздур.*

Насойим ул-муҳаббат, 294-б.

МАРТУБ [*а.* مرطوب] **1** Рутубатли, намли.

2 Табиатда рутубат устун келган киши.

Кўзум ашкини йўқ, лекин қурутмоқ баҳрни мумкин
Ки, хилқат важҳидин табъи мунунг мартуб эмас анга.

Фавойид ул-кибар, 23-б.

МАРҲАМСИЗ [*а.-т.* مرحم سز] Малҳамсиз, бедаво.

Кўнгул гамини деб аҳбоб, раҳм қилди ҳабиб,
Менинг жароҳатим эрдики, қолди марҳамсиз.

Бадоеъ ул-бидоя, 201-б.

МАСБУТ [*а.* مثبوت] Исботланган, асосланган.

Ва Исо а. с. нинг муъжизоти баҳоят ғариб ва қуптур. Мусбутроқ кутубдин маълум қилса бўлур.

Тарихи анбиё ва ҳукамо, 180-б.

МАСИҲОВАШ [*а.-ф.* مسیحاوش] Исо-Масиҳо нафасидек, Масиҳ «куф-суф» қилгандек.

Масиҳоваш алқисса юз дам тузуб,
Кеча андоқ ўлтурганин турғузуб.

Садди Искандарий, 225-б.

МАСИҲМИСОЛ [*а.* مسیح مثال] Масиҳдай, Масиҳ сингари, Масиҳ нафасли.

Руҳпарварлиқда анинг жонафзо баёнидек масиҳмисол ва руҳгустарлиқда анинг ҳаётосо алҳонидек довудтимсол.

Муншаот, 225-б.

МАСИҲОМИСОЛ [*а.* مسیحا مثال] Исодек.

Ҳакими Масиҳомисол Арастудек.

Яна қатла дорйи дарёнавол
Деди: К-эй, ҳакими Масиҳомисол.

Садди Искандарий, 230-б.

МАСИҲЧА [*а.-т.* مسیحچه] Масиҳ каби, Масиҳ нафасича.

Сабо дебон хабар ул гулдун элни тирғузди,
Масиҳча деса бўлгай анинг рисолати бор.

Наводир ун-ниҳоя, 128-б.

МАСКУКОТ [*а.* مسکوکات] **1** Олтинлар.

2 Олтиндан зарб қилинган ақча, тангалар.

Ва танга ва пул сойир маскукотни нима қотиб беиёр ясар эрдилар. Ва ўғрилиқ ва қароқчилиқ қилур эрдилар.

Тарихи анбиё ва ҳукамо, 132-б.

МАСНАДГОҲ [*а.-ф.* مسندگاه] **1** Хобгоҳ, жойгоҳ; подшоҳларнинг ухлаши ва дам олиши учун тайёрланган махсус хобгоҳ.

2 Тахт, авранг

3 Юксак ўрин.

Яна уйқу нишоти истади шоҳ,
Солдилар оқ уй ичра маснадгоҳ.

Сабъаи сайёр, 335-б.

МАСНО [*а.* مثنا] Иккинчи.

Бир била топмай бу жаноҳ инқитоъ,
Бир неки, масно ва сулосу рубоъ.

Ҳайрат ул-аброр, 103-б.

МАСОФИЙ [*а.* مصافي] 1 Саф тортиш жойи; сафлик.
2 Жанг майдонилик; жанглик, жанговорлик.

Не пайкардурки, айлар ножиҳин тез,
Ўзи бирладурур масофий.

Бадоеъ ул-васат, 512-б.

МАСРУЪ [*а.* مصروع] 1 Ҳушсизланиш
2 Қуёнчик (тутқанок) дардига йўлиққан киши, асаб касалига мубтало бўлган киши.

Мен бўлуб беҳолу масруъ ўйлаким кўргай ҳилол,
Оби ҳайвондек кўруб жонбахш лафзи лийнатин.

Бадоеъ ул-васат, 480-б.

МАСТ-МУҒ [*ф.* مست مغ] Маст-мажусий, майхўр-оташпараст.

Маст-муғ ашжоридин абвоб анга,
Қуҳбаи тарсо қоши-меҳроб анга.

Ҳайрат ул-аброр, 135-б.

МАСТОНАЛИҒ [*ф.-т.* مستانه لیغ] Мастлик; шўхлик.

Айлайин дайри фано аҳли била ҳамхоналиг
Ким, маломат жомидин ҳосил этай мастоналиг.

Ғаройиб ус-сиғар, 510-б.

МАСТУРЛУҚ [*а.-т.* مستور لوق] 1 Беркитилганлик, пардаланганлик, яширинганлик, махфийлик.
2 Тусиқлик, пардалик; иффат пардалик
3 Тақводорлик, художўйлик, порсолик.
4 Унутилганлик, четда қолганлик.

Кўзи бўлгоч ул шуъладин нурлуқ,
Сув аҳлига рафъ ўлди мастурлуқ.

Садди Искандарий, 510-б.

... ҳар қачон ҳусн султони маҳбублуг ниқобларидин ва мастурлуг ҳижобларидин чиқмоқ асбобин тузса...

Маҳбуб ул-қулуб, 66–67-б.

МАСХАРАЛИК [*а.-т.* مسخره لیغ] Масхарабозлик, кулгига қолганлик; ўз айбларини очиш ва масхара бўлишлик билан хокисорлик йўлини маҳкам тутишлик.

Кишиликдин секримоқлар била қочиб, яхшилигдин масхаралиглар била маломат эшигин юзларига очиб.

Маҳбуб ул-қулуб, 39-б.

МАСЪАЛАГЎ [*а.-ф.* مسئله‌گو] 1 Масъала айтувчи, баҳс қилувчи, мунозара қилувчи.
2 Сўрагувчи, илтимос қилувчи.

Чун масъалагў қолиб муаттал,
Ўз шубҳаларин ўзи қилиб ҳал.

Лайли ва Мажнун, 41-б.

МАТВОРИ [*а.* متواري] Яширинш, кўздан пана бўлиш.

Каъбада матвори ўлдилар бори,
Ҳар бири бориб уётдин бир сори.

Лисон ут-тайр, 122-б.

МАФОИЛОН [*а.* مفاعلان] Аруз атамаси, луғавий маъноси булмаган, вазн кўрсатувчи арабча шартли сўзлардан бири.

... мафоилон – ватвийи музол...

Мезон ул-авзон, 50-б.

МАФРАШ [*а.* مفرش] Ерга тўшаладиган гилам, кигиз, шолча каби нарсалар, палос.

Мафраш айламак Тўшамоқ, ёймоқ

Ўларда тенгдурур шоҳ айласун гулшан гулин мафраш,
Вагар гулхан кули узра гадо соҳибфирош улсун.

Наводир уш-шабоб, 366-б.

МАФТУНЛУҒ [*а.-т.* مفتون لوغ] **1** Фитна қўзғашлик, ғавғо солувчилик, ўзига тортувчилик

2 Ошиқлик, шайдолик.

... ва номий муаммолар, барчаси от ёшурмоқда сотир; ва киромий луғзлар, барчанинг мафтунлуғи зоҳир...

Бадоеъ ул-бидоя, 23-б.

МАХБУН [*а.* مخبون] Аруз атамаси.

Ва сариъи матвий ва жадиди махбун ва мақбуз ва қарийби мақфуф ва матвий ва хафифи дифис махбун ва мақбуз ва мушокили мақфуфу мақсурки мусаддас ул-ажзодурлар...

Мезон ул-авзон, 54-б.

Рамали мусаддаси махбуни мақсур.

Мезон ул-авзон, 74-б.

МАХЗАН [*а.* مخزن] Хазина.

Махзан ул-асрор Сирлар хазинаси.

Чун рақам қилди «Туҳфат ул-аҳрор»,
Сочти оламга махзан ул-асрор.

Сабъаи сайёр, 43-б.

МАХЛУҚЛУҚ [*а.-т.* مخلوق لوق] Яратилганлик.

Шайх Абу Саъид қ. с. дебдурки, сузики, ул айтибдур, андоқ эмаски, кишига махлуқлуқда тушмиш булгай.

Насойим ул-муҳаббат, 491-б.

МАХОЗИН [*а.* مخازن] Хазиналар.

... ва бу махозин тилисимотини истеҳком била итмомга еткурмакнинг таҳрири...

Садди Искандарий, 561-б.

МАХОРИЖ [*а.* مخارج] **1** Чиқиш жойи; чиқиш

2 Нутқ товушларининг чиқиш жойи.

Гунбади рукнига махориж булуб,
Шаҳр йулидин йули хориж булуб.

Ҳайрат ул-аброр, 92-б.

МАХТУТ [*а.* مخطوط] **1** Ёзиш.

2 Ажратиш, фарқлаш.

... ё хомам тили таҳрир қилса эрди, филҳол ани мушкбор қалам бирла кофуркирдор сафҳага рақам қилиб, оқу қарони андин махтут қилур эрди...

Бадоеъ ул-бидоя, 13-б.

МАХФИЙНАМО [*а.-ф.* مخفی نما] Яширинган.

Сутурлоби махфийнамо Яширин нарсаларни кўрсатувчи устурлоб (астрономик ўлчов бирлиги)

Ул улди сутурлоби махфийнамо,
Бу бир булди миръоти гетинамо.

Садди Искандарий, 396-б.

МАШВАРАСИЗ [*а.-т.* مشوره سیر] Кенгашсиз, бемаслаҳат

Ройингга ҳар амрики, келди савоб
Машварасиз этма қулурга шитоб.

Ҳайрат ул-аброр, 326-б.

МАШИЯТ [*а.* مشیت] Хоҳиш, истак, ирода, орзу.

Махлас иши барчаға ниятдадур.
Топмоқ ани лек машиятдадур.

Ҳайрат ул-аброр, 108-б.

МАШКУЛ [*а.* مشکول] Боғланиш, тугилиш, танғилиш.

То булди сенинг ҳуснунга ошиқ уза ошиқ,
Иш булди менинг кунглума машкул уза мушкул.

Фавойид ул-кибар, 257-б.

МАШОИР [*а.* مشاعر] **1** Йул-йурик.

2 Ислом дини расм-русуми, Маккада ҳаж утказиш жойи, мусулмонларнинг ибодат қилиш жойи.

Анинг учунки, бизнинг қасдимиз бу изоми машоир ва адъияки, ҳар маҳалу мақомда қилилди...

Насойим ул-муҳаббат, 269-б.

МАШОҲИД [*а.* مشاهد] **1** Жамоат жойи, ҳозир булиш вақти.

2 Бирор кимсанинг шаҳид бўлган жойи, қабристон.

3 Шаҳодат бўлиш.

Ер чун барча замон нозир эрур ҳолингга, булгил
Бори ҳолатда машоҳид, бори эл бирла муваддаб.

Наводир ун-ниҳоя, 42-б.

МАШШОТАЛИҚ [*а.-т.* مشاطه لیق] Қиз ва келинларнинг сочларини тараб, оро берувчи, безантирувчи, пардозчи; зийнатгар, тароқчи.

... ва анинг холазодаси кафтори фартут ширкат била машшоталиқ тузгайлар ва бу келин зебу зийнатида сеҳрлар кургузгайлар...

Маҳбуб ул-қулуб, 42-б.

Даҳр арусинки, томошо қилиб,
Макр ила машшоталиқ ифшо қилиб.

Ҳайрат ул-аброр, 246-б.

МАШЪАЛАЧИ [*а.-т.* مشعله چی] Чироғчи, машъалачи.

Ушшоқ базми машъали бас оҳ шуъласи,
Ғам шоми қилма машъалачи ҳар сори сурог.

Бадоеъ ул-васат, 217-б.

МАШҒУЛЛИҒ [*а.-т.* مشغول لیغ] **1** Эгаллашлик, қулга киритишлик.

2 Бирор иш билан шуғулланишлик, машғул булишлик.

... аммо шоядки туфроғи бошида ҳеч машғуллиғидин таважжуҳда тақсире воқеъ булмиш булгай.

Насойим ул-муҳаббат, 307-б.

МАЪДАЛАТШИОР [*а.* معدلت شعار] Адолатли; инсофли.

Шаҳзодаи маъдалатшиор ул,
Етти ато шоҳу шаҳриёр ул.

Лайли ва Мажнун, 300-б.

МАЪДУД [*а.* معدود] **1** Саналган, саноқли.
2 Сафдош.

Кишвари исломки маъдуд эрур,
Халқи анинг ҳар неки мавжуд эрур.

Ҳайрат ул-аброр, 110-б

МАЪДУЛЛУҚ [*а.-т.* معدول لوق] Боқийлик, давомийлик.

Ва баъзи тилга ул амрдин маъдуллуқ дебдурлар ва кунгулга мудовамат ва машғуллуқ.

Маҳбуб ул-қулуб, 60-б.

МАЪМУРИЙ [*а.* معموري] Обод; байти маъмурий-обод хона, уй.

Яна бирнинг либоси кофурий
Ҳам бу ранг ичра байти маъмурий.

Сабъаи сайёр, 47-б.

МАЪНИСИЗ [*а.-т.* معني سز] **1** Бемаъни, мазмунсиз; шарҳсиз.
2 Фикрсиз, ғоясиз.
3 *тасаввуфда* Руҳсиз.

Ва баъзи кишининг балиғ маънилиқ алфозини маълум қилмас, балки, маънисиз алфозини сурмакдин ҳам гарази бемаъни эрканин билмас.

Назм ул-жавоҳир, 126-б.

МАЪНОЛИҚ [*а.-т.* معنالیق] **1** Мазмунлик
2 Фикрлик, ғоялик.
3 *тасаввуфда* Руҳлик, шавқу завқлик, шавқу завқ ҳолатидалик; узидан кетиш ҳолатидалик.

Ул дебдурки, чун муддаи курсангиз этакин берк тутунгки, маънолиқлар ва муҳаққиқлар кетибдурлар.

Насойим ул-муҳаббат, 204-б.

МАЪНОСИЗ [*а.-т.* معني سز] қ. **Маънисиз.**

МАЪШУҚШЕВА [*а.-ф.* معشوق شيوه] Маъшуқнамо, маҳбубнамо, ошиқларча.

... ва ошиқпеша беқарорларнинг жалиси меҳнати ва маъшуқшева гулъузорларнинг аниси суҳбати булуб...

Бадоеъ ул-бидоя, 13-б.

МАЪҚУЛСИНМАК [*а.-т.* معقو لسينمك] Маъқул кўрмоқ

Ул бу сузни маъқулсиниб, яхши ислик ашъёни икки қош орасига қуюб, нафасин юқори тортар эрди.

Мажолис ун-нафоис, 131-б.

МАҚБУЛЛУҚ [*а.-т.* مقبول لوق] Қабул қилинганлик, мақбуллик.

Бода бу мақбуллуқ зотимда мавжуд айлади,
Ким мени зуҳду риё аҳлига мардуд айлади.

Ғаройиб ус-сиғар, 481-б.

МАҚДАС [*а.* مقدس] Муқаддас.

Байти мақдас Байт ул-муқаддас (Қуддуси Шариф ва ундаги яҳудийларнинг зиёрат жойи).

Агар Зобулистонга солди футур,
Вале Байти мақдасқа берди сурур.

Садди Искандарий, 79-б.

МАҚДУРСИЗ [*а.-т.* مقدورسیز] **1** Қудрат ва имконга мувофиқ келмаслик; ножоиз, эҳтимолдан ташқари.

2 Қудратсиз; имкониятсиз.

3 Тақдирсиз.

Вале булди Борик иши нурсиз
Ки, кушиш қилиб эрди мақдурсиз.

Садди Искандарий, 183-б.

МАҚСАД [*а.* مقصد] Ният, истак, тилак.

Мақсади аслий Энг асл ният, мақсад, асл тилак.

То бу васила била топиб қабул
Мақсади аслий сори бўлгай нузул.

Ҳайрат ул-аброр, 163-б.

МАҚУЛОТ [*а.* مقولات] **1** Сўз, сўзлаш, гап.

2 Тур, хил, қисм.

[*Шайх Нажмуддин Розий...*]. *Ва бу рубоий анинг мақулотидиндур.*

Насойим ул-муҳаббат, 302-б.

МАҲБАРА [*а.* محبره] қ. **Меҳбара.**

МАҒБУНЛИҒ [*а.-т.* مغبونلیغ] **1** Алданганлик, зарар кўрганлик.

2 Одамгарчиликдан чиққанлик.

Мумсик ажзи асаридин кўпракдур,
Мағбунлиғи ҳам фақирдин кўпракдур,
Гар моли ҳисобу тирдин кўпракдур,
Фақри гани ҳақирдин кўпракдур.

Назм ул-жавоҳир (илмий-танқидий матн), 84-б.

МАҒЗ [*ф.* مغز] **1** Мағиз, данакли ёки пўчоқли меваларнинг ички қисми.

2 Ўзак.

3 Мия.

4 Ақл.

Мағзу пўст Эт ва тери, бир тан-бир жон.

Бири-бири бирла бўлушуб уйла дуст,
Ким кишиким кўрса дегай мағзу пўст.

Ҳайрат ул-аброр, 227-б.

МАҒЛУБЛИҒ [*а.-т.* مغلوب لیغ] **1** Енгилганлик, мағлублик.

2 Тасаввуфий ғолиблик, сулук йўлида кўзланган мақсадга етишишлик, яхши натижага эришишлик.

... бу иш баракатидин аларнинг жазбаси анга асар қилиб, бу навъ мағлублиғ ва беҳудлиғ анга даст берур.

Насойим ул-муҳаббат, 272-б.

МАҒЛУЛ [*а.* مغلول] Ғул солинган, бўйнига занжир солинган, бандга олинган (гуноҳкор ҳақида).

Иблис сифат эл сари майл этма Навоий,
То бўлмагасен зарқу риё қайдида маглул.

Наводир ун-ниҳоя, 336-б.

МАҒОРИБА [*а.* مغاربه] **1** Кун ботар, ғарб.
2 Ғарблик, мағрибга мансуб.
3 Мағриб заминда яшовчи.

[*Шайх Абулмакорим...*]. *Ҳам алар дебдурларки, Ҳаким Тирмизий ва жамоате мағорибадин дебдурларки, (авлиёликнинг бошланиши пайғамбарликнинг охиридур).*

Насойим ул-муҳаббат, 309-б.

МАҲБИТ [*а.* مهبط] Бориб тушиладиган жой; жойланиш фурсати.

Лекин учунчиси будурким, кўнгул
Чунки эрур маҳбити анвори кул.

Ҳайрат ул-аброр, 115-б.

МАҲБУБ [*а.* محبوب] Тасаввуфга доир асар номи.

[*Шайх Саъдуддин Ҳуммуйий қ. с.*]. *Зоҳирий ва ботиний улумда ягона эрмиш, кўп мусаннафоти бор. «Маҳбуб» дек ва «Сажанжал ул-арвоҳ» ва булурдин узга даги.*

Насойим ул-муҳаббат, 294-б.

МАҲБУЛ [*а.* محبول] Мубтало бўлган, гирифтор бўлган, тузоққа тушган; арқон била боғланган.

Ҳар неки ҳадис этти қўюб барчаси мавзуъ
Нақлеки машойихдин этиб, бориси маҳбул.

Наводир ун-ниҳоя, 336-б.

МАҲВИЙ [*а.* محوي] **1** Йўқотишлик; тозалашлик.
2 Орадан кутарилишлик.
3 Ҳайратда қолиб ўзидан кетишлик.
4 *тасаввуфда* Фоний бўлишлик.

Солики фоний таважжуҳдин тараддуд айламас,
Етсалар маҳвий шуҳуд бўлган замон Хизру Масиҳ.

Бадоеъ ул-васат, 81-б.

МАҲЖУБЛУҚ [*а.-т.* محجوب لوق] Беркинганлик, пардаланганлик.

Тенгри таолодин маҳжублуқ андин қаттиқроқдур ва кунгул курлуки Ҳақ с. т.нинг муроди муҳиммида анинг амрларида қаттиқроқ.

Насойим ул-муҳаббат, 484-б.

МАҲЖУРОН [*а.-ф.* محجوران] **1** Айрилган, жудо бўлган, мосуво бўлган.
Сари маҳжурон Айрилган томон.

Ҳазрат Шайх Абулқосим Гургоний р. т. ҳаргиз иблис демас эрди. Ҳар қачон анинг оти мазкур бўлса эрди, Хожаи хожагон ва Сари маҳжурон дер эрди. Шайх Барака чун эшитти, дедики, сари маҳжурон дегани яна бир фиқра яхшироқдур.

Насойим ул-муҳаббат, 284-б.

2 Шайтонинг сифати.

МАҲКАМВОР [*а.-ф.* محکموار] Тугдириш, боғлаш.

Тиқибон пухта қилди маҳкамвор,
Зарфларнинг ароларин ҳамвор.

Сабъаи сайёр, 194-б.

МАҲКУМЛУҒ, - лук [*а.-т.* محکوم لوق// محکوم لوغ] **1** Тобелик, мутелик (мутеълик), фармонбардорлик.

Шоҳ базмидур даги маҳкумлуг, вах, дайр аро
Ҳоким айлар бир қадаҳ бирла гадони майфуруш.

Ғаройиб ус-сиғар, 220-б.

2 Маҳкам бўлиш.

Ғараз нафсдин анга бу шумлуқ,
Йуқ улким, санга қилса маҳкумлуқ.

Садди Искандарий, 317-б.

МАҲМИЛКУШОЙ [*а.-ф.* محمل کشای] Қунишлик, тўшашлик, утиришлик.

Деди: «Қай сари булсангиз раҳнамой,
Бўлоли бу қиш анда маҳмилкушой».

Садди Искандарий, 308-б.

МАҲОБАТЛИҒ [*а.-т.* مهابت لیغ] **1** Ҳайбатлик, шуқурлик, виқорлик; савлатлик.

2 Қуркинчлик; ваҳималик.

[*Бобо Жалил қ. т. с.*]. *Багоят маҳобатлиг шакли бор эрдиким, кўрган кишига андин ваҳм голиб бўлур эрди.*

Насойим ул-муҳаббат, 451-б.

МАҲОМ [*а.* مهام] **1** Аҳамиятли иш, муҳим иш, улуғ иш.

2 Зурурлик.

[*Имом Аъзам қ. т. с.*]. *Аларнинг маноқиби беҳаддур ва маҳомида беадад, мунча била хатм қилилди.*

Насойим ул-муҳаббат, 32-б.

МАҲОФИЛ [*а.* محافل] **1** Базм жойи, мажлис; анжуман.

2 Жамият, халқ

Ва дурарбор тилига мажолисда баъзи абётим мазкур ва гавҳарнисор илгига маҳофилда баъзи ғазалиётим мастур бўлур эрди.

Бадоеъ ул-бидоя, 17-б.

МАҲРАМВАШ [*а.-ф.* محرم وش] **1** Энг яқин. қариндошдек; маҳрам.

2 Энг яқин самимий дуст, хамдам.

Буюрдики, маҳрамваш эл еттилар.
Улукни ҳамул ерда дафн эттилар.

Садди Искандарий, 88-б.

МАҲРУҚЛУҚ [*а.-т.* محروق لوق] Ёнганлик, куйганлик.

Келди чу бу ҳирқату маҳруқлуқ,
Бўлди аён ошиқу маъшуқлуқ.

Ҳайрат ул-аброр, 189-б.

МАҲФУФ [*а.* محفوف] Иҳота қилинган, тўсилган, ураб олинган, чирмалган.

Султон Аҳмад мирзо ва Музаффар Ҳусайн мирзо бошлиг салотин ва подшоҳзодалар бир-бирига навбат бериимай, алар[Абдураҳмон Жомий]нинг маҳфуф маҳофасин эгинларига кутариб, Мусаллоға элттилар.

Хамсат ул-мутаҳаййирин, 78-б.

МАҲШУР [*а.* محشور] **1** Бир жойга тупланган; бир ерга тупланиш.
2 Диний-тасаввуфий қарашларга кўра фоний дунёда ким-ким билан кўпроқ яқин ва суҳбатда бўлса, қиёмат кунидан сўнг доимо у билан бирга бўлади, яъни бадан машҳури бўлади.

Яна бир буки, ҳар нечаки руҳда ҳижоб йўқдур ва барча олам бирдур, аммо баданеки тамом тириклик айёмида анинг била суҳбат тутмиш бўлгай ва анинг бадан маҳшури бўлгайки, ҳашрдин сўнгра абад ул-абадки, бўлгусидур...

Насойим ул-муҳаббат, 307-б.

МЕВАЗОР [*ф.* میوه زار] Мевали боғ, мева берадиган.

Ки то бўлгай жаҳон боғи бу гулшан мевазор улсун,
Ҳаримида бу бўлбўлларга бу дилбонг бор ўлсун.

Муҳокамат ул-луғатайн, 10-б.

МЕВАЛИК [*ф.-т.* میوه لیك] Ҳосил.

Ул уйда бир сутун бор эрди, бир мевалик азим дарахт бўлди.

Тарихи анбиё ва ҳукамо, 185-б.

МЕВАСИЗ [*ф.-т.* میوه سیز] Беҳосил, бесамар.

Мевасиз йиғоч ҳамону утун ҳамон ва ёғинсиз булут ҳамону тутун ҳамон.

Маҳбуб ул-қулуб, 80-б.

МЕГАЖИН [*м.* میگجین] Ёввойи чучқанинг модаси, урғочиси, урғочи тўнғиз.

Ва бир шуру шайнлиғ овки, тунгуз овидур, анинг ҳам эркагини «қобон», тишисин «мегажин» ва ушоғин «чурпа» дерлар.

Муҳокамат ул-луғатайн, 20-б.

МЕЗОНЛИҒ [*а.-т.* میزان لیغ] **1** Тарозилик, ўлчовлик.
2 Тўғрилик, баробарлик.

Каффажон мезонлиғин айлаб аён,
Заҳрини тарёк этиб ондин чаён.

Лисон ут-тайр, 18-б.

МЕШ [*ф.* میش] Сув ва суюқлик нарсалар солиб қўйиладиган идиш, меш.

Оз вақт ўтмади, ёғин тутти, андоқки дегайларки, мешларнинг оғзин очиқ қўяберибдурлар.

Насойим ул-муҳаббат, 491-б.

МЕЪЖАР [*а.* معجر] Рўмол, дурра; хотин-қизлар урайдиган кичик рўмол; ёпинчиқ; чачвон, чиммат.

Раз қизи то пардадарлик айлагай талбис учун,
Шиша меъжардур ангаву мавжи онинг Чин эрур.

Бадоеъ ул-бидоя, 126-б.

МЕҲБАРА [*а.* محبره] Сиёҳ қўйиб қўйиладиган идиш, сиёҳдон, давот

Чарх дабириға ушолиб қалам,
Меҳбаранинг кейнига солиб қалам.

Ҳайрат ул-аброр, 332-б.

МЕҲМОНЛИК [*ф.-т.* مهمان لیك] Меҳмонлик

[*Абдуллоҳ Набозоний қ. т. с.*]. *Ул Ҳазрат буюрдиким, ул қавм билаки, меҳмонликка борурлар, яъни дарвешлар, йўқ ул қавм билаки, элни меҳмонликка тиларлар, яъни тавонгарлар.*

Насойим ул-муҳаббат, 149-б.

Бу суздин сунгра ул хожасаро иккаласин уйига олиб борди ва меҳмонлик қилди.

Насойим ул-муҳаббат, 368-б.

МЕҲМОННАВОЗ [*ф.* مهمان نواز] Меҳмонни яхши иззат-икром билан кутуб олувчи, меҳмонсевар, меҳмондўст, меҳмондор; меҳмон қилиш

Бечора улусқа чорасоз ул,
Хон густару, меҳмоннавоз ул.

Лайли ва Мажнун, 58-б.

Бас, авло буким ҳар қачон аҳли роз.
Очиб базл уйин булса меҳмоннавоз.

Садди Искандарий, 385-б.

Булунг моҳазар бирла меҳмоннавоз
Ки, андин наво топқай аҳли ниёз.

Садди Искандарий, 389-б.

МЕҲНАЛИҚ [*ф.-т.* مهنه لق] 1 Хизматчилик, ходимлик.

2 Меҳналик, Меҳнада яшовчи.

Шайх дедиким, бале, ўтган оқшом нисорлар бор эрди ва барча бу Меҳналиқ йигитнинг насиби булди, муборак булсун анга!

Насойим ул-муҳаббат, 212-б.

МЕҲНАТАФЗО(Й) [*а.-ф.* محنت افزا//محنت افزای] 1 Мусибат орттирувчи.

Вах не ҳижрондур буким, айлай десам зикри висол,
Дам-бадам оғзимга оҳи меҳнатафзойим келур.

Бадоеъ ул-васат, 129-б.

2 Ғам орттирувчи, дард туғдирувчи.

Висолим шомича йуқ ҳажри субҳи меҳнатафзойи,
Ки равшанроқдурур анинг қуёшидин мунунг ойи.

Фавойид ул-кибар, 392-б.

Тараб шамъи, ажабким нур зоҳир айлагай бу навъ,
Ки мен кўрдум қорангу ҳажр шоми меҳнатафзойин.

Бадоеъ ул-васат, 317-б.

3 Машаққат орттирувчи, қийинчилик туғдирувчи.

Дўстлар, қочинг Навоийдинки, зулми ҳажр аро,
Дарди дил айтурдин элга меҳнатафзомен букун.

Бадоеъ ул-васат, 348-б.

МЕҲНАТПАРВАР [*а.-ф.* محنت پرور] 1 Мусибат чекган.

2 Ранж билан ўсган, азоб-уқубатга дучор булган.

Оҳ шояд қўйи сари элтгай деб шодмен,
Гарчи гард ўлди йўлинда жисми меҳнатпарварим.

Бадоеъ ул-васат, 291-б.

Дўстлар бирла тутуб ишрат баҳорин мўгтанам,
Бир нафас осуда бўлгай жони меҳнатпарвари.

Наводир уш-шабоб, 461-б.

МЕҲНАТХОНА [*а.-ф.* محنت خانه] 1 Мусибатхона, бахтсизлик уйи.

2 Ғамхона, дард уйи.

3 Азоб-уқубат уйи.

Сурма ҳажрингда Навоий ёрину сарманзилин,
Ёр анга дардинг, ватан бир кунжи меҳнатхонадур.

Бадоеъ ул-бидоя, 135-б.

МЕҲРАФРУЗ [*ф.* مهر افروز] **1** Оламни ёритувчи қуёшдек, офтобдай.
2 Оламни обод этувчи абадий ишқ-муҳаббатдек.

Зулфи васлин истасам рухсори меҳрафрузидин,
Йўқ ажаб, чун йил келиши билгурур наврузидин.

Бадоеъ ул-бидоя, 589-б.

Рамз аро барқи тиғи оламсуз,
Базм аро шамъи ройи меҳрафруз.

Сабъаи сайёр, 61-б.

МЕҲРМИСОЛ [*ф.-а.* مهر مثال] Қуёшдай, офтобмисол.

Тослар зарнигору меҳрмисол,
Сиймгун дастадин бошида ҳилол.

Сабъаи сайёр, 246-б.

МЕҲРОБВАШ [*а.-ф.* محراب وش] **1** Меҳробга ухшаган, масжид ичида имом турадиган тепаси қайрилма жойга ухшаш.
2 Қайрилмадек.

Оти туйнағидин меҳробваш из қайдаким қурсам,
Муҳол улғай агар олсам бошим бор неча бош андин.

Наводир уш-шабоб, 357-б.

МЕҲРОЙИН [*ф.* مهر آیین] Қуёш табиати.

Кишилар топти оқибат таъйин,
Чарх суръат валек меҳройин.

Сабъаи сайёр, 367-б.

МЕҲРОМИЗ [*ф.* مهر امیز] Қуёшга ухшаган.

Йиғлабон бошларида икки каниз,
Кутариб бошларини меҳромиз.

Сабъаи сайёр, 302-б.

МЕҲРОРАЗ [*ф.-а.* مهر عارض] Қуёш юзли.

Меҳрораз ери чеҳра очиб жон уртарининг тазарруи ва ошкоро лутф қургузуб кунглини пинҳон уртарининг тазаллуми.

Мажолис ун-нафоис, 199-б.

МЕҲРОСО [*ф.* مهر آسا] Қуёшдек, офтобдай.

... ва ул меҳросо жабин ҳирмонида не шамъ шуъласи ёруқ ва не куз шамъи айни йиғидин очуқ...

Муншаот, 141-б.

МЕҲРПАРВАРД [*ф.* مهر پرورد] **1** Муҳаббатли, ишқли.
2 Лутф-марҳаматли.

Чун кузум тушти нотавонларга,
Меҳрпарвард меҳрибонларга.

Сабъаи сайёр, 360-б.

МЕҲРПЕША [*ф.* مهر پیشه] Меҳрибон.
Золи меҳрпеша Меҳрпеша кампир.

Мактаб аро золи меҳрпеша,
Кунглини суруб анинг ҳамеша.

Лайли ва Мажнун, 102-б.

МЕҲРСИЗ [*ф.-т.* مهرسيز] **1** Муҳаббатсиз, ишқсиз.
2 Қуёшсиз, офтобсиз.
3 Бемеҳр.

Ғам туни меҳрсиз улдики, сипеҳр анжумидин
Меҳр рухсорини реш эткали тирноғ этадур.

Ғаройиб ус-сиғар, 135-б.

Куруб туртунчи манзарни чу холий
Дебон: К-эй, меҳрсиз гардуни олий.

Фарҳод ва Ширин, 352-б.

МЕҲРХИСОЛ [*ф.-а.* مهرخصال] **1** Меҳрли, муҳаббатли.
2 Қуёш сифат, офтоб монанд, қуёшдай нур сочувчи.

Тун-кун бўлғил маҳравишу меҳрхисол,
Даҳр аҳлига нурбахшу фарҳунда жамол.

Бадоеъ ул-бидоя, 655-б.

МИА [*а.* مئه] Юз сони (100).

[*Ҳазрати Амир Қосим Анвор*]. *Вафотлари санаи хамса ва салосина ва самона миада воқеъ бўлубдур.*

Мажолис ун-нафоис, 11-б.

... алар ситта ва тасъина ва самона миа тарихидаким, бу мухтасар битиладур...

Мажолис ун-нафоис, 31-б.

МИЁНЧИЛИҚ [*ф.-т.* ميانچي ليق] Ўртада турувчилик, воситачилик, далолатчилик.

Ва сабтларга миёнчилиқдин узр қилмоқдур ва сабаб ва узрсиз мусаббибқа банда булмоқдур.

Маҳбуб ул-қулуб, 51-б.

МЕЗБОНЛИҚ [*ф.-т.* ميزبان ليق] Меҳмон кутувчилик; меҳмондорлик.

Топиб чу бу навъ камронлиқ,
Юз меҳр ила қилди мезбонлиқ.

Лайли ва Мажнун, 128-б.

МИЛ-БАМИЛ [*а.-ф.-а.* ميل بميل] Мил-бамил.

Енди ул хайл ҳам қилиб таъжил,
Қатъ улур эрди дашт мил-бамил.

Сабъаи сайёр, 91-б.

МИНАЛ-МУФРАД [*а.* من المفرد] Ягоналардан, танҳолардан.

... Шайх Абдулқодир ани Муфрад ул-ҳазрат дер эрмиш ва дебдурки, Муҳаммад б. Қоид мин ал-муфрадин.

Насойим ул-муҳаббат, 382-б.

МИННАТСИЗ [*а.-т.* منت سيز] Беминнат.

Машаққати миннатсиз ва суубати кулфатсиз.

Маҳбуб ул-қулуб, 99-б.

МИНОГУН [*ф.* ميناگون] **1** Шиша тусли.
2 Кўк ранг, ҳаво ранг.

Субҳидамким, сипеҳри миногун,
Ерни байзодин этти байзогун.

Сабъаи сайёр, 207-б.

МИНЪАҲД [*а.* متعهد] Мажбуриятли, ваъдали.

... ва махдумзоданинг ҳеч ишига минъаҳд эрмас эрдим... Бар тақдиреким, минъаҳд булгон булсам, доги одамезод мараз айёмида фаройиз ва вожиботдин маофдурур то узга ишларга не етгай?

Мунша от, 229-б.

МИНҲАЖ [*а.* منهج] **1** Тўғри йул.

2 Маслак, йўл.

Биравки даҳр мозиқидин айлагай махраж,
Фаною фақр тариқи эрур анга минҳаж.

Фавойид ул-кибар, 70-б.

МИНҲОЖ [*а.* منهج] к. **Минҳаж.**

МИРВАҲА [*а.* مروحة] Елпиғич.

Тоби муҳаббат чоги ул ажниҳа,
Ўтлари тугёни учун мирваҳа.

Ҳайрат ул-аброр, 103-б.

МИРЗ [*а.* مرز] Кўйлак, кийимлик.

[*Шайх Абдуллоҳ б. ...*]. *Мурта ъишнинг бир мирзи бор эрди ва пустини. Мирзни ийзор қилди ва пўстинни сотти...*

Насойим ул-муҳаббат, 147-б.

МИСБОҲ [*а.* مصباح] **1** Чироғ; машъал.

2 Май косаси

Руҳ сафолик не ажаб роҳ (راح) дур,
Тийра кунгул кунжига мисбоҳдур.

Ҳайрат ул-аброр, 62-б.

Ройиҳаи жаннати аъло ҳам ул,
Партави мисбоҳу тажалло ҳам ул.

Ҳайрат ул-аброр, 73-б.

МИСБОҲЛИҚ [*а.-т.* مصباح لق] **1** Чироғ; фонус; машъал.

2 Май ичишлик, «сабуҳий» (тонг маҳалида ичиладиган май) ичишлик.

Этти сенинг шомингга мисбоҳлиқ,
Қилди сенинг шонингга маддоҳлиқ.

Ҳайрат ул-аброр, 239-б.

МИСРИЙ [*а.* مصري] Мисрлик.

Эй Навоий, сен не ҳад бирла анга қул булгасен
Ким, беганмас айламакка Юсуфи мисрийни қул.

Фавойид ул-кибар, 253-б.

МИСРИЙ УЛ-МАВЛИД [*а.* مصري المولد] Мисрда туғилган, Миср шаҳрида таваллуд топган.

Ҳамавий ул-асл эрмиш ва Мисрий ул-мавлид.

Насойим ул-муҳаббат, 391-б.

МИСРЛИҒ [*а.-т.* مصرلغ] Миср шаҳрида яшовчи.

[*Абубакр Шиблий қ. т. с.*]. *Шайх ул-ислом дедики, ул мисрлигдур.*

Насойим ул-муҳаббат, 126-б.

МИСРОЪ [*а.* مصراع] **1** Мисралар.

2 Эпикнинг табақаси.

Ажаб кимсасенким, ҳам аввалги мисроъ,
Сенинг давлатингдин дедим турт ёлгон.

Бадоеъ ул-васат, 492-б.

МИТҲАРА [*а.* مطهره] Обтова, обдаста; таҳорат ва бет-қўл ювиш учун ишлатиладиган узун ва ингичка жўмракли, бўғзи тор идиш.

Қиз қардоши митҳарасин сут била тўлдирди, таҳорат вақти митҳарасидин сут қуйилди.

Насойим ул-муҳаббат, 35-б.

МИҚАТ [*а.* میقات] Ваъда юзасидан тайин қилинган вақт.

Хомадек гарчи қурубмен қатл учун шақ қилғали,
Кўксум ул шўх истамайдур тиғким, истар миқат.

Бадоеъ ул-васат, 205-б.

МИҲОР [*ф.* مهار] **1** Жилов, юган; занжир; тизгин, ип, арқон.
2 Туя бурундуғи.

Маоф эрмас қаён гом урса раҳрав ноқайи жисми,
Нафас торин қазо чун бурнига онинг миҳор этмиш.

Бадоеъ ул-бидоя, 230-б.

МОАДО [*а.* ماعدا] Ғайр, мосуво; ўзга, ундан бошқа.

Токи ул майдин кўнгул жомида бўлғач жилвагар
Чеҳрайи мақсуд, маҳв ўлгай ҳамул дам моадо.

Бадоеъ ул-бидоя, 29-б.

МО-АМКАНА [*а.* ما امکن] Имкони борича.

Яна бири: шафқати муфритки, барча риндларни азиз тутқайлар ва мо-амкана риоятларини вожиб кўргайлар...

Ҳолоти Сайиид Ҳасан Ардашер, 94-б.

МОЛАСИЗ [*ф.-т.* ماله سز] Асбоб-ускунасиз (қишлоқ хўжалик асбоби).

Моласиз ул тухмки, деҳқон сочар,
Сувни тенг ичмас неча яксон сочар.

Ҳайрат ул-аброр, 207-б.

МОЛИДА [*ф.* مالیده] Силлиқ, мулойим.

Молида танинг ипак кийиб жум,
Остингда ипак ерига қоқум.

Лайли ва Мажнун, 256-б.

МОЛИХУЛИЁ [*ю.* مالیخولیا] **1** Ваҳимали хаёллар туфайли бемор руҳининг безовталаниши, восвос бўлиш.
2 Хаёлпараст бўлиш, ёмон-нохуш хаёлларга берилиш.

[*Турондухт – Эрон шоҳи Хисрав Парвезнинг қизи*]. *Ул бечора даги бир ойгача хаёлига салтанатдин кўп молихулиё йул берди. Бир ойдин сўнгра оламдин ўтди.*

Тарихи мулуки ажам, 252-б.

МОН [*ф.* مان] Ўхшаш.

Гадолар қилкидин кўйи харобат ичра хориждур,
Бировким илкига тушса қуруг нон бодаға монмас.

Наводир ун-ниҳоя, 196-б.

МОНАНДАЛИҒ [*ф.-т.* مانند لیغ] Ўхшашлик, монандлик.

Не фаришта покликда хуснунгга келди шабиҳ,
Не парийга одамилигда санга монандалиг.

Бадоеъ ул-васат, 215-б.

МОНУВИЙСОЗ [*ф.* مانووي ساز] **1** Монийга тегишли – машҳур наққош ва рассом.

2 Монийча қилиб ишлаш.

3 Моний издоши.

Кунгул қасрига бўлгоч нақшпардоз,
Қилибон коргоҳи Монувийсоз.

Фарҳод ва Ширин, 11-б.

МОСАДАҚ [*а.* مصدق] Исбот, тасдиқ; тасдиқланган.

Булбулу гул де Навоий бирла дилдориниким,
У ики мафхумга йуқ бу иккидек мосадақ.

Наводир ун-ниҳоя, 276-б.

МОТАМАНГИЗ [*ф.* ماتم انگيز] Мотам келтирувчи.

Булмаса ул икки мотамангиз,
Бошимга ики балойи хунриз.

Лайли ва Мажнун, 121-б.

МОТАМЕ [*ф.* ماتمي] Азадор, мотам тутган кишилар.

... Бир шаҳр халқи шоҳдин гадогача ул сабабдин мотаме эрдилар.

Насойим ул-муҳаббат, 20-б.

МОТАМЗУДОЙ [*ф.* ماتمزداي] Мотам тарақатувчи.

Аёгчи, бер ул жавҳари гамзудой,
Дема гамзудо, жоми мотамзудой.

Садди Искандарий, 94-б.

МОТАМИЁНА [*ф.* ماتميانه] Азадорлардай, мотамлиларча.

Чекайин мотамиёна ошуб,
Хаста кунглумни қилай хорокуб.

Фавойид ул-кибар, 495-б.

МОТАМИЙ [*ф.* ماتمي] қ **Мотаме**

МОТАМИ(Й)ВОР [*ф.* ماتمي وار] Мотам тутгандек.

Айлаб ани буйла мотами зор,
Фарёд кутарди мотамивор.

Лайли ва Мажнун, 144-б.

МОТАМОЙИН [*ф.* ماتم آيين] Мотамли (мотамда).

Чу ул ёрингиз борди, гамгинмусиз,
Анинг ҳажрида мотамойинмусиз.

Садди Искандарий, 540-б.

МОТАМСАРОЙ [*ф.* ماتم سراي] Мотамхона.

Бу мотамсарой ичраги навҳагар,
Тешар элга бу лавҳа бирла жигар.

Садди Искандарий, 533-б.

МОТАМСИЗ [*ф.-т.* ماتم سيز] Мотамсиз; қайғусиз.

Хуш улки, ёр фироқию ё кунгул гамидин
Тамом умрида бир лаҳза эрди мотамсиз.

Бадоеъ ул-бидоя, 201-б.

МОТАҚАДДАМ [*а.* متقدم] Собиқ.

... ва мотақаддам шуароси малик ул-каломлари дастури била жамъу тартибда саъй қилганимнию...

Ғаройиб ус-сиғар, 9-б.

МО [*а.* ما] Сув.

Мо халқи Аллоҳ Аллоҳ томонидан яратилган.

Ва ул машғуллуқ «ма халақа Аллоҳ» фаносидур ва «мо халқи Аллоҳ» холиқининг бақосидур.

Маҳбуб ул-қулуб, 60-б.

МОШОАЛЛОҲ [*а.* ماشاءالله] Худога шукур; офарин, аъло, жуда аъло.

[*Айн ул-қузот Ҳамадоний қ. с.*]. *... ва анинг суҳбатида йигирма кунда манга бир нима зоҳир бўлдики, мендин ва талабимдин узга ҳеч нима боқий қўймади, илло мошоаллоҳ.*

Насойим ул-муҳаббат, 284-б.

МОЯТАҲАЛЛАЛ [*а.* مايتحلل] Ҳал бўлган иш, ҳал бўлган, ҳазм бўлган.

Тутқил бадали моятаҳаллал майи соф,
То маст қилай ғам черики бирла масоф.

Бадоеъ ул-бидоя, 653-б.

МОЪНУС [*а.* مأنوس] Гапириш.

Тўтийи моънус Гапиришга ўргатилган тўти.

Пастида турт тутийи моънус,
Байики узра турт улуб товус.

Сабъаи сайёр, 181-б.

МОҲ-БАМОҲ [*ф.* ماه بماه] Ойма-ой.

Закотчилар ишидин тавочи моҳ-бамоҳ, балки ҳафта-баҳафта вуқуф топиб арзга еткурсалар.

Муншаот, 191-б.

МУАДДАЛ [*а.* معدل] Муътадиллик, ростлик, барқарорлик; тенг ва баробарлик.

Минтақаси бирла муаддал хатин,
Яъни ушул икки ҳамойил хатин.

Ҳайрат ул-аброр, 250-б.

МУАЗЗАБ [*а.* معذب] Азоб бериш, азоблаш.

Исо а. с. ни ул иш туҳмати била муаззаб тутар эрдилар.

Тарихи анбиё ва ҳукамо, 175-б.

МУАЙЯД [*а.* مؤيد] **1** Таъкидланган, мустаҳкамланган, қулланилган. **2** Масъуд, саодатли.

Бу таснифот барча оёти Қуръоний ва Расул с. а. в. ахбор ва аҳодиси била муқайяд ва муайяддур.

Насойим ул-муҳаббат, 243-б.

МУАЙЯНА [*а.* معينه] **1** Тайинланган, муқаррар. **2** Аниқ, равшан.

[*Абубакр Сусий қ. т. с.*]. *«Кашф ул-маҳжуб» китобининг соҳиби дебдурким, мен муайяна кўрдумки, Озарбайжон тоғлари орасида бир дарвеш бу қавмнинг баъзи абъётин уқур эрди, ногоҳ йиқилди ва охир бўлди.*

Насойим ул-муҳаббат, 138–139-б.

МУАККИЛ [*а.* مؤكل] қ. **Муваккил.**

МУАММАР I [*а.* معمر] Узоқ умр кўрган киши; қари, ёши улуғ.

Ижозатномада биродар унвони била зикр қилибдур, анинг учунки, муаммар бўлгон экандурлар.

Насойим ул-муҳаббат, 346-б.

МУАММАР II [*а.* معمر] Сокин; турғун.

Мустиқан еттинчи дайр ичра муаммар ҳиндуе,
Рангу сайри кургузуб ушшоқ шоми фурқатин.

Бадоеъ ул-васат, 478-б.

МУАРРИХ [*а.* مؤرخ] қ. **Муваррих.**

МУБИН [*а.* مبين] **1** Ошкор қилувчи.

2 Соф, пок.

Қуйсум отининг аёғига жабин,
Дедим: аё носири шаръи мубин.

Ҳайрат ул-аброр, 278-б.

3 Қуръони каримдаги «мубин» ояти маъносига ишора.

Сидрани минбар этиб, нукта десанг эрди Русул,
Жамъи булган эди эшиткали оёти мубин.

Бадоеъ ул-васат, 310-б.

МУБОЛАҒАЛИҚ [*а.-т.* مبالغه لق] Орттириб айтишлик, муболағалик.

Агарчи Тенгрининг бу навъ муболағалиқ амридин алар узларин маоф тутубтурлар...

Муншаот, 221-б.

МУБОРИЗШЕВА [*а.*-ф مبارز شيوه] Яккама-якка курашувчи, паҳлавон жангчилар.

Тутуб ҳар кунгири кейнида ором,
Муборизшевае андоққи Баҳром.

Фарҳод ва Ширин, 299-б.

МУБРИМШЕВА [*а.*-ф مبرم شيوه] Қистовчиликка одатланган, нотавонларча.

Васлин истаб кўп инолдим, қовди кўйидин мени,
Булса мубримшева, албатта, гадо мардуд эрур.

Бадойиъ ул-бидоя, 125-б.

МУБТАЛОВОР [*а.*-ф مبتلاوار] **1** Мубтало бўлган каби; мубталолик.

2 Ғамгинлик.

Сен тортма нола мубталовор
Ким, нола эрур манга сазовор.

Лайли ва Мажнун, 92-б.

МУВАЖЖАҲНАМОЙ [*а.*-ф موجه نماي] **1** Далил бўлган, асос бўлган.

2 Маъқул бўлган, маъқулона, мақбулона.

Неча бўлса элга хирад раҳнамой,
Ҳар ишта тариқи муважжаҳнамой.

Садди Искандарий, 451-б.

МУВАККИЛ [*а.* موكل] **1** Гумашта; тайинланган, бирор иш топширилган киши.

2 Вакил, намоянда.

Неча кишини мувакқил қилдиларки, чун сувга муҳтож булса чиққай, олиб элтгайлар.

Насойим ул-муҳаббат, 146-б.

3 Зиндон қоровули, зиндонбон, посбон, соқчи.

Чунки зиндон муаккили билди,
Югуруб шоҳга хабар қилди.

Сабъаи сайёр, 197-б.

МУВАЛЛАД [*а.* مولد] Туғишган.

Шоҳрух султон бузуглиғида фақирнинг волиди жамоати касир била рузгор ҳаводиси фитнасидин Хуросондин қочиб, Ироққа борурда Тафтғаким Мавлоно[Мавлоно Шарафиддин Али Яздий]нинг мувалладидур, ярим кеча етиб тушдилар.

Мажолис ун-нафоис, 31-б.

МУВАЛЛИД [*а.* مولد] **1** Туғилувчи.

2 Сўнгра пайдо булувчи

Уткариб туққуз фалак бошидин оҳим дудини,
Ул муваллидларга они парчам эттинг оқибат.

Наводир ун-ниҳоя, 78-б.

МУВАРРИХ [*а.* مورخ] Тарих ёзувчи, тарихшунос, тарихнавис.

Лаъли ёқути муваррихдур магар бил хосият
Ким, хаёлидин менга йуқтур насиб илло фараҳ.

Наводир ун-ниҳоя, 92-б.

МУВАҲҲИД [*а.* موحد] Аллоҳни якка ва ягона деб билиш, ёлғиз Аллоҳга эътиқодли булиш.

[*Абул Ҳусайн Қарофий р. т.*]. *Авом била сунний ва хавос била ориф ва узлукида муваҳҳид эрди ва нишони худ гум!*

Насойим ул-муҳаббат, 160-б.

МУВОЛОТ [*а.* موالات] **1** Бир-бири билан дуст бўлиш, дустона муносабатда бўлиш.

2 Бирор ишни узлуксиз равишда кетма-кет бажариш.

Бурун ният, яна билгил муволот,
Бори бош масхию тартиби одот.

Сирож ул-муслимин, 280-б.

Биров ул жумладин келди муволот,
Ю(в)моқ, яъни паёпай узвни бот-бот.

Сирож ул-муслимин, 280-б.

МУВОХАЗА [*а.* مواخذه] **1** Қулга олиш, мусодара қилиш.

2 Суришгириш, кетига тушиш, итоб.

... ва шайх ҳуффоз ва сойир амаласидин номашруъ амре содир булса, икки қатлағача шарьан ҳар мувохазага муставжиб булсалар, анга кура таъзир ва иҳтисоб қилсунлар.

Вақфия, 269-б.

МУВОХОТ [*а.* مواخات] Дустлик, ака-укаларча дустлик.

Шавволнинг еттинчи кечаси келди ва менинг била мувохот аҳди боғлади, разиёллоҳу анҳумо.

Насойим ул-муҳаббат, 417-б.

МУДАРРИЖ [*а.* مدرج] Киритувчи, қайд этувчи.

Жамъи писандида сифот ва мустаҳсан ҳолат эҳсонга тобеъдур ва анинг зимнида мударриж ва воқеъдур.

Маҳбуб ул-қулуб, 77-б.

МУДРИК [*а.* مدرك] Идрок қилувчи, тушунувчи.

Ҳавоси хамс ила мақсуд булмади мудрик,
Кунгулни топ ики-уч узв, беш эмас бу бешов.

Фавойид ул-кибар, 343-б.

МУЖАДДАД [*а.* مجدد] Янгитдан яратиш; бошқатдан яратиш.

[*Шайх Нуриддин Абдураҳмон...*]. *Аммо чун Ҳақ с. т. бу тоифанинг баракотин боқий тилар эрди, анинг била мужаддад қилди.*

Насойим ул-муҳаббат, 305–306-б.

МУЖАЛЛАД [*а.* مجلد] **1** Жилдланган, муқоваланган.
2 Жилд, том.

Алар макри таърифида қўп улумда доно ва кўп диққатлиг ҳукамо китоблар тасниф этибдурлар ва мужалладлар битибдурлар.

Маҳбуб ул-қулуб, 43-б.

МУЖАЛЛИДЛИҒ [*а.-т.* مجلدلیغ] Муқовачилик, муқовасозлик, саҳҳофлик.

[*Мавлоно Муҳаммад Чоҳу р. т.*]. *Мужаллидлиг санъатига машгул эрди...*

Насойим ул-муҳаббат, 444-б.

МУЖАННИН [*а.* مجنن] Жинни қилувчи, ақлдан оздирувчи, мажнун қилувчи.

Ул пари ишқида чун улди Навоий, англангиз,
Ким мужанниндур Исо қабриға бутса ҳар чечак.

Наводир ун-ниҳоя, 289-б.

МУЖМАЛОТ [*а.* مجملات] **1** Қисқартирилган.
2 Тафсилотлар, қисқача қилиб айтилган сўзлар.

Искандар ишларининг тафсилини ижмол била дейилмак ва ул ижмолнинг мужмалотин тафсил қилмоқ...

Садди Искандарий, 126-б.

МУЖОВАРАТ [*а.* مجاورت] **1** Яқинлик, ҳамсуҳбатлик.
2 Турғунлик, муқимлик, бир жойда яшаплик,истиқомат қилишлик.

[*Абулхайр Ҳабаший қ. т. с.*]. *Ул дебдурки, олтмиш йил Макка ва Мадинада мужоварат қилдим ва кўп қатигликлар курдум, ҳаргиз кишидин нима тиламадим.*

Насойим ул-муҳаббат, 151-б.

МУЖОВИРЛИҒ [*а.-т.* مجاورلیغ] **1** Яқинлик, қўшнилик.
2 Муқимлик, доим ўз жойида яшовчи

Улуг Сирвонийнинг шогирди Хаввоснинг соҳиби, Мисрда булур эрди. Маккада мужовирлиг қилди ва анда дунёдин утти.

Насойим ул-муҳаббат, 189-б.

МУЖОДИЛ [*а.* مجادل] **1** Баҳс, тортишувчи, талашувчи.
2 Уруш, жанг.

Сен иста файзи фано дайр гунгу лолидин,
Ки ишқ дарсини билмас мужодилу боҳис.

Бадоеъ ул-васат, 69-б.

МУЖОҲАДАТ [*а.* مجاهدات] **1** Саъй-ҳаракат.

2 *тасаввуфда* Жидду жаҳд, нафсни енгиш йўлида астойдил саъй-ҳаракат қилиш, уруниш.

3 Ислом дини йўлида ранж-машаққат чекиш ва жидду жаҳд қилиш.

Ондин сўнграки, менга қаттиқ риёзатлар ва мужоҳадатлар буюруб эрди.

Насойим ул-муҳаббат, 248-б.

МУЖОҲАДОТ [*а.* مجاهدات] к **Мужоҳадат.**

Ва анга мукошафоту мужоҳадот куп экандур.

Насойим ул-муҳаббат, 489-б.

МУЖТАМИА [*а.* مجتمعه] Аруз атамаси.

... яна бир мисраъдин ҳам истихрож қилиб ул «Доираи мужтамиа» дейилди.

Мезон ул-авзон, 56-б.

МУЗАВВИР [*а.* مزور] Алдамчи, ҳийлагар, фирибгар; найрангбоз, риёкор.

Музаввир макри булди муъжиби қайд,
Нечукким, тулки лаъби боиси сайд.

Бадоеъ ул-бидоя, 685-б.

Чун Ҳариф сода киши эрди ва ҳариф музаввир Обидқа бир исм ургатдиким, беморларга мужиби шифодур.

Тарихи анбиё ва ҳукамо, 187-б.

МУЗАККИРЛИК [*а.-т.* مزكرلك] **1** Воизлик.

2 *тасаввуфда* Зикр қилувчилик.

[*Абулмузаффар Тирмизий р. т.*]. *Тирмизда музаккирлик қилур эрди ва Хизр а. с. била суҳбат тутар эрди.*

Насойим ул-муҳаббат, 193-б.

МУЗАХРАФ [*а.* مزخرف] **1** Таги буш маъносиз сўз.

2 Сохта, қалбаки, ёлғон.

Ҳарза музахрафники бунёд этиб,
Аҳли иродатқа ҳам иршод этиб.

Ҳайрат ул-аброр, 135-б.

МУЗАҲҲИБ [*а.* مزهب] Зарҳал қилувчи уста.

Музаҳҳибки хитойиси хатодур ва фарангиси қалам аҳлининг нанги, Аторидга таън урмоқдур сўзининг ранги.

Маҳбуб ул-қулуб, 72–73-б.

МУЗДВОР [*ф.* مزدوار] **1** Хизмат ҳақи олувчидек, бадал олувчидек.

2 Мукофот олувчидек.

Мен ани бийму умид била парастиш қилмасмен муздворлардек, анинг муҳаббати даъвосига даги парастиш қилмасменким, парастишким, анинг сазоси бўлгай...

Насойим ул-муҳаббат, 36-б.

МУЗИЙҚ [*а.* مصيق] Сиқадиган, сиқувчи.

Қачонгача булай узлук музийқи ичра батанг,
Хуш улки, жилвагаҳим водийи фано курсам.

Бадоеъ ул-васат, 297-б.

МУЗИР [*а.* مضر] Зарарли.

Бот булки ҳариф мунтазирдур,
Бу амрда макс бас музирдур.

Лайли ва Мажнун, 193-б.

МУЗЛИМ [*а.* مظلم] Қоронғи, қоронғилик, зулмат.

Не навъ барқни дейким, буроқи янглиг эрур,
Ким, ул батийдуру музлим, бу бир мунируи сареъ.

Фавойид ул-кибар, 203-б.

МУЗМИН [*а.* مزمن] Дарди бедаво, сурункали касал, тузалмайдиган эски касал, эски касалга мубтало бўлган киши, фалаж; шол.

Майга ҳарис, бадмаст ва музмин, мажлисига гирифтор бўлгоннинг қутулмоғи номумкин.

Маҳбуб ул-қулуб, 74-б.

МУИЗ(З) [*а.* معز] Иззат қилувчи, ҳурмат кўрсатувчи

Бор эди шаҳи сипеҳр тамкин,
Яъники, муиззи давлату дин.

Лайли ва Мажнун, 39-б.

Эй Навоий, нега маъюс ўлгай улким, шоҳидур
Ҳусрави Ғозий муиззи мулку дин Султон Ҳусайн.

Фавойид ул-кибар, 302-б.

МУКАММИЛ [*а.* مكمل] *тасаввуфда* Етишган, етук ва камолотга эришган, шайх тарбиясида вояга етган, тарбият топган муршид.

... Саъдуддин Кошғарийким, «Нақшбандия» хожалари силсиласининг ул замонда комил ва мукаммил муршид ва халифаси эрди.

Хамсат ул-мутаҳаййирин, 12-б.

МУКОТАБОТ [*а.* مكاتبات] Ўзаро хат ёзишувлар, ёзишмалар

[*Амир Қивомуддин Синжоний р. т.*]. *Шайх Зайнуддин Хавофий қ. с. била муосир эрмиш. Ораларида мукотабот ва муросалот бор.*

Насойим ул-муҳаббат, 348-б.

МУКОШАФА [*а.* مكاشفة] **1** Ошкора душманлик қилиш; очиқчасига уруш қилиш.

2 Ғайб сирларининг ошкор бўлиши; авлиё кунглида ғайб сирларини ошкор бўлиши.

[*Шайх Абу Амр Сарифиний қ. т. р.*]. *Ҳар ҳолга ва мақомга ва мукошафаю мушоҳадагаки еттим, андин бурунроқ мени воқиф қилди...*

Насойим ул-муҳаббат, 380-б.

Шайх Нажмуддинга айттимки, не бўлгайки, баъзи мукошафотингдин хотир анга келтурсангки, менинг отам ҳолидин мутталеъ бўлуб, манга даги хабар берсанг!

Насойим ул-муҳаббат, 407-б.

[*Умми Муҳаммад волидаи Шайх...*]. *Ва анга мукошафоту мужоҳадот куп экандур.*

Насойим ул-муҳаббат, 489-б.

МУКОШАФОТ [*а.* مكاشفات] қ. **Мукошафа.**

МУЛАҚҚАБ [*а.* ملقب] Лақабли (лақабланган), лақабдор, лақаб олган.

Ва бу лакаб била мулаққаб бўлганида ақвол кўптур.

Тарихи анбиё ва ҳукамо, 154-б

Аммо баъд мундоқ арз қилур жаҳл водийсининг марҳалапаймойи Алишер мулаққаб Навоий...

Насойим ул-муҳаббат, 11-б.

МУЛАҚҚИН [*а.* ملقن] **1** Талқин қилувчи.

2 Жанозачи.

Чун мулаққинки, фуқаҳо киборидин эрди, кабри бошига ултурди талқин қилгали... Шайх зажр қилди, сўнгра айттики, мулаққин талқин оғоз қилганда, қабр соҳиби деди: ҳеч таажжуб қилмассизки, ўлук тирикка талқин қилур.

Насойим ул-муҳаббат, 407-б.

МУЛКБАХШ [*а.-ф.* ملك بخش] Мулк бағишловчи, ўлкалар бағишловчи.

Ўзи бирла олди, доғи сурди рахш,
Анга тегруким хусрави мулкбахш.

Садди Искандарий, 356-б.

МУЛКИСТОН [*а.-ф.* ملكستان] Мамлакат забт этувчи, жаҳонгир, узга юртларни босиб олувчи.

Демагил кўйини беному нишонларга малоз,
Ким эрур тождеҳу, мулкистонларга малоз.

Ғаройиб ус-сиғар, 123-б.

Соҳибқиронеким, тийғи суйидин разм бўстонида фатҳ гуллари очилди, мулкистонеким, азми асаридан базми анжуманида иноят саҳобидин зафар дурлари сочилди.

Бадоеъ ул-бидоя. 15-б.

МУЛКИСТОНЛИК [*а.-ф.-т.* ملكستان لىق] Мамлакат забт этувчилик, жаҳондорлик.

... ул жаҳондор салтанати асосин барҳам урди ва ел таҳарруклук сипеҳр ул комгор шамъи ҳаётин учурди, мулкистонлиқ тахти бир шаҳоншоҳ мақдами била тафохур қилдиким...

Бадоеъ ул-бидоя, 15-б.

МУЛКОНА [*а.-ф.* ملكانه] Жаҳондорларча, шоҳларча.

Ҳамул сўг рафъига шоҳи заман,
Мулукона соз айлабон анжуман.

Садди Искандарий, 278-б.

МУЛКРОН [*а.-ф.* ملكران] Эга, соҳиб, молик.

Искандарнинг Доро мамоликига мулкрон бўлуб, кунуз ва хазонидин меҳр ва саҳобдек зарпош ва дурафшонлиқ қилиб...

Садди Искандарий, 203-б.

МУЛКСИЗ [*а.-т.* ملك سز] **1** Бемол-мулк.

2 Подшоҳликсиз.

Мулк ва мулксиз вилояти бор ва олату касбсиз рузе ер ва элга едирур ва бу каромот эмасму?

Насойим ул-муҳаббат, 202-б.

МУЛОАБА [*а.* ملاعبه] **1** Ўйин.
2 Ҳазил; масхара.

Магарки жон талашур вақт учун аён бўлгай
Мулоаба юзидин хублар била талашим.

Ғаройиб ус-сиғар, 315-б.

МУЛОЙИМ-МУЛОЙИМ [*а.* ملايم ملايم] **1** Муносиб-муносиб.
2 Мулойим-мулойим.

Мулойим-мулойим суруб ҳар нафас,
Анингдек Хоқонга бир-бир ҳавас.

Садди Искандарий, 357-б.

МУЛОЙИМАТ [*а.* ملايمت] Уйғунлик, мувофиқлик.

[*Шайхзодаи Ансорий – форсигўй шоирлардан*]. *Кичик ёшидин таҳсилга яхши машғулдур ва муаммо фанида кўп мулойимат андин зоҳир бўлур...*

Мажолис ун-нафоис, 134-б.

МУЛТАЖО [*а.* ملتجا] Боғпана.

Ҳаводисдин паноҳ ҳар кимга бир ер,
Манга майхона кунжи мултажо бас.

Фавойид ул-кибар, 165-б.

МУЛТАҲИБ [*а.* ملتهب] Шуъалаланувчи, алангаланувчи.

Кўрмаган мушкин саҳоб ичра паёпай соиқа,
Дуди оҳимдин дамо-дам шуъалалар кўр мултаҳиб.

Бадоеъ ул-васат, 42-б.

МУЛҲИД [*а.* ملحد] Аллоҳга, ислом динига мункир келиш, динсиз, даҳрий.

... Абдуллоҳ менинг урнумга ултурғай ва мулҳидлар ва мубтадеълар димоғига урғай...

Насойим ул-муҳаббат, 232-б.

МУМАРРАД [*а.* ممرد] Мармарли, мармар тошдан ишланган.

Ул қавм буюргондек қилдилар. Ва уткон балийёт асносида Фиръавн сарҳи мумаррадни Ҳомонга буюрдиким, осмонга чиқиб, Мусо а. с.нинг Тенгриси била урушай...

Тарихи анбиё ва ҳукамо, 138-б.

МУМОРАСОТ [*а.* ممارسات] Амалиёт, доим иш билан машғул бўлиш.

... ва бу китоб мумарасотига машъуф бўлгон аҳли тамайюзлар кўнглин мастур бўлгон ахёр футуввати шамойимидин мунаввар ва аржуманд этгайсен.

Насойим ул-муҳаббат, 498-б.

МУМСИК [*а.* ممسك] Ўтакетган хасис, бахил, зиқна.

Мумсик ажзи асаридин кўпракдур,
Мағбунлиғи ҳам фақирдин кўпракдур,
Гар моли ҳисобу тирдин кўпракдур,
Фақири ғани ҳақирдин кўпракдур.

Назм ул-жавоҳир (илмий-танқидий матн), 84-б.

МУНАВВИР [*а.* منور] Ёруғ қилувчи, равшан қилувчи.

Гулининг шамъини мунаввир қил,
Атридин даҳрни муаттар қил.

Сабъаи сайёр, 34-б.

МУНГАЙМАК [*т.* مونگایماق] Ғам емоқ, алам чекмоқ, қайғуланмоқ.

Мунгайди кунглум анингдек, ҳазл нагмасидин,
Ки элга кулгу этар, ошкор йиглармен.

Бадоеъ ул-бидоя, 421-б.

МУНКИРОТ [*а.* منكرات] **1** Инкор этувчилик, рад этувчилик.
2 Аллоҳни рад этувчи.

[*Шайх Алоуддин Хоразмий қ. с.*]. *Дедиларки, неча йилдурки, мункирот жиҳатидинки курар, ихтиёрсиз ҳажга келурки, анга буюрубдурлар.*

Насойим ул-муҳаббат, 416-б.

МУНКИРСИЗ [*а.-т.* منكرسيز] **1** Инкорсиз, тонувчисиз.
2 Худони инкор этувчисиз.

Юз қизиллиқ йуқтурур, эй аҳли зуҳд,
Токи мункирсиз майи гулгуна сиз.

Бадоеъ ул-бидоя, 681-б.

МУНОФИР [*а.* منافر] Нафратланувчи.

Заъфи куплуктин Навоийнинг кам ўлмас ноласи,
Не мунофидур фиғон булбулга булмоғлиқ оруқ.

Бадоеъ ул-васат, 231-б.

МУНОФИС [*а.* منافس] Мақбуллик, дам урувчи, жон топувчи, нола тортувчи.

[*Мавлоно Ҳусайн Хоразмий – Хожа Абулвафо – форсигуй шоир*]. *Аммо ахлоқ ва сифоти ботин илмида ёруглик топқоннинг мунофисидур.*

Мажолис ун-нафоис, 13-б.

МУНТАЗИА [*а.* منتضعه] Аруз атамаси.

... бир доираға қуюб, ул доирани «Мунтазиа» атабдурлар.

Мезон ул-авзон, 54-б.

МУНТАСИФ [*а.* منتصف] Ўрта, ярим, бирор нарсанинг ўртаси.

... Шайх Муҳаррамнинг мунтасифида борди ва Шайх Абулҳасан муҳаррамнинг охирида ва Шайх Али сафарнинг ўртасида...

Насойим ул-муҳаббат, 181-б.

МУНФАТИҲ [*а.* منفتح] Очиқ, очилган.
Мунфатиҳ бўлмоқ Очилмоқ

Ва ҳамоноки, то басират кузи кашф нури била мунфатиҳ булмагай, аларнинг идроки мутаъаззирдур.

Насойим ул-муҳаббат, 294-б.

МУНХАРИТ [*а.* منخرط] **1** Тизилиб туриш.
2 Жой олиш.
3 Бирор гуруҳ ичига кириш.

Шаҳлар демаки, куллугума булди мунхарит,
Гар кулларингнинг ўртасида топсам инхирот.

Наводир ун-ниҳоя, 246-б.

МУНЪАДИМ [*а.* منعدم] Йўқ, йўқ булган.

Филҳол ҳар атрки, ул дуконда эрди мунъадим булди.

Насойим ул-муҳаббат, 402-б.

МУНЪИМЛИҒ [*а.-т.* منعم ليغ] **1** Неъмат соҳиби, бадавлатлик.

2 Неъмат берувчилик, ризқ берувчилик; саховатлилик.

Эй Навоий, халқдин ранжинг кўп эрса гам ема,
Факрнинг мунъимлиги сурби Маридин кам эмас.

Наводир ун-ниҳоя, 202-б.

МУНҚАВИЙ [*а.* منقوي] Маҳкам, собит.

[*Хожа Алоуддин – форсигўй шоир*]. *Улви ҳимматдин дунё мофийҳоға этак силкиб мақсуд каъбасида мунқавий булубдур...*

Мажолис ун-нафоис, 158-б.

МУНҚАЗИЙ [*а.* منقضي] Тамомланган, тугатилган, охирига етказилган.

Ки, ҳар сузга булса маҳал мукпазий,
Керак бўлмаса ул маҳал мунқазий.

Садди Искандарий, 215-б.

Мунқазий ўлмоқ Тамомланмоқ, тугалланмоқ.

Зоти вужудиға бўлуб мукпазий,
Нуқс, камолидин улуб мунқазий.

Ҳайрат ул-аброр, 102-б.

МУОД [*а.* معاد] Қайтганлик.

Бу танаъумлар аро хотирима
Тушти андишаи мабдаъю муод.

Фавойид ул-кибар, 462-б.

МУОЛАЖАПАЗИР [*а.-ф.* معالجه پذير] **1** Даво қабул қилувчи, даволанувчи

2 Чора истовчи.

[*Мавлоно Анварий – форсигўй шоирлардан*]. *Ошуфтамизожроқ йигитдур. Гоҳи савдоси андоқ ғолиб бўлурким, мизожи сиҳат қонунидин мунҳариф бўлур, яна кўп заҳмат била муолажапазир бўлур.*

Мажолис ун-нафоис, 82-б.

МУОЛАЖАТ [*а.* معالجت] **1** Даволаш, беморга дори-дармон қилиш.

2 Илож, чора.

Йўқ эрди муолажатда беҳбуд,
Чун етти ажал илож несуд?

Лайли ва Мажнун, 275-б.

МУОМАЛАЛИҒ, -ЛИҚ [*а.-т.* معامله ليغ// معامله ليق] Муомалалик, ширин сўзлилик, муносабат ўрнатишлик; розилик.

[*Хожа Али б. Ҳасан Кирмоний қ. с.*]. *Дорухонаси бор эрди ва иши тартиб ва низом билар эрди ва қалин муридлиг ва яхши муомалалиг даъвиси бор эрди.*

Насойим ул-муҳаббат, 184-б.

[*Хусайн Шайх а. р. ...*]. *Мустаҳсан муомалалиқ киши эрмиш.*

Насойим ул-муҳаббат, 425-б.

МУРОИЙ [*а.* مراءي] Мунофиқ, риёкор.

[*Абулхайр Тайнотий қ. т. с.*]. *Ул дебдурки, ҳар ким илмин зоҳир қилса, муроийдур ва ҳолин зоҳир қилса, муддаий.*

Насойим ул-муҳаббат, 149-б.

МУРЗИ(Ъ)А [*а.* مرضعه] Сут берувчи, доя.

[*Ибнул-Фориз Ҳамавий Мисрий қ. с.*]. *Ва баний Саъд қабиласидиндурларки, Ҳалима р. а. Ҳазрат Рисолат с. а. в. нинг мурзиъаси андиндур.*

Насойим ул-муҳаббат, 391-б.

МУРИДЛИҒ, **-лик** // **-лик** [*а.-т.* مريدلوك// مريدليغ// مريدليق] **1** Толиблик, муридлик.

2 Эргашувчилик, тақлид қилувчилик; суфий ёки шайхга қул бериб эргашишлик; тақлид қилишлик.

Ул подшоҳ таън юзидин дегандурки, сен элни муридлиғинг учун тилайсен.

Насойим ул-муҳаббат, 424–425-б.

[*Абулҳасан Али б. ...*]. *Аммо ҳар кими отиники Лавҳи Маҳфузда кўрмас эрди, муридлиққа қабул қилмас эрди.*

Насойим ул-муҳаббат, 390-б.

[*Муҳаммад Шайх р. т.*]. *Султонлар анга муридлик ҳайсиятидин иродат келтурубдурлар.*

Насойим ул-муҳаббат, 423-б.

МУРОСАЛОТ [*а.* مراسلات] **1** Бир-бирига хат ёзишлик, ўзаро хат ёзишув.

2 Мактублар, хатлар.

Ва анинг била Шайх Имом Аҳмад Ғаззолий қ. с. орасида кўп мукотабот ва муросалот бор.

Насойим ул-муҳаббат, 283-б.

Шайх Зайнуддин Хавофий қ. с. била муосир эрмиш. Ораларида мукатабот ва муросалот бор.

Насойим ул-муҳаббат, 348-б.

МУРОФАҚАТ [*а.* مرافقت] Дўстлик, бир-бири билан дуст бўлишлик, сирдошлик, суҳбатдошлик.

Шайх Абу Мансур ва Шайх Абулқосим бир-бири била мусоҳиб эрмишлар ва мурофақат тариқининг додин бермишлар...

Насойим ул-муҳаббат, 108-б.

МУРОҲИҚ [*а.* مراهق] Балоғат ёшига яқинлашишлик, балоғатга етишлик; камолотга етишлик.

[*Мавлоно Шамсуддин Муҳаммад б. ...*]. *Ул дебдурки, ҳануз мактабда эрдим ва мурохик булмайдур эрдим.*

Насойим ул-муҳаббат, 330-б.

МУРТАСИМ [*а.* مرتسم] Нақшланганлик, чизилганлик.

Бу доғи уч қисм иладур мунқасим,
Аввали бу расм иладур муртасим.

Ҳайрат ул-аброр, 115-б.

МУРУР [*а.* مرور] **1** Ўтиш (замон, вақт ҳақида).

2 Ўтадиган жой, гузаргоҳ, йўл.

Бақо дашти нечук қатъ улмусун айлаб мурур айём,
Ки ҳар манзил анга бир кундуру, ҳар дам анга бир гом.

Наводир уш-шабоб, 304-б

МУСАББАЪ [*а.* مسبع] Аруз атамаси; еттилик, етти бурчакли; етти карра.

Аммо фуруъи: фоилоту;... фаълон – муқтуи мусаббаъ...

Мезон ул-авзон, 49-б.

МУСАВИЙ [*а.* موسوي] **1** Мусога ўхшаш.

2 Яҳудий, Мусо динидаги.

Бўлмаса фиръавнлиғнинг пайрави,
Қолмас ондин жуз сифоти мусавий.

Лисон ут-тайр, 269-б.

МУСАДДАС [*а.* مسدس] **1** Олти каррали.

2 Олти қиррали.

3 Олтилик

4 Шеъриятда асли икки мисрага тўрт мисра қўшиб, олтилик қилиш

Мусаддас ул-ажзо Аруз атамаси.

... ва мушокили макфуфу мақсурки мусаддас ул-ажзодурлар...

Мезон ул-авзон, 54-б.

МУСАЛЛАС [*а.* مثلث] **1** Уч қават.

2 Уч бурчакли.

Мусаллас ун-наъмо 1) уч қатла эҳсон; 2) Идрис пайғамбарга берилган сифат, Идрис лақаби.

[Идрис а. *с.]. Ва ани халқ мусаллас ун-наъмо дейдиларким, учунчи пайғамбар ва учунчи ҳаким ва учунчи подшоҳ эрди.*

Тарихи анбиё ва ҳукамо, 103–104-б.

МУСИБАТНОМА [*а.-ф.* مصيبتنامه] Фаридиддин Атторнинг «Мусибатнома» асари кўзда тутилган; унда инсон нафсининг турли хил мусибатларга дучор бўлганлиги баён қилинган. Агар кишн кунглига бирор нарсадан озор етса, у мазкур асардан ўзига таскин топади.

Чун «Мусибатнома» айлаб баён,
Юз мусибат нафсқа айлаб аён.

Лисон ут-тайр, 29-б.

МУСИЧА [*т.* موسيچه] Қумрига ўхшаш (инсонларга яқин яшайдиган) бир қуш, мусича.

Журму гунаҳлардин ўтуб, келтурма юзга қурқутуб,
Лола агар соғар тутуб, мусича гар қилмиш зино.

Фавойид ул-кибар, 7-б.

МУСМИР [*а.* مثمر] **1** Самарали, мевали, ҳосил берувчи

Шажари мусмир Мевали дарахт, мевали боғ.

Бўлди раият галаву сен шўбон,
Ул шажари мусмиру сен боғбон.

Ҳайрат ул-аброр, 123-б.

2 Фойдали, самарбахш.

... мужиби фазилату камолдур ё ибодатқаму иштиғол қургузайки, мусмири ҳаловату дофеъи қийлу қолдур.

Насойим ул-муҳаббат, 417–418-б.

МУСОМОТ [*а.* مسامات] Инсон баданидаги тер чиқарадиган майда тешикчалар.

... ва ут хоро мусомотида ниҳон булурда Мажнуннинг утдек изтироб... ва ҳаводек шитоб била. .

Лайли ва Мажнун, 179-б.

МУСОФИРАТ [*а.* مسافرت] 1 Мусофирлик.

Кеча ул гамда булди савдойи,
Жазм қилди мусофират ройи.

Сабъаи сайёр, 207-б.

2 Сафар қилиш.

Андин Рум ва Миср ва Ҳалаб, балки ул талафнинг купрак мамоликига мусофират қилиб, олти-етти йил қолиб арабий тилни равон қилиб мутабаррук мазоратга етиб...

Мажолис ун-нафоис, 126-б.

МУСОФИРОНА [*а.-ф.* مسافرانه] Мусофирларча

Чун тун араби мусофирона,
Ҳар сори тушурди хайлхона.

Лайли ва Мажнун, 172-б.

МУСТАЛАҲОТ [*а.* مصطلحات] 1 Истилоҳлар.

2 Мажозий маънода қулланиладиган иборалар.

[*Шайх Муҳиддин Муҳаммад б. ...*]. *Ва ҳамоноки, аларнинг таънининг маншаъи ё таассубдур, ё иттилоъларидаги адами, аларнинг мусталаҳотига ё маоний ё ҳақойиқ румузики таснифларида дарж қилубдурлар.*

Насойим ул-муҳаббат, 395-б.

МУСТАМИР(Р) [*а.* مستمر] 1 Доимий; устувор; давомли; кетма-кет.

2 Муқаррарлик, кутилган нарса.

Ва дебдурки вақт машойихидин сурарбизки, бу мустамир вақт бўлгай? Дерларки йўқ, мустамир бўлмагай!

Насойим ул-муҳаббат, 332-б.

МУСТАФАВИЙ [*а.* مصطفوي] 1 Сайланган, танланган, афзал ҳисобланган.

2 Муҳаммад алайҳиссалом сифатларидан бири.

Кунгли Каломуллоҳ аҳкомидин қавий ва ҳукмида муқтадо аҳодиси мустафавий.

Маҳбуб ул-қулуб, 21-б.

МУСТАФЪИЛОТУН [*а.* مستفعلاتن] Лугавий маъноси бўлмаган, вазн кўрсатувчи шартли сўз.

«Тарфил» – мустафъилуннинг ватади мажмуъига бир сабаби хафиф изофа қилмоқдур, мустафъилотун бўлур...

Мезон ул-авзон, 50-б.

МУСТАЪСИЛ [*а.* مستأصل] 1 Илдизидан қупорилган, юлинган; тугаш, битиш.

2 Ташвиш, дард-ҳасрат оркасида ҳолдан тойиш, тамом бўлиш.

Мустаъсил бўлмоқ Адою тамом бўлмоқ.

Эмас ул иш мурувват иқтизоси,
Булур ул гамда мустаъсил атоси.

Фарҳод ва Ширин, 132-б.

МУСТАЪСИМУН-БИЛЛОҲ [*а.* مستعصم بالله] Ҳижоз аҳли Каъбага эътиқод қилгани каби Мустаъсим (Бағдодда 1268 йилда вафот этган аббосий халифа) ҳам унга кўп ихлос қилди.

Мустасим ун-биллоҳ этиб куп ниёз,
Каъбага ул навъки аҳли Ҳижоз.

Ҳайрат ул-аброр, 231-б.

МУСТАҚАР(Р) [*а.* مستقر] **1** Жой, манзил, маскан, кароргоҳ.

2 Пойтахт, мамлакат, марказ.

Ҳарким ихлос юзидин исго қилмаса имонининг тубин ва дининнинг шохин кесиб, ани судрай-судрай сақар мустақаррига элтурлар.

Насойим ул-муҳаббат, 335-б.

МУСТАҒАЛЛОТ [*а.* مستغلات] Ғалла экиладиган ерлар; ғалла ҳосили.

[*Мир Ёдгорбек – форсигуй шоир*]. *Фониваш ва бетакаллуф киши эрди, жузъий мустағаллоти ҳосили била қаноат қилиб эрди.*

Мажолис ун-нафоис, 37-б.

МУСТАҲАБ [*а.* مستحب] **1** Мақбул, маъқул.

2 Ислом динидаги таҳорат олиш билан боғлиқ шаръий амаллар, таҳорат олиш учун авратларни ювиш.

Таҳорат ичра олти мустаҳабдур,
Эшитсин ҳар киши аҳли талабдур.

Сирож ул-муслимин, 280-б.

МУСТАҲДАС [*а.* مستحدث] **1** Янги пайдо бўлган.

2 Аруз баҳрларидан бири.

Учунчи доиранинг бешинчи баҳри мушокилдур ва бу ҳам мустаҳдас баҳрдур.

Мезон ул-авзон, 84-б.

МУСТИҚАН [*а.* مستيقن] Гинали, шикоятли; ҳасратли.

Мустиқан еттинчи дайр ичра муаммар ҳиндуе,
Рангу сайри кўргузуб ушшоқ шоми фурқатин.

Бадоеъ ул-васат, 478-б.

МУСҲАФ [*а.* مصحف] **1** Китоб.

2 Қуръони карим.

Мусҳафи нотиқ Тангри таоло, Аллоҳ.

Жамолинг буки мусҳафдур ҳадисинг Ҳақ каломи ҳам,
Дей олур мусҳафи нотиқ сени ҳамким эрур огаҳ.

Наводир ун-ниҳоя, 461-б.

МУТААББИД(А) [*а.* متعبد/متعبده] Ибодат қилувчи, риёзат чекувчи, обид.

[*Абу Жаъфар Саммок қ. т. р.*]. *Мунзавий ва мунқатеъ ва мутааббид экандур.*

Насойим ул-муҳаббат, 47-б.

[*Жорияи Мажҳула р. т.*]. *Ҳам Зуннун қ. с. дебдурки, манга бир канизакни угдилар, мутааббида.*

Насойим ул-муҳаббат, 494-б.

МУТААЛЛАҚОТ [*а.* متعلقات] **1** Тааллуқли нарсалар, тегишли нарсалар. **2** Хеш-ақраболар.

Луқмон ҳикоятиким, жаҳон мутааллақотидин ганждек бир бузуғни ихтиёр этти...

Садди Искандарий, 518-б.

МУТАБОИНИЯ [*а.* متباينه] Тафовутли, бир-биридан жудо булишлик.

... бу махфий ганж юзига тортибсен, таъайюноти мухталифа касрати ва осари мутабоиния воситасидин буъду ҳижрон ва ғафлату пиндор ва ғайрат ғирфтори булубдурлар.

Насойим ул-муҳаббат,460–461-б.

МУТАВАЗЗО [*а.* متوضا] Таҳоратхона, масжид яқинидаги мустаҳаб қилиш жойи.

Ҳазрат Шайх ани аввал мутаваззо хидматиға амр қилди.

Насойим ул-муҳаббат, 292-б.

МУТАВАККИЛ [*а.* متوكل] Таваккал қилувчи; Аллоҳга таваккал қилувчи, ўз ҳаракатидан ташқари Аллоҳнинг берганига умидвор бўлишлик.

Фатҳни дерларки, мутаваккилларнинг имомидур, онак залла боғлади.

Насойим ул-муҳаббат, 43-б.

МУТАВАРРИЪ [*а.* متورع] Парҳезкор, покдомон, порсо.

[*Абубакр Тоҳир Абҳарий қ. т. с.*]. *Олим ва мутаварриъ Юсуф б. Ҳусайн била суҳбат тутубдур...*

Насойим ул-муҳаббат, 130-б.

Аҳмад Ҳарб шогирдларидин, мутаваккил ва зуҳҳоддиндур.

Насойим ул-муҳаббат, 64-б.

МУТАВАССИТ [*а.* متوسط] **1** Восита бўлган, орага кирган. **2** Ўрта, яхшилик ва ёмонликнинг ораси

Кимники қилсанг мутавассит хаёл,
Асра анинг ҳурматида эътидол.

Ҳайрат ул-аброр, 161-б.

МУТАВАҲҲИМА [*а.* متوهمه] Ваҳима қилувчи, қурққан, ваҳимага тушган.

Пас «Ло илаҳа», яъни бу сувари мутаваҳҳима ғайрати манфийдур...

Насойим ул-муҳаббат, 277-б.

МУТАВАҲҲИШ [*а.* متوحش] Қўрқувга тушган, қўрққан.

Мутаваҳҳиш бўлмоқ Қўрқувга тушмоқ, қўрқмоқ.

Ва Ардувон бу суздин мутаваҳҳиш булуб, бу ишнинг тафаҳҳусидадурким, ул кишини топиб, дафъ қилғай.

Тарихи анбиё ва ҳукамо, 223-б.

... ва ҳумоюн зотиға мутаваҳҳиш бўлди...

Муншаот, 149-б.

МУТАЖАММИЛ [*а.* متجمل] **1** Зийнатли, ораста, зебу зийнатли. **2** Шон-шавкатли.

Фақрнинг нофеъроғи улдурким, сен онинг била мутажаммил булғайсен...

Насойим ул-муҳаббат, 68-б.

МУТАЖАССИД [*а.* متجسد] Баданга кирувчи, жасадга кирувчи.

Арабий баъзи расойилда дебдурки, бу тоифадин биз баъзини куруббизки, аларнинг руҳоният суратлари мутажассид ва мутамассил булур...

Насойим ул-муҳаббат, 381-б.

МУТАЖАССИС [*а.* متجسس] Қидирувчи, изловчи, хабар истовчи, хабар олувчи.

... ва Расул с. а. в. ва асҳоби киром р. а. ахбору осорига мутафаҳҳис ва мутажассис бул!

Насойим ул-муҳаббат, 262-б.

МУТАЛЛЕЪ [*а.* مطلع] Огоҳ булиш, хабардор булиш, воқиф булиш.

Тавбаи ҳақиқий мазмуми афъол қабоҳатига муталлеъ булмоқдур...

Маҳбуб ул-қулуб, 47-б.

МУТАМАВВАЛ [*а.* متمول] Бой, бадавлат, молдор.

Ҳар кимки насиб анга фазойил эрмас,
Кунглига гино махзани ҳосил эрмас,
Ким ганжи фазойил била комил эрмас,
Булсун Қорунким мутамаввал эрмас.

Назм ул-жавоҳир (илмий-танқидий), 119-б.

МУТАМАННИЙ [*а.* متمني] **1** Таманно қилувчи.

2 Орзу қилувчи.

Осонликча эришмоқчи булган мутаманний [*орзу қилувчидир*].

Насойим ул-муҳаббат, 58-б.

МУТАНАФФИС [*а.* متنفس] Нафас олувчи; тирик жон инсон.

... ва бу ишта чун ҳеч мутанаффисқа муршиди комил мулозамати ва иродатидин гузир йўқдур...

Хамсат ул-мутаҳаййирин, 12-б.

МУТАОЛ [*а.* متعال] 1 Юксак, баланд, олий; юксаклик, мукаммаллик.

Мундин гофил қолибки, ҳаййи мутаол,
Келтургуси тонгла анинг оллига не ҳол.

Ғаройиб ус-сиғар, 11-б.

Аямай андин эзиди мутаол
Ҳеч ишда камол, хоссаки мол.

Сабъаи Сайёр, 243-б.

2 Аллоҳнинг сифати.

Ҳол тили бирла мақол айлабон,
Ҳамди карими мутаол айлабон.

Ҳайрат ул-аброр, 88-б.

МУТАРОДИФ [*а.* مترادف] Радифдош, қофиядош, маънодош.

Осори мутародиф булмоқ Шиорлар маълум булмоқ; келажак олдиндан маълум булмоқ.

Футуҳ абвоби юзумга очилди ва осори мутародиф булди.

Насойим ул-муҳаббат, 392-б.

МУТАСАВВАР [*а.* متصور] **1** Тасаввурланган, зеҳнга келтирилган.

2 Мумкин.

3 Тасвирланган.

Нодон пандида ғалат муқаррардур ва душман насиҳатида фириб мутасаввардур.

Маҳбуб ул-қулуб, 91-б.

Тош қозондин ғайри нафъ ҳеч нима мутасаввар эрмаским, лазиз ва мулавван атъима анда пишарким, хосу ом андин мунтафеъ бўлурлар ва лаълдин халойиққа анвои зарар мутасаввардур.

Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер, 100-б.

МУТАСАВВИФА [*а.* متصوفه] Тасаввуф аҳли, суфийлар.

[*Абулфазл Ҳасан Хатмий р. т.*]. *Узун умр топти ва яхши оёту каромот ияси бўлди. Ва мутасаввифа либосида эмас эрди...*

Насойим ул-муҳаббат, 219-б.

МУТАСАЙЙИД [*а.* متسيد] Ўзини саййид (Пайғамбар авлоди) ҳисоблаган, ўз шахсини ҳаммадан юқори қўйган.

Мутассаййиди нопок, нодон, фосиқ бобида.

Бадоеъ ул-васат, 492-б.

МУТАФОЪИЛУН [*а.* متفاعل] Луғавий маъноси бўлмаган шартли вазн кўрсаткич сўздир.

Мутафоъилун – фосилаи суғро тақдими била ватади мажмуъга.

Мезон ул-авзон, 47-б.

Ва комил ажзоси ҳам мусаддасда олти қатла «мутафоъилун» дур...

Мезон ул-авзон, 52-б.

МУТАХАЛЛИС [*а.* متخلص] Тахаллусли; Навоий тахаллусли.

Алишер ал мутахаллис бин-Навоий...

Хамсат ул-мутаҳаййирин, 7-б.

МУТАЪАББИДОТ [*а.* متعبدات] Ибодат қилувчилар, риёзат чекувчилар, обидлар.

[*Райҳонаи Волиҳа р. т.*]. *Басранинг мутаъаббидотидин эрмиш.*

Насойим ул-муҳаббат, 483-б.

МУТАҚАССИР [*а.* متقصر] Қусурли, нуқсонли, айбдор.

Шариат била маъмур бўлгон умурда ва тариқат била маҳкум бўлгон аҳкомда ўзин мутақассир ва мужрим билиб...

Муншаот, 226-б.

МУТАҒАЙЙИР [*а.* متغير] Ўзгарган, ўзгарувчи.

Мутағаййир ул-лавн Ўтли, ғазабли; инсон кайфияти ўзгарган ҳолат, ранг ўзгариши.

Уч кундин сунгра курдукки, масжид эшикидин кирди, мутағаййир ул-лавн.

Насойим ул-муҳаббат, 174-б.

МУТАҲАВВИР [*а.* متهور] **1** Қўрқмас, жасур, ботир.

2 Раҳмсиз, ғазабли.

Иккинчи навъ – бу жамоатдин мутаҳаввирроқ ва бу гуруҳдин худписандроқ ва мутакаббирроқ.

Маҳбуб ул-қулуб, 75-б.

МУТАҲАҚҚИҚ [*а.* متحقق] Ҳақиқат қилувчи, мутлақ ҳақиқат.

Мен дедимки, чун валий вилоятда мутаҳаққиқ булгай ва ул маъ-нодаки, анинг руҳонияти яна бир сурат била мусаввар булгай, му-тамаккин булгай.

Насойим ул-муҳаббат, 414-б.

МУТОВААТ [*а.* مطاوعت] Итоат, муте ва тобе булишлик, итоаткорлик.

Мавлоно Шамсуддин буюрдиким, мен Мавлононинг мутоваати қуввати ва машраби вусъатин имтиҳон қиладур эрдим.

Насойим ул-муҳаббат, 331–332-б.

МУТОЛААСИЗ [*а.-т.* مطالعه سیز] 1 Тушуниксиз, фаҳм этмаслик.

2 Қироатсиз.

Юзунг наззорасидин кузки қолди, ёптингким,
Эмас мутолаасиз расм мусҳаф улмоқ очуқ.

Фавоиид ул-кибар, 215-б.

МУТОЛАБА [*а.* مطالبه] 1 Талаб қилиш, Худо ҳақини талаб қилиш, текшириш.

2 Тафтиш, текшириш

Бу суз била анга мутолааба ва муохаза қилди ул ишга.

Насойим ул-муҳаббат, 39-б.

МУТОРАҲА [*а.* مطارحه] 1 Музокара қилиш, кенгашиш.

2 Режа тузиш.

... бу саодат тарҳларининг мутораҳаси ва хаёл баҳрида маоний туҳафи савдоси учун масоҳат қилмоқ...

Фарҳод ва Ширин, 41-б.

МУТОЯБАОМИЗ [*а.-ф.* مطایبه آمیز] 1 Ҳазиломиз, шўхлик.

2 Қочирим сўзлик.

... ва мутоябаомиз эътирозда ул Ҳазрат била фақир орасида таворуд воқеъ булгони.

Хамсат ул-мутаҳаййирин, 22-б.

МУТТАФАҚУН [*а.* متفق] 1 Бирлашган, иттифоқлашган.

Мутафақун алайҳ Бирор нарса устида бир овоздан, яъни бир дил-бир тил билан қабул қилинган фикр ва қарор.

Биз ул сузниким, муттафақун алайҳдур, адо қилоли.

Тарихи мулуки ажам, 218-б.

2 Аруз баҳрларидан бирининг номи.

... ва бу икки баҳрни бир доирада қуюб, отин «Муттафиқа» деб-дурлар.

Мезон ул-авзон, 55-б.

МУТТАФИҚА [*а.* متفقه] қ. **Муттафиқун.**

МУФАРРАҲ [*а.* مفرح] 1 Шод, хурсанд.

2 Ширин ва хуш исмли дори.

Нашъа ёқутли муфарраҳдин гар эрмас дам-бадам,
Дуржи лаълингда недин кулгу эрур кулгу уза.

Наводир ун-ниҳоя, 478-б.

МУФАТТИН [*а.* مفتن] Фитна қўзғовчи, шўр-шар солувчи, ғавғо солувчи, фитначи.

Олмаган дин нақди бирла йиқмаган меҳроб йуқ,
Эй мусулмонлар, не кофир куз, муфаттин қош эрур?!

Бадоеъ ул-бидоя, 175-б.

МУФАТТИШ [*а.* مفتش] Текпириш.

Муфаттиш ҳол Ҳаяжон

Сурди чун ровий ул дақиқ мақол,
Анга ҳам бўлди шаҳ муфаттиши ҳол.

Сабъаи сайёр, 274-б.

МУФОРИҚ [*а.* مفارق] Айрилиш, жудо булиш, ажралиш, бир-биридан айрилиш.

... чун бу баданга туфроқта идрок йуқдур ва руҳ андин муфориқ булубдур ва арвоҳ оламида ҳижоб йуқдур...

Насойим ул-муҳаббат, 306–307-б.

МУФРАД [*а.* مفرد] **1** Тоқ, ягона.

2 Мураккаб эмас.

Муфрад ул-ҳазрат Улуғларнинг ягонаси.

[*Муҳаммад Авонии...*]. *Шайх Абулқодир ани муфрад ул-ҳазрат дер эмиш.*

Насойим ул-муҳаббат, 382-б.

МУФРАДАҲ [*а.* مفردة] **1** Тоқ, якка.

2 Алоҳида байтлар.

Жавоҳири муфрадаҳ.

Фавойид ул-кибар, 529-б.

МУФРАДУН [*а.* مفرد] **1** Якка, танҳо.

2 Алоҳида.

[*Муҳаммад Авоний...*]. *Ҳам «Футуҳот» соҳибидин нақл қилибдурларки, муфрадун жамоатидиндур, қутб дойирасидин хориж.*

Насойим ул-муҳаббат, 382-б.

МУФТАТАҲ [*а.* مفتتح] Бошлаш, ибтидо

Онинг муфтатаҳи бу абётдурким...

Насойим ул-муҳаббат, 467-б.

МУХАЛЛИС [*а.* مخلص] **1** Қутқарувчи, халос этувчи

2 Ташқарига чиқарувчи

Чун Юсуф а. с. мухаллиси учун Тенгри таолога илтижо қилмай, махлуқни васила қилди.

Тарихи анбиё ва ҳукамо, 125-б.

МУХАММАР [*а.* مخمر] Туришланган, хамир қилинган, қорилган; ошган хамир; яратилиш, хислат.

Вафо бирла мухаммар хилқатингиз,
Мураккаб меҳр бирла тийнатингиз.

Фарҳод ва Ширин, 409-б.

Ишқ утидин аңга мухаммар сиришт,
Ишқ ҳуруфидин анга сарнавишт.

Ҳайрат ул-аброр, 198-б.

Мухаммар айламак Қорилмоқ, туришланмоқ.

Кавсар майини шаҳд узра сунъ илги томизиб,
Лаълинг мухаммар айлади ул обу гил била.

Бадоеъ ул-бидоя, 482-б.

МУХАННАСВАШ [*а.-ф.* مخنث وش] **1** Хунасадек.

2 Номарддай.

3 Разил сифат, пасткаш.

Худнамо муханнасвашларнинг дунё зийнати иктисобида ҳийласозлиқлари...

Ҳайрат ул-аброр, 266-б.

МУХОЛИФАТ [*а.* مخالفت] **1** Келишмовчилик, тескарилашиш; қарама-қарши, зидлик.

2 Юзма-юз.

Агар ҳусну жамоли ўрта чоғлиғдур ва мувофақати риштаси мухолифатқа боғлуқдур...

Маҳбуб ул-қулуб, 43-б.

МУХОЛИФЛИК [*а.-ф.* مخالف لیك] **1** Муқобиллик, зидлик, қаршилик.

2 Душманлик.

[*Форис б. Исо Багдодий к. с.*]. *Ва ҳам ул дебдурким, (ҳақиқий хотир шуки, унга бошқа фикр мухолифлик қилмаса).*

Насойим ул-муҳаббат, 109-б.

МУХОЛИФМАЗОҚ [*а.* مخالف مذاق] **1** Мухолиф сифат.

Сипеҳри мухолифмазоқ Тескари айланувчи фалак.

2 Душман сифат.

Сени ҳам сипеҳри мухалифмазоқ,
Ўкуш рев ила солди мендин йироқ.

Ғаройиб ус-сиғар, 534-б.

МУХТАЛ [*а.* محتل] Барбод булиш, яксон бўлиш, халал топиш.

Чун ишим мухтал улди якбора,
Айладим ўз ишимга бир чора.

Сабъаи сайёр, 342-б.

Мухтал айламак Бузмоқ, барбод айламоқ, яксон айламоқ, вайрон айламоқ.

Навоий даҳрнинг кун юзи, тун сочига майл этма,
Ки охир умр нақдин мухтал айлар ушбу муҳтола.

Бадоеъ ул-бидоя, 500-б.

МУХТАЛАФ [*а.* مختلف] Ихтилоф қилинган

Мухталафун фиҳ Ихтилофга боис булган суз ёки фикр.

Сўнгра ул сўзларниким мухталафун фиҳдур, зикр қилиб, ҳар нимагаким ўхшаши қупракдур, қарор бероли.

Тарихи мулуки ажам, 218-б.

МУХТАЛИФА [*а.* مختلفه] **1** Ҳар хил, турлича, турли-туман, хилма-хил

... Ҳақ субҳонаҳу ва таоло тасбеҳин мухталифа тил била айтадурлар, анвоъи тақдис била.

Насойим ул-муҳаббат, 380-б

... таъайюноти мухталифа касрати ва осори мутабония воситасидин буъду ҳижрон ва ғафлату пиндор ва ғайрат гирифтори булубдурлар.

Насойим ул-муҳаббат, 461-б.

2 Аруз атамаси.

... махбунники, мусамман ул-ажзодурлар бир доираға қуюб, ул доирани «Мухталифа» дебдурлар.

Мезон ул-авзон, 53-б.

МУХТАЛИФВАШ [*а.-ф.* مختلف وش] Ҳар турли каби, хилма-хилдек, турли-туманга ўхшаш.

Тавойиф чунки булди мухталифваш,
Бу ердек паст, ул ўтдек тунду саркаш.

Фарҳод ва Ширин, 51-б.

МУХТАЛИФРОЙ [*а.-ф.* مختلف راي] Хилма-хил фикр, ҳар хил истакларга раъй билдириб турувчи.

Ки, бизниким, сипехри мухталифрой,
Бу кишвар сори қилди дашт паймой.

Фарҳод ва Ширин, 136-б.

МУХТАСАРЛИҒ [*а.-т.* مختصر لغ] **1** Қисқартирилганлик, ихтисор қилинганлик, қисқачалик.

2 Қисқа муддат.

3 Кичиклик, майдалик.

Ройиҳа учун гулоб ва олма қазонининг кичикликка жиҳат айтур ва мухтасарлиғиға муносабат.

Бадоеъ ул-васат, 504-б.

МУХТАФИ(Й) [*а.* مختفي] Махфий, ниҳон, бекинган, яширин.

Сенки ичим ўртади меҳринг тафи,
Чунки улуғроқ сен эрур мухтафи.

Ҳайрат ул-аброр, 291-б.

МУЧА [*т.* موچه] Бўлак, қисм; аъзо.

Гар аёгинг чиқти ашкингнинг суйидин тойилиб,
Эй Навоий, шукр, ул куй ичрадур анинг мучи.

Фавойид ул-кибар, 406-б.

МУШАББАҲ [*а.* مشبه] Ўхшатилган, менгзалган; ташбиҳ этилган.

Мушаббаҳун биҳ [مشبه به] Ўхшатилган нарса.

Ва ул мушаббаҳ ва мушаббаҳун биҳ аросида бу тафовут ҳам борким ул фаршқа шуруъ ва таркидин фоилиға суд ва зиёники, айтса бўлғай, йўқтур.

Маҳбуб ул-қулуб, 128-б

МУШАВВАШЛИҚ [*а.-т.* مشوش لق] **1** Ташвишланганлик, паришонлик.

2 Беҳаловатлик.

... ҳар шурангиз газалдинким, истимоъи маҳвашларға мужиби саркашлик ва ғамкашларға боиси мушаввашлиқ булғай...

Бадоеъ ул-бидоя, 21-б.

МУШАЪБАД [*а.* مشعبذ] Маккор, ҳийлагар.

Амн ила замонаи мушаъбад,
Атрофига даҳрнинг чекиб сад.

Лайли ва Мажнун, 247-б.

МУШКИНФОМ [*ф.* مشکنفام] Мушк ранг, хушбуй сиёҳ ранг

Йуқки, ҳавро ёйиб жаҳон уза дом,
Юз сори ҳалқа муйи мушкинфом.

Сабъаи сайёр, 22-б.

МУШКПОШ [*ф.* مشکپوش] Мушк сепувчи, қора тусли хушбуй модда сочувчи.

Муроди субҳи висолингни тийра қилмоқ эрур,
Ки ҳажр шомин этар мушкпошу анбарбез.

Бадоеъ ул-васат, 146-б.

МУШКСОРО [*ф.* مشک سارا] Соф, тоза мушк, тоза ипор

Хаёлингда савдо пишурганда айлаб,
Димоғимни ошуфта ул мушксоро.

Наводир ун-ниҳоя, 10-б.

Шоми ҳажрим зулфи мушкингдин улсун тийрароқ,
Гар эмас кунглумга зулфунг мушксородин гараз.

Наводир ун-ниҳоя, 243-б.

МУШКУЛПИСАНД [*а.-ф.* مشکل پسند] Қийин ишларни ёқтирувчи, қадрловчи; мушкул ишларни ҳал қилувчи; муаммоли масалаларни ҳал қилишга қизиқувчи.

Бу сўзким суруб шоҳи мушкулписанд
Жавобин бағоят топиб дилписанд.

Садди Искандарий, 346-б.

Ёр агар мушкулписанд улмиш курунг мушкулки, бор,
Менда юз мушкул иш, ул қилмас бирин аммо писанд.

Ғаройиб ус-сиғар, 114-б.

Яна сурди даройи мушкулписанд:
К-эй, борча мушкулларинг дилписанд.

Садди Искандарий, 473-б.

МУШОАРА [*а.* مشاعره] Шеър айтишиш, икки ёки ундан ортиқ шоирларнинг бир-бирларига жавобан шеър айтишлари.

Андоқки, «муораза» ва «мукобала» ва «мушоара» ва «муколама» ва куллий бобдур ва мунда азим фавоид ҳосил.

Муҳокамат ул-луғатайн, 21-б.

МУШОЯЪА [*а.* مشایعه] 1 Йўналтириш.

2 Ҳамкорлик қилиш, эргашувчилик; пайравлик қилиш.

[*Абдулазиз Баҳроний қ. с.*]. *Анга мушояъа қилдим ул дарвоза сарики, ул борур йўлда эрди.*

Насойим ул-муҳаббат, 177-б.

МУШТАБИҲА [*а.* مشتبه] Арузшуносликка доир атама.

... ул доирадин орий бўлмағай ва ани «Доираи муштабиҳа» дебдурлар...

Мезон ул-авзон, 58-б.

МУШТАҲИР [*а.* مشتهر] Овоза бўлиш, маълум бўлиш, машҳур бўлиш.

Алқисса, бу мудхиш хабар шаҳрга муштаҳир бўлгоч, акобир ва жавониб ва атрофдин етиштилар.

Хамсат ул-мутаҳаййирин, 78-б.

МУШТОҚВОР [*а.-ф.* مشتاق وار] Муштоқларча, муштоқлар сингари, орзумандларча.

Қулуб узр, қучтум яна устувор,
Қадам қуйдум ул сори муштоқвор.

Садди Искандарий, 572-б.

МУШФИҚОНА [*а.-ф.* مشفقانه] Шафқатлилардек, меҳрибонлардай, марҳаматлилар каби.

Сафҳа уза килк этиб равона,
Ёзгай неча панди мушфиқона.

Лайли ва Мажнун, 301-б.

МУЪАНЪАН [*а.* معنعن] Анъанага ухшаш.

Ҳазрат Пайғамбар с. а. в. га Ҳадис дуруст муттасил муъанъан била...

Насойим ул-муҳаббат, 399-б.

МУЪЗИН [*а.* مؤذن] Азон айтувчи, одамларни номозга чақирувчи, муаззин.

Чекти ғавго баланд бодапараст,
Булди муъзин била имом уни паст.

Сабъаи сайёр, 105-б.

МУЪОФ [*а.* معاف] Афв этилган, гуноҳи кечирилган.

Муъоф бўлмоқ Афв этилмоқ.

[*Шоҳ Али Фароҳий қ. т. с.*]. *Ўғли Шоҳ Алини замон подшоҳининг урдусиға юбордики, ҳукумат нишонин уз отига олгай ва ул муъоф булгай.*

Насойим ул-муҳаббат, 320-б.

МУЪТАЛИФА [*а.* مؤتلفه] Уйғунлашган, қушилган, аруз атамаси.

Чун ҳажаз ва ражаз ва рамал баҳри бурунқи доирага кирдиким, «муъталифа» га тасмия топти...

Мезон ул-авзон, 63-б.

... ва ул доирани «Муъталифа» дебдурлар.

Мезон ул-авзон, 53-б.

МУЪТАФИКОТ [*а.* مؤتفكات] **1** Шаҳар, хароб этилган шаҳарлар.
2 Ёлғончилар шаҳри.

Малоикани Ҳақ таоло йигитлар суратида Лут а. с. га меҳмон юбордиким, Муътафикотни бузгайлар.

Тарихи анбиё ва ҳукамо, 117-б.

МУЪТАҚАД [*а.* معتقد] Эътиқод; ишонч, мулоҳаза.

Олти дурур шаръда гуё адад,
Ҳар неки муъминга керак муътақад.

Ҳайрат ул-аброр, 101-б.

МУҚАВВИМ [*а.* مقوم] **1** Баҳо берувчи, нарх қуйувчи
2 Абадий, доимий, барқарор турувчи.

... ул нима биладур, вужуди ҳақиқий ангадур ва муқаввим вужуди андин орият важҳи била будур...

Насойим ул-муҳаббат, 250-б.

МУҚАДДАСА [*а.* مقدسه] Муборак; пок, тоза, азиз.

[*Мавлоно Саъдуддин р. т.*]. *Ва кирк йилга яқин Машхади муқаддасаи ризавияда сокин эрдилар.*

Насойим ул-муҳаббат, 435-б.

МУҚАДДИМИН [*а.* مقدمين] Аввал, бурун.

Фақир муқаддимин малик ул-каломлардин ҳеч қайсидин андоқ қасида эшитмайдурмен.

Хамсат ул-мутаҳаййирин, 16-б.

МУҚАММИРВАШ [*а.-ф.* مقمروش] Қиморбоздек, қимор ўйновчи каби.

Анжум истар чарх тосида тугонлар ишқдин,
То курубтур ул муқаммирваш қулида каъбатайн.

Фавойид ул-кибар, 302-б.

МУҚАММИРПЕША [*а.-ф.* مقمرپیشه] Қиморни одат қилган қиморбоз киши, қимор ўйновчи.

Эй сабо, ушшоқ нақди жонларин еткур йигиб,
Қайда топсанг ул муқаммирпешайи қаллошни.

Бадоеъ ул-бидоя, 552-б.

МУҚАССАМ [*а.* مقسم] Тақсимланган, айрилган, бўлинган.

Авжида бир қасрки меъмори сунъ,
Айлаб ани муқассам паргори сунъ.

Ҳайрат ул-аброр, 92-б.

МУҚОТАЛА [*а.* مقاتله] Жанг, уруш; қотиллик, хунрезлик.

... ва Скандар ҳам ул дарёйи офат муқобаласида сели бало ва қўҳи махофат муқоталасиға барқи разм ва ваго ясаб юзлашгани...

Садди Искандарий, 157–158-б.

МУҚТАДИР-БИЛЛОҲ [*а.* مقتدر بالله] Қодир Аллоҳ ҳақи.

Дерларки, муқтадир-биллоҳ халифанинг вазири Али б. Исо киши йибордиким, Шайх Абу Али Ҳайронни келтургай.

Насойим ул-муҳаббат, 146-б.

МУҚТАЗИЁТ [*а.* مقتضيات] **1** Зарурий нарсалар; лозим бўлган ва талаб қилинган ишлар.

2 Сабаб, боис; тарз.

... ва тўрт қасри Хаварнақ тимсолнингким, турт фасл муқтазиёти ранги билан бино қуюлуб эрди...

Фарҳод ва Ширин, 88-б.

МУҚЪАД [*а.* مقعد] Жойида қолмоқ, ҳаракатдан қолмоқ

Шайх Аҳмад «муқъад» булди ва урнида қолди, ул вақтқачаким, Тенгри раҳматиға восил булди.

Насойим ул-муҳаббат, 407-б.

МУҒАЙЛОН [*ф.* مغيلان] Арабистон чўлларида ўсадиган тиконли бир дарахт номи.

... Ҳақ субҳонаҳу ва таоло барча йирогиқ муғайлонлари аро саргардонларни яқинлик Каъбаси тавофиға мушарраф қилгай, омин!

Муншаот, 148-б.

МУҒАННИЙЛИК [*а.-т.* مغنى ليك] Мутриблик, ашулачилик, созандалик.

Бир ғурфада бир улуқ киши ўлтуруб эрди ва илайида бир канизак муғаннийлик қиладур эрди.

Насойим ул-муҳаббат, 136-б.

МУҒКИРДОР [*ф.* مغ كردار] **1** Порсо бачча, муғ равишли.

2 Майхона соҳиби.

Жоми муғкирдор Муғ, маъшуқа тутган қадаҳ.

Диним аҳволига очиг йиғларамким, муғбача
Нуш этар дайр ичра ҳар дам жоми муғкирдор талх.

Бадоеъ ул-васат, 86-б.

МУҒОЯРАТ [*а.* مغايرت] Қарама-қаршилик, мухолифлик, муқобиллик, келишмовчилик.

... Солиҳ била ноқаси ўртасида не муғоярат бўлгай эрди.

Назм ул-жавоҳир, 125-б.

МУҲАББАТКАШ [*а.-ф.* محبت كش] Ишқ дардини тортувчи, муҳаббатли, севувчи, ишқ учун ўзини фидо қилувчи.

... ва жон фидо муҳаббаткашларнинг дин қуввати ҳисобида сар андозлиқлари.

Ҳайрат ул-аброр, 266-б.

МУҲАББАТОМИЗ [*а.-ф.* محبت آميز] Ишқ фунунли, муҳаббатли, дардли.

[*Марям Басрия р. т.*]. *Ва муҳаббатомиз сўз эшитса эрмиш, беҳол бўлуб, йиқилур эрмиш.*

Насойим ул-муҳаббат, 483-б.

МУҲАВВИС [*а.* مهوس] **1** Кишининг табиатига ҳавас, эгалик қилиши, ҳавасманд, ҳаваскор.

Анинг зотиға чун табъи муҳаввис,
Таносубсиз ҳунарлар қилди мунис.

Фарҳод ва Ширин, 49-б.

2 Кишига шавқ-завқ бахш этадиган; завқли.

Муҳаввисеки, маошини ақл ила туздунг,
Фано йўлида аядинг беруруга ақл маош.

Бадоеъ ул-бидоя, 228-б.

МУҲАЙЯН [*а.* مهيأ] Тайёрланган, ҳозирланган.

Ўқунгуз Фарҳоду Мажнун достонин завқ учун
Ким, менинг қиссам киби муҳлик муҳайян ҳам эмас.

Наводир ун-ниҳоя, 202-б.

МУҲАММАД [*а.* محمد] **1** Мақталган.

2 Сунгги Пайғамбар исми [Муҳаммад (с. а. в.)].

Муҳаммади арабий Муҳаммад Пайғамбар алайҳиссалом сифатларидан бири.

Муни дерлар: «Муҳаммади арабий»,
Ул бирининг «Масиҳ» эрур лақаби.

Сабъаи сайёр, 33-б.

МУҲАНДИСВОР [*а.-ф.* مهندسوار] **1** Ҳандаса (геометрия) илмини яхши билувчилар каби.

2 Муҳандислик, бинокор мутахассис.

Муҳандисвор айлар эрди аввал,
Аригнинг икки ёнин икки жадвал.

Фарҳод ва Ширин, 252-б.

МУҲАҚҚАРИЙ [*а.* محقّر] **1** Таҳқирланганлик, ҳақоратланлик.

2 Озгина, бироз; озгиналик, арзимаслик.

Улча ҳосил қилса эрди, кеча ондин муҳаққарий баҳра олур эрди.

Насойим ул-муҳаббат, 76-б.

МУҲЗАЛ [*а.* مهزل] Масхара булиш, ўйинчоқ булиш.

Мастки феъли бори муҳмал дурур,
Қуйнинг атфолиға муҳзал дурур.

Ҳайрат ул-аброр, 257-б.

МУҲИШ [*а.* موحش] Ваҳшатга солувчи; одамлардан узоқлашишлик, ваҳшийлар билан дўст булишлик.

Эй хуш улким, тутмиш эрди ваҳш ила саҳрода унс,
Муҳиш аҳволе мангаким, бор узумдин ваҳшатим.

Ғаройиб ус-сиғар, 313-б.

МУҲКАМ [*а.* مستحكم] **1** Мустаҳкам, маҳкам, пухта, қаттиқ

Гар ул шаҳ базмида бир журъа май топмон ажаб эрмас,
Ки май шўхи кириптур ширадин муҳкам ҳисор ичра.

Наводир уш-шабоб, 399-б.

Гул аҳмар, савсан азрақ бу чаман ичра булуб андин
Ки, елдин тарбият кожин аларга еткуруб муҳкам.

Наводир уш-шабоб, 286-б.

Муҳкам булмоқ Ёпишмоқ, маҳкам булмоқ

Тўлуптур кўнгул ишқинг ўқидин андоқ,
Ки кўп ўқ дағи ўққа муҳкам булуптур.

Наводир уш-шабоб, 125-б.

2 Ёпмоқ, бекитмоқ

Элга расво булмоғи булдум не суд эмди, агар
Юз туман мисмор ила оғзимни муҳкам айладим.

Наводир уш-шабоб, 299-б.

Муҳкам қилмоқ Бекитмоқ, ёпмоқ; бандламоқ.

Ҳар бино рахнасини тутса булур турфа буким,
Мумкин эрмас бу ики рахнани қилмоқ муҳкам.

Наводир уш-шабоб, 305-б.

Қароғ эрмаски, қилмишмен кузум сайли йулин муҳкам,
Сиришк эрмаски, ул йул беркимай қилмиш тарашшуҳ нам.

Наводир уш-шабоб, 310-б.

3 Узилмас; боғлиқ (маҳкам боғлиқ).

Тори умрум ажал илгидин узулса ғам эмас,
Тори зулфунгга агар муҳкам эрур пайвандим.

Наводир уш-шабоб, 303-б.

Ҳаво қилганда зулфунг ҳалқа домидин кунгул, билдим,
Бу қушнинг ҳам аёғ, ҳам буйнида муҳкам эмиш илмак.

Наводир уш-шабоб, 238-б.

4 Кучли

Иштиёқим хирқатиға чорае қил, эй рафиқ,
Ким хароб айлабтурур ҳолимни муҳкам иштиёқ.

Наводир уш-шабоб, 231-б.

МУҲОРАБА [*а.* محاربه] Жанг, уруш.

Шайх Абу Абдуллоҳ Ҳафиф дебдурки, Абу Заҳҳок дедиким, бир қатла менинг била шайтон орасида муҳораба бўлди...

Насойим ул-муҳаббат, 173-б.

МУҲОФИЗАТ [*а.* محافظت] 1 Муҳофаза этувчилик, сақловчилик.
2 Муолажа қабул қилишлик.

[*Мавлоно Байзоий – форсигуй шоир*]. *«Дор уш-шифо» да муҳофизатин қилгондин сунгра сиҳат топиб, яна Ҳисорга борди.*

Мажолис ун-нафоис, 161-б.

МУҲР [*ф.* مهر] Муҳр; тамға; шуларнинг изи.
Муҳри бодома Бодом шаклида ясалган муҳр.

Кўзунг хаёли кўнгул махзанин тасарруф этиб,
Магарки ҳифзи учун бости муҳри бодома.

Бадоеъ ул-васат, 368-б.

МУҲРАБОЗ [*ф.* مهره باز] 1 Найрангбоз, кузбойлоғич.
2 Шахматчи.

Демайин муҳрабози шуъбадафан,
Балки луъбатнамойи луъбфиган.

Сабъаи сайёр, 45-б.

МУҲТАРИҚ [*а.* محترق] Куйган, ёнган

Субҳи иқболу саодат келди ул фарҳунда энг,
Тонг бошида муҳтариқ кавкаб киби энг узра менг.

Наводир ун-ниҳоя, 302-б.

Жисмим аро янги тугон ҳар сариму кўрунди ё,
Ҳар бири ишки авжининг муҳтариқ ахтаримудур?

Наводир ун-ниҳоя, 138-б.

Эй жамолинг шамъиға жон бирла кунглум муҳтариқ,
Гаҳ мухолиф айланиб бошинга, гоҳи муттафиқ.

Фавойид ул-кибар, 214-б.

МУҲТОЛА [*а.* محتاله] Ҳийлагар, маккор, айёр

Навоий даҳрнинг кун юзи, тун сочиға майл этма,
Ки охир умр нақдин мухтал айлар ушбу муҳтола.

Бадоеъ ул-бидоя, 500-б.

МУҲТОЛАЛИҚ [*а.-т.* محتاله لق] Маккорлик, айёрлик, ҳийлагарлик

Зоҳир этиб ўртада даллолалиқ,
Айтма даллолаки, муҳтолалиқ.

Ҳайрат ул-аброр, 248-б.

МУЪЖИЗАНАМОЙ [*а.-ф.* معجزه نماي] Муъжиза курсатувчи

Ҳазрат рисолатнинг мўъжизанамой бармоғи таърифидаким қамар шақийда яди байзо кургузди.

Фавойид ул-кибар, 511-б.

МУРЧА I [*ф.* مورچه] Чумоли, қумурсқа.

Саводи хами анинг лаъли руҳпарвар аро,
Магарки мурча нисфи узулди шаккар аро.

Наводир ун-ниҳоя, 26-б.

... мурча минг шери жиён қила олмаган ишни нечук қила олгай...

Ғаройиб ус-сиғар, 15-б.

МЎРЧА II [*ф.-т.* مورچه] Қумурсқаларча, чумолиларча.

Дашти фаноки мурча йўқ шерларга саф,
Гарчи махуф йўлдурур, эт азму лотахаф.

Бадоеъ ул-васат, 218-б.

МЎРХАТ [*ф.-а.* مورخط] Қумурсқа бел, бели ингичка гўзаллар.

Ажаб кур ишқ ароким, мур этарга аждаҳоларни
Фусундин мурхатлар қайди зулфин аждаҳо қилмиш.

Бадоеъ ул-бидоя, 237-б.

МЎ(Ъ)МАН [*а.* مؤمن] Ислом динига эътиқод қилувчи киши, мусулмон.

Мў(ъ)ман биҳи Имонли, эътиқодли, художўй; имон келтирувчи.

Мў(ъ)ман биҳиларининг тафсили.

Сирож ул-муслимин, 276-б.

МЎҒИЛЖАБИН [*м.-а.* مغلجبين] Чаққон, чапдаст.

... ва шомнинг мушкбуй сипоҳ жардалари субҳнинг мугилжабин чобуксувори турктозидин эмин...

Вақфия, 236-б.

Н

НАБАРДОЗМОЙ [*ф.* نبرد آزمای] Тажрибали жангчи, марди майдон жангчи.

Камингаҳда беш минг набардозмой,
Ниҳоне қуюб шоҳи фархундарой.

Садди Искандарий, 461-б.

НАВАРДАНДА [*ф.* نورنده] Айланиб юрувчи, кезувчи, сайр этувчи.

Не гирдобким, чархи гардандадек,
Не игрим, сипеҳри навардандадек.

Садди Искандарий, 428-б.

НАВЖАВОНИЙ [*ф.* نوجوانی] Ёшгиналик, кичкиналик, ёш йигитлик, йигитчалик.

Навжавоний келиб Ёш йигитча бўла туриб.

Ва ул бу нав эркандурки, навжавоний келиб, қавволлик қиладур эрмиш.

Насойим ул-муҳаббат, 141-б.

НАВИДА [*ф.* نوید] Хушхабар, севинчли хабар.

Агарчи саъб мараз ниҳоятида улмак бийми бор, ранжур маризга жон умиди, балки ҳаёти жовидон навида етишти.

Муншаот, 174-б.

НАВИСАНД [*ф.* نویسند] Котиб, хаттот, мирзо, ёзувчи.

[*Амир Қивомуддин Синжоний р. т.*]. *Бидоят ҳолда Хавоф вилоятининг Синжон отлиг кентида шарику нависанд эрмиш...*

Насойим ул-муҳаббат, 348-б.

НАВКАРСИЗ [*ф.-т.* نوکرسیز] Аскарсиз, йигитсиз.

... алар бирин-бирин усрук бошига етиб, мулозимлиқ элни мулозимларига топшируб, навкарсиз номуродларни муҳофазат қилиб...

Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер, 95-б.

НАВМИДЛИҚ [*ф.-т.* نومید لیق] Умидсизлик.

Ва Тенгри таолодин навмидлиқ куфрдур...

Насойим ул-муҳаббат, 145-б.

НАВОЗАНДАЛИҚ [*ф.-т.* نوازنده لیق] Шафқату марҳаматлар, лутфу марҳаматлар

Солиб ул камоли навозандалиқ,
Анинг буйнига рибқаи бандалиқ.

Садди Искандарий, 442-б.

НАВОЗИР [*а.* نوازر] Овоз чиқариш, ғитир-ғитир қилиб овоз чиқариш.

Не лулидурки, чун ҳангома тутса,
Қадам бештин қилиб тортар навозир.

Бадоеъ ул-бидоя, 663-б.

Зуҳра йулида тузуб навозир,
Мутриблардек булуб миёнгир.

Лайли ва Мажнун, 24-б.

НАВОИЙ [*ф.* نوایی] **1** Куйга, мақом ва оҳангга тегишли.

2 Куйчи; ашулачи.

Тори ишқингни десангким чарх даври узмасун,
Хаста кўнглинг жуз навоий дарду меҳнат тузмасун.

Наводир уш-шабоб, 484-б.

НАВОМУЗ [*ф.* نوآموز] Янги ургатилган (қуш).

Янги урганди кунгул булбули ул гул юзига,
Тонг эмастур, агар ул қушни навомуз дедим.

Бадоеъ ул-васат, 309-б.

НАВОФИЛ [*а.* نوافل] **1** Бажарилиши мажбурий булмаган иш, ихтиёрий иш.

2 Ислом динидаги нафл намозлари.

Навофилда вале ниятни килмоқ,
Санга жоиздурур туштин бурунроқ.

Сирож ул-муслимин, 286-б.

НАВФАЛ [*а.* نوفل] **1** Бирор ишни мустақил, ўз ихтиёри билан бажарувчи.

2 Тарихий шахс номи (Араб қабилаларидан бирининг бошлиғи).

Навфали меҳр Қуёш навфали.

Чун навфали меҳр юз ёшурди,
Мажнуни фалак ёшин ошурди.

Лайли ва Мажнун, 221-б.

НАВХАТ [*а.* نوحط] **1** Мўйлови энди сабза уриб келаётган ёш;

2 Янги етишган, ўспирин.

Шайх Абу Тоҳирғаким, аларнинг фарзанди эрди, васият қилдиларким, менинг вафотимдин неча йилдин сунгра бир навхат буюк бўйлуқ, азрақ кузлуг Ахмад отлиг йигит сенинг хонақоҳингдин киргай...

Насойим ул-муҳаббат, 244-б

НАВҲААНГЕЗ [*а.-ф.* نوحه انگیز] **1** Йиғи-сиғи қилувчи, мунгли нола тортувчи.

2 Азада мунгли овоз билан шеър ўқувчи.

Чеҳрам тилаб улса навҳаангез,
Айларму экин сиришки гулрез?

Лайли ва Мажнун, 138-б.

НАЖАНДЛИҒ [*ф.* نژندلیغ] **1** Ғамгинлик.

2 Хорлик, пастлик.

Ва олимнинг бовужуди фалокат қуёшдек сар баландлиги ва жоҳилнинг бовужуди ганжу мол туфроғ аро нажандлиги.

Ҳайрат ул-аброр, 212-б.

НАЖАФ [*а.* نجف] Муҳаммад алайҳиссаломнинг куёвлари ҳазрат Алининг сифати.

Шояд Навоий айлагай ул туҳфалар била
Тортиб назм манқабати шаҳҳатун Нажаф.

Бадоеъ ул-васат, 219-б.

НАЖИБ [*а.* نجيب] 1 Азиз, асл.

2 Оқил, ҳурматга сазовор, муътабар

Ҳақ с. т. санга фарзанде бергусидур, нажиб ва солиҳ.

Насойим ул-муҳаббат, 339-б.

НАЖИС [*а.* نجس] Ҳаром, чиркин, ифлос.

Неча лаванд олида борча нажис,
Бирида не ақлу не идроку ҳис.

Ҳайрат ул-аброр, 269-б.

НАЖИСХОР [*а.-ф.* نجس خوار] Ҳаромхур, мурдор нарсаларни егувчи, нажосат егувчи.

Гулхану юз зоғи нажисхордек,
Ё заган атрофида мурдордек.

Ҳайрат ул-аброр, 270-б.

НАЖМ [*а.* نجم] Юлдуз, сайёра.

Нажму шиҳоб Думли юлдуз, ҳавода ялт этиб ўтадиган юлдуз.

Тийра назарларга бериб нуру тоб,
Ҳар бириси уйлаки нажму шиҳоб.

Ҳайрат ул-аброр, 99-б.

НАЖОШИЙ [*а.* نجاشي] 1 Имон келтирувчи; ислом дини ва унинг Пайғамбарига имон келтирувчи (яҳудий ва насроний) ларга ишора.

2 Диний манбаларга кўра, яҳудий ва насронийлардан бўлган Абдуллоҳ ибн Салом, Ҳабашистон подшоҳи Нажоший каби айрим тарихий шахслар Қуръони карим (Муҳаммад с.а.в.га) нозил бўлганидан хабар топишгач, узларининг китоблари Таврот ва Инжилдаги Тангри таоло ўзининг охирги Пайғамбарини юбориши борасида берган ваъдаси амалга ошганидан шодланиб, Муҳаммад алайҳиссаломга имон келтирган эканлар [5, 13:86, 36].

Файз ар утдин етар, Парвез этиб ул ер тутар,
Чун наби сари хаёл ичра Нажоший эврулур.

Фавойид ул-кибар, 112-б.

НАЗЗОРАЛИҒ [*а.-т.* نظاره لیغ] 1 Томошабинлик.

2 Қараш, назар ташлашлик, кўз солишлик

Тан ғуборин жон юзидин рафъ қил, эй дардким,
Кўзни ул ён ғаҳ-ғаҳе наззоралиғ кунглум тилар.

Ғаройиб ус-сиғар, 157-б.

НАЗИҲ [*а.* نزيه] қ. **Низиҳ.**

НАЗМСОЗЛИҒ [*а.-ф.-т.* نظم ساز لیغ] Шеър тузувчилик, назм битувчилик.

... мунда ҳар навъ сухангўзорлиг фасиҳгўфторлиг ва назмсозлиг ва фасонапардозлиг осонроқ бўлгай ва воқеъ осонроқдур.

Муҳокамат ул-луғатайн, 23-б.

НАЗОР [*ф.* نزار] Хаста, бемор; заиф.

Мен ул қўёшсизки заъфарон риштасидек улдум, ажаб эрмастур
Далили ишқ улки, ранги асфар доғи бадан ҳам назор бўлгай.

Фавойид ул-кибар, 427-б.

НАЙСОНИЙ [*ф.* نیسانی] **1** Румий ойларнинг еттинчиси бўлиб, апрель ойига тўғри келади.

2 Найсон ойи ёмғири, баҳорий

Найсоний булут Ҳамал ёмғири,баҳорги ёғувчи булут.

Саросар ул булут гавҳар ародур
Ки, найсоний булут янгли қародур.

Фарҳод ва Ширин, 29-б.

НАКҲАТСИЗ [*а.-т.* نکهت سیز] **1** Бехушбўй оғиз.

2 Хушбўйлиги йўқ, ҳидсиз.

Жаҳон гулшани вафо гулидин зийнатсиздур ва башарият гули вафо ройиҳасидин накҳатсиз.

Маҳбуб ул-қулуб, 82-б.

НАМНОК [*ф.* نمناک] Намли, ҳўлланган, рутубатли.

Кукрагимдур субҳнинг пироҳанидин чокрок,
Кирпиким шабнам тукулган сабзадин намнокрок.

Бадоеъ ул-бидоя, 292-б.

Оҳким, ғам тийғидин куксумни қилди чок ишқ,
Дуди оҳимдин кузумни айлади намнок ишқ.

Ғаройиб ус-сиғар, 255-б.

НАМОЗ(И)ДИГАР [*ф.* نمازدیگر] **1** Намоздигар, кун ботиш олдидан ўқиладиган намоз (беш вақт намознинг учунчиси).

Шайх Абубакр Тусий Шайх Маликёр Парронга дедиким, кел, то сунинг ул юзига бориб намоздигарни адо қилали!

Насойим ул-муҳаббат, 369-б.

2 Кун ботиш олдидаги пайт.

Бир кун намоздигарга яқин иккаласи даре яқосида ултуруб эрдилар.

Насойим ул-муҳаббат, 369-б.

НАМОЙИШСИЗ [*ф.-т.* نمایش سیز] Куринишсиз.

... ва адоси рангин фиқаротдин намойишсиз ва мазмуни рангин абётдин оройишсиз...

Муншаот, 133-б.

НАМСИЗ [*ф.-т.* نمسیز] **1** Ҳўл эмас, бенам.

2 Ёшсиз, йиғисиз.

Рафиқлар, мени маҳзун нечук бўлай ғамсиз?
Ки, кунглум эрмас аламсиз, кўзум эмас намсиз.

Бадоеъ ул-бидоя, 201-б.

НАМУДОРЛИК [*ф.-т.* نمودارلیق] **1** Куринишлик, намоёнлик, зоҳирлик; намуналик, мисоллик.

Тун кун ила муҳра намудорлиқ,
Анжум ила тахта садафкорлиқ.

Ҳайрат ул-аброр, 16-б.

2 Ўхшаш.

3 Фикрлик, мулоҳазалик.

Эрур лек бу ишта душворлиқ,
Ки, бор даҳр эли бир намудорлиқ.

Садди Искандарий, 196-б.

НАНГ [*ф.* ننگ] Ор, уят, номус.

Нанг ном 1) ор-номус; 2) номусу шараф, 3) расволик, хунуклик.

Ҳар кишиким ному бенанг улса, кирсун дайр аро,
Хонақаҳ тутсун ганимат, улки нангу нами бор.

Наводир уш-шабоб, 135-б.

Менмен ўзлук юкидин эмди халос,
Негаким қолмади нангу номим.

Наводир уш-шабоб, 307-б.

Гар тариқи эътидол осон эмастур, хуштурур,
Дайр аро тарк айламак ойини нангу номни.

Наводир уш-шабоб, 440-б.

НАРМРЎЙ [*ф.* نرم روی] 1 Юмшоқ табиатли

2 Оҳиста сузловчи.

Керак ул насиҳат доғи нармрўй,
Ки, то мустамиъ бўлмагай тундхўй.

Садди Искандарий, 157-б.

НАРРА [*ф.* نره] Жониворларнинг эркаги.

Нарра дев Эркак дев.

Кевурга даҳр аро солиб гиреви,
Нечукким маст бўлгай нарра деви.

Фарҳод ва Ширин, 53-б.

НАСИБА [*а.* نصیبه] 1 Ҳисса, баҳра, улуш.

2 Қисмат, ёзик.

Дунё бир кесакдур ва ул кесакдин бизнинг насибамиз бир гард.

Насойим ул-муҳаббат, 56-б.

НАСИҲАТОРО [*а.-т.* نصیحت آرا] Ўгитона, насиҳатона.

... бирор-иккирор насиҳаторо ва мавъизатосо байт иртикоб қилиндиким...

Бадоеъ ул-бидоя, 21-б.

НАСИҲАТСОЗ [*а.-ф.* نصیحت ساز] Насиҳат қилувчи, носиҳ, насиҳатгўй.

... бу байтларнинг насиҳатсоз воизлари ва мавъизапардоз носиҳлари монеъ бўлгайлар.

Бадоеъ ул-бидоя, 21-б.

НАСИҲАТШУНАВ [*а.-ф.* نصیحت شنو] Насиҳат эшитувчи, насиҳат тингловчи, насиҳатга амал қилувчи.

... бу рўзафзун давлатнинг насиҳатшунав қулоғига мувофиқ ва сазовор топтим.

Назм ул-жавоҳир, 135-б.

НАСОРИЙ [*а.* نصاری] 1 Исо дини издоши, христиан динига мансуб, насроний, торсо.

2 Насоро, ғайридин.

[*Жорияи Мажҳула.р. т.*]. *Дедим: насорий масканида бўлурсен?*
Деди: кўз очгач, Тенгри таолодин ўзга икки дунёда киши курарсен?

Насойим ул-муҳаббат, 494-б.

НАСР [*а.* نثر] 1 Тарқоқ, сочилган, пароканда.

2 Сочма асар.

Наср ул-лаолий 1) сочма дурлар, пароканда марваридлар; 2) асар номи.

... батахсис «Насри ул-лаолий» ким, ул Ҳазратнинг валоят дарёсидин чиккан самин лаълилардур...

Назм ул-жавоҳир, 127-б.

НАСРИНБАР [*ф.* نسرین بر] 1 Оқ бадан; чиройли бадан.

2 Гўзал, дилбар.

Неча насринбару гулрух эсанг килгил вафо майли,
Ки гул ҳам бевафолиг курди бу гулшанда, насрин ҳам.

Наводир уш-шабоб, 313-б.

НАСРИНУЗОР [*ф.-а.* نسرین عذار] 1 Оқ очиладиган бир хил гулдек.

2 Гўзал чеҳрали, оқ юзли, насрин юзли.

Чобуке, раъноқади, нушинлабе, хородиле,
Маҳваше насринузоре, гулрухе, сийминбаре.

Ғаройиб ус-сиғар, 509-б.

НАСРОНИЙ [*а.* نصراني] 1 Насроний динига мансуб киши, тарсо.

2 Насоро, ғайридин.

... қизимни санга никоҳ қилурмен, бу шарт билаки, ўз динингдин чиқиб, насроний бўлгайсен.

Насойим ул-муҳаббат, 377-б.

НАСС [*а.* نص] Далил, ҳукм.

Насси Қуръон Қуръони каримдан далил, Қуръон ҳукми, ояти.

Қаю кимсаким, сўзни ёлгон дегай,
Инонмаслар ар насси Қуръон дегай.

Садди Искандарий, 359-б.

НАССОЖ [*а.* نساج] Тўқувчи.

Игирди риштаи наътинг Навоий кўз учи бирла,
Агар боқсанг, мутиъ улгай анга нассож ила саррож.

Фавойид ул-кибар, 70-б.

НАСУҲ [*а.* نصوح] 1 Чин кўнгилдан қилинган тавба.

2 Илоҳий тавба; диний манбаларга кура, қадим замонда бир подшоҳнинг ҳарамига қарашли аёллар ҳаммомида аёл қиёфали, хушсурат бир йигит хизмат қилган экан. Унинг исми Насуҳ бўлган. У узининг ташқи кўринишидан фойдаланиб, подшоҳ ҳарамига ўрнапиб олган. Бир куни ҳарамдаги аёллардан бирининг узуги йўқолиб қолади. Подшоҳ мулозимлари ҳарам аёлларини бирма-бир тафтиш қила бошлайдилар. Насуҳ энг орқа қаторда булади. Мулозимлар ҳарам ҳаммомидаги ҳар бир аёлни текширганда Насуҳнинг жони гуё ҳалқумига келади, жони танасидан чиқаёзади. Навбат Насуҳга етганида мулозимлардан бири узук топилди, деб қолади. Тафтиш тухтатилади. Насуҳнинг сири ошкор булмай сирлигича қолади. Лекин, жони омонда қолган Насуҳ Аллоҳга минг бора шукроналар келтиради. «Бу ҳарамни елкамнинг чуқури курсин, то тирик эканман, ҳаргиз бу ишни бошқа такрорламайман», деб онт ичиб, тавба қилади ва ҳарамга бошқа йўламайди. Насуҳ умрининг охирига қадар шу ваъдасига содиқ қолади. Шунинг учун ҳам Қуръони каримда «Ё айюҳаллазина оману тубу илаллоҳи тавбатан Насуҳан» – Эй имон келтирганлар, агар тавба қилсаларинг худди Насуҳ тавбасидай чин тавба қилинглар» дейилган. [66:8]. Та-

саввуфий манбаларда ҳам аслида ҳақиқий тавба Насуҳ тавбасига нисбатан айтилиб, илоҳийдир дейилади. Зотан Нақшбандия тариқатининг машҳур намояндаларидан бири бўлган Хожа Аҳрор Валий ҳам «Барча дунёвий, ухровий, маънавий ва суварий азобларга мустаҳиқ булган солик – бу балодан «Тавбаи Насуҳ»га эришиш орқали фориғ булади», деган фикрни илгари сурган.

Буюрма тавба яна, носиҳоки, мугбачалар
Ҳавоси қилди мени тавба тавбасида Насуҳ.

Бадоеъ ул-бидоя, 106-б.

Дайр пири онча тутти элга жоми файзбахш,
Ким қадаҳ буйла ушатқай тавба булса юз Насуҳ.

Наводир ун-ниҳоя, 91-б.

«Тубу илаллоҳ» ила топса футуҳ,
Булса бу тавбаки, топибдур Насуҳ.

Ҳайрат ул-аброр, 264-б.

НАС(И)Я [*а.* نسيه] Насия, тулаш шарти билан булган савдо муомаласи.

Навоий, чу эмас нася нақд бирлан тенг,
Беҳшит воизи пургуғаву Ҳирот менга.

Наводир ун-ниҳоя, 31-б.

Куюнг-уқ истар Навоий, нася жаннат аҳли зуҳд.
Мунча-уқ булгай тафовут ошиқу жоҳил аро.

Бадоеъ ул-бидоя, 42-б.

НАФАҲОТ [*а.* نفحات] **1** Хушбуй ҳиднинг тарқалиши, роиҳа; ис, ҳид, буй.
2 Тасаввуфий тазкира номи.

Чун «Нафаҳот айласа, ёзмоқ қабул,
Нафҳаи унс» этса кунгулга шумул.

Ҳайрат ул-аброр,230-б.

... ва баъзи амлокин анга вақф қилибдур, анга мансубдур. «Нафаҳот» да мундоқдур.

Насойим ул-муҳаббат, 282-б.

НАФОСАТ [*а.* نفاست] Нозиклик, латифлик, латофатлик, нафислик; гузаллик.

... ва анинг нафосатин бу илмда билгайлар...

Насойим ул-муҳаббат, 465-б.

НАФС [*а.* نفس] **1** Қалб, кунгил.
2 Инсон.
3 Мақсад, интилиш.
Нафси лаим Паст истак, тубан нафс.

Субҳоналлоҳ, бу не нафси лаим,
Нафсни қуйгил, не азоби алим.

Ҳайрат ул-аброр, 137-б.

4 Ғурур, мағрурлик.

НАФСФАРМОЙ [*а.-ф.* نفس فرماي] Нафсни тийиш, ейиш-ичишдан маълум муддатда тийилиш, нафсга эрк бермаслик.

Чу руза бўлди йилда бир ой,
Анинг ижросида бул нафсфармой.

Сирож ул-муслимин, 286-б

НАХХ [*ф.* نخ] Ип, тола.

Нахху насеж Матолар. **Рахти нахху насеж** Уй жиҳозлари.

Яна минг тўқуз рахти нахху насеж,
Очилмай, нечукким топиб тобу печ.

Садди Искандарий, 371-б.

НАХШАБ [*ф.* نخشب] **1** Қарши шаҳрининг қадимий номи, Насаф. Моҳи Нахшаб Қарши яқинида Муқанна томонидан ойга ўхшатиб ясалган ва бир мунча масофагача ёруғлик бериб турган асбоб (баъзи манбаларда бу Сиём, яъни Сом ойи ёки Кеш ойи деб ҳам юритилган.

2 Гўзал (айн. Нахшаб ойи).

Булур шом ул моҳи Нахшаб равона,
Каманди зулфин очиб шаб равона.

Наводир ун-ниҳоя, 476-б.

НАШВ [*а.* نشو] Завқ, ўсиш

Чун тегуруб бода димоғига нашв,
Суз мутаоқиб демайин ғайри ҳашв.

Ҳайрат ул-аброр, 269-б.

НАШР [*а.* نشر] Ёйиш, тарқатиш.

Нашр қилмоқ Тарқатмоқ, ёймоқ.

[*Ҳамдун Қассор қ. т. с.*]. *Нишобурда маломат тариқин ул нашр қилди.*

Насойим ул-муҳаббат, 51-б.

НАЪТИЖ [*а.* نتيج] Чақириқ, чорлов.

Навоий, набий наътижин жамъ қилғил,
Паришон эса хотири ҳарзагардинг.

Фавойид ул-кибар, 234-б.

НАҚД [*а.* نقد] **1** Сайланган, танланган.

2 Қимматбаҳо нарсалар.

Нақд ул-ганж Кўзга ташланиб турган нозу карашма.

Боши қуйидурур озода савсан оллида,
Чу наргис улди чаман махзанида нақд ул-ганж.

Бадоеъ ул-бидоя, 101-б.

НАҚЛИЙ [*а.* نقلي] Анъанавий, нақлий.

[*Аин уз-замон Жамолуддин Гилий қ. с.*]. *Авойилдаки, Ҳазрат Шайх суҳбати азимати қилди, китобхонага кирди ва улуми ақлий ва нақлий латойифидин мажмуае интихоб қилдики...*

Насойим ул-муҳаббат, 296–297-б.

НАҚШГАР [*а.-т.* نقش گر] Нақш қилувчи, нақш (гул) ишловчи.

Дема асо, балки ани хома де,
Нугин анинг нақшгари нома де.

Ҳайрат ул-аброр, 224-б.

НАҚШЛИҚ [*а.-т.* نقش لیق] **1** Зийнатлик, безаклик.

2 Тарҳлик.

3 Намуналик, тимсоллик, шакллик.

Бу яқиндурким жамол аҳли ёлонгликдин басе,
Яхшироқдур булса коши нақшлиқ эгнида тўн.

Наводир уш-шабоб, 514-б.

НАҚШПАЗИР [*а.-т.* نقش پذیر] **1** Нақшни қабул қилувчи; сингувчи.
2 Тарҳлик.

Ҳар не кунглумда эрди нақшпазир
Ки, менга эрди мужиби тағйир.

Сабъаи сайёр, 404-б.

НАҲАЖ [*а.* نهج] Тўғри йўл, очиқ йул

Сен тушубон йул наҳажидин йироқ,
Купраги сендин юрубон яхшироқ.

Ҳайрат ул-аброр, 122-б.

НАҲЖ [*а.* نهج] ↓ **Нахаж**

НАҲОРАН [*а.* نهار] Кундуз.

Лайлан ва наҳоран Кеча-кундуз, эртаю кеч

[*Мавлоно Шамсуддин Муҳаммад б. ...*]. *... ва уч ой муддате бир хилватда лайлан ва наҳоран висол савми била ултурдиларки, асло чиқмадилар.*

Насойим ул-муҳаббат, 331-б.

НАҲС [*а.* نحس] **1** Бахтсизлик; мусибат.
2 Ғусл қилмаган, нопок.

Наҳси асғар Марс (Миррих) сайёраси (бахтсизлик юлдузи).

Чопиб Баҳрамга рахмин чу яксар,
Бўлуб ул наҳси асғар саъди акбар.

Фарҳод ва Ширин, 22-б.

НЕБОК [*ф.* نی بک] Нима ваҳм, қандай кўрқув; қандайин андиша.

Чу ошиқ бордур уз қатлига бебок,
Яналар қатлидин кунглида небок.

Фарҳод ва Ширин, 436-б.

Ишқ аҳли бу навъ ўлсалар пок,
Гар васл муаббад ўлса небок?

Лайли ва Мажнун, 250-б.

НЕКАҲДЛИҒ [*ф.-а.-т.* نیک احد لیغ] Ваъдалилик, суз беришлилик, аҳдига содиқлик, яхши аҳдлик.

Одилеким, ҳар некаҳдлиг шажарасиға мурод самарасин берди, то ул шажарни эккан киши бу самарани терди.

Муншаот, 149-б.

НЕКХОҲЛИК [*ф.-т.* نیک خواه لیک] Хайрихоҳлик, яхши тилаклик, яхши ниятлик, яхши хоҳишлик.

Ва бизга бу мавъизат боиси сизнинг некхоҳлигингиздур.

Насойим ул-муҳаббат, 94-б.

НЕСТ [*ф.* نیست] Йўқ, мавжуд эмас.

Нести ҳастнамой *тасаввуфда* Йўқ эди бор каби.

Бас, туфроғ муҳарриклиғда нести ҳастнамойдур ва ҳаво ҳасти нестнамой.

Насойим ул-муҳаббат, 251-б.

НЕСУД [*ф.* نی سود] Нима фойда.

Йуқ эрди муолажатда беҳбуд,
Чун етти ажал илож несуд?

Лайли ва Мажнун, 275-б.

НЕШЛИК [*ф.-т.* نیش لیک] Заҳарли жонворларнинг чақиш аъзоси, нешлик, найзалик.

... бовужудким, уръён жисмимга заҳролуд нешлик чибин ҳужуми булгай, қоварга илик даги тебрата олмагаймен...

Вакфия, 264-б.

НИГОҲДОШТ [*ф.* نگاه داشت] *тасаввуфда* Зикр қилиш, зикр қилиш вақти; ҳар хил фикрлардан халос булиш, ташқи моддий оламдан ажралиш учун интилиш булиб, «калимаи тойиибани» бир нафасда неча марта айтса, уша пайтда хаёлни бошқа нарсалардан халос қилиш лозим.

[*Абу Амр Нужайд қ. с.*]. *Ҳол талбиси ва вақт нигоҳдоштида анга хуш тариқи эрди.*

Насойим ул-муҳаббат, 159-б.

НИГУНҚАД [*ф.-а.* نگون قد] Эгилган қад, букилган қад.

Шижоат даштида рахшингга булса,
Рикоб упмак учун Рустам нигунқад.

Бадоеъ ул-бидоя, 614-б.

НИЗИҲ [*а.* نزیه] Пок, тоза, мусаффо.

Не назоҳатдурур ул гулшани рухсордаким,
Равзаи хулд анинг шабнамидин булди низиҳ.

Фавойид ул-кибар, 355-б.

НИЗОМИЙНИЗОМ [*а.* نظامی نظام] **1** Тузилган; сарбоздек саф тортган.
2 Шоир Низомийдек интизомли.

Суз дурлари назмида низомийнизом...

Садди Искандарий, 48-б.

НИЗОМ [*а.* نظام] Тартиб, қоида.
Низом ул-мулк Мамлакатни обод қилувчи; юртни тартибга солувчи.

Соҳиби аъзам Низом ул-мулк, чунким булди азал,
Ҳажвлар қилди Уторуд чархи кажрафторни.

Бадоеъ ул-бидоя, 638-б.

НИКИСО [*ф.* نیکیسا] Хусрав Парвезнинг хос машҳур машшоқларидан бири.

Никисойи замонга чун бериб соз,
Замона аҳлин айлаб айшпардоз.

Фарҳод ва Ширин, 12-б.

НИМГУР [*ф.* نیم گور] **1** Ярми бузилган қабр, ярим гўр.
2 Кипи лақаби.

Ва ани Нимгур анинг учун дерларки... менинг қабрим сойир эл қабридек баланд булмаса... Чун дунёдин утти, қабрини ясадилар, тонгла кўрдиларки, ярми бузулубдур...

Насойим ул-муҳаббат, 367-б.

НИМЖОН [*ф.* نیم جان] Кучсиз, заиф, нимжон.

Нимжон пашша кунглум айла гумон
Зури нафсим нечукки пили дамон.

Сабъаи сайёр, 15-б.

НИСБАТСИЗ [*а.-т.* نسبت سز] **1** Яқинликсиз; алоқасиз, муносабатсиз.
2 Қиёссиз.

... бу навъ заъф айёмида нисбатсиз қайғулалардин шод...

Ғаройиб ус-сиғар, 21-б.

НИСВАТ [*а.* نسوت] Хотинлар, аёллар.

Нисват ун-обидот Ибодат қилувчи аёллар, обида аёллар.

Шайх Абдураҳмон Суламий тобақоти машойихнинг соҳиби р. т. нисват ун-обидот ва нисо ун-орифот аҳволи зикрида ало ҳаддиҳи китобе жамъ қилибдур...

Насойим ул-муҳаббат, 482-б.

НИСВОН [*а.* نسوان] Хотинлар, аёллар, хотин-қизлар, заифалар, ожизалар.

Зуннун кабул қилмадиким, нисвондин нима қабул қилмоқ мазаллатдур ва нуқсон.

Насойим ул-муҳаббат, 487-б.

НИСО [*а.* نسا] Хотин, аёл.

Нисо ун-орифат Маърифатли аёллар, ориф аёллар.

Шайх Абдураҳмон Суламий табақоти машойихнинг соҳиби р. т. нисват ун-обидот ва нисо ун-орифот аҳволи зикрида ало ҳаддиҳи китобе жамъ қилибдур...

Насойим ул-муҳаббат, 482-б.

НИСФИЧА [*а.-т.* نصفچه] Ярмича.

Бузгудектур чарх уйин ашким, ҳамоно йуқ эмиш
Нисфича оламни вайрон айлаган туфонда су.

Фавойид ул-кибар, 345-б.

НИСФ [*а.* نصف] Ўрта, ора.

Нисф ун-наҳор Кун ўрталари, кундузи, туш, қиём вақти, пешин вақти.

[*Мавлоно Зайнуддин Абубакр Тойбодий қ. т. с.*]. *Мавлоно етти юз тўқсон бирда муҳаррам ойининг салхида панжшанба куни нисф ун-наҳорда оламдин утубдурлар...*

Насойим ул-муҳаббат, 351-б.

НИФОЗ [*а.* نفاذ] **1** Нуфуз, таъсир; нуфузлилик, таъсирлилик.

2 Ижара этишлик, бажаришлик.

Нифози ҳукм шаҳи комрондин элга бўлур,
Не ҳукм ул етса шаҳи комронғадур нофиз.

Наводир ун-ниҳоя, 114-б.

НИШОБУРИЙ [*ф.* نشابري] Нишопурлик, Нишопурдан.

Нишобурий ул-асл Асл нишопурлик, ҳақиқий нишопурлик; асли, келиб чиқиши Нишопурдан.

[*Абу Амр Зужож қ. т. с.*]. *Ва Иброҳим ҳам дебдурлар. Нишобурий ул-аслдур.*

Насойим ул-муҳаббат, 157-б.

НИШОБУРЛУҒ [*ф.-т.* نشابر لوغ] Нишопурлик, Нишопур шаҳрида яшовчи.

[*Абу Ҳамза Хуросоний қ. т. с.*]. *Ва дебдурларки, нишобурлуғ эркандур.*

Насойим ул-муҳаббат, 56-б.

НИШОНАЛИҒ [*ф.-т.* نشانه ليغ] Эсдалик, ёдгорлик.

... фақир бу варақда битилган сўзлардин нишоналиг сўзлар топар ва мундоқ давлатга абнойи замондин оз киши, балки ҳеч киши мушарраф булмайдур.

Хамсат ул-мутаҳаййирин, 56-б.

НИШОНЛИҒ =**лиқ** [*ф -т.* نشان لیغ//نشان لیق] **1** Белгилик, аломатлик.

2 Тамғали, излик, асарлик.

Беному нишонлиг Дом-дараксизлик; ном-нишонсизлик, белгисизлик, асарсизлик.

3 Дом-дараклик.

4 Фанолик.

Асар йўк кунглида ул шўхнинг ному нишонимдин,
Натижа акс берди бизга беному нишонлиғлар.

Бадоеъ ул-васат, 145-б.

НИШОПУРИЙ [*ф.-а.* نشابوری] к **Нишобурий.**

НИШОТАНГЕЗ [*а.-ф.* نشاط انگیز] Шод қилишлик, хурсандликни қузғатувчи, шодлик келтирувчи.

Замонда боғики, гулбаргидур нишотангез,
Не барги гулки, туташмиш тиканга шўълаи тез.

Бадоеъ ул-васат, 146-б.

Юзи гул-гул булуб нишотангез,
Шохнинг хорхорин айлаб тез.

Сабъаи сайёр, 251-б.

НИШОТАНГИЗ [*а.-ф.* نشاط انگیز] к **Нишотангез.**

Нишот аҳли булуб ҳар ён навосоз,
Нишотангиз дастон айлаб оғоз.

Фарҳод ва Ширин, 74-б.

НИШОТАФЗО(Й) [*а.-ф.* نشاط افزای//نشاط افر] Шодлик, ҳосил қилишлик; хурсандлик пайдо қилишлик.

Дема, афгонимда булбул ноласидек йўқ нишот,
Бу ҳам андуҳзо эмас, гар ул нишотафзо эмас.

Ғаройиб ус-сиғар, 193-б.

Курди қасре равоқи гардунсой,
Умр қасри киби нишотафзой.

Сабъаи сайёр, 317-б.

НИҲИ [*а.* نهی] Ман этиш, қайтариш.

Савми эмас доғи машаққат ниҳи,
Мужда да бўлса «Ана ажзо биҳи»

Ҳайрат ул-аброр, 115-б.

НИҲИБ [*ф.* نهیب] Ваҳм, қўрқув, даҳшат, ҳайбат.

Умр бу ишлар сўнгича кетти тут,
Марг ниҳиби бошингга етти тут.

Ҳайрат ул-аброр, 128-б.

НИҲОНРОЗ [*ф.* نهانراز] Махфий гаплар айтиш, яширин (пинҳоний) сир-асрорлар айтиш.

Ани қайтариб куп ниҳонроз ила,
Анга лойиқ ойини эъзоз ила.

Садди Искандарий , 418-б.

НИҲОЯТ [*а.* نهايت] **1** Охир, чек, чегара; сўнгги.
2 Ғоят, жуда.
3 Охир-оқибатда.
Ниҳоят ул-авлиё Авлиёларнинг охиргиси, валийларнинг ниҳояти.

Чун валоятнинг интиҳосида валининг руҳи набининг жисмига мушоҳбаҳат топар, тариқатда ниҳоят ул-авлиё бидоят ул-анбиё бўлгай.

Насойим ул-муҳаббат, 309-б.

НОВА [*ф.* ناوه] Ўртаси ўйиқ ёғочдан ясалган махсус лой идиш, ғуладон, сувоқчиларнинг лой оладиган асбоби.

[*Шайх Жамол Нуқоний қ. с.*]. *Нова ташийдур эрмишлар. Мўрид балчиг новага солиб, Шайх қутариб ерига элтур эрмиш, чун намоз вақти бўлубдур.*

Насойим ул-муҳаббат, 429-б.

НОВАКЗАН [*ф.* ناوك زن] Ўқ урувчи, ўқ отувчи.

... ва хитойиси хунрезлигда новакзану шерпикор...

Ғаройиб ус-сиғар, 17-б.

НОВЛИҚ [*ф.-т.* ناولق] **1** Ариклик
2 Тарновлик (ёғочдан ишланган тарнов).
3 Тешиклик, ёриқлик.

Новакинг еткач, ики нов очти ашким суйидин,
Гўйи ул новакнинг икки новлик пайкони бор.

Бадоеъ ул-васат, 141-б.

НОВ-НОВ [*ф.* ناو ناو] Ариқ-ариқ; тешик, ёриқ.

Ҳар ўқунгнунг захмидин қон оқса, тонг йўқ, нов-нов,
Хосса икки нов ҳам топқай ул ўқ пайконидин.

Фавойид ул-кибар, 316-б.

НОДИРАН [*а.* نادراً] Яктоликда тенги йўқ; ягоналигича, тенги йўқлигича.

Пир Будоғ Ҳирий шоирларин Шерозга элтганда ул ҳам борди, нодиран бу матлаи яхши воқеъ бўлубтурким...

Мажолис ун-нафоис, 49-б.

НОДОШТ [*ф.* ناداشت] **1** Ҳеч вақоси йўқ, камбағал, қашшоқ
2 Ҳаёсиз, бешарм.

[*Иброҳим б. Миъсор Жаъбарий қ. с.*]. *Мазҳаби маҳви кулли ва нафй вужуд ва ифлосу нодошт эмиш.*

Насойим ул-муҳаббат, 393-б.

НОДУРУСТ [*ф.* نادرست] **1** Бемаза, яхши эмас.
2 Носоғлом.

Лафзлари бемаза, таркиби суст,
Носара маънию адо нодуруст.

Ҳайрат ул-аброр, 64-б.

НОЖИҲ [*а.* ناجح] Улгирадиган, ҳар нарсага тез улгирадиган, муваффақият қозонувчи.

Не пайкардурки, айлар ножиҳин тез,
Ўзи бирладурур масофий.

Бадоеъ ул-васат, 512-б.

НОЗОСО [*ф.* نازآسا] Ноз-карашма каби, ноздек.

Чиқарди шишаи май доғи бир соғар тула қўйди,
Ичиб, тутти менга, юз навъ нозосо итоб айлаб.

Фавойид ул-кибар, 47-б.

НОЗУКХАЁЛ [*ф.-а.* نازك خيال] Ўткир фикрли, тезфаҳм, зийрак.

Неким булса меъмори чобукхаёл,
Яна доғи устоди нозукхаёл.

Садди Искандарий, 460-б.

НОЗ [*ф.* ناز] Таннозлик, карашма, истиғно.

Нозу ниёз Ноз ва эҳтиёж.

Беадад нози била беҳад ниёзим шарҳида,
Дафтаре ёзиб, отин қўймоқ бўлур «Нозу ниёз».

Фавойид ул-кибар, 152-б.

НОЛАНДА [*ф.* نالنده] Нола қилувчи, нола тортувчи, сайроқи.

Эй, кўнгул гулзори васлинг субҳида ноланда қуш,
Йўқки, атфоли фирокинг илгидин парканда қуш.

Фавойид ул-кибар, 172-б.

НОМА [*ф.* نامه] Хат, мактуб; битик.

Номаи сунъ 1) Аллоҳнинг амри; 2) тақдир.

Азал субҳики қилди хомаи сунъ
Таҳарруксиз хороши номаи сунъ.

Фарҳод ва Ширин, 55-б.

НОМАБАРҚУШ [*ф.-т.* نامه بر قوش] Каптар, хат ташувчи каптар.

Сўзунг номабарқуш йиғар айлагандек
Наби нуктасин Жабраили амин жамъ.

Бадоеъ ул-васат, 210-б.

НОМАЗБУТ [*ф.-а.* نامضبوط] Аниқ эмас, ноаниқ, мустаҳкам эмас.

Димоғим паришонлиғидин сўзум номарбуту хаёлим ошуфталиғидин ҳалим номазбут.

Ғаройиб ус-сиғар, 20-б.

НОМАРДУМ [*ф.* نامردم] Одам эмас, нокас; пасткаш одам.

Гул била номардум эл андоқки узгай ғунчани,
Еб итинг юз пора бағримни, тамаъ қилдинг юрак.

Наводир ун-ниҳоя, 289-б.

НОМАРДУМЛУҒ [*ф.-т.* نامردم لوغ] **1** Одамгарчилиги йўқлик, андишасизлик, нокаслик.

2 Очкўзлик.

Дунки мажруҳ этти уз ёрин хушунат бирла бор,
Итки, номардумлуғидин ошносин тишлади.

Наводир ун-ниҳоя, 574-б.

НОМАСТУР [*ф.-а.* نامستور] Тўсилмаган, пардаланмаган; иффатли эмас.

Ориятн дасторин бошига бурунчак қилғайларки, аруси мастурадур ва гардизи номастурдур...

Маҳбуб ул-қулуб, 42-б.

НОМУЯ [*ф.* نامویه] Биттадан ортиқ эркак кўрмаган ва уни яхши курган.

Ишқдинким жонима юз гул очилмиш, эй ҳаким,
Жаҳл эрур гар номуя руҳига иснод этгасен.

Наводир ун-ниҳоя, 428-б.

НОМУЛТАФИТ [*ф.-а.* ناملتفت] Илтифотсиз, аҳамиятсиз

Элга дилбар илтифотидин мени айлаб ғамин,
Элни бўлгандин манга намултафит шод этгасен.

Фавойид ул-кибар, 328-б.

НОМУНОСАБАТ [*ф.-а.* نامناسبت] Номуносиб, номувофиқ, муносиб бўлмаган, нолойиқ

Яна бир буки анда баъзи иш,
Зоҳиран номуносабат тушмиш.

Сабъаи сайёр, 54-б.

НОМУТТАФИҚ [*ф.-а.* نامتفق] Ноиттифоқ, дўст бўлмаган, ҳамфикр бўлмаган, бирлашмаган.

Буким даҳр аҳлига номуттафиқсен,
Муҳиқсен, биллаҳу валлаҳ муҳиқсен!

Фарҳод ва Ширин, 399-б.

НООДАМИЙЛИК [*ф.-а.-т.* نااسمی لیق] Ноинсонийлик.

То ишқ шиддатида тавшалмас одамизод,
Ноодамийлиқ андин кетмас йироқу дунлуқ.

Фавойид ул-кибар, 215-б.

НОПАРВОЛИК [*ф.-т.* ناپروالیق] Эътиборсизлик, бепарволик, нописандлик.

Умр элликка чу етти яна элликдин эмас,
Ёғилиқ Тенгригаву амрига нопарволиқ.

Наводир уш-шабоб, 229-б.

НОПАРМОН [*ф.-т.* ناپرمان] Нафармон, оч бинафша, қизғиш бинафша рангли.

Не бинафшадур не нопармон гули не савсани
Туниким, ул кийгали лойиқ эмастур ҳар бинафш.

Наводир ун-ниҳоя, 227-б.

НОПОЙДОР [*ф.* ناپایدار] **1** Асоссиз, барқарорсиз, ноустувор; вафосиз. **2** Бақосиз, давомсиз, фоний.

Ва озким пойдор булгай кубдин яхшироқни нопойдор булгай.

Тарихи анбиё ва ҳукамо, 192-б.

НОРАНЖИЙ [*ҳ.* النجی] Норанжга мансуб; сариғ тусли.

Норанжий либос Сариқ тусли либос.

Шухи норанжий либосе ҳажри кунглум уртади,
Шарбати норанж эта алмас манга дафъи аташ.

Ғаройиб ус-сиғар, 217-б.

НОРАСИДА [*ф.* ناریسیده] Етишмаган, камолотга етмаган.

... Деди: – савол қилгонингда нима берган кишиму сенга дустроқдур ё бермаган? Деди: – берган. Деди: – ҳануз норасидасен.

Насойим ул-муҳаббат, 195-б.

НОРБУН [*ф.* نارین] Анор дарахти.

Нахли қаддинг кийди сориг хулла андин сунг яшил,
Норбундекки, хазон қилгай кукармастин бурун.

Наводир ун-ниҳоя, 393-б.

НОРИЗОЛИҒ [*а.-т.* نارصالیغ] Норозилик.

Ҳақ таоло ўз қурби бисотида ўлтуртқай, ҳар не анга етса, ани рози ва хушнуд қилгай, нечукки, қурб бисотида норизолиғ ва нохушнудлуғ булмагай.

Насойим ул-муҳаббат, 155-б.

НОСАРА [*ф.* ناسره] **1** Сийқа, сохта, қалбаки.

Лафзлари бемаза, таркиби суст,
Носара маънию адо нодуруст.

Ҳайрат ул-аброр, 64-б.

2 Нолойиқ

Булгон эрмиш борча нақдинг носара,
Нафс ила шайтонга зотинг масхара.

Лисон ут-тайр, 56-б.

НОСИЯ [*а.* ناصیه] **1** Пешона, манглай.
2 Қисмат, тақдир, ёзмиш.
3 Иқбол, саодат, бахт.

Бовужуди бу гариб ҳолот ва турфа мақолот чун анда булмоғлиқ рузгорим носиясида қазо қаламидин таҳрир топмиш ва носиям сафҳасида қадар хомасидин шашпазир булмиш...

Муншаот, 148-б.

НОСИҲО [*а.* ناصحا] Эй насиҳатгўй!

Носиҳо, ишқу жунундур ҳунарим, тарки буюрма,
Санга ор улса, манга фахрдурур бу ҳунаримдин.

Фавойид ул-кибар, 305-б.

НОТИЖ [*а.* ناتج] қ. **Наътиж.**

НОТИҚИЙ [*а.* ناطقی] Нотиқлик; сўзловчилик.

Улки хаду расм қўяр мантиқий,
Токи бу ҳайвони била нотиқий.

Ҳайрат ул-аброр, 100-б.

НОУМИД [*ф.* ناامید] Умидсиз; маъюс.

Ноумид ўлсам, вале навъи уммидим доғи бор,
Барча ушшоқига раҳм этмак ул ой, илло манга.

Фавойид ул-кибар, 14-б.

НОУМИДЛИҒ [*ф.-т.* ناامیدلیغ] Умидсизлик, маъюслик.

Номуродлиғлар зиндони будур ва ноумидлиғлар байт ул-эҳзони ҳам будур.

Маҳбуб ул-қулуб, 115-б.

НОФАКУШОЙ [*ф.* نافه کشای] Хушбўй ҳид таратувчи, мушк-анбар.

Чаман аройиси зебига бўлди ҳуснунгдин,
Зулол ойинадору насим нофакушой.

Наводир ун-ниҳоя, 506-б.

НОФАРОҲАМЛИҒ [*ф.-т.* ناقراهم لیغ] Носаранжомлик, саранжом эмаслик; бир жойга тўпланмаслик.

Менинг доғи бу ишта йўқ камлиғим,
Масо амрида нофароҳамлиғим.

Садди Искандарий, 330-б.

НОФИЯ [*а.* نافیه] Инкор қилувчи; узоқлаштирувчи, рад қилувчи.

Нофия «ло» сидин айтиб «Ло илоҳ»,
Нафй неким, мумкин эрур мосивоҳ.

Ҳайрат ул-аброр, 111-б.

НОХУШЛУҒ [*ф.-т.* ناخوش لوغ] **1** Ёқимсизлик.
2 Дилтанглик, таъби хиралик, ношодлик.

Маълум қилғондин сунгра анинг кейнича бориб, нохушлуг била уғлин шайх қошидин дуконга келтурди...

Насойим ул-муҳаббат, 130-б.

НОХУШНУДЛУҒ [*ф.-т.* ناخوشنود لوغ] **1** Ёқимсизлик, ёмонлик.
2 Хафалик, ношодлик.

[*Абулҳусайн б. Ҳинд Форсий қ. с.*]. *Ул дебдурки, ҳар кишини Ҳақ таоло уз қурби бисотида ултуртқай, ҳар не анга етса, ани рози ва хушнуд қилгай, неучунки, қурб бисотида норизолиг ва нохушнудлуг булмагай.*

Насойим ул-муҳаббат, 155-б.

НОШИ(Й) I [*а.* ناشي] Тажрибасиз, билимсиз.

Тонглоғи кавсар учун, дерсен, букун май ичмагил,
Тек тур, эй зоҳид, Навоий сен кеби ношиймудур.

Бадоеъ ул-васат, 129-б.

НОШИ(Й) II [*а.* ناشي] Ёмонлик.

Ки мендин бўлмайин ҳеч амр ноши,
Манга бўлди сенинг касдинг хороши.

Фарҳод ва Ширин, 303-б.

НОШИНОСЛИК [*ф.-т.* ناشناس لیق] Танимаслик (Аллоҳни танимаслик), Худо бехабарлик.

... то иш анга етгайким, неъмат куфрони орога тушгай ва Ҳақ ношинослиқ тугёни можарога сурушгай...

Маҳбуб ул-қулуб, 41–42-б.

НОШУКУРЛУҒ [*ф.-а.-т.* ناشکرلوغ] Ношукрлик.

Тан уйин дард уқи кўп захм этти, аммо шукрким,
Кирмади ношукрлуг сайлоби бу вайронима.

Бадоеъ ул-бидоя, 477-б.

НОҚИСРАВИШ [*а.-ф.* ناقص روش] Ёмон хулқли; телбасифат.

Онда эрди шаҳки, боғлаб устувор,
Мудбири ноқисравиш, не хожавор.

Лисон ут-тайр, 72-б.

НОҒУЛУВ [*ф.-а.* ناغلو] Ғалвасиз, қий-чувсиз; тўполонсиз, ҳужумсиз.

Бошимга кўйида ҳар дам ғулув қилур итлар,
Гар улмасам бу ғулувни ногулув қилур итлар.

Наводир ун-ниҳоя, 134-б.

НУЗУЛ ОЯТ [*а.* نزول آیت] Муқаддас оят.

Шаънида нузул ояти шаръ,
Адли булубон ҳимояти шаръ.

Лайли ва Мажнун, 39-б.

НУЗҲАТ [*а.* نزهت] **1** Кунгул очиш, ҳузур қилиш, хурсанд булиш.
2 Покизалик, бегуноҳлик, айбсизлик.
3 Безаниш.

Эй жанобинг паст этиб гардуни воло поясин,
В-эй, замиринг синдуруб фирдавси аъло нузҳатин.

Бадоеъ ул-васат, 481-б.

НУКТА [*ф.* نکته] Ўткир, донолик билан айтилган гап; моҳият.
Нукта(й)и тавҳид Тавҳиднинг маъноси; тавҳид (бирлик)нинг сир-асрори.

Нуктайи тавҳидни билган кила олмас баён,
Ким баён қилдим деса билгилки қилмайдур билиб.

Ғаройиб ус-сиғар, 67-б.

НУКТАБЕЗ [*ф.* نکته بیز] **1** Маъно сиёҳдони.
2 Нозик маъноли сўзлар сочувчи

Чу қилдим қалам нўгини нуктабез,
Қила бошлади нўгидин ганжрез.

Садди Искандарий, 566-б.

НУКТАГЎШ [*ф.* نکته گوش] Сўз эшитиш (сўз юритиш).

Сен доғи шаҳдин қилурсен нуктагўш,
Соғинурсен лек ноқилни Суруш.

Лисон ут-тайр, 93-б.

НУКТАПОШ [*ф.* نکته پاش] Маъно сочувчи (чиройли маъноли сўзлар сочувчи).

Навоий сеҳр эмас, гўё Калимуллоҳ асосидур,
Бу муъжизларки, зоҳир булди килки нуктапошимда.

Фавойид ул-кибар, 383-б.

НУКТАПОШАНДАЛИҚ [*ф.-т.* نکته پاشنده لیق] Маъно сочувчилик, сўз гавҳарлари сепувчи.

Аён айлаган нуктапошандалиқ,
Бу навъ этти когаз хорошандалиқ.

Садди Искандарий, 431-б.

НУКТАСАРОЛИҒ [*ф.-т.* نکته سرالیغ] Чиройли сўзлар айтувчи; гўзал сўзловчи

Товус хитобида Ҳудҳуднинг нуктасаролиғи.

Лисон ут-тайр, 45-б.

НУР [*а.* نور] **1** Нур, ёруғлик, ёғду.
2 Ҳақиқат.
Нуран ало нур Нур устига нур.

... балки ул рокибнинг пок зоти остидаги пок оти била «нуран ало нур»дин хабар берди...

Фарҳод ва Ширин, 20-б.

Нурун ало нур қ Нуран ало нур

Юзунг равшан, энгинг ҳам равшан, эй ҳур,
Аларнинг шонида нурун ало нур.

Фавойид ул-кибар, 116-б.

Сочиб лақаби жаҳон аро нур,
Зоти била нурун ало нур.

Лайли ва Мажнун, 36-б.

НУСУС [*а.* النصوص] Абдураҳмон Жомий «Нақд ун-нусус» асарининг қисқарган шакли.

Навоий англаки, боби вафо ёзилмайдур,
Агар Фусусдурур, гар Нусус йуқса Фикук!

Фавойид ул-кибар, 222-б.

НУСХАТ [*а.* نسخة] Нусха; намуна.

Гар десанг ҳар ён қизил гуллар қилай нусхат анга,
Куксим очиб, тоза қонлиг доғи ҳижронимни қил.

Фавойид ул-кибар, 256-б.

Ғунчалар гул ёнида тикмак тахайюл айласанг,
Анга нусхат кўнгул отлиг зори ҳайронимни қил.

Фавойид ул-кибар, 256-б.

НУХОЛА [*а.* نخالة] **1** Пусти майдаланган бугдой.

2 Арпа ёки бошқа майдаланган нарсаларнинг ғалвирдан утмай қолган қолдиғи.

[*Абу Муҳаммад Атойидин р. т.*]. *Икки ҳаббаға нухола сотқун олур эрди ва андин икки нон пиширур эрди.*

Насойим ул-муҳаббат, 168-б.

НУХОЛЕ [*а.* نخالة] **1** Чопилган.

2 Чиқинди.

3 Дайди.

4 Ҳеч нарсага арзимайдиган.

Салтанат кўрким, нухоле меҳрдин арз эттилар,
Жуз фано майхонасининг керпичин ёстанмадим.

Ғаройиб ус-сиғар, 331-б.

НУЪМОУҲ [*а.* نعماء] Раҳмон, Аллоҳнинг сифатларидан бири

Жала олуаҳу не ҳаййи қадим,
Аммо Нуъмоуҳу не фарди азим.

Сабъаи сайёр, 14-б.

НУҚТА-НУҚТА [*а.* نقطة نقطة] **1** Нукта-нуқта; доғ-доғ.

2 Хол-хол.

Кунгулда нуқтаи холинг хаёли туш-туштин,
Ёғин асарларидур нуқта-нуқта ахгар аро.

Наводир ун-ниҳоя, 26-б.

НУҚТАСИЗ [*а.-т.* نقطه سز] **1** Нуқтаси йўқ, бенуқта.

2 Холсиз.

Ёзилгон жон анингдекким алифсиз, нуқтасиз булмас,
Эрур холу қадинг нақши бу зору хаста жонинда.

Наводир уш-шабоб, 387-б.

Чун дедим: холинг била куз мардумининг ҳоли бор,
Деди улким: хол дейсен, нуқтасиз ҳам ҳол эрур.

Ғаройиб ус-сиғар, 169-б.

НУҲУСАТШИОР [*а.* الحوست شعار] Бадбахтлик, наҳс одатли, шум қилиқли

Мундоқ наҳснинг чун эрур юзи ямонлиқ сари, бу нуҳусатшиор қутлук уйдин ташқари.

Маҳбуб ул-қулуб, 95-б.

ОБИДА [*а.* عابده] Ибодат қилувчи (заифа).

Ва Жариҳнинг онаси бор эрди – солиҳаи обида.

Тарихи анбиё ва ҳукамо, 190-б.

ОБО [*а.* آبا] **1** Ота(лар).

2 Фалаккиёт.

Чу обога бу навъ бердинг сифот,
Алар тахтида айладинг уммаҳот.

Садди Искандарий, 12-б.

ОБОДОНЛИҚ [*ф.-т.* آبادان لیق] Ободонлиқ, маъмурлик

Тамом кеча йул юруб, сабоҳ бир ободонлиққа етиб, они орқасидин тушуруб, қайтибдур.

Насойим ул-муҳаббат, 80-б.

ОБ [*ф.* آب] Сув.

Обу тоб Тобланиш, яшнаш, етилганлик, порлаб туришлик, ловиллаб туришлик.

Ким: жаҳон баҳри ичра ҳар луълу
Ки, эриб обу тобидин мамлу.

Сабъаи сайёр, 71-б.

Обу тобсиз [*ф.-т.* اب و تاب سیز] Яшнамаслик, тобланмаслик.

Боғ аро рухсору қаддинг жилвасин то кўрдилар,
Бўлди обу тобсиз гулбарги ҳам, шамшоди ҳам.

Наводир уш-шабоб, 298-б.

ОБХУ́РА [*ф.* آبخوره] Сув соладиган, сув сақлайдиган.

Обхўра кўза Сув сақланадиган куза.

[*Муҳаммад Шайх р. т.*]. *Шайхнинг оллида обхура кўза турган экандур.*

Насойим ул-муҳаббат, 423-б.

ОВЛАМОҒЛИҒ [*т.* اولاماغلیغ] Ов қилмоқлик, шикор қилмоқлик.

Яна беша атрофида дому дад,
Киши овламоғлиг учун беадад.

Садди Искандарий, 313-б.

ОВОРАВАШ [*ф.* آواره وش] **1** Сарсон-саргардондек, дайдига ўхшаш.

2 Мубтало сифат.

Дегайсенким, ул зори оворавaш
Ки, ҳижрон майидин бўлуб журъакаш.

Ғаройиб ус-сиғар, 527-б.

ОД [*а.* عاد] Нуҳ Пайғамбар авлодигига мансуб қабила ёки қавм номи.

Ва бешинчи угли Овадурким, Од ва Самуд қавми анинг наслидиндурлар.

Тарихи анбиё ва ҳукамо, 107-б.

ОДАМИЙСИЗЛИҚ [*а.-т.* انسى سيزلق] Кишисизлик.

... ва бу одамийсизлиқ қочмоққа мунжар бўлгай, адув эшигига борурга муқараб бўлгай.

Маҳбуб ул-қулуб, 42-б.

ОДИЙ [*а.* عادي] Од қавмига мансуб.

... ва Самуд қавми Одийлардин бурун Ҳижардаким, Ҳижоз ва Шомнинг орасидадур...

Тарихи анбиё ва ҳукамо, 109-б.

ОДМИЁНА [*т.*-ф. اضمانه] Оддий, одми, одмиёна.

Фақир таажжуб қилдимким, девонани не нима мунга тутуб эркинким, одмиёна ва хушмандона сўзлар андин зоҳир буладур.

Хамсат ул-мутаҳаййирин, 74-б.

ОЁТ [*а.* آيات] Оят сўзининг кўплиги. қ. **Оят**.

Оёти шифо Қуръони каримдан иктибос: шифо ояти.

Ваъдалар қатлимгаким қилдинг, танимдин кетти заъф,
Гўйий алфозинг эди дардимга оёти шифо.

Наводир уш-шабоб, 29-б.

ОЖИЗКУШ [*а.-ф.* عاجزكش] Заиф қилувчи; хаста қилувчи.

Яна рўзгор хаводисидин ул фикрлар барча кунглумдин борди ва ишки ожизкуш зулму бедоди ул хаёлларни хотиримдин чиқарди...

Ғаройиб ус-сиғар, 11-б.

ОЗАРИЙ [*а.* آذرى] Озарлик.

Бути озарий Иброҳим Пайғамбар алайҳиссаломнинг отаси – Озар таропшлаган чиройли санам; гўзал маҳбуба.

Уйга ҳануз кирмайин динима тутти юз ҳалал,
Бу ки келур кур, эй кунгул, ул бути озариймудур.

Наводир ун-ниҳоя, 138-б.

ОЗОДАЛИҚ [*ф.-т.* آزاده لق] **1** Эркинлик, халослик.

2 Покизалик;

3 Тарки дунёлик.

Умри жовид истасанг фард улки, бустон Хизридур
Сарвким, даъб айлади озодалиқ бирла маош.

Бадоеъ ул-бидоя, 237-б.

ОЗОДАМАРД [*ф.* آزاده مرد] қ. **Озодмард.**

ОЗОДМАРД [*ф.* آزادمرد] **1** Ҳақиқий, шариф, нажиб, яхши хислатлар соҳиби бўлган йигит.

[*Мавлоно Жалолуддин Муҳаммад Балхий Румий қ. с.*]. *Ва алар дебдурларки, озодмард улдурки, биров ранжин қилгандин ранжида бўлмагой. Ва жавонлар улдурки, ранжида қилурга муставжиб бўлгонни ранжида қилмагой.*

Насойим ул-муҳаббат, 326-б.

2 Жавонмард.

[Али б. Саҳл Азҳар Исфаҳоний р. т.]. Шайх ул ислом дебдурки, Али Саҳл ул ишни узрхоҳлик ва шукргузорлиг юки биймидин қилдики, ҳеч озодамард они торта олмас.

Насойим ул-муҳаббат, 75–76-б.

ОЗОДИЙ [*ф.* آزادی] Ростлик; тик ўсишлик.

Сарви озодий – Чиройли ва тик ўсган сарв дарахтига ўхшаш.

Ростлиқда сарви озодий йигитлик боғидин,
Покликда лаъли рахшоний эранлик конидин.

Бадоеъ ул-бидоя, 431-б.

ОЗОРСИЗ [*ф.-т.* آزارسیز] **1** Ранжсиз, азобсиз, хафаликсиз; қайғусиз, аламсиз.

2 Дардсиз, ғамсиз, андуҳсиз.

Тонг эмастур, гар диёру ёрсиз озурдамен,
Ким эмас булбул гулу гулзорсиз озорсиз.

Бадоеъ ул-бидоя, 204-б.

ОЗРОҚЧА [*т.* آزرقچه] Озгина; бир озроқча-бир талай.

Ҳар ойинаким, бу байтдин бошқа эл ичида ғазалидин бир озроқча бор.

Мажолис ун-нафоис, 21-б.

ОЗУРДАЖОН [*ф.* آزرده جان] Озор чекувчи, ранж чекувчи.

Аҳли ишқ озори жонин истабон тишлар лабин,
Мендин ушбу қиссада, озурдажонроқ йўқ киши.

Бадоеъ ул-бидоя, 525-б.

ОЗУРДАТАН [*ф.* آزرده تن] Ранж чекувчи, озор чекувчи; ранж чеккан вужуд.

Кириб қулбам ичра кулу шуъла курсанг,
Бу сузон кўнгул ул бир озурдатандур.

Наводир ун-ниҳоя, 140-б.

ОЙИНАСОЗ [*ф.* آیینه ساز] Ойина ясовчи.

Скандар агар келди ойинасоз,
Замири анинг булди миръоти роз.

Садди Искандарий, 544-б

ОЙИНАСОЙ [*ф.-т.* آیینه سای] Ойнадай, ойинага ўхшаш.

Лули ўлмоқ тонг эмас, бор эса шаҳларга ҳавас,
Гар, бу юз кузгусига илги булур ойинасой.

Бадоеъ ул-васат, 407-б.

ОЙСИЗ [*т.* آی سز] **1** Моҳсиз, сайёрасиз.

2 Гўзалсиз, маҳбубасиз, дилбарсиз, беер.

Ул ойсиз ун чекса Навоий,
Ўтгай гардундин афғони.

Фавойид ул-кибар, 430-б.

Не ул ойсиз анга қарор эрди,
Не илигинда ихтиёр эрди.

Сабъаи сайёр, 105-б.

Буким кўнгулнинг ул ойсиз не саъб ҳолати бор,
Ул англагайки биров ҳажридин малолати бор.

Наводир ун-ниҳоя, 127-б

ОЙЧИЛИҚ [*т.* ايچيلق] Ойчилик.

Бир ойчилиқ Бир ой давомида, бир ойларча.

Боргали шаҳ, ойда бир май ичмадим моҳим била,
Кошки, бир ойчилиқ боргай эдим шоҳим била.

Фавойид ул-кибар, 383-б.

Сўз тергучи гар дурри адн зоҳир этар,
Ҳар дурри анинг санга миҳан зоҳир этар,
Ҳар соат аро ки элга фан зоҳир этар,
Бир ойчилиқ ошуб ва фитан зоҳир этар.

Назм ул-жавоҳир (илмий-танқидий матн), 120-б.

ОЛ [*а.* ال] **1** Авлод, насл оила, аҳл; **2** Сароб.

Оли або Беш кишининг лақаби: Муҳаммад Пайғамбар (с.а.в), у кишининг куёвлари Ҳазрат Али, қизлари Фотима ва набиралари Имом Ҳасайн ва Имом Ҳусайн.

Булмагай эрди муяссар «Хамса», яъни панж ганж,
Қилмаса эрди мадад ҳолимга беш оли або.

Наводир уш-шабоб, 11-б.

ОЛАМ [*а.* عالم] **1** Дунё, жаҳон; коинот.

2 Бутун мавжудот, борлиқ

Олами кубро 1) энг улуғ олам, у дунё, охират; бутун коинот; 2) шоир Жомий тимсоли; 3) *тасаввуфда* инсон қалби.

Жаҳон йуқ, олами кубро де они,
Жаҳонда мақсади ақсо де они.

Фарҳод ва Ширин, 32-б.

Олами суғро 1) кичик олам; 2) *тасаввуфда* бу дунё.

Ки, ҳарне олами суғрода мавжуд,
Бори бу олами куброда мавжуд.

Фарҳод ва Ширин, 32-б.

Олам ул-ғайб Ғайб сирлари олами; сир билиш, курилмаган нарсаларни билиш олами.

Ҳунар куп бериб олам ул-ғайб анга,
Вале бор эди бир ажаб айб анга.

Садди Искандарий, 199-б.

Анга ҳамдким илмлари тайб эрур,
Ва шул илм ила олам ул-ғайб эрур.

Вақфия, 233-б.

ОЛАМСАРО [*а.-ф.* عالم سرا] Фоний дунё, бу дунё.

Булма бустону саро қайдида олам ичраким,
Йуқ вафо қилсанг назар оламсаро бустонида.

Ғаройиб ус-сиғар, 436-б.

ОЛАТСИЗ [*а.-т.* آلت سيز] **1** Асбобсиз, асбоб-ускунасиз; **2** Узвсиз.

[*Абу Абдуллоҳ Динаварий қ. с.*]. *Чун ҳомил ва кутаргуси улдур, була олурки, олатсиз ҳам кутаргай.*

Насойим ул-муҳаббат, 189-б.

ОЛДОРОТМОҚ [*т.* الدارتماق] Гаранг қилиб қуймоқ, шоширмоқ, довдиратмоқ

Қиш олдоротиб ҳумуми элни,
Ёз элпоротиб самуми елни.

Лайли ва Мажнун, 54-б.

ОЛДУРМАМОҚ [*т.* الدورمامق] Олдирмаслик

Жаҳон раъносига берма кўнгулким,
Анга олдурмамиш кўнглин хирадманд.

Бадоеъ ул-васат, 90-б.

ОЛИЁТ [*а.* عاليات] Жаноб, ҳурматли; юқори мартабали.

Ва ҳазароти олиёт маҳди улё Бикабегимки, сойир абнойи жинсдин фазлу камол ва ақлу ҳамида хисол била мумтоздурлар...

Хамсат ул-мутаҳаййирин, 78-б.

ОЛИЙНАЖОД [*а.-ф.* عالي نژاد] Олий мартабали

Менинг келганимдин бу эрди мурод
Ки, гар лутф этиб шоҳи олийнажод.

Садди Искандарий, 137-б.

ОЛИЙНИШИН [*а.-ф.* عالي نشين] Энг юқорида утирувчи; ҳаммадан баландда утирувчи.

Чу товус улуб шоҳи олийнишин,
Булуб сирда шоҳида руҳ ул-амин.

Садди Искандарий, 312-б.

ОЛИЙСАРИР [*а.* عالي سرير] Олий мартабали.

Ки: Искандари ул шоҳи олийсарир,
Эрурмен не ҳукм этса фармонпазир.

Садди Искандарий, 218-б.

ОЛИЙСИФОТ [*а.* عالي صفات] Юқори хусусиятли; юксак даражали.

Чу ҳолим дедим, шоҳи олийсифот,
Жавобимга ҳам қилмади илтифот.

Садди Искандарий, 178-б.

Анга лутф этиб шоҳи олийсифот,
Яна ошкор этти кўп илтифот.

Садди Искандарий, 444-б.

ОЛИЙҲАСАБ [*а.* عالي حسب] Олий мартабали, юксак шараф ва эътиборга сазовор бўлиш.

Бу сифат сафийваши олийҳасаб,
Ким Сафий келди анга Ҳақдин Лаҳаб.

Лисон ут-тайр, 149-б.

ОЛИМЧА [*а.-т.* علمچه] Доноларча, донишмандек.

Қайси жоҳилга надомат бўлгай ул олимчаким,
Ҳар не билди, қилмади, ҳар неки қилди, билмади.

Ғаройиб ус-сиғар, 482-б.

ОЛИШМОҚ [*т.* اليشماق] Урушмоқ, курашмоқ, жанг қилмоқ.

Кўзларни олишмоққа чекиб тийғи ситам,
Эл кўзини ҳам ўйғаю ўз кўзини ҳам.

Ғаройиб ус-сиғар, 581-б.

ОЛИЯ [*а.* عاليه] 1 Аёл жинсли.
2 Олий хислат; юксак, улуғ, буюк, баланд, яхши.

3 *тасаввуфда* Олий даража, юксак мартаба.

[*Хожа Али Ромитаний қ. с.*]. *Ва аларға олия мақомот ва зоҳир каромот куп эркандур.*

Насойим ул-муҳаббат, 255-б.

[*Мавлоно Жалолуддин Абуязид...*]. *Ва анинг риояти ва суннат мутобаати жиҳатидин олия маротибға етиб эрди.*

Насойим ул-муҳаббат, 352-б.

[*Шайх Абулғайс...*]. *Олия мақомот ва сония ҳолоту каромот эгасидур.*

Насойим ул-муҳаббат, 401-б.

ОЛМАМОҚ [*т.* الماماق] Олмаслик

... ва ул қилғоннинг тилга келтурмамоқ ва оғизға олмамоқ ва ул кишига миннат қуймамоқ...

Маҳбуб ул-қулуб, 81-б.

Қонима ҳижрон агар хат олмамиш, не важҳдин
Ашк гулгундин аён қилмиш сариғ рухсор хат.

Бадоеъ ул-васат, 204-б.

ОЛМАСИЗ [*т.* الماسيز] Атиргуллилар оиласига мансуб куп йиллик мевали дарахт, шу дарахтнинг ҳосилисиз.

Зиҳи, ҳилолинг улуб ой бошиға тиғи бало,
Бир олмасиз икки ёрғон сену қуёш масало.

Фавойид ул-кибар, 11-б.

ОЛМАСЛИҒ [*т.* الماسليغ] Олмаслик.

Айта олмаслиғ Айта олмаслик, гапира олмаслик.

Баъзеки, айттилар – лат едилар, баъзе айта олмаслиғиға муъстариф булдилар.

Мажолис ун-нафоис, 199-б.

Ерни ағёр била кура олмаслиғидин куз қони деб айни рашкдин бу матлаъ хуб адо топибдур.

Мажолис ун-нафоис, 200-б.

ОЛМАШТУРМОҚ [*т.* الماشتور مق] Алмаштирмоқ, чалиштирмоқ.

Қачон аёғларин олмаштурурлар, ул соат
Қанот ураргa булурлар туюрдек тайёр.

Бадоеъ ул-бидоя, 664-б.

ОЛМОҒЛИҚ, =лиғ//=лик [*т.* الماغليق// الماغليغ// الماغليك] **1** Олмоқлик, баҳраланганлик.

Хаттинг эл кунглини купрак олди, гуё хат эмас
Юз уза қилдинг кунгул олмоғлиқ афсунин савод.

Наводир уш-шабоб, 90-б.

... ва хаёллари мисбоҳиға изоҳ қила олмоқликларининг боиси ул була олғайким...

Вакфия, 233-б.

2 Қўлга киритмоқлик, забт этмоқлик.

Сабру қарору хушни олмоғлиғинг недур,
Эй жонлар офати, санга жонимдур олғулуқ.

Бадоеъ ул-васат, 231-б.

Гарчи аґёрдин олмоґлиґ эмастур сени мумкин,
Турмоґумдур боқибон, анчаки имкон, талашурмен.

Бадоеъ ул-васат, 332-б.

ОЛОВ [*т.* آلاو] Аланга, ўт, олов.

Ишқинг ўти шуъласин муфрит тилар мажнун кўнгул,
Уйлаким доим тилар девоналар қилмоқ олов.

Наводир ун-ниҳоя, 444-б.

ОЛТУН [*т.* التون] Тилла, олтин.

Олтун аёқ Тилладан ишланган идиш, тилла қадаҳ, тилла пиёла.

Аҳли айш олтун аёқ софин ичиб, кийдиг ҳарир
Ким, сафоли фақр дурди басдурур шоле манга.

Наводир уш-шабоб, 14-б.

Олтун тугма Тилладан ишланган тугма, тилла тугма.

Яшил тўн бирла олтун тугмалардин зебу фар анда,
Қадинг норанжи раъно нахлидур буткан самар анда.

Наводир уш-шабоб, 22-б.

ОЛУДАВАШ [*ф.* آلوده وش] 1 Аралашганлик, булғанчиқлик.

2 Бадкирдордек, ифлосдай, фосиқ каби, мунофиқдай.

Покрав нисо таърифидаким инсон онсиз холидур ва олудаваш рижолким нурсизлиқдин дажжоли бемисолдур.

Наводир уш-шабоб, 507-б.

ОЛҒУЧИ [*т.* الغوجي] Олгувчи.

Хаста дилларга не жон олгучи юздур улким,
Қолибин қилди тиҳи, кургач ани аҳли қулуб.

Фавойид ул-кибар, 36-б.

Давлатга еткургучи Тенгри, ҳам олгучи, ҳам бергучи Тенгри.

Маҳбуб ул-қулуб, 18-б.

ОМИЙЛИК [*а.-т.* عامي ليك] Умумийлик.

Фано тариқида комил ва сўзи баґоят муассир эрди, андоқки бовужуди омийлик.

Насойим ул-муҳаббат, 430-б

ОМИРИЙ [*а.* عامري] Араб қабилаларидан бирининг номи (Мажнун шу қабилага мансуб бўлган).

Саййиди омирий Омирлик саййид, Омир қабиласининг саййиди (Пайғамбар авлоди).

Ноқилга дедики: Тез уруб гом,
Қил саййиди омирийга эълом.

Лайли ва Мажнун, 113-б.

ОНАК [*ф.* آنك] 1 У, ўша.

2 Бирор нарсага ишорат қилиш.

Ул заифа икки кўзини ўюб, бир табаққа солиб, анинг қошиґа йиборибдурки, онак маҳбубингга наззора қил.

Насойим ул-муҳаббат, 25-б.

ОРАЛИҚ, -лиґ [*т.* آرالیق//آرالیغ] Ўрталик, оралиқ.

Соқиё, ҳажру хумор ичра етибмен жонима,
Бир қадаҳ бирла мени қил бу оралиґдин халос.

Наводир уш-шабоб, 199-б.

... Ажаб амри иттифоқий бизнинг ва сизнинг оралиқда вокеъ бўлгон эрмиш.

Хамсат ул-мутаҳаййирин, 15-б.

ОРАМИДА [*ф.* آرمیده] **1** Тинч, ором олган, тинч турган.

Ҳар доли анинг қади хамида,
Дард икки ёнида орамида.

Лайли ва Мажнун, 306-б.

2 Беташвиш, хотиржам.

Яъни Мажнуни дил рамида
Борур эди бўлмай орамида.

Лайли ва Мажнун, 173-б.

Орамида бўлмоқ Тинчланмоқ, ором олмоқ.

ОРАСТ [*ф.* آراست] **1** Ором, тинч, осуда.

2 Барпо булган, вужудга келган.

3 Обод булган.

Навоий андин эрур ғусса туфроғи ораст,
Ки кунглин олгали олийжанобдур асру.

Наводир уш-шабоб, 378-б.

ОРИФОТ [*а.* عارفات] **1** Донолар, олимлар.

2 *тасаввуфда* Орифлар, тасаввуф аҳлари, суфийлар, соликлар.

[*Фотима Нисобурия р. т.*]. *Хуросон нисосининг қудамосидиндур ва орифот киборидин.*

Насойим ул-муҳаббат, 487-б.

ОРОЙИШСИЗ [*ф.* آرایش سیز] **1** Зийнатсиз, безаксиз, бепардоз.

2 Расмсиз, одатсиз; бетартиб, усулсиз; беухшов.

... ва адоси рангин фиқаротдин намойишсиз ва мазмуни рангин абётдин оройишсиз...

Муншаот, 133-б.

ОРОМИЖОН [*ф.* آرامی جان] Жонга, танга ором берадиган, ҳузур, роҳат бағишлайдиган.

Менга номеҳрибон ёр ўзгаларга меҳрибон эрмиш,
Менинг жоним олиб, ағёрга оромижон эрмиш.

Бадоеъ ул-васат, 189-б.

Латофатда юзунг ҳам гул эмиш, ҳам гулситон эрмиш,
Ҳаловатда лабинг ҳам жону ҳам оромижон эрмиш.

Бадоеъ ул-васат, 192-б.

ОРОМСИЗ [*ф.* آرام سیز] Ороми йуқ, беором, нотинч.

Шаҳ андин доғи бор эди комсиз,
Бале хотири эрди оромсиз.

Садди Искандарий, 399-б.

ОРТМАМАК [*т.* آرتمامق] Ортмаслик.

Фавойид ул-кибар муқаттаотининг сарсуханлари раззоқ алал-итлоқ банда рузисин мукаддар қилибтур саъй била ортмасида айтур.

Фавойид ул-кибар, 511-б.

ОРТУҚ-ЎКСУК [*т.* آرتوق اوکسوک] Куп ёки кам, ортиқча ёки оз.

Баъзи ерларда ёшурун қолғонни муқобала қилдилар эрса, бир ҳарф ортуқ-уксук эмас эрди.

Тарихи анбиё ва ҳукамо, 173-б.

ОРТУҚЧИЛИК [*т.* ارتوقچی لیك] Ортиқчалик, устунлик.

Агар жунг десам, қайси жунгда юз даре топилибдур ва агар даре десам, қайси дарёнинг ҳар дурри қуёш гавҳариға ортуқчилиқ қилибдур.

Назм ул-жавоҳир, 128-б.

ОСИЛМАМАК [*т.* اسیلماماك] Осилмаслик.

Осилмамиш қулоғингдин юз узра гавҳарлар,
Ки айрилибтур ул ут шуъласидин ахгарлар.

Бадоеъ ул-васат, 133-б.

ОСОЙИШГОҲ [*ф.* آسایشگاه] Тинчлик уйи, оромгоҳ, фароғат маскани.

Шукру сипос ул қодирғаким, чун адам осойишгоҳидин вужуд ороиши огоҳларига жилва берди, инсонни сойир маҳлуқотдин нутқ шарафи била мумтоз қилди.

Ғаройиб ус-сиғар, 9-б.

ОСМОҚ [*т.* اسماق] 1 Осмоқ, тақмоқ, илмоқ.

Не тонг, боғламоқ кофири ишқ ўлуб,
Киши белга зуннору осмоқ салиб.

Бадоеъ ул-бидоя, 608-б.

2 Кўп, ортиқ, дим кўп; («кўю кўзиси ҳисобдин кўп»).

Осмоқдин анинг қозони тушмай,
Тун-кун ути ўчгали ёвушмай.

Лайли ва Мажнун, 58-б.

ОСУДАВАШ [*ф.* آسوده وش] 1 Озод булгандек, фориғ булгандай.
2 Бегамга ўхшаш.

Уммаҳони ҳужрасида эрди хуш,
Даҳри дун ашғолидин осудаваш.

Лисон ут-тайр, 17-б.

ОТАШПОРА [*ф.* آتش پاره] Ўт булаги, олов парчаси.

Турғани бирла бир оташпорадур ул шўхким,
Йуқу боримни анинг боштин аёқи қуйдурур.

Фавойид ул-кибар, 105-б.

ОТОНМОҚ [*т.* اتانماق] Аталмоқ, ном чиқармоқ.

Ит ўлуми бирла ўлса яхшироқ,
Эр отониб душманиға ёлина.

Мажолис ун-нафоис, 165-б.

ОФАТСИЗ [*а.-т.* آفت سز] Безиён, зарарсиз.

Анбарин хат бирла ул юз булди олам офати,
Олам офатсиз эмас хуршид булғач мункасиф.

Ғаройиб ус-сиғар, 248-б.

ОФАТШАКЛ [*а.* آفت شکل] Офат куринишли.

Навоий бода ичмас, лек чун сокий қадаҳ қуйди,
Ул офатшакл эрур мужиб, бу дилкаш ун эрур боис.

Наводир уш-шабоб, 71-б.

ОХИРАТ [*а.* اخرت] **1** Сўнг, ниҳоя, тамом бўлиш.

2 Нариги дунё, у дунё, охират.

Охират ул-умр Умрнинг охирлари; кексалик пайти.

[*Хантила бинни Сафвон*]. *Охират ул-умр ва вусъат салтанат-дин димоғиға ғурур юзланди, тенгрилик даъвоси қилди.*

Тарихи анбиё ва ҳукамо, 111-б.

ОХИРЗАМОН [*а.* آخر زمان] Ҳаётнинг сунгги дамлари, қиёматга яқин қолган замон.

Қиёмат эрди онсизким, юз очти, эй мусулмонлар,
Булунг воқифки, булди фитнаи охирзамон пайдо.

Фавойид ул-кибар, 29-б.

ОЧИЛМОҒЛИҚ, -лиг [*т.* آچیلماغلیق//آچیلماغلیغ] **1** Очилмоқлик, ажралмоқлик, айрилмоқлик.

2 Ечилмоқлик, фош булмоқлик

3 Ҳал бўлмоқлик; ечилмоқлик

Кўнгул чун сендин уздум шодлиғ эмди муҳол улғай,
Очилмоғлиқ узулган гунчаға не эҳтимол ўлғай.

Фавойид ул-кибар, 393-б.

Назм анга гулшанда очилмоғлиғи,
Наср қаро ерга сочилмоғлиғи.

Ҳайрат ул-аброр, 61-б.

ОЧМОҚЛИҒ [*т.* آچماقلیغ] Очмоқлик

Вале очмоқлиғи мушкулдур асру,
Гудози жисму ранжи дилдур асру.

Фарҳод ва Ширин, 124-б.

ОЧЧИҚ-ОЧЧИК [*т.* آچیق آچیق] Аччиқ-аччиқ; талх-талх.

Ҳол курмайдур эди мундин қотиқ,
Навҳа бирла йиғлади оччиқ-оччиқ.

Лисон ут-тайр, 223-б.

ОЧҒУЧИ [*т.* آچغوچی] Очгувчи.

Эрам очғучи ҳам (Аллоҳ) Ул.

Маҳбуб ул-қулуб, 7-б.

ОШИҚ [*а.* عاشق] **1** Севувчи, севиб қолган.

2 Хушгор, мухлис.

3 Ҳақсевар, маърифатга шайдо.

Ошиқу маъшуқ 1) бир-бирини севган, бир-бирига кўнгул қўйган икки ошиқ-маъшуқ; 2) Қуръони каримнинг «Юсуф» сурасидаги «Юсуф ва Зулайҳо» муҳаббатига ишора.

Чун рақам қилди «Ошиқу маъшуқ»,
Бўлди ишк аҳли ўтидин маҳрук.

Сабъаи сайёр, 43-б.

ОШИҚПЕША [*а.-ф.* عاشق پیشه] Дўстсевар, ошиқ, муҳаббатли.

... ва ошиқпеша беқарорларнинг жалиси мехнати ва маъшуқпеша гулъузорларнинг аниси суҳбати бўлуб...

Бадоеъ ул-бидоя, 13-б.

ОШУФТАРУЗГОР [*ф.* آشفته روزگار] Бахтсиз, бадбахт. шурпешона. манглайи қаро, толеи паст.

[*Мавлоно Муҳаммад Хуросоний а. р.*]. *Авоилда лоуболи ва лаванд ва ошуфтарузгор ва хаммор киши эрди.*

Насойим ул-муҳаббат, 439-б.

Мавлоно Садр Котиб – ошуфтарузгор киши эрди...

Мажолис ун-нафоис, 53-б.

ОЯ [*а.* آیه] **1** Нишон, аломат.

2 Далил; ҳужжат.

3 Муъжиза, каромат.

4 Қуръон жумласига ишора.

Зулфунга товус пари холингга олтун варақ,
Мусҳафингга булди зеб ушр била оядин.

Наводир уш-шабоб, 354-б.

ОЯТ [*а.* آیت] **1** Нишон, белги.

2 Муъжиза.

3 Қуръон жумлалари.

Ояти раҳмат Қуръони каримнинг раҳмат оятига ишора.

Топиб ҳаёти зулоли хатинг қорасинда,
Езилди ояти раҳмат юзунг сафосинда.

Наводир уш-шабоб, 404-б.

ОҚ [*т.* آق] **1** Оқ, сафид.

2 Тамиз, тоза, пок.

Оқ сўнгак 1) оқ суяк, оқ устхон (оқ сўнгак ўйини); 2) аслзода.

Андин кечалар атрок зуафоси иши ўрғуштак ва атфол варзиши оқ сунгак.

Маҳбуб ул-қулуб, 12-б.

ОҚАР-ТОМАР [*т.* آقرتمق] Оқар-томар (бирор томчи ёки май қолдиғи).

Оқар қадаҳга, томар ерга боданг, эй соқий,
Хумор аҳлига тегмасму хеч оқар-томари.

Наводир уш-шабоб, 430-б.

ОҚИБАТАНДИШ [*а.-ф.* عاقبت اندیش] Охирини ўйловчи, бирор ишни охири нима билан тугашини олдиндан билиб мулоҳаза қилиш, андиша қилиш, узоқни кўрувчи.

Вазир оқибатандиш киши эрди, ултурурда қиз айттиким, подшоҳдин хомиламен.

Тарихи мулуки ажам, 224-б.

ОҚЛИҚ, -лиг [*т.* آقلق//آقلیغ] Оқ булишлик, оқлик

... ва қайси ҳуруфқа ружуъ қилмоқ саҳифаи рухсорга мужиби оқлиқ дурур ва роқимга сафид авроқлиқ.

Ҳайрат ул-аброр, 223-б.

Аммо анинг сурхрулўғига гулгуна сазовордур ва юз оқлиғига муносиб сапида бордурким...

Маҳбуб ул-қулуб, 42-б.

ОҒАШТА [*ф.* آغشته] **1** Аралашган.

2 Қоришган, буланган.

3 Ҳул булган.
4 Мубтало.

Сиришким қони қилди кўйининг туфроғин оғашта,
Итига шояд ул балчиғ била бир уй ясалғай деб.

Ғаройиб ус-сиғар, 72-б.

ОҒИЗЛИҒ [*т.* اغزلیغ] Оғизлик.
Ғунча оғизлиғ Ғунча даҳанлик.

Наргис кузлук ва гунча оғизлиғ гулъузори кузу оғзин наргис била гунчаға таржеҳ қилғони ажиб навъ воқеъ булубтур.

Мажолис ун-нафоис, 182-б.

ОҒИРЛИК [*т.* اغرلك] Оғирлик.

... ё ҳеч жинс маълумдин нима борким, оёғим оғирлик қиладур, бора олмон.

Насойим ул-муҳаббат, 41-б.

ОҲ [*т.* آه] **1** Қувонч, завқ, қойил қолиш каби ҳис-туйғуларни ифодалайди.
2 Соғиниш, интизорлик каби маъноларни ифодалайди.
3 Ачиниш, дард-алам, ҳасрат туйғусини ифодалайди.
4 Оғриқ. дард туйғусини ифодалайди.
5 Дард-фиғон, нола, афғон, зорланиш.
Оҳу вовайло Оҳ-воҳ. **Оҳу вовайло солмоқ** Дод-вой солмоқ

... ва базмафруз ғазалиётим хароботийларга оҳу вовайло солди.

Муҳокамат ул-луғатайн, 34-б.

П

ПАЗИРА [*ф.* پذیره] Истиқбол, бирор кишининг ҳузурига пешвоз чиқиш
Пазира қилмоқ Кутуб олмоқ, қарши олмоқ.

[*Абулқосим Насрободий қ. с.*]. *Умри охирида Маккага борди ва Абу Усмон Мағрибий анга пазира қилди...*

Насойим ул-муҳаббат, 161–162-б.

ПАЗМОН [*ф.* پژمان] Ғамгин

Деди: «Эй жисминга фидо жоним!
Жонинга садқа жисми пазмоним!»

Сабъаи сайёр, 265-б.

ПАЙВАНДСИЗ [*ф.-т.* پیوندسیز] 1 Бепайванд, боғлиқликсиз; дахлсиз.
2 Алоқасиз, муносабатсиз.

[*Шайх Луқмон Сарахсий қ. с.*]. ... *ҳеч кимни ондин пайвандсизроқ ва покизароқ курмасменки, борча оламда ҳеч нима била пайванди йуқдур.*

Насойим ул-муҳаббат, 208-б.

ПАЙКАРТИРОЗ [*ф.-а.* پیکرتراز] Ҳайкал ясаш, ҳайкалтарош.

Арода нақш банди ҳийласози,
Муҳандис шеваи пайкартирози.

Фарҳод ва Ширин, 85-б.

ПАЙКОНСИЗ [*ф.-т.* پیکان سیز] 1 Камон уқисиз.

Оҳким, дард юзидин чиқмас,
Уқ эмас бўлса эрур пайконсиз.

Бадоеъ ул-бидоя, 214-б.

2 Киприксиз.

Туқуз фалакдин утар гарчи новаки оҳим,
Қилурмен ани ул ойға чекарда пайконсиз.

Наводир уш-шабоб, 157-б

ПАЙМОЛИҒ [*ф.-т.* پیمالیغ] 1 Кезувчилик.

Туфроғ ўлдум ул қуёш ҳажриндаю суд этмади,
Чархи сойирдек ани истай жаҳон паймолиғим.

Наводир ун-ниҳоя, 376-б.

2 Қайтганлик

Фарҳоднинг Ҳоқон била Чин азмига даиит паймолиғи...

Фарҳод ва Ширин, 184-б.

ПАЙМОНГУСИЛ [*ф.* پیمان گسل] Аҳдида турмовчи, ваъдасини бузувчи

Жон олса найлай ул бути паймонгусил била,
Чун бермишам кунгулни анга ишқи дил била.

Ғаройиб ус-сиғар, 412-б.

ПАЙМОНШИКАН [*ф.* پیمان شکن] **1** Аҳдини синдирувчи, ваъдасидан қайтувчи; аҳдини бузувчи.

Асар кўр ишқи комилгаки, захми менда зоҳирдур,
Не қамчиким, тушубтур ул бути паймоншикан узра.

Фавойид ул-кибар, 381-б.

2 Ваъдасига вафо қилмовчи, бевафо ёр.

Мени айлабтурур бир қотили паймоншикан ошиқ,
Ки тиги зулмидин улмиш менингдек юз туман ошиқ.

Наводир ун-ниҳоя, 272-б.

3 Ёлғон ваъдали.

Аҳли дин паймоншикандур, кимса бўлмас дуслуқ,
Бас манга муғ дайрида улким, тутар паймона, дуст.

Ғаройиб ус-сиғар, 90-б.

ПАЙТА [*ф.* پیته] Пилта ип.

Илойимда кесак кўҳи балодур,
Кўзумга пайта ришта аждаҳодур.

Фарҳод ва Ширин, 383-б.

ПАНИР [*ф.* پنیر] Қўй сутидан махсус тайёрланадиган сутли нонхурак, пишлоқ.

[*Ҳасан б. Ҳаммавияҳ...*]. *Дедимки, айюҳаш-шайх, миқдоре тоза панир бор, майл борму, келтурсак? Ва анинг тоза панирга майли кўп бўлур эрди.*

Насойим ул-муҳаббат, 174-б.

ПАРВАРИШТА [*ф.* پرورشته] Вояга етказиш, меҳр бериб парваришлаш.

Ул мевани меҳр парваришта,
Айлаб бори хом эканда кишта.

Лайли ва Мажнун, 181-б.

ПАРГОРСИЗ [*ф.-т.* پرگارسز] **1** Доира чизишга, чизиқлар узунлигини улчашга хизмат қиладиган асбоб (циркуль).

2 Асбобсиз, анжомсиз.

3 Йўлсиз, равишсиз.

4 Чорасиз, беилож, тадбирсиз.

Дема тифл, Монийки афзорсиз,
Чекиб юз тумон давр паргорсиз.

Садди Искандарий, 404-б.

ПАРДА [*ф.* پرده] **1** Парда.

2 Хотин-қизлар чачвони, чиммат, ҳижоб.

3 Сақловчи, муҳофазачи.

4 Ғайб сирларини беркитувчи.

Пардаи исмат Поклик пардаси

Жунун йўлида бу расвога ёпма пардаи исмат
Ки, эл қолур агар андоғ оғир либос ёпиндим.

Наводир уш-шабоб, 288-б.

Пардаи ихфо Яшириш пардаси, сир тутиш пардаси, махфий парда.

... агарчи баъзи адам макманида пардаи ихфодурлар, аммо баъзи вужуд анжуманида зовияи зухур ва бақодадурлар...

Мажолис ун-нафоис, 150-б.

Пардаи иззат Азизлик пардаси.

Келдилар ва пардаи иззат кейнидин анга шаҳодат арза қилурлар эрди.

Насойим ул-муҳаббат, 92-б.

ПАРДАГИ [*ф.* پردگی] Пардали; яширин

Пардаги ўлди эгин ичра карак,
Учти очиб пардаларин шабпарак.

Ҳайрат ул-аброр, 82-б.

ПАРДАДАРЛИК [*ф.-т.* پرده دارلیک] 1 Опкора этувчилик, фош қилувчилик.

2 Намоён қилувчилик; шарманда қилувчилик.

Риштаи жонни тугуб, зулфидин очқанда гириҳ,
Пардадарликлар этиб, юзига ёпқанда ниқоб.

Фавойид ул-кибар, 34-б

ПАРДАЛИҚ [*ф.-т.* پرده لق] 1 Ҳижоблик, тўсиқлик, пардалик.

2 Қават, қат, қатлам.

... савобитнинг тўққуз пардалиқ манзаридин ошурди.

Вақфия, 242-б.

ПАРИВАШСИЗ [*ф.-т.* پری وش سیز] Ёрсиз, маҳбубасиз.

Телба итдекдур Навоий ул паривашсиз не тонг,
Оғзидин гар ут сочиб аъзоси гардолуд эрур.

Ғаройиб ус-сиғар, 128-б.

ПАРИ(Й)ВОР [*ф.* پری وار] Парига ўхшаш, паридек, малаксифат.

Мени ишқдин ўртаган мугбача
Ки, девонавашдур, парийвор ҳам.

Ғаройиб ус-сиғар, 517-б.

ПАРИЛИҚ [*ф.-т.* پری لق] Парилик, гўзаллик, маҳбубалик

Агар Билқис бўлмоқ йўқса ҳаддим,
Парилиқдин худ ўлмас қилса раддим.

Фарҳод ва Ширин, 372-б.

ПАРИУЗОР [*ф.-а.* پری عذار] Паричеҳра, парирўй, парирухсор.

Илоҳи, париузорларга мени девона қилдинг ва шамъи рухсорларга кўнглумни парвона қилдинг...

Мўноҗот, 296-б.

ПАРИХОНА [*ф.* پری خانه] 1 Парилар маскани, парилар яшайдиган жой.

2 Наққошлар уйи, суратхона

Соз этар эрди базми шоҳона,
Равза ул ҳурдин парихона.

Сабъаи сайёр, 98-б.

ПАРИШОНВАШ [*ф.* پریشان وش] 1 Ёйилгандек, сочилгандек, пароканддадай, бетартибдай.

2 Нотинчдай.

Ҳар тариқ аҳли сари юз қўйдум,
Бас, паришонвашу ошуфта ниҳод.

Фавойид ул-кибар, 462-б.

ПАРИШОНТАБЪ [*ф.-а.* پریشان طبع] Паришон табиатли.

Бир паришонтабъ мажнун бор эди,
Ким биров савдосидин кўп зор эди.

Лисон ут-тайр, 271-б.

ПАРКАНДА [ф پرکنده] Паришон, пароканда, ўзидан айрилган; тарқоқ, йўқ бўлган.

Эй, кунгул гулзори васлинг субҳида ноланда қуш,
Йўқки, атфоли фироқинг илгидин парканда қуш.

Фавойид ул-кибар, 172-б.

ПАРКПАЙВАНД [ф. پرکپیوند] Улаш, бириктириш.

Паркпайванд айламак Маҳкам бириктирмоқ, ёпиштирмоқ, уламоқ.

Ғам тошин жисмимга пайконинг била банд айладинг,
Ул самарни бу йигочқа паркпайванд айладинг.

Бадоеъ ул-бидоя, 321-б.

ПАРЛО [ф. پرلا] Қуш.

Бир сори сориг парлову мен тутсоғ йўл,
Не тоғу, не туз, десанг не ободу, не чул.

Бадоеъ ул-бидоя, 654-б.

ПАРСИЗ [ф.-т. پرسیز] **1** Патсиз, қанотсиз.

2 Ҳимоясиз, паноҳсиз.

Парлар ўрнига балийят уқларининг захмидур,
Менки парсиз қуш кеби ҳажрингда урёнмен бугун.

Ғаройиб ус-сиғар, 389-б.

ПАРҒОЗА [ф. پرغازه] **1** Чиройли пат-қалам.

2 Қип-қизил.

Ул пари сувратини чекса Навоий не ажаб,
Қалама топса малойик юнгидин парғоза.

Наводир ун-ниҳоя, 466-б

ПАРҲЕЗКОРЛИҒ [ф.-т. پرهیزکارلیغ] Сақланувчилик; ўз нафсини тиювчилик, порсолик, покдомонлик; тақводорлик

[*Абулҳасан Ҳакимий қ. с.*]. *Дедиким, агар анда бир парҳезкорлиг ва ҳалол қут талаби топарсен, иқтидо қилса булур ва агар топмассен, ани қўйгил!*

Насойим ул-муҳаббат, 178-б.

ПАС [ф. پس] **1** Сунг, кейин, ундан сунг.

2 Демак.

3 Орқа.

4 Шу пайт, шу ҳолда.

5 Охир, оқибат.

Ва ул ҳар лаҳза ўз камолин кураргa бир кўз очқай, пас, шайхнинг ранжи зоеъ отига кўшиш қилгай ўз ҳаққида.

Насойим ул-муҳаббат, 308-б.

Пас Нурий менинг илгимни тутиб, ул ердин чиқди...

Насойим ул-муҳаббат, 488-б.

[*Имраъатун Хоразмия р. т.*]. *Пас ул кеча биздин айрилди ва кетти.*

Насойим ул-муҳаббат, 496-б.

Ва андин купига етишмайдурбиз. Пас, биз жоҳилларбиз, алад-давом.

Насойим ул-муҳаббат, 385-б.

Сойил дедики, пас Аллоҳ сотир ул-уюб булмагай.

Насойим ул-муҳаббат, 203-б.

ПАСТ-БАЛАНД [*ф.* پست بلند] Паст-баланд, катта-кичик.

Паст-баланд ҳақойиқ Турли икир-чикир (паст-баланд) ҳақиқатлар.

[*Шайх Иззуддин...*]. *«Аворифъ» таржимасининг соҳибидур ва «Тоъияи Форизия» нинг шорҳи ва паст-баланд ҳақойиқ ва аржуманд маориф бу икки китобда дарж қилибдур.*

Насойим ул-муҳаббат, 344-б.

ПЕЛТАК [*ф.* پیلتک] қ. **Пилтак**.

ПЕРОСТА [*ф.* پیراسته] **1** Форсча ўтган замон феълининг сифатдоши.

2 Гузал, чиройли.

3 Зийнатланган, безалган; тартибли.

Пероста этмак Ясантирмоқ, безамоқ; тартибга солмоқ.

Ва йигитлик баҳори латофатидаким, райҳоний хат била ораз гулин гулу райҳонга ўт салгудек пероста этар.

Ҳайрат ул-аброр, 279-б.

ПЕРОЯЛИК [*ф.-т.* پیرایه لیق] қ. **Пироялиқ**

ПЕШВОЛИҒ [*ф.-т.* پیشوالیغ] **1** Пешволик, раҳнамолик.

2 Муршидлик.

Пешволиг айлагач Ҳудҳуд қабул,
Барчасига муддао топди ҳусул.

Лисон ут-тайр, 137-б.

ПЕШНИҲОД [*ф.* پیشنهاد] Ҳозир, биринчи навбатда.

... ва аввалги табақаким пешдодийлардурур пешниҳод алар ишлари шарҳин қилинди.

Садди Искандарий, 74-б

ПЕШОНИЙ [*ф.* پیشانی] **1** Пешона.

Арақи пешоний Пешона тери.

2 Бахт, саодат.

Саҳобдек нафъ расонлар бобидаким, арақи пешоний била раёҳин зеболари бошига гавҳар афшон булурлар.

Ҳайрат ул-аброр, 233-б.

ПЕШХОНА [*ф.* پیش-خان] **1** Қабулхона, қабул қилиш уйи, кираверiш жойи.

2 Пешток.

Гар фалак хиргоҳи булса пешхонанг, не осиг,
Умр хайли чунки кундин-кунга келмас илгари.

Бадоеъ ул-васат, 412-б.

ПИЖИР [*х.* پژپر] Осмон, кўкнинг сифати.

Муганний, улуг йир садосини туз,
Пижир кукка пийпо садосини туз.

Садди Искандарий, 383-б.

ПИЙПО [*х.* پیپا] Уд мусиқа асбобининг хитойча номи.

Муганний, улуг йир садосини туз,
Пижир кукка пийпо садосини туз.

Садди Искандарий, 383-б.

ПИЛАФКАН [*ф.* پیل افکن] **1** Кучли, зур; филдек зур.

2 Паҳлавон, баҳодир.

Ишқ водийси ажаб водий эрурким, ҳар мур
Анда шерафкану ҳар пашша эрур пилафкан.

Наводир уш-шабоб, 319-б.

ПИЛНИҲОДИЙ [*ф.* پیل نهادي] **1** Филга ўхшашлик, зурлик, қувватлилик, кучлилик, ғолиблик.

2 Баҳодир, паҳлавон.

Бу турфаки, дафъини ярим пашшаға қуйдунг,
Ҳар пилниҳодийки санга қилди такаббур.

Бадоеъ ул-бидоя, 120-б.

ПИЛПУ́Ш [*ф.* پیل پوش] **1** Фил ёпинчиқли.

2 Катта ёпинчик.

Ёгдуруб новак бузуг кунглум иморат айладинг,
Гўйиё пилпуш этиб қуйдунг анга ҳар ён сутун.

Наводир уш-шабоб, 320-б.

ПИЛРАНГ [*ф.* پیل رنگ] Фил сингари, филдай.

Пили гавҳаркашдурур ҳар ён саҳоби пилранг,
Бошида чангак ҳилолу ёнида хуршид занг.

Бадоеъ ул-васат, 241-б.

Баҳорий булут пилдек бедаранг,
Қилур жилва ҳарён, бори пилранг.

Садди Искандарий, 402-б.

ПИЛТАК [*ф.* پیل تک] Дудуқ, чучук тилли.

Навоий ул юзу лаб шавқидин ногаҳ наво чекса,
Дам урмас булбулу тути будур кацча ул пилтак.

Наводир уш-шабоб, 235-б.

ПИРЛИҚ [*ф.-т.* پیرلیق] **1** Кексалик.

2 *тасаввуфда* Муршид ва тариқат раҳнамоси; муршидлик, пирлик, шайхлик.

Булма бу пир олида тақсирлиқ,
Истар эсанг давлат ила пирлиқ.

Ҳайрат ул-аброр, 328-б.

ПИРСИЗ [*ф.-т.* پیرسیز] Муршидсиз, суфилар раҳнамосисиз.

Пирсиз кезма бу водий ичраким топмас калим,
Тайра шамин равшан амр этмай анга хизмат Шуайб.

Наводир ун-ниҳоя, 53-б.

ПИРОЯЛИҚ [*ф.-т.* پیرایه لیق] Зебу зийнатлик; давлатманд.

Пироялиқ қилмоқ Бой қилмоқ

Яно қилди тожирни пироялиқ,
Бурундин фузун нақду сармоялиқ.

Садди Искандарий, 322-б.

ПИСАНДИДАХУЙ [*ф.* پسندیده خوی] Хушхулқ, яхши хулқли, мулойим тоибатли, нозиктаб(ъ).

[*Язид бинни Маҳлойил*]. *Дерларким, Язид бағоят зеборуй ва писандидахуй эрди.*

Тарихи анбиё ва ҳукамо, 103-б.

ПИСАР [*ф.* پسر] Кичик, ёш, бола.

[*Мир Ғиёс қ. р.*] *Шайх Ахий Муҳаммад Жомий Мирнинг писар вақтиға етиб, анинг тарбиятиға машғул булди...*

Насойим ул-муҳаббат, 410-б.

ПИСТОН [*ф.* پستان] Бирор нарсанинг қисми, бўлаги, анор доналаридек қушилиб кетган; нор(и) пистон.

Сарвға жилвагоҳ гулистондур,
Хосса сарвики, нор пистондур.

Сабъаи сайёр, 114-б.

ПИЧОҚЧИЛИҚ [*т.* پچاقچی لق] Пичоқчилик, пичоқ ясовчилик.

Ва Шайх Муҳаммад Саккок қ. с. ким, уз замони машойихининг ягонаси эрмиш, пичоқчилиққа мансубдур.

Насойим ул-муҳаббат, 15-б.

ПИШИҚ [*т.* پیشیق] Пухта, пишиқ.

Соғинма барча пишиғ сўзни таъб этар ошом,
Бўлур муқаййиъу ҳозим чу иккиси матбух.

Бадоеъ ул-васат, 84-б.

ПИШҚОРМОҚ [*т.* پیشقارماق] **1** Пишиқламоқ, пишқармоқ, такрорламоқ **2** Ёдламоқ.

Сўзни кунглунгда пишқормағунча тилга келтурма, ҳарнаким кунглунгда бўлса тилга сурма.

Маҳбуб ул-қулуб, 125-б.

ПОБАРЖО [*ф.* پابرجا] Бир жойда мустаҳкам оёқ босиб турувчи, қимирламай турувчи, собит қадам, саботли, чидамли.

Ёр агар ҳамповy побаржо эса бу давр аро,
Бошиға ҳар лаҳза эврулмак бўлур паргордек.

Ғаройиб ус-сиғар, 273-б.

ПОБАСТА [*ф.* پا بسته] **1** Оёғи боғли; гирифтор, мубтало.
2 Асирлик, тутқунлик.

Побастаи ҳижрон бўлмоқ Айриликка мубтало бўлмоқ

Соқие, бодаки ё васли керактур, ё май,
Махлас истар эса побастаи ҳижрон булган.

Наводир уш-шабоб, 353-б.

ПОБАСТЛИҚ [*ф.-т.* پا بست لق] **1** Гирифтор бўлганлик; мубталолик.
2 Асирлилик, тутқунлилик.

Ўнгача гафлат била побастлиқ,
Жаҳл йигирмигачау мастлиқ.

Ҳайрат ул-аброр, 289-б.

ПОДПО [*ф.* پادپا] Тез юрар, шамолдек елувчи от, учқур от.

Жаҳон боғида йуқ ул подподек,
Булуб гул баргин элтурга сабодек.

Фарҳод ва Ширин, 235-б.

Ўпуб ул подполарнинг аёғин,
Тушуб йулга тутуб икки қулоғин.

Фарҳод ва Ширин, 258-б.

ПОЁНСИЗ [*ф.-т.* پایان سز] **1** Чегарасиз, интиҳосиз, охирсиз.
2 Тубсиз.

Ишқ дарёсига, эйким, кирдинг,
Билки, бу баҳр эрур поёнсиз.

Бадоеъ ул-бидоя, 214-б.

ПОЖАНД [*ф.* پاژند] Жанд (Занд) томонидан ёзилган утпарастлар дини ҳақидаги китобнинг номи.

Йуқ булди каломингдин асфори само барча
Асфори самовийдин булган кеби йуқ пожанд.

Ғаройиб ус-сиғар, 111-б.

ПОЙГОҲ [*ф.* پای گاه] **1** Хонанинг эшикка яқин томони.
2 Жой; мақом, рутба даража.

[*Хожа Алоуддин Аттар қ. с.*]... *ва алар суҳбати юмни тарбияти натижасидин кўп толиблар буъду нуқсон пойгоҳидин қурбу камол пешгоҳига етибдурлар.*

Насойим ул-муҳаббат, 265-б.

ПОЙТОБАЛИҒ [*ф.-т.* پایتابلیغ] Махси ёки қунжли пойафзал кийганда оёққа ураладиган мато, пайтава.

[*Абу Ҳамза Хуросоний қ. т. с.*]. *Бир пойтобалиғин йиртуб, оёғига чирмади ва ортуғин ташлади.*

Насойим ул-муҳаббат, 56-б.

ПОКВАШ [*ф.* پاك وش] **1** Покдек, софдай.
2 Тақводорга ўхшаш.

Ўтқа тушуб пок булур кимки гаш,
Покроқ улгай ут аро покваш.

Ҳайрат ул-аброр, 197-б.

ПОКИЗАРУЗГОР [*ф.* پاکیزه روزگار] Умрини покиза, тақводорлик билан утказганлик, поклик билан утган вақтлар.

Мавлоно Масиҳий – Покиза рузгор ва мусулмонваш киши эрди.

Мажолис ун-нафоис, 26-б.

ПОКНАФАС [*ф.-а.* پاك نفس] Тўғри сўз, ростгуй.

... *Меҳрижисниким, Парвезнинг хонсолори эрди ва баҳоят рой ва тадбирга мансуб эрди ва покнафас ва некандишликка машҳур.*

Тарихи мулуки ажам, 250-б.

ПОКРОЙ [*ф.* پاکرای] Яхши ниятли, яхши фикрли, билимдон; тўғри фикр юритадиган, фикр эгаси, доно, маслаҳатдон.

Яна дебдурким шаҳи покрой,
Агар булса бу навъ хилватнамой.

Садди Искандарий, 343-б.

Расул айтти: «К-эй, шаҳи покрой,
Адувбанд, йуқ-йуқки, кишваркушой».

Садди Искандарий, 344-б.

Ки, чун покрой улди беиштибоҳ,
Ва лекин хато ҳам қилур гоҳ-гоҳ.

Садди Искандарий, 366-б.

ПОКТАБЪ [*ф.-а.* پاك طبع] Пок табиатли, яхши хислатли.

Яна сурди Искандари поктабъ,
К-эй, ҳикматойину дарроктабъ.

Садди Искандарий, 365-б.

ПОКТИЙНАТ [*ф.-а.* پاك طينت] 1 Соф фитратли; пок хулқли, покиза табиатли пок кунгилли.

Чун Мир Махдум поктийнат ва соҳибдавлат йигит эрди.

Мажолис ун-нафоис, 12-б.

ПОШАНДА [ф. پاشنده] Сочувчи, сепувчи; сўз тарқатувчи.

Чу фалак боиси ғамдур, хуш бул,
Сийм пошандаю соғаркаш бул.

Фавойид ул-кибар, 474-б.

ПУВЛАМОК [*т.* پوولامك] Пуфламоқ.

Баҳор фарроши нафас-нафас эсган насимлар пувламоки била лола чароғин ёрутқонда...

Лайли ва Мажнун, 76-б.

ПУРГУЛ [*ф.* پرگل] Гулга тула, гулга бурканган.

Ҳадикаи пургул Гулга бурканган боғ, гулзор, гуллари куп гулзор.

Ёраб! Ушбу ҳадиқаи пургул,
Ким анга нутқ айладинг булбул.

Сабъаи сайёр, 34-б.

ПУРЗАВҚ [*ф.-а.* پرذوق] Ўта завқли, ҳаяжонли, хушҳолли, туйғули, сурурли.

[*Мавлоно Рашидуддин...*]. *Бир кеча пурҳолу пурзавқ эрди ва амри маъруф ва наҳйи мункар баёнида сўз айтур эрди.*

Насойим ул-муҳаббат, 363-б.

[*Дарвеш Баҳлул а. р.*]. *Пурҳол ва пурзавқ шавқ киши эрди.*

Насойим ул-муҳаббат, 444-б.

ПУРЗИЙНАТ [*ф.-а.* پرزينت] Жуда зеб-зийнатли.

Топти жаннатда қасри пурзийнат,
Қаср ичинда вале яна жаннат.

Сабъаи сайёр, 94-б.

ПУРСАДО [*ф.-а.* پرصدا] 1 Жуда куп садоли, куп овозли.
2 Куп ғавғоли, серповқин.

Чунки ҳар суқбадин чиқиб бир лаҳн,
Булубон пурсадо етинчи саҳн.

Сабъаи сайёр, 99-б.

ПУРФИТНА [*ф.-а.* پرفتنه] Куп ғавғоли, куп фитнали, фитна қузғовчи, ғавғо солувчи.

Ул кўзу қоши қароға ойни ташбиҳ айламанг,
Ойнинг офатлиғ кўзи пурфитна қоши қайдадур.

Наводир уш-шабоб, 145-б.

ПУРФУТУҲ [*ф.-а.* پرفتوح] Файз-баракали, кушойишли

Пурфутуҳ руҳ Пок руҳли, тоза руҳ.

Ҳақ субҳонаҳу ва таоло ҳар замон юз қандил нур ва ҳар дам минг машъал берур, пурфутуҳ руҳига нозил қилсун...

Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад, 120-б.

ПУРХАМЛИҚ [*ф.-т.* پرخم لیق] Ҳалқа-ҳалқалик, бурам-бурамлик; кўп буралганлик.

Керакмас ғарра бўлмоқ шоҳиди давлат бош индурса,
Ки пурхамлиқ эрур онинг салому хайрбоди ҳам.

Бадоеъ ул-бидоя, 387-б.

ПУРХАТО [*ф.-а.* پرخطا] Кўп хатоли, жуда иштибоҳли.

Эшиттимки, Ҳоруни даре ато
Демишким, чу афв айласам пурхато.

Садди Искандарий, 18-б.

ПУРХУМОР [*ф.-а.* پرخمار] Хуморли, жуда хуморли; кўзи сузилган.

Эй гул, тукасен хумордин қон,
Ул наргиси пурхумор сендек.

Наводир уш-шабоб, 246-б.

ПУРЧОШНИЙ [*ф.* پرچاشنی] Жуда ширин, кўп латофатли; жуда жозибали.

... ва ҳам ҳақиқат аҳлининг ширину файзосор сузларида андин равонроқ ва пурчошнийроқ ва шўрангезроқ ва шавқомизроқ назм айтса бўлғайки йўқдур!

Насойим ул-муҳаббат, 466-б.

ПУРШИКАСТ [*ф.* پر شکست] Кўп синиш.

Лоту уззоға пуршикаст бўлуб
Ким, бори тийра ерга маст бўлуб.

Сабъаи сайёр, 19-б.

ПУРШУРҲОТИР [*ф.-а.* پرشورخاطر] Кўп ташвиш ва қўрқувлар билан, серғавғоли.

Қўпуб чун кирдилар пуршурҳотир,
Кўнгул уйига андоқким хавотир.

Фарҳод ва Ширин, 175-б.

ПУТРАТМАК [*т.* پوترتمك] Таратмоқ, анқитмоқ, тарқатмоқ, ёймоқ

Насим ул мушк исин путратти ҳарён,
Ҳаво раъноларига сотти ҳазён.

Фарҳод ва Ширин, 20-б.

ПУЧЛУҒ [*ф.-т.* پوچ لوغ] Пучлик, бўшлик, холилик, мағзсизлик.

Оғзи била писта учашур пучлуғидин,
Билманки ушул оғзи очуқ қайда бутуптур.

Ғаройиб ус-сиғар, 154-б.

ПУШАЙМОНЛИК [*ф.-т.* پشیمان لیك] Надоматлик; утган ишга ачиниш-лик.

Пушаймонлик суд қилмайдур.

Насойим ул-муҳаббат, 431-б.

ПУШТ-БАРПУШТ [*ф.* پشت بر پشت] Авлоддан-авлодга, сулоладан-сулолага (бутун сулола билан дунё тахтига эгалик қилиш).

Каёнийлар ўрнида афоқгир,
Келиб пушт-барпушти соҳиб сарир.

Садди Искандарий, 133-б.

ПУШТАКАШ [*ф.* پشته کش] Буғдойпоя, похол ва шу каби нарсаларни орқалаб ташувчи.

Барзагарга андин ком ҳосил, пуштакашга андин мурод восил.

Маҳбуб ул-қулуб, 37-б.

ПЎСТПЎШ [*ф.* پوست پوش] Тери кийган, девона.

Лабинг шавқида бир девонаи бандий наботи Миср,
Сочинг савдосида бир пустпуше нофаи Чин ҳам.

Наводир ун-ниҳоя, 368-б.

ПЎЯСАНЖ [*ф.* پویه سنج] Югуришни ўлчовчи

Югурмоқда чунким булуб пуясанж
Назар пайки қолиб, тутуб они ранж.

Вақфия, 243-б.

ПЎЯСИЗ [*ф.-т.* پویه سیز] Юришмаслик, ҳаракатсиз.

Бурокин тушуб пайкига топшуруб,
Қадамсиз юруб, пуясиз гам уруб.

Садди Искандарий, 30-б.

Р

РАББ [*а.* رب] Аллоҳ таоло, Тангри таоло, Парвардигор.

Раббил-оламин (Раббул-оламин) 1) Оламлар раббиси, дунёлар тангриси, яратувчиси.

Анга сипеҳри салтанат авжида мадор насиб қилгай то синуқлар иши андин бутгай ва йиқилганларга андин дастгирлик етгай. Омин, ё Раббил-оламин.

Маҳбуб ул-қулуб, 98-б.

2) Қуръони каримнинг биринчи «Фотиҳа» (очувчи) сураси маъносига ишора (зеро, бу сурада жуда куп фазилатлар бор).

Алҳамду лиллаҳи раббил-оламин Барча мақтов, шукрлар оламларнинг тарбиячиси Аллоҳга булсин

... ва агар шамъ учса маъмул улдурким, хуршид оламтоб тобанда ва мустадом булгай, омин, ё Раббил-оламин!

Муншаот, 224-б.

Ким етишти оллига Руҳил-амин,
Арз этиб пайгоми Раббил-оламин.

Лисон ут-тайр, 17-б.

РАБТСИЗ [*а.-т.* ربطسز] **1** Боғланишсиз.

2 Тартиб-интизомсиз; назоратсиз.

Мулк иши забту рабтсиз булди,
Салтанат амри забтсиз булди.

Сабъаи сайёр, 104-б.

РАБЪ [*а.* ربع] Аруз атамаси.

«Рабъ»-фоъилотунда қатъ ва ҳабн ижтимоидурким, фаул қолгай.

Мезон ул-авзон, 49-б.

РАВЗА [*а.* روضه] Жаннат, биҳишт.

Равзаи хазро Жаннат боғчалари, яшил жаннат (боғ), яшил боғ; кўклам боғ.

Гулшани бор эди жаҳон оро,
Қуюб отини «Равзаи хазро».

Сабъаи сайёр, 235-б.

РАВЗАНА [*ф.* روزنه] **1** Тешилган жой, ковак, ўйиқ; теник.

2 Туйнук.

3 Дарича.

4 Токка солинадиган тол ходачалар, бағаз.

Урён баданим захмлари ичра эмас қон, юз пора кунгулдур.
Бу равзаналардин қиладур ҳар бири, яъни ҳуснунга тамошо.

Ғаройиб ус-сиғар, 499-б.

Файз куз тутма риёзатда тешилмай юрагинг,
Очмайин равзана, уй ичра қуёш солмади зав.

Бадоеъ ул-бидоя, 473-б.

... ва ул нур анинг уйининг равзанаси хурдида эрди.

Насойим ул-муҳаббат, 331-б.

РАВНАҚСИЗ [*а.-т.* رونق سز] **1** Жилосиз, ялтирмаслик, порламаслик.

2 Таровотсиз, бекўркам.

Ёшимдин обрўюм борди, билдим
Ки, равнақсиз қилур олтунни сиймоб.

Бадоеъ ул-васат, 37-б.

РАВОҚЛИК [*а.-т.* رواقلیک] **1** Айвонлик, пешайвонлик, мадрасаларнинг олд томонига баланд қилиб ишланган кўркам ва маҳобатли қисм.

2 Гумбазлик.

... малакут оламининг муқарнас тоқлиқ ва муқаддас равоқлик мадрасасида каррубийлар ифода ва истифодаси учун ижлос қилди.

Вақфия, 233-б.

РАВШАНЗАМИР [*с.-а.* روشن ضمیر] **1** Ёрқин фикрли, равшан фикрли; пок кўнгил.

Тугатгач сўзин шоҳи равшанзамир,
Улус чектилар ҳар тарафдин нафир.

Садди Искандарий, 108-б.

2 Абдураҳмон Жомий (назарда тутилган) сифати.

Бу иштин доғи пири равшанзамир,
Мени бархабар қилса, узни хабир.

Садди Искандарий, 570-б.

РАГЗАН [*ф.* رگ زن] **1** Томирдан қон олувчи табиб каби.

2 Музика чалувчи, чолғу торини чертувчи.

Рагзан улуб мутриби ҳажжомваш,
Раглар аро қон йуқидин налакаш.

Ҳайрат ул-аброр, 84-б.

Узи ҳам ул раглар ила ҳамсадо,
Раглару рагзан қилибон шукр адо.

Ҳайрат ул-аброр, 85-б.

РАЖАЗ [*а.* رجز] Аруз баҳрларидан бири

... ва ражаз ажзоси саккиз қатла «мустафъилун» дур...

Мезон ул-авзон, 52-б.

Ражази мусаддаси музол Аруз вазнидаги ражаз баҳри туркимининг бир вазни.

... ва «ражази мусаддаси музол» воқеъ бўлубдур.

Мезон ул-авзон, 45-б.

РАЗИЛЛИҒ [*а.-т.* رذیل لیغ] Пастлик, қабиҳлик, нокаслик, тубанлик.

Мундоқ киши хожа эмас, муздурур ва ўз разиллиғидин ҳамиша ранжурдур.

Маҳбуб ул-қулуб, 34-б.

РАЗИЁЛЛОҲ [*а.* رضي الله] Аллоҳ рози бўлсин.

Разиёллоҳу анҳу Аллоҳ ундан рози бўлсин.

Амир ул-муъминин Абу Бакр Сиддиқ разиёллоҳу анҳу таърифида.
Лисон ут-тайр, 21-б.
Амир ул-муъминин Али разиёллаҳу анҳу ҳазратида.
Лисон ут-тайр, 25-б.

РАЗЛ [*а.* رذل] Паст, тубан хор.
Чу разл ҳавсаласиздур, не тонг, агар ногаҳ
Етишса мукнат анга, аржуманд тутқай узин.
Бадоеъ ул-васат, 494-б.
Ул киши разл улсун, агар бахтиёр,
Ким мунга йуқ шафқатидин ихтиёр.
Ҳайрат ул-аброр, 178-б.

РАЗМОЗМОЙ [*ф.* رزم آرمای] Жанговор, жанг курган.
Сипоҳин тузуб шоҳи размозмой,
Сурон солдию тушти ҳазмозмой.
Садди Искандарий, 335-б.
Гум айлар ёмон кунда бир яхши рой,
Тумон хасмни борча размозмой.
Садди Искандарий, 361-б.

РАЙБ [*а.* ريب] Шак, шубҳа, гумон, иккиланиш.
Суҳбатида ҳар неча бешакку райб,
Жилва қилиб шоҳиди раънойи ғайб.
Ҳайрат ул-аброр, 98-б.
Оразинг узра ики зулфунгни очмоқ не эди,
Ким яқин хуршидига ёптинг саҳоби шакку райб.
Наводир уш-шабоб, 42-б.

РАЙҲОНИЙ I [*а.* ريحاني] Райҳон рангдаги.
Роҳи райҳоний Кукимтир ва хуш исли май
Соқиё, тут қадаҳи султоний,
Ичида роҳи анинг райҳоний.
Фавойид ул-кибар, 486-б.

РАЙҲОНИЙ II [*а.* ريحاني] Араб хат турларидан бири.
Ва йигитлик баҳори латофатидаким, райҳоний хат била ораз гулин гулу райҳонга ут солгудек пероста этар.
Ҳайрат ул-аброр, 279-б.

РАМАЛ [*а.* رمل] Аруз вазнига доир атама.
Рамали мусаддаси маҳзуф Аруз вазнидаги баҳрлардан бири.
Андоқки, Ҳақ субҳонаҳу ва таолонинг каломи мажидида куп ерда назм воқеъ бўлубдурки, аруз қавоиди била ростдур... Ул жумладин бири бу оятдурким: «Лан таноллуваал бирра хатто тунфиқуна» – дур, «рамали мусаддаси маҳзуф» воқеъ булубдур.
Мезон ул-авзон, 45-б.

Рамали мусаммани солим Аруз вазнидаги баҳрлардан бири.
Рамали мусаммани солим
Келки ишқингдин кунгулда йуқтурур сабру қарорим
Бошима еткур қадамким, ҳаддин ошти интизорим.
Фоилотун // фоилотун // фоилотун // фоилотун.
Мезон ул-авзон, 72–73-б.

РАМИДАДИЛЛИК [*ф.-т.* رمیده دل لیق] Кунгилни кутаришлик.

Куп бойла қилиб рамидадиллик,
Упти аёгин тилаб биҳиллиқ.

Лайли ва Мажнун, 177-б.

РАНГЛИК [*ф.-т.* رنگ لیك] Туслик, бўёқлик, ранглик, чиройлик.

... ҳеч ким ул нақшу ранглик қуш кўрмаган эрмиш.

Насойим ул-муҳаббат, 425-б.

РАНГСИЗ [*ф.-т.* رنگ سیز] **1** Туссиз; бўёқсиз.

2 Тароватсиз.

Рангсиз холинг эрур ул орази дилжў уза,
Занг ул янглиғки кургузгай асар кузгу уза.

Наводир ун-ниҳоя, 478-б.

3 Ўхшашсиз

Рангсиз холинг жамолинг хонида, эй сиймбар,
Ё адасдур, ё ёпушмиш бир адас чоглиг шакар.

Наводир уш-шабоб, 101-б.

4 Қонсиз.

Рангсиз холи юзининг зебидур, ваҳким дегай:
Ҳусни хонига кераклик мунча булгай бир адас.

Ғаройиб ус-сиғар, 199-б.

РАНЖКАШ [*ф.* رنج کش] Заҳматкаш, меҳнаткаш; ранж чекиш, машаққат чекиш.

Ранжкаш булким, чу тортар чуғз вайрон ичра ранж,
Аждаҳодин бийми йўқ, аммо эрур уммиди ганж.

Бадоеъ ул-бидоя, 686-б.

РАНЖОЗМОЙ [*ф.* رنج آزمای] Ранж машаққат чекиш, қийинчилик курган.

Биров булса бу навъ ранжозмой,
Анга солим улгайму тадбиру рой.

Садди Искандарий, 286-б.

РАНЖ [*а.* رنج] **1** Кунгилга етган озор, алам.

2 Меҳнат, машаққат

Ранж ул-ақим Наслдан бебаҳралик, келгуси авлоддан бебаҳралик (бепушгтлик касали); бесамар машаққат, беҳуда меҳнат.

Тенгри таоло Ҳуд алайҳис-саломни йиборди. Анинг даъватин Шаддод қабул қилмади. Тенгри таоло ани ва қавмини ранж ул-ақим била ҳалок қилди...

Тарихи мулуки ажам, 201-б.

РАСМИЙ [*а.* رسمی] **1** Қарор килинганлик, собитлик; удумли, қоидали.

[*Шайх Низомий қ. т. с.*]. *Аларга зоҳирий улуми ва расмий истилоҳотдин баҳраи тамом бор эмиш.*

Насойим ул-муҳаббат, 469-б.

Расмий қалаку изтиробни кургузгандин сунгра уғлининг ҳолин сурди...

Насойим ул-муҳаббат, 356-б.

2 Вазифали, амалдор, хизматкор, ходим; аскар.

[*Абулҳасайн Ҳаддод...*] *... ул умрининг охирида расмий суфилардин малул булуб эрди...*

Насойим ул-муҳаббат, 193-б.

РАСОНАНДАЛИҚ [*ф.-т.* رسانده لیق] Етказувчилик.

Насиҳат расонандалиқ Насиҳатгўйлик фазилатини етказишлик.

Санга Тенгри чун берди донандалиқ,
Узунга насиҳат расонандалиқ.

Садди Искандарий, 538-б.

РАСТАЛИҚ [*ф.-а.* راست لیق] 1 Халос булганлик, қутилганлик.

2 Дукондорлик.

Расталиқ яхшироқки басталиқ? Шайх ул-ислом дебдурки, еру кук аҳлида ҳар кимдин раста булгайсен, суд қилгайсен.

Насойим ул-муҳаббат, 195-б.

РАСУЛ [*а.* رسول] Аллоҳнинг вакили, элчиси; Муҳаммад (с. а. в.)нинг сифати.

Расули алайҳиссалом Пайғамбар алайҳиссалом (унга саломлар булсин), Пайғамбар сифати.

Улусни тутти Навоий сузи анинг бирла,
Магар Расули алайҳиссалом қилди ҳадис.

Ғаройиб ус-сиғар, 92-б.

Навоий, уйла тирилким, уятдин улмагасен
Агар Расули алайҳиссалом булса шафеъ.

Бадоеъ ул-бидоя, 259-б.

Расули аъзам Буюк Пайғамбар; Пайғамбар сифати.

Расули аъзам шаънидаким, қуёшдин оламоройроқдуру нафй қилгон хуффошдин тийраройроқ.

Ғаройиб ус-сиғар, 541-б.

Расули кордон Ишбилармон элчи (Хусрав Парвезнинг вазири Бузург уммид назарда тутилган).

Расули кордон сузнинг тамомин,
Чу қилди фаҳм, тез этти хиромин.

Фарҳод ва Ширин, 288-б.

Ки, айтинг бу расули кордонга
Ки, десун Хусрави хусравнишонга.

Фарҳод ва Ширин, 294-б.

РАСУЛЛУҚ [*а.-т.* رسول لیق] Пайғамбарлик, элчилик.

Чун қавмга Ашмуил булди ҳоди,
Жазм ўлди анга расуллуқ исноди.

Тарихи анбиё ва ҳукамо, 156-б.

РАТАБНУШ [*а.-ф.* رطب نوش] Хурмодай мазалик.

Шаҳд икки лаби, вале ратабнуш,
Бадр икки юзи, вале қасабпуш.

Лайли ва Мажнун, 64-б.

РАТЛ [*а.* رطل] 1 Коса, пиёла.

2 *тасаввуфда* Илоҳий муҳаббат жомига ишора.

Ва бу умрда машҳурдурки, ғояти риёзатдин ўн ратлдин ортуқ таом емайдур.

Насойим ул-муҳаббат, 410-б.

РАФЕЪ [*а.* رفيع] **1** Кенг.

2 Баланд; олий.

Рафеъ ул-бино Кенг бино; баланд бино.

Ва абнойи замондин ва афозили даврондин баъзидинким, табъи қасри рафеъ ул-бино... бўлгай.

Назм ул-жавоҳир, 127-б.

РАФЕЪМАРТАБА [*а.* رفيع مرتبه] Баланд, олий мартаба, олий даража.

... ва шоҳ Шужоъдек олий қадр подшоҳлар ва рафеъмартаба анжумсипоҳлар рангин абёт ва ширин ғазалиёт айттилар...

Муҳокамат ул-луғатайн, 35-б.

РАФЗ [*а.* رفض] Рад этиш, тарк этиш; инкор этиш.

Борлар дер эмишларки, то мен Шайх Зайнуддин Алийи Кулол суҳбатиға етмадим, рафздин қутулмадим ва то Хожа Аттор мажлисиға уланмадим, Тенгрини танимадим.

Насойим ул-муҳаббат, 266-б.

РАФРАФ [*а.* رفرف] **1** Фарш, тўшак, гилам, палос.

2 Жой, мақом; диний манбаларга кўра, «ломакон» дан кейинги жой (мақом).

Ўтти рафраф мақомидин чун тез,
Тез ҳамроҳи булди узрангез.

Сабъаи сайёр, 26-б.

3 Зинапоя.

Гузаргоҳи улдамки раф-раф булуб,
Юзидин дамодам мушарраф булуб.

Садди Искандарий, 29-б.

РАФЪ [*а.* رفع] Аруз атамаси.

«Рафъ»-мафъулотунинг бурунқи сабабининг исқотидур, улоту қолур, мафъулу анинг ўрнига қўярлар.

Мезон ул-авзон, 50-б.

РАХНАГАР [*ф.* رخنه گر] **1** Тешувчи, тўйнук очувчи.

2 Рахна солувчи, халал берувчи.

Қозийи ришвахўр – ислом ҳисориға рахнагар.

Маҳбуб ул-қулуб, 22-б.

РАШОДТАЛҚИН [*а.* رشد تلقين] Тўғри йўлни кўрсатиш, тўғри йўлдан боришни тушунтириш.

... ва ҳидоят осоридин навое иршодойин ва садое рашодталқин изҳор этар...

Муҳокамат ул-луғатайн, 10-б.

РАШОША [*а.* رشاشه] Бирор нарсанинг томчиси.

Шабнам рашошаси Шабнам томчиси.

Сипеҳри даввор шабнам рашошасиға анжум зиёси беribдурур ва чархи зул-иқтидор туфроқ ажзосини қўёшдин уткарибдурур.

Назм ул-жавоҳир, 133-б.

РАШХ [*а.* رشح] Сизиш, томиш.

Рашх ул-бол 1) юрак томчиси; 2) асар номи.

... ва ул гариб қасидадур ва анга «Рашх ул-бол» от қуюбтурлар ва матлаи будурким...

Хамсат ул-мутаҳаййирин, 9-б.

РАҚАМ-БАРАҚАМ [*а.-ф.-а* رقم برقم] Бирма-бир; ҳарфма-ҳарф

... ва ул роқим бобида ҳамки мунинг хатти маънисин рақам-барақам билди...

Фарҳод ва Ширин, 26-б.

РАҒИФ [*а.* رغيف] Кулча нон, айлана нон.

Чун оқшом булди, қўкдин бир табақ инди, анда олти рағиф сиркаву сабзи била.

Насойим ул-муҳаббат, 495-б.

РАҲЛ [*а.* رحل] Махсус Қуръон китоб қўйиб ўқиладиган лавҳ (курси), ўқиш пайтида китоб қўядиган курсича.

Андаки мусҳаф варақин қўйдуруб,
Раҳлни ўт ёқмоқ учун синдуруб.

Ҳайрат ул-аброр, 190-б.

РАҲЛА [*а.* رحلة] Емак, озиқ-овқат.

Зоду раҳла Йўл озиғи, сафар озиқ-овқати.

[*Шайх Жамол Нуқсоний* [illegible] *с.*]. *Боғдодқа етганда чун зоду раҳласи йўқ эркандур, муздурлиққа борибдур.*

Насойим ул-муҳаббат, 429-б.

РАҲЛАСИЗ [*а.-т.* رحله سيز] Озиқсиз, емак-ичмаксиз, озиқ-овқатсиз.

Зоду раҳласиз Йўл озиғисиз.

[*Шайх Низомуддин...*]. *Чун тонг отди, зоду раҳласиз юз Ҳазрат Шайх Фаридуддин Шаккарганж хидматиға қўйди.*

Насойим ул-муҳаббат, 355-б.

РАҲМАТ [*а.* رحمت] **1** Меҳрибонлик.

2 Гуноҳларни кечирувчи; Қуръони каримдаги бир оят мазмунига ишора, оят номи.

Ул саводи хатмудур ё сабзаи жаннатмудурур?
Ё қуёш узра ёзилган ояти раҳматмудур?

Наводир уш-шабоб, 123-б.

Хат эрмас улки, чиқариб суйини меҳригияҳнинг
Қуёш саҳифасида раҳмат ояти битилибдур.

Ғаройиб ус-сиғар, 134-б.

РАҲМЛИҚ, -лиғ [*а.-т.* رحم ليق// رحم ليغ] Раҳмлик, меҳрибонлик.

Ва Иброҳим Абу роҳимдур, яъни раҳмлиқ ота.

Тарихи анбиё ва ҳукамо, 119-б.

Зиҳи исминг азим, раҳмонлиғу раҳимлигинг – вожиб ут-таъзим.

Муножот, 293-б.

РАҲМОНЛИҒ, -лиқ [*а.-т.* رحمان ليغ // رحمان ليق] Раҳм қилувчилик; шафқат қилувчилик.

Исминг жамъи сифоти – асмои ҳусно, раҳмонлиғ ва раҳимлиғинг-га юз минг ҳамду сано.

Муножот, 293-б.

РАҲМСИЗ [*а.-т.* رحم سز] Бераҳм; ачинмаслик, шафқатсиз.

Булмамиш пайдо менингдек зору сендек раҳмсиз,
Тенгри то меҳру муҳаббат раҳми пайдо айламиш.

Наводир ун-ниҳоя, 220-б.

Мотам ўз ҳолимгадурким, ултурур ул раҳмсиз,
Тийра идборим палосидин курунг бўйнумда киз.

Наводир уш-шабоб, 151-б.

Тош бағирлиқ раҳмсиз хунрези айёр истагил,
Лек дермен, даҳраро ёри вафодор истагил.

Наводир уш-шабоб, 484-б.

Раҳмсиз булгай кунгул куффори хайбар кунглидек,
Мумкин эрмас булмоқ ул шухи ситамгар кунглидек.

Бадоеъ ул-васат, 242-б.

РАҲОВАРД [*ф.* ره آورد] Ҳадя, совға; сафар совғаси.

Муборизи тилаб туккали қонини,
Раҳовард учун олғали жонини.

Садди Искандарий, 434-б.

РАҲХИРОМ [*ф.* ره خرام] Юриш, қайтиш.

Раҳхиром бўлмоқ Қайтмоқ

Ениб, чун булуб урнига раҳхиром,
Яна бир бўлуб хоки даргаҳхиром.

Садди Искандарий, 160-б.

РИБО [*а.* ربا] Ҳузур, гашт; ортиқлик; судхўрлик; фойда.

Карам тарғиби айлпр мажлис аҳлига фиғон айлаб
Рибо важҳини элдин олмаса, айлар карам воиз.

Ғаройиб ус-сиғар, 235-б.

РИЁЗАТЛИҒ [*а.-т.* ریاضت لیغ] **1** Ранж чекканлик, машаққатлик
2 Нафс хоҳишларидан тортинишлик, риёзатлик.

[*Бобо Хокий қ. с.*]. *Ва бағоят тариқи риёзатлиг киши эрди.*

Насойим ул-муҳаббат, 446-б.

РИЁЗАТСИЗ [*а.-т.* ریاضت سیز] **1** Ранжсиз, машаққатсиз.
2 Парҳезкорликсиз, покдомонликсиз.

Эй Навоий, кунглунга етмас риёзатсиз сафо,
Кулба равшан истасанг ҳасрат суйидин руза оч.

Наводир уш-шабоб, 75-б.

РИЁСИЗ [*а.-т.* ریا سیز] Ўзини ёмонликлардан сақлаган қилиб курсатишлик, мунофиқликсиз.

Эрур маҳз тақвою лекин риёсиз
Убудият сарфу айни талаттуф.

Фавойид ул-кибар, 211-б.

РИЖОЛУЛЛОҲ [*а.* رجال الله] Аллоҳнинг мардлари; Аллоҳнинг эркаклари.

... ва онинг шайхи Шайх Абу Исҳоқ Шомий аларнинг орасида ва ул жамоат Рижолуллоҳ эрдилар.

Насойим ул-муҳаббат, 224-б.

[*Шайх ул-ислом... Жомий қ. р.*]. *«Футуҳоти Маккий» нинг етмиш учунчи бобида, андин сунграки, Рижолуллоҳ табақотидин баъзини зикр қилибдур...*

Насойим ул-муҳаббат, 482-б.

РИКВА [*а.* ركوه] 1 Чармдан ишланган сув идиши; суфийлар кутариб юрадиган идиш, качкул, қовға, сув идиш.

[*Иброҳим Утруш р. т.*]. *Ул дебдурки, суфийнинг рикваси овучидур ёстуғи қули ва хазинаси улдур, яъни Ҳақ субҳонаҳу таоло.*

Насойим ул-муҳаббат, 41-б.

[*Шайх Райҳон қ. с.*]. *Шайх анинг илигидин риквани олиб, ул судин ҳариса устига қуюбдур, латиф мазалиг ёг экандур.*

Насойим ул-муҳаббат, 416-б.

Шайх ул-ислом дебдурки, уч юз мурид Абу Туроб Нахшабий била бодияга кирдилар риквалар била.

Насойим ул-муҳаббат, 80-б.

РИКВАДОР [*а.-ф.* ركوه دار] Узоқ чўл сафарларида кутариб юрадиган сув идиши ёки качкулли суфилар, качкулли, қовғали.

Абу Туроб к. с. уч юз риквадор била бодияга кирди.

Насойим ул-муҳаббат, 45-б.

[*Абулҳасан Нажжор р. т.*]. *Бир вакт ани Маккада курубдурлар, эллик риквадор била анинг муридларидин.*

Насойим ул-муҳаббат, 237-б.

РИШГОВ [*ф.* ریشگاو] Аҳмоқ, тентак, бемаъни, нодон, аблаҳ; лақма.

[*Шайх Барака р. т.*]. *Андин сурдики, эй фарзанд, ҳаргиз ришгов булубсен? Ул дедики, ришгов кимдур? Деди улдурки, ҳар сабоҳ уйидин чикса, айтурки, бу кун бир ганж топсам! Дебдурки, эй ота, то мен бор эканмен, ришгов эканмен.*

Насойим ул-муҳаббат, 284-б.

РИШТАКАШ [*ф.* رشته کش] Кашта тикувчи, моҳир тикувчи, гул тикувчи чевар.

Ёглиги ул ҳуллаи зарриштакаш,
Ким анга жонлар чекибон риштакаш.

Ҳайрат ул-аброр, 269-б.

РИҲЛИ [*а.* رحلي] Туякаш, сорбон.

... *Ҳазрат Расул с. а. в. нинг соҳиби риҳли эрмиш.*

Насойим ул-муҳаббат, 228-б.

РОБАТ [*а.* رابط] Алоқа, боғланиш, муносабат; занжир.

Туфрок ўлмоқ авло аввалдин, чу гардун оқибат
Тенг қилур туфроғ ила гар чарх уза робат чекай.

Наводир ун-ниҳоя, 579-б.

РОЗА [*ф.* راره] Уста, бинокор уста.

Фалак тоқигача боғлаб хавоза,
Зуҳал янглиг чиқиб устига роза.

Фарҳод ва Ширин, 85-б.

РОЗИЁНА [*ф.* رازیانه] Арпабодиён

Шайх коғаз ва давот ва қалам тилади ва битидики: Асал ва розиёна. Ва анга бердики, муни подшоҳ илгига бергайсен. ... Филҳол [подшоҳ] асал ва розиёна тилаб еди ул оғриқ дафъ булди.

Насойим ул-муҳаббат, 297-б.

РОЙГОН [*ф.* رایگان] Йулдан топилган, текин, текинга келган нарса.

... Қурьонким ўқидим, барчадин тавба қилурман, мени ройгон ёрлиға!

Насойим ул-муҳаббат, 165-б.

РОЙИҲАСИЗ [*а.-т.* رایحه سز] Ҳидсиз, иссиз, бўйсиз.

Саховатсиз киши – ёғинсиз абри баҳор ва ройиҳасиз мушки тотор.

Маҳбуб ул-қулуб, 79–80-б.

РОСТИЙ [*ф* راستی] Тўғрилик; баробарлик; сидқ, садоқат; адолат.

Бошимга еттию ўлган таним равон топди,
Бу ишни ростий этти каромат ул қомат.

Наводир уш-шабоб, 66-б.

Ростию расти ёки **Ростию русти** 1) Куч – тўғриликда, куч ҳалолликда.

Турфа буким, хаттин анинг рузгор
«Ростию расти» этиб ошкор.

Ҳайрат ул-аброр, 205-б.

2) Тўғри бўлсанг қутуласан; адолат узугига баланд осмон «Ростлик – ҳалоллик» деган сўзларни нақшлаган Бу сўзлар Амур Темур узуги ёки муҳрига битилган эди.

Хотами адлинғга сипеҳри баланд,
«Ростию русти» билан нақшбанд.

Ҳайрат ул-аброр, 122-б.

РОСТКИШ [*ф.* راست کیش] **1** Ҳақиқатга одатланган; тўғриликка одатланган; покликка одатланган; ҳақиқатлик.

2 Муносиблик, мувофиклик.

Лек чун ақл росткиш эрмас,
Иш анга бир далил беш эрмас.

Сабъаи сайёр, 9-б.

РОҲАТОМЕЗ [*а.-ф.* راحت آمیز] Роҳатланиш, ҳузурланиш

Чун кўзлари бўлди роҳатомез,
Кўргузди хаёли суратангез.

Лайли ва Мажнун, 261-б.

РОҲИМ [*а.* راحم] Раҳмли, шафқатли, меҳрибон.

Ва Иброҳим Абу роҳимдур, яъни раҳмлиқ ота.

Тарихи анбиё ва ҳукамо, 119-б.

РУБОЪ [*а.* رباع] Тўрттадан.

Бир била топмай бу жаноҳ инқитоъ,
Бир неки, масно ва сулосу рубоъ.

Ҳайрат ул-аброр, 103-б.

РУБУБИЯТ [*а.* ربوبیت] Раббонийлик, Худога мансублик.

[*Абулҳусайн Нурий қ. т. с.*]. *Ва ҳам анинг сўзидурким,* [*убудиятнинг софлиги сени мағрур қилмасинки, унда рубубиятни унутиш бордур*].

Насойим ул-муҳаббат, 60-б.

РУМИЙЧЕҲР [*ф.* رومي چهر] Оқ юзли.

Жилва қилди нигори румийчеҳр,
Сариғ олтун аро нечукким меҳр.

Сабъаи сайёр, 178-б.

РУМУЗ [*а.* رموز] **1** Рамзлар, имо-ишоралар.

Ул мактаб ароким уқудунг ноз румузин,
Гўйёки, вафо илмин унутмуш эди устод.

Ғаройиб ус-сиғар, 113-б.

2 Ўзаро келишилган яширин белгисиз, сирли белгилар.

Ема бу лужжайи мийно румузи ҳаллиға ғам,
Май ички, топмади ҳеч ким бу сафҳаға мазмун.

Ғаройиб ус-сиғар, 372-б.

3 Тагмаъноли сўзлар.

Ё кошифи асрори ниҳон булса киши,
Ҳалоли румузи осмон булса киши.

Ғаройиб ус-сиғар, 585-б.

4 Илоҳий рамзлар.

Тилинг ҳамеша ладуний улумиға нотиқ,
Мудом кунглунг илоҳий румузидин огоҳ.

Ғаройиб ус-сиғар, 405-б.

РУФАҚО [*а.* رفقا] Рафиқлар, иўлдошлар.

Жамъи ҳам бирдурур инак фуқараву руфақо,
Сийғаи муфради ҳам айни фақир улди рафиқ.

Наводир уш-шабоб, 512-б.

РУФУ [*а.* رفو] Бирор буюмни туқиб ямаш.

Руфу қилмоқ Ямамоқ; тикмоқ

Ғамминг жон пардасин чок айлагач, гардун, не янглиғким
Лабинг ориттинг анинг риштаси бирла руфу қилмиш.

Бадоеъ ул-бидоя, 232-б.

РУЪЯТ [*а.* رؤيت] **1** Кўриш, кўз билан кўриш, мушоҳада.

2 *тасаввуфда* Басират кўзи билан кўриш.

Не ҳуснига руъяту не ишқимга мақол,
Биллаҳ, мену ошиқлик эрур амримаҳол.

Бадоеъ ул-бидоя, 654-б.

РУЪЯТУЛЛОҲ [*а.* رؤيت الله] Аллоҳнинг мушоҳадаси, Аллоҳнинг зикри.

Яна икки малакнингдур саволи,
Яна ҳам Руъятуллоҳ эҳтимоли.

Сирож ул-муслимин, 278-б.

РУҲГУСТАРЛИҚ [*а.-ф.-т.* روح گسترلیق] Руҳлантирувчилик, жонлантирувчилик, руҳ берувчилик

Руҳпарварлиқда анинг жонафзо баёнидек масиҳмисол ва руҳгустарлиқда анинг ҳаётосо алҳонидек довудтимсол.

Муншаот, 225-б.

РУҲОШОМ [*а.-ф.* روح اشام] Руҳбахш, ҳаётбахш.

Лаъли руҳафзосини кўрсун биравким, кўрмамиш
Руҳошом айлабон сармаст булғудек муле.

Бадоеъ ул-бидоя, 564-б.

РУҲСИЗ [*а.-т.* روح سز] **1** Бежон, нафассиз.

Оёқ-илигини ештилар филҳол,
Руҳсиз жисмдин эди тимсол.

Сабъаи сайёр, 266-б.

2 Ҳаётсиз, тирикчиликсиз.

... ва бадансиз руҳни рухсиз баданга кивургони...

Лайли ва Мажнун, 242-б.

Кетиб мағзидин фаҳму хушу хирад,
Қолиб руҳсиз бир қуруқ колбад.

Садди Искандарий, 528-б.

Ҳимматсиз киши эр сонида эмас, руҳсиз баданни киши тирик демас.

Маҳбуб ул-қулуб, 80-б.

РУАСО [*а.* رؤسا] Раис, сардор идора бошқарувчи, ислом дини аҳкомларини ижро этувчи масъул шахс.

[*Абу Али Рудборий қ. т. с.*]. *Вузаронинг руасойи абносидиндур ва насаби Касрийга етар.*

Насойим ул-муҳаббат, 143-б.

РУАСО [*а.* رؤسا] қ. **Руасо**.

РУЙТАН [*ф.* روئين] Бронза бадан, зирҳли тана (жанг чоғида уқбоз ва қиличбозлар киядиган махсус зирҳли жавшан (совут) билан қопланган ҳарбий кийим).

Бори новакафган, бори тиғзан,
Булуб борча жавшан била руйтан.

Садди Искандарий, 333-б.

РУПОК [*ф.* روپك] Сочиқ.

[*Шайхзода Абулҳасан қ. с.*]. *... Ҳирий шаҳрига етганда ҳазрат Махдумий н. м. н. шарафи мажлисига мушарраф булуб, алардин илтифотлар топиб, алар уз мусаннафотларидин бир китоб ва жойнамоз ва бир рупок анга бергандурлар.*

Насойим ул-муҳаббат, 424-б.

РУШАН [*с.* روشن] **1** Нуроний, файзли; покдомон.

2 Очиқ, оппкор.

[*Коко Абулқаср Бустий қ. с.*]. *Ва рушан пирлар эрдилар ва азим наъралари бор эрди.*

Насойим ул-муҳаббат, 233-б.

САББОҒЛИҒ [*а.-т.* صباغ لیغ] Буёқчилик.

[*Шайх Абулҳасан Али б. ...*]. *Отаси буёқчи эрди. Тилар эрдики ул ҳам саббоғлиғни ургангай...*

Насойим ул-муҳаббат, 390-б.

САБЗАГУН [*ф.* سبزه گون] Яшил ранг.

Сабзаву гул истамон то вусмаву гулгунадин
Қошни айлаб сабзагун, оразни гулфом айладинг.

Бадоеъ ул-бидоя, 316-б.

САБЗДАВОЖ [*ф.* سبزدواج] Яшил тунли, яшил либосли.

Кунгтумни олибдур ул шаҳи сабздавож,
Ким гамза била олур мамоликдин бож.

Бадоеъ ул-бидоя, 645-б.

САБЗИ [*ф.* سبزی] Сабзи, сабзавот усимлиги.

Подшоҳ мулозимларни ҳар сари таъжил била юбордиким, сабзи келтургайлар. Сабзифурушлар дуконларида мутлақо сабзи йуқ эрди.

Насойим ул-муҳаббат, 363-б.

САБЗИФУРУШ [*ф.* سبزي فروش] Сабзи сотувчи.

Бозордин утуб борурда курдики, бир сабзифуруш сабзиси қурумасун деб, дам-бадам сабзиларига овуч била сув олиб сепар эрди.

Насойим ул-муҳаббат, 372-б.

САБЗШИРИН [*ф.* سبز شیرین] **1** Ширин, мазали.
2 Гузал, чиройли.

Куп малоҳат бобида Шириндин айтур Куҳкан,
Сабзширинимча ул бор эрди эркинму малиҳ.

Наводир уш-шабоб, 79-б.

САБРСИЗ [*а.-т.* صبرسیز] Тузимсиз, тоқатсиз, чидамсиз, бардошсиз.

Ҳажрдин етмак висол ичра не мумкин сабрсиз
Ким, тамугдин утти учмоғ сари қатъ этмай сирот.

Бадоеъ ул-васат, 205-б.

Сабрсиз кунглининг ишқ ва жунунин ва нотавон ҳолининг дарду шавқи бир-биридин фузунин девонавор дегони...

Мажолис ун-нафоис, 194-б.

САБУКСОРЛИҚ [*ф.-т.* سبکسارلق] **1** Енгилтаклик, калтафаҳмлик; саеқлик.
2 Ноустуворлик, саботсизлик.
3 Саркашлик.

Қуюндек туфроғни ҳавоға совурурлар ва сабуксорлиқ била бошларин кўкка еткурурлар.

Маҳбуб ул-қулуб, 84-б.

САБУҲИЙ [*а.* صبوحي] Шоир тахаллуси.

Мир Ҳайдар – «Сабуҳий» тахаллус қилур.

Мажолис ун-нафоис, 144-б.

САБҚ [*а.* سبق] **1** Таълим.

2 Етуклик, баркамоллик.

Ва Шайх Абулаббос анинг фазлу сабқига эътироф қилган эканду р.

Насойим ул-муҳаббат, 223-б.

САВДОИЁНА [*а.* سودائيانه] Девоналарча, савдойиларча.

Жунун табъида кўргузди нишона,
Суз айта бошлади савдоиёна.

Фарҳод ва Ширин, 195-б.

САВДОЙИЛИҒ [*а.-т.* سودايي ليغ] **1** Шайдолик.

2 Хаёллик, ҳаваслик.

3 Мажнунлик.

... лоладек савдойилигдин тоғ ҳавоси қилиб, булутдек ҳавойилигдин қаё савдоси бошқа тутти.

Муншаот, 134-б.

САВОБНАМОЙ [*а.-ф.* ثواب نمائي] Савоб қилувчи, савоб курсатувчи.

Ройи савобнамой Савобли фикр багишловчи.

... ва ройи савобнамой асариким, меҳри оламородек жузвий ҳаракат била куллий ерни ёрутур...

Садди Искандарий, 359-б.

САВОД [*а.* سواد] **1** Қоралик, қора тус.

2 Қоронғи.

3 Қоралама, ёзув.

4 Ўқиш-ёзишни билиш

5 Шаҳар, ўлка; теварак.

6 Узоқдан куринган белги, нишон.

Савод ул-важҳ Юзи қоралик; гуноҳкорлик, шармандалик.

Савод ул-важҳ фид-дорайн Икки дунёда юзи қоралик.

Ошиқ иши чун савод ул-важҳи фид-дорайн эрур,
Бу маломат кўйида юз қоралиқ кўнглум тилар.

Бадоеъ ул-бидоя, 153-б.

САВОНИҲ [*а.* سوانح] **1** Воқеалар, ҳодисалар.

2 Аҳмад Ғаззолийнинг форс тилида ёзилган ишқ ҳолатлари баёнидаги рисоласи (латиф ва гўзал наср билан назм омихта яратилган).

Биз «Савониҳ» мутолаасида даги мунча хушҳол булмайдур эрдукки, мунда, деб айтурлар эрди.

Хамсат ул-мутаҳаййирин, 56-б.

[*Шайх Аҳмад Ғаззолий р. т.*]. *Ва муъатабар таснифоти ва таълифоти бор. Ва алардин бири «Савонеҳ» китобидурким, Шайх Фахруддин Ироқий «Ламаъот» ни анинг суннати била тортиб беribдур.*

Насойим ул-муҳаббат, 251-б.

САВТ I [*а.* صوت] Қамчи.

САВТ II [*а.* صوت] **1** Товуш, овоз; шовқин.
2 Оҳанг, куй, мақом.
Савтин-ноқус [*а.* صوت الناقوس] Аруз баҳрларидан бири (катта қунғироқ овози).

Тўртунчи доиранинг иккинчи баҳриким, мутадорик баҳридур ва ани «ракз ул-хайл» ва «савт ин-ноқус» ҳам дерлар...

Мезон ул-авзон, 87-б.

САГ [*ф.* سگ] Ит, ов ити; йиртқичлик.

Асад ўзни саги шикоре этиб,
Сунбула донасин нисоре этиб.

Сабъаи Сайёр, 24-б.

САДАМАТ [*а.* صدمت] **1** Тусатдан етган зарба.
2 Зиён, зарар, кулфат.

Шайх ул-ислом дедиким, вужудда лаззат йўқдурки барча садамат ва ушалмақдурки, ҳавас туганур.

Насойим ул-муҳаббат, 166-б.

САДАФСИЗ [*а.-т.* صدف سیز] **1** Садафсиз.
2 Ота-онасиз.

Гавҳари зотингга садафсиз не бийм,
Итти садаф, чиқти чу дурри ятим.

Ҳайрат ул-аброр, 36-б.

САДОЛИҒ [*а.-т.* صدالغ] Овозлик, унлик, товушлик.

... бир равзанасини бу мавзун наволиқ балобил ва матбуъ садолиг анодил гул бонгидин рашки нигорхонаи Чин ва ғайрати фирдавси барин қилибдур...

Мажолис ун-нафоис, 8-б.

САДОД [*а.* سداد] Тўғри ва яхши сўзлик; адолатлилик.

[*Мавлоно Калон Зиёратгоҳий қ. с.*]. *Азиз киши эрмиш, зуҳду тақво била маъруф ва салоҳу садод била машҳурдур.*

Насойим ул-муҳаббат, 427-б.

САЁМ [*а.* صیام] Руза.

Бу савм илаки, малак они ёзмағай жуз фисқ, –
Зиҳи малакваш сойим зиҳи хужаста саём.

Бадоеъ ул-бидоя, 635-б.

САЖАДОТ [*а.* سجدات] Саждалар.
Фажр сажадоти Тонг саждалари.

Бу «Хамса» такмилидаким, саловоти хамса адосидек аввал фажр сажадотидин «Сиймоҳум фи вужуҳиҳим мин ассариссужуд» (маъноси: уларнинг аломатлари юзларидаги сажда асаридан) зумрасига кирилди...

Садди Искандарий, 34-б.

САЖДАСОЗ [*а.-ф.* سجده ساز] Сажда қилувчи, таъзим қилувчи

Булди мусаллони солиб саждасоз,
Ҳар қадам айлаб ики ракъат намоз.

Ҳайрат ул-аброр, 118-б.

Қатл айларида даҳр эли бош қуйдиларму эркин?
Ё қиблаи жамолиға эл саждасоз экинму?

Наводир уш-шабоб, 371-б.

САЙДСИЗ [*а.-т.* صيد سيز] Овсиз, шикорсиз.

Сайдсиз булмас эрди оромы,
Анда руду суруд эди коми.

Сабъаи сайёр, 78-б.

САЙЁФЛИК [*а.-т.* سيف لك] 1 Қиличбозлик.

2 Жаллодлик.

[*Қилич ато (а. р.)*]. *Азим қурбатлиг киши экандур ва сайёфлик санъатиға машғул экандур.*

Насойим ул-муҳаббат, 421-б.

САЙЙИД [*а.* سيد] 1 Мустақил

2 Ҳукмдор, бошлиқ, етакчи; жаноб.

Саййид ул-орифин Орифларнинг улуғи, саййиди, суфийга шариат ва тариқат илмларини бир-бирига боғлагани учун берилган унвон.

Шайх ул-Ислом дебдурки, буким Боязидни Саййид ул-орифин дебдурлар, Саййид ул-орифин Ҳақ субҳонаҳу таолодур ва одамийлардин Муҳаммад Арабийдур с. а. в. ва бу тойифадин Абу Саид Харроздур.

Насойим ул-муҳаббат, 58-б.

3 Муҳаммад (с. а. в.) авлоди.

Саййид ус-содот Пайғамбар авлоди; авлиёлар ичида Абулҳусайн Қарофий р. т.га берилган нисбат.

Ҳам шайх ул-ислом дедиким, Саййид ус-содот Қарофий дебдурким, чун санга бир нима берсаларки, хилофи шаръ булғай, вожибдур ани яширмак.

Насойим ул-муҳаббат, 161-б.

Саййид ут-тоифа Авлиёлар ичида фақат Жунайд Бағдодийга берилган нисбат; соликка зоҳирий ва ботиний илмларни бир-бирига боғлагани учун берилган сифат.

... бу калимаи воҳидаки, Саййид ут-тоифи Жунайд қ. с. дин воқеъ бўлди...

Насойим ул-муҳаббат, 269-б.

[*Сарий б. Муғаллас Сақатий қ. р.*]. *Саййид ут-тоифа Жунайд қ. с. нинг устодидур...*

Насойим ул-муҳаббат, 46-б.

САЙЙИДИЙ [*а.* سيدى] Саййид авлодига мансублик, Муҳаммад Пайғамбар авлоди; улуғ, йўлбошчи.

... Дебдур ё саййидий, муни ёғсиз емагумдур.

Насойим ул-муҳаббат, 416-б.

САЙЙИДИНО [*а.* سيدنا] Саййидимиз (бирор кишини улуғлаш).

Абу Али Котиб хар қачон Абу Али Рудборийни ёд қилса эрди «Саййидино» дер эрди.

Насойим ул-муҳаббат, 143-б.

САЙРАФ [*а.* صيرف] Пул алмаштирувчи, сарроф; қимматбаҳо тошларни баҳоловчи, заршунос.

Ва жавоҳири манзумаким, хирад сайрафиси басорат айнакин кўзига қўюб, ихлос нуқудин оллига тукуб...

Назм ул-жавоҳир, 123-б.

САЙРОФ [*а.* صراف] Заршунос.

... ва тадвир буталаридин сайроф сийми сув бўлуб, сиймобдек оқиб, арз конига етишгай.

Муншаот, 135-б.

САЙФАЛҒУДЕК [*т.* سيفالغوديك] Сарф қилгудек; сарф қилишга арзигулик.

Эй кўнгул, накди ҳаётинг қил фано йўлида сарф,
Ҳайф эрур гар бўлса умри Нуҳ учун сайфалгудек.

Ғаройиб ус-сиғар, 270-б.

САЙПАЛҒУДЕК [*т.* سيفالغوديك] қ. **Сайфалғудек**

САКИНА [*а.* سكينه] **1** Ором олувчи.

2 Бир жойда муқим яшовчи.

3 Тарихий шахс номи.

Ва душманлар Сакина тобутидин неча пайғамбарзода ва маликзода била торож ва асир элттилар.

Тарихи анбиё ва ҳукамо, 155-б.

САККОКИЯ [*а.* سكاكيه] Пичоқчилик; хонақоҳ номи.

[*Шайх Абулмакорим...*]. *Ва етти юз йигирмада Саккокия хонакоҳида ўн олти йил муддатда юз қирқ арбаъин чиқардилар.*

Насойим ул-муҳаббат, 306-б.

САКРАМОҚ [*т.* ساكراماق] Ирғимоқ, сакрамоқ.

Сакраб қўпмоқ Тез сапчиб, ирғиб турмоқ, дик этиб турмоқ.

Азизе сакраб қўпти ва деди: алайкассалом нечуксен?

Насойим ул-муҳаббат, 34-б.

САКРАТ [*а.* سكرات] қ. **Сакре**

САКРАТ [*а.* سكره] Ўзидан кетишлик, беҳудлик, беҳушлик, *тасаввуфда* ҳолга кириш, ботиний ва зоҳирий хасталикларни тарк этиб, фақат Аллоҳга юзланиш.

Дерларки, Шайх Маждуддин бир кун дарвешлар била ултуруб эрди. Анга сакре голиб бўлди.

Насойим ул-муҳаббат, 293-б.

САЛМ [*а.* سلم] Аруз вазнидаги баҳр.

«Салм» – мафъулоту ватадининг исқотидур – мафъу қолур, фаълун анинг урнига қуярлар.

Мезон ул-авзон, 50-б.

«Салм» – фаулунда «фо» исқотидур, улун қолур; фоълун анинг урнига қуярлар.

Мезон ул-авзон, 51-б.

САЛМО [*а.* سلمى] **1** Арабларда гўзал аёлнинг сифати.

2 Маъшуқа.

Лав лам йакуни-р-ройиҳати-л-манзили салмо,
Юз қатла банд манзилидин кетмиш эди жон.

Фавойид ул-кибар, 301-б.

САЛОБАТЛИК [*а.-т.* صلابت لیك] 1 Қаттиқлик, мустаҳкамлик.
2 Тез ва шиддатлик; салобатлик, ҳайбатлик.

[*Абу Мансур Сухта р. т.*]. *Содиқ киши эрди ва салобатлик.*

Насойим ул-муҳаббат, 234-б.

САЛО [*а.* إصلا] Чақириқ, мурожаат, нидо.

Салойи ишқ Ишқ чақириғи, ишқ мурожаати; ишқ нидоси.

Демакка зикринг эрур хонақоҳ ичинда ҳаё ҳуй,
Салойи ишқинг ила аҳли дайр ичра алоло.

Наводир уш-шабоб, 8-б.

Чу жилва айлади ул ҳусн истабон ошиқ,
Салойи ишқин этиб офариниш ичра нидо.

Наводир уш-шабоб, 7-б.

САЛОС [*а.* ثلاث] Уч.

Бир била топмай бу жаноҳ инқитоъ,
Бир неки, масно ва сулосу рубоъ.

Ҳайрат ул-аброр, 103-б.

САЛОҲАНДЕШ [*а.-ф.* صلاح اندیش] 1 Яхши фикрли, тўғри иш тутувчи, тўғри ўйловчи.

Узни тутқойсиз салоҳандеш ҳам,
Бир-бирингизни дебон дарвеш ҳам.

Лисон ут-тайр, 124-б.

2 Зуҳду тақволик.

Не асар ислому имон кешидин,
Не нишон ақли салоҳандешидин.

Лисон ут-тайр, 126-б.

САЛХ [*а.* سلخ] Ойнинг охирги куни, қамарий ойининг охирги куни, янги ойнинг кўрина бошлаш куни.

Шайх Аҳмад олти юз олтмиш туққузда рабби ул-охир ойининг салхида дунёдин ўтти.

Насойим ул-муҳаббат, 305-б.

[*Мавлоно Зайнуддин...*]. *Мавлоно етти юз тўқсон бирда муҳаррам ойининг салхида панжшанба куни нисф ун-наҳорда оламдин ўтубдурлар...*

Насойим ул-муҳаббат, 351-б.

[*Шайх Баҳоуддин Умар р. т.*]. *Саккиз юз эллик еттида рабби ул-аввал ойининг салхида сешанба куни дунёдин ўтубдур.*

Насойим ул-муҳаббат, 322-б.

САМАДИЯТ [*а.* صمدیت] 1 Абадийлик, мангулик, барҳаётлик.
2 Аллоҳ.

[*Ахий Али Деҳистоний р. т.*]. *... то андин сунгра неча вақтдин сунг самадият тажаллиси била мутажалле булди.*

Насойим ул-муҳаббат, 312-б.

САМАНБЕЗ [*ф.* سمنبز] Гул ёгдирувчи, оқлик тарқатувчи; хушбуй ҳид тарқатувчи.

Елга рухсору танинг очиб, магар бердинг ҳаёт
Ким, умид аҳлига гулпошу саманбез эсти ел.

Фавойид ул-кибар, 267-б.

САМАРҚАНДЛИҒ [*а.-т.* سمرقند لیغ] Самарқанд шаҳрида яшовчи, Самарқанддан.

Мавлоно Жавҳарий – ҳам самарқандлиғдур, собунхона мушрифи эрди...

Мажолис ун-нафоис, 58-б.

САМЕЪ [*а.* سمع] Эшитувчи, тингловчи.

Самеъ Аллоҳу Намозда «самеъаллоҳу лиман ҳамидаҳ»ни айтмоқ.

Яна бил тасмия андин сунг омин,
Қил андин сунг «самеъ Аллоҳу» таъйин.

Сирож ул-муслимин, 284-б.

САМУД [*а.* سمود] Қадимий қабила ёки қавм номи.

Ва бешинчи угли Овадурким, Од ва Самуд қавми анинг наслидиндур.

Тарихи анбиё ва ҳукамо, 107-б.

САМҒ [*а.* صمغ] Дарахт елими, шилим.

Бежазб сариг эрур риёлиқ,
Самг айлай олурму каҳраболиқ.

Лайли ва Мажнун, 297-б.

САНАВБАРВАШ [*а.-ф.* صنوبروش] қ. **Санубарваш**.

САНДАЛОГИН [*ҳ.-а.-ф.* صندل اگن] Сандалли (сандал – иссиқ минтақаларда ўсадиган хушбуй ҳидли дарахт).

Сандалогин уй ясаб, элдин курарсен сарзаниш,
Ким бу янглиг курду сандалники, еткургай судоъ.

Бадоеъ ул-бидоя, 254-б.

САНДАЛОЛУД [*ҳ.-а.-ф.* صندل آلود] Сандал ҳиди аралашган, сандал ҳидли ва сандал рангли.

Насимеки сандал саридин етиб,
Димоғ уйини сандалолуд этиб.

Садди Искандарий, 309-б.

САНДАЛОМЕЗ [*ҳ.-а.-ф.* صندل آمیز] Сандал ҳидли, сандал рангли.

Остонингда бош урмоқдин агар топтим судоъ,
Ашку ул туфроғдин ани сандаломез айладим.

Фавойид ул-кибар, 293-б.

САНИН [*а.* سنین] Йиллар, кўп йиллар.

Дайр аро мен не сабоху не масо,
Масти майимен не санину не шуҳур.

Фавойид ул-кибар,466-б.

САНУБАРВАШ [*а.-ф.* صنوبروش] Қайин дарахтидек, қарағайга ўхшаш хуш қомат, санавбар сингари келишган.

Бу шавқ достонининг «алиф»лари сарвқадлар буйидек санубарваш...

Фарҳод ва Ширин, 8-б.

САНЧИЛМАМАК [*т.* سنچیلمامق] Санчилмаслик.

Санчилмамиш гажакким жону кўнгул чекарга,
Ойирди икки қуллоб ул анбарин кулола.

Наводир уш-шабоб, 381-б.

САНЪАТВАР [*а.-ф.* صنعت ور] Ҳунарманд уста, моҳир уста.

Равон ҳукм қилдики, санъатвар эл,
Қилиб чуст кишти йунар ишга бел.

Садди Искандарий, 479-б.

САНЪАТОРО [*а.-ф.* صنعت آرا] Санъаткор.

Анга бор эрди неча ҳампеша,
Санъаторою чобукандеша.

Сабъаи сайёр, 183-б.

САНЪАТПАРДОЗ [*а.-ф.* صنعت پرداز] Санъаткор, уста ҳунарманд.

Ҳунарвар ва санъатпардоз ёлғонлари кўпоин-кўпу чинлари оздин-оз.

Маҳбуб ул-қулуб, 35-б.

САОДАТОЙИН [*а.-ф.* سعادت آیین] Саодатли, бахтли, толеи ёр.

Ул саодатойин қофилаким, ул бодия сориким, шоҳроҳи жуйборида сароб ҳайъати чашмаи ҳаёт зулоли...

Вақфия, 262-б.

САОДАТПАЙВАНД [*а.-ф.* سعادت پیوند] Бахтли, саодатманд

... сироти мустақим кургузмак учун баъзи масъуд фотиҳалик саодатпайвандлар ва Маҳмуд хотималиқ давлатмандларнинг фархунда фарқларига нубувват тожин қуюб...

Вақфия, 238-б

САОДАТСИЗ [*а.-т.* سعادت سیز] Бахтсиз, толесиз, иқболсиз.

Олам элида биров саодатсиз ўлур –
Ким, фақр йўлида иститоатсиз улур.

Назм ул-жавоҳир, 179-б.

САРВАРСИЗ [*ф.-т.* سرور سیز] Йўлбошчисиз, етакчисиз.

Сўзким, дард чошнисидин ҳарорати бўлмагай, нурсиз шамъ бил ва сарварсиз жамъ гумон қил.

Маҳбуб ул-қулуб, 69-б.

САРГАРОНЛИҚ [*ф.-т.* سرگران لیغ] Гангиганлик, довдираганлик, бошни айланганлик; мастлик.

Ҳавас булса қариға навжавонлиқ
Хижолат зоҳир айлар саргаронлиқ.

Фарҳод ва Ширин, 112-б.

САРГАШТАСИФАТЛИҒ [*ф.-а.-т.* سرگشته صفت لیغ] 1 Овора сифатлик, сарсон-саргардонлик.

2 Ошифтаҳоллик; паришонхотирлик.

Кўнглум сайди узуб улустин пайванд,
Саргаштасифатлиғ била эрди хурсанд.

Ғаройиб ус-сиғар, 568-б

САРГУМ [*ф.* سرگم] Ўзини йўқотган, довдираган

Саргум бўлмоқ Бош йўқотмоқ, довдирамоқ

Бу хирқа бодаға раҳн ўлди бўлмишам саргум,
Гаровга навбати дасторму экин, оё?

Наводир ун-ниҳоя, 35-б.

САРИМУЙ [*ф.* سرموی] Соч толасича, соч ёки тук учича, қилча.

Эйки, дерсен зулфи чун тўлганди урма тобу печ,
Ҳар саримуюмга боглиқ бўлса бир тори, нетай.

Фавойид ул-кибар, 416-б.

Баён айлаб анинг фавтин чекиб ҳуй,
Демакда фавт қилмай бир саримуй.

Фарҳод ва Ширин, 359-б.

САРКАНД [*ф.* سرکند] Учи узилган, боши узилган, боши узуқ, синдирилган.

Шухлар синдурдилар нақди ҳаётим шохини,
Ул сифатким, бўлгай атфол илгидин сарканд шох.

Фавойид ул-кибар, 84-б.

САРМ [*а.* سرم] Аруз қоидаларидан бири.

«Сарм» – фаулунда «фо» ва «нун» исқотидур, ул қолур, фаълу анинг ўрнига қўярлар.

Мезон ул-авзон, 51-б.

САРМАСТОНА [*ф.* سرمستانه] Сархушларча, мастларча.

Бошлаб ул мажмаъда асрори шигарф,
Фош қилди бўйла сармастона ҳарф.

Лисон ут-тайр, 43-б.

САРПАРОЗ [*ф.* سرفراز] қ. **Сарфароз**.

Салотиннинг ҳам андоқ сарпарози
Эрур гўё азалдин Шоҳи Ғозий.

Фарҳод ва Ширин, 51-б.

САРСАБЗЛИҚ [*ф.-т.* سرسبز زلیق] Кукарганлик, яшнаганлик.

Ҳамду сано ул сониъагаким олам бўстонида салтанат гулбунининг сарсабзлигин адл жуйборидин қилди...

Муншаот, 148-б.

САРСАРОЙИН [*а.-ф.* سرسراین] Совуқ, кучли ва қаттиқ шамолга ухшаш.

Сарсаройин ҳар қуюн қилгай бадан туфрогининг
Жузв-жузвин бир-бир ушбу гунбади гардон аро.

Наводир уш-шабоб, 10-б.

САРФА [*а.* صرفه] Фойда, манфаат

Бевафолиг гар будурким, қилди ул шух, эй кунгул,
Сарфа қилмас ошнолиг Одам авлоди била.

Ғаройиб ус-сиғар, 431-б.

САРФАРОЗ [*ф.* سرفراز] **1** Сара, мумтоз, ифтихор, донгдор.

Салотиннинг ҳам андоқ сарпарози
Эрур гўё азалдин Шоҳи Ғозий.

Фарҳод ва Ширин, 51-б.

2 Юксак.

Эй гулшани мулк сарви нози!
Қай нозки, сарви сарфарози!

Лайли ва Мажнун, 301-б.

САРХАШ [*ф.* سرخش] Сархуш, маст, озгина маст.

Нечук ўлмай ул абраш узра маҳвашни кўргачким,
Ҳамул абраш эрур саркаш, ҳамул маҳваш эрур сархаш.

Бадоеъ ул-бидоя, 242-б.

Тун ҳам кечу йўл даги йироқ, сен даги сархаш,
Ўлтурки даме ўлтурали, эй бути маҳваш.

Наводир уш-шабоб, 183-б.

Ул кўзга эмас ҳожати соғар, негаким бор
Қон ичмак ила масту майи ноз ила сархаш.

Фавойид ул-кибар, 177-б.

САРХУН [*ф.* سرخون] Хундор; бедав (туёғи қонли).

Фалоннинг сархун отики гар эрур берк,
Қилур таъвил ақли нуктаомуз.

Бадоеъ ул-васат, 505-б.

САРҚУТ [*т.* سرقوت] Майнинг қуйқаси, шаробнинг сирқиндиси; ҳар нарсанинг қолдиги, бировлардан қолган сарқит ичкилик ёки егулик.

Тура бирла бош уруб тут хонга,
Сарқутин бер мени бесомонга.

Фавойид ул-кибар, 484-б.

Ўзни ул сарқут ила маст қилай,
Сўзни хон базмида пайваст қилай.

Фавойид ул-кибар, 485-б.

САТВАТ [*а.* سطوت] **1** Шиддат билан босиш, қаттиқ ҳужум
2 Қувватлилик.
3 Шукуҳ.

... ва камоли висол майи зуридин кунгуллари бехуд ва маст, мутаоқиб тажаллиёт сатватидин аъзоларида шикаст.

Маҳбуб ул-қулуб, 70-б.

САФИЙВАШ [*а.-ф.* صفي وش] Одам Сафий алайҳиссаломдек; Одам Safийуллоҳга ухшаш.

Бу сифат сафийваши олийҳасаб,
Ким Сафий келди анга Ҳақдин лақаб.

Лисон ут-тайр, 149-б.

САФИНА [*а.* سفينه] **1** Шеърлар туплами, баёз.
2 *тасаввуфда* Инсон баданига ишора.

... ва бу зароиф сафинаси жунге дурур фавоиди лаолиси анда гуногун.

Ҳайрат ул-аброр, 317-б.

САФАРОЙЛИҚ [*а.-ф.-т.* صف آراي ليق] Одамларни тартиб билан сафга тортувчи, сафга тизишлик, сафга тортишлик.

Қилиб неча дапқур сафоройлиқ,
Кийимдин қилиб зийнатафзойлиқ.

Садди Искандарий, 431-б.

САФРОВИЙ [*а.* صفراوي] **1** Тиббий касалликнинг бир тури, балғам қусишлик, яракон ёки зардча касаллиги.

2 *тиббиётда* Тўрт хилтнинг бири, ут-заҳра.

Агар сенинг уғлунгга сафровий иситма ташвиш берса, мен дору ул қулларга берсам, ул сиҳҳат топарму?

Насойим ул-муҳаббат, 292-б.

САФҲА-САФҲА [*а.* صفحه صفحه] Саҳифа-саҳифа, варақ-варақ.

... балки ҳар тарих жунгин сафҳа-сафҳа ахтариб дарезада ажнося рад илигин урмоқ...

Фарҳод ва Ширин, 41-б.

САХЛАМОҚ [*т.* صاخلاماق] Сақламоқ, асрамоқ.

Эй Навоий, дерсин ўзни сахла, кўрсанг ёрни,
Неткамен беихтиёр афғони ногоҳим била.

Фавойид ул-кибар, 383-б.

САХОВАТСИЗ [*а.-т.* سخاوت سيز] Бахил, зиқна.

Саховатсиз киши – ёғинсиз абри баҳор ва ройиҳасиз мушки тотор.

Маҳбуб ул-қулуб, 79–80-б.

САХОСИЗ [*а.-т.* سخا سيز] Бахил, зиқна; саховатсиз.

Сахосиз киши бирла гавҳарсиз садафнинг бир ҳукми бор.

Маҳбуб ул-қулуб, 80-б.

САЪД [*а.* سعد] Бахт, саодат, иқбол.

Саъди акбар Муштарий (Биржис ёки Юпитер) сайёраси, бахт юлдузи; юксакликдаги жой, фалак қозиси.

Чопиб Баҳромга рахшин чу яксар,
Булуб ул наҳси асгар саъди акбар.

Фарҳод ва Ширин, 22-б.

САЪД УЛ-МИЛЛАТ [*а.* سعد الملت] Миллатнинг саодати.

... Мавлоно Саъд ул-миллати вад-дин Қошғарий қ. р. а. муриди кўргузурлар эрди.

Насойим ул-муҳаббат, 480-б.

СА(Ъ)ИД [*а.* سعيد] Бахт, толе.

Са(ъ)иди абадий Абадий бахтли, абадий бахтиёр, абадий толе ёр.

Мўғбачалар дайрда қилғон ҳалок
Бўлса саъиди абадий қайда бок.

Ҳайрат ул-аброр, 107-б.

САЪТАРИЙ [*а.* سعتري] Жинсий мойилликни қондиришга мансуб.

Ва баъзи ўзларини бир-бирига суртуб таскин берурлар эрдиким, аларни саътарий ҳам дерлар.

Тарихи анбиё ва ҳукамо, 111-б.

САҚИЛГОМ [*а.-ф.* ثقيل گام] **1** Оғир қадам, вазмин қадам босувчи, секин юрувчи.

2 Ранж-машаққат билан юрувчи.

Самандедур коҳилхиром, аммо манзилга еткургучи ва бухтиедур сақилгом, лекин маъманга тушургучи.

Маҳбуб ул-қулуб, 56-б.

САҚИФА [*а.* سقيفه] Баланд, шарафли; осмон қадар юксак.

Улки зотингда балоҳат чоғламиш,
Санга бу янглиғ сақифа боғламиш.

Лисон ут-тайр, 82-б.

САҚЛАМОҚ [*т.* سقلامق] қ. **Сахламоқ.**

САҚЛАҒУЧИ [*т.* سقلاغوچي] Сақлагувчи

... бул ҳаваслар ҳарзаси тундбод совурмоқдин сақлағучи.

Маҳбуб ул-қулуб, 83–84-б.

САҚЛОВ [*т.* سقلاو] Сув итлари.

Наҳанг атрофида сақловидин шўр,
Нечукким аждаҳо атрофида мур.

Фарҳод ва Ширин, 205-б.

САҲАРА [*а.* ساحره] Сеҳргар, соҳир афсунчи, куз боғлағич, жодугар.

Биров дедиким, сиз Жиржис а. с. ни соҳир дерсиз, соҳир ҳаргиз улукни тиргуза олурму? Саҳара дедиларким, йуқ.

Тарихи анбиё ва ҳукамо, 184-б.

САҲАРҲАНГОМ [*а.-ф.* سحر هنگام] Саҳар вақти, тонг чоғи; азон вақти.

Бўлма бот усрук, ганимат тут бу янглиғ кечани,
Жомий май тун аввалидин то саҳарҳангом тут.

Наводир уш-шабоб, 56-б.

САҲВСИЗ [*а.-т.* صحوسز] Хушёр булишлик, огоҳлик.

Ҳақнинг эрур саҳвсиз иш лозими,
Саҳв эрур лозимаи одами.

Ҳайрат ул-аброр, 129-б.

САҲИҲ [*а.* صحيح] **1** Соғлом.

Саҳиҳ ун-насаб Улуғ, насаби олий зотли.

[*Мир Бузург ва Мир Хўрд...*]. *Бу икки ога-ини саҳиҳ ун-насаб содотдин эрдилар.*

Насойим ул-муҳаббат, 367-б.

2 Тўғри, чин.

3 Ҳақиқий, ишончли.

4 Тузатилган, хатосиз.

5 Имом ал-Бухорий нисбати.

Билди чу ҳадисингни Саҳиҳ эмди Навоий,
Маскан чу тилар бўлса не Батҳо не Бухоро.

Бадоеъ ул-васат, 11-б.

САҲУР [*а.* سحور] Саҳарлик, рўзада саҳар туриб овқат ейиш.

[*Иброҳим Мутаваккил р. т.*]. *Бир кеча анга дедиким, қўп, саҳур қилали! Дедиким, ул суфрани тушур!*

Насойим ул-муҳаббат, 175-б.

СЕБАК [ф. سيبك] Сарғиш олма; олмача.

Себакедур оразин ранги бирав ҳижронидин,
Олмадек бўлмиш қизил ҳар ёни ашким қонидин.

Фавойид ул-кибар, 311-б.

СЕВАР [*т.* سيور] Суюқли, яхши кўрган, ардоқли.

... Ва севар ўгли хаста бўлди.

Тарихи анбиё ва ҳукамо, 152-б.

СЕВИНЧИ [*т.* سیونچی] Шодлик, суюнчи.

Вах не кун бўлгайки, ул гойиб сафардин келди деб,
Истабон мендин севинчи, етса ҳар ёндин хабар.

Бадоеъ ул-васат, 122-б.

СЕВУКЛУК, -луғ [*т.* سیووك لوك // سیووك لوغ] Севиклик, яхши кўришлик.

[*Абу Ҳошим Суфий қ. с.*]. *Дедимким, ўзунгни нечук курасен? Деди: азим балода курадурмен, аммо ҳаво, яъни меҳру севуклук балодин ортуқдур...*

Насойим ул-муҳаббат, 28-б.

[*Фузайл б. Иёз қ. т. р.*]. *Ул дебдурким: Мен Ҳақни дустлуқ ва севуклук юзидин парастиш қилурмен.*

Насойим ул-муҳаббат, 35-б.

Деди: анинг меҳру севуклуғу мени ибодату тоатиға тутар.

Насойим ул-муҳаббат, 36-б.

СЕВУНДУРМАК [*т.* سیوندورماك] Севинтирмоқ, хурсанд қилмоқ.

Аларни чу мундоқ севундурдилар,
Шаҳ олинда туқуз юкундурдилар.

Садди Искандарий, 279-б.

... руҳини ул дуо футуҳи била севундургайлар.

Маҳбуб ул-қулуб, 11-б.

СЕВУНМАКЛИК [*т.* سیونماك لیك] Севинмоқлик, хурсанд бўлмоқлик, шод бўлмоқлик.

Ул паридин лутф агар зулм улса андоқ телбамен,
Ким шуурим йуқ севунмакликка, қайғурмоққа ҳам.

Наводир уш-шабоб, 295-б.

СЕМИЗ [*т.* سیمیر] Тула, семиз.

Танингга маскаву қаддингга нахл ухшаймас
Ки, будур асру семиз, лек улдур асру оруқ.

Бадоеъ ул-васат, 230-б.

СЕМИЗЛИК [*т.* سیمیزلیك] Тулалик, семизлик.

[*Абубакр Шиблий қ. т. с.*]. *Анга дедилар: хуш семизсен ва муҳаббатики сен даъво қилурсен, тақозое семизлик қилмас.*

Насойим ул-муҳаббат, 127-б.

СЕНЛИК [*т.* سینلیك] **1** Сенлик; сенга тегишли.

Ҳамл қилдинг менлику сенликка йул,
Бу иккилик васфидин пок эрди ул.

Лисон ут-тайр, 236-б.

2 *тасаввуфда* Суфий «менлик»ни йуқотиб, ёр ихтиёрига утиб қолиши, ихтиёри ўзида қолмаслик.

Олами тавҳиддин топқон хабар,
Менлику сенликдин ул топмас асар.

Лисон ут-тайр, 291-б.

Булса сенлик, васл йуқтур ҳар неча қилсанг талаб,
Булмаса, матлуб эрур ул дам талабгор эй кунгул.

Бадоеъ ул-бидоя, 349-б.

СЕНСИЗ [*т.* سین سیز] 1 Сенсиз.

Ҳам аҳли равзаға фирдавс сенсизин чаҳи вайл,
Ҳам аҳли вайл иши ҳажринг ўтида вовайло.

Фавойид ул-кибар, 11-б.

2 Ёрсиз.

Сенсиз ашким ёмғури сайлини туфон айладим,
Ки анинг тугёнидин оламни вайрон айладим.

Ғаройиб ус-сиғар, 339-б.

3 Тангри таоло назарда тутилган.

Васлингда ишрат хуб эрур, айшу тараб маргуб эрур,
Сенсиз манга матлуб эрур танда алам, жонда ано.

Фавойид ул-кибар, 7-б.

СЕРГАК [*т.* سرگك] Тез, дарҳол сезадиган; зийрак, ҳушёр, сезгир.

Мен ўлдум ноладин, ноз уйқусидин ёр очмас кўз,
Не суд андинки ҳижрон шоми бўлғай кўзларим сергак.

Наводир ун-ниҳоя, 284-б.

Дема уйқусиз кўзунг хажрим туни очилмади,
Не қила олғай ажал уйқуси бирла сергагим.

Наводир ун-ниҳоя, 351-б.

СЕРОБЛИҒ [*ф.-т.* سرب لیغ] **1** Етарли даражадалик, куплик, мул-кўллик.

2 Серсувлик.

Дедим: Боязид сувсизлиғи бир журъадин ултурушти, сероблиғдин дам урди, идрокининг кузаси анинг била тулди...

Насойим ул-муҳаббат, 331-б.

СЕРПАМАК [*т.* سرپامك] Серпамоқ, зарб билан урмоқ.

Андоқки, қувормоқ... ва қимирдамоқ ва серпамак...

Муҳокамат ул-луғатайн, 12-б.

СИБО [*а.* صبا] Ёшлик, ёш болалик даври.

Сибо субхининг сабоҳати таърифидаким, нафас-нафас андин ёруғлуқ юзланур...

Садди Искандарий, 282-б.

СИВОК [*т.* سوك] Севикли.

Дема ким, эркин Навоий хаста кунглига талаб,
Эй кўнгул, захмига марҳам айни матлуби сивок.

Наводир ун-ниҳоя, 286-б.

СИДРАМОҚ [*т.* سیدرامق] Судрамоқ.

Эй, келиб минбаринг уч поя била сидрагасен,
Сен чу анда тутуб ором, булуб сидранишин.

Бадоеъ ул-васат, 309-б.

СИЁҲСИЗ [*ф.-т.* سیاه سز] Рангсиз.

[*Сайдий Аҳмад б. ...*]. *... ул когазни олиб сиёҳисиз анга таъвизни рақам қилурлар эрди. Бир қатла бирав учун ушбу мазкур булғон дастур била сиёҳсиз битиб эрдилар.*

Насойим ул-муҳаббат, 388-б.

СИЖЖИН [*а.* سجن] Ҳибс, зиндон

Эмди Ҳусайн Мансурнинг руҳин иллийиинда ва Фиръавн руҳи сижжиндадур, мунда ҳикмат недур?

Насойим ул-муҳаббат, 310-б.

СИЖИЛМОҚ [*т.* سجل ماق] **1** Ўзиб кетмоқ

2 Фарқланмоқ.

Ва бу фасоҳат била сорт фусаҳосидин тамом сижилибдурлар.

Муҳокамат ул-луғатайн, 22-б.

СИЖН [*а.* سجن] қ **Сижжин**.

СИЖОФ [*а.* سجاف] **1** Кийим.

2 Парда.

Ҳулла сандал насими турфа сижоф,
Сар-басар даврасида сандал боф.

Сабъаи сайёр, 306-б.

СИЙМИСУДА [*ф.* سیم سوده] Майда-майда кумуш.

Бизнинг шоҳ хонга лаълугун аёг берганда айтилибдур ва ҳаводин сиймисуда ёгарда рақам қилибдур.

Наводир уш-шабоб, 508-б.

СИ(Й)РИЛМОҚ [*т.* سیر لماق] Сийрилмоқ, ишқаланмоқ, сидирилмоқ.

[*Абу Сулаймон Хаввос Мағрибий р. т.*] *Маркаб секриди ва анинг аёги юлгун дарахтига сийрилиб мажруҳ булди.*

Насойим ул-муҳаббат, 161-б.

Риёйи хонакаҳга келмасам, эй шайх, тут маъзур
Ки, гом ургон сойи ул ён кейинрак сирилур гомим.

Наводир уш-шабоб, 307-б.

СИЛКИНЧАК [*т.* سلکنجك] Буйинга тақадиган зийнат асбоби.

Не ҳуш уммидеким урён нигун қад бирла урсам так,
Париларига жунун туморидур бўйнумда силкинчак.

Наводир уш-шабоб, 237-б.

СИЛСИЛА [*а.* سلسله] **1** Занжир.

2 Қатор, саф.

3 Сулола, шажара.

4 Абдураҳмон Жомий «Силсилат уз-заҳаб» («Олтин занжир») асарининг қисқарган шакли.

Чунки таҳрик топти «Силсила»си,
Телбалик бўлди ақл масъаласи.

Сабъаи сайёр, 43-б.

Силсилат уз-заҳаб «Олтин занжир» сўзи (ибораси) талқини.

Ҳазрат Мавлоно Саъдуддин Қошғарийни дебдурларки, хожалар силсиласидаки, «Силсилат уз-заҳаб» иборат андиндур, толибларга талқину иршод сажжодасидадурлар.

Насойим ул-муҳаббат, 443-б.

СИМНОНЛИК [*ф.-т.* سمنان لق] Симнон шаҳридан, Симнонда яшовчи.

Мир Асадуллоҳ – симнонлиқдур.

Мажолис ун-нафоис, 103-б.

СИМОТ [*а.* سمات] Нақш, аломат, нишон, сифат.

... ва бу латофати сифоти хублар ва малоҳати симоти маҳбублар била яна икки девон тартиб берса булурдек маълум буладур.

Ғаройиб ус-сиғар, 14-б.

СИМОҚ I [*т.* سیماق] 1 Сиқмоқ

2 Шилмоқ

[*Абу Али Ворижий қ. с.*]. *Дедиким, Лугом тоғида эрдим, ириг палос кийиб эрдим. Буйнумни сиди.*

Насойим ул-муҳаббат, 176-б.

СИМОҚ II [*т.* سیماق] Синиш, вайрон булиш.

Авжики битиб фалак симоғин,
Қоплондин олиб қамар тувағин.

Муншаот, 134-б.

СИНАЛМОҚ [*т.* سنامق] Бирор йусинда текширилмоқ

Невчунки, ҳар қайсини борлар маълум қилибтур ва синалибдур.

Муншаот, 217-б.

СИНГУРГУЧИ [*т.* سنگورکوچی] Сингдиргувчи, ҳазм этувчи.

... ва хомаларни пиширгучи ва таомларни сингургучи.

Маҳбуб ул-қулуб, 119-б

СИНДУРМАМАК [*т.* سندورماماك] Синдирмаслик; узмаслик.

Қайси дамким хотиримга чун утуб гулзори васл,
Ғунчадек кунглумда ҳижрон юз тикон синдурмамиш.

Наводир уш-шабоб, 193-б.

СИНУҚТУРМОҚ [*т.* سنوقتورمق] Шикастлантирмоқ, қийнамоқ.

Ким вафо аҳлин синуқтурса, билурмен ончаким,
Куп зиён қилмаса, боре қилмагай куп суд хам.

Бадоеъ ул-бидоя, 376-б.

СИПАМОҚ [*т.* سیپامق] Сийпамоқ, гап-суз билан юмшатмоқ, текисламоқ

Агарчи тилни асрамоқ кунгулга меҳнатдур, аммо сузни сипамоқ бошқа офатдур.

Маҳбуб ул-қулуб, 125-б.

СИПЕҲРБАРИН [*ф.* سپهربرین] Осмон каби баланд, фалак қадар юксак.

Назми рифъат аро сипеҳрбарин,
Нукталар анжуми сипеҳрнишин.

Сабъаи сайёр, 38-б.

СИПЕҲРЖАНОБ [*ф.-а.* سپهرجناب] Фалакдек баланд мартабали

Ул шаҳзодаи сипеҳржаноб мадҳиким...

Садди Искандарий, 543-б.

СИПЕҲРИҚТИДОР [*ф.-а.* سپهرقتدار] Фалакдек қудратли, фалакдай ҳамма ишни бажаришга қодир.

... ва хавоқини сипеҳриқтидор хусусияти таманноси ботинимда зуҳур этмайдурур эрди.

Бадоеъ ул-бидоя, 17-б.

СИПЕҲРНИШИН [*ф.* سپهرنشین] Фалакда утирувчи, осмонда яшовчи; осмондаги.

Назми рифъат аро сипеҳрбарин,
Нукталар анжуми сипеҳрнишин.

Сабъаи сайёр, 38-б.

СИПЕҲРСИТЕЗ [*ф.* سپهر ستیز] 1 Осмонни ёндургудек, фалакни куйдиргудай.

2 Дунёни ёндургудек.

Шавқ ути икки ёндин андоғ тез
Ки, бўлуб шуълаи сипеҳрситез.

Сабъаи сайёр, 354-б.

СИПОРА [*ф.* سی پاره] Ўттиз пора, Қуръони каримнинг ўттиз пораси.

[*Шайх Муҳамад Яманий қ. т. р.*]. *Ул ҳар кун келар эрди ва бир сипора ўқуб борур эрди.*

Насойим ул-муҳаббат, 342-б.

Дастур бу эмишки, Шайх масжидида таровиҳда сипора Қуръонни бир хатм қилур эрмишлар.

Насойим ул-муҳаббат, 433-б.

СИПОҲГАР [*ф.* سپاه گر] 1 Сипоҳгарлик.

2 Амалдорлик.

... ва наззорагар эл таъну ташниъ билаким, «чор донг сипоҳгари говмиш тохтан аст»,- деб фарёд қилғайлар.

Маҳбуб ул-қулуб, 42-б.

СИПОҲИЙ [*ф.* سپاهی] Шоир тахаллуси.

Ёмғурчибек – «Сипоҳий» тахаллус қилур.

Мажолис ун-нафоис, 147-б.

СИПОҲЛИҚ [*ф.-т.* سپاه لق] 1 Аскарлик.

2 Амалдорлик.

Ҳам ушбу тарихда эрдиким, фақир сипоҳлиқдин мутанаффир бўлуб, маносибни тарк қилиб, мулозиматни ўксутуб эрдим.

Хамсат ул-мутаҳаййирин, 20–21-б.

СИРДОН [*а.-ф.* سردان] 1 Сир сақлаш, сир сақловчи.

2 Сукут.

[*Саййид Бурҳонуддин Муҳаққиқ қ. с.*]. *Анинг хавотирга ишрофи жиҳатидин Саййиди сирдонга машҳурдур.*

Насойим ул-муҳаббат, 324–325-б.

СИРИЛМОҚ [*т.* سیریل مق] 1 Сурилмоқ, тисарилмоқ.

2 Тойилмоқ.

Риёйи хонақаҳга келмасам, эй шайх, тут маъзур,
Ки гом урғон сойи у лён кейинрак сирилур гомим.

Наводир уш-шабоб, 307-б.

СИРИҚМОҚ [*т.* سیریقمق] Изғимоқ, тентимоқ, дайдимоқ.

Бўлмаса эрди хаёли бир парийваш вослиға,
Телбадек вайроналар сари сирикмоқ не эди?

Фавойид ул-кибар, 423-б.

СИРИҒ [*т.* سریغ] Зеб, безаш, нақшлаш.

Пардадарлиғ чу эрур зоҳир иши,
Хирқа узра не осиғ мунча сириғ.

Фавойид ул-кибар, 209-б.

СИРКА [*ф.* سرکه] Бошқача тусга кирган мазали ёғ, узум ёки бошқа меваларнинг ширасидан ҳосил қилинган ичимлик суви; узум сувини ачитиш йўли билан тайёрланадиган уткир ҳидли, тузсиз суюқлик

Фуқаро сирка ва душоби андин, агниё нуқлу майи ноби андин.

Маҳбуб ул-қулуб, 38-б.

Чун оқшом бўлди, кўкдин бир табоқ инди, анда олти рагиф сиркаву сабзи била.

Насойим ул-муҳаббат, 495-б.

СИРОЖ [*а.* سراج] 1 Чироқ.

2 Ёруғлик, нур.

Сирож ул-муслимин 1) мусулмонлар чироғи; 2) асар номи.

Чу равшан айлар ислом аҳли зотин:
«Сирож ул-муслимин» қўймишмен отин.

Сирож ул-муслимин, 289-б.

СИТАМАНДЕШ [*ф.* ستم اندیش] Жабр-зулм қилувчи, одамларга озор берувчи, жафокор.

Бечора ул мазлумким, бу зулмкешларга гирифтор ва бу ситамандешларга фармонбардор бўлгай...

Маҳбуб ул-қулуб, 79-б.

СИТАМПЕША [*ф.* ستم پیشه] Золим, зулм-ситам қилувчи, эзувчи.

Қилиб ҳукм сенким, ситампешае,
Чопиб бошини қилмай андешае.

Садди Искандарий, 317-б.

СИТТА [*а.* ستة] Олти.

Ситтаи зарурия Зарурий олти [тараф]; юқори, қуйи, унг, чап, олд, орқа.

Фаноий маҳз етар «Ситтаи зарурия»
Нединки йўққа зарурат эмас бу навъ олтов.

Фавойид ул-кибар, 343-б.

СИТТАЗИЙНАТ [*а.* ستة زینت] Олти безак, олти зийнат.

... ҳар навъ шеърдин, масалан, рухафзо мухаммаслар... ва равоносо мусаддаслар, барча ситтазийнат...

Бадоеъ ул-бидоя, 22-б.

СИФАТИЛЛОҲ [*а.* صفت الله] Аллоҳ сифатлари.

Муттасиф бўлсанг сифатиллоҳ ила,
Жазм этарсен хотири огоҳ ила.

Лисон ут-тайр, 269-б.

СИФАТЛИҒ [*а.-т.* صفت لیغ] Хусусиятлик, сифатлик.

Хайли гардун сифатлиг айладилар,
Хасмига якжиҳатлиг айладилар.

Сабъаи сайёр, 75-б.

СИЧМОҚ [*т.* سیچمق] Ёзилмоқ (чичмоқ).

Биайниҳ анингдекки, сичқай чибин,
Оқ узра қораю қора узра оқ.

Фавойид ул-кибар, 518-б.

СИЯ КИРИШМАК [*т.* سیه کیریشمک] Сия бошламоқ, сиймоқ, қовуқни бўшатмоқ, ёзилмоқ, бавл қилмоқ.

[*Мира Нисобурий р. т.*]. *Бир бийик устига чиқти ва иштонининг боғини ечиб, ел сари сия киришди.*

Насойим ул-муҳаббат, 184-б.

СИЯҲБОЛ [*ф.* سیه بال] 1 Қора қанот, қаноти қора.
2 Бахтсиз.

Дудидин улуб малак сияҳбол,
Тулидин улуб фалак қуҳансол.

Лайли ва Мажнун, 118-б.

СИЯҲГИЛИМ [*ф.* سیه گلیم] Бадбахт, бахти қаро, мақсадига етмаган.

Юзига асли ёмоннинг куп очма гулшани хулқ,
Сияҳгилемга албатта меҳр айлама фош.

Ғаройиб ус-сиғар, 547-б.

СИЯҲПЕЧ [*ф.* سیه پیچ] Қора зулф; жингалак соч.

Солди бошига улуғ фитналар эл қатли учун,
Гарчи шуҳона сияҳпечинг курунур асру кичик.

Фавойид ул-кибар, 226-б.

СИҚОЯ [*а.* سقایه] Сув бериш, сув қуйиш, сув қуйиш амали.

[*Мавлоно Шамсуддин Муҳаммад б. ...*] *Ва дебдурки, бирав дерки, сиқояда Тенгри отин тутмамак керак ва Қуръон ўқумамак керак, магар оҳиста.*

Насойим ул-муҳаббат, 332-б.

СИҚТАМОҚ [*т.* سیقتامق] Елвориб йиғламоқ, йиғи-сиғи қилмоқ, сиқтамоқ.

Ва сиқтамоқким йиғламоқда муболағадур...

Муҳокамат ул-луғатайн, 14-б.

СИҒОР [*а.* صغار] Кичкиналар, ёш болалар, гудаклар, вояга етмаганлар.

Олам аро мунча сиғору кибор,
Мен булса-ю, сен булу ҳаркимки бор.

Ҳайрат ул-аброр, 109-б.

СИҲҲАТЛИҚ [*а.-т.* صحت لق] 1 Саломатлик, тансиҳатлик, соғломлик.
2 Тўғрилик, ростлик.

Истама лаълин, Навоийким, маразда эмганур,
Табъини сиҳҳатлиқ эл шарбат била муътод этиб.

Бадоеъ ул-васат, 47-б.

СКАНДАРНИШОН [*ю -а.-ф.* اسکندر نشان] Султон Ҳусайн Бойқаронинг шоҳлик ва саркардалик салоҳиятига ишора; Искандар каби.

Ало, то Скандардин улғай нишон,
Муни тут жаҳонда Скандарнишон.

Садди Искандарий, 70-б.

СКАНДАРНИҲОД [*ю -а.-ф.* اسکندر نهاد] Шоҳ Искандар табиатли, Искандар хислатли, Искандарга ўхшаш.

Атодин Скандарниҳод ўлғай ул,
Анодин Каёнийнажод ўлғай ул.

Садди Искандарий, 192-б.

СКАНДАРСИФАТ [*ю.-а.* اسکندر صفت] Шоҳ Искандар сифат, Искандар хислатли, шоҳ Искандар монанд.

Бори шоҳлар сарфарозини бил,
Скандарсифат Шоҳи Ғозийни бил.

Садди Искандарий, 544-б.

СОАТАН [*а.* ساعة] Шу лаҳзадан, шу соатдан

Соатан фи соатан Ҳар соат, ҳар замон, дам-бадам, тез-тез.

Ул соатан фи соатан ишида исиғроқ бўлғай ва лаҳзатан филаҳзатан қилмишида қизиқроқ бўлгай.

Маҳбуб ул-қулуб, 50-б.

СОВУРГУЧИ [*т.* ساووركوچي] Сочгувчи, тўзитгувчи, совургувчи.

Соиқаедур, ақлу дин хирманин қўйдургучи ва сарсаредур аларнинг кулин кўкка совургучи.

Маҳбуб ул-қулуб, 66-б.

Ўтедур номус уйин қўйдиргучи, еледур иззат хирманин совургучи ва виқор шамъин ўчургучи.

Маҳбуб ул-қулуб, 54-б.

СОВУРМАМАК [*т.* ساووركامك] Совурмаслик.

Қайси ҳижрон шамиким ҳар лаҳза ҳижрон сарсари,
Бир-бир авроқин фалакнинг ҳар тараф совурмамиш.

Наводир уш-шабоб, 193-б.

СОВУРМОҚ [*т.* ساووركاق] Учирмоқ, ҳавога отмоқ

Мухолиф нафслар сарсари учурмоқдин асрагучи ва мунофиқ, булҳаваслар ҳарзаси тундбоди совурмоқдин сақлагучи.

Маҳбуб ул-қулуб, 83–84-б.

СОВУҒЛИҒ [*т.* ساووغلنغ] Хунуклик, ёмонлиқ, келишмаганлик; совуқлик.

[*Абуладён қ. с.*]. *Айтиларким, совуғлиг қилма, ҳаждин эмди келибсен.*

Насойим ул-муҳаббат, 156-б.

СОИҚАТУН [*а.* صاعقة] Яшин, чақмоқ, йилдирим.

... ва араб тили билар «барқун» ва «соиқатун» била адо қилибдурлар.

Муҳокамат ул-луғатайн, 17-б.

СОИҚАКИРДОР [*а.-ф.* صاعقه كردار] Чақмоқ куринишли, яшин тарзли.

Хирмани хушума қўймак ҳам эрур кунглумнинг
Ҳажр аро соиқакирдор дамидин ориз.

Фавойид ул-кибар, 192-б.

СОЙ [*т.* ساي] Сой, икки тоғ ёки адир оралиғидаги сув йўли.

Бош тушуб ул рудда сой тошича,
Бош кесибон ҳар киши ўз бошича.

Ҳайрат ул-аброр, 186-б.

СОЙИЛЛИҚ [*а.-т.* سايل ليق] **1** Гадолик, тиланчилик.

2 Савол қилувчилик, суровчилик; истовчилик.

3 *тасаввуфда* Ҳидоят талаб қилишлик.

Фано дайрида сойиллиқни султонликдин ортуқ тут,
Ки улмакликда тенгдурлар агар сойил, агар султон.

Фавойид ул-кибар, 306-б.

СОЙИҒ [*а.* صايغ] Заргар; жавҳарпгунос; жавҳарфуруш.

... Шайх Ибн Сукайнаҳ ва анинг сойиг муриди ҳикоятини дедиларки, басти замон қобилидиндур ва ғариб ҳикоятлардиндур.

Насойим ул-муҳаббат, 401-б.

СОЛ [*т.* سالو] Бир-бирига маҳкамланиб, сувда оқизиладиган ходалар.

Солу гул [*т.-ф* سالو] Кеманинг тик ёгочи шаклидаги гул.

Ҳусну раънолиқ била дастори узра сончибон,
Ваҳки, шафтолу гулидур ё эрур солу гули.

Бадоеъ ул-васат, 497-б.

СОЛИМЛИҒ [*а.-т.* سالم لیغ] Аруз баҳрларидан бири, солимлик.

Энди ҳар бирининг солимин ва ё зиҳофиким, анга кириб, ани солимлиғидин чиқорибдурки, андин баъзи матбуъ тушубдур...

Мезон ул-авзон, 63-б.

СОЛИҲОТ [*а.* صالحات] Яхшилар, азизлар; яхши амаллар қилувчи [*Туҳфа р. т.*]. *Ул нисонинг солиҳоти, балки восилотидин эрмиш.*

Насойим ул-муҳаббат, 490-б.

СОЛМАМОҚ [*т.* سالماماق] **1** Солмаслик.
2 Ташламаслик; қолдирмаслик, қуймаслик.
3 Суртмаслик, тушириб қуймаслик.

... ул кишига миннат қуймамоқ ва анинг юзига солмамоқ.

Маҳбуб ул-қулуб, 81-б.

Меҳру вафо айбидин покдур абнойи даҳр,
Пок назардурким ул сари назар солмамиш.

Ғаройиб ус-сиғар, 219-б.

Ҳақ кавнга солмамиш эди пай,
«Коналлоҳу ламякун маах шай».

Лайли ва Мажнун, 30-б.

СОЛХУ́РДА [*ф.* سال خورده] Кўп яшаган, эски, қадимий

Узуб, чирмоғоч солхурда чинор,
Йикиб, туртгач сидраосо минор.

Садди Искандарий, 295-б.

СОЛЧА [*т.* سالچه] Чўпдек.

Қон қолмай солча рагларига,
Жилди ёпишиб сунгакларига.

Лайли ва Мажнун, 184-б.

СОЛҒУЧИ [*т.* سالغوچی] **1** Солгувчи
2 Ташлагувчи.
3 Тушириб қуйгувчи.

Дониш элига солгучи торожи ақлу хуш,
Ислом элига қилгучи ягмойи дин йигит.

Фавойид ул-кибар, 61-б.

Куз қани ул ой юзига солгучи!
Ул қуёш анворидин нур олгучи!

Лисон ут-тайр, 105-б.

Ошиқ кунглига маъшуқ ҳавосин солгучи ҳам ул ва бир жилваси била нақди ҳаётин олгучи ҳам ул.

Маҳбуб ул-қулуб, 66-б.

СОМОНЛИҚ [*т.* سامان لق] **1** Тартиблик.
2 Имкониятлик.
3 Иқтидорли, истеъдодли, қобилиятли.

[*Мавлоно Муҳаммад Бадахший.*]. *Ҳоло табъ аҳли орасида андин сомонлироқ киши йуқтур.*

Мажолис ун-нафоис, 124-б.

СОНИЯ [*а.* ثانيه] Дақиқ, нафис, гўзал, нозик, латиф.

[*Шайх Абулғайс...*]. *Олия мақомот ва сония ҳолоту каромот эгасидур.*

Насойим ул-муҳаббат, 401-б.

СОСОНИЙНАЖОД [*ф.* ساساني نژاد] Сосоний (Эрон ҳукмдорлик қилган сулолалардан бири) насабли, Сосоний сулоласидин чиққан.

Ардашер Бобак андин бири сосонийнажод салотиндин халойиққа ҳар неча шафқат ва адолат етти.

Тарихи мулуки ажам, 234-б

СОТИР [*а.* ساتر] Беркитувчи, яширувчи.

Сотир ул-уюб [ساتر العيوب] Айбларни яширувчи, гуноҳларни беркитувчи

[*Шайх Абуали Сиёҳ қ. с.*]. *Шайх ул ислом дебдурки, бирав андин сўрдики, ҳеч киши булғай, элнинг айбин билгай? Ул шайх деди: булғай! Сойил дедики, пас Аллоҳ сотир ул-уюб булмағай.*

Насойим ул-муҳаббат, 203-б.

СОТИҚ-САВДО [*т.* ساتق سودا] Савдо-сотиқ, тижоратчилик.

[*Шайх Саъд Ҳаддод...*]. *Чун озод булди, бозорда сотиқ-савдо қилур эрди.*

Насойим ул-муҳаббат, 405-б.

[*Мавлоно Доий – форсигуй шоирлардан.*]. *... ва гоҳо сотиқ-савдоға ҳам иштиғол кўргузур.*

Мажолис ун-нафоис, 89-б.

СОТИҒ-ОЛИҒ [*т.* ساتغ الغ] Олди-сотти.

Олғали дунё арусин, эйки, соттинг нақди жисм,
Умр сотиб марг олмоқ англа бу сотиг-олиг.

Наводир ун-ниҳоя, 260-б.

СОТИҒ-САВДО [*т.* ساتغ سودا] қ. **Сотиқ-савдо.**

СОФЛАНМОҚ [*а.-т.* صافلان ماق] Тозаланмоқ, покланмоқ, софланмоқ

[*Абу Амр Димишқий қ. т. с.*]. *Ва ҳам ул дебдурки, (арвоҳ Ҳаққа яқинлашиб софланса, олам жисмларига тоат нури билан таъсир қилади).*

Насойим ул-муҳаббат, 110-б.

СОЧ-СОҚОЛЛИК [*т.* ساچ ساقاللیك] Соч-соқоллик.

Қабр шақ булуб, бир оқ, соч-соқоллиқ киши чиқти ва элга дедиким, Исо руҳуллоҳ Пайғамбардур, анинг динига киринг ва ғанимат тутунг.

Тарихи анбиё ва ҳукамо, 179-б.

СОЧИЛМОҚ [*т.* ساچیلمق] **1** Сепилмоқ
2 Ҳар томонга тарқатиб тапланмоқ.
Сочила киришмоқ Сочила бошламоқ.

... мунинг натойижи гуллари рузгор аҳлига беҳадду миқдор очила бошлади ва бошларига беихтиёр сочила киришди.

Муҳокамат ул-луғатайн, 25-б.

СОЧИЛМОҒЛИҒ [*т.* ساچیلماغلیغ] Сочилмоқлик.

Назм анга гулшанда очилмоғлиғи,
Наср қаро ерга сочилмоғлиғи.

Ҳайрат ул-аброр, 61-б.

СОЧМАМОҚ [*т.* ساچماماق] **1** Сочмаслик; ёймаслик, тарқатмаслик.
2 Ташламаслик.

Сузга қулоқ солмоқу оғиз очмамоқ, гавҳарни териб, уз гавҳарин сочмамоқ.

Ғаройиб ус-сиғар, 546-б.

СОЧМАМАҒЛИҒ [*т.* ساچماماغلیغ] Сочмаслик.

Жавоҳирни термак анга саъб эса,
Эрур сочмамаглиг худ осон мунга.

Бадоеъ ул-васат, 493-б.

СОЧМОҒЛИҒ [*т.* ساچماغلیغ] Сочмоқлик.

Суханварлиг асбобини соз этиб,
Дури назм сочмоглиг оғоз этиб.

Садди Искандарий, 38-б.

СОЧҚУЧИ [*т.* ساچقوچی] **1** Сочгувчи.
2 Ташлагувчи.

Сиймни сочқучи мингдин бирдур,
Ўзгаларнинг иши келди термак.

Наводир уш-шабоб, 518-б.

3 Оқиргувчи, тукгувчи

Нилуфар юзига шабнам сочқучи ҳам ул ва шабнам суйидин нилуфарзор, балки гулистони Эрам очгучи ҳам ул.

Маҳбуб ул-қулуб, 7-б.

СОЯСИЗЛИК [*ф.-т.* سایه سیرلیك] Куланкасизлик.

Ул нубувват қуёшининг соясизлигининг пояси, балки қуёш булмоқ анинг сояси...

Ҳайрат ул-аброр, 37-б.

СОҒИНДУРМОҚ [*т.* ساغیندورماق] Эслатмоқ, эсга солмоқ; эсга олмоқ.

Яна бир дуо била узни соғиндурмоқ вожиб кўрунди.

Муншаот, 170-б.

Бу учурдаким, Мавлоно Худойбердини бу иш учун қуллуққа юборилиб эрди, дойим қиладургон иноят ва саъйни бир қатла соғиндурмоқ вожиб эрди.

Муншаот, 213-б.

Ҳар кимсаки, матлуби кўнгул соглигидур,
Тун эҳёси илож қилмоглигидур.

Назм ул-жавоҳир, 173-б.

СОҒЛИҒ I [*т.* ساغلیغ] Ҳушёрлик; мастнинг зидди.

Соглигида қутуз ит ва усруклигида қочиб андин юз ит.

Маҳбуб ул-қулуб, 38-б.

СОҒЛИҒ II [*т.* ساغلیغ] Нумератив сўз, санокли нарса.

Фалон бойким, қуйи беш мингдин утмиш,
Яна ҳам мингдин ортуқ соғлиғ учку.

Бадоеъ ул-бидоя, 637-б

СОҲИБ [*а.* صاحب] **1** Ҳамроҳ.
2 Дўст.
3 Эга, тасарруф этувчи, хўжайин.
Соҳиби аъзам Буюклик эгаси, Аллоҳ.

Соҳиби аъзам Низомулмулк, чунким булди азал,
Ҳажвлар қилди Уторуд чархи кажрафторни.

Бадоеъ ул-бидоя, 638-б.

Соҳиб ус-сирр Сир-асрорлар эгаси, яширин сирларни билувчи.

[*Амир Саййид Али б. ...*]. *... аммо одоби тариқат касби соҳиб ус-сирр, байнал оқтоб Тақиюддин Али Дўстий қ. р. қошида қилибдурлар.*

Насойим ул-муҳаббат, 314-б.

Соҳиб ул-ҳижоб Парда соҳиби, иффат соҳиби, иззат эгаси, шарофат соҳиби.

[*Абубакр Шиблий қ. т. с.*]. *Отаси халифанинг соҳиб ул-ҳижоби эрди.*

Насойим ул-муҳаббат, 127-б.

СОҲИБВИҚОР [*а.* صاحب وقار] Чидамли, оғир.

Аммо ел агар кўкка етсун сабукбордур ва бемиқдор ва тоғ агар туфроққа ботсунки соҳибвиқордур, ҳилмшиор.

Маҳбуб ул-қулуб, 84-б.

СОҲИБДЕВОН [*а.-ф.* صاحب دیوان] Девон эгаси, шеърлар тўплами соҳиби.

... ва ҳар қайси уз ҳурди ҳолига кура ширингуфтор ва соҳибдевон ва ашъордурлар.

Мажолис ун-нафоис, 151-б.

СОҲИБДИЛЛИҚ [*а.-ф.-т.* صاحب دل لق] **1** Пок кунгиллик.
2 Орифлик, аҳли маърифат, аҳли тасаввуф.

Кўнгул таърифидаким, кунгул тилагандек килилмайдурур ва анинг васфин соҳибдиллиқга мавсуф бўлгон кишидин узга киши билмай дурур.

Ҳайрат ул-аброр, 72-б.

СОҲИБМЕЪРОЖ [*а.* صاحب معراج] Пайғамбарлар ичида фақат Муҳаммад алайҳиссаломга берилган нисбат, зеро, Муҳаммад алайҳиссалом меърожга чиқаётган кечада кўкдан нурли нарвон тушади ва шу нарвон ёрдамида кўкка кўтарилиб, Таңгри таолога икки қош оралиғича яқинлашадилар; меърож (нарвон) соҳиби.

Нубувват тахтида ҳумоюн фарқи узра тож, анбиёву расул хайлида соҳибмеърож, аввалину охирин халқи анинг шафоатиға муҳтож.

Муножот, 294-б.

СУБУЛ [*а.* سبل] **1** Йўл, хатти-ҳаракат, тариқ

2 *тасаввуфда* Тариқат йули.

Ҳодийи субул Йул бошловчи, сорбон;

Эй Навоий, қадам урмоқ булмас,
Раҳнамой улмаса ҳодийи субул.

Фавойид ул-кибар, 257-б.

СУБҲ [*а.* صبح] Эрталаб, тонг, тонготар.

Субҳи аласт Дунё пайдо булган куннинг биринчи тонги; азалият тонги.

Кетур соқий, ул майки, субҳи аласт
Анинг нашъасидин кунгул эрди маст.

Ғаройиб ус-сиғар, 513-б.

СУБҲА [*а.* سبحه] Абдураҳмон Жомий «Субҳат ул-аброр» (яхшилар тасбеҳи) достони номининг қисқарган шакли.

«Субҳа» иқдиға берди чун тавзиҳ,
Солди хайли малак аро тасбиҳ.

Сабъаи сайёр, 43-б.

Чун «Субҳа» ни килкинг этти тавзиҳ,
Солдинг малак ичра зикри тасбиҳ.

Лайли ва Мажнун, 37-б.

Субҳан ақиқ Ҳақиқдан ясалган тасбеҳ, ҳақиқли тасбеҳ.

Билмай дединг узулмиш экан субҳайи ақиқ,
Лаълинг ғамида қон кеби ашким қаторидур.

Наводир уш-шабоб, 140-б.

СУБҲДАМ [*а.-ф.* صبحدم] Тонг чоғи.

Эсар субҳдам руҳпарвар насим,
Топар жон йигочқа изоми рамим.

Садди Искандарий, 402-б.

СУБҲОН [*а.* سبحان] **1** Ҳамду сано.

2 Шуҳрат, номдор.

Раҳм ҳам сен, раҳмон ҳам сен, азим ҳам сен, субҳон ҳам сен.

Муножот, 293-б.

СУБҲСИЗ [*а.-т.* صبح سیز] Тонгсиз, бомдодсиз; юз ёруглигисиз.

Гарчи ҳижрон шами уткач субҳи васл уммиди бор,
Шоми ҳажримдек кишиға субҳсиз шом улмасун.

Наводир уш-шабоб, 351-б.

СУВЛУҚ [*т.* سولوق] Сувлик.

Дардлиг кунгул-шуълалиг чароғ, ёшлиг куз-сувлуқ булоғ.

Маҳбуб ул-қулуб, 121-б.

СУВОЛ [*а.* سوال] Савол, сўроқ.

Ранжу заъфим булмиш андоқким сурар келган улус,
Ҳолим айларлар сувол, аммо эшитмаслар жавоб.

Ғаройиб ус-сиғар, 56-б.

СУДРАТМАК [*т.* سودرتمك] Сирпантириб тортмоқ, сургатмоқ, судратмоқ.

Ишқ куп солди мену дарду балият чоҳиға,
Ваҳки, эмди судратур ҳижрон сиёсатгоҳиға.

Фавойид ул-кибар, 379-б.

СУДСИЗ [*ф.-т.* سودسیز] Наф йуқ, бефойда

Судсиз эрди чунки ул ошуб,
Ҳам ватан сори булдилар раҳкуб.

Сабъаи сайёр, 152-б.

СУЛАҲО [*а.* صلحا] Салоҳиятли киши, софдил, покдомон, порсо, яхши сийратли; азизлар.

[*Абулҳусайн Солбих р. т.*]. *Ва уламою сулаҳодин жамъи касир анинг хонақоҳида мужовир эрдилар.*

Насойим ул-муҳаббат, 195-б.

Ва Бағдоднинг Низомиясида ибодатка машғул эрдук ва сулаҳони зиёрат қилур эрдук.

Насойим ул-муҳаббат, 376-б.

... Шайх Ҳает Ҳарроний қ. т. а. Сулаҳодин бири дебдурким, Ямандин кемага ултурдук.

Насойим ул-муҳаббат, 389-б.

СУЛБИ [*а.* صلبی] Пушти камар, насл; зот.

[*Абулаббос Арзизий қ. с.*]. *Отасига ул ҳол маълум булғач, шукрлар қилиб айттиким, баҳамдиллаҳки, менинг сулбумдин андоқ киши вужудга келди.*

Насойим ул-муҳаббат, 100-б.

СУЛОС [*а.* ثلث] Учдан.

Сулосу рубоъ Уч-тўртдан

Бир била топмай бу жаноҳ инқитоъ,
Бир неки, масно ва сулосу рубоъ.

Ҳайрат ул-аброр, 103-б.

СУЛС [*а.* ثلث] Араб хат турларидан бири.

Анбарин қошинг хамида холдек кўз мардуми,
Мушки тардин нуқтаи сулсидурур нун устина.

Фавойид ул-кибар, 451-б.

СУЛТОН [*а.* سلطان] Олий ҳукмдор, подшо.

Султон ул-уламо 1) олимлар султони, уламолар султони; 2) киши лақаби.

... Ҳазрат Рисолат с. а. в. анга Султон ул-уламо лақаб берди.

Насойим ул-муҳаббат, 324-б.

СУЛТОННИШОН [*а.-ф.* سلطان نشان] Подшоҳ аломатли, подшоҳ нишонли.

Салотиндин ул султони султоннишон замонида, балки олий остонида қуллуқга машғулмизким...

Вақфия, 241-б.

СУМАНБАР [*ф.* سمنبر] Ширин назарда тутилган (оқ бадан гузал).

Суманбар худ эшитур эрди они,
Булуб бу нуктадин осуда жони.

Фарҳод ва Ширин, 276-б.

СУМУРМАК [*т.* سومورمك] Ичмоқ, симирмоқ; ўзига сингдирмоқ.

Қуёшдек титрамак дафъин саҳаргаҳ орзу қилсанг,
Қуёшдек жомни титраб сумурмак фарз эрур аввал.

Ғаройиб ус-сиғар, 294-б.

СУРАТБИН [*а.-ф.* صورت بين] 1 Шакл курувчи, ташқи ҳолатни кўрувчи 2 Юзаки.

Қил, Навоий, сўз аро маъни қасд,
Истама ўйлаки суратбин лафз.

Фавойид ул-кибар, 198-б.

СУРАТЛИК [*а.-т.* صورت لیك] Суратлик; кўринишлик, шакллик.

Агар ул ойда яхшилик эрди, яхши суратлик киши шакли била келур эрди ва агар ямон эрди, ямон чиройлиг киши шакли била келур эрди.

Насойим ул-муҳаббат, 378-б.

СУРАТНИГОР [*а.-ф.* صورت نگار] Расм солувчи, суратгар, рассом, мусаввир, нақкош.

Не сурат ангаким бўлур ошкор,
Ани англаса сунъи суратнигор.

Садди Искандарий, 424-б.

Чу ул хомани қилди суратнигор,
Ажойиб сувар булди куп ошкор.

Садди Искандарий, 254-б.

СУРАТХОНА [*а.-ф.* صورت خانه] Расмлар хонаси, нақкошлар уйи, Чин (Хитой) расмлари хонаси.

Чин суратхонаси Машҳур афсонавий рассом ва нақкош Монийнинг «Аржанг» номли санъаткорона безатилган қасри назарда тутилган.

Бу янглиг турт суратхонаи Чин,
Ичинда тўрт қасри равза ойин.
Қаю бир қаср ҳар айвон сипеҳри.
Не суратхонаким, ҳар шамса меҳри.

Фарҳод ва Ширин, 94-б.

Бу янглиг қаср топиб зебу ойин,
Латофат ичра суратхонаи Чин.

Фарҳод ва Ширин, 256-б.

СУРБ [*ф.* سرب] Кўрғошин.

Эй Навоий, халқдин ранжинг куп эрса гам ема,
Факрнинг мунъимлиги сурби Маридин кам эмас.

Наводир ун-ниҳоя, 202-б.

СУРГУЧИ [*т.* سورگوچی] 1 Ёзгувчи
2 Юриттувчи.
3 Айттувчи.

Назоирхон била сургучи мақол – дастиёр била йирлагучи қаввол.

Маҳбуб ул-қулуб, 32-б.

Ёлгон афсоналарда уйку келтургучи, ёлгончи уйкуда такаллум сургучи.

Маҳбуб ул-қулуб, 94-б.

СУРГУЛУК [*т.* سورگولوك] (От) суришлик, (отда) боришлик.

Деди: ул ён жанибат сургулукдур,
Бу иш гар воқеъ улса кўргулукдур.

Фарҳод ва Ширин, 234-б.

СУРИЙ [*ф.* سوری] **1** Қизғиш ранг, қизғимтир ранг, тиллага ухшаш ранг
Гули сурий Қизил гул.

Эй гули сурий жамалинг дафтаридин бир варақ,
Сабзаву райҳон сенинг хаттингдин элтурлар сабақ.

Ғаройиб ус-сиғар, 503-б.

2 Маҳбуба, ёр.

Сепибсенму гулоб ул юзга ёхуд
Гули сурий уза шабнам тушуптур.

Наводир уш-шабоб, 124-б.

СУРКАНМОҚ [*т.* سورکانماق] Ишқалмоқ, суйкалмоқ, суркалмоқ.

Андоққи, қувормоқ... ва қораламоқ ва сурканмоқ...

Муҳокамат ул-луғатайн, 12-б.

СУРМА [*ф.* سرمه] Қорамтир бўёк модда.

Сурма(й)и мозоғ 1) Муҳаммад алайҳиссалом васфлари мадҳ этилган ояти каримага ишора.

Эй қароғингга сурмаи «мозоғ»,
«Мотаға» маркабингга қуймай доғ.

Сабъаи сайёр, 29-б.

2) Пайғамбар икки кўз қорачиғининг табиий гўзал ва тим қоралигига ишора.

Эл кўзин нури шафоат била ёритқанингга
Тортқан сурмайи мозоғ икки кўздур гуваҳинг.

Ғаройиб ус-сиғар, 274-б

Сурмаи ғуфрон Гуноҳларни кечирувчи ёки гуноҳлардан асрагувчи сурмадек; савоб учун мусулмонлар (Пайғамбар кўзларининг гўзал ва тим коралигига менгзаш қилиб) кўзларига сурма суртишганлигига ишора.

Қилғил агар кўзунга кирса ғубор,
Сурмаи ғуфронча ани эътибор.

Ҳайрат ул-аброр, 273-б.

СУРМАМАК [*т.* سورمامق] **1** Жилдирмаслик, силжитмаслик.

2 Ҳайдамаслик, итариб чиқармаслик, қувмаслик.

Қайси водийким танимни ашк сайли сурмамиш,
Қайси тоғ авжиғаким мавжи боишмни урмамиш.

Наводир уш-шабоб, 193-б.

СУРМАСИЗ [*ф.-т.* سرمه سز] Савоб учун кўзга суртиладиган сурма, сурма суртмаслик, бесурма.

Езуқсиз, журмсиз бедод этар фош
Манга ул сурмасиз кўз, вусмасиз қош.

Фавойид ул-кибар, 181-б.

Сурмасиз ул кўз қарову пурфусун,
Ондин улуб кўзга жаҳон сурмагун.

Ҳайрат ул-аброр, 196-б.

СУРМАСИФАТ [*ф.-а.* سرمه صفت] Сурмадек, сурма рангли, сурма тусли.

Чарх юз минг кўзи гуё ёруди, тортилибон
Сурмагун тун ичида сурмасифат гарди раҳинг.

Ғаройиб ус-сиғар, 274-б.

СУРРА [*а.* صره] Тилла ва танга (пул) лик чўнтак.

Бир сурра ёрмоқ Бир ҳамён тилла танга, бир кисса олтин.

[Мавлоно Жалолуддин Маҳмуд ...]. Ҳирот малики бир сурра ёрмоқ юборибдур, қабул қилмайдур.

Насойим ул-муҳаббат, 352-б.

СУРУЛМОҚ [*т.* سورول ماق] Ёзилмоқ.

Шаммаи сурулмоқ Қисқача ёзилмоқ, мухтасар баён қилинмоқ.

... ягонаи аср Хожа Ҳофиз Шерозийдекки, буларнинг таърифи юқорироқ чун шаммаи сурулубдур...

Муҳокамат ул-лугатайн, 35-б.

СУРУШМАК [*т.* سوروشماق] Уйнамоқ, чопишмоқ.

Ғаминг доғи жонимга лабинг холи янглиғдур,
Не бўлди сурушсоқ биз муни доғи, сен они.

Бадоеъ ул-васат, 414-б.

СУРХ [*ф.* سرخ] Қизил.

Сурх қалб Қизил қалб.

Ва рангининг ҳурмати бор учун мутойиблари ани «сурх қалб» дерлар.

Мажолис ун-нафоис, 137-б.

СУСТПАЙМОНЛИҚ [*ф.-т.* سوست پیمان لیق] Суст ваъдалик, аҳдини бузувчилик, лоқайдлик.

Боғладим паймонадин пайман, фиғонким, ақлу дин
Бўлди бу паймонаву ул сустпаймонлиқда ҳайф.

Бадоеъ ул-бидоя, 266-б.

СУТУНЛУҚ [*ф.-т.* ستون لوق] Асослик, таянчлик, устунлик.

... ва нажот манзилининг умиди исломнинг беш сутунлуқ зотулумодига кирмагунча мумкин эрмас...

Вақфия, 261-б.

СУТУНСИЗ [*ф.-т.* ستون سز] Устунсиз, беустун.

Чекиб кукнинг сутунсиз боргоҳин,
Муҳайё қилди алам коргоҳин.

Фарҳод ва Ширин, 51-б.

Миху сутунсиз тикибон чодарин,
Давр этиб чодарининг пайкарин.

Ҳайрат ул-аброр, 246-б.

СУТУРЛОБСАНЖ [*ю.-ф* اسطرلاب سنج] Мунажжим, юлдузшунос (астроном), астрономик жадвал (қуёш ва юлдузларнинг юксаклигини ўлчаш учун) тузувчи.

Ҳамул ҳикмат аҳли сутурлобсанж,
Чекиб яхши соат зуҳуриға ранж.

Садди Искандарий, 482-б.

СУФИЛИҒ [*а.-т.* صوفی لیغ] қ **Суфилиг**

СУФЛИ [*а.* سفلی] Қуйи, тубан, паст.

Ва кўз ва қулоқ ва барча қуво била ул хаёл била кунгулда мутаважжиҳ бўлғайларки, ҳақиқати жомиъаи инсоний иборат андиндурки, мажмуъ коиноти улви ва суфлидин анинг муфассалидур.

Насойим ул-муҳаббат, 276-б.

СУХАН [*ф.* سخن] Суз, нутқ, ифода.

[*Мавлоно Лутфий р. т.*]. *Тўқсон ёшидин тажовуз қилгонда, Хазрат Махдуми н. м. н. отига радифи «Сухан» сажъ қасидае айтиб эрдики, замон хушгўйлари барча хублуққа мусаллом туттилар...*

Насойим ул-муҳаббат, 476-б.

СУХАНВАРЛИК [*ф.-т.* سخنورلیك] Сўзга усталик, гузал сўзлилик, ширинсуханлик.

Ҳамул чошмадин чун су бермак тузуб,
Суханварлик улган танин тиргузуб.

Хамсат ул-мутаҳаййирин, 67-б.

СУХАНОРО [*ф.* سخن آرا] Ширинсўз, хушгап.

Деди: «Иуқтур манга ҳаду ёро,
Нукта демак бўлуб суханоро».

Сабъаи сайёр, 233-б.

СУЮҚ [*т.* سیوق] Суюқ овқат ёки бирор суюқ егулик нарса.

[*Жаъфар Ҳаззор р. т.*]. *Ондоғи эл илтимос қилдиларки, анга нимагина едур! Кўп жаҳд қилдимким, озгина суюқ едурдум.*

Насойим ул-муҳаббат, 168-б.

СУҚАДАМАК [*т.* سوقدامك] Қитиғламоқ

Андоққи, қувармак... ва киркинмак ва суқадамак...

Муҳокамат ул-луғатайн,12–13-б.

СУҚ(У)М [*а.* سقم] Беморлик, хасталик, носоғлик.

Чарх зулмидин не тонг суқум сабуҳий вақтиким
Субҳ хам бу гуссадин йиртар яқосин ҳар саҳар.

Наводир ун-ниҳоя, 129-б.

СУҒАРМОҚ [*т.* سوغارماق] **1** Қониктирмоқ, суғормоқ
2 Сув ичирмоқ.

Ишқ кунглумни шиёр айлабу кўздин суғариб,
Магар ул гул юзининг ҳасратидин боғ этадур.

Ғаройиб ус-сиғар. 135-б.

СЎЗАНГАР [*ф.* سوزنگر] Игна ясовчи; игна билан ишлайдиган киши.

[*Абу Али Сиржоний қ. с.*]. *Дебдурларки, анга мусофире етишти, бир игна учун ани етмиш қатла бозорга йибордики, мундин яхшироқ керак... Етмиш қатладин сунгра бир сўзангарни олиб келдиким, нечукким ул тилагай, саранжом қилгай.*

Насойим ул-муҳаббат,146–147-б.

СЎЗЛАГУЧИ [*т.* سوزلاگوچی] Сўзлагувчи, гапирувчи.

Хушнавис котиб сўзга оройиш берур ва сўзлагучига осойиш еткарур.

Маҳбуб ул-қулуб, 26–27-б.

СЎЗЛУК [*т.* سوزلوك] Сўзлик
Чучук сўзлук Ширин сўзлик.

Ачиқ-чучукка лабингнинг мутеименким, ул
Агарчи йиглатур аччиқ, эрур чучук сўзлук.

Фавойид ул-кибар, 225-б.

Оғзиким сўзда Масиҳодек қилур элни тирик,
Бас улуғ сўзлукдурур, гарчи эрур асру кичик.

Бадоеъ ул-васат, 235-б.

СЎЗСИЗ [*т.* سوزسز] Сўзлари бўлмаган; ҳеч қандай эътирозсиз.

Тенгри ёмғур бермадиким, сўзсиз эрди талаб,
Манга қулғу келди, ашким ёмғурин ёғдурмадим.

Наводир ўш-шабоб, 520-б.

СУЙДУРМОҚ [*т.* سويدورماق] 1 Суйдирмоқ, ўлдирмоқ

Ва дузахқа етмасдин бурун баъзини куйдурдилар ва баъзини суйдурдилар ва кулини кукка совурдилар ва аларнинг фитнаси утин учурдилар.

Маҳбуб ул-қулуб,75–76-б.

2 Кестирмоқ; шилдирмоқ.

... [Баҳром бинни Ҳурмуз]. Бу ҳужжат била Монийнинг терисини суйдуруб, сомон тиқтирди ва атбоин қатл қилди.

Тарихи мулуки ажам, 227-б.

СЎНГАКСИЗ [*т.* سونگاك سيز] Суяксиз, устухонсиз.

Сўнгакка иликдур, эранга билик,
Биликсиз Эран-ул сўнгаксиз илик.

Насойим ул-муҳаббат, 427-б.

СУРДУРМОҚ [*т.* سوردورماق] Суратмоқ; аниқламоқ.

... ва руз афзун давлатқа истиқомати сармадий ниҳоятсиз эрконни сўрдурмоқ лозим.

Муншаот, 176-б.

СУРМАСЛИҒ [*т.* سورماسليغ] Сурамаслик.

[Ҳусайн Бойқаро шеърияти ҳақида]. Матлубин истаб, тополмаслиғидин ва ҳеч ҳамдам ани бу мусибатда зорлиғин сурмаслиғидин уз-узи била гиламандлиғ изҳор қилибдур...

Мажолис ун-нафоис, 201-б.

СУРҒУЧИ [*т.* سورغوچی] 1 Сўрагувчи; савол берувчи

2 Даракловчи, излагувчи.

Қоматинг ҳажринда кунглум сурғучи носиҳ тили
Ништаредурким, ёрар уқ захмини пайкон учун.

Ғаройиб ус-сиғар, 365-б.

Сурғучига зоҳир улуб изтироб,
Дедики: Эй хуршеди олийжаноб.

Ҳайрат ул-аброр, 108-б.

Аммо ул ҳазратдек сурғучи бўлса, кунгул гамидин не гам ва хотир аламидин не алам.

Муншаот, 202-б.

СУФИЛИҒ [*а.-т.* صوفي ليغ] Суфийлик, тақводорлик

[Абу Сулаймон Нилий қ. с.]. ... Андин сўнгра ани Мағрибда ҳоким қилдилар, суфилиғидин.

Насойим ул-муҳаббат, 161-б.

СЎЮЛМОҚ [*т.* سويولماق] Шилинмоқ, суйилмоқ, шилиб олинмоқ.

Андоқки, бошдин-аёғи жароҳат булди ва бари аъзосининг тери-си суюлди.

Маҳбуб ул-қулуб, 57-б.

СУҚМОҚ [*т.* سوقماق] Туширмоқ, солмоқ

[*Абулаббос Ниҳовандий қ. т. с.*]. *Ниҳовандий дебдурки, аввал-ки, манга бу иш дарди пайдо булди, ун икки йил бошимни ёқамқа суқтумки, кунглумнинг бир гушасин манга кургуздилар.*

Насойим ул-муҳаббат, 103-б.

Т

ТААЙЮНОТ [*а.* تعيّنات] Борлиқ, мавжудот, дунёда бор нарсалар.

Таайюнот ичида ишқ бир ҳақиқат эрур,
Гар улса булбулу парвонадин вагар мендин.

Наводир ун-ниҳоя, 402-б.

... ва ўтган матлаъ шарҳида бу навъ битибдурларки, эй улки, ўз юзинки зоҳир нуридур, таайюнот ва сувар бурқаъи била ёшуруб, ёширун зуҳур бозорига келиб, халқе бу сувар тилисмидинки, бу махфий ганж юзига тортибсен, таайюнот мухталифа касрати ва ...

Насойим ул-муҳаббат, 460–461-б.

ТААЛЛУМСИЗ [*а.-т.* تعلم سيز] Илм ўрганмаслик, билимсиз.

Тенгри афзалидин бири улдурки, таълиму тааллумсиз бировни андоқ қилгайки, агар бизга дин усулида ва тавҳид даҳойиқида мушкул булса андин сўргайбиз...

Насойим ул-муҳаббат, 201-б.

ТААММУЛСИЗ [*а.-т.* تأمل سيز] **1** Фикрсиз, бемулоҳаза, беандиша; ўйловсиз (уйламасдан).

Чу сўз топти ниҳоят, тукти ярмоғ,
Тааммулсиз нечукким тошу туфроғ.

Фарҳод ва Ширин, 82-б.

Вале ҳар киши бўлса аҳли уқул.
Тааммулсиз иш ақли этмас қабул.

Садди Искандарий, 323-б.

2 Шошқалоқлик.

Таамулсиз улса бугун бегуноҳ,
Санга ҳолини тонгла билганда, оҳ!

Садди Искандарий, 317-б.

ТААММУҚ [*а.* تعمق] Бирор нарсанинг ҳақиқатига етишиш; бирор ишда юқори натижага эришиш, чуқур фикр юритиш.

Воқеан ише қилибдурки, назм аҳли анинг тааммуқида ҳайрон ва тааммулида саргардондурлар...

Муҳокамат ул-луғатайн, 31-б.

ТААССУБОЙИН [*а.-ф.* تعصب آيين] **1** Тарафдорлик.

2 Мутассиблик, бирор нарсага кур-курона амал қилишлик; бировга кўр-курона эргашувчилик.

Ҳар бир араби таассубойин,
Равшан қилиб онча шуълаи кин.

Лайли ва Мажнун, 165-б.

ТААТТУШ [*а.* تعطش] Чанқоқлик, ташналик, ташна булишлик.

[*Шайх Баҳоуддин Умар р. т.*]. *Авойили ҳолда андоқки, бу тоифага гоят шавқу тааттуш булур мақсудқа ҳеч етмакдин тағойиси қошида изҳори малол қилур эрмиш.*

Насойим ул-муҳаббат, 321-б.

ТАБЖИЛ [*а.* تبجيل] Ҳурмат-иззат қилиш, улуғлаш, ҳурматлаш; эҳтиром.

[*Мавлоно Маждуддин Ҳожи қ. с.*]. *Султон таъзиму табжил шарти бежо келтурди ва ўз оллидин бирён кабутар Мавлоно хидматига юборди.*

Насойим ул-муҳаббат, 362-б.

ТАБИИЯ [*а.* طبيعيه] Тасаввуфдаги бир мазҳаб ёки маслак номи.

Шайх дегандурки, жамиъ милалу ниҳалда киши мундин расвороқ суз демайдур. Ва яхши боқса, Табиия ва Даҳрия мазҳаби мундин яхшироқдур.

Насойим ул-муҳаббат, 345-б.

ТАБОЙИН [*ф.* تباين] **1** Фарқ, тафовут.

2 Қарама-қаршилик, келишмовчилик.

Бу густоҳлиққа афв умидидур ва ул густоҳлиқларга ислоҳ умиди, то турт табойин мухталиф инсон хилқатидаким, офаринишининг хазойини маонисидур-мувофиқ бўлгайлар.

Муншаот, 174-б.

ТАБОНЧА [*т.* تباچه] **1** Милтиқ (тўппонча).

2 Шаппати, шапалоқ.

Пашшаки эл бўйнида бўлди мухил,
Бўлди табонча била ўқ музмаҳил.

Ҳайрат ул-аброр, 234-б.

ТАБОРАК [*а.* تبارك] **1** Тангрининг сифатларидан бири.

2 Қуръон сураларидан бирининг номи.

Васлига етушкунг неча саъб эрса Навоий,
Гар қилса карам Тенгри таборак ва таоло.

Бадоеъ ул-васат, 29-б.

ТАБУ ТАВОН [*ф.* توان] Куч-қувват, қудрат.

Бермагай эл чекарга табу тавон,
Бу экин олам ичра «тахти равон».

Сабъаи сайёр, 182-б.

ТАБЪСИЗ [*а.-ф.* طبع سز] **1** Табъсиз, табиатсиз, феъл-атворсиз; **2** Ихтиёрсиз.

Вафосиз, табъсиз ноаҳл анга хуш,
Вафо аҳли била биттабъ нохуш.

Фарҳод ва Ширин, 37-б.

ТАВАККУЛСИЗ [*а.-ф.* توكل سز] Таваккалсиз, бирор нарсага умид боғламаслик; Тангрига умид боғламаслик.

Гарчи таваккулсиз эрур азм суст,
Машварасиз қилма таваккул дуруст.

Ҳайрат ул-аброр, 326-б.

ТАВАҚҚУФСИЗ [*а.-ф.* توقف سز] **1** Тик турмаслик; танаффуссиз; дам олмасдан.

2 Бетухтов, тухтаб қолмасдан, тухтовсиз.
3 Дарҳол, тез.

Ҳамул кунки қочмоққа майл эттилар,
Таваккуфсиз ўз мулкига кеттилар.

Садди Искандарий, 204-б.

Иноят қилиб шоҳи олий мақом,
Таваккуфсиз илгаррак айлаб хиром.

Садди Искандарий, 327-б.

ТАВБЕХ [*а.* توبيخ] Маломат, танбеҳ, койиш.

[*Абу Муҳриз Шерозий р. т.*]. *Мени буюрдиким, йўл бошида қофила гузаргоҳида асрагайлар, то ҳар киши утса, тавбех ва сарзаниш қилгай.*

Насойим ул-муҳаббат, 170-б.

ТАВВОБ [*а.* توّاب] **1** Тангри таолонинг сифатларидан бири; гуноҳларни кечиргувчи.
2 Тавбаларни қабул қилувчи.

Илоҳи, мен тавба қилдим дегандин не суд, сен тавба бергилки, ҳам Таввабсену ҳам Маъбуд.

Муножот, 298-б.

ТАВҚ [*а.* طوق] **1** Буйинга боғланадиган боғ; тасма.
2 Баъзи қушларнинг буйинларидаги ҳалқа шаклидаги чизиқ.
3 Маржон шодаси.
Тавқи саодат Бахт буйинбоғи, саодат тавқи, толе ҳалқаси.

Қайди зулфини чу ёр айлади занжири иродат,
Тушти ҳар ҳалқасидин буйнума бир тавқи саодат.

Наводир ун-ниҳоя, 65-б.

ТАДВИР [*а.* تدوير] Айлана айланиши, чарх уриб айланиш.

... *яқиндурки, фалак тосидин савобит доналари тосдаги қалъий қатаротидек эриб, тома киришгай ва тадвир бўталаридин сайраф сийми сув булуб, сиймобдек оқиб, арз конига етишгай.*

Муншаот, 135-б.

ТАДРИС [*а.* تدريس] Дарс бериш, таълим.

[*Ҳужжат ул-ислом Муҳаммад б.* ...]. *Ва Бағдодда Низомия мадрасаси тадрисин анга тафвиз қилдилар.*

Насойим ул-муҳаббат, 249-б.

ТАЖАЗЗИЙ [*а.* تجزّي] Бўлак-бўлак қилиш, майда-майда қилиш, майда бўлакларга бўлиниш.
Тажаззий пазир Бўлинишга қобил бўлак.

Боргону келган анга жузви сагир,
Ким эмас ул жузв тажаззий пазир.

Ҳайрат ул-аброр, 48-б.

ТАЗКИЯ [*а.* تزكية] **1** Поклаш, пок қилиш; тоза, покиза сақлаш.
2 Мақтов, мадҳ.

[*Мавлоно Низомиддин Хомуш қ. с.*]. *Ва нафс тазкияси ва кўнгул тасфиясига куп жидд кўргузур эркандур.*

Насойим ул-муҳаббат, 275-б.

[Қози Раис р. т. .]. Илм ҳиляси била ва нафс тазкияси била музайян ва муқаррар эрди.

Насойим ул-муҳаббат, 361-б.

ТАЙ [*а.* طي] Аруз баҳрларидин бири.

«Тай»-мустафъилуннинг тўртунчи ҳарфининг исқотидур, мустаъилун қолур, муфтаъилун анинг ўрнига қўярлар.

Мезон ул-авзон, 49-б.

«Тай»-мафъулотуда мафъилоту булур, фоилоту анинг урнига қуярлар.

Мезон ул-авзон, 50-б.

ТАЙБАТ [*а.* طيبت] қ. **Тийбат**.

ТАКАФФУЛ [*а.* تكفل] Кафил бўлиш, кафиллигини олиш, мутасадди бўлиш.

Такаффул қилмоқ Кафил бўлмоқ.

Ўз намозин мақбул тахайюл қилгон жамоат намози қабулиятини ҳам такаффул қилгон.

Маҳбуб ул-қулуб, 28-б.

ТАКАЛЛУФСИЗ [*а.-ф.* تكلف سز] **1** Саъй-ҳаракатсиз.

2 Мулозаматсиз; бетакаллуф.

3 Ҳашаматсиз.

Такаллуфсиз айлаб ер узра мақом,
Аларни доғи куп қилиб эҳтиром.

Садди Искандарий, 301-б.

ТАКУПУ [*ф.* تكوپو] Югурҳо-югур, тезлик билан келиб-кетиш, югуриш-елиш.

Такупу айламак Елиб-югурмоқ, чопмоқ.

Етиб ориққа куп айлаб такупу,
Ҳаё теридин андоқ оқизиб сув.

Фарҳод ва Ширин, 247-б.

ТАЛАМОҚ [*т.* تالا مق] Талон-торож қилмоқ, ғорат қилмоқ, шилмоқ.

... Самарқанд яқинида бир булук отлиғлар чиқдиларки, аларни талағайлар.

Насойим ул-муҳаббат, 373-б.

ТАЛАБСИЗ [*а.-ф.* طلب سز] **1** Хоҳишсиз, сўровсиз; беистак, илтимоссиз, беталаб.

2 Саъй-ҳаракатсиз.

Кишидин талабсиз ғино ҳосил этмас,
Яна жудга булмамоқ ҳеч монеъ.

Маҳбуб ул-қулуб, 56-б.

ТАЛАЗЗУЗОТ [*а.* تلذذات] Лаззатланадиган нарсалар.

Агар бу фарш хаёлин тамом кунгулдин чиқарилса, киши ул маҳол тасаввурдин ҳам тинар ва халос ҳам булур ё уйга фарш булмаса танаъумоти ва талаззузотидин не уксугай.

Маҳбуб ул-қулуб, 127–128-б.

ТАЛАЪЛУЪ [*а.* تلألؤ] Ярқираш, порлаш.

Сафодин ҳавз сийми ноб янглиг,
Талаъпуъдин суйи симоб янглиг.

Фарҳод ва Ширин, 93-б.

ТАЛИЪ [*а.* طليع] Аломат берувчи, белги берувчи, дарак берувчи, хабар берувчи.

Гар булубон ногаҳон талиъ мусоид, бахт ёр,
Топсанг ул ой бирла сузлашгунча миқдор, эй кунгул.

Бадоеъ ул-бидоя, 348-б.

ТАЛХИС [*а.* تلخيص] Саралаш, хулосалаш.

Қил фано дарси аро мулаххаски, эмас
Суд кашфида бу маънининг уқумоқ «талхис».

Наводир уш-шабоб, 199-б.

ТАМАЙЮЗ [*а.* تميز] Фарқ пайдо қилиш; фарқли булиш; фарқли.

[*Абу Абдуллоҳ Турубадий р. т.*]. *Ва ҳам ул дебдурки, йироқ бул хидматда тамайюздин, не учунки, жамъики аларни хидматда мумтоз қилурсен...*

Насойим ул-муҳаббат, 185-б.

... ва бу китоб муморасотига машъуф булгон аҳли тамайюзлар кунглин мастур булгон ахёр футуввати шамойимидин мунаввар ва аржуманд этгайсен.

Насойим ул-муҳаббат, 498-б.

ТАМАННОСИЗ [*а.-т.* تمنا سز] Бетилак, беистак, орзусиз, беумид, илтимоссиз.

[*Мир Ғиёс қ. р.*]. *Бир анбонда тўла ўтмакдур. Мир га ҳавола қилиб, дедики, улаш, закотсиз ва таманносиз.*

Насойим ул-муҳаббат, 410-б.

ТАМАРРУД [*а.* تمرد] Саркашлик, буйин товлашлик, итоатсизлик, мухолифлик.

Ҳамул замон хитоб келдиким, эй Мусо, неча бу қавм бизинг возиҳа оёт ва лойиҳа баййинотимизни куруб, тамарруд ва исён қилгайлар.

Тарихи анбиё ва ҳукамо, 144-б.

ТАМАЪСИЗ [*а.-т.* طمع سز] Бировдан бирор нарса кутмаслик, бетама; илинжсиз.

Эй Навоий, олам аҳлида тамаъсиз йўқ киши,
Ҳар кишида бу сифат йуқтур анга булгай шараф.

Бадоеъ ул-васат, 500-б.

ТАМОМЛИҒ [*а.-т.* تمام لیغ] **1** Бутунлай, тулиқлик; мукаммаллик.
2 Комиллик; ҳаммалик, барчалик.
Шафқат тамомлиғ Ҳаммага меҳрибонлик.

[*Абу Абдуллоҳ Солимий қ. с.*]. *... ҳарким, узр этса қабул қилгай ва шафқат тамомлиги била барча элга хоҳ солиҳ ва хоҳ толиҳ.*

Насойим ул-муҳаббат, 86-б.

ТАМОМҲОЛ [*а.* تمام حال] Комилроқ.

[*Абул Ҳусай Ҳусрий р. т.*]. *Шайх Суламий дебдурки, машойих орасида андин тамомҳолроқ ва ширин забонроқ, улуқ сузроқ кўрмадим.*

Насойим ул-муҳаббат, 163-б.

ТАМУЗ [*ф.* تموز] **1** Жавзо ойининг жазирама вақти, саратон ойи; июл.

Кун туш эдию тамуз фасли,
Жавзо била меҳр тоб васли.

Лайли ва Мажнун, 180-б.

2 Ёз, ёзнинг энг иссиқ палласи.

Тамуз утидин эрди оламга жўш,
Сувлар айлабон қайнамоқтин хуруш.

Садди Искандарий, 513-б.

ТАНАДИРНО [*а.* تندرنا] **1** Ашула айтмасдан узоқ чалиш.

2 Қўшиқда бир турли нақорат.

Нақшда хар неча талоло деса,
Е амал ичра танадирно деса.

Ҳайрат ул-аброр, 59-б.

ТАНАЪУМОТ [*а.* تنعمات] Ноз-неъматлар ичида яшаш; неъматланиш, баҳраманд булиш; роҳат-фароғатда яшаш.

Сабр узни чиқармоқдур хузуз нафсонидин ва танаъумот жисмонидин ва нафсни ҳабс қилмоқдур ибодат меҳнатида...

Маҳбуб ул-қулуб, 56-б.

Яна ул эрдимким, ул ҳазратнинг давлатидин бовужуди улким, жамии танаъумоти жисмоний ва муродоти нафсонийгаки, дастрасим балки ҳавасим бор эди...

Вақфия, 252-б.

ТАНБУРА [ф. طنبوره] Мусиқа асбобларидан бири, танбур.

Хуш улки, базмда айлар топарда арғуштак,
Шаҳ анда танбура чолиб, Навоий деса қушуқ.

Бадоеъ ул-васат, 230-б.

ТАНВАШ [*ф.* تن وش] Жуссадек.

Юз рўйи танваш Юзта ҳайкал.

Йиқилгоч бу ҳамул юз рўйи танваш
Ки, бору узра эрдилар камонкаш.

Фарҳод ва Ширин, 167-б.

ТАНГАЛИК [*т.* تنگه لیك] **1** Тангалик, пуллик.

2 Савдо устида олдиндан берилган пуллик.

... ҳар куни утмак юз ададким, йигирми ботмон уч тангалик эт билан мураттаб қилгайлар...

Вақфия, 268-б.

ТАНГДАСТ [*ф.* تنگ دست] 1 Фақир, ҳеч вақоси йўқ, қамоқ

2 Имконияти оз ёки чекланган, қурби етмаган; қули калталик ёки қисқалик.

Ҳаводис солиб инларига шикаст,
Маош амрида бўлдилар тангдаст.

Садди Искандарий, 259-б.

ТАНГЛИК [*ф.-т.* تنگ لیك] **1** Танглик, торлик.

2 Мушкуллик; ночорлик, иложсизлик.

Баъзи сафардаким, емакка танглик воқеъ эрди.

Тарихи анбиё ва ҳукамо, 179-б.

ТАНЗ [*а.* طنز] Масхара бўлиш, масхаралаш, кулги қилиш, истеҳзо, масхара.

Бу сўз сидқига даги бетаъну танз,
Далолат қилур ояти «кунту канз».

Ғаройиб ус-сиғар, 534-б.

ТАНИМОҒЛИҚ [*т.* تانیماغلق] Танимоқлик, билмоқлик, англамоқлик.

Ангаким эрур нуктадону зариф,
Улуғ ишдурур тонимоғлиқ ҳариф.

Садди Искандарий, 139-б.

ТАНИР-БИЛУР [*т.* تانیر بیلور] Таниган-билган.

[*Мавлоно Муҳаммад Табодгоний*] *Аксар ани танир-билур эл ўзни соҳиб азо туттилар.*

Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер, 99-б.

ТАНОСУБСИЗ [*а.-т.* تناسب سیز] **1** Номуносиб, муносиб бўлмаган; номувофиқ

2 Пропорциясиз.

3 Шеъриятда таносиб санъати ҳосил қилиш

Анинг зотига чун табъи муҳаввис,
Таносубсиз ҳунарлар қилди мунис.

Фарҳод ва Ширин, 49-б.

ТАНСИҲАТЛИК [*ф.-а.-т.* تنصحت لیك] Тани-жони соғлик, саломатлик.

... Мустафо с. а. в. дебдурким, (тансиҳатлик ва хотиржамлик – икки неъматдурки, кўп одамлар унинг қадрига етмайдурлар).

Насойим ул-муҳаббат, 77-б.

ТАНСУХА [*ф.* تنسوخه] қ. **Тансуқа.**

[*Шайх Абу Саид Абулхайр*]. *Ҳазрат Шайх ул-ислом қ. р. дурким, Ҳирида саккиз ботмон нон бир тансуха эрмиш ва алар ёз гиёҳи бирла кун кечурур эрмишлар.*

Насойим ул-муҳаббат, 22-б.

ТАНСУҚА [*ф.* تنسوقه] Нодир нарса, қимматбаҳо нарса, инъом.

ТАНУҚЛУҚ [*т.* تانوق لوق] Нишонлик, белгилилик.

Шайх ул-ислом дебдурки, бу Али р. а.га нуқс эмасдурки, тануқлуқдур, ул мазкур булгай уч нимага.

Насойим ул-муҳаббат, 195-б.

ТАНҲОЛИҒ [*ф.-т.* تنهالیغ] **1** Танҳолик, яккалик; алоҳидалик, жудолик.

2 Фақатлик, биргиналик.

Ҳусн аро чун ўйла фард ўлдунгки йўқ ҳамто сенга,
Ишқинг ичра хуш келур халқ аҳлидин танҳолиғим.

Наводир ун-ниҳоя, 376-б.

ТАП(П)ОНЧА [*т.* طپانچه] қ. **Табонча**

ТАРАДДУДСИЗ [*а.-т.* تردد سیز] **1** Бирор масалада иккиланмаслик, тайергарликсиз, бетараддуд.

2 Саъй-ҳаракасиз.

Эй Навоий, пора-пора бўлса кўнглунг яхшидур,
Ким тараддудсиз олишқайлар ани дилхоҳлар.

Наводир уш-шабоб, 112-б.

ТАРАКА [*а.* تركه] Мерос, вақфлик.

[*Абдураҳмон Жомий*] *... қисмат кохида илми ун оламча эрканлардин изтирор ортўқроқ тарака олгон ва уламо умматига к-анбиёйи исрошл комида юз йигирма турт минг ҳариф аросида ўзини тариқат элининг муқтадо ва имоми ...*

Хамсат ул-мутаҳаййирин, 7-б.

ТАРАҚҚУБ [*а.* ترقب] Интизорлик тортмоқ, мунтазир бўлмоқ; эртаю кеч хизматда бўлмоқ.

... ва ҳукумат маҳкамасида додхоҳ сурдум ва гоҳ подшоҳ наёбатида тараққуб тўздум ва наззорагар элга ўзумни комрон қургуздум.

Маҳбуб ул-қулуб, 10-б.

ТАРДОМАНЛИҚ [*ф.-т.* تردامن ليق] Фосиқлик, ахлоқсизлик, бадахлоқлик, бузуқлик.

Ҳар фисқким, пушаймонлиқ ўтин ёрутқай, ул ўт тардоманлиқ олудалигин қурутқай.

Маҳбуб ул-қулуб, 100-б.

ТАРЖУМОН [*а.* ترجمان] Таржимон, таржима қилувчи.

Таржумон ул-асрор 1) сирлар таржимони; 2) шайхларга берилган нисбат.

[*Шамсуддин Муҳаммад Ҳофиз Шерозий қ. с.*]. *Алар лисон ул-ғайб ва таржумон ул-асрордурлар.*

Насойим ул-муҳаббат, 479-б.

ТАРЗИҚ [*а.* ترزيق] Бир-бирига муносабатсиз равишда бириккан сўзлар ва улар иштирокида шеър битиш (тарзиқ) санъати.

[*Мир Сарбараҳна – форсигўй шоирлардан*]. *Ғоят шух табълигидин тарзиқ айтмоқ қоидасин Мир пайдо қилди.*

Мажолис ун-нафоис,115-б.

ТАРИМОҚ [*т.* تاريماق] Экмоқ.

Кўксини қилди Навоий чу шиёр,
Тухми меҳрингни бу мазраъда ториб.

Наводир уш-шабоб, 53-б.

ТАРИҚАТОСОР [*а.* طريقت آثار] Тариқатлик, тариқат асарлик.

Мундоқ киши олиме керак исломпаноҳ ва орифе керак муқарраби даргоҳ, хирадманди шариатшиор ва фақрга хурсанд ва тариқатосор.

Маҳбуб ул-қулуб, 21-б.

ТАРИҒ [*т.* تاريغ] Буғдой; тариқ.

Тариг киби суюлур талхкомлиқ бирла,
Тариг-тариғки йиғиштурди алтунин норанж.

Бадоеъ ул-бидоя, 101-б.

Бир куни Хожа Музаффар Нуқонда айтур эрдики, бир паймона тариғдин бир дона Шайх Абу Саид Абулхайрдур, боқи барчаси мен.

Насойим ул-муҳаббат, 214-б.

ТАРИҒ-ТАРИҒ [*т.* تاريغ تاريغ] Хирмон-хирмон.

Тариг киби суюлур талхкомлиқ бирла,
Тариг-тариғки йиғиштурди олтунин норанж.

Бадоеъ ул-бидоя, 101-б.

ТАРОВАТЛИҒ [*а.-т.* طراوت لیغ] Яшнашлик, сафоланишлик, тароватлик.

Қаноат натижаси мундин комилроқ оз зуҳур қилиб эркин ва хурсандлиг боғчасининг раёҳини мундин тароватлиғроқ кам очилиб эркин.

Маҳбуб ул-қулуб, 55-б.

ТАРОНА [*ф.* ترانه] **1** Ашула, суруд.

2 Икки байтлик (дубайтий), аруз илмида рубоий вазнининг номи.

Рубоий вазниким, ани «дубайтий» ва «тарона» ҳам дерлар.

Мезон ул-авзон, 66-б.

ТАРОНАГУСТАР [*ф.* ترانه گستر] Ашулачи, оҳанг тарқатувчи, чалувчи, хониш қилувчи.

Сарҳуш таронагустар бўлмишсен, эй Навоий,
Соқий, сен эмди тут май мутриб, сен эмди туз уд.

Бадоеъ ул-васат, 97-б.

ТАРОНҒУ [*т.* ترانغو] Бир турли ёввойи дарахт, тўронғи.

Қоматинг нозуку тўби нозук.
Сарв раъновў таронгу раъно.

Бадоеъ ул-васат, 31-б.

ТАРОҚ [*т.* تراق] Бирор нарсанинг тушиб ёки синиб кетиши каби ҳолатлардан юзага келган товуш.

Тоғу фалакларда тароқо тароқ,
Барча тароқида аён алфироқ.

Ҳайрат ул-аброр, 24-б.

Тароқо тароқ Икки нарсанинг бир-бирига урилишидан чиққан овоз.

Тоғу фалакларда тароқо тароқ,
Барча тароқида аён алфироқ.

Ҳайрат ул-аброр, 24-б.

ТАРРА [*ф.* تره] Овқатга қушиб ейиладиган кукат, сабзавот, нонхурак учун айрим ўсимликлар баргидан тайёрланган масаллиқ.

Сабзаси нон узра зумуррад бўлуб,
Таррраси хон ичра забаржад бўлуб.

Ҳайрат ул-аброр, 168-б.

ТАРРАФУРУШ [*ф.* تره فروش] Сабзавотфуруш, кукатфуруш, сабзавот экинларини сотувчи.

Қози бу ҳолни кургач борадурғон тарафдин қайтти ва дедики, бир таррафуруш сабзилари ғамин еб, қурумасун деб, анга дам-бадам сув сепар бўлса, ҳошо Тенгри карамидинки бандалари сабзазори ҳаётин сувсузлуқдин қуруғали раво кургай?

Насойим ул-муҳаббат, 372-б.

ТАРРОҲЛИҒ [*а.-т.* طراح لیغ] **1** Наққошлик.

2 Бино ва иншоотларни қурувчи мутахассис, меъмор.

Бу етти гулшани жаннатосо ва етти қасри сипехрфарсо тарроҳлиғининг жиҳати ва меъморлиғининг кайфияти...

Сабъаи сайёр, 45-б.

ТАРФИЛ [*а.* ترفيل] Шеър баҳрларидан бири.

«Тарфил» – мустафъилуннинг ватади мажмуъига бир сабаби хафиф изофа қилмоқдур, мустафъилотун булур, мустафъилотун анинг ўрнига қуярлар.

Мезон ул-авзон, 50-б.

ТАРҚАШМОҚ [*т.* تارقا شماق] Тарқашмоқ, тарқамоқ.

Зулфи эл кунглин паришон айламакка жамъ улуб,
Турфароқ буким, кунгулларни йиғарга тарқашиб.

Ғаройиб ус-сиғар, 71-б.

ТАСАДДУҚ [*а.* تصدق] **1** Садақа қилиш, Аллоҳ йўлига садақа қилиш, садақа йўли билан бировга бирор нарса бериш, худойи қилиш.

2 Хайрот.

Тасаддуқ қилмоқ Хайрот қилмоқ; садақа қилмоқ.

Бу сийм аҳкомидур қилмоқ тасаддуқ,
Яна ашёда мундоқ бил таҳаққуқ.

Сирож ул-муслимин, 285-б.

ТАСКИНПИЖУҲ [*а.-ф.* تسكين پژوه] қ. **Таскинпужуҳ.**

ТАСКИНПУЖУҲ [*а.-ф.* تسكين پژوه] Ором олиш; ором олувчи.

Элин ҳам айириб деди: Сиз гуруҳ,
Булунг ушбу манзилда таскинпужуҳ.

Садди Искандарий, 503-б.

ТАСЛИК [*ф.-т.* تسليك] Ёмонлик.

[*Шайх Нуруддин Абдураҳмон Исфаройиний...*]. *Толиблар таслики ва муридлар тарбияти ва аларнинг вақоеъи кашфида азим шони бор эрмиш.*

Насойим ул-муҳаббат, 305-б.

ТАСМА [*ф.* تسمه] Чармли буғов, банд, кишан; камарбанд.

Қулумда банди жунун тасмаси, не фикр эткай
Паривашеки, миниб дев, қулга олса жилов.

Бадоеъ ул-васат, 361-б.

ТАТБИҚ [*а.* تطبيق] Мувофиқлаш, солиштириш, уйғунлаштириш.

Мену шайтонга татбиғким, эрур
Мендек ул доғи маломат аҳли.

Бадоеъ ул-васат, 492-б.

ТАТМИМ [*а.* تتميم] Охирига етказиш, тугаллаш, тамом қилиш, поёнига етказиш.

... ва Шайх Саъид шайхнинг битконин биайниҳи табаррук ва таяммум жиҳатидин шарҳининг дебочасида келтурубдур ва сониян фойда таъмиму татмими учун арабий иборатқа нақл қилибдур.

Насойим ул-муҳаббат, 398-б.

[*Шайх Шоҳ Зиёратгоҳий қ. с.*]. *Чун инзивоси гояти қувват ва нияти такмилу татмимга етибдур...*

Насойим ул-муҳаббат, 431-б.

ТАФАРРУД [*а.* تفرد] Якка қолишлик, танҳолик, яккалик; ўзини ёлғизликда тутишлик; покланиш, яккаланиш.

... ва эътиқод поклиги ва тажарруд ва тафарруд таврида ва оламда ҳар не келса, хуш булмоқ ва хуш ўткармоқ...

Насойим ул-муҳаббат, 472-б.

ТАФЗИЛ [*а.* تفضيل] Афзал гутиш, ортикроқ берилиш.

Ва икки жаҳон жамоли кошфу ризодур ва олам нохушлиги ҳижобу сахатда ва бу возиҳ баёнидур, фақрнинг гиноға тафзилининг, валлоҳу аълам.

Насойим ул-муҳаббат, 68-б.

ТАФОВАТ [*а.* تفاوت] **1** Айирма, фарқ, ажратиш, тафовут.

2 Ажратиб турувчи оралиқ, ўртасидаги масофа.

Кимгаки биззот саховат дурур,
Фақру гинодин не тафоват дурур.

Ҳайрат ул-аброр, 236-б.

ТАФОВУТ [*а.* تفاوت] қ. **Тафоват**

ТАХАЛЛУФСИЗ [*а.-т.* تخلف سز] **1** Бехилоф, ихтилофсиз; қарпиликсиз, номувофиқликсиз.

2 Орқада қолмаслик.

Ва ҳар неки, Ибн Нуқта бобида деди, тахаллуфсиз воқеъ булди.

Насойим ул-муҳаббат, 381-б.

ТАХЛИЪ [*а.* تخلع] **1** Ечиб олиш (кийимни).

2 Шеър баҳрларидан бири.

«Тахлиъ»-мустафъилунда «хабн» ва «қатъ» ижтимоидур, мустафъил қолур, фаъулун анинг ўрнига қўярлар.

Мезон ул-авзон, 49-б.

ТАХТАГИЗ [*ф.-т.* تخته گز] Тахта кигиз.

Шаҳеким кўкка чиққай тахту жоҳи,
Гадоким, тахтагиз бўлгай паноҳи.

Фарҳод ва Ширин, 61-б.

ТАХТАС-САРИ [*а.* تختاسري] Пойтахт.

Ул авж узраким сочилиб сўз дури,
Сурайё келиб анда тахтас-сари.

Садди Искандарий, 40-б.

ТАХТПЎШ [*ф.* تختپوش] **1** Тахт ёпинчиги

2 Тобут ёпинчиги.

Поя етти зиналиг тахтингга, етти чарх улуб,
Тахтпўшунг зинати тарсиъ ахтар булди тут.

Бадоеъ ул-васат, 55-б.

ТАШАББУҲ [*а.* تشبه] Ўхшашлик, ўхшалиш

Ташаббуҳ айламак Ўхшатмоқ

Хайлу асҳоби ташаббуҳ айламак,
Тенгрига лекин таважжуҳ айламак.

Лисон ут-тайр, 124-б.

ТАШАРРУЪ [*а.* تشرع] Киришганлик; бошлаш

[*Хожа Абдураҳмон Гаҳворагар қ. с.*]. *Ва буюк сузлар айтур эрди ва мавлоно Разиюддин Али хидматлари гоят ташарруъда эрдилар.*

Насойим ул-муҳаббат, 317-б.

ТАШАҲҲУД [*а.* تشهد] **1** Намозда ўқиладиган дуолардан бири, намознинг «қаъдаи охир» ида ўқиладиган дуолардан бирининг номи; «Аттаҳиёту лиллоҳи вас-саловоту ват-таййибот. Ассалому алайка айюҳан-набийю ва раҳматуллоҳи ва баракатуҳ. Ассалому алайка ва ало ибодиллоҳис-солиҳин. Ашҳаду ан ло илоҳа иллаллоҳу ва ашҳаду анна Муҳаммадан абдуҳу ва расулуҳу»ни айтмоқ.

Киши бу ерга истар булса маъни,
Ташаҳҳудгача қилмоқ макс яъни.

Сирож ул-муслимин, 283-б.

Бирин эл қаъдаи аввал тааҳҳуд,
Бири бу қаъдадин сунгра ташаҳҳуд.

Сирож ул-муслимин, 283-б.

2 Намозда «қаъдаи охир» ҳолати ёки вақти.

[*Адиб Кумандий р. т.*]. *Дебдурларки, йигирма йил купрак авқот аёг устига туруб ерди, магар ташаҳҳуд вақтики, ултурур эрди.*

Насойим ул-муҳаббат, 220-б.

ТАШДИД [*а.* تشديد] **1** Шиддатлантириш, иккилантириш.

2 Ундош товушларни икки қайталаб айтиш (карра, аммо каби).

Зулфунг устида гажак қуллоблар тақлидидур,
Йуқса килки сунъдин ул турранинг ташдидидур.

Фавойид ул-кибар, 127-б.

ТАШИ [*т.* تاشى] Ташқари.

Али Моёний қ. с. уз кенти Моёндин Абардиҳқа ташриф келтурдилар ва кентнинг ташида тушуб, мени тиладилар.

Насойим ул-муҳаббат, 317-б.

ТАШЛАМОҚЛИҚ [*т.* تاشلامق ليق] қ. **Ташламоғлиқ**.

Ўт ичра ташламоқлиқ ўйлаким барқ
Ки, бўлгай шуъла тўфони аро ғарқ.

Фарҳод ва Ширин, 326-б.

ТАШЛАМОҒЛИҚ [*т.* تاشلامغ ليق] **1** Ташламоқлик; тушириб юбормоқлик.

2 Қўймоқлик.

Есун итинг жигаримни узуб-узуб, негаким
Кесиб-кесиб қошига ташламоғлиқ эрмас адаб.

Наводир уш-шабоб, 38-б.

3 Тушириб қуймоқлик.

4 Тушириб қолдирмоқлик.

ТАШНАЛАБЛИҒ [*ф.-т.* تشنه لبلغ] Лаби қуриганлик, чанқоқлик.

Соқиё, ратли гарон бирла мени сероб қил,
Ким қурубтур ташналаблиғдин манга бисер оғиз.

Фавойид ул-кибар, 154-б.

ТАШНАЛИҒ [*ф.-т.* تشنه ليغ] Ташналик, чанқоқлик, сувсаганлик.

Рўзада лаб ташналиғдин қилди заъф ул моҳрў,
Жон берурмен лаълига то бўлгуси жонимда су.

Бадоеъ ул-васат, 356-б.

ТАЪВИҚ [*а.* تعويق] Қайтариш, кечиктириш, ман этиш, пайсалга солиш; банд солиш.

Эмдиким, махал топиб, бу мазкур бўлгон муддаони арз қилдим – ғариб даст бердиким, аларнинг ҳам муборак хотираларига биайниқи ушбу навъ ўтар эрмиш, аммо баъзи мавонеъ сабабидин тавқиф ва таъвиққа қолур эрмиш.

Хамсат ул-мутаҳаййирин, 49-б.

ТАЪЗИБ [*а.* تعذيب] Қийнақ; азоб бермоқ, озор бермоқ.

Чун таъзиб шиддатидин ҳордилар, ул мажмуъдин судраб чиқордилар.

Маҳбуб ул-қулуб, 57-б.

ТАЪЛИФОТ [*а.* تأليفات] **1** Икки ёки ундан ортиқ ижод намуналарини бир-бирига боғлаб тартибга келтириш.

2 Ижод намуналари, асарлар; муаллифлик.

[*Шайх Аҳмад Ғаззолий р. т.*]. *Ва муъатабар таснифоти ва таълифоти бор.*

Насойим ул-муҳаббат, 251-б.

ТАЯММУМ [*а.* تيمم] **1** Ислом дини шариати қоидаларига кўра мусулмонлар сув бўлмаган жойда тупроқ ёки қум зарралари билан юз-қўл ва бошқа яширин аъзоларига таҳорат олиши мумкин; намознинг таяммум фарзлари.

Таяммум фарзи аввал бўлди ният,
Илик туфроққа урмак икки навбат.

Сирож ул-муслимин, 282-б.

Таяммум ноқисин айлай ишорат,
Эрур ҳар неки нуқс этгай таҳорат.

Сирож ул-муслимин, 282-б.

Заъфда ултуруб ва кўпрак заъфда ётиб ва назъ холатида ишорат била муқаррар бўлубтур, сув бўлмагонида таяммум била, аммо маоф бўлмайдур.

Мунша́от, 221-б.

2 Кунгил таҳорати.

Поклик даъби гар эрмастур сулук ичра, не суд,
Баҳру барда гар таҳорат, гар таяммум айларам.

Ғаройиб ус-сиғар, 339-б.

Ҳам «Футуҳот»дадурки, халойиқ илигларин Шайх Абу Мадянга суртуб, табаррук ва таяммум жиҳатидин юзларига суртарлар эрди.

Насойим ул-муҳаббат, 384-б.

ТАЯРОН [*а.-ф.* طيران] Учиш, парвоз қилиш.

Учмак, туз ўлди таярони анинг,
Бўлса ер эгри, не зиёни анинг?

Ҳайрат ул-аброр, 201-б.

ТАҚБИЛ [*а.* تقبيل] **1** Ўпиш, упич олиш.

2 Мусулмон киши ҳаж ёки умрага Маккатуллоҳга борганида зиёрат қилиш амалларидан бирини адо этиш, яъни Каъба деворларидан бирига ташқаридан жойлаштирилган Ҳажар ул-асвад (қора тош-жисмсли хусусиятига кўра ҳам у бошқа тошлардан фарқли уларок сувда чукмайди) ни зиёрат қилганда унга пешона, юз, кузларини суртиб ўпиши ва тавоф қилиши.

Курдумки, Ҳажар ул-асвад тақбили килди ва Фотиҳадин тиловат бунёд қилди.

Насойим ул-муҳаббат, 400-б.

ТАҚДИРСИЗ [*а.-т.* تقدير سز] **1** Кўргиликсиз; **2** Фараз қилмаслик, тахмин қилмаслик.

3 Қимматсиз.

4 Қазосиз, қадарсиз.

Ҳамла кетур размда тақсирсиз,
Билки киши ўлмади такдирсиз.

Ҳайрат ул-аброр, 327-б.

ТАҚДИС [*а.* تقديس] Муқаддас ҳисоблаш, пок ва муборак ва қутлуғ саналш, азиз ва ҳурматли билиш, поклик билан эслаш.

Эшиттимки, олам ва ҳар не андадур, Ҳақ субҳонаҳу ва таоло тасбеҳин мухталифа тил била айтадурлар, анвоъи тақдис била. Яқин эрдики, ақлим зойил булгай.

Насойим ул-муҳаббат, 380-б.

ТАҚЛИДИЙ [*а.* تقليدي] **1** Тақлидлик, тақлидчилик.

2 Мажбуриятлик.

3 Масъулиятлик, жавобгарлик.

Бир қатла Ҳазрат Амир ул-мўъминин Алининг имони тақлидий экандур деганга, ул ҳазратнинг руҳидин гариб сиёсат ва шиканжалар курди.

Мажолис ун-нафоис, 120-б.

ТАҚЛИЛ [*а.* تقليل] Кам қилиш; озайтириш, камайтириш; озғин бўлиш.

Ва маном тақлилида эътидол тариқи била кушиш қилмоқ, алал-хусус...

Насойим ул-муҳаббат, 270-б.

ТАҚСИРЛИҚ [*а.-т.* تقصيرلق] Қусурлик; сусткашлик.

Булма бу пир олида тақсирлиқ,
Истар эсанг давлат ила пирлиқ.

Ҳайрат ул-аброр, 328-б.

ТАҚСИРСИЗ [*а.-т.* تقصير سز] Сустлик қилмаслик, камчиликсиз, енгиллик қилмаслик; бекусур, бенуқсон, беайб.

Ҳамла кетур размда тақсирсиз,
Билки киши ўлмади'тақдирсиз.

Ҳайрат ул-аброр, 327-б.

ТАҒМОЧ [*т.* تغماج] Тағмоч (элат, халқ).

Ўзбак, мўғул ўлгай анинг оллида мусулмон,
Билман ани қалмоқмудур, йўқ эса тағмоч.

Наводир уш-шабоб, 77-б.

ТАҲ [*ф.* ته] **1** Таг, ост қабат.

2 Териб, тахлаб қуйилган нарса ёки унинг ҳар бир тахлами, тах.

Бир таҳ нон Бир тах нон.

[*Абунаср Саррож р. т.*]. *Ва таровиҳда Қурьонни беш хатм қилди. Ва ходим ҳар кеча бир таҳ нон анинг ҳужрасига элтар эрди.*

Насойим ул-муҳаббат, 199-б.

Бир таҳ ўтмак Бир тах нон

[*Шайх Абуали Сиёҳ қ. с.*]. *Кундуз икки таҳ ўтмак олиб, уйдин чиқар эрди, йўлда фуқарога яширин берур эрди.*

Насойим ул-муҳаббат, 203-б.

ТАҲАЙЮРОТ [*а.* تحيرات] Ҳайратланиш, ҳайрон бўлиш, шошиб қолиш, ҳайронлик.

... ва буҳайрот шарҳидин елга таҳайюрот солиб ва анҳор можаросидин сойилни баҳрдек хушклаблиқдин сероб қилгони.

Садди Искандарий, 485-б.

ТАҲАККУМ [*а.* تحكم] Зўравонлик билан ҳукмронлик қилиш, устун чиқиш.

Таҳаккум қилмоқ Ҳукмронлик қилмоқ.

Эй қазо ҳукмига ожиз, бу сифат маҳкум улуб,
Фақр атворида ҳеч иш жуз таҳаккум қилмадинг.

Бадоеъ ул-бидоя, 282-б.

ТАҲАММУЛСИЗ [*а.-т.* تحمل سيز] **1** Бесарб, чидамсиз, бардошсиз, оғир ва қийинчилик дамларда сабр-бардошли бўлмаслик.

2 Мажбуриятсиз

Таҳаммулсиз бўлуб топти сўзим гул,
Халойиқ қилмасун ваҳмига маҳмул.

Фарҳод ва Ширин, 332-б.

Таҳаммулсиз бўлуб уй сори бориб,
Эшик очилмогондин сўнг қўнгориб.

Фарҳод ва Ширин, 447-б.

ТАҲАММУЛСИЗЛИҚ [*а.-т.* تحمل سيزلق] Бесабрлик, чидамсизлик, бардошсизлик, бетоқатлик.

... ва дилфуруз ғазаллар иштиголи била таҳаммулсизлиққа итмийнон берурлар эрди.

Хамсат ул-мутаҳаййирин, 13-б.

ТАҲАРРУКЛУК [*а.-т.* تحرك لوك] Ҳаракатлик, қимирлашлик, тебранишлик

... то рузгор ҳаводиси ул жаҳондор салтанати асосин барҳам урди ва ел таҳарруклук сипеҳр ул комгор шамъи ҳаётин ўчурди...

Бадоеъ ул-бидоя, 15-б.

ТАҲАРРУКСИЗ [*а.-т.* تحرك سيز] Қимирламаслик, тебранмаслик, ҳаракатсиз.

Азал субҳики қилди хомаи сунъ
Таҳарруксиз хароши номаи сунъ.

Фарҳод ва Ширин, 55-б.

ТАҲАҚҚУҚ [*а.* تحقق] Исботга етишмоқ, ҳақиқат бўлмоқ

Бу сийм аҳкомидур қилмоқ тасаддуқ,
Яна ашёда мундоқ бил таҳаққуқ.

Сирож ул-муслимин, 285-б.

ТАҲЗИР [*а.* تحذير] Ҳазар қилувчи, қурқишлик, қочиш, четлашиш.

Маҳлуқ мулозаматидин танфиру ғайри ҳақ мулозаматидин таҳзир.

Ғаройиб ус-сиғар, 545-б.

Таҳзир қилмоқ Ҳазар қилмоқ, қочмоқ

Душмандин таҳзир қилмоқким, бийми булғай, хусусанким, ул душмани қадимий булғай.

Ғаройиб ус-сиғар, 547-б.

ТАҲЙИР [*а.* تحيير] Ўзгартириш.

Яна тартиб, яъни улча таҳрир,
Қилинди берма лек анга таҳйир.

Сирож ул-муслимин, 280-б.

ТАҲМТАНЕ [*ф.* تهمتنى] **1** Қувватли, кучли, қудратли, шижоатли бир паҳлавон киши.

2 Шижоатли паҳлавон Фирдавсий «Шоҳнома» сидаги қаҳрамон Баҳман ва Рустами Золнинг лақаби.

Чун яна майдон сори қургузди хез,
Таҳмтане тортиб эди тиғи тез.

Ҳайрат ул-аброр, 86-б.

ТАҲНИЯ(Т) [*а.* تهنية//تهنيت] Қутлаш, табриклаш, муборакбод этиш.

... гуё бу ун [улмасдан бурун ўлинглар] ҳадиси ҳукми ишорат ангадурки, ўлумнинг таҳниясида булғай, чун вақт етган эркандур.

Насойим ул-муҳаббат, 433-б.

ТАҲНИЯТОМИЗ [*а.-т.* تهنيت اميز] Муборакбод этишли, табриклашли, қутлашли.

Таҳниятомиз руқъа ҳам битиб эрдим.

Хамсат ул-мутаҳаййирин, 39-б.

ТАҲОВУН [*а.* تهاون] Хор саналиш, ҳақирлик.

[*Шайх Аҳмад Чиштий...*]. *Ҳеч навъ шаръда сустлик раво курмас эрдилар, таҳовунга не еткай?*

Насойим ул-муҳаббат, 234-б.

ТАҲОРАТСИЗ [*а.-т.* طهارت سيز] **1** Бетаҳорат, покланмаслик, поклик-сиз, тозаликсиз.

2 Намоздан олдин таҳорат билан қилинадиган амалга риоя қилмаслик, ювинмаслик, ғусул қилмаслик.

Улки эрмас ишқи поку сажда айлар курса ҳусн,
Ўйладурким, айлагай фосиқ таҳоратсиз намоз.

Бадоеъ ул-бидоя, 215-б.

Ўзин пок айламай ошиқни, ёр оллинда қўйгай бош,
Эрур ул навъ, зоҳидким таҳоратсиз намоз эткай.

Бадоеъ ул-васат, 426-б.

ТАҲРИМА [*а.* تحريمه] Намознинг бошланишида «Аллоҳу акбар» деб айтиш.

[*Абу Язид Бистомий қ. с.*]. *«Аллоҳу акбар» деб такбири таҳрима боғлагондин сўнгра, ҳар туки тубидин бир қатра қон бош урубдур.*

Насойим ул-муҳаббат, 17-б.

ТАҲТАС-САРО [*а.* تحت الثرى] Ер ости.

Кимки фавқус сурайё эди манзили,
Тобеъинг бўлмагач кирди таҳтас-саро.

Бадоеъ ул-васат, 11-б.

ТАҲТАШ-ШУОЪ [*а.* تحت الشعاع] Ҳар ойнинг охирларида пайдо бўладиган, ҳилол; фалак нури, осмон чироғи.

Бурунгидаким ойга қилди видоъ,
Қамар манзили бўлди таҳташ-шуоъ.

Садди Искандарий, 27-б.

ТАҲҚИҚИЙ [*а.* تحقيق] Ҳақиқатига етувчи; текширувчи

Аҳли таҳқиқий Тақводорлар, художўйлар, порсолар.

Илми адвору фанни мусиқий,
Мендин ул илм аҳли таҳқиқий.

Сабъаи сайёр, 336-б.

ТАҲҚИҚОТ [*а.* تحقيقات] Бирор нарсанинг ҳақиқатини излаш, текшириб кўриш ва ҳақиқатига етиш, ҳақиқатлар, кузатишлар; кашфу кароматлар.

[*Заҳириддин Абдураҳмон б. ...*]. *Анинг таносифидин бири «Аворифф» таржимасидурки, анда кашфу илҳомдин содир бўлгон таҳқиқоти кўпдур.*

Насойим ул-муҳаббат, 341-б.

[*Шайх Садруддин...*]. *Ва Шайхнинг мақсуди вужуд масъаласи ваҳдатида бир важ билаки, ақлу шарҳ мувофиқи бўлгай, анинг таҳқиқоти татаббўъидин айру фаҳм бўлмоқ муяссар эмас.*

Насойим ул-муҳаббат, 396-б.

ТЕБРАНМАКЛИК [*т.* تبرانماك لك] Қимирламоқлик, ҳаракатга келмоқлик, чайқалмоқлик.

Қолмамен ғам юки остида ул навъ,
Ки тебранмаклик эрмас эҳтимолим.

Наводир уш-шабоб, 308-б.

Кўпмоғи мумкин эмастур, балки тебранмаклиги,
Топмаса жонбахш лаълинг нуктасидин жон сабо.

Бадоеъ ул-васат, 33-б.

ТЕБРАТГУЧИ [*т.* تبرتگوچی] Қимирлатувчи, ҳаракатга келтирувчи.

Дегайсенки, аларнинг дўстларидинмен ва сўзларин эшитсанг, агарчи маъносин билмасанг, бош тебрат, то тонгла дегайсенки, аларнинг бош тебратгучиларидинмен.

Насойим ул-муҳаббат, 206-б.

ТЕВРУК [*т.* تورك] **1** Теварак, тугарак.

2 Улоқ, қуроқ, тешик, йиртиқ.

Кўнглакига пора тугондин ўрун,
Хирқаи идборига теврук йўрун.

Ҳайрат ул-аброр, 193-б.

Доғи кўп танники хирқам ёпмиш, эй сиймингбадан,
Англа ҳар теврук юрун остида бир теврук туган.

Бадоеъ ул-васат, 314-б.

ТЕВУРУК [*т.* تیوروك] қ. **Теврук**.

Шайхнинг уйлаки, ошуққа момуг остида доғ,
Тевурук руқъалар остида тикилмиш дирами.

Фавойид ул-кибар, 401-б.

ТЕГМАСЛИК [*т.* تیگمالیك] Тегмаслик.

Шикоят тегмаслик Шикоят етмаслик.

Роз гавҳарин кўнгул махзанида ёшураолмаганга, яна биров фош қилгандин шикоят тегмасликда.

Бадоеъ ул-васат, 501-б.

ТЕЗБОЗОРЛИК [*ф.-т.* تیزبازارلیق] Суз бозори, тез бозорлик, киши қадр-кимматини жойига қўймоқлик.

Суз ичра анга тезбозорлиқ,
Бу бозор аро турфа атторлиқ.

Садди Искандарий, 46-б.

Ва лек истасам тезбозорлиқ,
Алар зоҳир этмай харидорлиқ.

Садди Искандарий, 558-б.

ТЕЗВАҚТ [*ф.-а.* تیزوقت] **1** Тез фурсат.

2 Уткир. комил.

[*Абулҳусайн Нурий қ. т. с.*]. *... ва Жунайд қ. с. ақронидиндур ва андин тезвақтроқ дебдурлар.*

Насойим ул-муҳаббат, 60-б.

ТЕЗГОМ [*ф.* تیزگام] Илдам, тез юрувчи, чаққон.

Яна минг хачир, барчаси тезгом,
Сипехри ҳарундек борига хиром.

Садди Искандарий, 371-б.

ТЕЗФАҲМ [*ф.-а.* تیزفهم] Тез идрокли, фаҳми тез; қобилиятли, фаҳм-фаросатли.

Андоқ маълум булурки, турк сортдин тезфаҳмроқ ва баланд идрокроқ ва хилқати софроқ ва покроқ махлуқ булубдур...

Муҳокамат ул-луғатайн, 11-б.

ТЕЗҲУШ [*ф.* تیزهوش] Зийрак, ҳушёр, фаҳми уткир.

Урарга зулм тигин тезҳуш ул,
Демайким, тезҳуш, Фарҳодкуш ул.

Фарҳод ва Ширин, 397-б.

ТЕЛБА [*т.* تیلبه] **1** Ақлдан озган, девона, жунунваш.

2 Бирор нарсага, кимсага ортик даражада берилган; савдойи, шайдойи.

Телба қуш Фарҳод назарда тутилган.

... ва ул ҳийлагар афсун риштаси домин очиб тазвир ашки донасин сочиб ул телба қушни гирифтор қилгони...

Фарҳод ва Ширин, 313-б.

3 Телбага хос, телбаликни акс эттирувчи; маъносиз.

4 Жиловланмаган, асов, «қутурган».

ТЕМОР [*ф.* تیمار] **1** Дард, ғам, андуҳ, ғусса.

2 Ғамхўрлик, севишлик.

Ранжу темор Дард-машаққат; бирор ишни юзага чиқариш йўлидаги ҳаракат.

Йиглаб кўруб онча ранжу темор
Ким, заъф қилиб нечукки бемор.

Лайли ва Мажнун, 91-б.

Ул навъ ну ҳуфта ранжу темор,
Бистар уза жисмин этти бемор.

Лайли ва Мажнун, 241-б.

ТЕМУРБАНД [*ф.-т.* تیموربند] Темир билан кишанбанд қилинган, темир кишан.

Ҳам сингон эмиш йигочга пайванд,
Ҳам чиқмиш аёгидин темурбанд.

Лайли ва Мажнун, 125-б.

ТЕМУРЧИЛИК [*т.* تیمرچی لیک] Темирни боғлаб, ундан турли буюмлар ясайдиган уста, темирчилик.

Ва Шайх Абу Ҳафз Ҳаддод қ. р. темурчилик қилибдур.

Насойим ул-муҳаббат, 15-б.

Шайх ул-ислом дебдурки, Абу Жаъфар Ҳаддод ўн етти йил Мисрда темурчилик қилиб, анинг муздидин ҳеч нима ўз нафсига тасарруф қилмас эрди ва фуқарога нафиқа қилур эрди.

Насойим ул-муҳаббат, 118-б.

ТЕНГАШМАК [*т.* تنگلاشمک] Тенглашмоқ.

[*Саййид ато а. р.*]. *Иши ул ерга етган экандурки, дебдурки, мен ва Аҳмад тенгаштук, мен бийикрак эрдим.*

Насойим ул-муҳаббат, 425-б.

ТЕНГЛИК [*т.* تنگلیک] **1** Тенг, тенглик.

Тенглик анга худ гумон эмастур,
Чўн яхшидурур, ёмон эмастур.

Лайли ва Мажнун, 33-б.

Ва Муҳаммад б. Абулҳаворий анинг қардоши, зуҳду тақвода анинг била тенглик қилур эрди.

Насойим ул-муҳаббат, 54-б.

2 Ҳақ-ҳуқуқда баравварлик.

Шайх ул-ислом Шайх Амудин нақл қилибдурким, бир чоқ Маккада тенглик тушти.

Насойим ул-муҳаббат, 192-б.

ТЕНГРИ [*т.* تنگری] Аллоҳ, Ҳақ.

Тенгри таоло Ҳақ таоло; Аллоҳ таоло.

... ва Ҳақ субҳонаҳу ва таоло қошида даги тавбалар қилиб, аҳдлар боғлаб онтлар ичиб, борчани бузуб, Тенгри таолодин қурқмадинг.

Мунша от, 216–217-б.

ТЕНГСИЗ [*т.* تنگسیز] **1** Тенги, мисли йўқ, бемисл, тенг эмас, баробар эмас, кам.

Тўла қуй жами гардунвашқа май, эй соқийи маҳваш
Ки, ғам хайлини ғарқ айлар тенгсиз бу навъ аёг улмиш.

Наводир уш-шабоб, 192-б.

2 Бир-бирига мос эмаслик, номуносиб.

Деса Хусравни ўздин кам эмастур,
Ўзин тенгсиз деса, ул ҳам эмастур.

Фарҳод ва Ширин, 290-б.

ТЕНГТЎШЛУҚ [*т.* تنگ توشلوق] Ёш жиҳатдан тенглик, тенгқурлик, тенгтўшлик.

[*Шаҳридод*]. *Чун подшоҳлиқ тахтиға ултурди, чун андин улуғроқ ва тенгтўшлуқ эл бор эрдилар.*

Тарихи мулуки ажам, 251-б.

ТЕПРАНМАК [*т.* تپران ماك] Тебранмоқ, ҳаракатга келмоқ.

[*Фузайл б. Иёз қ. т. р.*]. *Шайх ул-ислом қ. с. дедиким, ҳар ким ани бийм юзидин парастиш қилур узин парастиш қилур ва уз нажоти тамаъиға тепранур, йуқ, муҳаббату фармон итоатқа.*

Насойим ул-муҳаббат, 36-б.

ТЕРАНГ [*ф.* تیرنگ] к **Тийранг**

Ғарқа бўлди нотавон жисмим сиришким баҳрида,
Гарчи су неча теранг бўлса, чумурмас коҳни.

Бадоеъ ул-васат, 448-б.

ТЕРМА [*т.* تیرمه] Саралаб сайланган, энг сара нарса, энг сара буюм, саралаб-саралаб йиғиб, бирлаштириб ташкил этилган, тузилган.

[*Зайтуна р. т.*]. *Ва анинг қошидин чиқдим, бир ерга еттим, бир хотун киши манга ёпуштики, мунда бир терма тун эрди, сен эл-тибсен!*

Насойим ул-муҳаббат, 488-б.

ТЕШАКОР [*т.*-ф. تیشه کار] Бинокор уста; дурадгор.

Туруб хайли санноъдин тешакор,
Йиғач кесгали неча минг пешакор.

Садди Искандарий, 481-б.

ТЕШУКЛУК [*т.* تیشوك لوك] Яралик, захмлик, тешиклик, доғлик, ғамғуссалик.

Гар десамким, куйи туфроғин айлай куз ҳалқасин
Минг тешуклук пардаи жон бирла ғарбол эткамен.

Фавойид ул-кибар, 320-б.

... ва бу янглиг қаттиг кечада тешуклук боғрининг қонга буялмоғиким, хора ичинда ёқути аҳмардин нишона курғузур эрди...

Фарҳод ва Ширин, 344-б.

ТИЙБАТ [*а.* طیبت] **1** Хушбуйлик; хуш ислик.

2 Ёқимлилик; покизалик.

Сочинг қорасида юз мушк тийбату тотор,
Қадинг ҳавосида минг сарви Учаву Халлух.

Фавойид ул-кибар, 85-б.

3 Яхшилик, хушфабиатлик.

... ва Абу Усмон Магрибий анга пазира қилди ва тийбат била анга дедики, Макка не сенинг ерингдур?...

Насойим ул-муҳаббат,161–162-б.

ТИЙРА [*ф.* تیره] **1** Қоронғи, қора.

2 Ғам-андуҳли.

Тийра бухор Қоп-қора булутдек.

Ушбу ҳолатда зангийи хунхор,
Тоғ аро ул сифатки тийра бухор.

Сабъаи сайёр, 229-б.

ТИЙРАНГ [*ф.* تیرنگ] Чуқур.

ТИЙРАЖОНЛИҚ [*ф.-т.* تیره جانلیق] **1** Жаҳолатда қолганлик.

2 Ғам-ғуссалик.

Ки: – Фалон,бу не тийражонлиқдур?
Не бало ажзу нотавонлиқдур?

Бадоеъ ул-бидоя, 19-б.

ТИЙРАНДОЗЛИҚ [*ф.-т.* تیراندازلیق] Ўқ отишлик. камондан ўқ отишлик; ўқ отмоқлик.

Ҳар ким тарк қилса тийрандозлиқни ўгригондин сунг бас тарк қилмиш бўлгай менинг суннатимни, ул мендин эмас.

Рисолаи тийр андохтан, 303-б.

ТИККА [*ф.* تکه] Нумератив сўз; луқма, бир нарсанинг маълум бир қисми, парча; бир мунча, бир қисм.

Уч тикка ҳалво Уч луқма ҳалво.

[*Мавлоно Муҳий қ. т. с.*]. *Кичик ёшида бозордин отаси била утуб борурда Бобо Сунгу а. р.ки, замоннинг мажзубларидин эрмиш, илигин тутуб ҳолвапаз дуконига тортиб уч тикка ҳалво оғзига солибдур.*

Насойим ул-муҳаббат, 436-б.

ТИКИКЛИК [*т.* تیکیك لیك] Тикиклик, ямоқлик.

Дедим: қирқ олтин. Деди: Қани? Дедим: тунумда тикикликдур.

Насойим ул-муҳаббат, 374-б.

ТИЛАГУЧИ [*т.* تیلاگوچی] Тилагувчи.

[*Зуннун Мисрий қ. т. с.*]. *Шайх ул-ислом қ. с. дебдурким, ул ўз тилагучисининг йўлдошидур.*

Насойим ул-муҳаббат, 30-б.

ТИЛЛИК [*т.* تیللیك] Тиллик.

Қаро тиллик Ёмон тиллик.

Ва агар юз қаролигидин уёт ва қаро тиллик бўлурдин ҳижоб булмаса анга муносиб ҳарифлар мастур...

Маҳбуб ул-қулуб, 42-б.

ТИЛИСМОНА [*а.-ф.* طلسمانه] Тилсимона, тилсим билан, тилсимларча.

Айлаб бу тилисмона ожиз,
Соҳир нетгай чу кўрди мўъжиз.

Лайли ва Мажнун, 33-б.

ТИНДУРМАМАК [*т.* تیندورمامك] **1** Тиндирмаслик, тинчитмаслик.

2 Тинч қуймаслик, ором бермаслик.

Май тутуб кўнглумни тиндур бир замон, эй муғбача
Ким, замон бедоди ани лаҳзаи тиндурмамиш.

Наводир уш-шабоб, 193-б.

ТИРАЛМОҚ [*т.* تيرالماق] **1** Тиралмоқ, таянмоқ.

2 Бирор нарсага ёки бир-бирига бориб тақалмоқ, тегмоқ; санчилмоқ

Бағирдинки кўксумга пайкон тиралмиш,
Ғаминг ўқидин нуги пайкон эрур бу.

Наводир уш-шабоб, 371-б.

ТИРИЛМАМАК [*т.* تيريلماماق] Тирилмаслик.

[*Абутолиб Хазраж б. Али р. т.*]. *... ва дарду нокомлиг била тирилмамиш булгай.*

Насойим ул-муҳаббат, 175–176-б.

ТИРИЛМАКЛИК [*т.* تيريلماق ليك] Тирилишлик; жон ато этишлик.

Лабинг жонбахш, аёгдин бишинга қотил, не айб ўлсам,
Тирилмакликдин ўлмакликка чун афзун эрур боис.

Наводир уш-шабоб, 71-б.

ТИРНОҒЧА [*т.* تيرناغچه] Озгина, жиндай, тирноқча.

Барги гулдек оразингнинг шавқидин тирноғ ила
Юз тараф кўксумни сўйдум, ҳар бири тирноғча.

Ғаройиб ус-сиғар, 439-б.

ТИРСАК [*т.* تيرسك] Қўлнинг билак суяги билан суяги қўшиладиган, букилиб бурчак ҳосил қилинадиган жойи, бўғими.

Қаро қайғу мени элтиб қаро зулфунг учун ҳар тун,
Қаро бошни тутуб овуч қаро ерга кириб тирсак.

Наводир ун-ниҳоя, 285-б.

Ю(в)моғ уч қатла қул тирсакка тегру,
Яна бир мазмаза уч қатла ҳам бу.

Сирож ул-муслимин, 280-б.

ТИТРАМАК [*т.* تيترامك] **1** Қалтирамоқ.

2 Қимирламоқ, тебранмоқ.

3 Дирилламоқ, зирилламоқ.

Қуёшдек титрамак дафъин саҳаргаҳ орзу қилсанг,
Қуёшдек жомни титраб сумурмак фарз эрур аввал.

Ғаройиб ус-сиғар, 294-б.

ТИТМОҚ [*т.* تيتماق] **1** Тўда ҳолидаги нарсани уёқ-буёққа сочмоқ, ағдармоқ, тўзитмоқ

2 Кавлаштириб, ағдар-тунтар қилиб қарамоқ, титкиламоқ

Титу пит Остин-устин.

Титу пит айламак Остин-устин қилмоқ

Мен кимму ислом ким, сажжода бирла хирқани
Айлади ул бутнинг атфол хаёли титу пит.

Наводир ун-ниҳоя, 71-б.

3 Юлиб, саваб, қоқиб ёки бошқа йуллар билан юмшатмоқ ва чанг, хас-хашакдан тозаламоқ.

4 Пора-пора қилмоқ, дабдала қилмоқ, мажағини чиқармоқ.

ТИФЛОНА [*а.-ф.* طفلانه] Гўдаклардек; ёш болаларча.

Ушатти шишау жому қадаҳни базм ичра,
Ўюн тариқини тифлона айлади ул шўх.

Наводир ун-ниҳоя, 96-б.

ТИҒАФГАН [*ф.* تیغ افگن] Қилич тортиш, ханжар тортувчи.

Рахш уза ҳар хидеви тиғафган,
Рустаму Қуҳа бирла Руйинтан.

Сабъаи сайёр, 61-б.

ТИҲА [*а.* تیه] **1** Чул, биёбон, саҳро.

2 Қурғоқчилик.

Мусо а. с. дуо қилиб... Аммо қудрат қургузуб, тиҳада бўлгон авлод ва атбоъларин аларнинг адади била мувофиқ биёбондин нажот берди...

Тарихи анбиё ва ҳукамо, 145-б.

Баъзи таворихда Ҳорун а. с.нинг воқеасин тиҳа балийясининг учунчи йилида дебдурлар...

Тарихи анбиё ва ҳукамо, 146-б.

ТОБАКАЙ [*ф.* تابکی] Қачонгача, токайгача.

Эй Навоий, гунгу лол истар эсам тонг йуқ, сени
Тобакай озурдаи фарёду афгонинг бўлай.

Наводир ун-ниҳоя, 595-б.

ТОБАКОН [*ф.* تابکان] Темирдан ясалган, темир идиш, темир лаганча.

Эйки бу гавҳарга тиларсен макон,
Билки анинг кони эрур тобакон.

Ҳайрат ул-аброр, 141-б.

ТОБАНДА [*ф.* تابنده] Нурланувчи, ярқировчи, товланувчи; нурли, порлоқ

Гулшани давронга бериб зебу фар,
Ҳар гулини айлади тобанда ҳур.

Ҳайрат ул-аброр, 238-б.

... ва ул ахтари баланд сояни Ҳақ субҳонаҳу ва таоло Мирзом била хоним учун тобанда асрасун.

Муншаот, 199-б.

... ва агар шамъ ўчса маъмул улдурким, хуршеди оламтоб тобанда ва мустадом бўлгай омин, ё Раббил оламин!

Муншаот, 224-б.

ТОБДОН [*ф.* تابدان] Ташқи томони нақшланган ва рангли шишалар билан ишланган маҳаллий уй токчаси.

Шишадек кунглумдадур гулзори хуснунг ёдидин,
Тобдоннинг аксидек алвон қизил, сариғ, яшил.

Наводир ун-ниҳоя, 331-б.

ТОБИИН [*а.* التابعين] Эргашувчи, изидан борувчи.

[*Муҳаммад Восиъ р. т.*]. *Ўз замонининг беназири эрди ва тобииндин кўпга хизмат қилибдур...*

Насойим ул-муҳаббат, 26-б.

ТОБ [*ф.* تاب] Тоқат, куч-қувват; чидам, бардош, таҳаммул

Тобу тавон Қудрат, қодирлик

Не қарору сабру не тобу тавон, не тоқате,
Не кунгул, не жону не руҳу равон, не пайкаре.

Наводир уш-шабоб, 421-б.

ТО [*а.* ط] Араб алифбосидаги ط (итқи) ҳарфининг яна бир номи.

Тову мимия Шайх ибн Форизнинг фиқҳга оид «Тоия» қасидасига Абдурраҳмон Жомий битган шарҳ, рисола.

«Тову Мимия»гаки чекти рақам.
Ибни Фориз равони дедики там.

Сабъаи сайёр, 43-б.

ТОВУС [*а.* طاوس] Қирғовуллар оиласига мансуб, ранг-баранг патли қуш.

Товус ул-Фуқаро *тасаввуфда* Юқори даражага эришиб, Аллоҳнинг лутф-марҳаматига сазовор бўлган суфийлар нисбати; лақаби.

[*Абунаср Саррож р. т.*]. *Ани Товус ул-Фуқаро дерлар.*

Насойим ул-муҳаббат, 199-б.

Товус ул-Ҳарамайн *тасаввуфда* Юқори рутбага эришган суфийлар лақаби.

[*Абубакр Тарғусий қ. с.*]. *Ва ни Товус ул-Ҳарамайн дер эрдилар...*

Насойим ул-муҳаббат, 135-б.

Оти Иқбол ва лақаби Товус ул-Ҳарамайн.

Насойим ул-муҳаббат, 151-б.

ТОЖ [*ф.* تاج] **1** Шоҳларнинг ҳукмронлик рамзи.

2 Баъзи қушларнинг бошидаги этдор ўсимта

3 Бирор нарсанинг юқори устки қисми.

Тожи зуҳур Майдонга чиқиш тожи, кўриниш тожи.

Навъи башар бошига рабби ғафур,
Қўйди тафовут била тожи зуҳур.

Ҳайрат ул-аброр, 60-б.

ТОЖБАХШ [*ф.* تاجبخش] Тож соҳиби (шоҳ); тож берувчи

Хироҳ олмоқ андин эмас дилпазир
Ки, ҳам тожбахш улса, ҳам тахтгир.

Садди Искандарий, 139-б.

ТОЖДЕҲ [*ф.* تاج ده] Кучли ва қудратли шоҳ.

Демагил қўйини беному нишонларга малоз,
Ким эрур тождеҳу, мулкситонларга малоз.

Ғаройиб ус-сиғар, 123-б.

ТОЖДОРЛИҒ [*ф.-т.* تاجدارلیغ] Подшоҳлик, тождорлик.

Менким ёшурдум, тождорлиг манқариб бўлди.

Маҳбуб ул-қулуб, 61-б.

ТОЖОНМОҚ [*т.* تاجانماق] Тўймоқ

Муғ пири май бериб, тилади жонни муғбача,
Ҳар неки дедилар қилуридин тожонмадим.

Наводир ун-ниҳоя, 362-б.

ТОЗИЙНАЖОД [*ф.* تازی نژاد] Бедов от, араби от, чопқир от.

Яна пилча хинги тозийнажод,
Демай девзоду, дейин девбод.

Садди Искандарий, 296-б

ТОЙ [*ф.* تاي] Нумератив сўз; катта тўп қилиб тахлаб ёки босиб боғланган мол ва шу тарздаги мол ўлчови

[*Шайх ул-ислом Аҳмад Номақий...*]. *Ва уч юз той когоздин ортуқдурки, тавҳиду маърифат илмида ва сирру ҳикмат маърифатида ва тариқат равишида ва ҳақиқат баёнида тасниф қилибдурки, ҳеч олим ва ҳаким анга эътироз қилмайдур ва қила олмайдур.*

Насойим ул-муҳаббат, 243-б.

ТОЙИЙ [*а.* طايي] Той номли қабилага мансуб, той қабиласи.

... ва Қазоъий ва Ашъарий ва Оздий ва Тойий Сибо наслидиндур.

Тарихи анбиё ва ҳукамо, 107-б.

ТО(Й)ИФ [*а.* طايف] Ҳижоздаги бир шаҳар номи.

Тушуб ул тахта сайрининг гузори,
Яман мулкию Тойиф ҳадди сори.

Фарҳод ва Ширин, 211-б.

ТОКЧА [*т.* طاقچه] к. **Токча**

ТОЛИБ [*а.* طالب] Изловчи, талаб қилувчи, хоҳловчи.

Толиб ул-илмлиқ Илм талаб қилувчи, талаба.

[*Мир Муфлисий к. с.*]. *Ул толиб ул-илмлиқ қилиб, сойир халойиқдек эрмиш.*

Насойим ул-муҳаббат, 445-б.

Толиби илмлиқ, □лиғ//□лик Талаба, мадраси ўқувчиси, илм талабгори.

Мавлоно Зойирий – ҳам машҳадлиғдур. Толиби илмлиққа мансубдур.

Мажолис ун-нафоис, 106-б.

Мир Ҳошимий – куфтагарлик била машҳурдур ва толиби илмлиги даги бор.

Мажолис ун-нафоис, 87-б.

Мир Ҳож – саййид кишидур, толиби илмлик ҳам қилур.

Мажолис ун-нафоис, 83-б.

ТОЛИҚМОҚ [*т.* تالقماق] **1** Чарчамоқ, ҳоримоқ, толиқмоқ.

2 Зориқмоқ.

Чобукум тез сурар тунд саманд узра чиқиб,
Мен сунгича ета олмай, югурурдин толиқиб.

Фавойид ул-кибар, 48-б.

ТОМ(М)А [*а.* طامه] Комил, етишган.

Томмат ул-Кубро Шайх Нажмиддин Кубро лақабларидан бири.

[*Шайх Нажмуддин Кубро қ. т. р.*]. *... унга «Томмат ул-Кубро» лақабини бердилар.*

Насойим ул-муҳаббат, 287-б.

ТОМУР [*т.* تامور] Инсон танасида қон оқадиган найчасимон аъзо, томир.

Шайх дедики, агар Ҳорис Муҳосибийнинг илгида бир томур эрдики, шабҳалик таом илайига қўйсалар эрди, ҳаракатқа келур эрди.

Насойим ул-муҳаббат, 404-б.

ТОМҒУЧИ [*т.* تامغوچی] Томгувчи, оқгувчи.

Бағридин қон тамғучи ушшоқ захмин билмагай,
Тиғидин қон томғучи бераҳм олий жоҳлар.

Бадоеъ ул-васат, 113-б.

Улки қаҳр этса, қиличидин дамо-дам қон томар,
Бағридин қон тамғучилар бирла не жинсияти.

Фавойид ул-кибар. 437-б.

ТОПИЛМАСЛИҚ [*т.* تاپیلماس لیق] **1** Топилмаслик.
2 Мавжуд эмаслик.

Ўпмакка юзи хубдурур, ғабғаби ҳам хуб,
Чун оғзи топилмаслиқ аро олмоқ учун бож.

Наводир уш-шабоб, 77-б.

ТОПМАМОҚ [*т.* تاپمامق] **1** Топмаслик; қўлга киритмаслик, олмаслик.
2 Кашф этмаслик, очмаслик.
3 Натижа олмаслик.
Вуқуф топмамоқ Билмаслик, хабардор бўлмаслик.

Мушкул иштур уйда бир ғойибни ҳар дам йўқламоқ,
Лек муҳлик йўқлағандин сўнгра истаб топмамоқ.

Наводир ун-ниҳоя, 279-б.

Оғзи рамзиға агар йул топмадим, эрмас ажаб,
Ғайб сиррига не тонг эл топмамақ осон вуқуф.

Бадоеъ ул-васат, 220-б.

ТОПМАМОҒЛИҒ [*т.* تاپماغلیغ] **1** Топмаслик.
2 Кашф этмаслик.
3 Хабардор бўлмаслик.

Истамак ранжи кўнгулни зор этар,
Топмамоғлиг руҳни афгор этар.

Лисон ут-тайр, 214-б.

ТОПОЛМАСЛИҒ [*т.* تاپلماس لیغ] **1** Топа олмаслик.
2 Кашф эта олмаслик.

Матлубин истаб, тополмаслиғидин ва ҳеч ҳамдам ани бу мусибатда зорлиғин сурмаслиғидин уз-ўзи била гиламандлиг изҳор қилибдур.

Мажолис ун-нафоис, 201-б.

ТОПУҚ [*т.* تاپوق] Буйсуниш, итоат.
Топуқ айламоқ Таъзим қилмоқ.

Захмиға ер курсатурмен чиқса ул бадмастким,
Манглай узра бармоғимни элтиб айлармен топуқ.

Наводир уш-шабоб, 233-б.

ТОПШУРМАМАК [*т.* تاپشورماماق] **1** Топширмаслик, бермаслик
2 Бирор кимсанинг ихтиёрига қолдирмаслик.

Зулф аро асра Навоий кунглин элдин истама,
Телбани банд ичра зоминга киши топшурмамиш.

Наводир уш-шабоб, 194-б.

ТОПҚУЛУҚ [*т.* تاپقولوق] Топишлик, учратиб қолишлик, учратиб қўлга киритишлик.

... То иш анга еттиким, бир уйким урта ёшлиг, ранги сариг, зироат ва юк заҳматин курмаган булгай ва нопок ерда утламамиш булгай ва умрида анга машаккат етмамиш булгай, топқулуқ бул-дилар.

Тарихи анбиё ва ҳукамо, 141-б.

ТОПҚУЧА [*т.* تابقوچه] Топиб олишликча, топиб олгунча.

Топқуча ганжинаи асрорлиқ,
Куп қилибон солики атворлиқ.

Ҳайрат ул-аброр, 73-б.

ТОРЛИҒ [*т.* تارلیغ] **1** Сиқиқлик, чекли.

2 Қоронғилик; нотўғрилик.

[*Жорияи Мажҳула р. т.*]. *Дедим: сени ҳокима курармен, мени бу йул торлигидин чиқар ва туз йулни манга оч!*

Насойим ул-муҳаббат, 494-б.

ТОРТМОҒЛИҒ [*т.* تارتماغلیغ] Тортмоқлик.

Илик тортмоғлик Барча (шариатга хилоф) ишлардан қул тортишлик.

Қулоқ карлигидур моло, яъни масъмуъотдин илик тортмоғлиг-дур барча номашруъотдин.

Маҳбуб ул-қулуб, 50-б.

ТОРТҚУЧИ [*т.* تارتقوچی] Тортгувчи.

Бу ҳарфқа даги туркий алфоз гуҳарин назм силкига тортқучи шуаро таарруз қилмайдурлар...

Мажолис ун-нафоис, 177-б.

ТОСБОЗ [*ф.* طاس باز] **1** Найрангбоз, кичик жом косачалар билан уйин курсатувчи.

2 Ҳийлагар, лутгибоз.

Чарх урубон рев ила найранг соз,
Уйлаки кук хирқа била тосбоз.

Ҳайрат ул-аброр, 245-б

ТОТ [*т.* تات] Исломни қабул қилмаган уйғур ёки хитойлар.

Чаҳдаги тухм арпасини оти еб,
Уйда товуғларни сурук тоти еб.

Ҳайрат ул-аброр, 227-б.

ТОТМАМОҚ [*т.* تاتماماق] **1** Татиб курмаслик, тотмаслик

2 Синамаслик.

[*Абдуллоҳ б. Муҳаммад Манозил қ. т. с.*]. *Ва ҳам ул дебдур: ҳеч нима йуқтур ул кишидаким, касб зулли ва савол зулли ва рад зулли таъмини тотмамиш булгай.*

Насойим ул-муҳаббат, 148-б.

ТОШҚИЛИҒ [*т.* تاشقیلیغ] **1** Узоқдалик, йироқдалик.

2 Қўрғон ташқарисида ҳаёт кечиришлик.

Тошқилигингнинг бу сифат ҳоли бор,
Булса тақарруб анинг ашколи бор.

Ҳайрат ул-аброр, 162-б.

ТОШ I [*т.* تاش] Ташқари; саккиз чақирим узунликдаги масофа.

Ёғди жаврунг уқи ҳажринг тошидек,
Қилди қон кунглум ичин ҳам тошидек.

Бадоеъ ул-васат, 519-б.

ТОШ II [*т.* تاش] Устки, устки садаф.

Сочқали моҳим аёгига сипеҳр,
Кўз ёшимнинг лаълу дуррин тошидек.

Бадоеъ ул-васат, 519-б.

ТОШУРМОҚ [*т.* تاشورماق] Қирғоқдан ошиб атрофга ёйилтирмоқ, қирғоқдан оширмоқ, тоширмоқ.

Қуёш акси тушиб дарё ичинда,
Не мумкиндур анинг суйин тошурмоқ.

Наводир уш-шабоб, 512-б.

ТОЪИН [*а.* طاعن] Маломат қилувчи, таъна қилувчи, танбеҳ берувчи.

Ҳазрат Махдумий н. м. н. «Нафоҳат ул-унс» да бу навъ дебдурларки, тоъинларнинг улуғроқ таъни аларга «Фусус ул-ҳикам» китобидур.

Насойим ул-муҳаббат, 395-б.

ТОҚАТСИЗ [*а.-т.* طاقتسيز] Бетоқат, кучсиз, қувватсиз, нотавон, бесабр, чидамсиз, бардошсиз.

[*Абубакр Жавзақий қ. т. с.*]. *Ул дебдурки, бир кун бодияда оғзим сувсизлиқдин қуруб эрди ва тоқатсиз булуб эрдим.*

Насойим ул-муҳаббат, 139-б.

ТОҚИЛМОҚ [*т.* قيلماق تا] Тақилмоқ (бирор нарсани тананинг бирор жойига ўтказилиши ёки боғлаб қўйилиши).

Навоийдек халосим йуқ эди ул ғамза куфридин,
Хусусан, зулф зуннори доғи бўйнумға тоқилмиш.

Бадоеъ ул-бидоя, 237-б.

ТОҚЛИҚ [*а.-т.* طاقليق] **1** Гумбазлик; меҳроблик; биноларнинг тепа қисмидаги гумбаз ёки эшик дераза, токчалари устидаги ярим доира шаклида ишланган қисм.

2 Баландлик.

Тоқи муқарнас Осмон.

... малакут оламининг муқарнас тоқлиқ ва муқаддас равоқлик мадрасасида каррубийлар ифода ва истифодаси учун ижлос қилди.

Вақфия, 233-б.

ТОҚТА [*т.* تاقته] Тахта, ясси тахта.

[*Қурбанж р. т.*]. *Бир ҳафтаким утти, Хуросон ҳокими ани тутуб, қўрғонига юбордики, бир тоқта кивуруб эшикин қўпордилар, то анда дунёдин утти.*

Насойим ул-муҳаббат, 238-б.

ТОҚЧА [*т.* طاقچه] **1** Маҳаллий уйларда идиш-тавоқ ва бошқа анжомлар қўйиш учун деворга уйиб ишланган махсус жой, токча.

[*Шайх Абулқосим Бишр...*]. *Чун савмаъаға кириб, қошиға ултурдуқ. Бир бийик тоқча эрди. Пир отамға айттиким, бу Саидни эгнинга қутар. Ул тоқда бир нондур.*

Насойим ул-муҳаббат, 207-б.

[*Шайх Зайнуддин...*]. *Ва Шайхнинг хилватиға кириб, зиёрат қилурда уз ижозатномаларининг саводини курубдурларки, бир токчада эрмиш олибдурлар ва ҳам-ул дастур била толиблар ва муридларга тарбиятга машгул булубдурлар.*

Насойим ул-муҳаббат, 346-б.

2 Уя, ин.

Ободлар анинг зулмидин вайрона, кабутар токчалари бойқушга ошиёна.

Маҳбуб ул-қулуб, 15-б.

ТОҒЧА [*т.* تاغچه] Тоғ каби, тоғдек; тоғларча.

Лаълидин бир сўз синуқ кунглумни айлар тоғча,
Нақди жон берсам, йуқ анинг оллида туфроғча.

Ғаройиб ус-сиғар, 439-б.

ТУБИЙ [*а.* طوبى] ق **Тубо**

Тубийи ризвон Жаннат дарахти.

Борурида нечукки сарви равон,
Лек ёнгонда тубийи ризвон.

Сабъаи сайёр, 28-б.

ТУБИЙОСО [*а.-ф.* طوبى‌اسا] Жаннат дарахти каби, тубий дарахтидек гўзал.

Жамолингни жаннатмисол айлади,
Буюнг тубийосо ниҳол айлади.

Садди Искандарий, 283-б.

ТУБО [*а.* طوبى] **1** Диний эътиқодга кўра, жаннат дарахти деб фараз қилинган гўзал дарахт.

2 Гузал, келишган қомат.

ТУБУИЛАЛЛОҲ [*а.* توب الله] Илоҳий тавба.

«Тубуилаллоҳ» ила топса футуҳ,
Булса бу тавбаки, топибдур Насуҳ.

Ҳайрат ул-аброр, 264-б.

ТУЗГУЧИ [*т.* توزگوچى] Тузатгувчи.

Зулм ришасин узгучи ва авқоф бузугин тузгучи ва зироат касратида саъй кургузгучи.

Маҳбуб ул-қулуб, 17-б.

ТУЗЛАНМАК [*т.* توزلانمق] **1** Туғри булмоқ.

2 Мувофиқлашмоқ, келишмоқ.

Фақр атворида ё чиқмоқ керак офоқдин,
Е керак тузланмак офақ аҳлининг атворича.

Бадоеъ ул-васат, 379-б.

ТУЗСИЗ [*т.* توزسيز] **1** Мазасиз, тузи йуқ ёки паст.

2 Маъноси йуқ, бемаъни, тутруқсиз.

Зоҳид улдум деб, Навоий ишқни тарк этмаким,
Булмаса ул шўр тузсиз луқмадур зуҳди фақат.

Ғаройиб ус-сиғар, 232-б.

ТУЗУКСИЗ [*т.* توزوك سيز] Ўгитсиз; нотўғри, ғализ.

Ҳаракотлари тузуксиз сўзларидек ва калимотлари ҳашв ва маҳалсиз нозларидек.

Маҳбуб ул-қулуб, 31-б.

ТУЙҒУН [*т.* توبغون] Қирғий ёки қарчиғайнинг эркаги.

Қора қузгунни оқ туйғун деса, қозни яхши олур демаган муқассир.

Маҳбуб ул-қулуб, 15-б.

ТУКУРМАК [*т.* توكورمك] Тупламоқ, гупурмоқ.

Анжум эрмас чарх зулмин ҳолимда англаб қазо,
Тийра рухсорига минг қатла тукурди бу кеча.

Наводир ун-ниҳоя, 483-б.

ТУЛҒИ [*т.* تولغي] Қуйқа, қолдиқ, қуйқум.

Май тулғининг ҳар пашшаси пиледурур хартумлуқ,
Дафъ этгали дайр аҳлига гар чекса дарду гам сипаҳ.

Бадоеъ ул-бидоя, 507-б.

ТУМТАРОҚ [*т.* طمطراق] Хавф-хатар, таҳлика, бирор нарсадан қўрқиш.

Чун бўридин қуйга етса тумтароқ,
Ул шабондин онда бир ит яхшироқ.

Лисон ут-тайр, 187-б.

ТУМУШМОҚ [*т.* توموشماق] Тумсаймоқ, тумтаймоқ, шумшаймоқ, бир четда ўксиган қиёфада ўтирмоқ; жунжикмоқ, тумшаймоқ.

Азалда ринд хушҳол ўлди майдин
Вале хилват аро зоҳид тумуштн.

Бадоеъ ул-васат, 406-б.

Ишрат этким, чарх оллинда тафовут йўқтурур,
Хоҳ базм ичра симоъ эт, хоҳ қунж ичра тумуш.

Наводир уш-шабоб, 181-б.

ТУНБАК [*ф.* تنبك] Дастасиз кўза шаклидаги сополдан ясалган мусиқа асбоби, кичик ноғора (дўмбира).

Раъдни деб базмида тунбак уни,
Барқ кабоби утининг учқуни.

Ҳайрат ул-аброр, 270-б.

ТУРКВАШ [*т.*-ф. ترك وش] **1** Туркга ўхшаш.

2 Шўхдай.

[*Мавлоно Сойилий – форсигўй шоир.*] *Туркваш сода йигит курунур. Аммо кўрунгандек эмас.*

Мажолис ун-нафоис, 155-б.

ТУРКИЙШИОР [*т.*-а. تركي شعار] **1** Туркий нишонли.

2 Шух феъли.

... ва туркийшиор йигитлар сарҳайли ёри азиз Суҳайлий дома тавфиқаҳким...

Бадоеъ ул-бидоя, 15-б.

ТУРКИЯ [*т.* تركيه] **1** Канизак, севгили

2 Аёл.

[*Юсуф б. Ҳусайн Розий қ. с.*]. *Аммо бир туркияси бор эрмиш, жамилаким, они ўзи била элта олмас эрмиш...*

Насойим ул-муҳаббат, 71-б.

ТУРКМОНИЙ [*т.* تركمني] Туркманча.

[*Саййид Насимий қ. р.*] *Румий ва туркмоний тил била назм айтибдур ва назмида ҳақойиқ ва маориф баҳоят кўп мундариждур.*

Насойим ул-муҳаббат, 478-б.

ТУРЛАНМОҚ [*т.* تورلانماق] **1** Бир-бирига мос уйғунлаштириб танланган, хилланган.

2 Ҳар хил тусда кўринмоқ, товланмоқ.

Пардалар бир-бирига айланғон,
Дуру анжумдин инжу турлангон.

Сабъаи сайёр, 67-б.

ТУРМАМАК [*т.* تورماماك] **1** Тик турмаслик.

2 Кутмаслик; сабр қилмаслик.

3 Яшамаслик.

4 Тўхталмаслик.

Эй кунгил, дайри фано азми муборак азм эрур,
Қўй қадамким, топқон ул йўлни ватанда турмамиш.

Наводир уш-шабоб, 193-б.

[... *Абдураҳмон Жомий қ. р.*] ... *бу умматда аларнинг камоли сувари ва истикмоли маънавийлари жомеъияти била турамамиш бўлғай.*

Насойим ул-муҳаббат, 480-б.

ТУРРАҲОТ [*а.* ترهات] Беҳуда гаплар, ноҳак сўзлар, валдираш, асоссиз вайсоқи гаплар; бузуқ гаплар.

Абу Абдуллоҳ Хафиф анинг хидматиға борди қайтурда Рувайм илгин анинг эгнига қўюб дедиким, эй ўғул, бу иш жон фидо қилмоқдур, зинҳор суфиянинг турраҳотиға машғул булмағайсен.

Насойим ул-муҳаббат, 70-б.

ТУРФАГЎ [*а.-ф.* طرفه گو] Турфа сўзлар айтувчи, ажойиб, нодир сўзлар айтувчи.

Ўй равнаки мулойим ҳамзонудиндур ва рўзгор турфалиги турфагў бонудин.

Фавойид ул-кибар, 523-б.

ТУРФАСОЗ [*а.-ф.* طرفه ساز] Кишини ажаблантирадиган ажойиб нарсалар; ажойиб бир ихтиро.

Не гул рангу бўйин кўруб турфасоз,
Топар санъати ичра бир узга роз.

Садди Искандарий, 424-б.

Ки: бу бир тилисмедурур турфасоз,
Ёсоғон били ҳикмат аҳли бу роз.

Садди Искандарий, 393-б.

ТУРФАҲОЛ [*а.* طرفه حال] Ажойиб ҳолат; ҳайрон қоларли ҳол.

Агар майгунлугидин ранг айлар эрса машшота,
Кўзумнунг мардумин қўйғул ўюб ул турфаҳол узра.

Фавойид ул-кибар, 372-б.

ТУРШИЗЛИК [*ф.-т.* ترشيزلك] Таршизда яшовчи, Таршиз вилоятидан.

Мавлоно Али-ҳамоноки туршизликдур ва табъи муаммо фанида куп мулойим тушубтур.

Мажолис ун-нафоис, 127-б.

ТУТМОҚ [*т.* توتما ماق] **1** Ушламоқ.

2 Бермоқ, тақдим этмоқ.

Тута бермак Бирор кишига бирор нарсани қўл билан ушлаб бермоқ ёки изидан қувиб бориб бермоқ.

Андоқки иродат аҳлининг одатидур, ниёз била бир дирам анга тута бердим, олмади...

Насойим ул-муҳаббат, 446-б.

3 Эгалламоқ

4 Ҳисобламоқ

5 Қўлламоқ

ТУТМАМОҚ [*т.* توتما ماق] **1** Тутмаслик.

Ором тутмамоқ Дам олмаслик

Чиққач-ўқ тутмамоқ керак ором,
Айламаклик керак сув узра хиром.

Сабъаи сайёр, 323-б.

Ва дебдурки, бирав дерки, сиқояда Тенгри отин тутмамак керак...

Насойим ул-муҳаббат, 332-б.

2 Бажо келтирмаслик.

Аза тутмамоқ Аза тутмаслик.

Моҳвашлар шоми зулфи не учун ошуфтадур,
Тутмамиш бўлса вафо аҳлига мотам, эй рафиқ!

Ғаройиб ус-сиғар, 253-б.

3 Ушлаб турмаслик.

Тутмамиш рангин булут кукники, оламни тутуб,
Акс кўк миръотига солган сиришким қонидур.

Фавойид ул-кибар, 100-б.

ТУТМОҒЛИҒ [*т.* توتما غلغ] (Ҳажр қийнотида) қолганлик.

Ниҳон тутмоғлиғ Яширин гутмоқлик, яширмоқлик

Васл давронин унутмоғлиғлари,
Ҳажр ойининг тутмоғлиғлари.

Лисон ут-тайр, 52-б.

Гар ниҳон тутмоғлиғин қилсам хаёл,
Йуқтурур жон элтурумга эҳтимол.

Лисон ут-тайр, 248-б.

ТУТҚУНЛУҚ [*т.* توتقون لوق] **1** Асирлик, бандилик, тутқунлик.

2 Асоратлик.

Банду тутқунлуқ бас эрмас эрдиким, беморлиг
Бир йули солди аёқдин ул фақири зорни.

Бадоеъ ул-бидоя, 638-б.

ТУТҚУЧИ [*т.* توتقوچی] **1** Тутгувчи.

2 Ҳисоблагувчи, санагувчи.

Бу қадар манзилату қурбу буюк поя била,
Ўзини тутқучи туфроғ ила ҳамвор қани?

Наводир уш-шабоб, 499-б.

Хилват аро қилгучи маҳрам узин,
Хизр била тутқучи ҳамдам узин.

Ҳайрат ул-аброр, 135-б.

Канора тутмоқ Четламоқ, узини олиб қочмоқ, холи бўлмоқ.

Ёлгончи – унутқучи ва тааммул ва эҳтиёт йўлидин канора тутқучи.

Маҳбуб ул-қулуб, 98-б.

Қулоқ тутқувчилар Тинглагувчилар, қулоқ солувчилар.

Яна «Хамса» балки «Ҳафт Авранг»ларининг купрагин муқобала дастури била алар уқугонда қулоқ тутулубтур ё қулоқ туткучилар мадади учун алар мажлисида уқулубтур.

Хамсат ул-мутаҳаййирин, 73-б.

ТУФАЙЛ [*а.* طفيل] **1** Чақирилмаган меҳмон, ўзи чақирилмаган булса ҳам, чақирилган кишилар қаторида, уларга эргашиб, туй-маъракаларга борувчи. **2** Сабаб, боис, баҳона, важ-корсон, восита. **3** Араблар қабиласига мансуб Умайя авлодидан булган Туфайл исмли шахс – у жуда камбағал, фақир бўлганлиги туфайли бировларникига меҳмондорчиликка ҳам бора олмаган.

Қилса жонон оллида жоним Туфайл ўлмоқка майл,
Кош юз жон улсаким, ҳар дам бирин қилсам туфайл.

Наводир ун-ниҳоя, 332-б.

ТУФРОҒЧА [*а.-т.* توفراغچه] Чангларча, ғуборча; тупроқча; тупроғдек (паст).

Лаълидин бир сўз синуқ кўнглумни айлар тоғча,
Нақди жон берсам, йўқ анинг оллида туфроғча.

Ғаройиб ус-сиғар, 439-б.

Нечаким келиб рифъатинг тоғча,
Вале келмай олингда туфроғча.

Садди Искандарий, 576-б.

ТУШМАМАК [*т.* توشمامك] **1** Тушмаслик; киши бошига мушкул савдо тушмаслик.

2 Дуч келмаслик, учрамаслик (ғам-ташвиш ҳақида).

3 Мос келмаслик тўғри келмаслик.

4 Кўринмаслик, пайдо бўлмаслик

Тариқи ишқ аро беэътидол эсам, йўқ айб
Нединки, тушмамиш эрди бу иш манго ҳаргиз.

Бадоеъ ул-васат, 148-б.

Ярим йўлда қолмоқ эрур мушкул иш,
Манга тушган иш кимсага тушмамиш.

Садди Искандарий, 37-б.

ТУШМАКЛИК [*т.* توشمكلك] **1** Бирор нарса устидан пастга тушишлик.

Мил уза чиқмоқ ангаким воядур,
Чиқмаку тушмаклик учун поядур.

Ҳайрат ул-аброр, 324-б.

2 Тушмоқлик (гул аксининг сувга тушмоқлиги).
3 Пайдо бўлмоқлик, кўринмаслик.

Сафо аҳлига гулрухлар хаёлидин тағайюр йўқ,
Қачон гул акси тушмаклик била гулранг бўлғай су.

Наводир уш-шабоб, 367-б.

4 Дўст ёки ёрдан айри (айро) тушмоқлик.
5 Дуч келмоқлик, учрамоқлик (айрилиқ, ғам-ташвиш ҳақида).

Бири айру тушмаклик аҳбобдин,
Киши бағри ўртанмак ул тобдин.

Садди Искандарий, 448-б.

ТУШУРГУЧИ [*т.* توشورگوچی] Туширгувчи, еткиргувчи.

Самандедур коҳилхиром, аммо манзилга еткургучи ва бухтиедур сақилгом, лекин маъманга тушургучи.

Маҳбуб ул-қулуб, 56-б.

ТУҒЁНСИЗ [*т.* طغیان سز] **1** Ғулғуласиз, исёнсиз.
2 Сув тошқинисиз.

Жаҳонни тутти висолида шодлиғ ашким,
Баҳор сайли кам ўлмиш жаҳонда тўғёнсиз.

Наводир ун-ниҳоя, 181-б.

ТУДА-ТУДА [*ф.* توده توده] Бирор ерга уйиб қўйилган нарса, уюм, туда (изоҳ: «Бу суяклар чўлдаги қуриган ўт каби туда-туда бўлиб ётарди»).

Суксук кибиким чу бўлди туда,
Ётқай ёзи узра туда-туда.

Лайли ва Мажнун, 52-б.

ТУЗ [*т.* توز] Ғубор, чанг

Ёпмангиз Фарҳод ила Мажнунниким, меҳнат тузи
Сатр учун басдур манга ҳам, ул ики урёнга ҳам.

Ғаройиб ус-сиғар, 338-б.

ТУК(К)АСИЗ [*т.* توکسز] Гурсиз, қабрсиз, мозорсиз.

Базм аро едим била туфроққа гоҳи май тўкунг,
Ким эрур ул ҳам яқинким, тўккасиз туфроғима.

Бадоеъ ул-васат, 368-б.

ТУКТУРМАК [*т.* توك تورمك] **1** Тукмоқ.
2 Оқизмоқ, оқизишга мажбур этмоқ.

Рақибингга десам лаънат, ери борким сенга ноҳак,
Менинг қонимни тўктурмакка ул малъун эрур боис.

Наводир уш-шабоб, 71-б.

ТУКУЛДАМАК [*т.* توکولدامك] **1** Дукилламоқ.
2 Ўйнамоқ, тез урмоқ, тепмоқ.

Не тушки, ҳажри балосин кўрарда сескансам,
Тукулдамак била қушнини уйғотиб юрагим.

Ғаройиб ус-сиғар, 318-б.

ТУЛА-ТУЛА [*т.* تولا تولا] Тула-тула; лиммо-лим, лим-лим.

Қуюб олига гуна-гуна таом,
Егач-уқ туттилар тула-тула жом.

Сабъаи сайёр, 81-б.

ТЎЛО-ТЎЛО [*т.* تولا تولا] қ. **Тўла-тўла**

Етишса ишқ аро юз меҳнату бало қадаҳ ич,
Нафас-нафас қуюбон май тўло-тўло қадаҳ ич.

Наводир ун-ниҳоя, 89-б.

ТЎЛҒАНДУРМАК [*т.* تولغاندورماق] **1** Тулғантирмоқ, тулқинлантирмоқ **2** Айлантирмоқ

Чун қуюнни дашт аро айландуруб,
Сувда игримни доғи тулгандуруб.

Лисон ут-тайр, 8-б.

ТЎПА [*т.* توپه] Тепа, тепалик, баландлик.

Ки, кўзни бас рафеъ айвонга солдинг,
Бийикрак тупанинг туфроғин олдинг.

Фарҳод ва Ширин, 43-б.

Тупамни сарзаниш илги тенг этти ер бирла
Ки, ҳар кишики, етиб, қуйида бошингга қоқиб.

Наводир уш-шабоб, 51-б.

ТЎРТАР [*т.* تورتار] Тўрттадан; тўртар минг-тўрт мингтадан.

Ул жумладин икки кишики, қавм улуғлари эрдилар, анга истидъо қилдиларки, ҳар қайсимизнинг бирор қизимиз бор ва ҳар бирининг тўртар минг қўйи бор.

Насойим ул-муҳаббат, 172-б.

ТЎРТУНЧ [*т.* تورتونچ] Тўртинчи.

Уч қўйи, уч юқори қилди шитоб,
Шуълаи тўртунч ўй аро солди тоб.

Ҳайрат ул-аброр, 305-б.

ТЎСИЛМОҚ [*т.* توسیلماق] **1** Тўхтатилмоқ **2** Пардаланмоқ, паналанмоқ

[*Шайх Нуриддин Абдуссамад Натанзий қ. с.*]. *Айтди: касрат туфайли ваҳдатдин тусилдим ва ундан узоқлашдим.*

Насойим ул-муҳаббат, 344-б.

ТЎТАГИ [*ф.* طوطکی] Кук, сабза, зангор.

Тўтагий ранг Кўк ранг, сабза ранг, тутиёйи ранг

Гар тути улурга қилмас оҳанг,
Айлар нега ерни тутаги ранг.

Лайли ва Мажнун, 76-б.

ТЎШАНМАК [*т.* توشانماق] Тўшалмоқ, оёқ остига ташланмоқ.

Кеча уйқу бировда булмаса не тонгки, қўюнгда
Тўшанмиш хорни остидаю хорони ястанмиш.

Фавойид ул-кибар, 182-б.

ТЎШАСИЗ [*ф.-т.* توشه سز] Озиқ-овқатсиз, йўл озиғисиз, ҳеч вақосиз.

Фано даштига қўйма тушасиз юз,
Вале тушанг керак булса таваккул.

Наводир уш-шабоб, 268-б.

ТЎШМАМАК [*т.* توشمامق] **1** Тўшама солмаслик, босмоқлик, ётқизмаслик.

2 Оёқ остига ҳеч нарса солмаслик, ёзмаслик (тўшак, гилам ҳақида).

Эмди келдук мушаббаҳғаким, фарш тушмамакдур, ул даги андоқ хишти ушотқон била, зовия килгон била куп мушкуллиги осонликка юз қуяр.

Маҳбуб ул-қулуб, 127-б.

ТЎШ-ТЎШ [*т.* توش توش] Ҳар тараф, тоғ-тош.

Туш-тушқа чикиб бори қабила,
Мажнунга топиб йигор васила.

Лайли ва Мажнун, 115-б.

ТЎҚСАМАК [*т.* توقسامك] Занг босмоқ.

Умр ўтуб бир учрабон ҳолимни сурса, вой ким,
Айта олмасмен жавоб оғуфта кунглум тўқсабон.

Наводир ун-ниҳоя, 391-б.

ТЎҚУНМАК [*т.* توقونمك] **1** Тўқинмоқ, тўқнашмоқ. **2** Тегмоқ.

Вале невчунким, кичикдур ёшинг,
Тўқунмайдурур тошқа ҳаргиз бошинг.

Садди Искандарий, 144-б.

У

УБАЙДУЛЛАҲИЙ [*а.* عبيدالله] Хожа Аҳрор Валий номига мансуб, нақшбандия тариқатининг етук намояндаларидан, буюк мутасаввиф [1404–1490].

Қўймасун айвони жаҳонни тиҳи,
Дабдабаи кўси Убайдуллаҳий.

Ҳайрат ул-аброр, 99-б.

УББОД [*а.* عباد] Обидлар, тоат-ибодат қилувчилар, сиғинувчилар.

[*Шаъвона р. т.*]. *Ва зуҳҳод ва уббод ва арбоби қулуб анинг мажолисида ҳозир бўлур эрдилар.*

Насойим ул-муҳаббат, 484-б.

Уббод аро бўлгон мойил ибодатга етар,
Бўлгон киши мустаид ифодатга етар.

Назм ул-жавоҳир, 181-б.

УБУВВАТ [*а.* ابوت] Оталик, ота бўлишлик

Ўйлаки қонуни убувват бўлур,
Тифл сори элга муҳаббат бўлур.

Ҳайрат ул-аброр, 291-б.

УВАМОҚ [*т.* اواماق] Уқаламоқ, ушқаламоқ, уваламоқ.

[*Абуладён қ. с.*]. *Аҳмад дебдурки, кеча оёгин увалар эрдим.*

Насойим ул-муҳаббат, 155-б.

УВАЙС [*а.* اويس] **1** Бўри боласи.

2 Руҳ орқали тарбияланган

3 Муҳаммад алайҳиссаломнинг хирқа (фақирлик туни, дарвешлар кийими) ларини кийиш бахтига мушарраф бўлган дастлабки суфилардан бири, Увайс Қараний; Алишер Навоийнинг «Насойим ул-муҳаббат» асарида Увайс Қараний ҳақида бундай езган: «Гоҳ-гоҳ Хожаи олам с. а. в. муборак юзин Яман сори қилиб дер эрдиким, «Мен Худонинг нафасини Яман томонидан туймоқдаман». Юқоридаги талмеҳ орқали ана шу ҳақиқатга ишора қилинган.

Йўқ, иўқки, Увайс кунгли тоби,
Қилгай қора тунни моҳтоби.

Лайли ва Мажнун, 51-б.

УВЛАМОҚ [*т.* اولاماق] қ. **Увамоқ.**

УВУҒ [*т.* اووغ] Эски пахта, латта-путта, эски-туски, увада.

... Андоқки, тунглук ва узук... ва кузанак ва увуг...

Муҳокамат ул-луғатайн, 20-б.

УДВОН [*а.* عدوان] Хусумат, душманлик, адоват.

Гаҳ хаёл айлабки қоплон бошини,
Ёнчқай отиб макру удвон тошини.

Лисонут-тайр, 74-б.

УД-ДАҲР [*а.* الدهر] Йил бўйи рўзадор.

Ўтуз йил эрдиким, жамиъи зоҳир танаъумотидин бебаҳра эрдиким, қойим ул-лайл, уд-даҳр эрди.

Маҳбуб ул-қулуб, 50-б.

УЖУЗ [*а.* عجوز] **1** Қари, жуда қариб, ишдан чиқиб қолган; қарилик, кексалик.

2 Суфилар бошлиғи.

3 Қари хотин; айёр кампир.

4 Фалак, осмон.

5 Дунё.

Кузга солдим жон бериб олиб оёғи туфроғин,
Англамон қадрини колонинг чу олмишмен ужуз.

Фавойид ул-кибар, 144-б.

УЗАНГУ [*т.* اوزانگو] Узанги, металдан ясалган от абзали.

Шоҳлар тожиға лойиқ тугмадур гар берса даст,
Гўйиким кўргузди ул чобук узангу остида.

Наводир ун-ниҳоя, 22-б.

УЗГУЧИ [*т.* اوزگوچی] Кесгувчи, узгувчи.

Зулм риштасин узгучи ва авқоф бузуғин тузгучи ва зироат касратида саъй кўргузгучи.

Маҳбуб ул-қулуб, 17-б.

УЗЗИ [*а.* عزي] Санамнинг номи.

Маккада дин аҳлиға мукнат булуб,
Уззи ила лотқа узлат булуб.

Ҳайрат ул-аброр, 35-б.

УЗЗО [*а.* عزي] қ. **Уззи**.

Лоти уззо Исломдан илгари араблар чўқинган бутларнинг номи.

Лоту уззоға пуршикаст булуб
Ким бори тийра ерга паст булуб.

Сабъаи сайёр, 19-б.

УЗМАКЛИК [*т.* اوزماك ليك] Узмаклик.

Кунгул узмаклик Баҳридан ўтмоқлик, кечмоқлик, ажралмоқлик

Васлинга хўй бериб қовма эшикдин мениким,
Кунгул узмаклик иши саъбдурур урганибон.

Наводир уш-шабоб, 329-б.

УЗМОҚ [*т.* اوزماق] Узмоқ; кесмоқ.

Ўз риштаи ҳаётин узмоқ Ўз тириклик ипин узмоқ

Салотин хизматиға журъат кўргузмак, ўз риштаи ҳаётин узмоқдур.

Маҳбуб ул-қулуб, 96-б.

УЗРСИЗ [*а.-т.* عذرسز] Бесабаб; кечиримсиз.

Ва сабтларға миёнчилиқдин узр қўлмоқдур ва сабаб ва узрсиз мусаббибқа банда бўлмоқдур.

Маҳбуб ул-қулуб, 51-б.

УЗУБАТ [*а.* عذوبت] **1** Ширинлик, ширин бўлган.

2 Дилкаш ва ширин суханлик.

Шаккарга узубатда нутқунг не ажаб кулса,
Ким эрнинга эш бўлмиш ахлоқ аро шаккарханд.

Ғаройиб ус-сиғар, 111-б.

УЙҚУЛАМОҚ [*т.* اویقولا ماق] Ухламоқ.

[*Ҳишом б. Абдон р. т.*]. *Бир кун уйқулаб, уйғонғач кўрдиким, қўйи биров зироатиға кирибдур. Ани ул зироат иясига берди ва андин беҳиллиқ тилади.*

Насойим ул-муҳаббат, 169-б.

УЙҚУСИЗ [*т.* اویقوسیز] **1** Бедор.

Кузума ул важҳдин дермен юзунг афсонасин,
Ким севарлар уйқусизлар доимо афсонани.

Бадоеъ ул-бидоя, 541-б.

Йўқ кунгул султони ҳифзиғаким, ул ой йўлида
Уйқусиз кузлар тонг откунча тутар ҳар кеча пос.

Бадоеъ ул-васат, 170-б.

2 Огоҳ, ғафлатда қолмаган.

Дема уйқусиз кўзунг ҳажрим туни очилмади,
Не қила олғай ажал уйқуси бирла сергагим.

Наводир ун-ниҳоя, 351-б.

УЙҚУСИЗЛИК [*т.* اویقوسیزلیك] Бедорлик.

[*Жорияи Мажҳула р. т.*]. *Ул дайрга бордим, курдум, асру заиф жисмлиғки, уйқусизлик асари анда зоҳир эрди.*

Насойим ул-муҳаббат, 494-б.

УЛВИЙНАСАБ [*а.* علوي نسب] Олий насаб, зоти улуғ.

[*Мирхонд – форсиғўй шоир*]. *... ва улвийнасаб ва касрати ҳасабки барча мужиби ужб аноniятдурлар, ул миқдор бетаайюн ва фоний машраб ва хуш ахлоқ кишидурким андин утмас.*

Мажолис ун-нафоис, 121-б.

УЛВИЙХИРОМ [*а.-ф.* علوي خرام] Юқори даражада чиройли юриш; юқорида юрувчи, ўзини ерга урмовчи.

Масиҳ дам ура олмас анга уруж туни,
Магар бизинг маҳи улвийхиром қилди ҳадис.

Бадоеъ ул-бидоя, 98-б.

УЛДАМ [*т.* اولدم] Ўша лаҳза, ўша вақт.

Ки, андин бўлмаса хотир ҳаросон,
Бўлур қурғонни олмоқ улдам осон.

Фарҳод ва Ширин, 315-б.

УЛЁН [*т.* او لیان] У томон, ўша гомон.

Мени майхонаға бординг дебон ёзғурма, эй зоҳид
Ки, усрук шаҳнадек улён қазо илги тутар элтур.

Наводир уш-шабоб, 134-б.

Чу рахшин сурди улён бемадоро
Қиёмат курди бўлгон ошкоро.

Фарҳод ва Ширин, 85-б.

УЛ [*т.* اول] У, учинчи шахс бирликни ифодаловчи кишилик ва курсатиш олмошлари.

Улу бу У-бу.

Ҳуру жаннатдин муродим давлати дийдор эрур,
Ёрсиз боғу канизи беш эмастур улу бу.

Наводир ун-ниҳоя, 449-б.

УЛУВ(В) [*а.* علو] **1** Олий, юқори, баланд.
2 Юқорилик, баландлик; улуғлик.
Улувви қадр Олий даража, олиймақом.

Улувви қадринг айлаб кукка оҳанг,
Шукуҳи ҳилмдин зотинг гаронсанг.

Фарҳод ва Ширин, 406-б.

УЛУҒ [*т.* اولوغ] **1** Эгаллаган ўрни, ҳажми ғоят йирик; жуда катта, улкан.
2 Куч-қудратга эга.
3 Қадр-қиймати, аҳамияти юқори даражада.
Улуғ йир Қадимги узоқ чалинадиган туркий куйлардан бирининг номи

Муғанний, улуғ йир садосини туз
Пижир кукка пийпо садосини туз!

Садди Искандарий, 383-б.

Эй йиров сен ҳам ишингни курғуз.
Ётуғон бирла улуғ йирни туз.

Фавойид ул-кибар, 484-б.

Улуғ-кичик Катта-кичик.

Улуғ-кичикдин ҳар турлукда гадойи муваҳҳиш, фосид хавотиридек софий кунгулга мушаввиш.

Маҳбуб ул-қулуб, 40-б.

[*Мавлоно Мирзайн қ. с.*]. *Мулкнинг халойиқи улуғ-кичикдин барча анга мухлис ва муъташкид эрдилар.*

Насойим ул-муҳаббат, 442-б.

УММОЛ [*а.* عمال] **1** Амал қилувчи.
2 Ҳоким; вакил.

[*Фаридун – Пешдодийлар сулоласига мансуб подшоҳ*]. *Олам аҳлин адолат била хушҳол қилиб Заҳҳок жавридин топқон заҳмларига адл била марҳам қуйди ва қолгон уммолқаким, ъдийлар эрдилар, дафъ қилди...*

Тарихи мулуки ажам, 201–202-б.

УММОНБАХШ [*а.-ф.* عمان بخش] **1** Денгизга ўхшаш, дарёдай.
2 Арабистондаги бир денгиз номи

Бу жиҳатдин ҳадисидур жонбахш,
Кафининг баҳри дурри Уммонбахш.

Сабъаи сайёр, 68-б.

УМ(М) [*а.* ام] Она.
Умм ул-китоб 1) китобларнинг онаси; 2) асосий ва муҳим китоблардан бири, Қуръони карим; 3) асл китоб.

Бал ети обо мунга умм ул-китоб,
Сабъи масоний топиб андин хитоб.

Ҳайрат ул-аброр, 104-б.

УМРОН [*а.* عمران] қ. **Имрон**

Икаласининг ҳарамлари эгачи-сингил эрдилар. Умронга фарзанд кўп бўлди ва Зикриё а. с. га бўлмади.

Тарихи анбиё ва ҳукамо, 173-б.

УМРФАСОЙ [*а.-ф.* عمرفرسای] 1 Жон азоби, умр эгови.
2 Асоссиз, бебақо, вақтинча.

Султон Абу Саид Курагон... ва тиғи умрфарсойи била кўп элга ошуб солди...

Садди Искандарий, 198-б.

УНАТМОҚ [*т.* اونتماق] Кундирмоқ, унатмоқ; рози бўлмоқ, хўп демоқ.

Муяссар ўлмади жон бермаку лабин ўпмак,
Нединки қолмади жоним ани унатқунча.

Бадоеъ ул-васат, 385-б.

УНДУРРАК [*т.* اوندورراك] Баландроқ.

Эй Навоий, хублар қаддида йўқтур эътидол,
Нега ўхшар сарвдин ундуррак инсон қомати.

Бадоеъ ул-васат, 444-б.

УННОБГУН [*а.-ф.* عناب گون] Қизил, қизил ранг

Ул лаби уннобгун кўнглумда эккан тухми меҳр
Кўнглум ичра ёшурун дурдонадек унноб аро.

Бадоеъ ул-бидоя, 41-б.

УНСУРИЁТ [*а.* عنصریات] Моддий олам, борлиқ; унсурлар (ут, сув, тупроқ, ҳаво).

Ва коинот бозорининг ғавғоси ва унсуриёт чорсусининг алолоси бу такаллум ва тараннум биладур...

Маҳбуб ул-қулуб, 69-б.

УНТУЖ [*ф.* اونتوج] Қарз, омонат.

Оллиға бош қўйдум, аммо тиғ ила айирмади,
Бош эмас, буким эрур бўйнумга анинг унтужи.

Наводир ун-ниҳоя, 541-б.

Жавру бедодинг туганмай қолган эрса жонима,
Чарҳдин ҳам унтуж олсанг, ол демон, қолганча қил.

Бадоеъ ул-васат, 268-б.

УНТУЧ [*ф.* اونتوچ] қ. **Унтуж**.

УНУТҚУЧИ [*т.* اونوتوچی] Унутгувчи, эсдан чиқариб юборгувчи

Ёлғончи – унутқучи ва тааммул ва эҳтиёт йўлидин канора тутқучи.

Маҳбуб ул-қулуб, 98-б.

УНФ [*а.* عنف] 1 Даҳшатлик, куполлик.
2 Жабр, зулм.

Захм элдин улуб зоҳиру сендин бори марҳам,
Эл унф аён айлабу сен барча мадоро.

Бадоеъ ул-васат, 11-б.

[*Ҳалил Ота қ. р.*]. *Ҳоҳи лутф ва ҳоҳи унф била менга хизмат адосин таълим қилур эрди ва ул жиҳатдин кўп фавоид менга етар эрди...*

Насойим ул-муҳаббат, 260-б.

УРМАМОҚ [*т.* اورماماق] **1** Урмаслик; дуппосламаслик.

Қайси водийким танимни ашк сайли сурмамиш,
Қайси тоғ авжиғаким мавжи бошимни урмамиш.

Наводир уш-шабоб, 193-б.

2 Дам урмамоқ Гапирмаслик.

Бу дарёга кирган гавҳари мақсуд тиласа дам асрамоқ керак ва бу ҳарамга йул топқон маҳрамлиқ тиласа дам урмамоқ керак.

Маҳбуб ул-қулуб, 61-б.

Мақсудки, пир иршодидин аиру бу йўлга қадам урмамоқ керак, балки дам.

Маҳбуб ул-қулуб, 118-б.

УРУЛМОҚ [*т.* اورولماق] **1** Урилмоқ.

Қалам урулмоқ Қалам тегизилмоқ, қалам юргизилмоқ.

2 Асар ёзмоқ

... васфларига қалам урулубдур.

Муҳокамат ул-луғатайн, 35-б.

УРҒУЧИ [*т.* اورغوچی] **1** Ургувчи.

Таёқ урғучи Таёқловчи, калтакловчи; бел ургувчи (бел билан ер кавлавчи).

Токим икки йигоч ушолди дуруст,
Булди икки йигоч урғучи суст.

Сабъаи сайёр, 262-б.

Бўлур ҳар дойгар гардунга пайваст,
Қолиб бел урғучи балчиқ аро паст.

Фарҳод ва Ширин, 83-б.

2 Бурттириб гапирувчи.

Ҳунарпарвар – ишни буюрғучидур,
Ҳунарвар, вале лоф урғучидур.

Садди Искандарий, 578-б.

УСБУЪ [*а.* اسبوع] **1** Бармоқ.

2 Марта.

Эллик усбуъ Эллик маротаба.

[*Абу Абдуллоҳ Маъруф...*]. *Маккада мужовир эрди. Ҳар кеча-кундуз илтизом қилиб эрдики, эллик усбуъ тавоф қилгай.*

Насойим ул-муҳаббат, 411-б.

УСТОД [*ф.* استاد] Устоз, муаллим, ургатувчи.

Устоди азал 1) Аллоҳ; 2) тақдир, қазо, олдиндан белгилаш.

Қаддида гулгун либос эрмаски, устоди азал
Барги гулдин ҳулла қилмиш сарви раъноси учун.

Бадоеъ ул-васат, 339-б.

УСТУРЛОБ [*ю.* اسطرلاب] Қуёш ва юлдузларнинг юксаклигини улчайдиган [Астрономияда узунлик ва кенгликларни аниқлаш учун XVIII асргача қўлланилган бурчак улчаш асбоби] асбоб.

Ул қуёштин аиру сариғ чеҳрам устурлобдек,
Курғузур тирноғ ила беҳад рақам, бисер хат.

Бадоеъ ул-васат, 204-б.

УТОРИД [*а.* عطارد] **1** Меркурий (форсча Тир) сайёраси.

Онча фарёд этти мутриблар Навоий назмидин,
Ким Уторид шеъридин чарх узра Ноҳид этмагай.

Наводир уш-шабоб, 455-б.

Ё Уторуд килкида зарҳал туганди, кукта чун
Ёзди айни ийднинг аввалги жузвий сувратин.

Бадоеъ ул-васат, 477-б.

2 Бу сайёра мумтоз адабиётда «илми нужум»га асосланиб осмон ёки фалак котиби, ижодкорларнинг ҳомийси деб юритилади.

Чун Уторуд чархига еттим, табиат қилди майл,
Кўргали назминки зоҳир қилди табъи жавдатин.

Бадоеъ ул-васат, 479-б.

Фоидага аҳли чу очиб варақ,
Гарчи Уторид эса айтиб сабақ.

Ҳайрат ул-аброр, 310-б.

Агар толеъида юз иқбол эрур,
Аторид вале анда бадҳол эрур.

Садди Искандарий, 202-б.

УТОРУД *айн.* **Аторид**.

УФТОДА [*ф.* اوفتاده] **1** Йиқилган, ташландиқ. нотавон, заиф; бечора.

2 Мубтало.

3 Хоксор.

Заъфдин махмурлуг йиқти Навоий жисмини,
Ёр айши базмида ёд айланг ул уфтодадин.

Ғаройиб ус-сиғар, 361-б.

УФТОДАЛИҒ [*ф.-т.* اوفتاده لیغ] Йиқилганлик, ташландиқлик, хокисорлик.

... бу уфтодалиг айёмида боре ул остонада йиқилгаймен.

Ғаройиб ус-сиғар, 22-б.

УЧУЗ [*т.* اوچوز] Арзон.

Фақр кўйи туфроғиким, улдур иксири ҳаёт,
Жон бериб кўз ёритурча олсанг – олмишсен учуз.

Бадоеъ ул-васат, 160-б.

УЧҚУ [*т.* اوچقو] Учиб кетарлик, учар.

Бўю жисмин деёлмон қучқу янглиг,
Паридек чустлуқдин учқу янглиг.

Фарҳод ва Ширин, 238-б.

УШМОҚ [*т.* اوشماق] Хаёлга ботмоқ, хаёлга чўммоқ.

Бу деб: «Анга турфа ҳол тушмиш»
Ул дебки: «Ажаб хаёл ушмиш».

Лайли ва Мажнун, 96-б.

УЮЛУРМАК [*т.* اویولورمك] Ивимоқ, ивиб оқмоқ

[*Зайтуна р. т.*]. *Илигининг ҳар еригаки, сут тегар эрди, қораси уюлурур эрди.*

Насойим ул-муҳаббат, 488-б.

УЮРМАК [*т.* اویورمك] **1** Айлантирмоқ; ағдармоқ.

2 Варақламоқ.

Қалам жардаи хушхиромининг инонин бу равишдин уюрмак керак.

Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер, 97-б.

3 Тарқалмоқ

Уйга еткунча етар юз қатла жоним оғзима,
Чун уюр ранжу алам руҳу равонимдин кетар.

Фавойид ул-кибар, 120-б.

УҚДАКУШОЙ [*а.-ф.* عقده كشاى] **1** Тугун ечувчи, муаммони ҳал қилувчи.

2 Тадбиркорлик.

Султон Абу Саид Курагон... ҳикоятиким, ройи уқдакушойи била куп мамлакат олди...

Садди Искандарий, 198-б.

УҒАР [*т.* اوغلر] Қашқа.

Уғар қилмоқ Қашқа қилмоқ.

Қилди уғар утоғасин ул қотили шижоъ,
Хуршид оразига ҳамоно хати шиоъ.

Наводир ун-ниҳоя, 252-б.

Ф

ФАВОҲИШ [*а.* فواحش] Фоҳишалар, хунук қилиқли аёллар.

Биров ул фавоҳишдин бири била зино қилғоч ороларига тоун тушти.

Тарихи анбиё ва ҳукамо, 149-б.

ФАЗИҲАТЛИҚ [*а.-т.* فضيحت ليق] Расволик, ёмонлик, шармандалик, бе-обрулик, маломатлик.

Мунча фазиҳатлиқ эмас эрди бас,
Ким ура олмай чоғир ўлмай нафас.

Ҳайрат ул-аброр, 270-б.

ФАЗЛ [*а.* فضل] **1** Ортиқлик, устунлик

2 Қадр-қиммат

Фазлу карам Марҳаматлик ва карамлик.

... ва мусташор тадбирдин йўққи, кирдигор тақдиридин эрканин билиб, узунгизни Тенгри таолонинг фазлу-карами ҳимоятига қо-чургайсиз.

Муншаот, 150-б.

2 Илм-фан, ҳунар.

ФАЙЙАН-НАЗАР [*а.* في النظر] Нигоҳнинг сояси.

Андишаи файйан-назар Соялик мулоҳазаси.

Ёрутуб айнини мозоғ ал-басар,
Раф улуб андишаи файйан-назар.

Лисон ут-тайр, 19-б.

ФАЛАКИЙ [*а.* فلكي] **1** Осмоний, фалакка мансуб; осмоний тақдир.

2 Юксак мартабалилик.

Езар фаришта қуёш сафҳасиға васфингни,
Магарким ул фалакий топмас обдон коғаз.

Ғаройиб ус-сиғар, 123-б.

ФАЛАКМИҚДОР [*а.* فلك مقدار] Юксак даражали, осмондек.

Назм мулкин тил чекиб олмиш Навоий ўйлаким
Чекса оламни олур шоҳи фалакмиқдор тийг.

Бадоеъ ул-бидоя, 266-б.

ФАЛАКРАФТОРЛИҒ [*а.-ф.-т.* فلك رفتارليغ] Фалакдек тез юрадиган, фалакдай тез айланадиган.

Гар қуёш зангин фалакрафторлиг рахшингга ос,
Ким тузар ул занг навҳанг нагмасин афғон аро.

Бадоеъ ул-бидоя, 41-б.

ФАЛАКСАЙР [*а.* فلك سير] Фалакни сайр қилувчи, фалакни кезувчи

Агар етса сарвақтиға комиле,
Қуёшдек фалаксайру равшан диле.

Садди Искандарий,258-б.

ФАЛАКТУМТАРОҚ [*а.-т.* فلك طمطراق] Фалакдай дабдабали.

Деди: мезбони фалактумтароқ,
Ки: Отланса Хоқон ҳам эрмас йироқ.

Садди Искандарий, 358-б.

ФАНОИЙ [*а.* فاني] Фанолик.

Фаноий маҳз етар «Ситтаи зарурия»
Нединки йуққа зарурат эмас бу навъ олтов.

Фавойид ул-кибар, 343-б.

ФАРАҲАФЗО [*а.-ф.* فرح افزا] Кунгил очувчи, кунгилни шод этувчи, кунгилни хуррам этувчи; сурурли.

Бу фақирга Ҳазрат Мавлононинг бу фараҳафзо ва руҳосо такаллумидин ниҳоятсиз хушҳоллиқ даст бериб, хаёлга келдиким, бу масъалани Ҳазрати Махдумдин илҳо қилгай.

Хамсат ул-мутаҳаййирин, 29-б.

ФАРАҲРУЛИҚ [*а.-ф.-т.* فرح روليق] Хурсандчилик.

[*Абубакр Қасрий қ. т. с.*]. *... Алар илиг торттилар биз уттук. Ва мен ботинимда анинг била хусуматдаким, аввалги не фараҳрулиқ эди ва сунгги нохуш эҳтисоб не эрди?*

Насойим ул-муҳаббат, 141-б.

ФАРДОНИЯТ [*а.* فردانيت] Яккалик, танҳолик, ёлғизлик; ягоналик, беназирлик.

Ваҳдоният сифатида шарику вазирдин мубарро ва фардоният сийратида волиду валаддин муарро.

Муножот, 293-б.

ФАРЗИЯТ [*а.* فرضيت] Аллоҳ йулида буюрилган фарзлар, бажарилиши фарз бўлган ишлар, фарз баёнлари, вожиб амаллар.

Вале фарзиятида шартлар бор,
Қулоқ тутким, қилай борини изҳор.

Сирож ул-муслимин, 288-б.

ФАРИЗ(А) [*а.* فريضه/فريضه] **1** Диний зарурият, Аллоҳ буюрган намоз, руза каби диний амалларни бажариш.

2 Тугалланган иш.

[*Абу Амр Димишқий қ. т. с.*]. *Ул дебдурки, андоққи, фаризадур анбиёга ояту муъжизат изҳори, фарздур авлиёга хаворики одоту каромат ихфоси, то халқ фитнага тушмагайлар.*

Насойим ул-муҳаббат, 109-б.

Хаттинг малоҳати қошида сабзайи Эрам,
Бил сабзаи Эрам ёнида шуълалиқ фариз.

Наводир уш-шабоб, 156-б.

ФАРОСАТОЙИН [*а.-ф.* فراست آئين] Фаросатли; ақл-идрокли.

Ҳар ойинаким салтанат корхонасидаги маносибдин ҳар мучага лойиқ фаросатойин хушмандларни...

Вақфия, 244-б.

ФАРРУХАНЖОМ [*ф.* فرخ انجام] Бахтиер.

Қушеким санга бастаи дом эмиш,
Азозилдек фарруханжом эмиш.

Садди Искандарий, 23-б.

ФАРРУХСИРИШТ [*ф.* فرخ سرشت] **1** Аслзодалик, олий насаблик.

2 Муборак хилқатлик.

3 Очиқ юзлилик, ёқимлилик.

Яна деди Буқроти фарруҳсиришт
Ки: «Эл чун кўрар ҳар недур сарнавишт».

Садди Искандарий, 550-б.

ФАРХОР [*ф.* فرخار] **1** Ҳамма жойи ораста ва чиройли.

2 Бутхона.

3 Қадимда Мовараннаҳрдаги бир шаҳар номи. У ўз бутхонаси билан дунёга машҳур бўлган.

Ким, ул бути чину моҳи фархор,
Бу боғда гар гул ўлса, гар хор.

Лайли ва Мажнун, 160-б.

ФАРХУНДАЖАМОЛ [*ф.-а.* فرخنده جمال] Муборак юзли, қутлуғ чеҳрали.

Тун-кун бўлгил маҳравишу меҳр хисол,
Даҳр аҳлига нурбахшу фархундажамол.

Ғаройиб ус-сиғар, 580-б.

ФАРШОВ [*а.* فرشاو] Бисот, борлиқ, таянч.

[*Шайх Амур . т.*]. *Менинг пири фаршовимдур, яъни суфия одоб ва русумин андин урганибмен.*

Насойим ул-муҳаббат, 236-б.

ФАС [*а.* فص] **1** Узук қошига ўтказиладиган қимматбаҳо тош.

2 Узук.

Лаълинг нигини шарҳидадур гўйиё фусус,
Ҳар жузвида нишонаи вақф айлади бу фас.

Наводир уш-шабоб, 198-б.

ФАСД [*а.* فصد] Қон олувчи; томир уришини кўрувчи, жарроҳ.

Фасд қилмоқ Томирдан қон олмоқ.

[*Абу Яъқуб Зизий қ. с.*]. *Ногоҳ буйин рагларидин қон равон булди, фасд қилғондек ва йиқилди.*

Насойим ул-муҳаббат, 93-б.

ФАХР [*а.* فخر] **1** Мамнунлик ҳисси, мамнуният.

2 Ғурур.

Фахр ул-миллат Миллатнинг фахри, халқнинг улуғи, қувончи.

... ва бебок бу тоифанинг беназиру адил ва тоқи фахр ул-миллату вад-дин Шайх Ироқийдурким, ишқ сифотиға муттасифдур...

Маҳбуб ул-қулуб, 68-б.

ФАҚИРЛИК [*а.-т.* فقيرلك] **1** Камбағаллик.

2 Дунё ноз-неъматларидан кечганлик

3 Хокисорлик, камтарлик, фақирлик, мискинлик

Ирфон ва фақирлик шарофати билан фахрланган Муҳаммад алайҳиссаломга салоту саломлар йуллаймизки, у зот туфайли замон аҳлига иймон шарофати етишди.

Насойим ул-муҳаббат, 11-б.

ФАҚОҲАТ [*а.* فقاهت] **1** Фиқҳ илмининг олими, диний ҳуқуқ илмининг билимдони, фиқҳшунос, дин ақидалари билимдони.

2 Илоҳият.

[*Шайх Имодуддин Фақиҳ қ. т. с.*]. *Агарчи фақоҳатқа машҳурдур, аммо соҳиби важду ҳол эрмиш.*

Насойим ул-муҳаббат, 478-б.

ФАҒФУР [*ф.* فغفور] **1** Қадимги Чин (Хитой) подшоҳларидан бирининг лақаби.

2 Хитой идишлари.

Кўрар ондин футур ар булса фағфур,
Топар ондин қусур ар булса Қайсар.

Бадоеъ ул-бидоя, 611-б.

ФАҲВО [*а.* فحوى/فحوا] Мазмун, маъно; мақсад.

Ниёз рафъидин сўнгра эълом улким, бу учурда ул соридин келганларнинг каломлари фаҳвосидин...

Муншаот, 225-б.

ФАҲМСИЗ [*а.-т.* فهم سيز] Бефаросат, идроксиз, ақлу-ҳушсиз, бефаҳм.

Фаҳмсиз мулозимлар ғафлатида ва алар била маош уткармак меҳнатида.

Наводир уш-шабоб, 506-б.

ФЕЪЛ [*а.* فعل] Амал (номоз ўқиш амаллари); вожиб амал.

Намоз суннатларидин ун феълиси баёни.

Сирож ул-мўслимин, 284-б.

ФЕЪЛИЙ [*а.* فعلي] Амаллик, вожиблик; вожиб амаллик.

Яна феълий бировгаким, биликдур,
Қулоққача бийик қилмоқ иликдур.

Сирож ул-мўслимин, 284-б.

ФИДОК(А) [*а.* فداكه/فداك] Киши ўз ихтиёри билан бирор мақсад ёки Ҳақ йўлида узини фидо қилиши.

Руҳи фидок Сенга фидо!, Сенга жоним фидо!, Сенга (жоним) қурбон бўлсин!, Сенга руҳим фидо!

Айтким, эй бошгин-аёқ руҳи пок,
Жисм санга руҳки, руҳи фидок.

Ҳайрат ул-аброр, 183-б.

Бедилинг хайли русули сенсен аларга дилрабо,
Ё набий руҳий фидока аҳлан ва саҳлан марҳабо.

Наводир ун-ниҳоя, 11-б.

ФИКРАТНАМОЙ [*а.-ф.* فكرت نمائي] **1** Фикр юритувчи, ўйлаб иш курувчи, мулоҳазали, андишали.

2 Тушунчали.

Неча май била кунгли ишратфизой,
Ул уч мулк бобида фикратнамой.

Садди Искандарий, 222-б.

Ки, ҳар бир чаманким курар дилкушой,
Булур боғбонига фикратнамой.

Садди Искандарий, 424-б.

ФИКРИЙ [*а.* فكري] **1** Ўйлашлик, фикрлашлик, тасаввурлик.
2 Тушунчалик.

Яна дақойиқшиор муҳаққиқлар хизматида ва ҳақойиқдисор мудаққиқлар ҳазратида арзим улдурурким, бу паришон абётким, шарҳ қилғондек тартиб топти... ва баъзи фикрий булса, баъзи бадиҳа...

Бадоеъ ул-бидоя, 24-б.

ФИЛЖАВОБ [*а.* في الجواب] Жавобга кўра.

Филжавоби биғайриҳи...

Мажолис ун-нафоис, 199-б.

ФИЛОТУНМАНИШ [*ф.* فلاتون منش] Афлотун даражали; Афлотун табиатли.

Бори ҳикматойину донишпужуҳ,
Филотунманиш, бал Арастушукуҳ.

Садди Искандарий, 298-б.

ФИЛОТУНШУКУҲ [*ф.* فلاتون شكوه] Афлотун шукуҳли.

Яна қатла доройи гардуншукуҳ,
Деди: «К-эй ҳакими Филотуншукуҳ».

Садди Искандарий, 200-б.

ФИЛ-ФАВР [*а.* في الفور] Тезда, тезлик билан, дарров, дарҳол.

Пас, Яъқуб намоз қилди ва ёмғур талабига дуо қилди, фил-фавр ижобат асари зоҳир булди ва ёғин туташти.

Насойим ул-муҳаббат, 405-б.

ФИЛҒОР [*а.* في الغار] Мушкулот ғори.

Улки султони расулнинг ёридур,
Соний иснайн азҳума филғоридур.

Лисон ут-тайр, 21-б.

ФИЛ-ҲАҚИҚА [*а.* في الحقيقة] Дарҳақиқат, ҳақиқатан.

Фил-ҳақиқа мосиваллоҳдин ул Ҳазрат с. а. в. менинг сари боқиб, табассум қилиб дедиким, чун бизни севарсен, бизинг биласен!

Насойим ул-муҳаббат, 117-б.

ФИРДАВСТАЗЙИН [*ф.* فردوس تزيين] Жаннат сифат боғ, жаннат каби безалган.

Бу Султони Соҳибқироннинг эрамойин суҳбатларида ва фирдавстазйин хилватларида бу навъ гариб латойиф ва ажиб заройиф... зоҳир булур...

Мажолис ун-нафоис, 209-б.

ФИРЕФТАЛИҒ [*ф.-т.* فريفته ليغ] **1** Оппифталик, мафтунлик, берилганлик.
2 Алданганлик.

Такаллуф аҳлининг дунёга шефталиғидаву дунёликка фирефталиғида.

Ғаройиб ус-сиғар, 549-б.

ФИРИБОМЕЗ [*ф.* فریب آمیز] Айёрона, макрли, алдамчи.

Тушмагай эрди фирибомез лутфунг билмайин,
Нотавон кунглумга васлингдин таманно кошки.

Наводир уш-шабоб, 480-б.

ФИТНАОМЕЗ [*а.-ф.* فتنه آمیز] Фитнали, ғавғоли.

[*Абубакр Розий Бажалий р. т.*]. *Абубакр Розийдин сурдиким, самоъда не дерсен? Дедиким, бас фитнаомезу тарабангездур, узни фитнадин асрамак керак.*

Насойим ул-муҳаббат, 162-б.

ФИТНАЛИК [*а.-т.* فتنه لیك] Фитналик, ғавғолик, тўпалонлик.

Фитна солди олам аҳлига қулоғинг гавҳари,
Халқ таскини учун ул фитналик ахтарни ёп.

Фавойид ул-кибар, 53-б.

ФИҚАРОТ [*а.* فقرات] Парчалар, бандлар, булимлар.

Рангин фиқарот Чиройли парчалар, гузал бандлар.

... ва адоси рангин фиқаротдин намойишсиз ва мазмуни рангин абётдин оройишсиз...

Муншаот, 133-б.

ФИҚРА [*а.* فقره] **1** Карра.

2 Тегишли гапдан қатра; жумла.

Шайх Барака чун эшитти, дедики, Сари маҳжурон дегани яна бир фиқра яхшироқдур.

Насойим ул-муҳаббат, 284-б.

ФИҒОНЛИҒ [*ф.-т.* فغان لیغ] Нолалик, оҳу зорлик, дод-фарёдлик, афғонлик.

Фиғонлиғ кунглуму утлуғ дамимни саҳл тутмангким,
Олибмен ишқ иқлимини бу таблу алам бирла.

Бадоеъ ул-бидоя, 476-б.

ФОЖИР [*а.* فاجر] Бадкор, бузғунчи; фосиқ, бадахлоқ

[*Мавлоно Муҳаммад Амин р. т.*]. *Ҳар неча фориқу фожир ва ноумид киши алар суҳбатига етса эрди, умидвор чиқар эрди.*

Насойим ул-муҳаббат, 437-б.

ФОИДАЛИҒ [*а.-т.* فائده لیغ] **1** Баҳралик, нафлик.

2 Натижалик.

[*Қози Шарафуддин Буҳайро р. т.*]. *Қозини отаси қошига элтиб, дедики, бу ўғулни узга фоидалиг ишга топшурки, анинг мартабаси андин бийикракдурки, баззозлиғқа бош индургай.*

Насойим ул-муҳаббат, 360–361-б.

ФОЙИЗ [*а.* فایض] **1** Файзли, баракатли.

2 Мўл ва фаровон қилувчи.

Фойиз ул-анвор 1) нурлар файзи, нурлар баракоти; 2) нурлар кони.

Ул маърифат кунжининг валоятосор ҳолати зикридин ва фойиз ул-анвор мақолоти фикридин аҳли арбобларга нафъулар ва шавқу иродат аҳлига файзлар етишти.

Насойим ул-муҳаббат, 12-б.

ФОРИК [*а.* فارق] Ўзидан жудо булган, фарқланган.

[*Мавлоно Муҳаммад Амин р. т.*]. *Ҳар неча форқу фожир ва ноумид киши алар суҳбатиға етса эрди, умидвор чиқар эрди.*

Насойим ул-муҳаббат, 437-б.

ФОРУҚ [*а.* فاروق] **1** Ҳақ билан ноҳақни ажратувчи, адолатли, ҳаққониятли, одил.

2 Чорёрлардан бири Умарнинг лақаби.

[*Хожа Абдулҳолиқ Ғиждувоний қ. т. р.*]. *Барча форуқнинг мақбулидурлар.*

Насойим ул-муҳаббат, 253-б.

ФОРСИЙ [*ф.* فارسی] **1** Форс тили.

2 Форс тилида айтилган ёки ёзилган, форсча

3 Форсларга хос, алоқадор.

Форсий ул-асл Асл форсларга хос, ҳақиқий ажамлик, асли, келиб чиқиши Ажамдан.

[*Абу Исҳоқ Иброҳим Шаҳриёр Гозируний қ.* [*т.*]. *Форсий ул- асл-дур ва мавлиду маншаъи Гозирун наварди.*

Насойим ул-муҳаббат, 179-б.

ФОСИДЛИҒ [*а.-т.* فاسد لیغ] **1** Бузуқлик, фисқ ишлар қилишлик, ёмон ишлар билан шуғулланишлик, ахлоқсизлик.

2 Ёмонлик; вайроналик.

Вафо бозорининг косидлиғида ва вафожўйлар хаёлининг фосидлиғида.

Наводир уш-шабоб, 513-б.

ФОТЕҲ [*а.* فاتح] қ **Фотиҳ.**

ФОТИҲ [*а.* فاتح] **1** Фатҳ этувчи, очувчи, забт этувчи

2 Ғалаба келтирувчи, буйсундирувчи, музаффар, ғолиб.

Тили ҳуруфқа эврулмаган, басо, ҳинду
Ки, булди нуктаси куп ғайб ҳазиға фотиҳ.

Фавойид ул-кибар, 76-б.

ФОЪИЛОТУН [*а.* فاعلاتُ] Аруз атамаси.

Фоъилотун – ватади мажмуъ кивурмак била икки сабаби хафиф орасиға.

Мезон ул-авзон, 47-б.

ФОЪИЛУН [*а.* فاعلُ] Аруз атамаси.

Фоъилун – сабаби хафиф тақдими била ватади мажмуъқа.

Мезон ул-авзон, 47-б.

ФУЗУЛЛУҒ [*а.-т.* فضول لوغ] **1** Ортиқчалик, беҳудалик, нокерак ва ортиқча гап-сўзлик.

2 Ҳар нарсага аралашишлик, ўз ҳаддидан ошишлик

3 Телбалик.

[*Шайх Абу Али Даққоқ р. т.*]. *Шайх деди: сенинг бу фузуллуг била не ишинг борки, кеча намоз қилғайсен, санга дунё мурдорин ўзунгдин аритмоқ керак.*

Насойим ул-муҳаббат, 205-б.

ФУЛКИЁНА [*а.-ф.* فلکانه] Кемача, қайиқча

... ул Ҳазрат сочқон дуррлар олдида не қурунгай ва анинг ҳиммати жанобида бу фулкиёна муҳаққар не бўла олгай.

Назм ул-жавоҳир, 134-б.

ФУРУТАНЛИК [*ф.-т.* فروتن لیك] Хокисорлик, камтарлик.

Ва Аҳмад б. Абулвард дебдурки, чун Тенгри таоло валийга уч иш ортурғай, ул даги уч иш ортурғай, чун жоҳида ортурғай, ул тавозуъ ва фурутанликда ортурғай...

Насойим ул-муҳаббат, 90-б.

ФУСУНПАРДОЗЛИҒ [*а.-ф.-т.* فسون پردازلیغ] Сеҳргарлик, афсунгарлик, ҳийлагарлик.

... ва адоси таркибида фусунпардозлиғлар ҳосилки, туркча тил била бу навъ девонки, мазкур булди...

Муҳокамат ул-луғатайн, 38-б.

ФУСУНСОЗЛИҚ [*а.-ф.-т.* فسون سازلیق] Найрангбозлик, афсунчилик

Рузи учун мунча фусунсозлиқ,
Мансаб учун мунча дағобозлиқ.

Ҳайрат ул-аброр, 137-б.

Муҳандислар айлаб фусунсозлиқ,
Масоҳат била корпардозлиқ.

Садди Искандарий, 465-б.

ФУСУС I [*ф.* فسوس] **1** Афсус, надомат, пушаймонлик.

2 Масхаралик, истеҳзо.

Навоий, тилинг асрағил зинҳор,
Десангким, емай даҳр ишидин фусус.

Бадоеъ ул-бидоя, 633-б.

ФУСУС II [*а.* فصوص] **1** Узук қошига утказилган қимматбаҳо тош

2 Илми каломга дахлдор китоб номи.

Лаълинг нигини шарҳидадур гўйиё Фусус,
Ҳар жузвида нишонаи вақф айлади бу фас.

Наводир уш-шабоб, 198-б.

3 Мухидлин Ибн ал-Аъробийнинг тасаввуфга доир «Фусус ал-ҳикам» [ҳикматлар тоши] номли асари. (Пайғамбарлик бурч-уҳдалари борасида мажоз ва имо-ишораларга тўла араб тилида ёзилган китоб).

[*Шайх Садриддин Равосий*]. *Бадахшон шоҳиғаким, анга мурид бўлуб эрди, «Фусус» дарс айтур эрди, кунглумни басе сайд қилди.*

Мажолис ун-нафоис, 35-б.

[... *Ҳофиз Бухорий р. т.*]. *Бир кун аларнинг мажлисида Шайх Муҳиддин Аъробий қ. т. с. зикри ва анинг мусаннафоти утар эрди. Бузургвор оталаридин ривоят қилдиларки, алар дер эдиларки, «Фусус» жондур ва «Футуҳот» кунгул.*

Насойим ул-муҳаббат, 271-б.

ФУТА [*ф.* فوته] **1** Урама белбоғ.

2 Ҳаммомда белдан пастга тутиладиган лўнги

Футалар мушку анбар оғушта,
Тортилиб ип ерида зарриишта.

Сабъаи сайёр, 247-б.

ФУТА [*ф.* فوته] қ. **Фута**

Х

ХАБАРДОРЛИҚ [*а.-ф.-т.* خبردارلیق] Хабар олувчилик, билувчилик, хабардорлик.

Вожиб эрур борчасиға ёрлиқ,
Яхши-ёмон ишда хабардорлиқ.

Ҳайрат ул-аброр, 158-б.

Не тўрт аслдин кунглига ёрлиқ,
Не олти тарафдин хабардорлиқ.

Садди Искандарий, 30-б.

ХАБАРСИЗ [*а.-т.* خبرسیز] Бехабар, дараксиз, огоҳ эмас.

Ул ишқ балосидин хабарсиз,
Кўнгли бу забонадин шарарсиз.

Лайли ва Мажнун, 117-б.

Хабарсиз бўлмоқ Бехабар бўлмоқ.

Оҳу ашкимдин хабарсиз бўлманг, эй олам эли,
Ким, беруурлар ул бири сарсар, бу туфондин хабар.

Наводир ун-ниҳоя, 159-б.

Хабарсиз этмак Хабар бермаслик.

Буким фироқи узумдин хабарсиз этти мени,
Ўзи бирорта хабардорму экин оё.

Фавойид ул-кибар, 29-б.

ХАВВОС [*а.* خواص] **1** Хосиятлар, хоссалар.

2 Улуғ зотлар, хос кишилар.

Хаввос ул-ишқ 1 Хослар ишқи (хос кишилар ишқи), Аллоҳ марҳаматига етишган улуғ зотлар ишқи.

2 Ишқи илоҳий.

Хаввос ишқидурким, хаввос ул-ишққа мансубдурлар.

Маҳбуб ул-қулуб, 68-б.

ХАВОНИҚ [*а.* خوانق] Суфиларнинг йиғиладиган жойи, шайх ва дарвишларнинг зикр утказадиган жойи; хонақоҳ.

Масожидда тоат била нур йўқ,
Хавониқда нон расми дастур йўқ.

Ғаройиб ус-сиғар, 531-б.

ХАВОТИН [*т.* خواتین] Туркий сўзнинг (хотун) арабча кўплиги, аёллар, хотинлар.

[*Бибичаи Мунажжима р. т.*]. *Замон подшоҳи илтифот ва таъзим кўп қилур эрди ва подшоҳ ҳарамлари узмо хавотин баҳоят ҳурмат тутарлар эрди.*

Насойим ул-муҳаббат, 497-б.

ХАДСИЗ [*а.-т.* حد سیز] Юзсиз, ёноксиз, юзнинг қизариб турган жойи, бетсиз.

Не печу тоби хадсиз доми зулф эркинки, очилгач,
Демай кўнглум қушиким, уйла юзни мубтало қилмиш.

Наводир ун-ниҳоя, 225-б.

ХАЖАНГ [*ф.* خجنگ] Бало булути.

Парранда хажанги жавзи ҳурдум,
Сайр амрида ражъат ичра анжум.

Лайли ва Мажнун, 164-б.

ХАЗЛ [*а.* خذل] **1** Бебаҳралик.

Хазлу завқ айларга туттунг дашт, бир суз қот менга
Ким, тилаб топмас киши ғули биёбон мен киби.

Наводир ун-ниҳоя, 564-б.

2 Бахтсизлик, бахти қаролик, толесизлик, бадбахтлик, бечоралик

ХАЗЛОН [*а.* خذلان] қ **Хазл**.

Тенгри тавфиқларидиндур ва аларнинг зийракларидиндур ва улуғлар майли кичиклар суҳбатиға хазлон аломати ва аларнинг ҳамоқат ва нодонлиғларидиндур.

Насойим ул-муҳаббат, 189-б.

ХАЗОНОСО [*ф.* خزان آسا] **1** Куз фаслидек

2 Дарахтнинг кузда сарғайиб тукилган барги каби.

Ҳар ойинаким, ул хуршиди авжи камол олтун жом ичра асфар май била сархуш ва анинг кайфияти ҳароратидин олам аҳлиға зарфишонлиги хазоносо, балки хуршидвашдурким, айши мустадоми мудом бўлсун.

Муншаот, 139-б.

ХАЙБАРСИЗ [*ф.-т.* خیبر سز] **1** Мустаҳкам эмас, қалъасиз, қурғонсиз.

2 Хайбар қалъасиз.

Ишингиз жону дин олмоқдур, эй муғ дайри атфоли,
Агар куффори хайбарсиз ва гар турки хитодурсиз.

Бадоеъ ул-васат, 150-б.

ХАЙЁТЛИҚ [*а.-т.* خیاطلق] Тикувчилик, кийим тикувчилик, ямоқчилик.

... ва ул меъморлиқ хижолатидин узр ҳужрасиға юз урмоқ ва бу хайётлиқ узридин хижолат ёқасига бош янурмоқ...

Ҳайрат ул-аброр, 331-б.

ХАЙЛИ [*ф.* خیلی] Кўп, ортиқ, бисер, зиёд.

Қавми-қавм ичра кўруб меҳнатлар
Хайли-хайл ичра чекиб шиддатлар.

Фавойид ул-кибар, 503-б.

ХАЙЛОН [*ф.* خیلان] Эл, жамоалар; бола-чақалар.

[*Абу Абдуллоҳ Мухтор б. ...*]. *Ул дебдурки... тунни андоқ кийки, руунат ва фахр ва хайлони сенинг ниҳодингда қўйдурғай.*

Насойим ул-муҳаббат, 242-б.

ХАЙР [*а.* خیر] Яхшилик; инъом-эҳсон.

Хайри нос Кишиларнинг яхшиси, одамларнинг энг яхшиси.

Қайда адо айлагасин бу сипос,
Ким сени деб хайри башар, хайри нос.

Ҳайрат ул-аброр, 234-б.

Нафъ етурмакни чу қилди қиёс,
Кўрки, қиёс этти сени хайри нос.

Ҳайрат ул-аброр, 239-б.

ХАЙРМАНД [*а -ф.* خیرمند] Хайрли, инъомли.
То ичиб, арбада бобин очайин,
Хайрманд ариғидек каф сочайин.

Фавойид ул-кибар, 478-б.

ХАЙРМАОЛ [*а.* خیرمآل] Охири хайрли.
Ҳамд ангаким, каломи хайрмаол
Қилди элга расулидин ирсол.

Арбаъин, 261-б.

ХАЙРОТ [*а.* خیرات] Яхшиликлар, хайр-саховатлар, савоб ишлар.
Кунглиники, шаръ булуб муназзаҳ,
Хайроти била улус мураффаҳ.

Лайли ва Мажнун, 42-б.

ХАЛ [*а.* خل] Узум ёки бошқа мевалар сувини ачитиш йули билан тайёрланадиган ачитқи суюқлик, сирка.
Қуёш нигинининг остида заҳридин хал этар,
Кишига меҳр била ким эзиб берур шарбат.

Наводир ун-ниҳоя, 64-б.

ХАЛАҚ [*а.* خلق] Йиртиқ, тўзиган; эски, жанда, қуҳна.
[*Абу Сулаймон Нилий қ. с.*]. *Қарофий анга боқиб дедиким, ё Абу Сулаймон, сенинг тунунгни халақ курармен.*

Насойим ул-муҳаббат, 161-б.

ХАЛИЛУЛЛАҲОСО [*а.-ф.* خلیل‌الله‌آسا] Пайғамбар Халилуллоҳга ўхшаш.
Халилуллаҳосо очиб хони базл,
Қамар курсидек синдуруб нони базл.

Садди Искандарий, 384-б.

ХАЛЛУХ [*ф.* خلخ] Ривоятларга кура, қадим Туркистондаги шаҳарлардан бирининг номи; бу шаҳарнинг одамлари чиройли булишган, у ерда тайёрланган тоза, сифатли хушбуй ҳидли мушк (атир)лар дунёнинг бошқа ўлкаларига келтириб турилган. Ана шу сифатлари билан хушбуй ҳидли мушклар «Халлух» номи билан ҳам машҳур бўлган.
Малоҳат ўлса олур жонни лулию ҳинду,
Гар улмаса қочурур моҳи ўқчаву Халлух.

Наводир уш-шабоб, 85-б.

ХАЛОСЛИҒ [*а.-т.* خلاص لیغ] Нажотлик.
[*Сайдий Аҳмад б. ...*]. *Деди: буки, осмондин дузах ўтидин халослиг баротим тушгай.*

Насойим ул-муҳаббат, 388-б.

ХАЛЪ [*а.* خلع] қ. **Хулъ**.

ХАМЁЗА [*ф.* خمیازه] Киши оғзининг ихтиёрсиз очилиши, эснок

Захмим оғзи бутмасидин уйқум учмиш, эй рафиқ,
Гўйиё бу узга уйқу келтирур хамёзадур.

Бадоеъ ул-васат, 140-б.

ХАММОРСИЗ [*а.-т.* خمارسز] Майсиз, бодасиз, ичкиликсиз.

Аҳли зуҳд ичра Навоий топмади мақсадқа йўл,
Вақтингизни хуш тутунг, эй жамъким, хамморсиз.

Ғаройиб ус-сиғар, 176-б.

ХАМРИЙ [*а.* خمري] Майпарастлик; ичувчи, ичкиликка берилган.

[*Сайид Қуроза – форсигўй шоирлардан*]. *Андоқ маълум булурким, Самарқанд хамрийлари бирла ҳам заду хўрд қилиб, ғолиб булмаса, мағлуб даги эрмас.*

Мажолис ун-нафоис, 78-б.

ХАМСАЗИЙНАТ [*а.* خمسه زينت] **1** Зийнатли бешиклар.
2 «Хамса» устида ишловчи ва унга зийнат берувчи.

Яна маснавий била қасойиддин бошқаким, иншооллоҳ, алар доғи ҳар қайси бошқа мужаллад булгай, ҳар навъ шеърдин, масалан, руҳафзо мухаммаслар, барча хамсазийнат...

Бадоеъ ул-бидоя, 22-б.

ХАМСИЗ [*ф.-т.* خم سيز] **1** Эгиксиз, букик эмас; эгри эмас.
2 Эгилишсиз.

Кўзумдин этмагил, эй сарв ҳеч жониби майл,
Ки яхшироқ кўрунур сарвким, булур хамсиз.

Бадоеъ ул-бидоя, 201-б.

ХАНДОННИШОТ [*ф.-а.* خندان نشاط] Шод-хуррамлик, севинувчи.

Кеча улким чирманур бир гул била не тонг агар,
Ғунчадек ҳар субҳ улуб хандоннишот изҳори бор.

Наводир ун-ниҳоя, 121-б.

ХАРНУБ [*ф.* خرنوب] Уруғ ёки донлари ейиладиган дарахтнинг бир тури.

Ва Абу Абдуллоҳнинг қабри Тури Сино тоғи устида, устоди Абдулҳусайн қабри ёнида, харнуб йиғочи остидадур.

Насойим ул-муҳаббат, 67-б.

ХАРРОС [*а.* خراس] Куза ясовчи, кулол; куза сотувчи.

Умрин аблаҳ кечуруб ғафлат ила,
Нукта урнигаки тортар харрос.

Ғаройиб ус-сиғар, 553-б.

ХАСАК [*ф.* خسك] **1** Чуп, хашак; хасча.
Хори хасак Майда тикан.
2 Қийноқ

Кунглум ичра тушти бир хори хасак, яъни кунгул,
Токи андин чиққали бир нуги пайкон ҳар тараф.

Наводир ун-ниҳоя, 269-б.

ХАСМКУШ [*а.-ф.* خصم كش] Душманни ўлдирувчи

Хасмкуш келди фалак золи бил, эй шайху, менга
Раз қизи борида ул колмани қилма никоҳ.

Наводир ун-ниҳоя, 91-б.

Эйким жаҳон салитасини айладинг никоҳ,
Билгилки, хасмкушдур, агарчи жамиладур.

Наводир ун-ниҳоя, 139-б.

ХАСОРАТ [*а.* خسارت] Зарар, зиён, заҳмат; нуқсон.

Ранжа солгон бу хасорат они,
Айламас озод кафорат они.

Ҳайрат ул-аброр, 209-б.

ХАТИБ [*а.* خطیب] Воиз, нотиқ, ваъзхон; масжид имоми.

Хатиб ул-анбиё Пайғамбарларнинг имоми.

[*Шуъайб* а. *с.*]. *Ани хатиб ул-анбиё дебдурлар.*

Тарихи анбиё ва ҳукамо, 131-б.

ХАТОКЎШ [*а.-ф.* خطاکش] Гуноҳ ишлар кетидан юрувчи, хато ишлар қилувчи.

Ул вақтдаким, шаҳзодаи беҳамто Кичик мирзо тоба сароҳу золи музиллии хатокуш, девонаи сияҳруи сияҳпушқа йўлуқмайдур эрди...

Хамсат ул-мутаҳаййирин, 39-б.

ХАШАН [*ф.* خشن] Жома ёки тўн гикиш (тўқиш) да ишлатилган усимликнинг бир тури ва уни камбағал, қашшоқ кишилар кийишган

Кийдурубон журга хур кисватин,
Ҳарна хашан булса, ҳасан хилъатин.

Ҳайрат ул-аброр, 225-б.

ХАШИН [*а.* خشن] **1** Кўпол; дағал

2 Асов, саркаш.

[*Шайх Алоуддин Хоразмий қ. с.*]. *Ва неча кун ўтар эрдики, таом емас эрди, магар озроқ ва хашин.*

Насойим ул-муҳаббат, 416-б.

ХВАШ [*ф.* خوش] Яхши.

Булмас эди гулхани анборкаш,
Булмаса мурдор исидин табъи хваш (хуш).

Ҳайрат ул-аброр, 260-б.

ХЕВАҚЛИҚ [*т.* خیوق لیق] Хива шаҳрида яшовчи, Хива шаҳридан.

... аммо Хевақлиқ кишидин таҳқиқ ва тасҳиҳ қилилди...

Насойим ул-муҳаббат, 300-б.

ХИБРАТ [*а.* خبرت] Тажриба; бирор ишда орттирилган малакалар.

Қаю бирдаким ҳушу хибратдурур,
Бу иш олам аҳлига ибратдурур.

Садди Искандарий, 518-б.

ХИДМАТКОРЛИК [*а.-т.* خدمتکارلیک] Хизматкорлик, ходимлик.

Андин сунг асҳобига дедиким, анга хидматкорликлар қилдилар ва узрлар қилди.

Насойим ул-муҳаббат, 177-б.

ХИДМАТКЎШ [*а.-ф.* خدمت کوش] Ишларни бажарувчи, хизмат қилувчи; ходимлар, хизматкорлар.

ХИЗМАТКЎШ [*а.-ф.* خدمت کوش] к. **Хидматкўш**

Онча ходим эди мурассаъпўш
Ки, эдилар Ахийга хизматкўш.

Сабъаи сайёр, 173-б.

Пари уй қизлиғида хизматкуш,
Не учунким эрур пари рўпуш.

Сабъаи сайёр, 69-б.

ХИЗРҚАДАМ [*а.* خضرقدم] Йўл кўрсатувчи Хизрдек.

Ёрабки, бу қавмким эрур хизрқадам,
Улган қунгул эҳёси учун исодам.

Маҳбуб ул-қулуб, 120-б.

ХИЛОФАТПАНОҲ [*а.-ф.* خلافت پناه] Халифа ҳомийси

... ва Шаҳедурким даврон шаҳаншоҳлари рибқаи ҳукмида асир, хилофатпаноҳеким «Инна жоила филарзи халифата» (Мен ерга халифа қилиб тайинлайман) тирозидурур...

Назм ул-жавоҳир, 129-б.

ХИЛОФАТШИОР [*а.* خلافت شعار] Халифа нишонли.

... ва бани одам хайлига олиймиқдор хулафо ҳукмрон ва хилофатшиор салотин нофизи фармон бўлғайлар.

Вақфия, 244-б.

ХИРАДМАНДПЕША [*ф.* خردمند پیشه] Ақлли, доно, ўйлаб иш кўрувчи, билимдон, донишманд.

Сухро, чун мусулмоншева ва хирадмандпеша киши эрди, мамоликни тузди ва улусни ганий қилди.

Тарихи мулуки ажам, 239-б.

ХИРАДОЙИН [*ф.* خردانین] Ақллидек, донодай, донишмандга ўхшаш.

... балки хурдабин душманлар хирадойин ғадрфанлардин ҳар тадбиру таҳқиқ ва ҳар тазвиру тадқиқ ила англагай.

Муншаот, 226-б.

ХИРАЛИҒ [*ф.-т.* خیره تیغ] **1** Суниқлик
2 Ҳазинлик.

... ва таронаедурким, хиралиғидин қотган кузни йиғлатур...

Маҳбуб ул-қулуб, 84-б.

ХИРОМАНДА [*ф.* خرامنده] Гўзал рафторли севгили, ноз билан юрувчи, чиройли юрувчи.

Қади ишва бирла хироманда сарв,
Хироманда сарви хиромон тазарв.

Садди Искандарий, 374-б.

ХИРОШ [*ф.* خراش] Хириллаш, товуш бўғилиши.
Хирош топмоқ Хирилламоқ, қирилмоқ.

Решдур бўғзум бало заҳри ичардин, йуқ ажаб,
Ҳолима йиғларда андин уткан ун топмоқ хирош.

Фавойид ул-кибар, 184-б.

ХИРҚАЧОК [*а.-т.* خرقه چاك] Суфий ва шайхларнинг махсус йиртиқ ёки ямоқли кийим (хирқа) лари.

... ва фано майхонасининг ринди хирқачоки...

Бадоеъ ул-бидоя, 14-б.

ХИТОЙИЗОД [*ф.* خطایی زاد] Хитойда туғилган, хитойлик.
Луъбати хитойизод Гўзал ўйинчи.

Маҳваши луъбати хитойизод,
Куруб андин Хитоу Чин бедод.

Сабъаи сайёр, 85-б.

ХОБЛИҒ [*ф.-т.* خواب لیغ] Уйқулик.

Хурди хоблиғ Ейиш-ичиш ва уйқулик.

Навоий ғам едию улди доғи топти висол,
Не топмасун бу сифат хурду хоблиг кунглум.

Наводир уш-шабоб, 302-б.

ХОДИМЛИК [*ф.-т.* خادم لیك] Хизматчилик, мулозимлик

Ул дарвеш таом тортар вақтда дедики, бу кун биз ходимлик қулурбиз.

Насойим ул-муҳаббат, 405-б.

ХОЖА [*ф.* خواجه] 1 Соҳиб, эга.

2 Катта савдогар.

Хожаи хожагон Шайтоннинг сифати (бу уринда рамзий маънода Аллоҳнинг даргоҳидан қувилган малоикларнинг мударриси – шайтон назарда тутилган).

[*Шайх Барака р. т.*]. ... *Ҳар қачон анинг оти мазкур булса эрди, Хожаи Хожагон ва Сари маҳжурон дер эди.*

Насойим ул-муҳаббат, 284-б.

ХОЙҒИНА [*ф.* خایغینه] Тишлонғич, сарқит овқат.

Абулҳорис иродатининг ибтидосида уз уйида хойгина еб эрди, ёронларидин айру.

Насойим ул-муҳаббат, 39-б.

ХОК [*ф.* خاك] Тупроқ.

Хоки раҳлиқ Хизматкорлик, хокисорлик.

Хоки раҳлиқ айламак Тупроқ бўл.

Топсанг неча шаҳлар узра шаҳлиқ
Фақр аҳлига айла хоки раҳлиқ!

Лайли ва Мажнун, 301-б.

ХОКБЎС [*ф.* خاکبوس] Тупроқ ўпиш; қуллуқ қилиш, бўйсуниш, ҳурматлаш.

Хокбўс ўлмоқ Зиёратга келмоқ, итоат қилмоқ.

Чун чолиниб навбати қадрига кўс,
Шаҳлар улуб навбат ила хокбус.

Ҳайрат ул-аброр, 99-б.

Чу Хурмус деди суз, бўлуб хокбус,
Равон бошлади нукта Фарфунюс.

Садди Искандарий, 538-б.

ХОКИЙНИҲОД [*ф.* خاکی نهاد] Асли тупроқдан бўлган.

Дема қочдим жаврдинким, баски тош ёгдурди ҳажр,
Гард ўлуб барбод бўлди бу тани хокийниҳод.

Наводир уш-шабоб, 90-б.

ХОЛИСАНЛИЛЛОҲ [*а.* خالصاً لله] Ўз манфаатини кўзламаган ҳолда, тама қилмасдан холис Аллоҳ учун; холисона.

Ботининг холисанлиллоҳ булғай ва ниятинг ул амалда Ҳақ с. т. нинг ризоси булғай ва шаръ риояти.

Насойим ул-муҳаббат, 242-б.

ХОЛЛИҚ [*ф.-т.* خال لیق] Холлик (холлар).

Парвонада холлиқ қаноти,
Ишқ утидин улди доғ зоти.

Лайли ва Мажнун, 298-б.

ХОМИС [*а.* خامس] Бешинчи

Не ҳавосида бир не хомис ҳам,
Не жиҳотида бир не содис ҳам.

Сабъаи сайёр, 26-б.

Хомис анга қиблаға солиб қадам,
Бўлмоқ эрур зойири байтил-ҳарам.

Ҳайрат ул-аброр, 116-б.

ХОМЛИҒ [*ф.-т.* خام لیغ] Етилмаганлик, ғўрлик, нодонлик.

Шукр шамъин ёқмадим, васлингда етти доғи ҳажр,
Бизни бу ўтларга куйдуган эрур ул хомлиғ.

Бадоеъ ул-бидоя, 265-б.

ХОМУШЛИК [*ф.-т.* خاموش لیک] 1 Индамаслик, жим туришлик; сукут сақлашлик.

2 Ёпиқлик, юмуқлик.

[*Шайх Зайнуддин...*]. *Чун аларни ўзларига келтурдилар, бир йилга дегунча хомушлик аларга ғолиб булди.*

Насойим ул-муҳаббат, 347-б.

Андин сўнграки ул ғайбдин келдим, ўз тилимда уқдае топдим ва хомушлик пеша қилдим...

Насойим ул-муҳаббат, 306-б.

ХОНАЗОД(А) [*ф.* خانه زاد//خانه زاده] Хўжайинларнинг уйида туғилиб тарбия топган қул ёки чўри; хонаки ғулом ёки хизматкор.

Қайси пари пайкари ҳури нажод,
Балки анга ҳуру пари хоназод.

Ҳайрат ул-аброр, 201-б.

Ки бор ул хайли саргардони сода
Санга фарзанд, бизга хоназода.

Бадоеъ ул-бидоя, 19-б.

... ва бу васиъ остоннинг мавруси тугмаси, яъни бу хоназоданинг хонаводаси ва бу хонаводанинг хоназодаси эрди.

Бадоеъ ул-бидоя, 17-б.

ХОНАКЎЧ [*ф.-т.* خانه کوچ] Буд-шудларни кучириш; уй куч-куронлари.

Алар чиқтилар мулкдин хонакўч,
Вале қилмади шоҳи фарзона куч.

Садди Искандарий, 460-б.

ХОНДА [*ф.* خوانده] Бурда.

Уч хонда нон Уч бурда нон

Баковул тушини мундоқ айдиким, Малик матбахидин уч хонда нон бошим устида курдум ва осмондин қушлар бошимга қунуб, ул нонларни едилар.

Тарихи анбиё ва ҳукамо, 124–125-б.

ХОРАРУБ [*ф.* خاره روب] Тош супурувчи, тош тўпловчи.

Мажнунга бу тоғ авжи маскан,
Ул авжда хорарубу хаскан.

Лайли ва Мажнун, 254-б.

ХОРНАМОЙЛИК [*ф.-т.* خارنمائی لیق] Тиканга ўхшашлик.

... яна бири фироқ хазонида хорнамойлиқ килибдурур.

Бадойиъ ул-бидоя, 22-б.

ХОРОДИЛ [*ф.* خارادل] Қаттиқ дил, тошбағир

Чобуке, раъноқади, нушинлабе хородиле,
Маҳваш насринузоре, гулрухе, сийминбаре.

Ғаройиб ус-сиғар, 509-б.

ХОРСИЗ [*ф.-т.* خارسز] **1** Тикансиз.

2 Дарду аламсиз.

Топмадуқ гулранг жоме бехумор, эй боғбон,
Ваҳки, бу гулшан аро гул бутмас эрмиш хорсиз.

Бадоеъ ул-бидоя, 205-б.

Юзун кур, қилмағил мужгону хатту холидин нола,
Ки бўлмас хорсиз гул, дудсиз ут, доғсиз лола.

Бадоеъ ул-васат, 364-б.

Ким майи васл ичтиким, ҳижрон хуморин чекмади,
Хорсиз гул даҳр боғи ичра не имкон эрур.

Наводир ун-ниҳоя, 172-б.

Бу гулистон аро чун хорсиз гуле бутмас,
Узунгга айламағил хорлиқ ситам бирла.

Фавойид ул-кибар, 381-б.

ХОРХОР [*ф.* خارخار] **1** Юракка орзу, севги солиш, тинчсизланиш, кўнгил ҳаяжони.

2 Ғам, қайғу, ғусса.

Андоқ дедиларки: Гулузоре,
Солмиш юрагингга хорхоре.

Лайли ва Мажнун, 156-б.

ХОСИЙ [*а.* خاصی] Хос кишилар (дин пешволари).

Азоби кабр эрур куфр аҳли хосий,
Яна дин аҳлидин баъзи булса осий.

Сирож ул-муслимин, 278-б.

ХОССАЛИЛЛАҲ [*а.* خاصة الله] Аллоҳнинг хос бандалари, Аллоҳнинг яқинлари.

Хоссалиллаҳ шарбатимни заҳри қотил бирла эз,
Чу ниш ондин уттиким, келгай Масиҳим, эй табиб.

Бадоеъ ул-бидоя, 78-б.

ХОТАМ [*а.* خاتم] **1** Муҳр, тамға.

Хотам ус-салганатлиқ Подшоҳлик, султонлик (султонлик нишони).

[*Мир Ҳайдар Мажзуб – форсигуй шоирлардан*]. *... ва хаёли жунун вақтида хотам ус-салтанатлиққа росих булуб эрди...*

Мажолис ун-нафоис, 35-б.

2 Узукнинг кузи.

3 Сўнгги, охирги.

Хотам ун-нубувва(т) Охирги Пайғамбар, охирзамон Пайғамбари.

Исо а. с. осмондин ингой, доги Дажжолни ҳалок қилиб, сойир милал аҳлин хотам ун-нубувва миллатига далолат қилгай.

Тарихи анбиё ва ҳукамо, 181-б.

Ул нимаким Исо а. с. элига амр қилди тавҳид эрди. Ва хотам ун-нубувватнинг рисолатига иқрор қилдиким...

Тарихи анбиё ва ҳукамо, 177-б.

ХОТИМАЛИҚ [*а.-т.* خاتمه لق] Ниҳоялик, охирлик

... ва Маҳмуд хотималиқ давлатмандларнинг фархунда фарқларига нубувват тожинг қўюб...

Вақфия, 238-б.

ХОТИРЖАМ(Ъ)ЛИК [*а.-т.* خاطر جمع لیك] Тинчлик, осойишталик.

... Мустафо с. а. в. дебдурким [*тансиқатлик ва хотиржамлик – икки неъматдурки, кўп одамлар унинг қадрига етмайдурлар*].

Насойим ул-муҳаббат, 77-б.

ХОТУНЛУҚ [*т.* خاتون لوق] Аёллик, хотинлик.

[*Умми Ҳассон р. т.*]. *Ва баъзи дебдурларки, ани хотунлуққа қулубдур.*

Насойим ул-муҳаббат, 487-б.

ХОШАКОЙИН [*ф.* خاشك ایین] Хашак монанд, чупга ухшаш.

Аммо даврон боғининг хас ва хошакойинлари ва елдек бесабот ва тамкинлари кузига ҳилм аҳли оғирлиққа мансуб ва гаронжонлиқ била маъюбдурлар.

Маҳбуб ул-қулуб, 84-б.

ХУД I [*ф.* خود] Ўзлик олмоши.

Худ гум Ўзни йўқотиш, ўзидан кечиш.

[*Абулҳусайн Қарофий р. т.*]. *Авом била сунний ва хавос била ориф ва ўзлукида муваҳҳид эрди ва нишони худ гум!*

Насойим ул-муҳаббат, 160-б.

ХУД II [*ф.* خود] Узун учли, баҳайбат жез қалпоқ

Худу тарг Темир қалпоқ.

Эли ҳеч тинмай ясаб созу барг,
Муҳайё қилиб жавшану худу тарг.

Садди Искандарий, 169-б.

ХУДОВАНДЛИҒ, =лик [*ф.-т.* خداوند لیغ // خداوند لیك] Хўжайинлик, эгалик, подшоҳлик; худолик, тангрилик.

[*Шайх Абулмакорим...*]. *... ва анинг худовандлиғин ва уз фақрин ва анинг гиносин ва ўз тақсирин ва анинг неъматларин ва ўз фаносин ва анинг бақосин билгайлар ва ботин кўзлари мунга бийно булгай.*

Насойим ул-муҳаббат, 308-б.

[*Хожа Музаффар...*]. *Шайх Абу Саид Абулхайр қ. с. дебдурки, бизни бу даргоҳда бандалиқ йулидин келтурдилар ва они худовандлик йўлидин...*

Насойим ул-муҳаббат, 214-б.

ХУДОВАНДО [*ф.* خداوندا] Эй Худо!

[*Хожа Хайрча р. т.*]. *Анинг муножотидурки, «Худовандо, ҳар кимга дунё матоиндин сийму зар керак бергил ва ҳар кимга ер ва қул керак бергил, Хайрчаға сен бассен!»*

Насойим ул-муҳаббат, 239-б.

ХУДОЙЛИҒ [*ф.-т.* خدای لیغ] Тангрилик, худолик.

[*Ахий Али Деҳистоний р. т.*]. *... ва ботинида худойлиғ даъвоси бош ура бошлади ва емак тарки қилди.*

Насойим ул-муҳаббат, 312-б.

ХУДОЙПАРАСТ [*ф.* خدای پرست] Аллоҳга тоат-ибодат қилувчи; худопараст; художуй.

Моҳ кофургун қабо пайваст,
Булуб ул ҳужрада худойпараст.

Сабъаи сайёр, 341-б.

ХУДОРОЙ [*ф.* خودارای] **1** Ўзига бино қуйган; ўзини безовчи, ўзини куркам кўрсатувчи, олифта, сатанг.

2 Мағрур, шуҳратпараст.

Ҳуҳр зоҳидқа, Навоий, икки дунёдаю ул
Бути худрой демай, шухи худорой манга.

Наводир уш-шабоб, 17-б.

ХУДПИСАНДЛИҒ [*ф.-т.* خودپسند لیغ] Такаббур, кеккайган, мутакаббир, манман, худбин

Илоҳи, замиримга худписандлиғни ёвутма ва хотиримни эл нафъи айбжулугига тутма.

Муножот, 299-б.

ХУДСИЗ [*ф.-т.* خود سیز] Лашкарбошилар киядиган мис, руҳ ва қалай қотишмасидан ишланган бош кийим, узун учлисиз, баҳайбат жез қалпоқсиз.

... ва Хусравнинг туғи бошсиз ва боши худсиз урдусига сурмоки ва черигин қўрғон сори кўчурмоки.

Фарҳод ва Ширин, 297–298-б.

ХУДХУШ [*ф.* خود خوش] Ўзини яхши кўришлик

Истамон худхуш лекин йўқки хуш олган хумор,
Май тула тутғилки, айлай маслиғдин тарки хуш.

Наводир ун-ниҳоя, 214-б.

ХУЛЪ [*а.* خلع] Кўпориш; олиб ташлаш.

[*Мавлоно Яъқуб Чархий қ. т. с.*]. *Ва ул азиз оламдин утуб эрди ва филҳол ул суратни хулъ қилдилар...*

Насойим ул-муҳаббат, 274-б.

ХУМОРЛИҚ [*а.-т.* خمارلیق] Бода (май) ичишлик, майпарастлик.

Чун табъи жибиллий саломатдин... ва хуморлиқ маҳалласидаким, ғариб мушкулотга ниҳоят йўқтурур.

Бадоеъ ул-бидоя, 13-б.

ХУМ(М)ОРСИЗ [*а.-т.* خارسيز] **1** Майсиз; бехумор, мастликдан кейинги бош оғриғисиз.

Аҳли зуҳд ичра Навой топмади мақсадка йўл,
Вақтингизни хуш тутунг, эй жамъким, хумморсиз.

Бадоеъ ул-бидоя, 205-б.

2 Зўр истаксиз, муштоқликсиз.

Умр чаманининг гули хорсиз очилмайдур ва ҳаёт анжуманининг мули хуморсиз топилмайдур.

Муншаот, 224-б.

ХУМС [*а.* خمس] Бешдан бир (исломга кирмаганлардан олинадиган солиқ)

Хумс ул-муборак Исломнинг беш муборак аркони.

Магарки англади хумс ул-муборак асрорин,
Ки сони адад ўлмиш, агарчи юз мардур.

Бадоеъ ул-васат, 510-б.

ХУН [*ф.* خون] Қон.

Хун шуд Қон бўлди.

«Сиришки ман ҳама дурр шуд» уқума, «дур шуд» урнига «хун шуд» ўқуки, «дурр шуд» нинг маъноси йўқтур.

Хамсат ул-мутаҳаййирин, 17-б.

ХУНБАҲО [*ф.* خونبها] Қон баҳоси, ўлдирилган киши учун бадал (товон тўлов).

Кимса бу ажзоға санар чун баҳо,
Ўлтурубон узни берур хунбаҳо.

Ҳайрат ул-аброр, 168-б.

ХУРМОМАСАЛЛИК [*ф.-а.-т.* خرما مثل لك] Хурмо рангидек, хурмо рангига ўхшаш.

Юзи ранги хурмомасаллик касиф,
Маҳосин намудори хурмоға лиф.

Садди Искандарий, 182-б.

ХУРШИДОРАЗ [*ф.-а.* خورشيد عارض] **1** Офтоб чеҳрали, қуёш юзли; гўзал, чиройли.

2 Ошиқ.

Тийғи зулми захмидин ҳар шом андоқким шафақ
Қону туфроғ ичрадур хуршидоразлар дариғ.

Ғаройиб ус-сиғар, 242-б.

ХУРШИДОСОР [*ф.-а.* خورشيد آثار] **1** Қуёшга ўхшаш, офтобдай.

2 Ошиқ.

Бовужуд бу султон ус-салотиннинг кимиёасар хотири ва хуршидосор замири даги мунга мойилки...

Муҳокамат ул-луғатайн, 38-б.

ХУРШИДСИЗ [*ф.-т.* خورشيد سيز] **1** Қуёшсиз, офтобсиз.

2 Ёритувчисиз.

3 Ғоят гўзалсиз.

Фалак булмади чунки хуршидсиз,
Булутдин недин ости бўйнига киз.

Садди Искандарий, 446-б.

ХУРШИДСОН [*ф.* خورشید سان] **1** Қуёш сингари; офтоб монанд.
2 Қоронғиликни кетказувчидек.
3 Бениҳоя гўзал каби.

Топиб мақсуд шабгарди самовий бу уружидин,
Ёридин зарра бориб, қайтибон хуршидсон анда.

Фавойид ул-кибар, 32-б.

ХУРШИДТАЪСИР [*ф.-а.* خورشید تأثیر] Қуёш асарли, офтоб нишонли.

... Султони соҳибқироннинг раъйи оламоройию замири хуршидтаъсири гўёким баъзи авқотда олам кишвари фатҳига азмсозу баъзи ҳолатда кишвар аҳли ободонлигига сеҳрпардоз...

Ғаройиб ус-сиғар, 15-б.

ХУРШИДТИМСОЛ [*ф.-а.* خورشید تمثال] Офтоб сурат; қуёш мисол.

... жаҳоноро маснади хуршидтимсол бақойи локалом гирд болишти била ороста ва мустадом бўлсун.

Муншаот, 209–210-б.

ХУРШИДТОБ [*ф.* خورشید تاب] Қуёш сифат.

Искандарнинг ҳукамо иттифоқи била фалак рози пинҳонийси... ва ҳувайдо қилурга сутурлоби хуршидтоб ва миръоти меҳрсифот тасниф қилгони...

Садди Искандарий, 392-б.

ХУСРАВИ ЗАНГ [*ф.* خسرو زنگ] Қоронғилик; занги (ҳабаш) подшоҳи

Чин хусрави қилди тарки авранг,
Ер юзини тутти хусрави занг.

Лайли ва Мажнун, 165-б.

ХУСРАВИЙ [*ф.* خسروي] Хисравий.
Бисоти Хусравий Хисравийларнинг давлати.

Расуле қасру тоқи Кисравийдин,
Не Кисроким, бисоти Хусравийдин.

Фарҳод ва Ширин, 288-б.

ХУСРАВОЙИН [*ф.* خسروآئین] **1** Шоҳона; подшоҳликка мансуб, подшоҳона.
2 Эрон подшоҳларидан бири Хусрав базми монанд.

Ани маҳд ичра солиб хусравойин,
Ёниб урдуларига зору ғамгин.

Фарҳод ва Ширин, 245-б.

Тузулди уйла базми хусравойин
Ки, курма уйла чархи кажравойин.

Фарҳод ва Ширин, 271-б.

ХУШБУЙЛИК [*ф.-т.* خوش بوی لیك] Муаттарлик, хушбуйлик.

... ва футувват боғларининг хушбуйликлари била дустлари кунглини шод этган Аллоҳга ҳамду санолар бўлсин. .

Насойим ул-муҳаббат, 11-б.

ХУШВАҚТЛИК [*ф.-а.-т.* خوش وقت لیك] Шодмонлик, вақтичоғлик, хурсандлик.

[Шайх Қутбиддин...]. Ва Шайх турт кеча-кундуз ул завқу хушвақтликдин ўзида йўқ эрди, то бешинчи куни Ҳақ субҳонаҳу ва таоло живори раҳматига восил бўлди.

Насойим ул-муҳаббат, 370–371-б.

ХУШДИЛЛИҚ [*ф.-т.* خوش دل لق] Шодмонлик, қувончлилик, хурсандлик.

Соз айлаб асоси меҳмони,
Хушдиллиқ ила тушуруб они.

Лайли ва Мажнун, 221-б.

ХУШЖИЛВА [*ф.-а.* خوش جلوه] Жилвагар, жилвали.

Неча бум фарзанди манҳусдур,
Ўз олида хушжилва товусдур.

Садди Искандарий, 570-б.

ХУШОЯНДАЛИҒ [*ф.-т.* خوش ایندہ لیغ] Хуш келувчилик, ёқимлилик, мақбуллик.

... Султони соҳибқирон мажлисида айтурларким, анинг мулойимлиғ ва хушояндалиғи васфқа сигмас...

Мезон ул-авзон, 92-б.

ХУШХУЙЛИҒ [*ф.-т.* خوش خوي لیغ] Хушфеъллик, яхши одатлик; гўзал хислатлик.

Арш парвоз улди кирган жаннати ахлоқ аро,
Эй хуш улким, топти ул хушхуйлиғнинг учмоғин.

Фавойид ул-кибар, 337-б.

ХУШҲАРАКОТ [*ф.-а.* خوش حرکات] Яхши рафторлик; чиройли юришлик.

Чун сузи хуштур, ўзи хушҳаракот,
То абад бўлсун анга умру ҳаёт.

Фавойид ул-кибар, 480-б.

ХУШҲОЛЛИК [*ф.-а.-т.* خوشحال لیك] Яхши кайфиятлик, хурсандлик.

... хирад пири бадҳоллиғим билди ва хушҳоллик юзидин огоз қилдиким...

Вақфия, 251-б.

ХУ(И)ЛУҚ [*ф.-т.* خوي لوق // خو لوق] Одатлик, феъллик, қилиқлик, табиатлик.

Қатра хуйлуқ оразинг васфин Навоий қилғали
Лутфи табъ абёт назмин дурри макнун қилдило.

Фавойид ул-кибар, 27-б.

Эй Навоий, телбалик тарк этгасен қургач висол,
Ҳур сийратлик, малак хуйлуқ паризодинг била.

Бадоеъ ул-бидоя, 491-б.

ХУЙФИШОН [*ф.* خوي فشان] Тер тўкувчи, терлаган.

Бошимга кош гоҳи етса рахшин секретиб моҳи,
Су берсам кўзларимга хуйфишон рухсоридин гоҳе.

Наводир ун-ниҳоя, 513-б.

Мастлиғдин ҳар кишига чопса маркаб хуйфишон,
Ғайратидин ашк чашми хунфишонимдин кетар.

Фавойид ул-кибар, 120-б.

Ч

ЧАБ [*т.* چب] Тақлидий сўз.

Табъ кажу борча такаллум намой,
Нагма чабу борча тараннум сарой.

Ҳайрат ул-аброр, 64-б.

ЧАВУК [*т.* چاوك] Ранг, тус.

Гулгун тун уза қора чавук нақш,
Очилмади лолазор сендек.

Наводир уш-шабоб, 246-б.

ЧАЛИЛМАК [*т.* چاليل مك] Йиқилмоқ.

[*Хожа Муҳаммад Маъшуқ...*]. *Фориг бўлки, бу навбатки, мунда урадурлар, бир неча кундин сунгра санинг даргохингда чалилгусидур!*

Насойим ул-муҳаббат, 215-б.

ЧАНГЗАН [*ф.* چنگ زن] Чанг чалувчи.

Тунд сендин сипехр Баҳроми,
Чангзан Зуҳранинг Дилороми.

Сабъаи сайёр, 7-б.

ЧАНҚОҚ [*т.* چنقق] Тапша, чанқоқ.

Тамаъ элдин вафо қилган судин ўт истадинг чанқоқ,
Агар топсанг доғи куйгунг савдойи маҳолингдин.

Наводир ун-ниҳоя, 387-б.

ЧАРХКИРДОР [*ф.* چرخ كردار] **1** Гардишдек, чархпалакдек.
2 Фалакдек, осмон куринишли.

Ки то бўлгай бу қасри чархкирдор,
Бу исм айвоинда бўлгай намудор.

Бадоеъ ул-бидоя, 24-б.

Яна бу адад бирла ҳарвор рахт,
Тангиб танглар, чархкирдор рахт.

Садди Искандарий, 297-б.

ЧАРХМИҚДОР [*ф.-а.* چرخ مقدار] Фалак даража.

Дедиларки: Шоҳо, жаҳондор бул,
Қадар қудрату чархмиқдор бул!

Садди Искандарий, 455-б.

ЧАҚИЛМАМОҚ [*т.* چاقيلما مق] Ёқилмаслик; чақнамаслик.

Жамолинг ламъасидин гар кул ўлдум, тонг эмастурким,
Бу янглиг барқи офат кимсага чақилмамиш ҳаргиз.

Фавойид ул-кибар, 148-б.

ЧЕВИЛАНМАК [*т.* چويلانمك] Айланмоқ.

Илоҳи, шухи чобукларга чевиланда ҳар ён шитоб солурсен ва аларнинг ҳар ён шитобидин менинг ошуфта кунглумга ҳар дам изтироб солурсен.

Муножот, 297-б.

ЧЕКИН I [*т.* چیکین] Усимлик.

Бу чекин куйи эмди бўлди қиёг
Ки, кунгулни қияр қиёг бикин.

Бадоеъ ул-васат, 491-б.

ЧЕКИН II [*т.* چیکین] Ипак

Чекилур эрди сабзаи хатти,
Кунглум ичраки дедим ани чекин.

Бадоеъ ул-васат, 491-б.

ЧЕККУЧИ [*т.* چیککوچی] Чектувчи (ситам чектувчи), тортувчи, кургувчи

Неча ситам қилғучи обод улуб,
Борча ситам чеккучи барбод улуб.

Ҳайрат ул-аброр, 228-б.

Бовужуди бу бири хуш нагма руд,
Чолғучию чеккучи бу бир суруд.

Лисон ут-тайр, 242-б.

ЧЕКМАМАК [*т.* چیکمامك] **1** Бошдан кечирмаслик, тортмаслик, курмаслик.

Фироқ чекмамак Айрилиқ азобини тортмаслик.

Не билсун ул кишиким, чекмамиш фироқ тунин,
Ки не сифат кечадур тийра рузгор манга.

Фавойид ул-кибар, 16-б.

2 Тортмаслик.

Черик чекмамак Қушин тортмаслик.

Ва лекин чу ёқин етиб эрди қиш,
Черик шоҳлар қиш куни чекмамиш.

Садди Искандарий, 222-б.

ЧЕКМАКЛИК [*т.* چیکمکلیك] **1** Тортмоқлик, чекмоқлик.

Гулбонг чекмаклик Баланд овоз билан нола тортишлик, фарёд чекишлик; хуш овоз билан сайрашлик.

Бу чаманнинг гулларига йуқтур, эй булбул, вафо,
Авло улким, айласанг гулбонг чекмакликни бас.

Ғаройиб ус-сиғар, 199-б.

2 Санчмоқлик.

Тикон чекмаклик Тикан санчмоқлик; озор бермоқлик; зулм курмоқлик.

Не суд эмди аёгимдин тикон чекмаклик, эй мушфиқ
Ки, тошлар бирла куксумга қоқилмиш ҳажр мисморе.

Бадоеъ ул-васат, 402-б.

Зулм қилмоқ ичра йуқ гар сен кеби офоқ аро,
Зулм чекмакликда ҳам оламда қани мен кеби.

Фавойид ул-кибар, 420-б.

3 Осмоқлик

Кейин боғлаб қадоғлиқ қулларин руст,
Бориб чекмаклик они дорға чуст.

Фарҳод ва Ширин, 326-б.

ЧЕНГ [*т.* چنگ] Бурун суви, бурундан келган сув.

Турктоз айлаб кўнгул олдинг ажалдин бурна жон,
Ҳисса айирма анга невчунки эрмас эрди ченг.

Наводир ун-ниҳоя, 302-б.

ЧЕЧАКТУЛУҚ [*т.* چچکتولوق] Чечактулуқда яшовчи; Балх уртасидаги аҳоли яшайдиган жой (Ҳирот номи билан).

Саййид Ханжар – чечактулуқдур.

Мажолис ун-нафоис, 112-б.

ЧИБОН [*т.* چیبان] Кипи бўйнидан чиқадиган катта ҳўппоз, чипқон.

[*Мавлоно Шамсуддин...*]. *Ул деди: агар бўйнунгга чибон чиқмайдур, ойни не учун осмонда кўрмайсен?*

Насойим ул-муҳаббат, 330-б.

ЧИБҚОН [*т.* چیبقان] қ. **Чибон**

ЧИВУРМАК [*т.* چیورمک] Айлантирмоқ, оширмоқ, ўгирмоқ.

Ул қуюндурмен фано даштидаким, бўлдум адам,
Ҳар не боримни бошимдин чувуруб, озод этиб.

Бадоеъ ул-бидоя, 85-б.

ЧИГИЛМАК [*т.* چیگیل مک] **1** Чигаллашмоқ.
2 Чалкашмоқ.

Фалак даҳойиқидин кимса бош чиқармади ҳаргиз,
Ким ушбу риштанинг асру тугунлари чигилибдур.

Ғаройиб ус-сиғар, 134-б.

ЧИЙРАДАСТ [*ф.-т.* چیره دست] Забардаст, ғолиб, музаффар.

Чийрадаст айламак [Қулини] баланд қилмоқ.

Бирисин зафар айлабон чийрадаст,
Яна бир сори зоҳир ўлса шикаст.

Садди Искандарий, 152-б.

ЧИЛЛАВОР [*ф.* چله وار] Камон арқонидек, камон ипига монанд, чиллага ўхшаш.

Қароғлардин пулак жон риштасидин чиллавор эткил,
Қошинг ёсин Навоий қасдига гар истасанг қурмоқ.

Ғаройиб ус-сиғар, 258-б.

ЧИР [*т.* چیر] Яралар, захмлар; дардлар.

... ва ул муножот баҳонаси била кунглидаги чирин ёзгони...

Лайли ва Мажнун, 140-б.

ЧИРМОҒЛИҒ [*т.* چیرماغ لیغ] Ўроғли, ўраб қўйилганлик.

Яна кун масжидқа келдилар, кафанни кўрдилар, меҳробда чирмоғлиғ.

Насойим ул-муҳаббат, 189-б.

ЧИҚАРМОҒЛИҒ [*т.* چیقارماغ لیغ] Чиқармоқлик.

Уйдин бош чиқармоғлиғ ҳаво оташрезлиғидин мутаассир ва эшикдин аёқ ташқари қўймоғлиғ ер оташангезлиғидин мутааззир...

Муншаот, 136-б.

ЧОБУКЛУҚ [*ф.-т.* چابك لوق] Тезлик, чаққонлик, абжирлик.

... ва туркий абёт майдонида азимат бодпойин пуяга солса, юз йилги улган дақойиқ паривашларининг силсилайи зулфидин чобуклуқ замон шаҳсувори синони нуги била юз зириҳ кутарур.

Бадоеъ ул-бидоя, 15-б.

ЧОБУН [*т.* چابون] Парда.

Чобун этмак Тусмоқ, пардаламоқ

Ногаҳ уку чекмагай дебон ун,
Тумшуги этиб кузини чобун.

Лайли ва Мажнун, 247-б.

ЧОКСИЗ [*т.* چاك سيز] Йиртиқсиз, ярасиз, дардсиз, жароҳатсиз.

Умр елдек утмакин дебсен магар, эй боғбон
Ки, яқоси чоксиз гул бутмади бу боғ аро.

Фавойид ул-кибар, 30-б.

ЧОЛА-ЧОЛА [*т.* چالا چالا] Чалиб-чалиб, қайта-қайта оҳанг ижро этиш.

Гулгашти чаман хуштур агар соқию мутриб,
Бу келса тута-тутаву ул бир чола-чола.

Наводир уш-шабоб, 382-б.

ЧОЛОКЛИК [*ф.-т.* چالاك لبك] **1** Келишганлик; нозиклик, хушбичимлик; чаққонлик

Эгма қаддим хам булуб турмоқ учун, эй шухлар,
Яхшидур чолокликлар бирла секриб уйнангиз.

Фавойид ул-кибар, 151-б.

2 Тезлик, етуклик, пешлик.

Одамезод ўз аҳволига мулоҳаза қилса андинким, адам дор ул-омони хилватхонасидин вужуд шаҳристони меҳнатхонасига келибтур... ва нафсу ҳав мутобаатида журъат чолоклигин топар ва Ҳақ субҳонаҳудин тили қосир ва баёни отил эрканин билур.

Муншаот, 225-б.

ЧОЛҒУЛУҒ [*т.* چلغولوغ] Чалинадиган, чалиниши керак булган, чалишлик

Бу хоредурки йўлдин олғулуғдур,
Анинг куси раҳилин чолғулуғдур.

Фарҳод ва Ширин, 302-б.

ЧОЛҒУЧИ [*т.* چلغوچي] Мусиқа асбобидан бирор куй, оҳанг ижро этувчи; ноғора чалувчи.

Бовужуди бу бири хуш нагма руд,
Чолгучию чеккучи бу бир суруд.

Лисон ут-тайр, 242-б.

Ёнида бир табл ҳинди чолгучи,
Ҳиндуйи раққос оёлгу олгучи.

Лисон ут-тайр, 60-б.

Айтқучи ва чолгучи зорлиг ва ийнамак била олгучи.

Маҳбуб ул-қулуб, 31-б.

ЧОРАНАМО [*ф.* چارهنما] Чора кўрувчи.

Эй чоранамо, илик йигиштур
Ким, дардима чора саъб иштур.

Лайли ва Мажнун, 140-б.

ЧОРАПАЙВАНД [*ф.* چاره پیوند] Илож қилувчи, чора топувчи, тадбир тузувчи; даво ахтарувчи.

Хирад гар бўлди эрса чорапайванд,
Натижа чорадин топқай хирадманд.

Фарҳод ва Ширин, 130-б.

ЧОРАСАНЖ [*ф.* چارسنج] Чора топувчи.

Бас муҳлик эди мариз ранжи,
Бўлмади илож чора санжи.

Лайли ва Мажнун, 260-б.

ЧОР-ДАРЧОР [*ф.* چارتر چار] Тўрт устига тўрт; саккиз қиррали.

Келиб чор дарчор паргор анга,
Секиз дойлиг тўрт девор анга.

Садди Искандарий, 377-б.

ЧОРТОРА [*ф.* چارتاره] Йиртиқ

Эски чортора тўн Эски йиртиқ чопон.

Маҳаллида берган эски чортора тун-саховат ва бемаҳал берган зарбофт чорқаб-шаҳоват.

Маҳбуб ул-қулуб, 80-б.

ЧОРШОХ [*ф.* چارشاخ] Тўрт санчиғи бўлган узун сопли қишлоқ хўжалик асбоби.

[*Шайх Илес а. с.*]. ... *Хожа Носируддин Убайдуллоҳ қ. р. етибдур, кўрубдурки, хирманни деҳқонлар совурадурлар. Отдин тушуб чоршохни деҳқон илгидин олиб, табаррук хосиятидин ул хирманни совурубдур.*

Насойим ул-муҳаббат, 452-б.

ЧОШНИСИЗЛИК [*ф.-т.* چاشنی سزلیك] Бебаҳралик; бемазалик.

Бемалоҳат хубким дебо киёр бор уйлаким,
Маъни улгай чошнисизлик анга паргор лафз.

Бадоеъ ул-васат, 207-б.

ЧУБРУТМАК [*т.* چوبروت مك] Ўғирламоқ, талон-тарож қилмоқ; шилмоқ, шилиб олмоқ.

Мен куярмен ҳажр аро, ҳар дам ўтум тез эткали,
Эй танаъум аҳли, васл афсонасин чубрутмангиз.

Фавойид ул-кибар, 144-б.

ЧУПРУТМАК [*т.* چوپرونمك] қ **Чубрутмак**.

Андоқки, қувормак ва қуруқшамак... гурпаклашмак, чупрутмак...

Муҳокамат ул-луғатайн, 12–13-б.

ЧУҚУР-ЧУҚУР [*т.* چوقور چوقور] Ўйиқ-уйиқ, чуқур-чуқур.

Таним чуқур-чуқур ўлмиш, бори бўлуб тула қон,
Нединки тишлаб-тишлаб қилибмен ани афгор.

Фавойид ул-кибар, 98-б.

ЧЎВУРТКА [*т.* چوورتكا] Тўғри қанотлилар туркумига мансуб ҳашарот, чигиртка.

... *ва чувуртка офатини дафъ қилмоқ ва ҳар сурат била мутамассил бўлмоқ.*

Насойим ул-муҳаббат, 23-б.

ЧЎГУРТКА [*т.* چوگورتکا] қ. **Чувуртка**.

Ва Айюб а. с. га Тенгри таоло зойеъ бўлгон амволидин ортуғроқ яна каромат қилди. Баъзи дебдурларким... анинг эвига... олтун чугуртка ёгди.

Тарихи анбиё ва ҳукамо, 131-б.

ЧЎМА КИРИШМАК [*т.* چوما گیریشمک] Чўка бошламоқ, ғарқ бўла бошламоқ.

Сувгаким кирдим, чўма кириштим.

Насойим ул-муҳаббат, 173-б.

ЧУНТОЙ [*т.* چونتای] Чўнтак, кисса, ҳамён.

Айласанг даъво баҳо сен доғи ол,
Йўлда харж айларга чунтойингга сол.

Лисон ут-тайр, 121-б.

ЧЎҚ [*т.* چوق] Тўғри; рост, тузук, дуруст.

Оллингда не сўз де олгамен чўқ,
Гар бўлса жавобим ул даги йўк.

Лайли ва Мажнун, 217-б.

Ш

ШАБАНДАРРЎЗ [*ф.* شب اندر روز] Кеча ичидаги кундек, тун қуйнидаги ёруғликдек, кечани ёритувчи.

Сендегу кийган шабандарруз хулланғдек эмас,
Кечаву кундуз либосин кийсалар ою кунас.

Ғаройиб ус-сиғар, 201-б.

ШАВВОЛ [*а.* شوال] Ҳижрий йил ҳисобининг учинчи ойи

[*Шайх Мушрифуддин...*]. *Шайх олти юз тўқсон бирда шаввол ойи жумъа туни дунёдин ўтубдурлар.*

Насойим ул-муҳаббат, 463-б.

ШАВКАТЛИҒ [*а.-т.* شوکت لیغ] **1** Кудратлик, кучлилик.
2 Ҳайбатлик.

Ҳайф бу мунқору чанголинг сенинг,
Фарру шавкатлиг пару болинг сенинг.

Лисон ут-тайр, 78-б.

ШАВҚОМИЗ [*а.-ф.* شوق آمیز] Зур истакли, ўткир хоҳишли, иштиёқли, шавқли.

[*Шайх Маҳмуд Чабуштарий қ. т. с.*]. *... андин равонроқ ва пурчашнийроқ ва шурангизроқ ва шавқомизроқ назм айтса булғайки, йўқдур!*

Насойим ул-муҳаббат, 466-б.

ШАДИД [*а.* شدید] Шиддатли, қаттиқ, оғир

Шадид ул-қув(в)о Мадҳ этилган оятлардан олинган арабча изофий бирикма; кучлиларнинг кучлиси.

Тааллумга етмай «шадид ул-қуво»,
Кузи топти «мозоғ», узи «мо таго».

Садди Искандарий, 31-б.

ШАЙ [*т.* شي] Тайёр, тахт, шай.

Шай булмоқ Тайёр булмоқ

Нимаки айласа булгай анга шай итлоқи,
Кўзунгга олма нединким жаҳон эрур лошай.

Наводир ун-ниҳоя, 529-б.

Шай лиллоҳ Аллоҳ учун бирор нарса (беринг); Аллоҳ йулида бир нима (беринг)

Қавма Лутфини эшиктин, бер закоти хусн анго,
Қайда этсун сен ғани боринда Шай лиллоҳни.

Наводир уш-шабоб, 477-б.

ШАЙТОНЛИҒ [*а.-т.* شیطان لیغ] Шайтонлик.

Бурдбору қуҳ виқорларининг малаквашлиғин қургузмак ва шуҳ айёр сифатлар шайтонлиғи сўзин демак.

Фавойид ул-кибар, 513-б.

ШАЙТОНСИФАТ [*а.* شيطان صفت] Шайтон хислатли; шайтонга ўхшаш.

Эй Навоий, вусма бирла кесмадин топқан фириб,
Гар малакдурким, бўлур шайтонсифатлар маҳзали.

Бадоеъ ул-бидоя, 564-б.

ШАЙХ [*а.* شيخ] **1** Суфийлар бошлиғи. эшон.
2 Қари, кекса.

Шайх ул-исломлиғ Исломдаги энг катта диний мансаб, унвонлик.

[*Хожа Рукнуддин...*]. *Хожа Муайяд оламдин утгандин сунгра мазори бошининг шайх ул-исломлиғин аларга таклиф қилдилар.*

Насойим ул-муҳаббат, 443-б.

Шайхи козиб Ёлғончи шайх, ёлғондакам шайх.

Туҳмати зуҳд айлабон, эй шайхи козиб, не учун
Бегунаҳ бизни харобот ичра маъюб айладинг.

Наводир уш-шабоб, 255-б.

Шайхи шайхуллоҳ Аллоҳ шайхларининг шайхи.

[*Мавлоно Фахриддин Луристоний қ. с.*]. ... *Шайхи Шайхуллоҳ деган дарвешки, ул вақт Мисрда толиблар иршодиға машғул эрмиш анинг хидматиға бориб, сулук бунёд қилибдур.*

Насойим ул-муҳаббат, 319-б.

ШАЙЪ-УЛЛОҲ [*а.* شيء الله] қ. **Шай лиллоҳ**.

Тийра шомим дафъ қилди меҳр зоҳир айлабон,
Яхши борди меҳрибонлиғларда Шайъ-уллоҳ субҳ.

Наводир уш-шабоб, 80-б.

ШАКАРХО [*ф.* شكرخا] Шакар чайновчи, ширин сўзли.

Холинг ҳинду эрурким, бўлмиш
Лабинг устида шакархо густох.

Фавойид ул-кибар, 81-б.

ШАКЛ [*а.* شكل] Аруз атамаси.

«Шакл»-«ҳабн» ва «каф» ижтимоидур, бас фоъилотун фаъилоту бўлғай.

Мезон ул-авзон, 49-б.

ШАКСИЗ [*а.-т.* شك سيز] Шубҳасиз, гумонсиз.

Анингдек солди ишқинг шуъла жоним ичраким, шаксиз,
Малойик барча куйгай, кўкка тушса бир шарар мендин.

Бадоеъ ул-бидоя, 454-б.

ШАМАТ [*а.* شمط] Қора нақш.

Қўйки, мовий ёғлиғингни юздин олмай бир замон,
Не учунким, хуш кўрунур зарварақ узра шамат.

Бадоеъ ул-васат, 204-б.

ШАМРА [*а.* شمره] Укроп уруғи, зиравор сифатида ишлатиладиган хушбўй кукат, ошкўк.

Ҳусн зуҳурида гириҳ қошида,
Зеб учун ул шамраки, «нун» бошида.

Ҳайрат ул-аброр, 195-б.

ШАМЪЖАБИН [*а.* شمع جبين] (Шамдек нур тарқатувчи чеҳра) оқ юзли, чиройли, гўзал севгили.

Ўртанур ишқида парвона, чекар ун булбул,
Ул гули шамъжабин ишқида менмен жомиъ.

Ғаройиб ус-сиғар, 240-б.

ШАМЪСИЗ [*а.-т.* شمع سیز] 1 Чироқсиз.

Чу бўлмас шамъсиз парвонаву гул бирладур булбул,
Фироқ ўртар кўнгулни чун кўрар васл ичра амсолин.

Бадоеъ ул-бидоя, 435-б.

2 Ёриптичсиз.

Шамъсиз тун булса, яъни соя даги бўлмаса,
Гар Навоий булса бир дам дилситони ёнида.

Ғаройиб ус-сиғар, 436-б.

ШАНЖАРФ [*ф.* شنجرف] «Шингарф» сўзининг арабча шакли, қизил симоб, тўқ қизил сиёҳ.

Бўлур қон мушки, ишқинг мушкини қон эттиким, булмиш
Қаро шанжарф, ҳолим ёзғали қўйсам қалам ҳар ён.

Бадоеъ ул-бидоя, 451-б.

ШАРАҲ [*а.* شرح] Очкўзлик; тамаъ; бирор ишга нисбатан ортиқча майл-ҳавас, рағбат.

Мен даги Шақон кентида эрдим ва ул вақт менга сўз айтмак маърифатида кўп шараҳ эрди.

Насойим ул-муҳаббат, 306-б.

ШАРБАТИЙ [*а.* شربتي] 1 Бир хил нарса номи

2 Киши исми.

Шарбатий гар бўлди эрса оқибат,
Зотида лекин карам бордур амин.

Наводир уш-шабоб, 522-б.

ШАРИАТШИОР [*а.* شريعت شعار] Дин ҳомийси, шариат суянчиғи. шариат таянчи.

Мундоқ киши олиме керак исломпаноҳ ва орифе керак муқарраби даргоҳ, хирадманди шариатшиор ва фақрга хурсанд ва тариқатосор.

Маҳбуб ул-қулуб, 21-б.

ШАРИФ [*а.* شريف] 1 Муқаддас, азиз, табаррук.

2 Шарофатли, шарафли.

3 Сара, мақбул.

Шариф ул-кавнайн Икки дунёда муқаддас ва шариф (инсондир).

Одамий шариф ул-кавнайндур ва ит нажис ул-айн аммо ҳақношунос ва бевафо одам ҳақшунос ва вафолиг итдин кам.

Маҳбуб ул-қулуб, 113-б.

ШАРИФМАҚОЛ [*а.* شريف مقال] Шариф сўзли, сўзи қадрли, яхши нотиқ

... ва каломида ҳам шарифмақол ва сунгги табақанинг ҳам адоси латойифида соҳибкамолдурким, оламда завқу ҳол аҳли булар латойифи била масрурдурлар ва булар маорифи била ҳузур қилурлар.

Маҳбуб ул-қулуб, 26-б.

ШАРОБХОНА [*а.-ф.* شراب خانه] Майхона; ҳақиқий ишк майхонаси.

Яна улким, шаҳр эҳтисоби амрида яхши эҳтимом қилилса андоқким, шаробхона, байт ул-латаф, қиморхона – буларга ўхшар номашруъ умурни куллий манъ қилилса.

Муншаот, 188-б.

ШАРОРАЛИҚ, -лиғ [*а.-т.* شراره لغ // شراره لق] **1** Алангали, учқунли.

2 Аламли, дардли.

Бу навъ шароралиқ ўтумнинг
Таскини учун мени ҳазин ҳам.

Бадоеъ ул-бидоя, 622-б.

Бу тийра шомим ила Наҳси анжумин ҳар ён
Фироқ дузахининг бил шароралиқ тутуни.

Бадоеъ ул-васат, 408-б.

Ишқ таърифидаким, айнининг нурлиғ тоби туфроғни «айн» қилур ва шининг шароралиғ шуъласи кўнгуллар хайлиға шайн солур...

Лайли ва Мажнун, 293-б.

ШАРЪОЙИН [*а.-ф.* شرع آئین] Шариат, ислом дини қонун-қоидалари тартиби, шариат равиши.

Бор умидимки, шоҳи шаръойин
Ким, набий шаръиға берур тазйин.

Арбаъин, 262-б.

ШАРЪСИЗ [*а.-т.* شرع سز] **1** Шариатсиз, дин йўл-йўриғисиз; йўлсиз, маслаксиз.

2 Расм-русумсиз, қоидасиз, тартибсиз; қонунсиз.

Шаръсиз хошок аро хашхошдекдур, эй ҳаким,
Кукка чиқсанг жайбинг ичра субҳайи парвин солиб.

Бадоеъ ул-бидоя, 79-б.

ШАТҲ [*а.* شطح] **1** Беҳаё ва беандишалик билан айтилган сўзлар, шармҳаёсиз сўзлар.

2 *тасаввуфда* Шариатнинг маълум қонун-қоидаларига зид сўзлар айтиш; ҳаракат, тебраниш, тўлиб тошиш, илоҳий ишқ беҳушлиги, суфий сакр ёки жазба ҳолида халқ тушунмайдиган ва қабул қилмайдиган сўзларни айтиши. Абу Наср Саррож фикрига кўра, шатҳ «гилнинг важд, шавқзавқ, ҳаяжон ҳолида айтганлари... иддаога яқин бир манбадан чиққан калимадир».

Шиблийнинг шатҳи ва Муртаъишнинг нуктаси ва менинг ҳикоётим.

Насойим ул-муҳаббат, 158-б.

ШАТҲИЕТ [*а.* شطحیات] **1** Бепарда ва густохона сўзлар айтиш.

2 *тасаввуфда* «Шатҳиёт» (шариатнинг айрим қоидаларига мухолиф сўзларни тилга келтириш) айтиш.

[*Шайх Жамолуддин Лур қ. т. с.*]. *Ва ул доим шатҳиёт айтур эрди.*

Насойим ул-муҳаббат, 343-б.

ШАФАК [ф. شفق] Ярамас, ноқобил, нобакор; ҳунарсиз, нодон.

Эй Навоий, кук қизиб бумиш қизил, эрмас шафак,
Шуъла ўтлардинки, оҳинг айлади фош остига.

Бадоеъ ул-васат, 384-б.

ШАФАҚВАШ [*а.-ф.* شفق رنگ] Шафақга ўхшаш, қизил.

Шафақваш этмак Шафақдай қизартирмоқ.

Меҳрини шафақваш этса қоним,
Ер остини айлагай маконим.

Лайли ва Мажнун, 169-б.

ШАФҚАТАНГЕЗ [*а.-ф.* شفقت انگیز] Раҳмдиллик қилувчи, меҳрибонлик қилувчи, шафқатли.

Иноят юзидин шафқатангез сўзларким, битилиб эрди-уқулди.

Муншаот, 157-б.

ШАФҚАТАНГИЗ [*а.-ф.* شفقت انگیز] қ **Шафқатангез.**

ШАХ [*ф.* شخ] **1** Тоғ, тоғ жинслари; катта тош, харсанг.

2 Қаттиқ, қотиб қолган, дағал.

Юз очса ақлим эли тўлгануриндинким, бор
Чинор панжаси шал, офтоб панжаси шах.

Наводир ун-ниҳоя, 94-б.

ШАШПАЗИР [*ф.* شش پذیر] **1** Олтилик, олти жиҳатни қабул қилувчи, олти ёқувчи.

2 Олти сайёрага ишора (Зуҳал, Муштарий, Зуҳра, Миррих, Аторуд, Моҳ).

... ва носиям сафҳасида қадар хомасидин шашпазир бўлмиш ҳар тикандин бир гулча осойиш етар ва ҳар тошдин бир дурча оройиш фаҳм бўлур.

Муншаот, 148-б.

ШАЪНАУЛЛОҲ [*а.* شأن الله] Аллоҳга шон-шарафлар.

Кечиб ондин, кунгул Тенгрига боғла,
Таоло шаънауллоҳу акбар.

Бадоеъ ул-бидоя, 611-б.

ШАҲВОР [*ф.* شهوار] Йирик ва аъло.

Гавҳари шаҳвор Аъло гавҳар.

Бошдин-аёқ гавҳари шаҳвор эди,
Қайси гуҳар «Туҳфат ул-аҳрор» эди.

Ҳайрат ул-аброр, 55-б.

ШАҲВОРСИЗ [*ф.-т.* شهوار سیز] Йирик ва аъло бўлмаган, шоҳонана эмас.

Ҳар киши оламда эрур ёрсиз,
Бир садафедур дури шаҳворсиз.

Ҳайрат ул-аброр, 180-б.

ШАҲДАНГЕЗ [*а.-ф.* شهد انگیز] Асалдек ширин сўз, болдек тотли сўз.

... Бузург Уммид била улуғ чора умидига сўзлашиб, лутфомиз алфозга қаҳр ва шаҳдангез каломга заҳр қотқони...

Фарҳод ва Ширин, 305-б.

ШАҲДАНГИЗ [*а.-ф.* شهد انگیز] қ **Шаҳдангез.**

ШАҲНА [*а.* شحنه] Соқчи, посбон, қўриқчи; доруға.

Не ажаб, ишқ офатидин чиқса жон тан мулкидин,
Шаҳнайи золимму эмас ё мулки вайронму эмас?!

Бадоеъ ул-бидоя, 224-б.

ШАҲРОШӮБ [*ф.* شهرآشوب] Шаҳарга ғавғо солувчи (шаҳар аҳлига ғавғо солувчи фитнакор ёрнинг сифати); кўнгилга фитна солувчи дилбар.

Гар анингдек шухи шаҳрошуби офат топмасақ,
Бир фақире меҳрибоне ғамгусоре кўзлали.

Ғаройиб ус-сиғар, 462-б.

ШАҲРСИЗ [*ф.-т.* شهرسیز] Юртсиз, мамлакати бўлмаган, бешаҳар.

Йироқроққина бўлса ҳам бок эмас
Ки эл шаҳрсиз асру ғамнок эмас.

Садди Искандарий, 308-б.

ШАҲСИЗ [*ф.-т.* شه سیز] Подшоҳсиз, султонсиз.

Ало, токи шаҳсиз чу бўлғай жаҳон,
Замон аҳлига бўлмағуси амон.

Тарихи мулуки ажам, 257-б.

ШЕВАСИЗ [*ф.-т.* شیوه سیز] **1** Одатсиз, йўсинсиз.
2 Ҳунарсиз.
3 Ишвасиз.

Жоми мийное иликдин қўймаким, бу шевасиз,
Кимса хушҳол ўлмади бу тоқи мину остида.

Наводир ун-ниҳоя, 23-б.

ШЕРХОНА [*ф.* شیرخانه] Шер яшайдиган қафас, шер яшайдиган жой.

Ва сойир жисмини пора-пора қилиб, шерхонага элтиб, сибоъ ол-лига солдилар.

Тарихи анбиё ва ҳукамо, 184-б

ШЕФТААҲВОЛ [*ф.-а.* شیفته احوال] **1** Паришонҳол, девона, беқарор.
2 Ошиқи беқарор; шайдо бўлиш.

Соқиё, майки мени васвасадин,
Айлади шефтааҳвол хирад.

Наводир уш-шабоб, 92-б.

ШЕФТАВОР [*ф.* شیفته وار] **1** Шайдо сифат, мафтунвор; гирифтордек, мубталодай.
2 Ошиқ.

... назмнинг пароканда васвосиға машъуфу шефтавор бўлғанин...

Ғаройиб ус-сиғар, 9-б.

ШИЖОЪ [*а.* شجاع] қ. **Шужоъ**

ШИКОРАФГАН [*ф.* شکارافگن] Ов солувчи.

Бисмил этмиш зор кунглум сайдини қилғоч шикор,
Ул шикорафган ҳазин кўнглум бу янглиғ овламиш.

Наводир ун-ниҳоя, 218-б.

ШИКОРЛИҒ [*ф.-т.* شکار لیغ] Овчилик, овлашлик

Чин марғзорининг мушкин гизолининг шер шикорлиғи...

Ҳайрат ул-аброр, 301-б.

ШИРИНАДОЛИҚ [*ф.-а.-т.* شیرین ادا لیق] Ширинсўзлик, ширин каломлик, маъноли сўзлар сўзловчилик.

[*Мавлоно Зиё – форсигуй шоирлардан*]. *Кунгулга яқин, ширинадолиқ мақбулгина кишидур.*

Мажолис ун-нафоис, 80-б.

ШИРИНАШЪОР [*ф.-а.* شیرین اشعار] Фасоҳатли, латиф ва кунгилга таъсир этувчи шеърлар.

Бу ҳарф ҳамул жумладиндурким, турк тилининг ширинашъор ва шакаргуфторлари душворлиги жиҳатидин мутлақ таарруз қилмайдурлар.

Мажолис ун-нафоис, 184-б.

ШИРИНВАШ [*ф.* شیرین وش] Ширинда́й, Ширинга ўхшаш.

Лайлию Ширинвашимнинг ишқ дашту тоғида
Менча бир йуқ гарчи бор Мажнун ила Фарҳоди кўп.

Бадоеъ ул-васат, 53-б.

ШИРИНҲАРАКОТ [*ф.-а.* شیرین حرکات] Латиф ҳаракат қилиш, чиройли юришлик.

Ҳаракат қилса лабинг туз тўкулуб шаҳд оқар,
Тузлуқ эл кўп, бири йуқ сен кеби ширинҳаракот.

Ғаройиб ус-сиғар, 87-б.

ШИШЛАМАК [*т.* شیشلا مك] **1** Сихламоқ, сихга тортмоқ.

Гарчи ишқ ўтида кунглумни ўқунгга шишладинг,
Гарм булмаким, ҳануз не сих қуймиш, не кабоб.

Бадоеъ ул-бидоя, 72-б.

2 Санчмоқ, суқмоқ, тиқмоқ.

Бу чаманда гунча эрмас, англа булбул кунгликим,
Шишлади ишқ айламакка оташин гулдин кабоб.

Наводир ун-ниҳоя, 48-б.

3 Қадамоқ, гақамоқ.

Ҳар гаҳки қадаҳ нўшум майли майи ноб айлар,
Мужгон ўқига шишлаб, бағримни кабоб айлар.

Наводир ун-ниҳоя, 157-б.

ШИҲНА [*а.* شحنه] қ. **Шаҳна**

[*Абу Тоҳир Курд р. т.*]. *Деди: ул бир қуй эти эрдики, шиҳна зулм била биравдин олиб эрди, манга бердики, ўлтур, яримин шиҳна элтти, ярими қолиб эрдики, шайхзода олиб келди.*

Насойим ул-муҳаббат, 246-б.

ШОДКОМЛИҒ [*ф.* شاد کام لیغ] Шодлик, хурсандлик.

Бақо сарчашмасидин сероблиг қайда мумкин, чун «кулли ман алайҳа фана» соғари илан бермас ва тириклик шарбатидин шодкомлиг не мутасаввир...

Муншаот, 224-б.

ШОДОБЛИҚ [*ф.-т.* شادابلیق] **1** Сероблик, баҳраланганлик; қониқишлик

2 Шодлик, хурсандлик, хуррамлик, хушҳоллик.

Қил зулоли васл ила булбулни, эй гул, шодким,
Бу чаманда доимо шодоблиқ йуқтур гумон.

Бадоеъ ул-васат, 312-б.

ШОЁН [*ф.* شایان] қ. **Шоян**.

ШОМ [*ф.* شام] Шом, тун, кеча.

Шоми ажал Ажал шоми, ажал туни ажал кечаси.

Дегасен: шоми ажал умрум қуёшин ёшурур,
Гар замоне бўлсам ул зулфи сумансодин йироқ.

Наводир уш-шабоб, 230-б.

ШОМИЛА [*а.* شامله] **1** Ёйилган, ўраб олинган.

2 Тегишли.

„. Саййид ут-тоифа Жунайд қ. с. дин воқеъ булди, калимадур жомеъаи томма ва башоратдур шомилаи омма, бизга ва авлодимизга ва асҳобу аҳбобимизгаки ҳозир ё гойибдурлар.

Насойим ул-муҳаббат, 269-б.

ШОММА [*а.* شمه] Инсоннинг ҳид билиш аъзоси, ҳидлаш қуввоси, бурун.

Босирау сомиау ломиса,
Зойиқау шомма била хомиса.

Ҳайрат ул-аброр, 94-б.

ШОРИБАЙН [*а.* شاربین] Муйлаб, муйлов, мурт.

[*Шайх Аҳмад Нажор...*]. *Бир қатла Шиблий анинг шорибайнин олиб эрди.*

Насойим ул-муҳаббат, 221-б.

ШОРИСТОН [*ф.* شارستان] **1** Шаҳристон, катта шаҳар.

2 Мустаҳкам қалъали катта шаҳар; шаҳар қурғонининг ичи, шаҳар ичи.

Шайх Абу Саид дебдурки, бир кун келадур эрдим, Сарахснинг шористони эшигида бир тепа эрди кулдин.

Насойим ул-муҳаббат, 211-б.

ШОЯН [*ф.* شایان] Лойиқ, муносиб, сазовор, ярашадиган, мувофиқ

Ҳусн оятики келди юзунг қиссасида нас,
Тонг йўқ десамки шояндадур аҳсан ул-қисас.

Наводир ун-ниҳоя, 239-б.

ШОҲВОР [*ф.* شاه وار] к. **Шаҳвор**

ШОҲНИШОН [*ф.* شاه نشان] Шоҳ хислатли, шоҳ нишонли, подшоҳ суратли, подшоҳ куринишли.

Чунки ул кеча шоҳи шоҳнишон,
Ғойибидин бу навъ топти нишон.

Сабъаи сайёр, 365-б.

ШОҲНОМА [*ф.* شاهنامه] Шоҳларга бағишлаб ёзиладиган асар, катта шеърий асар.

Бўлди, чу шоҳ сурди ислоҳ этарга хома,
Ҳар байти-шоҳбайте, ҳар нома-шоҳнома.

Бадоеъ ул-бидоя, 18-б.

ШУБҲАЛИҚ, -лик [*а.-т.* شبهه لیك // شبهه لیق] Шаклик, гумонлик, шубҳалик.

... ё Або Тоҳир, Аҳмаднинг мулкига вақф от қуйдунг ва шубҳалиқ таоминга ҳалол от қуйдунг, муни кимдин ўрганибсен?

Насойим ул-муҳаббат, 246-б.

Ва бир шубҳалик луқма онча тийралик келтурурки, куп вақт анинг ислоҳига машғул булуб, маълум эмаски, дафъи не навъ сурат боглар.

Насойим ул-муҳаббат, 16-б.

ШУГУФТА [*ф.* شگفته] Очилган, очилиб яшнаган.

Чун булбулининг гули шугуфта.
Топти бори халқдин нуҳуфта.

Лайли ва Мажнун, 82-б.

ШУЖОЪ [*а.* شجاع] Шижоатли, жасур, ботир.

Беша шерин гар забун қилсанг шижоатдин эмас,
Нафс итин қилсанг забун, оламда йўқ сендек шужоъ.

Бадоеъ ул-бидоя, 255-б.

Қилди уқор ўтоғасин ул қотили шужоъ,
Хуршид оразига ҳамоно хати шуоъ.

Наводир ун-ниҳоя, 252-б.

ШУКРГУЗОРЛИК [*а.-т.* شكرگذارلیك] Миннатдорлик, шукр қилишлик.

[*Мавлон Лутфий р. т.*]. *Ул Ҳазрат шукргузорлик юзидин маъзират изҳори қилиб дебдиларким...*

Насойим ул-муҳаббат, 477-б.

ШУКУФТА [*ф.* شكفته] қ. **Шугуфта**

ШУКУҲЛИК, -лик [*ф.-т.* شكوه ليك // شكوه ليق] Улуғвор, шарафли, ҳурматли.

[*Шайх Абу Мансур Гозар қ. с.*]. *Шайх ул-ислом дедики, ул шукуҳлик дарвеш эрди ва машойихдин купини куруб эрди.*

Насойим ул-муҳаббат, 236-б.

Шукуҳлиқ киши эрди ва бузург.

Насойим ул-муҳаббат, 237-б.

ШУНУФТ [*ф.* شنفت] Эшитиш, қулоқ солиш.

Гуфту шунуфт Гап-сўз, суҳбат.

Ва гуфту шунуфтдин ораларида суҳбати гарм бўлди.

Тарихи анбиё ва ҳукамо, 187-б.

ШУРАФО [*а.* شرفا] **1** Асл, нажиб.

2 Саййид авлоди, Муҳаммад Пайғамбар авлоди.

[*Шайх Абу Аҳмад...*]. *Ҳасаний шурафодин эрди ва ул вилоят ҳокими эрди ва онинг бир сингли ва ё эгачиси бор эрди.*

Насойим ул-муҳаббат, 224-б.

ШУУРСИЗ [*а.-т.* شعورسيز] Ақлсиз, идроксиз, фаҳмламаслик, бефаҳм.

Кечага тегру музтариб эрдим,
Кеча бўлгач шуурсиз кирдим.

Сабъаи сайёр, 215-б.

ШУЪОИЙ [*а.* شعاعي] Нурлилик, шуълалик, ёруғлик.

Чекибон кун шуоъийдин синонлар,
Қилайин деб улус багрини ёра.

Бадоеъ ул-бидоя, 617-б.

ШУЮНАТ [*а.* شيونت] Мартаба, даража, қадр; ҳол.

... ва кунглудаги ҳукумат шуюнатларин истиғфор оҳи елига

учурғой димоғидаги маъно даъволарин ва назоҳат қабоҳатларин ажзу тазарруъ сарсарига совургай.

Муншаот, 226-б.

ШУҲРА [*а.* شهره] Машҳур, номдор.

Шуҳра бўлмоқ Машҳур бўлмоқ.

Шуҳраи офоқ Бутун дунёга машҳур бўлмоқ.

Телба кўнглумни дема кўп вола эрмас ишқ аро,
Шуҳрайи офоқ ё расвойи давронму эмас?!

Бадоеъ ул-бидоя, 224-б.

Эгриликка шуҳра бўлмоқ истамассен, айлама
Аҳли исён хизматида қадду беқонунни кўж.

Ғаройиб ус-сиғар, 188-б.

Шуҳрайи шаҳр Шаҳарга машҳур.

Ошиқ эткач шуҳрайи шаҳр этти ул кофир мени,
Шаҳр кездурган кеби кофир мусулмон айлагач.

Наводир уш-шабоб, 75-б.

Шуҳра қилмоқ Машҳур қилмоқ.

Эй Навоий, шукрким, гарчи сени шаҳр ичра ёр
Шуҳра қилди, сен анинг сиррини ифшо қилмадинг.

Бадоеъ ул-васат, 254-б.

ШУҲУД [*а.* شهود] **1** Шоҳид, гувоҳ.

2 Ҳозир бўлиш.

3 Маҳбуб.

Солики фоний таважжуҳдин тараддуд айламас,
Етсалар маҳвий шуҳуд бўлган замон Хизру Масиҳ.

Бадоеъ ул-васат, 81-б.

ШУҲУР [*а.* شهور] Йил ойи.

Дайр аро мен не сабоҳу не масо,
Масти майимен не санину не шуҳур.

Фавойид ул-кибар, 466-б.

ШУРАКО [*а.* شركا] Шериклар, йўлдошлар, ҳамроҳлар, қўлдошлар; ёрдам берувчилар.

[*Шайх Абуали Сиёҳ қ. с.*]. *Шурако емак тарғиби қилсалар эрди, уйда нима еб келибмен, дер эрди.*

Насойим ул-муҳаббат, 203-б.

ШУРБА [*ф.* شوربه] к. **Шурбо**

[*Абубакр Шаъроний р. т.*]. *Ва биравга дедиким, бир пора ўтмак келтурди. Ва ани тарид қилди, шурбадин анга солди ва этни анинг юзига қўйди.*

Насойим ул-муҳаббат, 167-б.

ШУРБО [*ф.* شوربا] Шурва.

[*Абу Тоҳир Курд р. т.*]. *... ўглия айттики, бизинг қўйлардин бир қўй олиб кел ва ўлтур ва шурбое пиширки...*

Насойим ул-муҳаббат, 246-б.

ШУХВАШ [*ф.* شوخ وش] **1** Ўйноқига ўхшаш.

2 Гўзал каби, маъшуқага ўхшаш.

3 Мафтун қилувчи; жозибали.

Чун бу мавзун ҳаракатлик дилкашлару бу матбуъ сифатлик шухвашлар эллик, олтмиш ё юзга яқин булсалар эрди...

Ғаройиб ус-сиғар, 17-б.

ШУҲОНА [ф. شوخانه] Ўйноқи; гузал; жозибали.

Солди бошига улуғ фитналар эл қатли учун,
Гарчи шуҳона сияҳпечинг курунур асру кичик.

Фавойид ул-кибар, 226-б.

ШУҲРА [*а.* شهره] қ. **Шуҳра**

Э

ЭАШРОТ [*а.* اعشرات] Одамлар билан бирга кун кечирувчи, бирга тириклик қилувчи; ҳамдам.

Ҳар эски ёгочини қунгорурга фалак пили субҳ хартуми била ажз зоҳир қилиб ва агар қунгорса болорин тоширга сипеҳр арабаси у юк остига ёнчилиб, эашроти маҳботидин рузгори буқаламун арқами бир пайса таноб...

Муншаот, 147-б.

ЭВРУЛМАК [*т.* اوورولمك] **1** Айланмоқ, ўгирилмоқ.

2 Машғул бўлмоқ, қайғурмоқ.

Ёр агар ҳамповy пабаржо эса бу давр аро,
Бошимга ҳар лаҳза эврулмак бўлур паргордек.

Ғаройиб ус-сиғар, 273-б.

ЭГАРГУЧИ [*т.* ايگارگوچى] Айлантирувчи

Дашт узра эгаргучи ҳаюнлар,
Ошубда уйлаким қуюнлар.

Лайли ва Мажнун, 163-б.

ЭГАСИЗ [*т.* ايگاسز] Бирор кимсага қарашли бўлмаган, беэга.

Яздижирд бинни Баҳром чун мамлакат эгаси бўлди, гўёки мулк эгасиз қолдиким, ул золим ва нодон киши эрди.

Тарихи мулуки ажам, 234-б.

[*Абулбарака – форсигуй шоирлардан*]. *Анинг ҳаводорлари ул мансаб эгасиздур, муносиб киши топиббиз деб...*

Мажолис ун-нафоис, 152-б.

ЭЗИНМАК [*т.* ايزين مك] **1** Эзилмоқ, янчилмоқ.

2 Пишимоқ, ийланмоқ.

Олтун эзиниб-эриб қуйган «сою» холис бўлур,
Не ажиб сарғарса юз, эткан сою эмгак манга.

Ғаройиб ус-сиғар, 33-б.

ЭЛАНМОҚ [*т.* ايلانمق] **1** Ялинмоқ, ёлвормоқ, (Аллоҳга) илтижо қилмоқ.

2 Эътибор бермоқ, аҳамият бермоқ

Таважжуҳ Ҳақ субҳонаҳу таолога юзлашмак ва ул ён эланмоқдур.

Маҳбуб ул-қулуб, 62-б.

ЭНАЛМАК [*т.* اينالمك] қ. **Эланмоқ**

Васлин истаб кўп эналдим, қовди қуйидин мени,
Бўлса мубрим шева, албатта гадо мардуд эрур.

Ғаройиб ус-сиғар, 128-б.

ЭНГЛИК [*т.* اينگ ليك] Пардоз учун юзга суртиладиган қизил, элик.

Не зулолу оташин гулдурки, бустон шоҳиди,
Айлар оройиш бу энглик доғи ул кузгу била.

Фавойид ул-кибар, 363-б.

ЭРАМВАШ [*а.-ф.* ارم وش] Жаннатга ухшаш, жаннатдек.

Ҳар тараф шамъи муанбар дуди ногаҳ қилмагай
Тийра ҳам нозук димоғин, ҳам эрамваш суҳбатин.

Бадоеъ ул-васат, 478-б.

ЭРИКЛИК [*т.* ايريك ليك] Хаёлга чўммоқлик

Фироқ ичра эриклик, эй кунгул, муҳликдурур билгил,
Ки, ишқ аҳлининг ул суҳон келибтур умр фарсойи.

Фавойид ул-кибар, 392-б.

ЭТГУЧИ [*т.* ايتكوچي] Этгувчи, қилгувчи.

Жисм сипеҳрини масир этгучи,
Руҳ қуёшини мунир этгучи.

Ҳайрат ул-аброр, 15-б.

Ёраб, анингдек карам этгучи шоҳ,
Юз минг эшигингда эрур хоки роҳ.

Ҳайрат ул-аброр, 344-б.

ЭТКУЧИ [*т.* ايتكوچي] қ. **Этгучи**

Муҳаббат аҳлиға ноз эткучидин эрмиш саъб,
Тариқи ҳилму адаб зоҳир эткучи маҳбуб.

Бадоеъ ул-васат, 36-б.

ЭТМАМАК [*т.* ايتمامك] Этмаслик, қилмаслик; айламаслик.

Сендин ул ком хаёл этмамишам, кунглумаким,
Қилсам изҳор ҳам ўлгай демаки, тарки адаб.

Фавойид ул-кибар, 37-б.

Шуруъ этмамак Боламаслик, киришмаслик.

Сойири аъзоға халал етмамак,
Шаръ хилофиға шуруъ этмамак.

Ҳайрат ул-аброр, 115-б.

Шодмон этмамак Шодмон қилмаслик.

Диёреки адлинг анга етмамиш,
Диёр аҳлини шодмон этмамиш.

Садди Искандарий, 455-б,

ЭТМАКЛИК, -лик [*т.* ايتماك ليق//ايتماغ ليق] Этмоқлик, қилмоқлик, айламоқлик.

Рангу нақшу лавндин чиқмай киши,
Мумкин эрмас мундоқ этмаклик иши.

Лисон ут-тайр, 254-б.

Ким, маҳол эрди қайтмоғлиғ алар,
Шаҳлари таркин этмоғлиқ алар.

Сабъаи сайёр, 147-б.

Ситез этмаклик Хусумат қилмоқлик, жанжал қилмоқлик, урушмоқлик.

Эй Навоий, туз бўлуб, не келса тутқил ўзни хуш,
Ким ситез этмаклик улмас чархи кажрафтор ила.

Фавойид ул-кибар, 371-б.

ЭШ [*т.* ایش] Ҳамдам, йўлдош, шерик.

Эш бўлмоқ Ҳамдам бўлмоқ, йўлдош бўлмоқ; тажассум топмоқ

Шаккарга узубатда нутқунг не ажаб қулса
Ким, эрнинга эш бўлмиш ахлоқ аро шаккарханд.

Ғаройиб ус-сиғар, 111-б.

ЭШИК-ЭШИК [*т.* ایشیك ایشیك] Эшикма-эшик, уйма-уй, хонама-хона.

Муҳтож бўлуб илик-иликка,
Сайр этсам эди эшик-эшикка.

Лайли ва Мажнун, 121-б.

ЭШИКСИЗ [*т.* ایشیك سیز] Беэшиксиз.

Оқибат қабр эшиксиз уйига чун киргунг,
Эмди гар ё сенга не суд, очуқ дарвоза.

Наводир ун-ниҳоя, 466-б.

ЭШИТМАКЛИК [*т.* ایشیتماك لیك] **1** Эшитмоқлик.

Шайх бошига бало эркандурур дасторким,
Ишқ асрорин эшитмакликка мониъ бўлди фаш.

Ғаройиб ус-сиғар, 213-б.

2 Билмоқлик, хабар топмоқлик, хабардор бўлмоқлик.

Эшитмаклик керак бу можаро ҳам,
Ки, қилғайлар алар сўздин ибо ҳам.

Фарҳод ва Ширин, 296-б.

3 Ўқимоқлик.

Эшитмаклиги завқнок айлабон,
Вале дарки маъни ҳалок айлабон.

Садди Искандарий, 50-б.

4 Муҳокама қилмоқлик.

Билибким Скандар неким езди панд,
Эшитмалик они эрур судманд.

Садди Искандарий, 529-б.

ЭЪЛО [*а.* اعلا] Олий, юксак, баланд.

Куфр чу эъолйи ливо айлабон,
Нусрат учун динга дуо айлабон.

Ҳайрат ул-аброр, 43-б.

ЭЪТИБОРСИЗ [*а.-т.* اعتبار سیز] Эътибори йўқ, эътибордан қолган.

Тилга ихтиёрсиз – элга эътиборсиз.

Маҳбуб ул-қулуб, 93-б.

ЭЪТИДОЛСИЗ [*а.-т.* اعدال سیز] **1** Ўрта даражасиз, мўътадил даражада бўлмаслик.

2 Мувозанатсиз; номутаносиблик.

Яна бийик ун билаки, эътидолсиз ошуб била йиғлагайлар...

Муҳокамат ул-луғатайн, 15-б.

ЭЪТИҚОЛ [*а.* اعتقال] Хулоса, хотима.

Яна улким, отланмоқ, тушмоқ, ов қушга машғуллуқ кўп бўлмаса, ул бобда эътиқол риоят қилилса, то ул ишдин иш-куч фавт бўлурга боис бўлмаса.

Мунша от, 190-б.

ЭЯСИЗ [*т.* ایاسیز] Эгасиз, беэга, бирор кимсага қарашли бўлмаган, эгаси йўқ, сабил.

Бир эясиз ит бўлуб эрди Навоий ёрсиз,
Бўлмасун, ё рабки, ҳаргиз банда султондин жудо.

Ғаройиб ус-сиғар, 54-б.

ЭҲЗОН [*а.* احزان] Ғамли, маҳзун.

Кулбаи эҳзон Ғамхона кулба, вайрона кулба.

Очмай ўтлуқ чеҳра чунким ўртада кунглум уйин,
Очса не утларки тушгай кулбайи эҳзонима.

Наводир ун-ниҳоя, 477-б.

ЭҲРОҚ [*а.* احراق] Куйиш, ёниш, алангаланиш.

... то буларнинг вужуди хирмани ул барқ эҳроқидин билкул зойиъ бўлмагай, йўқким...

Бадоеъ ул-бидоя, 21-б.

ЭҲТИЛОМ [*а.* احتلام] Успирин ёки кишиларнинг уйқуда «шайтонлаб қолиши» (яъни жинсий аъзодан «оби маний»: уруғлик суви чиқариб юриши), уйқуда эҳтилом бўлиш.

[*Али б. Саҳл Азҳар Исфаҳоний р. т.*]. *Ул дебдурки,* [*асло эҳтилом бўлмадим. Фақат тушимда бир аёлни волийси ва икки гувоҳ ҳузурида никоҳлаб олганимдин кейин эҳтилом бўлдим*].

Насойим ул-муҳаббат, 75-б.

ЭҲТИРОҚ [*а.* احتراق] **1** Куйиш, ёниш, ёниб кетиш.

2 Ҳар беш сайёрадан бирининг яшириниши (Аторуд, Зуҳра, Миррих, Муштарий ва Зуҳал), яъни уларнинг қуёш нури, бир бурж остида тўпланишидир.

Тоза ҳар ён доғ эмас жисмимда ул юз ишқидин,
Ким бу кавкабларга бўлмиш ул қуёшдин эҳтироқ.

Ғаройиб ус-сиғар, 258-б.

Холин ул юз ўртамишким, фитнадур даврон аро
Ким, жаҳон аҳлин жаҳоннинг эҳтироки қуйдурур.

Фавойид ул-кибар, 105-б.

ЭҲТИСОБСИЗ [*а.-т.* احتساب سیز] **1** Беҳисоб, ҳисобда йўқлик, саноқсиз.

2 Жазосиз, қаттиқ чорасиз.

Сўзи ҳисобсиз – ўзи эҳтисобсиз.

Маҳбуб ул-қулуб, 99-б.

Ю

ЮГУРМАКЛИК [*т.* يوگورمكلك] Чопмоқлик, югурмоқлик; югуриш билан шуғулланмоқлик; бирор мақсад ёки ишни амалга оширишга уринмоқлик

Югурмакликда ҳар гунбади секрир ул маҳи гулхад,
Гули меҳр олдарар беҳад уёлур гунбади ахзар.

Наводир уш-шабоб, 142-б.

Ҳарза гардисен югурмаклик ишинг,
Пуя тоғу қулла узра варзишинг.

Лисон ут-тайр, 68-б.

ЮЗЛАНМАМАК [*т.* يوزلانماماق] **1** Қарамаслик, юзланмаслик.
2 Бирор томонга қараб юрмаслик.

Чиқиб қатлимга ўзга сари сурди рахшин ул қотил,
Манга юзланмамиш умрумда ваҳме ул таваҳҳумдек.

Бадоеъ ул-васат, 234-б.

ЮКСИЗ [*т.* يوك سيز] **1** Танғилмаганлик, ортилмаганлик.
2 Беюк; оғирликсиз.

Ким, кўрунди илайларида тенгиз,
Фурзада бир кема, вале юксиз.

Сабъаи сайёр, 268-б.

ЮЛҒУН [*т.* يولغون] Гули майда, оқиш, майда баргли бута.

[*Абу Сулаймон...*]. *Маркаб секриди ва анинг аёги юлғун дарахтига сийрилиб мажруҳ булди.*

Насойим ул-муҳаббат, 161-б.

ЮНУС [يونس] Пайғамбарлардан бирининг номи.

Ва Юнус а. с. тифл эрди, неча кундин сунгра яна тоғу дашт азимати қилди.

Тарихи анбиё ва ҳукамо, 153-б.

ЮПТУРМОҚ [*т.* يوپتورماق] Ҳўл қилмоқ, намламоқ.

То елак савсани айлабсену гулгун терлик,
Ўзидин савсану гул тер аро юптурлар илик.

Фавойид ул-кибар, 226-б.

ЮП-ЮМАЛОҚ [*т.* يوپ يوملاق] Дум-думалоқ; юп-юмалоқ.

Ва яна ранг ё бир сифатнинг ҳумули ҳолиға муболаға учун анинг аввалида, аввал ҳарфиға бир «п» ё «мим» изофа қилиб, ул шайъға зонд қилурлар: «п» мисоли: оп-оқ, қоп-қора... юп-юмалоқ...

Муҳокамат ул-луғатайн, 23-б.

ЮПҚА [*т.* يوپقه] **1** Нозик, юпқа.
2 Сийрак (тутун).

Кишу урмак қайдидин ут, айшни фавт этмаким,
Киш қароро̆қ тулқу урмак юпқаро̆қ мошоб эрур.

Бадоеъ ул-бидоя, 181-б.

ЮРАКСИЗЛИҚ [*т.* يورك سوزلق] Бирор нарсага ботинолмайдиган ёки юраги дов бермайдиган; қурқоқлик, кўнгилсизлик.

Ва агар ул киши замон аҳлининг бедиллиғига юраксизлиқ маҳмил, бу кўнгул сен хаёл қилгон кўнгул эмас.

Маҳбуб ул-қулуб, 92-б.

ЮРТАЧИ [*т.* يورتاچي] қ. **Юрутачи**.

Ход сунгурдин бийик тутти мақом,
Юртачи товус уза қилди хиром.

Лисон ут-тайр, 31-б.

ЮРУТАЧИ [*т.* يوروتاچي] **1** Калхат.

2 Ўлаксахўр, улган жониворларни ейдиган, ўлимтик билан озуқланадиган.

3 Текинхур

Олийҳиммат шоҳбозедур баландпарвоз ва беҳиммат сичқон сайёде юрутачи тоз. Шунқор маскани шоҳнинг билаги, юрутачи мақоми ўлуксанинг сассиг бадани ва сунгаги.

Маҳбуб ул-қулуб, 80-б.

ЮСУФВАШ [*а.-ф.* يوسف وش] Юсуфдек (Юсуф пайғамбардек гўзал).

Шоҳиди бошидин-аёқ дилкаш,
Ҳусн бозори ичра юсуфваш.

Сабъаи сайёр, 31-б.

ЮСУФОЙИН [*а.-ф.* يوسف ائين] Юсуф алайҳиссаломга ўхшаш, Юсуф Пайғамбар хислатли.

Жон берурда лаълидин Исосифат жононае,
Кўнгул олурда юзидин Юсуфойин дилбаре.

Ғаройиб ус-сиғар, 509-б.

ЮҲ [*а.* يوح] Қуёш, офтоб.

Руҳи қудсий эрди алфози зуҳур этгунча фажр,
Ваҳй, юҳо эрди анфоси тулуъ этгунча юҳ.

Наводир ун-ниҳоя, 91-б.

ЮҲО [*а.* يوحا] **1** Диний манбаларга кўра, барча жониворларни бир ҳамлада еб, ютиб юборадиган бир махлуқ

2 Еб гуймас, очофат.

Руҳи қудсий эрди алфози зуҳур этгунча фажр,
Ваҳй, юҳо эрди анфоси тулуъ этгунча юҳ.

Наводир ун-ниҳоя, 91-б.

Я

ЯБУСАТ [*а.* يبوست] Шиддат

Ройиҳа ябусати Ёқимли ҳиднинг шиддати.

... ва ҳажр қаро шоми мушкидин рузгори тийра булуб ул ройиҳа ябусатидин димоғи заъфи қувватин...

Фарҳод ва Ширин, 368-б.

ЯВМ [*а.* يوم القيام] **1** Кундуз.

2 Вақт.

Явм ул-қиём Қиёмат куни.

Ила явм ул-қиём То қиёмат кунигача; то қиёмат кунига қадар.

[*Хожа Убайдуллоҳ қ. с.*]. *Умид улдурким, аларнинг шариф вужудлари баракатидин бу шариф силсиланинг илтиём ва интизоми ила явм ул-қиём имтидод топқай.*

Насойим ул-муҳаббат, 279-б.

Онга ҳардам юз дуруду минг салом,
Олам аҳлидин ила ёвм ул-қиём.

Лисон ут-тайр, 16-б

ЯВОҚИТ [*а.* ياقوت] **1** Қимматбаҳо тош, ёқут (қизил, оқ, сариғ, кук рангларда булади).

2 Қимматли, бебаҳо нарса ҳақида; чуқур маъноли сўз ва иборалар.

... адам ниҳонхонасидин ажаб ганже вужуд жилвагоҳига жилваи зуҳур кургузди, латойифи лаолийи самини била мамлу ва зароифи явоқити оташини била маиҳун ва иноятн баҳористонидин ғариб равза очилди...

Назм ул-жавоҳир, 128-б.

ЯД [*а.* يد] Қўл.

Яди туло [يد طولى] Қўли узун; маҳорат, ҳар нарсага қодир.

Чун сендин улди қуёш панжаси аросида олтун,
Сочарга доғи сен эттинг анга карам яди туло.

Наводир уш-шабоб, 8-б.

ЯКДИЛЛИҚ [*ф.-т.* يكدل ليغ] **1** Ҳамфикрлик, мақсади бирлик, иноқлик, аҳиллик.

2 Туғри сўзлик, бериёлик, туғрилик, поклик, беғаразлик, самимийлик.

Ва ошиқлиғида якдиллиғига далили беиштибоҳ ва якруй, якжиҳатлиғига гувоҳ ва шавқи гоятсиз эрканига гувоҳи содиқ ва муҳаббати ниҳоятсиз эрканига далили мувофиқ.

Маҳбуб ул-қулуб, 62-б.

ЯКЖИҲАТЛИҒ [*ф.-а.-т.* يكجهت ليغ] Баҳамжиҳатлик, келишишлик, биргалик.

Якжиҳатлиғ айламак Биргалашмоқ, ён босмоқ.

Хайли гурдун сифатлиғ айладилар,
Хасмига якжиҳатлиғ айладилар.

Сабъаи сайёр, 75-б.

ЯККАЛАМАЛИК [*ф.-а.-т.* یکقلمه لیق] **1** Донгдорлик, овозадорлик.

2 Бутунлайлик; бирдан-бирлик.

Ва балоғат бобида якқаламалиқ садосин сипеҳ муншисидин ошурубтурлар.

Назм ул-жавоҳир, 125–126-б.

ЯЛДО [*ф.* یلدا] **1** Декабр ойининг 22-санасига тўғри келадиган қишнинг энг қоронғи ва энг узун кечаси.

2 Жуда қора ва қоронғи.

Шоми ҳижронимга, эй гардун, саҳар пайдо эмас,
Чекма заҳмат қатлимаким, ҳожати ялдо эмас.

Фавойид ул-кибар, 159-б.

ЯМ-ЯШИЛ [*т.* یام یاشیل] Кўм-кўк, сабза ранг, ям-яшил.

Ва яна бир ранг ё бир сифатнинг ҳамули ҳолиға муболаға учун анинг аввалида, аввал ҳарфиға бир «п» ё «мим» изофа қилиб ул шайъға зонд қилурлар:... «мим» мисоли: кўм-кўк, ям-яшил, бўм-бўз.

Муҳокамат ул-луғатайн, 23-б.

ЯНБУЪ [*а.* ینبوع] Чашма. булоқ.

Янбуъ ул-ҳаёт Ҳаёт чашмаси, ҳаёт булоғи.

Ва Идрис а. с. нинг мавтин киши кўрмайдур. Ҳам шаръ аҳли қошида, ҳам тарих аҳли олида ақида будурким, ул тирикдур... Ва ани янбуъ ул-ҳаёт дебдурлар.

Тарихи анбиё ва ҳукамо, 104-б.

ЯНГЛА [*т.* یانگلا] Янгитдан; қайтадан.

Бизнинг учун ўзунгнинг бир шеъринг ўқуғил! Хожа Ҳофиз бу шеърни янгла айтқон экандур.

Насойим ул-муҳаббат, 479-б.

ЯП-ЯССИ [*т.* یاپ یاسی] Юза, ёпиқ, ялпоқ, яп-ясси.

Ва яна бир ранг ё бир сифатнинг ҳумули ҳолиға муболаға учун анинг аввалида, аввал ҳарфиға бир «п» ё «мим» изофа қилиб, ул шайъға зонд қилурлар «п» мисоли: ... яп-ясси, оп-очуг, чуп-чуқур...

Муҳокамат ул-луғатайн, 23-б.

ЯРАСИЗ [*т.* یرسیز] **1** Жароҳатсиз.

2 Андуҳсиз.

Не кўнглум қолди, не бағрим ярасиз,
Фалак тошики, ҳар ёнимга отти.

Фавойид ул-кибар, 421-б.

ЯРИМУЧУҚ [*т.* یاریم اوچوق] қ. **Яримчуқ**

ЯРИМЧУҚ [*т.* یاریم چوق] **1** Ярим-ёрти, арзимас даражада.

2 Яримжон, нимжон, кучсиз, заиф (агар Аллоҳ хоҳласа бир нимжон пашша ниши билан кишини ожиз қолдиришига ишора).

Яримчуқ паша ниши била ожиз қилурсен,
Нечаким пил янглиғ қавийдур хасми бебок.

Наводир уш-шабоб, 234-б.

ЯРОҚСИЗ [*т.* یراق سیر] **1** Ҳозирликсиз, тайёргарликсиз.
2 Керакли асбоб-анжомсиз, керак-яроғсиз.
3 Қурол-аслаҳасиз.

Эйки дерсен, ҳажр даштиға яроқсиз кирмагил,
Бори дегилким, эмас бу дашт аро кирмоқ яроқ.

Наводир уш-шабоб, 226-б.

ЯСАГУЧИ [*т.* یاساگوچی] **1** Уста.
2 Игна ясовчи, сузангар.

[*Абу Али Сиржоний қ. с.*]. *... агар ясагучини келтурмасанг, етти юз қатла сени йиборгум эрди.*

Насойим ул-муҳаббат, 147-б.

ЯСАМОҒЛИҚ [*т.* یاسلماغلق] **1** Қурмоқлик, бино қилмоқлик, яратмоқлик; тузмоқлик; мосламоқлик; қилмоқлик.
2 Ясамоқлик, вужудга келтирмоқлик.
3 Безамоқлик, зийнатламоқлик.

Сувда хубоб дамингдин хароб,
Мумкин эрурму ясамоғлиқ хубоб?

Ҳайрат ул-аброр, 325-б.

ЯСАНЧОҚ [*т.* یاسانچاق] Ўзига оро берувчи, ясан-тусан қилувчи, безанувчи.

Ясанчоқ – мардона бўлмас, кўпалак-парвона бўлмас.

Маҳбуб ул-қулуб, 121-б.

ЯСИХ [*а.* یسح] Олтин, тилла.
Ясих ус-сукут Сукунат олтиндур.

... ва бурҳон истамакка алил бўлса, улар кунсдин равшанроқ мўъжиза бобида яди байзо кўргузлар ва ясих ус-сукут эъжози зуҳурида ояте бўлгайлар.

Вақфия, 238-б.

ЯФРОҒЧА [*т.* یفراغچه] Ёпроқларча, баргларча.

Жисмим улди гулбун ул гулсиз ва лекин тоза доғ
Анда гулча касрати гулбун аро яфроғча.

Ғаройиб ус-сиғар, 439-б.

ЯХНА [*ф.* یخنه] **1** Тайёрлаб, совутиб қўйилган яхна гўшт.
2 Эҳтиёт учун йиғиб қўйилган мол, озиқ-овқат.

[*Шайх Абу Зуръа*]. *... ул исланган яхна эт келтурди. Абу Абдуллоҳ андин емади ва сафарга азимат қилди.*

Насойим ул-муҳаббат, 222-б.

[*Бобо Сунгу қ. с.*]. *Бобо шайида бир суфрада яхна эт эркандур. Қўйнинг яхна тўшин олиб, Темурбек сари отибдур.*

Насойим ул-муҳаббат, 427-б.

ЯХШИЛИК [*т.* یخشی لیك] Хайрлик, эгулик.

[*Абулҳусайн б. ...*]. *Ҳам ул дебдурки... ва халқ била яхшилик қилмоқ ва бурдборлиг.*

Насойим ул-муҳаббат, 155-б.

ЯШИРМАК [*т.* یشیرمك] Сир тутмоқ.

[*Абулҳусайн Қарофий р. т.*]. ... *Қарофий дебдурким, чун санга бир нима берсаларки, хилофи шаръ булгай, вожибдур ани яширмак.*

Насойим ул-муҳаббат, 161-б.

ЯШҚАМАК [*т.* يشقامك] Ёпламоқ, ҳулламоқ.

Андоқки, қувормак ва қуруқшамак... ва синграмак ва яшқамак...

Муҳокамат ул-лугатайн, 12-б.

ЯҚИНИЯ [*а.* يقينيه] **1** Жуда аниқ, ҳақиқатга тўғри келадиган.

2 Хато қилмайдиган, тўғри йўлдан озмайдиган.

3 Тасаввуф тариқатларидан бирининг номи.

[*Ибнул-Фориз...*]. *Сайру сулукдин сунгра улуми дунёйи хакойиқи ва маорифи яқиния дақойиқидин уз завқу қуммали авлиёю акобир ва машойих муҳаққиқлари равваҳаллоҳу таоло арвоҳаҳум ажмаъин азвоқидин жамъ қилибдур.*

Насойим ул-муҳаббат, 393-б.

ЯҲУДИЙ [*я.* يهودي] Жуҳуд миллатига мансуб; сомий тиллар гуруҳига мансуб, бани Исроил қавмидан тарқаган жуҳуд (яҳуд) халқи

[*Иброҳим Ажурий...*]. *Жаририй ва Абу Аҳмад Маҳозилий дедиларким, яҳудий анинг қошиға келди ва дедиким, агар манга бир нима курсатсангким, андин Ислом дини шарифин уз миллатимга билсам, мусулмон булайин.*

Насойим ул-муҳаббат, 42-б.

Ў

ЎБДОН [*т.* اودان] Етук.

Сейидам Ироқий деган йигит Музаффар барлоснинг ўбдон навкари, балким эшик оқоси эрди...

Хамсат ул-мутаҳаййирин, 74-б.

ЎГРАМАК [*т.* اوگرامك] Ўрганмоқ.

Ҳар ким тарк қилса тийрандозлиқни ўграгондин сунг бас тарк қилмиш бўлгай менинг суннатимни, ул мендин эмас.

Рисолаи тийр андохтан, 303-б.

ЎГРАТМАК [*т.* اوگراتمك] Ўргатмоқ.

Аммо хабарда андоқ келтурурким, чун Ҳазрати Одам Сафий (салавоту лиллоҳи алайҳи) дунёга келгандин сунг Худойи таоло анинг гуноҳин бағишлади. Эрса Жаброил (алайҳиссалом) га амр бўлдиким, Одамга деҳқончиликни ўгротгил.

Рисолаи тийр андохтан, 303-б.

ЎЗБАКИЙ [*т.* اوزبكي] Ўзбекча.

Ўзбакий гулнори тундин қуйдум, аммо ултурур,
Лемуйий терлик анинг остидаким, жонон кияр.

Наводир уш-шабоб, 132-б.

ЎЗГАЛИК [*т.* اوزگالك] 1 Ўзгалик, бошқалик, ғайрлик.
2 Ётлик, бегоналик.

Ёр буди ичра нобуд улгаменким, ўртада
Ўзгаликдин демаким, ўзлукдин осор улмагай.

Ғаройиб ус-сиғар, 468-б.

Ўзни ўзлук қайдидин айлаб халос,
Топиб ўздин ўзгаликка ихтисос.

Лисон ут-тайр, 19-б.

ЎЙЛА [*т.* اويلا] Пешин, туш вақти; пешин намози вақти.

Кунгул комини қуй, гар худ менинг девона кўнглумни
Топарсен ўйла юз парканду сол ҳар итга бир парканд.

Ғаройиб ус-сиғар, 111-б.

ЎЙНОҒУЧИ [*т.* اويناغوچي] Ўйнагувчи.

– Икки шатранж ўйноғучи устод,
Арсаи шатранжга айлаб кушод.

Лисон ут-тайр, 230-б.

ЎЙУНЧИЛИҚ [*т.* اويونچي لق] Ўйинчилик.

Ҳам эшикларда ўйунчилиқ этиб,
Ҳам уйи сори ўтунчилиқ этиб.

Лисон ут-тайр, 74-б.

ЎКМАК [*т.* اوكماك] Танбеҳ бермоқ; мақтамоқ.

Мени ҳижронда ўкар халқ ва лекин онсиз
Зор кўнглумга эрур бода ғамангез яна.

Бадоеъ ул-васат, 388-б.

Зуҳд ила эйки Навоийни укарсен, курдук
Иши усруклук эмиш ҳамдами паймона эмиш.

Фавойид ул-кибар, 186-б.

ЎКСА [*т.* اوكسا] Ўлимтик, улакса.

Чунки кезибдур мунажжим укса меҳрин ордур,
Ўтруда ул ахтари фархунда фолимни десам.

Бадоеъ ул-васат, 293-б.

ЎКСУН [*т.* اوكسون] Само.

Атласу ўксун Само безаги.

Фано шоли чубулгон риштасин тутқил ганиматким,
Эрур ўт риштаи зар бирла буткан атласу уксун.

Наводир уш-шабоб, 332-б.

ЎКСУТГУЧИ [*т.* اوكسوتكوچى] **1** Камайтирувчи, камситувчи, озайтирувчи.

2 Тупириб қолдирувчи.

3 Ўкситувчи.

Деди ҳазрати муфҳиз коинот,
Анга ким эди ҳузнин уксутгучи.

Фавойид ул-кибар, 526-б.

ЎЛДУҒИ [*т.* اولدوغى] Бўлиш (феълнинг ҳаракат номи шакли).

Дилписанд ўлдуғи Улуғ бўлиш.

Назм адоси бағоят аржуманд ва бенихоят шариф ва дилписанд ўлдуги учун оёти каломда нозил бор...

Маҳбуб ул-қулуб, 24-б.

ЎЛМАМОҚ [*т.* اولماماق] Бўлмаслик.

Не асар қилгай кўруб қонлиг таним узра туган,
Сенки ҳаргиз май томиб, гулгун тўнунг доғ ўлмамиш.

Фавойид ул-кибар, 183-б.

ЎЛМАСЛИК [*т.* اولماس ليك] Ўлмаслик.

Ғамдин улмасликка боисдур муҳал андишаким,
Васл умиди бирла узни шод қилмоқдур ишим.

Наводир уш-шабоб, 296-б.

ЎЛМОҒЛИҒ [*т.* اولماغ ليغ] Бўлмоқлик

Агар ғолиб улмоғлиғин чоғласа,
Низоъиға ул лаҳза бел боғласа.

Садди Искандарий, 157-б.

ЎЛТУРГУЧИ [*т.* اولتوركوچى] Ўлдиргувчи

Заҳр бериб бемор ўлтургучи табиб, буларнинг ҳолиға мушобеҳдур ва қариб.

Маҳбуб ул-қулуб, 16-б.

ЎЛТУРҒУЧИ [*т.* اولتورغوچى] Ўтиргувчи; ботгувчи.

К-эй, фузул айвонида ўлтурғучи,
Лофи ваҳдатдин «Анал-ҳақ» ургучи.

Лисон ут-тайр, 235-б.

ЎЛТУРМАКЛИК [*т.* اولتورمك لك] Ўлдирмоқлик.

Ки, ўлтурмаклик они бежиҳатдур,
Жунунга банду зиндон маслаҳатдур.

Фарҳод ва Ширин, 333-б.

ЎНТУНЧ [*т.* اونتونچ] Қаттиқ илтимос, ўтинч.

Бу ният била борур эрдим, биров йўлуқдики, анинг қошида бирор нима важх унтунчум бор эрди. Туттум ул унтунчдин олтмиш олтин илгимга кирди.

Насойим ул-муҳаббат, 415-б.

ЎРГАНМАК [*т.* اورگنمك] Ўрганмоқ, билим олмоқ, узлаштирмоқ.

Илм урганмак дин тавқияти учундур, йуққи дини жамъияти учун.

Маҳбуб ул-қулуб, 89-б.

ЎРЛАНМАК [*т.* اورلانمك] Пайдо бўлмоқ.

Ва маркабининг чуруган сунгакларига бокти. Курдиким, бир-бирига муттасил бўлуб, устига ит ўрланди ва анинг устига тери тортилди, доги руҳ баданига кириб тирилди.

Тарихи анбиё ва ҳукамо, 172-б.

ЎРТАНГУЧИ [*т.* اورتنگوچی] Ёнувчи, куйувчи; алангаланувчи.

Йўқ, йуққи, бу дуд оҳи эрди,
Ўртангучи жисми коҳи эрди.

Лайли ва Мажнун, 88-б.

ЎРУК [*т.* اوروك] Ўрик.

Шайх урук сари боқди ва дедики, Аҳмад бизинг учун вакф уруги келтурубсен!

Насойим ул-муҳаббат, 246-б.

ЎТАР-БОРУР [*т.* اوتار بارور] Ўтиб-қайтиш, бориш-келиш, қатнов.

Ҳоло Марвда бир лангари бор, ўтар-борур элга хизмат қилур.

Мажолис ун-нафоис, 83-б.

Мадраса ва хонақоҳ орасидаким, тош солибдурлар – қачон бузулурдек булса, йилдин-йилга мараммат қилсунким, мусулмонларга ўтар-борур душвор бўлмагай.

Вақфия, 269-б.

ЎТКУЧИ [*т.* اوتكوچی] **1** Уткинчи
2 Вақтинчалик.

Қўйма бу манзилу масканга кунгулким зинҳор,
Англа йўл уткучидек узнию меҳмон янглиг.

Бадоеъ ул-васат, 218-б.

Ки, дунёда булгил нечукким, гариб
Ва ёхуд анингдекки, йўл ўткучи.

Фавойид ул-кибар, 526-б.

ЎТЛАМАМАК [*т.* اوتلامامك] Ўтламаслик.

... бир ўйким ўрта ёшлиг, ранги сариг, зироат ва юк заҳматин курмаган бўлгай ва нопок ерда ўтламамиш бўлгай ва умрида анга машаққат етмамиш бўлгай, топқулуқ бўлдилар.

Тарихи анбиё ва ҳукамо, 141-б.

ЎТЛАТМАК [*т.* اوتلا تمك] Ўтлатмоқ.

[*Ҳишом б. Абдон р. т.*]. *Анинг бир қўйи бор эрдики, ғизоси анинг сути эрди. Ул қўйни кўтариб, ёзига элтиб ўтлатур эрди.*

Насойим ул-муҳаббат, 169-б.

ЎТМАМАК [*т.* اوتمامك] Ўтмаслик.

Ки, ҳар амрики ул бўлгай қозодин,
Ул ишдин ўтмамак авло ризодин.

Фарҳод ва Ширин, 440-б.

ЎТСИЗ [*т.* اوت سيز] Оловсиз, алангасиз.

Шамъки йуқ анда зиё тушаси,
Ўтсиз эрур ўйлаки, муз шушаси.

Ҳайрат ул-аброр, 180-б.

ЎТУРМАК [*т.* اوتورمك] Уткармоқ

Ўтурмай вақтидин бир лаҳза суйин,
Тамаъ айлаб бу сувдин обруйин.

Фарҳод ва Ширин, 472-б.

ЎЧУҚ [*т.* اوچوق] **1** Ўчиқ, учган, учирилган.
2 Хира, паст.

Тақдир қути бозуси оллида сабаб ришташи чурукда ва қазо машъали партави қошида восита учқуни ўчуқ.

Маҳбуб ул-қулуб, 51–52-б.

ЎШАНЧА [*т.* اوشانچه] **1** Айтиб ўтилган даражада; шунча.
2 Ўхшаш, баробар, тенг.

[*Шайх Абу Мадян...*]. *Деди: буки, Ҳажар ул-асвадни халойиқ табаррук жиҳатидин упарлар... мен даги ушанча асар уз нафсимда топармен ва менда ҳам ул ҳукм бор.*

Насойим ул-муҳаббат, 384–385-б.

ЎҚИҒУЧИ [*т.* اوقيغوچى] Ўқигувчи

Жабала бир оҳ била фарёд қилдиким, ўқиғучи охир бўлди.

Насойим ул-муҳаббат, 137-б.

ЎҚУМАМАК [*т.* اوقومامك] Ўқимаслик.

Ва дебдурки, бирав дерки, сиқояда Тенгри отин тутмамак керак ва Қурьон ўқумамак керак, магар оҳиста.

Насойим ул-муҳаббат, 332-б.

ЎҚУҒУЧИ [*т.* اوقوغوچى] қ. **Ўқигучи**.

Умид улким, андоқким, алар ўқуғучилардин истидъо қилибдурларким...

Хамсат ул-мутаҳаййирин, 50-б.

Девон демайки, баҳри Уммондур... сўзнок абётини ўқуғучининг нафаси эл кунглин ўртамакка самуми офат...

Муҳокамат ул-луғатайн, 37–38-б.

ЎҒРИЛИҒ [*т.* اوغرى ليغ] Ўғирлиқ.

Не Каъба шавқида, сен дайр ичинда ёр ила бул,
Басоки, ўгрилиг этгай тавоф вақтида ҳаж.

Фавойид ул-кибар, 70-б.

ЎҒУЛСИЗ [*т.* اوغولسز] Бефарзанд.

Ўгулсизларни ҳам айлаб наволиқ,
Атосизларга ҳам айлаб атолиқ.

Фарҳод ва Ширин, 63-б.

ЎҒУРЛИҒ [*т.* اوغورلیغ] Ўғирлаб қўлга киритилган, ўғирлиқ.

Не Каъба шавқида, сен дайр ичинда ёр ила бул,
Баски, ўгурлиг этгай тавоф вақтида ҳаж.

Фавойид ул-кибар, 70-б.

Қойид деди, бу ёлгон онт ўгурлигидин азимроқдур.

Насойим ул-муҳаббат, 170-б.

Қ

ҚАБАШ [*т.* قباش] Палос, ерга тўшаладиган нарса.

Ешил дебо ва гуногун жавоҳир, сабза ва раёҳин урнига қабашким, бу нималар йўқтур.

Тарихи мулуки ажам, 248-б.

ҚАБЗ [*а.* قبض] Аруз баҳраларидан бири.

«Қабз» – фаулунда фаулу бўлур, «лом» замми бирла.

Мезон ул-авзон, 51-б.

ҚАБОЛЖОТ [*а.* قبالجات] **1** Расмий ҳужжатга асосан бирор ишни ўз зиммасига олиш, васиқа, қарздорлик ҳужжатлари.

2 Шариат идораси томонидан бериладиган рухсатнома ёки эр-хотинлик ҳақидаги никоҳ хати.

[*Мир Ихтиёриддин – форсигуй шоирлардан*]. *Мавлоно Низомиддин қазо маснадида мутамаккин эрканда, маҳкамаси ва дор ул-қазосида сижиллот ва қаболжот ва шаръиёт анга эврулур эрди.*

Мажолис ун-нафоис, 123-б.

ҚАБОПЎШ [*т.*-ф. قبوش] **1** Эркакларнинг узун ва кенг уст кийими, узун ва кенг уст кийимли.

2 Соликнинг сифати ёки унинг ана шундай сифат билан танилиши.

[*Хожа Муҳаммад Маъшуқ Тусий қ. т. с.*]. *Ва бу Муҳаммад Маъшуқ қабопўш турк эрди.*

Насойим ул-муҳаббат, 215-б.

ҚАБОҚ [*т.* قباق] **1** Қовоқ.

2 Ёй билан нишонга олиб машқ қилиш учун узун ходанинг учига ўрнатилган нишона қовоғи, қабоқ ўйини

Ким, саҳаргаҳ чун қабоқ майдонига отланса шоҳ,
Оллида қилгай ясовуллуққа зоҳир журъатин.

Бадоеъ ул-васат, 478-б.

ҚАБТАН [*т.* قبتن] **1** Пахталик тўн.

2 Зирҳ остидан кийиладиган пахталик катта тўн.

Ва ул қабтан била юрур эрди, андоқки баъзи машойих хирқа била ва баъзи гилийм била ва баъзи тайласон била.

Насойим ул-муҳаббат, 63-б.

ҚАБУЛОЙИН [*а.-ф.* قبول ايلمك] Мувофиқли, илтифот билан қарашга ўхшаш.

Ҳар кимки, сўзи чин бўлмагай, ростлар кўнглида ул сўз қабулойин бўлмагай.

Маҳбуб ул-қулуб, 98-б.

ҚАВВОЛЛИК [*а.-т.* قوال ليك] **1** Сўзловчилик, гапирувчилик.

2 Суфийлар даврасида нотиқлик ёки ҳофизлик қилувчилик.

Ва ул бу нав эркандурки, навжавоний келиб, қавволлик қиладур эрмиш.

Насойим ул-муҳаббат, 141-б.

ҚАВИЙ [*а.* قوي] Кучли, қувватли.

Қавий ул-матин Қудратлилик, ҳар нарсага қодирлик; мустаҳкам ва кучлилик.

Улки, жуз қувват даъвиси изҳор қилмас, гуёки, Ҳақнинг қавий ул-матин эрканин билмас.

Маҳбуб ул-қулуб, 95-б.

Қавий ҳайкал Катта жуссали; зур жуссали.

Вале анда бор эрди тимсол куп,
Қавий ҳайкалу турфа ашкол куп.

Садди Искандарий, 511-б.

ҚАВМИ [*а.* قومي] Уруғ-аймоқлар, қабилалар тудаси, тудалар, гуруҳлар.

Қавми қавм ичра куруб меҳнатлар,
Хайли хайл ичра чекиб шиддатлар.

Фавойид ул-кибар, 503-б.

ҚАД [*а.* قد] Ушбу уринда қад сузи рақамни ифодалаган (араб ёзувидаги «қад» сўзининг ҳарфлари миқдори абжад ҳисобида 104 булади).

– Муносиб ададдур, невчунким, «қад» адади била муносибдур.

Хамсат ул-мутаҳаййирин, 19-б.

ҚАДАМГОҲ [*а.-ф.* قدمگاه] Қадамжо.

Ул муқаддас қадамгоҳ саҳнасидан жой олди.

Насойим ул-муҳаббат, 350-б.

ҚАДАМСИЗ [*а.-т.* قدم سيز] **1** Одимсиз; қадам қуймаслик, қадам тегмаган ҳолда (вазнсизлик ҳолатида).

2 Оёқсиз.

Буроқин тушуб пайкига топшуруб,
Қадамсиз юруб, пуясиз гом уруб.

Садди Искандарий, 30-б.

ҚАДАҲСИЗ [*а.-т.* قدح سيز] **1** Косасиз, пиёласиз.

2 Майсиз.

Қадаҳсиз, соқиё, ҳайронмен асру,
Эвур соғарки саргардонмен асру.

Фарҳод ва Ширин, 107-б.

ҚАДАҲХОР [*а.-ф.* قدح خوار] **1** Соқий, май қуювчи.

2 *тасаввуфда* Май ичувчи қадаҳ кўтарувчи.

Эй Навоий, чун бу фасл ичра қадаҳ маргуб эрур,
Тортай узни мажлиси шоҳи қадаҳхорим сари.

Фавойид ул-кибар, 417-б.

ҚАДРСИЗ [*а.-т.* قدرسيز] Беқадр, аҳамиятсиз.

Чу шоҳинг сенинг эрди соҳибкамол,
Яна олида қадрсиз мулку мол.

Садди Искандарий, 578-б.

ҚАДСИЗ [*а.-т.* قد سيز] **1** Буйи-бастсиз, қоматсиз.

2 Гавдасиз.

Гулжабинлик сарвқад моҳим керак, йуқ сарву гул,
Ул юзу қадсиз менга не ул керакликдур, не бу.

Бадоеъ ул-васат, 355-б.

ҚАД-ҚОМАТ [*а.* قد قامت] Намоз уқилаётганда азон айтувчи ёки имомнинг «қад-қомат ис-солаҳ» иборасини айтиши, яъни намоз уқигувчига қоматни ростлаб, «қиём» ҳолатига келишига яна бир ишора.

[*Абулҳусайн Сирвоний...*]. *Умрининг охирида муқайяд булди, аммо ҳар қачон муаззин қад-қомат тортса эрди, оёқ устига қупар эрди, намоз қилгондин сунгра яна муқайяд эрди.*

Насойим ул-муҳаббат, 189–190-б.

ҚАЗАФ [*а.* قذف] **1** Ҳақорат қилиш: туҳмат.
2 Қайт қилиш, қусиш.

[*Абубакр Сусий қ. т. с.*]. *Чун фориг бўлдилар самоъдин, мутрибқа қазаф воқеъ булди ва Шайхнинг сажжодаси устида қай қилиб йиқилди.*

Насойим ул-муҳаббат, 137-б.

ҚАЗВИНЛИҚ [*ф.-т.* قزوين ليق] Қазвин шаҳрида яшовчи, Қазвин шаҳридан.

Соҳиби «Гузида» ким, Қазвинликдур...

Тарихи мулуки ажам, 231-б.

ҚАЙ [*а.* قي] Қусиш, қусуқ
Қай қилмоқ Қайт қилмоқ

[*Абубакр ...*]. *... Шайхнинг сажжодаси устида қай қилиб йиқилди.*

Насойим ул-муҳаббат, 137–138-б.

ҚАЙДАЛИҒ [*т.* قي دالغ] Қаерлик?, қайси жойдан?, қайси ердан?

Хожа ҳамул дастур била қупорлар ва аларни ултурдурлар ва иликларини ештирурлар ва сурарларки, қайдалиғсиз? Дерларки кўҳистонлиг.

Насойим ул-муҳаббат, 19-б.

ҚАЙЛУЛА [*а.* قيلوله] **1** Пешин.
2 Ярим уйқу, пешиндан сўнгги уйқу, пешин уйқуси.

Батахсис қайлула вақти борадурменки, онда қайлула қилгоймен.

Насойим ул-муҳаббат, 206-б.

ҚАЙНАТМОҚ [*т.* قاينتماق] Қайнатмоқ

[*Абубакр Шаъроний р. т.*]. *Қупти ва сафол қозонин ости ва бир пора қоқ эти бор эрди, қозонга солди ва туз солиб, қозонни қайнатди.*

Насойим ул-муҳаббат, 167-б.

ҚАЙТМАМАК [*т.* قايتمامك] Қайтмаслик.

[*Саъдун Мажнун қ. с.*]. *Деди: Эй Ато, то урмағайлар қайтмаки, то урмағайлар, қайтмамак керак.*

Насойим ул-муҳаббат, 75-б.

ҚАЙЮМИЯТ [*а.* قيوميت] **1** Доимийлик, барқарорлик; абадият.
2 Тангри таоло сифатларидан бири.

Бу маийятни фаҳм қилаолмагай ва қайюмият маийяти туртунчи қисмдур.

Насойим ул-муҳаббат, 250-б.

ҚАЙЮМЛУҒ [*а.-т.* قيوم لوغ] Асослик, маҳкамлик, устуворлик, ўзгармаслик, абадийлик (Аллоҳнинг сифати).

Балки онинг қайюмлуги биладур. Ва ҳар ниманинг қайюми заруратки, ул на биладур, вужуди ҳақиқий ангадур...

Насойим ул-муҳаббат, 250-б.

ҚАЛАҚ [*а.* قلق] **1** Беқарорлик, нотинчлик, беоромлик, беҳаловатлик.

Ҳақиқий ишқ беқарори ва анинг тажаллиёти садаматининг беихтиёри, қалақ ва изтиробда анга яраша керак бўлгай.

Маҳбуб ул-қулуб, 86-б.

Чун бу абётни ўқудум, гўёки ўтунга су урдилар ва изтиробу қалақим шиддатин дафъ қилдилар.

Насойим ул-муҳаббат, 418-б.

2 Қуркув ва титраш, изтироб.

Расмий қалақу изтиробни қургузгандин сунга ўглининг ҳолин сурди...

Насойим ул-муҳаббат, 356-б.

[*Хожа Маҳмуд Муйдуз р. т.*]. *... ва азим қалақу изтироб анга юзланди ва сулук ихтиёр қилди.*

Насойим ул-муҳаббат, 359-б.

ҚАЛИЛ [*а.* قليل] Кам, озгина

Қалил ул-иститоат Кучсизлик, нотавонлик.

[*... Абдураҳмон Жомий қ. р.*]. *Бу бебизоат ва қалил ул-иститоатнинг яқини мунга содиқ ва таҳқиқи мунга мувофиқдурки, бу ummatда аларнинг камоли сувари ва истикмоли маънавийлари жомеъияти била турмамиш бўлгай.*

Насойим ул-муҳаббат, 480-б.

ҚАЛОДА [*ф.* قلاده] **1** Буйинбоғ, гарданбанд.

2 *исломиятда* Лаънат тасмаси, тавқи лаънат (ҳалқаси); диний манбаларга кўра, Тангри таоло инсонга жон ато этаётганда барча фаришталарни сажда қилишга даъват этади. Фақат шайтон ғурурга кетиб сажда қилмайди. У Парвардигор амрига буйсунмай инсон балчиқдан яратилган, мен эса, нурдан деб кибрга кетади ва шу он буйнига тавқи лаънат солинади.

Буйнига итдек қалода солибон,
Кунглига итлик ирода солибон.

Лисон ут-тайр, 10-б.

ҚАЛҚИТМОҚ [*т.* قالقيت ماق] **1** Қалқитмоқ

2 Тебратмоқ

Баҳри ашқ ичра Навоий собит эрди тоғдек,
Ким эсиб бир ел танининг тахтасин қалқитмади.

Наводир ун-ниҳоя, 543-б.

ҚАМАРСАЙЁҲ [*а.-ф.* قمر سياح] Саёҳатчи ой.

Қамарсайёҳ сариъ ус-сайри қуёш била қирон қилгондек Хоқон Искандарга рисолат учун муқорин бўлгони...

Садди Искандарий, 341-б.

ҚАМОРИЙ [*ф.* قماري] Шарқда махсус мажмар (мижмар) деб аталган манқалга қора рангли дарахт чўпларн – удни ташлаб ёқимли ҳид таратиш одати қадимдан мавжуд. Ҳиндистоннинг Қумор деган шаҳрида эса энг сара уд бўлар экан.

Уди қаморий (қуморий) Уднинг энг яхши тури.

Солиб мажмарга тун уди қаморий,
Ути хуршед ўлуб, анжум шарорий.

Фарҳод ва Ширин, 42-б.

ҚАПТОН [*т.* قپتن] қ **Қабтан.**

Икки ёнимни шикоф айлаптурур бу рашкким,
Икки ёнидин шикофин боғламай қаптон кияр.

Наводир уш-шабоб, 132-б.

ҚАРДОШЛИҒ [*т.* قردش لغ] **1** Дустлик, биродарлик, яқинлик.
2 Қариндошлик.

[*Али б. Бундор б. ...*]. *Ва ҳам ул дебдурки, халқнинг мухолафатидин йироқ бўл ва ҳар кимки Тенгри анинг бандалиғига розидур, сен ҳам анинг қардошлиғига рози бўл.*

Насойим ул-муҳаббат, 83-б.

ҚАРИБ [*а.* قريب] Яқин.
Қариб ус-син Тенгдош, тенгқур, ёшда баробарлик.

[*Абу Алий Жузжоний қ. т. с.*]. *Муҳаммад б. Алий Тирмизий била ва Мухаммад Фазли Балхий била суҳбат тутубдур ва аларга қариб ус-синдур.*

Насойим ул-муҳаббат, 89-б.

ҚАРИМЧИ [*т.* قريمچي] Олтин сотувчи қора қул.

Зулфиға, эй мушк, истарсен қаримчи бандалиг,
Йуқ ҳадинг кечкил бу савдодин узунгни сотма куп.

Ғаройиб ус-сиғар, 76-б.

ҚАРИЯ [*а.* قرية] қ **Қаря**

Ва Иброҳим а. с. нинг умри ихтилофида юз туқсон беш йил дебдурлар. Ва Шом навоҳийсида Жабрун қариясида Тенгри таоло раҳматиға борди ва ани Сора ёнида дафн қилдилар.

Тарихи анбиё ва ҳукамо, 119-б.

ҚАРЛУҒОЧ [*т.* قرلوغاچ] Қалдирғоч.

Ҳақгўй қушнинг тамкин била зикр айтури қошида қарлуғочнинг бемалол янгшимоги малолат келтирур...

Маҳбуб ул-қулуб, 84-б.

ҚАРОБА [*а.* قرابة] **1** Сувдон, сув идиш.
2 Шиша, май шишаси, жом, қадаҳ.

[*Мирчаи сафолфуруш қ. с.*]. *Биров анга дедиким, бу қаробаларки ясарсен, билурсен, мунда не нима солурлар?*

Насойим ул-муҳаббат, 194-б.

ҚАРОЛИҚ [*т.* قرا لیق] **1** Қоралик, қора булишлик.
2 Қора (либос) кийишлик, мотам либосини кийишлик.

Мажнун ғамидин бори азолиқ,
Лайли ўлуми учун қаролиқ.

Лайли ва Мажнун, 306-б.

ҚАРОРСИЗ [*а.-т.* قرارسز] 1 Беқарор.

Кунгли сабру қарорсиз булди,
Нуқтада ихтиёрсиз булди.

Сабъаи сайёр, 248-б.

2 Беилож.

Кейнича ихтиёрсиз чопти,
Ўқ отарга қарорсиз чопти.

Сабъаи сайёр, 294-б.

3 Нотинч.

Чунки сабру қарорсиз булдум,
Оқибат ихтиёрсиз булдум.

Сабъаи сайёр, 349-б.

4 Беором, фароғатсиз, бесабот.

5 Бетоқат.

Юзунгни курдум эса сув била балиғдек улур,
Қарорсиз таниму изтироблиғ кунглум.

Бадоеъ ул-бидоя, 379-б.

ҚАРОҚЧИЛИҚ [*т.* قراقچی لق] Қароқчилик, йўлтўсарлик.

... ва баъзи Мадян ва Айка асҳобидин бир қавм дебдурлар... Ва ўғрилиқ ва қароқчилиқ қилур эрдилар.

Тарихи анбиё ва ҳукамо, 132-б.

ҚАРЯ [*а.* قریه] Қишлоқ

[*Абулвалид Аҳмад б. ...*]. *Озодон қарясидиндурки, Ҳиротга муттасилдур.*

Насойим ул-муҳаббат, 228-б.

ҚАСР [*а.* قصر] Аруз баҳраларидан бири.

«Қаср» – охир жузвининг, яъни сабаби хафиф охирининг исқотидур...

Мезон ул-авзон, 48-б.

ҚАССОБЛИҚ, -лиғ [*а.-т.* قصاب لیغ // قصاب لیق] Қассоблик; қассоб касби.

Ва Шайх Абулаббос Омилий қ. с. ким, ўз замонининг қутби ва ғавси эрмиш ва султони тариқат Шайх Абусаид Абулхайрнинг хирқа пири эрмиш, қассоблиқ қилибдур.

Насойим ул-муҳаббат, 15-б.

[*Шайх Абулаббос...*]. *Шайх деди: кўрмасмусен, бу каромат эмас, недурки, бир қассоб ўғли отасидан қассоблиғ ўрганди.*

Насойим ул-муҳаббат, 201-б.

ҚАССОМЛИҒ [*а.-т.* قسملیغ] 1 Бўлувчилик, тақсимловчилик, улуш берувчилик.

2 Ризқ бўлувчилик, тақсимловчилик Аллоҳдан.

Тенгри раззоқлиғин билган рузи учун ғам емагай ва қассомлиғин билган киши ризқ озу кўпида суз демагай.

Маҳбуб ул-қулуб, 52-б.

ҚАТИҚСИЗ [*т.* قاتیق سیز] 1 Сутдан тайёрланган маҳсулот, бекатиқ;

2 Қаттиқ эмас, мушкул эмас (ушбу сўз иштирокидаги байт ирсолу масал санъати асосида тартиб берилган).

Тинч кўнгул бирла қатиқсиз умоч
Беҳки биров миннати бирла кулоч.

Ҳайрат ул-аброр, 170-б.

ҚАТИҒЛИК [*т.* قاتيغ ليك] Қаттиқлик, қийинчилик, оғирлик, мушкуллик.

[*Абулхайр Ҳабаший қ. т. с.*]. *Ул дебдурки, олтмиш йил Макка ва Мадинада мужоварат қилдим ва кўп қатигликлар кўрдум, ҳаргиз кишидин нима тиламадим.*

Насойим ул-муҳаббат, 151-б.

ҚАТЛОЙИН [*а.-ф.* قتل لين] Қатлга ўхшаш.

Ягмову қатлойин Талон-тарождай.

Ҳар тарафким, гом уруб юз порсо йўлин уруб,
Ҳар қаёнким, кўз солиб ягмову қатлойин солиб.

Бадоеъ ул-бидоя, 79-б.

ҚАТРАСИЗ [*а.-т.* قطره سيز] **1** Томчисиз.

2 Озгинасиз, бефойда.

Кимга адаб кулгуга очмас оғиз,
Лек ҳаё абри эмас қатрасиз.

Ҳайрат ул-аброр, 156-б.

ҚАТТОЛВАШ [*а.-ф.* قتل وش] Жаллод сифат, котилга ўхшаш; қаттолдек маъшуқа, ёр, севгили.

Қатл учун ол айлади тўн, йўқса ул қаттолваш
Ғарқа бўлмиш қонга баским бўлди қон тукмак фани.

Наводир ун-ниҳоя, 546-б.

ҚАТЪ [*а.* قطع] Аруз вазнидаги баҳрлардан бири.

«Қатъ» – фоъилотунда сўнгги сабаб исқотидур...

Мезон ул-авзон, 49-б.

ҚАФО [*а.* قفا] **1** Орқа, орқа томон; кейин.

Оразинг хуршидидин тушмиш қадингнинг сояси,
Еки ерга судралиб мушкин сочинг қолмиш қафо.

Наводир ун-ниҳоя, 13-б.

2 Жабр, зулм, ситам.

Шайх ул-ислом дебдурки, фалоҳ йўқтур ул муриддаким, пир зуллин кўрмамиш бўлгай ва қафосин емамиш бўлгай...

Насойим ул-муҳаббат, 175–176-б.

ҚАЮҚ [*т.* قيوق] **1** Қайиқ.

2 Кайикча шаклидаги қадаҳ.

Заврақи майдин мени маст этти пири дайрким,
Чарх жунгидур тагору бодаси узра қаюқ.

Наводир уш-шабоб, 233-б.

ҚАҲАТЛИҚ [*а.-т.* قحط ليق] **1** Бирор нарса камчил, етишмайдиган, топилмайдиган бўлиб қолган ҳолат.

2 Қирғоқчилик, очарчилик.

Юсуф а. с. айттиким, семиз уйлар, тоза хушалар туқлуқ ва зироатлиг йилга далилдур ва оруг уйлар била қуруқ хушалар қаҳатлиққа дол.

Тарихи анбиё ва ҳукамо, 125-б.

ҚАҲТ [*а.* قحط] **1** Очарчилик, қаҳатчилик.

Бир қатла Деҳлида хушксол жиҳатидин қаҳт воқеъ булди.

Насойим ул-муҳаббат, 372-б.

2 Қурғоқчилик, сув таҳчиллиги.

[*Саъдун Мажнун қ. с.*]. *Ва сурдиким бу не гавгодур? Дедим, қаҳт ва қуроглик жиҳатидин халойиқ истисқоға чиқибдурлар.*

Насойим ул-муҳаббат, 75-б.

Қаҳти ҳусн Ҳусн қаҳатчилиги. чиройлилар ноёблиги

Қуйки, ул юз хонига наззора айлай туйгуча
Ким, кузум булмиш бу қаҳти ҳусн айёмида оч.

Наводир уш-шабоб, 74-б.

Одам қаҳти Ноодамийлик.

... ва то анга одам қаҳтида фарсудалигдур, сенга вужуд таҳтида осудалиқ булгай.

Муншаот, 225-б.

ҚИБОБ [*а.* قباب] **1** Қубба, гумбаз; чодир, ўтов, хайма.

2 Қабулхона, боргоҳ

Ва Тенгри таоло ани (Илес [*а. с.*) *иззат қибобида элдин мастур асрабдур.*

Тарихи анбиё ва ҳукамо, 153-б.

3 Олиймақом.

... ва руҳоний ашкол, яъни малойика суфраси ва хавос инсу жин пардасики, қибоби иззат мастурларидурлар...

Насойим ул-муҳаббат, 325-б.

ҚИВОМ [*а.* قوام] **1** Устун; асос, асл.

2 Низом, тартиб.

... олам зарротидин ҳеч заррага вужуд ва қивом узи била эмас.

Насойим ул-муҳаббат, 250-б.

ҚИЁМАТ-ҚОЙИМ [*а.* قيامت قايم] Қиёмат куни, маҳшар, рўзи жазо, рўзи қиёмат.

Курдумки, қиёмат-қойим булубдур ва дузах зоҳир, элни тутуб, утга соладурлар ва бу ерда бир тепадур, биров ултурубдур.

Насойим ул-муҳаббат, 290-б.

ҚИЁҒ [*т.* قياغ] Ингичка узун-узун кескир баргли куп йиллик ўт.

Бу чекин куйи эмди булди қиёг
Ки, кунгулни қияр қиёг бикин.

Бадоеъ ул-васат, 491-б.

ҚИЗИЛЛИҚ [*т.* قيزيل ليق] Қизиллик.

Юз қизиллиқ йуқтурур, эй аҳли зуҳд,
Токи мункирсиз майи гулгунасиз.

Бадоеъ ул-васат, 518-б.

ҚИЗЛИҒ [*т.* قيزلغ] Қизлик

Пари уй қизлиғида хизматкуш,
Не учунким эрур пари рупуш.

Сабъаи сайёр, 69-б.

ҚИЗҒОНЧСИЗ [*т.* قیز عانچ سز] Қизғанмаслик.

[*Маҳфуз б. Маҳмуд р. т.*]. *Ул дебдурки,* [*таваккул – банданинг уз ризқини қизғончсиз ва таъмасиз емоғидур*].

Насойим ул-муҳаббат, 94-б.

ҚИЙМАТИЙ [*а.* قیمتي] Қимматли.

Бир қадаҳ май берсалар, ваҳ, гояти ифлосдин,
Неча лаъли қийматий топқон гадодек олдорай.

Бадоеъ ул-бидоя, 528-б.

ҚИЛАКЎР [*т.* قیلاکور] Бирор ишни бажара бошламоқ, қилакурмоқ

... баъзи лафзнинг охирига илҳоқ қилурлар, андин муболаға ва саъй ирода қилурлар андоқки, билакур ва қилакур ва кетакур ва етакур.

Муҳокамат ул-луғатайн, 22–23-б.

ҚИЛҒУЧИ [*т.* قیلغوچي] қ. **Қилғучи**

Ишда ошуқмоқ ёш ўғлон ишидур, сабр била иш қилғучи тажрибалиғ улуғ ёшлиғ киши ишидур.

Маҳбуб ул-қулуб, 104-б.

ҚИЛИНМОҚ [*т.* قیلینماق] Қилинмоқ, қилмоқ.

Қарики эрур, кўнглига синмоқ ҳасрат,
Жонига йиғитликни қилинмоқ ҳасрат.

Назм ул-жавоҳир, 151-б.

ҚИЛИҚЧА [*т.* قیلیقچه] Кишининг хулқ-атвори, қилиқларча, одатларча.

Ёмон ёмонлиғини қилмаса, яхшилиғча бор ва бир яхшилиғ қилса ун яхши қилиқча.

Фавойид ул-кибар, 514-б.

ҚИЛИҒЛИҚ [*т.* قیلغ لیق] Қилиқлик.

Ямон қилиғлиқ Ёмон феъл-атворлик; ёмон одатлик.

Ямон қилиғлиқ бадхуй ва бот аччиғлиқ туршруй бир балоға гирифтордур...

Маҳбуб ул-қулуб, 101-б.

ҚИЛЛИК [*т.* قیللك] Соч толаси, қиллик.

Оғзи қиллик шиша базм ичра ушатқач муҳтасиб,
Қози ани кўрдию қайтиб маҳосин тишлади.

Фавойид ул-кибар, 412-б.

ҚИЛМАМОҚ [*т.* قیلماماق] Қилмаслик.

Кам қилмамиш эрди бу навони
Ким, ҳайдин келди ит фиғони.

Лайли ва Мажнун, 99-б.

Истаманг Фарҳоду Мажнун таврини мендинки, халқ
Қилмамиш аҳли хирад расмин талаб девонадин.

Фавойид ул-кибар, 332-б.

Азм қилмамоқ Сафар қилмаслик.

Дедилар: «Азм қилмамоқ авли
Ки,эрур шаҳга заъф муставли».

Сабъаи сайёр, 366-б.

Хуй қилмамоқ Одатланмаслик.

Ким берибон қилмамоқ олмоққа хуй,
Нафъ расон булмоқу йуқ нафъ жуй.

Ҳайрат ул-аброр, 241-б.

ҚИЛМАЛИ [*т.* قیلمالی] Қилмайлик.

Афгон қилмали Дод-фарёд қилмайлик, нола чекмайлик, ун тортмайлик.

Деб эдук ишқ андуҳидин ҳар дам афгон қилмали,
Ваҳки, бу даъвода бизни шармсор этти фироқ.

Ғаройиб ус-сиғар, 257-б.

ҚИЛМОҚЛИҚ [*т.* قیلماقلیق] Қилмоқлик

... ва шуҳрат вуқуъидин узгалар орасидин хориж қилмоқлиқ мутааззир...

Бадоеъ ул-бидоя, 24-б.

ҚИЛМОҚЧИ [*т.* قیلماقچی] Қилмоқчи

Гар Навоий гунаҳи иқинг эрур,
Афв қилмоқчи ҳам эрмас бу гуноҳ.

Фавойид ул-кибар, 358-б.

ҚИЛҒУЧИ [*т.* قیلغوچی] **1** Бажо келтиргувчи, ижро этгувчи.
2 Бирор ҳолатга келтиргувчи
3 Белгиловчи, тайинловчи.

Дониш элига солғучи торожи ақлу хуш,
Ислом элига қилғучи яғмойи дин йиғит.

Фавойид ул-кибар, 61-б.

... иборати нишотлиғ замирларни мотамзода қилғучи ва ҳарорати муздек совуғон кўнгулларни оташкада қилғучи...

Муҳокамат ул-луғатайн, 38-б.

ҚИМОРХОНА [*а.-ф.* قمارخانه] Қимор ўйналадиган жой

Яна улким, шаҳр эҳтисоби амрида яхши эҳтимом қилилса андоқким, шаробхона, байт ул-латаф, қиморхона – буларга ухшар номашруъ умурни куллий манъ қилилса.

Мунша от, 188-б.

ҚИПРАНМАК [*т.* قیپرانماك] Қимирламоқ, қузғалмоқ.

Ва бодбонлар торттиларким, мулкларига азимат қилғайлар. Кема еридин қипранмади, бовужуде улки, азим ел даги борур эрди.

Насойим ул-муҳаббат, 385-б.

ҚИП-ҚИЗИЛ [*т.* قیپ قیزیل] **1** Жуда қизил.
2 Бутунлай, мутлақо.

Ва яна бир ранг ё бир сифатнинг ҳумули ҳолиға муболаға учун анинг аввалида, аввал ҳарфиға бир «п» ё «мим» изофа қилиб, ул шайъға зонд қилурлар: «п» мисоли: оп-оқ, қоп-қора, қип-қизил, сап-сариғ...

Муҳокамат ул-луғатайн, 23-б.

ҚИРГУН [*а.-ф.* قرگوں] Зим-зиёлик, қоп-қоронғи, қора тусли, қора зулмат.

Мен гунбази қиргунда маҳбус,
Ул қир этибон эшикни мадрус.

Лайли ва Мажнун, 49-б.

ҚИССАГУЗОР [*а.-ф.* قصه گذار] Ҳикоя қилувчи, достон айтувчи.

Бу паришон ажзонинг варақнигори ва бу ошуфта авроқнинг қиссагузори, меҳнат паймонасининг журъакаши...

Бадоеъ ул-бидоя, 12-б.

ҚИССАГӮ [*а.-ф.* قصه گو] Ҳикоячи, достончи, айтувчи, бахши.

Сузга бергунча қиссагу анжом
Ғойибидин нишон топиб Баҳром.

Сабъаи сайёр, 365-б.

ҚИССАПАРДОЗ [*а.-ф.* قصه پرداز] Қиссани чиройли қилиб айтувчи, қиссага пардоз берувчи.

Ҳар тун айлар истимоъ эл қиссасин, ваҳким, келур
Менки ўз ҳолим десам, ул қиссапардоз уйқуси.

Бадоеъ ул-бидоя, 535-б.

ҚИТЪА-ҚИТЪА [*а.* قطعه قطعه] Ернинг сувлик билан қуршалган олтита алоҳида қисмларидан бири; қитъа-қитъа; парча-парча.

Мажмуин уйла кишвари англаки, сатҳини,
Ҳикмат суйидин айламишам китъа-қитъа боғ.

Фавойид ул-кибар, 520-б.

ҚИҚЗАНМАК [*т.* قیقزان مك] Қизганмоқ.

Андоқки, қувормак ва қуруқшамак... қиқзанмак, сингурмак, қундалатмак...

Муҳокамат ул-луғатайн, 12–13-б.

ҚОБСАМОҚ [*т.* قابسا ماق] қ. **Қопсамоқ**

Неча кундин сунг улгай имкони,
Қобсамоқ бу ики черик они.

Сабъаи сайёр, 290-б.

ҚОБУҚ [*т.* قابوق] Қовуқ, пуст, тери.

Лабларингниким учуқ тутмиш ҳамул ҳайъат била,
Оғзинг андоқ ғунчадурким, тушмамиш андин қобуқ.

Бадоеъ ул-васат, 231-б.

ҚОВҒОНМОҚ [*т.* قاوغانماق] Жамғармоқ, тўпламоқ, оз-оздан йиғмоқ.

... молин азиз асраб, ўзини хор этган ва ўз молин тамғодин ўғурлаб ўзига мазамат етгай, ё вориссипор учун йиғингай, ё ҳодиса қўзғар учун қовғонгай.

Маҳбуб ул-қулуб, 34-б.

ҚОДИРО [*а.* قادري] Қудрат эгаси.

Қодиро, ул заифни осиймен
Ки, бошимдин-аёқ маосиймен.

Сабъаи сайёр, 14-б.

ҚОЗ [*т.* قاز] Сувда сузувчи йирик қуш, ғоз.

Қора қузгунни оқ туйғун деса, қозни яхши олур демаган муқассир. Еруқ кунни тийра тун деса, суҳо курунадур демаган мудбир.

Маҳбуб ул-қулуб, 15-б.

ҚОЗИЯ [*а.* قاضيه] Қозихона, шариат қозисининг маҳкамаси, идораси.

[*Қози Раис р. т.*]. *Қози чун бу қозияни сурди ва маккорадин бу жавобни эшитти...*

Насойим ул-муҳаббат, 361-б.

ҚОЛАЛЛОҲ [*а.* قال الله] Аллоҳ айтди, деди.

Воиз керакки, «қолаллоҳ» сўз айтса...

Маҳбуб ул-қулуб, 32-б.

ҚОЛА [*а.* قال] Айтди.

Қола расулуллоҳ Аллоҳнинг элчиси деди, Пайғамбар айтди.

Воиз керакки, «қолаллоҳ» сўз айтса ва «қола Расулуллоҳ» мухолафатидин қайтса, Худо ва Расул йўлиға қадам урса.

Маҳбуб ул-қулуб, 32-б.

Қола яқулу Деди, дедилар.

[*Шайх Барака р. т.*]. *Бир ерда дебдурки, Барака фотиҳа ва бир неча сурадин узга Қуръондин билмас ва ани ҳам қоида шарти била ўқий олмас. Ва «қола яқулу» укимайдур ва билмас.*

Насойим ул-муҳаббат, 284-б.

ҚОЛМАМОҚ [*т.* قلماماق] **1** Қолмаслик.

2 Маҳрум бўлишлик, ажралишлик; йўқотишлик.

3 Яшайвермаслик.

Ичкали лаъли майидин хушу ақлим қолмамиш,
Бода маст эрди ажаб беэътидол этмиш мени.

Фавойид ул-кибар, 418-б.

Бўлуб йўқ даҳр ичидин бори онинг,
Жаҳонда қолмамоқ осори онинг.

Фарҳод ва Ширин, 326-б.

ҚОНСИЗ [*т.* قان سيز] **1** Хунсиз.

2 *тасаввуф*да Майсиз.

Навоий ўлса деманг, хубларки, кимдин эди,
Сиз эттингиз юрагин чоку баграни қонсиз.

Наводир ун-ниҳоя, 182-б.

ҚОПСАМОҚ [*т.* قپساماق] Ўрамоқ, ўраб олмоқ, қамаб олмоқ.

Ҳажр аро оғрик кунгул қолмиш икки зулфунг аро,
Дарддекким қопсамиш ҳар соридин бир дол ани.

Наводир ун-ниҳоя, 580-б.

ҚОП-ҚОРА [*т.* قاپ قارا] Тим қора; қоп-қора.

Ва яна бир ранг ё бир сифатнинг ҳумули ҳолиға муболаға учун анинг аввалида, аввал ҳарфиға бир «п» ё «мим» изофа қилиб, ул шайъға зонд қилурлар: «п» мисоли: оп-оқ, қоп-қора, қип-қизил...

Муҳокамат ул-луғатайн, 23-б.

ҚОРИВОР [*а.-ф.* قاري وار] Қуръон тиловат қилгувчи қори каби.

Чун Навоийға ики лаъли майидин тутса қуш,
Қоривор жон истасаким, жон бериб топти муни.

Наводир уш-шабоб, 435-б.

ҚОРИҚМОҚ [*т.* قاريقماق] Кўз қамашмоқ, кўз тинмоқ.

Рамад йуқки, чун қор уза кўз солиб,
Қориқмоқ кўзининг зиёсин олиб.

Садди Искандарий, 378-б.

ҚОРУНИЙ [*а.* قارونى] Қорунга мансуб, жуда кўп бойликка эга бўлган тарихий шахс; бу ўринда Низомий «Хамса» си Қорун хазинасининг беш-тасига қиёс қилинган.

Хамса йўқ, панж ганжи Қоруний,
Ёйибон элга Ганжа мадфуни.

Сабъаи сайёр, 38-б.

ҚОТИЛОСО [*а.-ф.* قاتل آسا] Қотил куринишли; қотилга ўхшаш.

Бу янглиғ қотилосо келса кўзга
Йўқ иш оҳ урмоқу ўлмоқдин узга.

Фарҳод ва Ширин, 239-б.

ҚОТҒУЧИ [*т.* قاتغوچى] 1 Қотгувчи.
2 Пишиқтиргувчи, чиниқтиргувчи.

Ўрду бозори ўзин ясоғлиққа қотғучи, унгай ҳам улуш олмай оғир сотғучи.

Маҳбуб ул-қулуб, 20-б.

ҚОФИЛАСОЛОР [*а.-ф.* قافله سالار] Карвонбоши, сардор; карвон.

Не бўлди қофиласолор узлукум юкидин
Халос қилсаки, бу йўлда асру товшолдим.

Наводир уш-шабоб, 309-б.

ҚОФИЛАСОЛОРЛИК [*а.-ф.-т.* قافله سالارلیك] Карвонбошилик, сардорлик, йўлбошчилик.

... азимат қилса, агар қофиласолорлик чатри соясида узлук қайдидин қутулиб...

Вақфия, 262-б.

ҚОЧМОҚЛИҒ [*т.* قاچماق لیغ] Қочмоқлик.

Қочмоқлиғим эрди тонимасдин,
Балки тонирингга арзимасдин.

Лайли ва Мажнун, 218-б.

ҚОЯ [*т.* قایه] Тик тоғ, қоя.

Бир кун овга таклиф қилиб, ўзи била элтганда, тоғ ови эрмиш, сайд кейнича чопганда, сайд қоядин учар, подшоҳ доғи оти жиловин сақлай олмас, икки оёғи камар қарағида қолиб...

Насойим ул-муҳаббат, 301-б.

ҚОҚШОЛ [*т.* قاقشال] Тараша.

Қоқшол утун Тараша утинга ўхшаш.

Жисм аро бир парлари қолмай бутун,
Пора-пора, ўйлаким қоқшол утун.

Лисон ут-тайр, 261-б.

ҚУББА [*а.* قبه] 1 Гумбаз.
2 Фалак.

Қуббаи зот ул-буруж Саккизинчи осмон қибласи, бир неча буржли саккизинчи фалак қибласи.

Икки водий чун яно қилди уруж,
Зоҳир улди қуббаи зот ул-буруж.

Лисон ут-тайр, 18-б.

ҚУВВАТЛИ [*а.-т.* قوتلی] Кучли, қувватли

Шайх ул-ислом дебдурки, мен ҳеч киши курмаймен Аҳмад Чиштийдин тамомроқ ва қувватлироқ, маломат тариқида.

Насойим ул-муҳаббат, 234-б.

ҚУВВАГНОК [*а.-ф.* قوت ناک] Қувватли, кучли, қудратли.

Ҳазрати Махдум р. анинг васфида «Ҳақ гўяндаи бебок ва ғолиби қувватнок» битибдурлар.

Насойим ул-муҳаббат, 110-б.

ҚУДСИЙСИФОТ [*а.* قدسی صفات] Пок ва муборак, пок қалбли.

Бировким анга нафас қудсийсифот,
Нафас бирла улганга бергай ҳаёт.

Садди Искандарий, 51-б.

Ва лекин ҳам ул хайли қудсийсифот
Ки, булмасун ул хайлсиз коинот.

Садди Искандарий, 292-б.

ҚУЁШСИЗ [*т.* قویاش سیز] 1 Офтобсиз, кунсиз.
2 Гузалсиз, машуқасиз.

Мен ул қуёшсизки заъфарон ришасидек улдум, ажаб эрмастур
Далили ишқ улки, ранги асфар доғи бадан ҳам назор бўлгай.

Фавойид ул-кибар, 427-б.

ҚУЁШЮЗЛУК [*т.* قویاش یوزلوک] Офтоб юзлик, қуёш юзлик.

... ва бу фаслда фалакваш оқ уйким, қуёшдек шуъладин, балки шуъладек бодадин равшан бўлгай ва анжуман бир қуёшюзлук баҳори нозпарвард гулъузорыдин гулшан.

Садди Искандарий, 223-б.

ҚУЙМАТ [*т.* قویمت] 1 Инъом-эҳсон.
2 Саховатлик, сахийлик.

Қуймати оз – ҳурмати оз.

Маҳбуб ул-қулуб, 103-б.

ҚУЛМОҚ [*т.* قولماق] Хотинликка қўлини сўрамоқ.

Яъқуб а. с. нинг суҳбати Лубнонга мулойим тушти. Ва Яъқуб а. с. анинг Лаййо отлиг қизин қулмоқ истидъоси қилди.

Тарихи анбиё ва ҳукамо, 121-б.

ҚУЛОВУЗСИЗ [*т.* قلاوزسز] 1 Йўлбошчисиз, бераҳнамо.
2 Жосуссиз.
3 *тасаввуфда* Пирсиз.

... ва илтимос асҳоби жовидонийдин улким, гоҳи ниёз ашки била бу шории йўқ биёбондинким, қиловузсиз кирибмен, офот гарду ғуборига сув ургайлар.

Муншаот, 145-б.

ҚУЛОЧ-ҚУЛОЧ [*т.* قلاچ قلاچ] Бир неча қулоч, қулоч-қулоч.

Гириҳ-гириҳ чу тугарсен етар аёгингга соч,
Гириҳларин чу очарсен тушар қулоч-қулоч.

Наводир ун-ниҳоя, 88-б.

ҚУЛОҚЛАШМАҚ [*т.* قولاقلاشمق] **1** Суҳбатлашмоқ.
2 Ҳасратлашмоқ, дардлашмоқ.

Ҳажр дардидин қулоқлашмаққа маҳрам соядур,
Такъя солмоқ шоми фурқат заъфдин деворга.

Фавойид ул-кибар, 364-б.

ҚУЛУБ [*а.* قلوب] **1** Қалблар, юраклар.
2 Лашкарнинг ўртаси, маркази.

Йуқки, ёлғуз шаддидин тушти қулуб ичра кушод,
Ҳар гирифти доғи арвоҳ ичра солди юз футуҳ.

Наводир уш-шабоб, 81-б.

ҚУЛҲУВАЛЛОҲУ АҲАД [*а.* قُلْ هُوَ اللهُ اَحَدٌ] Қуръони карим бир юз ўн иккинчи «Ихлос» сурасининг бошланиши: «Айт (эй Муҳаммад с. а. в.), У [Аллоҳ] ягона ва ёлғиз».

Эй Навоий, десанг ихлос ила бу сирни тилай
Қулҳуваллоҳу аҳад, сўнградур Аллоҳу самад.

Фавойид ул-кибар, 91-б.

ҚУРАЙШ [*а.* قريش] Муҳаммад алайҳиссаламга мансуб бўлган араб қабилаларидан бири.

Мухталиф аҳвол улуб аҳли қурайш,
Баъзи улуб ғамзада, баъзида айш.

Ҳайрат ул-аброр, 36-б.

ҚУРБАТЛИҒ [*а.-т.* قربت لیغ] **1** Қувватлик.
2 Қобилиятлик; етишганлик; яқинлашганлик.

[*Қилич Ато а. р.*]. *Азим қурбатлиг киши экандур ва сайёфлик санъатига машғул экандур.*

Насойим ул-муҳаббат, 421-б.

ҚУРБОНСИЗ [*а.-т.* قربان سز] **1** Яқинликсиз, қаробатсиз.
2 Ўқдонсиз.

Қоши бу чок кунгулдин аиру
Филмасал ёйе эрур қурбонсиз.

Бадоеъ ул-бидоя, 214-б.

ҚУРБ [*а.* قرب] Якинлик, яқин бўлиш.
Қурб ул-абдон Баданлар яқинлиги.

[*Амир Алийи Абу қ. т. р.*]. *Айн ул-қузот баъзи мактуботида анинг баёнидаким, ғайб ва ҳузур ҳеч навъ била яксон булмас, балки кунгул бовужуди қурб ул-қулуб қурб ул-абдон тақозоси ҳам қилур.*

Насойим ул-муҳаббат, 215-б.

Қурб ул-қулуб Қалблар яқинлиги

... балки кунгул бовужуди қурб ул-қулуб қурб ул-абдон тақозоси ҳам қилур.

Насойим ул-муҳаббат, 215-б.

ҚУРОҒЛИК [*т.* قوراغ لیك] Қурғоқчилик.

[*Саъдун Мажнун қ. с.*]. *Ва сурдиким, бу не ғавғодур? Дедим, қаҳт ва қуроғлик жиҳатидин холойиқ истисқоға чиқибдурлар.*

Насойим ул-муҳаббат, 75-б.

ҚУРС [*а.* قرص] **1** Тўғарак нарса, доира шаклидаги нарса.

2 Кулча нон.

Курси лиму Лимон суви ва шакар қушиб ишланган кулча.

Қон ютуб кунглум тилар ҳар лаҳза ишқинг доғини,
Қурси лиму истагандек аҳли ишрат ичса мул.

Ғаройиб ус-сиғар, 306-б.

Курси хуршид Қуёш гардиши; қуёш тугараги.

Ҳар шарбат аёғи жоми Жамшид,
Ҳар садқа фатири қурси хуршид.

Лайли ва Мажнун, 42-б.

ҚУРУН [*а.* قرون] Аср, давр; вақт; 30 йил ёки 80–100 йилни уз ичига олувчи фурсат.

[*Мавлоно Шамсуддин Маъдободий қ. с.*]. *Уз замонида балки бунча қурунларда алардек солик муртоз киши ёд бермас.*

Насойим ул-муҳаббат, 445-б.

ҚУРУҒЛИҚ [*т.* قوروغ لیق] Қуруқлик.

[*Абулхайр Тайнотий қ. т. с.*]. *Бир қатла биравни курдиким, сув юзида борадур.*

Насойим ул-муҳаббат, 149-б.

ҚУРЪОН [*а.* قرآن] **1** Ўқиш, қироат қилиш.

2 Аллоҳ томонидан Муҳаммад (с. а. в.)га ваҳий орқали нозил қилинган илоҳий китоб, мусҳаф.

3 Тиловат.

Қуръон бихон Қуръон ўқи!

Бир кеча аларни воқеада кургандурким, анинг сори боқиб айтибтурларким, «Қуръон бихон».

Хамсат ул-мутаҳаййирин, 75-б.

ҚУРҒОҒЛИҚ [*т.* قورغاغ لیق] қ. **Куроғлик**

Дерларки, бир қатла Гилонда қурғоғлиқ бўлди.

Насойим ул-муҳаббат, 490-б.

ҚУСМОҚ [*т.* قوس مق] Қусмоқ, қайт қилмоқ.

Йўқ эрса қуссаким, кон келса софий,
Икисидур таҳоратқа манофий.

Сирож ул-муслимин, 281-б.

ҚУТБ [*а.* قطب] **1** Ернинг фаразий айланиш ўқининг икки учи.

2 Ўрта, марказ.

3 Ҳар бир жамоа ва гуруҳнинг моддий ёки маънавий боплиги, пешвоси.

4 Авлиё.

Қутб ул-муҳаққиқин 1) ҳақиқатгўйлар раҳнамоси; тадқиқ қилувчилар сардори, 2) *тасаввуфда* орифларнинг пешвоси, ориф.

[*Абдурраҳмон Жомий қ. р.*]. *Алар зоҳир юзидин узларин қутб ул-муҳаққиқин ва ғавс ус-соликин Мавлоно саъд ул-миллати вад-дин Қошғарий қ. р. а. муриди кургузурлар эрди.*

Насойим ул-муҳаббат, 480-б.

ҚУЧУШҚУЧИ [*т.* قوچوشقوچی] Қучоқлашишлик.

Шоҳ бирла, қучушқучи бирла,
Хублар ҳам илик учи бирла.

Сабъаи сайёр, 392-б.

ҚУЮНЛУҒ [*т.* قويـون لـوغ] Қаттиқ шамоллик, тўпалон шамоллик, гирдоблик, қуюнлик.

Фурқати даштида ҳам саргашта, ҳам оворамен,
Ким қуюнлуғдур ишим, ғули биёбонлиг доғи.

Бадоеъ ул-васат, 434-б.

ҚУЗИЛИҚ [*т.* قوزي لىق] Қўйнинг боласи, қузи.

Қузилиқ қўй дедию тонди охир,
Ки ондин яхшироқ уғлоғлиг учку.

Бадоеъ ул-бидоя, 638-б.

ҚУБҚА [*т.* قوبقه/قوبقا] Хум, хумдон; сув сақланадиган идиш.

Йул устида қубқаким сув сочиб,
Сочар вақти сув йукки, инжу сочиб.

Садди Искандарий, 29-б.

Қубқа суйи оби зиндагоний,
Ул сув била тоза Ҳут жони.

Лайли ва Мажнун, 26-б.

ҚУЙМАМОҚ [*т.* قويما ماق] **1** Қуймаслик.

Агар рангин май ичсам, эй қазо нақкоши, ёзгурма,
Иҳота қилмаган иш қуймамиш, чун даври паргоринг.

Наводир уш-шабоб, 262-б.

2 Бирор ишни бажариши учун имкон бермаслик.

Қолмамиштур сажда қилғунча макон,
Ким юз онда қуймамиш ул нотавон.

Лисон ут-тайр, 181-б.

3 Эгилмаслик, сажда қилмаслик.

Дарду ғам турмиш ясовулдек кунгул чоки аро
Қуймамоққа келса ҳушу сабр хайли ичкари.

Бадоеъ ул-бидоя, 518-б.

ҚУЙ-ҚУЗИ [*т.* قوي قوزي] Қуй-қузи.

Анда доғи бир қуй-қузи учаси бор эди.

Хамсат ул-мутаҳаййирин, 23-б.

ҚУЙҒУЧИ [*т.* قويغوچي] **1** Қуйгувчи.

2 Солгувчи.

Қуйгучи боғирга ҳузн доғи қарилиқ,
Солғучи ғаму бало суроғи қарилиқ.

Назм ул-жавоҳир, 157-б.

ҚУЛМОШ [*т.* قولماش] Беҳуда сузловчи, беҳуда гапирувчи.

Дема, эй носиҳки, қилмайсен сузум бирла амал,
Хотиримда қайда қолмиш онча қулмошинг сенинг?

Бадоеъ ул-бидоя, 296-б.

ҚУНГ [*т.* قونگ] Қарға.

Ҳиммат аҳли била ҳар тийраға тегмас парвоз,
Насри тойир била не навъ ҳаво қилгай қунг.

Наводир ун-ниҳоя, 301-б.

ҚУНГРАНМОҚ [*т.* قونگراتماق] Дурилламоқ, ғунғилламоқ

Кейнича бир қул қунграниб, гошия эгнида, югурур эрди.

Насойим ул-муҳаббат, 81-б.

ҚУПОРМОҒЛИҚ, -лиғ [*т.* قوپارماغلیق//قوپارماغلیغ] Тиклашлик, тикламоқлик, турғизишлик.

Гар ватан Лутфий қузида тутмадинг, йуктур ажаб,
Уй қупормоғлиқ эрур душвор Жайҳун устина.

Фавойид ул-кибар, 452-б.

ҚУРҚУНЧЛУҒ [*т.* قورقونچ لوغ] Қурқинчлик, қурқувлик; хавфлилик.

[*Жорияи Мажҳула р. т.*]. *Деди: эй жавонмард, тақвони озугунг қил ва зуҳдни йўлунг ва вараъни боргиринг ва қурқунчлуғлар тариқида сулук қил...*

Насойим ул-муҳаббат, 494-б.

ҚУЧҚОР [*т.* قوچقار] Бичилмаган эркак қўй.

Ёй гуша тутуб коши хамидин,
Қучқор ўлуб ўчку мақдамидин.

Лайли ва Мажнун, 26-б.

ҚУЧҚОРЛИҚ [*т.* قوچقارلیق] 1 Қўчқорлик.

2 Зурлик, куч-қудратлик (изоҳ: ... шукуҳидан ҳамал [қўзи] узида куч-қудрат топди.

Фарридин топти қўзи қучқорлиқ,
Саврга етти асад кирдорлиқ.

Лисон ут-тайр, 18-б.

ҚУШНИЛИҒ [*т.* قوشنی لیغ] 1 Ҳовли-жойлари яқин бўлган кишилар, қўшни бўлишлик.

2 Ёнма-ён туришлик.

Келиб эрди қўшнилигидин батанг,
Ки бор эрди гавго анга бедаранг.

Садди Искандарий, 287-б.

ҚУШУЛДУРҒУЧИ [*т.* قوشولدورغوچی] 1 Қушилтиргувчи.

2 Аралаштиргувчи, эликтиргувчи.

Муридни мақсудга еткургучи Ҳақдур воситаи пир ва соликни матлубқа қушулдурғучи ҳам Ҳақдур ва васитаи ҳам пир.

Маҳбуб ул-қулуб, 117-б.

Ғ

ҒАВС [*а.* غوث] **1** Кўмак, ёрдам.
2 Мададкор.
Ғавс ус-соликин Суфийлар мададкори.

[*Абдурраҳмон Жомий р. т.*]. *Алар зоҳир юзидин узларин қутб ул-муҳаққиқин ва ғавс ус-соликин Мавлоно саъд ул-миллати вад-дин Қошғарий қ. р.* [*а. муриди кўргузурлар эрди.*

Насойим ул-муҳаббат, 480-б.

ҒАДРФАН [*а.* غدرفن] **1** Хиёнаткор, бераҳм, золим.
2 Найрангбоз, ҳийлагар.

... балки хурдабин душманлар хирадойин ғадрфанлардин ҳар тадбиру таҳқиқ ва ҳар тазвиру тадқиқ ила англағай.

Муншаот, 226-б.

ҒАЙРАТЛИҒ [*а.-т.* غيرت ليغ] **1** Ғайратлик, тиришқоқлик, ҳамиятлик, серғайратлик, журъатлик, жасоратлик.
2 Рашклик.

[*Хожа Пир Аҳмад Наққош қ. с.*]. *Муртоз ва ғайратлиғ киши эрди.*

Насойим ул-муҳаббат, 444-б.

ҒАЙРЗУДО [*а.-ф.* غيرزدا] **1** Ўзгаликни ариттувчи.
2 Бегоналикни кетказгувчи.

Демайки мен узи маъшуқ улуб, узи ошиқ,
Ки тиг ғайрат улуб анга нақши ғайрзудо.

Наводир уш-шабоб, 7-б.

ҒАЙРИБЕКАСЛИК [*а.-ф.-т.* غير بيكس ليك] Ёлғизликдан ўзга; кимсасизликдан бошқа (ундан бошқа, Аллоҳдан бошқа).

Эл жафосининг малоли қилса ҳар дам қасди жон,
Кунглунгизни ғайрибекаслик била овутмангиз.

Наводир ун-ниҳоя, 185-б.

ҒАЙРИЯТ [*а.* غيريت] **1** Бошқа.
2 Бегона.

Пас «Ло илоҳа», яъни су сувари мутаваҳҳима ғайрияти манфийдур ва рожиъ ҳам ул бир аслғадур.

Насойим ул-муҳаббат, 277-б.

ҒАЙРУҲУ [*а.* غيره] қ. **Ғайруҳумо**

[*Абубакр Фарроъ қ. т. с.*]. *... ва Абубакр Шиблий ва Абу Тоҳир Абҳарий ва Муртаъиш ва ғайруҳу била суҳбат тутубдур.*

Насойим ул-мухаббат, 134-б.

ҒАЙРУҲУМО [*а.* غيرهما] Бошқалар; улардан бошқа.

Абу Бакр Каттоний ва Хайр Нассож ва ғайруҳумо андин ҳадис ривоят қилурлар.

Насойим ул-муҳаббат, 56-б.

ҒАЛАБАЛИҚ [*а.-т.* غلبه لیق] 1 Зафарлик, ғалабалик, устунлик.

2 Тула, кўпчилик.

Ул вақт Басра масжиди ғалабалиқдин андоқ эрдиким, эл сажда бир-бирининг учасида қилурлар эрди.

Насойим ул-муҳаббат, 114-б.

ҒАЛАТСИЗ [*а.-т.* غلط سز] Хатосиз, англишсиз, беғалат.

Бу китобни ғариб навъ битибдур, анга ўхшарким, илтизом қилмиш бўлғайким, ғалатсиз мисраъ битмагай...

Хамсат ул-мутаҳаййирин, 24-б.

ҒАЛТОНЛИҒ [*ф.-т.* غلطان لیغ] Юмаланувчилик; юмалоқлик, думалоқлик (кўз ёши).

Тишинг шавқида ғалтонлиг аро юз гушада қолғай,
Агар инжу узин солса, дури ашким қаторинда.

Фавойид ул-кибар, 22-б.

ҒАМИН [*а.-ф.* غمین] Ғамли, қайғули.

Эшитгач ани ғамину дилшод,
Юз завқу нишот ила тутуб ёд.

Лайли ва Мажнун, 149-б.

ҒАМСИЗ [*а.-т.* غم سز] 1 Ташвишсиз, бекулфат, аламсиз, қайғусиз, ҳасратсиз.

Оғирлиқ вазнидиндур селдин ғамсиз Ҳирий тоғи,
Енгиллик фартидин барбод эрур қомғок яфроғи.

Маҳбуб ул-қулуб, 84-б.

Рафиқлар, мени маҳзун нечук булай ғамсиз?
Ки, кунглум эрмас аламсиз, кузум эмас намсиз.

Бадоеъ ул-бидоя, 201-б.

Мен улмадим эса ғамсиз даме, ғам эрмастур
Ки, ғам ҳужум этар, улған замондаме хуррам.

Бадоеъ ул-васат, 290-б.

2 Муҳаббатсиз, ишқсиз, бедард.

Синуқ кунгулда чу йуқ шодлиг, соғинурмен
Ки, йуқтурур бори оламда бир кунгул ғамсиз.

Ғаройиб ус-сиғар, 173-б.

Дема ҳажримдин Навоий ғамсиз эрмас бир замон,
Истасангким ғамдин айрилғай анинг бирла қовуш.

Наводир уш-шабоб, 181-б.

3 Бу дунё неъматларидан воз кечишлик, дунё бойликларига бефарқ бўлишлик.

Гар фароғат мулки истарсен май ич ким, булмади
Ғамсиз ўлмоқлиқда шаҳ ринди қадаҳ паймойча.

Наводир ун-ниҳоя, 493-б.

ҒАМСИРИШТЛИК [*а.-ф.-т.* غم سرشت لیك] Қайғулик, ғамга ботганлик, ғамгин табиатлик.

Ким булса бу мотамкададек олам аро,
Сайр айласа ғамсириштлик одам аро.

Ғаройиб ус-сиғар, 564-б.

ҒАМФАРСУДА [*а.-ф.* غم فرسوده] Қайғуда эзилганлик, ғамда янчилганлик.

Бу ғамфарсуда таним туфроғин совурурға оҳ ели бас эрди...

Муншаот, 223-б.

ҒАМХОРЛИҒ [*а.-ф.-т.* غمخوار لیغ] Ғамхўрлик, меҳрибонлик; ғам егувчилик.

[*Аҳнаф Ҳамадоний к. с.*]. *Деди: бу тевага ғамхорлиг қила олғайсен? Дедим: қила олғаймен.*

Насойим ул-муҳаббат, 58-б.

ҒАНЧИ [*ф.* غنچی] Ипни ғажиб узмасин учун ит арқонига боғланадиган ёғоч.

Илоҳи, агар дастгир сен бўлмасанг, асо ҳамону ит ганчиси ҳамон ва агар пардапуш сен бўлмасанг, ридо ҳамону эшак арғамчиси ҳамон.

Муножот, 296-б.

ҒАНЧИЛИҚ [*ф.-т.* غنچی لیق] Тасмалик, арқонлик, ипни ғажиб узмаслиги учун ит орқонига боғланадиган ёғочлик.

Ғанчилиқ ит Бойлиқлик ит.

Қасдима ул новак айлаб тезу мен судраб асо,
Қўйида ҳар ён ешилган ўйлаким ганчилиқ ит.

Наводир ун-ниҳоя, 71-б.

ҒАРАВ [*ф.* غرو] Най, пояси қаттиқ ва буғим-буғим, ичи кавак, қамишга ўхшаш тропик ўсимлик; бамбук.

Гар Навоий килкидек эл килки шакаррез эмас,
Айб қилманг бирдек ўлмиш найшакар бирла ғарав.

Наводир ун-ниҳоя, 443-б.

ҒАРИБИЙ I [*а.* غریبی] Кимсасиз, бир мусофир киши.

Эй Навоий, гар берур ҳусни закотин йўқ киши,
Хастае зоре ғарибий бенаво андоққи мен.

Фавойид ул-кибар, 321-б.

ҒАРИБИЙ II [*а.* غریبی] Шоир тахаллуси.

Муҳаммад Али – Ғарибий тахаллус қилур эрди.

Мажолис ун-нафоис, 66-б.

ҒАРИҚЛИҚ [*а.-т.* غریق لیق] Ботганлик, чўмганлик, ғарқ бўлганлик.

Ки, тушса жоним ажал сайлига, эрур хушроқ
Ғариқлиққи, халос ўлмоқ ошно бирла.

Фавойид ул-кибар, 517-б.

ҒАРОБАТЖЎЙ [*а.-ф.* غربت جوی] Ажойибгина, нодиргина; қизиқлик, ажойиблик.

[*Мавлоно Жоний – форсиғўй шоирлардан*]. *Хили жунун зотида борким, салоҳат касбига монеъдур, йўқ эрса, ғаробатжўй табъғинаси бор.*

Мажолис ун-нафоис, 86–87-б.

ҒАРОБАТЛИК [*а.-т.* غرابت لیق] Қизиқарлик, ажойиблик, ғаройиблик, нодирлик.

Аввалғи мақолат – алар била бу фақир орасида утган иттифоқий умуру ғаробатлиқ сузларким, андин аларнинг бу фақирга хусусият ва илтифотлари маълум бўлур.

Хамсат ул-мутаҳаййирин, 8–9-б.

Ул ҳазрат била бу фақир орасида утган иттифоқий умур ва ғаробатлиқ сузларким, андин аларнинг бу фақирга илтифот ва хусусиятлари зоҳир бўлур.

Хамсат ул-мутаҳаййирин, 14-б.

ҒАФЛАТКИРДОР [*а.-ф.* غفلت کردار] Ғафлатга ботган, ғофил, ғафлатда қолган; бехабар, бепарвога ўхшаган

Учинчи навъ – булардин даги ғафлаткирдорроқ ва лаънатқа сазоворроқ ҳам утубтурларким, ғариб даъви йўлин тутубтурлар.

Маҳбуб ул-қулуб, 76-б.

ҒИЗОЛ [*а.* غزال] **1** Оҳу, кийик.

Тоғ аро ёшунди чу зарин ғизол,
Мушки хутан сачти насими шамол.

Ҳайрат ул-аброр, 303-б.

Мушкин ғизол Мушкин кийик, мушк иси берувчи оҳу; Тибет кийиги, оҳуси.

Хайли хаттинг чаркаси юз даври узра гўйиё,
Ким ики мушкин ғизолинг сайд этарга булди ов.

Наводир ун-ниҳоя, 444-б.

Орази гулзори Хутандин мисол.
Кузи бу гулзор аро мушкин ғизол.

Ҳайрат ул-аброр, 301-б.

2 Қуёш, офтоб.

3 Маҳбуба.

Чарх уза заррин ғизол улди шафақдин жилвагар,
Е менинг мушкин ғизолимнинг ҳарири оли бор.

Наводир ун-ниҳоя, 122-б.

ҒИЛЛ [*а.* غل] **1** Кина, кек.

2 Паришонхотирлик, ҳоли ёмонлик.

... ва кунглунгни асраки, ҳеч мусулмоннинг ҳиқди ва ғилли анда булмағай, ҳавонгни асраки, ҳеч ношойисқа мойил булмағай.

Насойим ул-муҳаббат, 54-б.

ҒИНА [*а.* غنه] **1** Бойлик.

2 Эҳтиётсизлик.

Эйки Наоий улфате равзада йўқтурур дединг,
Асру таажжуб айлама ҳар ғинае Ҳиримудур.

Наводир ун-ниҳоя, 138-б.

ҒИНО [*а.* غنا] қ **Ғина.**

ҒИРБОЛ [*ф.* غربال] Ғалвир, дон эланадиган катта элак.

Гар десамким куйи туфроғин элай, кўз ҳалқасин,
Минг тушуклук пардаи жон бирла ғирбол этгамен.

Наводир ун-ниҳоя, 404-б.

Чунки бу навъ айлади эл ҳолини,
Доиир этар ҳар сори ғирболини.

Ҳайрат ул-аброр, 251-б.

Тор ини сичқонга солиб эрди ғам,
Қуйруқига боғлади ғирбол ҳам.

Ҳайратул-аброр, 243-б.

ҒОЛИЯ [*а.* غالیه] **1** Қош ва сочга суртиш учун махсус мушк, анбардан тайёрланган хушбуй қора модда

2 Қора.

Ҳуснлари ишвау ноз айлабон,
Атрларин ғолия соз айлабон.

Ҳайрат ул-аброр, 280-б.

ҒОСИЛ [*а.* غاسل] Ғассол, ювгувчи, ўлик ювадиган, мурдашуй.

Улки киши улмагидин шод эрур,
Ғуркану ғосилу жаллод эрур.

Ҳайрат ул-аброр, 240-б.

ҒУРБАТГУЗИН [*а.-ф.* غربت گزین] Ғурбатхона ихтиёр этиш.

Ки, ҳар кимки бор эрди ёру қарин
Бўлубтур адам сори ғурбатгузин.

Садди Искандарий, 467-б.

ҒУРРОН [*ф.* غران] Ҳайқирувчи, бақирувчи, букирувчи, ҳайқирган.

Шери ғуррон Ҳайқирувчи шер, ўкирувчи шер.

Солғай ошуб шери ғурронга,
Нойиб этгай узин Сулаймонга.

Сабъаи сайёр, 41-б.

ҒУССАБАР [*а.-ф.* غصه بر] Ғамли, қайғули.

Баҳри ғуссабар Ғам денгизи

Бу гулшанда, эй деҳқон, нега озимун этдим,
Вафо наҳли экканга баҳри ғуссабар йўқтур.

Наводир ун-ниҳоя, 155-б.

ҒУССАЛИҒ [*а.-т.* غصه لیغ] Ғамлик, қайғулик, дардлик

Васли уммиди била ушшоқни қилганда шод,
Ғуссалиғ кунглумни ҳажри бирла таҳдид этмагай.

Наводир ун-ниҳоя, 589-б.

ҒУССАПАРВАР [*а.-ф.* غصه پرور] Ғам билан ўсган, ғамгин.

Ваъда қилдингким, келай қатлингга, вах лутф айлаким,
Асру кур четки бу жони ғуссапарвар интизор.

Фавойид ул-кибар, 115-б.

Ҳ

ҲАБН [*а.* حبن] Аруз атамаси.

«Ҳабн» – аввал жузвнинг сабаби хафифининг сокин ҳарфининг исқотидур, бас фоъилотундин фаъилотун қолғай.

Мезон ул-авзон, 48–49-б.

ҲАБО [*а.* هبا] 1 Чанг, тузон.

2 Беҳуда.

Ҳабоан мансуро 1) сочилган чанг, тўзиган чанг; 2) бутунлай паришон.

Юз бу оламча мавжуд этай десанг, «кун фаякун» иборати анга кофий ва минг ончани маъдум этай десанг «ҳабоан мансуро» ишорати анга вофий.

Муножот, 293-б.

ҲАВАСЛИК [*а.-т.* هوس لیك] Орзулик; майллик, шавқлик, иштиёқлик; хомхаёллик.

Лаъли шавқидинки ғам тоғин қозорсен, эй кунгул,
Не бало Ширин ҳаваслик нотавон Фарҳодсен.

Ғаройиб ус-сиғар, 376-б.

ҲАВОПАЙМО [*а.-ф.* هوایما] Парвоз қилувчи, учувчи.

[*Бир шери аламсен, сен оламда ҳавопаймо,*
Ишқ оятин ўқурсен фикринг зару сим аммо].

Насойим ул-муҳаббат, 194-б.

ҲАВОРИЮН [*а.* حواریون] 1 Дўстлар, ёронлар (ун икки нафардан иборат булган Исо пайғамбарнинг суҳбатдошлари, Исонинг асҳоблари).

Аммо ҳавориюн иймон келтуруб, динини қабул қилдилар.

Тарихи анбиё ва ҳукамо, 177-б.

2 Ўн икки нафар булган Пайғамбарнинг шогирдлари, Исо Пайғамбар асҳоблари.

Бани Исроил ҳавориюнга дедиларким, агар Исо а. с. дуо қилсаким, Тенгри таоло осмондин моида йиборсаким, таомга муҳтож халойиқ андин баҳра топсалар...

Тарихи анбиё ва ҳукамо, 179-б.

ҲАВР [*а.* هور] Қизишиш, ғазаб.

Ҳавр этмак Ҳайдамоқ, қувмоқ

Илоҳи, ани яхшилар орасидин ҳавр этма ва ёмонлар хайлиға қотма.

Маҳбуб ул-қулуб, 130-б.

ҲАВСАЛАСИЗ [*а.-т.* حوصله سیز] Бетоқат, чидамсиз, беҳафсала.

Чу разл ҳафсаласиздур, не тонг, агар ногаҳ
Етишса мукнат анга, аржуманд тутқай узин.

Бадоеъ ул-васат, 494-б.

ҲАДД [*а.* حد] **1** Даража, мартаба.
2 Чек-чегара.
3 Ҳақ-ҳуқуқ
4 Томон.
Ҳадд ун-назар Марҳаматининг чегараси йуқ, фикр-хаёлининг чек-чегараси йуқ.

[*Абулҳусайн Қарофий р. т.*]. *Бас ҳадд ун-назар ва ҳозир ул-вақт.*

Насойим ул-муҳаббат, 160-б.

ҲАДОСАТ [*а.* حداثت] Ёшлик, навқиронлик.
Синни ҳадосат Ёшлик чоғи.

[*Абу Абдуллоҳ Муқрий қ. с.*]. *Ва ҳануз ҳадосат синда эрди.*

Насойим ул-муҳуббат, 187-б.

ҲАДСИЗ [*а.-т.* حد سز] **1** Чек-чегарасиз, хаддин ортиқ.

Ҳар ганжида сайрафийи идрок,
Ҳадсиз топибон жавоҳири пок.

Лайли ва Мажнун, 32-б.

Не печу тоби ҳадсиз доми зулф эркинким, очилгач,
Демай кунглум қушиким, уйла юзни мубтало қилмиш.

Бадоеъ ул-васат, 191-б.

2 Беҳисоб; сон-саноқсиз.

Анга ҳам жазоир ададсиздурур,
Ғароиб булар ичра ҳадсиздурур.

Садди Искандарий, 488-б.

Улуқ жашн қилгил қилиб эҳтимом,
Тузат ҳадсиз анда мулавван таом.

Садди Искандарий, 524-б.

3 Ҳақ-ҳуқуқсиз.

Бу янглиг қилиб қатъ ҳадсиз тенгиз,
Яна тоғ ила дашт андозасиз.

Садди Искандарий, 419-б.

4 Даражасиз, миқдорсиз; беихтиёр.

Не андозасиз ғам, не ҳадсиз сурур,
Керак ишида ойини хайр ил-умур.

Садди Искандарий, 550-б.

ҲАЁСИЗ [*а.-т.* حیا سز] Уятсиз, хижолатсиз, шармсиз; беор, беномус, беодоб.

Навоийга, – десам, – қил, эй йигит, раҳм,
Кулуб дер, не ҳаёсиз қаридур бу.

Бадоеъ ул-васат, 363-б.

Муғанний вафосиз, кунгир ҳаёсиз.

Маҳбуб ул-қулуб, 31-б.

Вафосизда ҳаё йуқ, ҳаёсизда вафо йуқ.

Маҳбуб ул-қулуб, 82-б.

Такрори ҳаёсиз муддаийни уят сарҳаддиға бошқарур ва теъдоди инсофсиз адувни ямонликдин уткарур.

Маҳбуб ул-қулуб, 58-б.

ҲАЁТОЙИН [*а.-ф.* حیات آسا] Ҳаётга ўхшаш, тириклик каби.

Қаҳру лутфунг бори жонбахшдурур,
Буйла ким кўрди ҳаётойин лафз.

Фавойид ул-кибар, 198-б.

ҲАЁТОСО [*а.-ф.* حیات آسا] Ҳает каби, тирикликдек; ҳаётбахш.

Руҳпарварлиқда анинг жонафзо баёнидек масиҳмисол ва рухгустарлиқда анинг ҳаётосо алҳонидек довудтимсол.

Муншаот, 225-б.

ҲАЖАЗ [*а.* حجز] Шеър ўлчови номи.

Аммо буҳур асомиси: тавил, мадид, басит, вофир, комил ҳажаз, ражаз, рамал...

Мезон ул-авзон, 51-б.

ҲАЖАРИЯТ [*а.* حجریت] Тошлик.

[*Шайх Абу Мадян...*]. *Шайхдин сурдиларки, бу жиҳатдин уз нафсингда ҳеч асар топарсен? Деди: буки Ҳажар ул-асвадни халойиқ табаррук жиҳатидин упарлар, ул узида не миқдор асар топарки, ани ҳажариятдин чиқарғай, улки ани авлиё упарлар, мен даги ушанча асар уз нафсимда, топармен ва менда ҳамул ҳукм бор.*

Насойим ул-муҳаббат, 384–385-б.

ҲАЖАР [*а.* حجر] Тош.

Ҳажар ул-асвад Қора тош, мусулмонлар тавоф қиладиган Каъба уйидаги муқаддас қора тош.

... Шайх Мусони тавофда курдим, анинг кейнича борур эрдим. Курдумки, Ҳажар ул-асвад тақбили қилди ва Фотиҳадин тиловат бунёд қилди.

Насойим ул-муҳаббат, 400-б.

[*Абу Абдуллоҳ Барқий р. т.*]. *Ун уч кун ҳеч нима емади ва ичмади то хабар келдиким, Қаромита Ҳарамга келубдур ва халқни қатл қилибдурлар ва Ҳажар ал-асвадни ушатубдурлар, андин сўнг нима еди ва ичди.*

Насойим ул-муҳаббат, 119-б.

ҲАЖЖОМЛИК [*а.-т.* حجام لك] 1 Томирдан қон олувчи табиб.

2 Сартарошлик.

[*Шайх Ёсин Магрибий Ҳажжом ул-Асвад қ. с.*]. *Ул валоят арбобидин ва каромат асҳобидин эрди. Аммо, бу ҳолни ҳажжомлик суратида яшурур эрди.*

Насойим ул-муҳаббат, 404-б.

ҲАЖЖОТ [*а.* حجات] Ҳажлар, ислом динида беш фарздан бири [Маккага бориб Қаъбатулло(ҳ)ни зиёрат қилиш] ҳаж зиёратлари.

... Шайх уш-шуюх Шиҳобуддин Суҳравардий қ. с. дедики, ҳажжотдин бирида отам била эрдим.

Насойим ул-муҳаббат, 400-б.

ҲАЗОРАСПИЙ [*ф.* هزاراسپی] Ҳазорасплик, афғон қабилаларидан бири [Афғонистоннинг шимолий тоғ ҳудудидаги қабилалардан бирининг номи]

[*Мир Ислом Ғаззолий*]. *Мир Балхда Ҳазораспийлар чоғида бор эканду.*

Мажолис ун-нафоис, 19-б.

ҲАЗОҚАТ [*а.* حذاقت] Зийраклик, моҳирлик, донолик, маҳоратлик, билимдонлик; табиблик.

Табибга ўз фанида ҳазоқат керак ва беморлар ҳолига шафқат ва марҳамат керак.

Маҳбуб ул-қулуб, 23-б.

ҲАЙ I [*т.* هي] Чакирик, чорловни ифодаловчи ундов суз.

Ҳай тулугум, ҳай тулум Қадимги туркийча лапарлардаги ибора, «Ҳай тулугум, ҳай тулум» деб куйлаш.

Турк суруди била салиб қулум,
Қилсам адо ҳай тулугум, ҳай тулум.

Ҳайрат ул-аброр, 63-б.

ҲАЙ II [*ф.* هي] **1** Офарин, бай-бай.

2 Калимаи нидо: хабардор бўл!

Ҳай урмоқ Калимаи нидо айтмоқ, «Огоҳ бўл!» демоқ.

[*Хожа Абдурраҳмон...*]. *Бу замонки, мен Хожага буюк суз айтқон жиҳатидин густохона ҳай урдум, оғзин қулоғимга кетуруб дедики, мунча йил бурунроқ фалон таърихдаки сен таҳсилга машғул эрдинг...*

Насойим ул-муҳаббат, 318-б.

ҲАЙБАТЛИҚ, =лиг [*а.-т.* هيبت ليغ // هيبت ليق] **1** Қурқинчлик, хавфлик.

2 Улуғворлик, олий даражалик, маҳобатлик, виқорлик, савлатлик.

Бир пир йулуқти, яхши юзлуг, ҳайбатлиқ ва виқорлиқ.

Насойим ул-муҳаббат, 380-б.

Бир ҳайбатлиг йигит эрди, деди: Ё Юсуф, менга масъала мушкул булубдур ва зикр қилди.

Насойим ул-муҳаббат, 253-б.

ҲАЙРАТАФЗО [*а.-ф.* حيرت افزا] Таажжублантирувчи, ҳайратга солувчи.

Ҳуснига ҳар лаҳза ҳайронроқмен охир яхшидур,
Ўлмасам ногаҳ ишқи ҳайратафзойим била.

Ғаройиб ус-сиғар, 418-б.

ҲАЙРАТОЙИН [*а.-ф.* حيرت الدن] Ҳайронлик.

Ҳайратойин бўлмоқ Жуда ҳайратда қолмоқ.

Шаҳ англаб, булуб ҳайратойин анга,
Деди айлаб эҳсону таҳсин анга.

Садди Искандарий, 272-б.

ҲАЙРОНСИЗ [*а.-т.* حيران سيز] Таажжубланмаслик, ҳайрон қолмаслик.

Сую ўт ичра сиз, эй кўзу кўнгул,
То ул ой оразига ҳайронсиз.

Наводир уш-шабоб, 158-б

ҲАЙ(Я) [*а.* حيّ // حي] Жонли.

Худо ҳаййи барҳақ Аллоҳнинг сифати; Тангри таоло.

... ва ҳаййи барҳақ вужудидин ўзга жамиъ ашёга заҳри ҳалок жомин ичардин чора йўқ...

Муншаот, 201-б.

Ҳайя наззора Жон ҳовучлаш (кипиларнинг ҳаёти беомон совуқдан хавф остида қолиб, жонларини ҳовучлашиши).

Кишиким қилиб ҳайя наззораси,
Гумон айлабон пайса ип пораси.

Садди Искандарий, 227-б.

Ҳаййи вадут Илоҳ қудрати

Берса элга шоҳлиг ҳаййи вадуд,
Сен де бориким санга ондин не суд.

Лисон ут-тайр, 83-б.

Ҳаййи ваҳҳоб Саховатли; Аллоҳнинг сифати.

Маҳрум қулунгни маҳрам этса,
Васлинг ҳарамига ҳаййи ваҳҳоб.

Бадоеъ ул-васат, 472-б.

Ҳаййи ло ямут Аллоҳнинг сифати, Аллоҳ таоло.

Барча қушлар ичра ҳаййи ло ямут,
Манга қисм этмиш улус илкида қут.

Лисон ут-тайр, 66-б.

Ҳаййи нотиқ Тирик нотиқ, жонли нотиқ.

Ўзга қавллар билаким Каюмарс дебдурлар. Маъниси ҳаййи нотиқдур, яъни тиригиким суз айтқай.

Тарихи мулуки ажам, 197-б.

Ҳаййи қадим Аллоҳнинг сифати (у азалдан бор, ягоналикда буюк раҳмондир).

Жалла олуаҳу не ҳаййи қадим,
Аммо нуъмоуҳу не фарди азим.

Сабъаи сайёр, 14-б.

Кидмат ичра барчадин булдунг муқаддмроқ, валек
Улки сендиндур муқаддмроқ, эрур ҳаййи қадим.

Бадоеъ ул-васат, 279-б.

ҲАЙҲОТ-ҲАЙҲОТ [*т.* هيهات هيهات] Ҳайрон қолганда, афсусланганда ишлатиладиган ундов суз, хитоб, ҳайҳот-ҳайҳот.

Ҳайҳот-ҳайҳот, уят, юз минг уят.

Маҳбуб ул-қулуб, 44-б.

ҲАКИМОНА [*а.-ф.* حكيمانه] Олимона; ҳакимларча, оқилона, донишмандларча.

Алар доғи шоҳона тазйин била,
Булар ҳам ҳакимона ойин била.

Садди Искандарий, 356-б.

Хожа Ҳазратлари дегандурларки, эй фарзанд, ҳакимона иш қилдинг ва аларга бу лақаб ондин қолгондур ва Ҳаким атоға хикмат тили гуё булубдур.

Насойим ул-муҳаббат, 420-б.

ҲАЛ АТО [*а.* هل اتى] Қуръони карим сўзи, ўтдими (бермадими?).

Бир дустга нукта «Ҳал ато» келди анга
Ким, зот аро васфи «Лофато» келди анга.

Назм ул-жавоҳир, 123-б.

ҲАЛВОГАР [*а.-ф.* حلوا گر] Ҳолва пиширувчи, қандолатчи

... Чун ул киши дирамни ҳалвогарга берди, ҳалвогар бир пора ҳалво бир пора коғазга чирмаб анинг илгига берди.

Насойим ул-муҳаббат, 355-б.

ҲАЛВОПАЗ [*а.-ф.* حلوا پز] Ҳалво пиширувчи, ҳалво тайёрловчи.

[*Мавлоно Муҳйи к. т. с.*]. *Кичик ёшида бозордин отаси била утуб борурда Бобо Сунгу а. р. ки, замоннинг мажзубларидин эрмиш, илигин тутуб, ҳалвопаз дуконига тортиб, уч тика ҳалво оғзига солибдур.*

Насойим ул-муҳаббат, 436-б.

ҲАЛОЛА [*а.* هلاله] Янги қуринган ой.

Навоий айлаб эди гарчи раз қизини талоқ,
Ҳалола бўлса ҳам ул қизни олгуси бу куёв.

Бадоеъ ул-васат, 362-б.

ҲАЛОЛЛИК [*а.-т.* حلال لیك] Виждон билан иш тутишлик; софлик.

Ҳалоллик тиламак Ҳалоллик тиламоқлик, тўғриликка рухсат сўрамоқ.

Шиблий Бағдоддин Мисрга борур эрди, ҳалоллик тилагаликим, шуғли чоғида бировнинг ерига от қўйгон экандур.

Насойим ул-муҳаббат, 93-б.

ҲАМАВИЙ [*ф.* هموی] Ҳамавийлик, Ҳамавийдан.

Ҳамавий ул-асл Асл ҳамавийлик, асли, келиб чиқиши Ҳамавийдан.

Ҳамавий ул-асл эрмиш ва Мисриюл-мавлид.

Насойим ул-муҳаббат, 391-б.

ҲАМАДОНЛИК [*ф.-т.* همدان لیق] Ҳамадонлик, (Ҳамадон – Эрондаги бир шаҳар номи).

Лақаби Абу Муҳаммаддур, ҳамадонлиқ.

Насойим ул-муҳаббат, 62-б.

ҲАМДАМЛИҒ [*ф.-т.* همدم لیغ] Ҳамдам-ҳамнафаслик.

Куруб умр тарихи мубҳамлиғин,
Ғаниматбил асҳоб ҳамдамлиғин.

Садди Искандарий, 468-б

ҲАМДАМСИЗ [*ф.-т.* همدم سیز] Дўстсиз, улфатсиз, ҳамнафассиз.

Демангки, ҳажрда май ҳамдам ўлса ғам кам улур,
Ки ҳамдурур дам эмас бода ёру ҳамдамсиз.

Бадоеъ ул-бидоя, 201-б.

ҲАМДАРДЛИҒ [*ф.-т.* همدرد لیغ] Таскин бермоқлик, дардига шерик бўлмоқлик

Фурқат айёмида ҳар бирнинг бошига келганин,
Юз туман ҳамдардлиғлар бирла ҳар дам сўзлашиб.

Фавойид ул-кибар, 46-б.

ҲАМДАСТОН [*ф.* همدستان] Осудалик; кўшилишлик, шерик бўлишлик.

Буйла мушку шакарга ҳамдастон,
Не топиб мулки Чин, не Ҳиндустон.

Сабъаи сайёр, 37-б.

Булбулосо чекиб уч минг дастон,
Булубон қақнус анга ҳамдастон.

Сабъаи сайёр, 100-б.

ҲАМДАСТОНА [*ф.* همدستانه] Биргалашиб, биргаликда.

Боданўш улди чу ҳамдастона,
Арз қилсам неча суз мастона.

Фавойид ул-кибар, 472-б.

ҲАМЁН [*ф.-т.* همیان] Халтача.

Ногоҳ масжид сакфидин бир ҳамён ёрмоқ алар оллиґа тушди.

Насойим ул-муҳаббат, 368-б.

ҲАМИД-ГУЛ [*а.-ф.* حمید گول] XV асрда яшаган исфоройинлик форсигўй шоир, Мавлоно Абдулваҳҳобнинг ўғли, XV–XVI асрларда яшаган Ҳисорлик форсигўй шоир Мавлоно Биҳиштийнинг иниси. Табиатида бир оз саркашлик ва девоналик бўлганлиги учун Ҳамид-Гўл тахаллусини олган.

Мавлона Биҳиштий – Ҳамид-гулнинг инисидур.

Мажолис ун-нафоис, 110-б.

ҲАМИШАБАҲОР [*ф.* همیشه بهار] Гулнинг номи.

Эрур ҳамиша хазон баргидек бошимда шарар,
Сенга не гамки, бошинг узрадур ҳамишабаҳор.

Фавойид ул-кибар, 98-б.

ҲАММАҲМИЛ [*ф.-а.* هم محمل] Улфат, дўст.

Жаннатосо қаср ичинда манзили,
Ҳурваш маҳбуб онинг ҳаммаҳмили.

Лисон ут-тайр, 178-б.

ҲАМОЙИЛСИФАТ [*а.* حمایل صفت] Қулни бировнинг буйни ва қултиғидан ўтказиб қучоқламоқ; тездан бағрига тортмоқ.

Ҳамойилсифат тортибон қуйниґа,
Илигин ҳамойил қилиб буйниґа.

Садди Искандарий, 417-б.

ҲАМПАР [*ф.* همپر] Бирга учувчи, биргаликда парвоз қилувчи.

Ҳар қушқина жуфти бирла пуржуш,
Ҳампар, бўлур учса, қунса ҳамдўш.

Лайли ва Мажнун, 78-б.

ҲАМРАНГЛИК [*ф.-т.* همرنگ لیک] Рангдошлик, бир хил рангда бўлишлик

Ул маҳи гулгун қабо бирла тилаб ҳамранглик,
Ґўта еб гулранг ашким баҳри ичра олмен.

Наводир уш-шабоб, 346-б.

Неча кунки ўтди, фироқ суъубатидин бетоқат бўлуб, аларни эриша бориб, аларґа етти ва ишқ иқтизоси билаки, маъшуққа ҳамранглик тақозоси қилур.

Насойим ул-муҳаббат, 463-б.

ҲАМРОҲСИЗ [*ф.-т.* همراه سز] Йўлдошсиз, сирдошсиз.

Деди: Не тўлганасен? Мен эллик ҳаж қилибмен, бош яланг, оёқ яланг ва зоду ҳамроҳсиз.

Насойим ул-муҳаббат, 224-б.

ҲАМСУҲБАТЛИК [*ф.-а.-т.* هم صحبت لیق] **1** Суҳбатдошлик.
2 Дўстлик, яқинлик.
3 Ўтиришлик, улфатчилик.

Ҳар важҳ ила нотавонга ҳамсуҳбатлиқ,
Куп яхшики, комронга ҳамсуҳбатлиқ,
Киши хатари ямонга ҳамсуҳбатлиқ,
Даре сафари ҳамонга ҳамсуҳбатлиқ.

Назм ул-жавоҳир, 173-б.

ҲАМУЛДАМ [*ф.-т.-ф.* همول دم] Худди уша пайтда, худди уша вақтда, уша дамда.

Саркаб ҳамулдам шаҳр эшигида отдин сарнигун йиқилди ва буйни синди.

Насойим ул-муҳаббат, 198-б.

ҲАНАС [*а.* حنث] Онт, қасам, қасамдан қайтиш.

Акобирдин бири дебдурки, мен Шайх Муфарриждин сурдумки, ҳар бирининг сузининг сидқи яна бирининг ҳанаси мужибидур, нечук ҳеч қайси хонис булмамиш булгай.

Насойим ул-муҳаббат, 414-б.

ҲАНГ I [*ф.* هنگ] Босиқлиқ, хушёрлик; билимли.

Шайх Шариф Балхда дебдурки, бизнинг Абу Мансурга Ҳирийда бир угул булди. Андоқ ҳанг. Ва ҳанг лафзидурки, жамеъ яхшиликлар анда даржсдур...

Насойим ул-муҳаббат, 229-б.

ҲАНГ II [*ф.* هنگ] Аскар, қушин, лашкар.

Қирққандин ики-уч кун утубон бўлмиш эди,
Уйлаким ҳанги пай эткайлар ики дилкаш ей.

Бадоеъ ул-васат, 407-б.

ҲАНГОМАБАР [*ф.* هنگامه بر] Баён қилинган.

Эшиттимки, бир тойири номабар,
Битик зимнида шарҳи ҳангомабар.

Садди Искандарий, 472-б.

ҲАНГОМСИЗ [*ф.-т.* هنگام سیز] Бевақт, бефурсат, бемавруд.

Неча тожвардур, кесарлар бошин,
Чу ҳангомсиз нагма тортар хурус.

Бадоеъ ул-бидоя, 633-б.

ҲАРАЖ [*а.* حرج] **1** Қийинчилик, қаттиқлик, мушкуллик.
2 Гирифторлик, мубталолик.
3 Густохлик.

Риёзат айламасун рўзгоринг ошуфта,
Адойи фарзу сунан қил, узунга қуйма ҳараж.

Фавойид ул-кибар, 70-б.

ҲАРАКАТЛИК [*а.-т.* حرکت لیك] Қимирлашлик, тебранишлик.

Чун бу мавзун ҳаракатлик дилкашлару бу матбуъ сифатлик шухвашлар эллик, олтмиш ё юзга бўлсалар эрди...

Ғаройиб ус-сиғар, 17-б.

ҲАРАМИЙ [*а.* حرمی] Хос жойлик.

Ҳе ҳарфининг ҳарамийларининг ҳуснороийлиги «Наводир» дин.

Наводир уш-шабоб, 77-б.

ҲАРЗАРАВ [*ф.* هرزه رو] Беҳуда юриш; бефойдалик.

Ҳарзарав улди кўпалак қуҳбавор,
Ҳулла дурур жисмида нақшу нигор.

Ҳайрат ул-аброр, 214-б.

ҲАРЗАРОЙ [*ф.* هرزه رای] Бемаъни, эзма; ҳар хил гапларни сўзлаб алжировчи.

Деди: «К-эй жунуншеваи ҳарзарой,
Недур буки, ҳар йил аро ўн бир ой».

Садди Искандарий, 405-б.

ҲАРИСА [*а.* هریسه] Диний тадбир ёки байрамларда кўпчиликка буғдой, гўшт ва ёғдан тайёрланадиган овқат, ҳалим.

[*Шайх Райҳон қ. с.*]. *Ул киши дебдур: Ё Шайх, ёғ керак! Шайх дебдурки, муни курунг, ҳарисани ёғсиз еялмас, мендин ёғ тилар.*

Насойим ул-муҳаббат, 415–416-б.

ҲАРИСАПАЗ [*а.-ф.* هریسه پز] Ҳалим пиширувчи.

Ул киши дебдур: Ё Шайх, дарвоза боғлиқдур ва очмен ва ҳеч егулик йўқдур. Тилармен, манга ҳариса берсанг! Шайх дебдурки... магар мен ҳарисапазмен?

Насойим ул-муҳаббат, 415-б.

ҲАРРОЗ [*а.* حراز] Қуриқловчи, сақловчи.

... балки андин ҳам афзунроқ, аҳволингдин хабар тутулғусидур ва ҳарроз вақтда сарвақтингга етилгусидур.

Ғаройиб ус-сиғар, 16-б.

ҲАРФ-БА(Р)ҲАРФ [*а.-ф.-а* حرف بحرف // حرف بر حرف] 1 Ҳарфма-ҳарф, ҳар бир ҳарфни алоҳида текширмоқ; нуқтама-нуқта, бирма-бир.

Умр этмай илм касбиға сарф,
Боқмай варақ узра ҳарф-барҳарф.

Лайли ва Мажнун, 41-б.

Азалдин бир атоға дол ҳар ҳарф,
Атоёнинг далили ҳарф-барҳарф.

Фарҳод ва Ширин, 56-б.

Тили зикри каломи раббоний,
Ҳарф-барҳарф забт этиб они.

Сабъаи сайёр, 42-б.

2 Сўзма-сўз; гапма-гап.

Сўз бошлари ичра ҳарф-барҳарф,
Бу қондин улуб ёзарда шингарф.

Лайли ва Мажнун, 306-б.

... ва дард муаллими мактабида ишқ кутубин лафз-балафз, балки муҳаббат авроқин ҳарф-баҳарф ўқумоқ...

Фарҳод ва Ширин, 66-б.

ҲАСАДГОР [*а.-ф.* حسد گار] Ҳасадчи, ғуролмовчи.

Вагар толеъ бўлуб куллий мададгор
Ки, булмай ахтари бахтим ҳасадгор.

Фарҳод ва Ширин, 474-б.

ҲАСАНИЙ [*а.* حسنی] **1** Чиройли ҳусн соҳиби.
2 Хос кишилар исми; сайиид авлоди, Муҳаммад Пайғамбар авлоди.

[*Шайх Абу Аҳмад...*]. *Ҳасаний шурафодин эрди ва ул вилоят ҳокими эрди ва онинг бир сингли ё эгачиси бор эрди.*

Насойим ул-муҳаббат, 224-б.

ҲАСТ [*ф.* هست] Бор, мавжуд.

Ҳасти нестнамой Бор эди йўқ каби; йўқдай бўлиб туюладиган борлиқ.

... барча оламга олам қайюми била ушбу мисолдурки, олам қайюми «ҳасти нестнамойдур»ки, олам зарротидин ҳеч заррага вужуд ва қивом узи била эмас.

Насойим ул-муҳаббат, 250-б.

ҲАСТНАМОЙ [*ф.* هست نمای] Бор каби.

Нести ҳастнамой Йўқ эди бор каби.

Бас туфроғ муҳарриклиғда «нести ҳастнамойдур» ва ҳаво «ҳасти нестнамой».

Насойим ул-муҳаббат, 251-б.

ҲАТМ [*а.* حتم] Аруз баҳрларидан бири.

«Ҳатм» – «ҳазф» ва «қаср» ижтимои, бас мафоъийлунда мафоъ қолғай ва фаъул анинг урнига қуярлар.

Мезон ул-авзон, 48-б.

ҲАФС [*а.* حفص] Чармли сават, чармдан ишланган нарса.

Зулфининг ҳар ҳалқасида бир шикандур уйлаким,
Ҳафс занжирида ҳар тавъ ичра бир аҳли гуноҳ.

Наводир уш-шабоб, 380-б.

ҲАҚҒУЗОРЛИҒ [*а.-ф.-т.* حقگزارلیغ] Ҳар бир ишда инсоф ва адолат юзасидан ёндашиш; одиллик, инсофлилик.

Ва ул иш санга боис ул бўлдики, фақр йули сулукига машғул бўлдунг, ул ҳақгузорлиғдурки, ҳоло бизга ҳай урарсен.

Насойим ул-муҳаббат, 318–319-б.

ҲАҚИР [*а.* حقیر] **1** Беқадр, эътиборсиз.

2 Кучсиз, ожиз.

3 Хор.

Ҳақир ул-жусса Озғин, заиф жуссали, кичик гавдали, паканалик.

Бағоят маҳрум ва вожиб ул-риоя ва номурод курундиким, ҳам ҳақир ул-жусса эрди ва ҳам сағир ус-син.

Мажолис ун-нафоис, 78-б.

Ҳақир ул-жусса учун асҳобқа мужиби баст ҳам бўлур.

Мажолис ун-нафоис, 80-б.

ҲАҚИҚАТМАОБ [*а.* حقیقت مآب] Ҳақиқатчи, ҳақиқат манбаи.

... ва ул авқотда жаноби ҳақиқатмаоб, қутби доираи ҳақикат ва муршиди аҳли шариат ва тариқат...

Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер, 98-б.

ҲАҚОЙИҚДИСОР [*а.* حقایق نثار] Ҳақиқат асарли, ҳақиқатдан баҳраманд бўлган, ҳақиқат билан туйинган; ҳақни севувчи.

Яна дақойиқшиор муҳаққиқлар хизматида ва ҳақойиқдисор мудаққиқлар ҳазратида арзим улдурурким, бу паришон абётким, шарҳ қилгондек тартиб топти...

Бадоеъ ул-бидоя, 24-б.

ҲАҚОЙИҚОСОР [*а.* حقایق آثار] Ҳақиқатчилар, ҳақиқат нишонлилар, ҳақиқат асарли.

... ва ҳақойиқосор зеҳнлари шеър тартиби ва иштиҳорига рағиб...

Мезон ул-авзон, 43-б.

ҲАҚ(Қ) [*а.* حق] **1** Тўғри, рост, чин, ҳақиқий.

2 Ҳақиқат.

3 Аллоҳ, Тангри, Парвардигор.

Ҳаққ ус-саъй Жидду жаҳд ҳақи, ҳаракат ҳақи.

Ва агар тамаъи ҳаққ ус-саъйидин камдур, эрлик ва мурувват анга мусалламдур.

Маҳбуб ул-қулуб, 19-б.

ҲИДО [*а.* هدا] Тўғри йўл, ҳақ дин.

Олам элига шафқат этиб аҳли ҳидо,
Иршод юзидин эттилар буйла нидо.

Муншаот, 220-б.

ҲИЖОБСИЗ [*а.-т.* حجاب سیز] **1** Бепарда, ёпинчиқсиз, тўсиқсиз

2 Беҳаё, бешарм, иффатсиз.

Паридек улки эрур шуҳлар аро маҳжуб,
Ҳижобсизу мен, улдур бу телбага матлуб.

Наводир ун-ниҳоя, 49-б.

ҲИЖОР [*а.* حجار] **1** Тошлар.

2 Денгизлардан бирининг номи.

Ҳижоридин қиёдур анга юз минг тийғ ила ожиз,
Ҳубобидин тенгиз юз минг кўз ила анга ҳайрондур.

Бадоеъ ул-бидоя, 122-б.

ҲИЙЛАПАРДОЗ [*а.-ф.* حیله پرداز] Ҳийлагар.

Ичинда ики минг киши чорасоз,
Бори ҳийлапардозу афсунтироз.

Садди Искандарий, 241-б.

ҲИЙЛАПАРДОЗЛИҒ [*а.-ф.-т.* حیله پردازلیغ] Ҳийлагарлик, найрангбозлик, фирибгарлик, маккорлик.

... тирик кишисин ўлукдек ётқузуб, кафан баҳоси олғонларнинг ҳийлапардозлиғи, вақфийлар бедодин ғариб талабанинг руқъа тиламаги...

Вақфия, 264-б.

ҲИККА [*а.* حکه] **1** Киши аъзосида баъзан пайдо буладиган қичима, қутир.

2 Ҳасад, рашк.

Қарига шаҳват агар берса хориш, андоқдур
Ки, қургузур қариган хез ҳиккаи шанъат.

Фавойид ул-кибар, 54-б.

ҲИКМАТАНДЕША [*а.-ф.* حکمت اندیشه] Билимдон кишилар; доно фикрли (киши).

Бу янглиг демиш ҳикматандеша хайл
Ки, ҳамжинс қилмоқ бири бирга майл.

Садди Искандарий, 542-б.

ҲИКМАТПАЗИР [*а.-ф.* حکمت پذیر] Ҳикмат ва билимларга қизиқувчи

Яқинким, билур шоҳи ҳикматпазир,
Табиатқа ўз шонидин йўқ гузир.

Садди Искандарий, 474-б.

ҲИЛЛА [*а.* حله] Жой номи, урмон.

[*Абулаббос Арзизий қ. с.*]. *Булар таҳқиқ қилгандин сунгра андак маълум қилдиларким, ул йигит Ҳилланинг раисининг ўғли экандур.*

Насойим ул-муҳаббат, 100-б.

ҲИМАМ [*а.* همم] **1** Ирода, зўр иштиёқ, қасд; жиду жаҳд; ният, бирор ишга қаттиқ уриниш, ғайрат билан киришиш.

2 Саховат, жавонмардлик.

[*Зуннун Мисрий қ. т. с.*]. *Шайх ул-ислом дедиким, ул сунгги сафар қадам била эмас эрдики, они қадам била бормаслар ва ҳимам била борурлар ва анинг жинозасиға қўлака солгон қушлардек.*

Насойим ул-муҳаббат, 31-б.

ҲИНДИЙНАЖОД [*ҳ.-ф.* هندي نژاد] Ҳинд авлоди, ҳинд наслидан.

Гўзорандаи донойи ҳиндийнажод,
Бу тарихни мундоқ айлар савод.

Садди Искандарий, 293-б.

Канизеким ул булса ҳиндийнажод,
Не ҳиндийнажод, айт кашмирзод.

Садди Искандарий, 413-б.

ҲИНДУСТОНИ(Й) [*ҳ -ф.* هندوستاني] Ҳиндистонлик.

Бу афсар бирла шаҳ демаслар они
Ки, бор асли ямон Ҳиндустони.

Фарҳод ва Ширин, 462-б.

Қабул айламасга доғи қайда ҳад
Ки, ҳиндустонийда бўлмас хирад.

Садди Искандарий, 299-б.

ҲИНЖАТ [*а.* حيجت] Вақтлар, пайтлар, замонлар.

Ул замон ҳар сари юзланса ҳумоюн мавкабинг,
Солиб офақ ичра рустохез шайну ҳинжатин.

Бадоеъ ул-васат, 483-б.

ҲИНЖОР [*ф.* هنجار] Йўсин, йўл, тариқ, қоида, тартиб, равиш.

Ариғ ҳинжарин андоқ айлабон соз,
Муҳандис пеша айлар эрди падоз.

Фарҳод ва Ширин, 253-б.

Дебон қупти жаҳондин силкибон қул,
Адам даштиға ҳинжор айлабон йўл.

Фарҳод ва Ширин, 402-б.

ҲИРИ(Й) [*ф.* هري] Жой номи, Ҳирот сузининг бошқа шакли.

Навоий, ўзга шаҳу узга кишвар этма ҳавас,
Ки топмағунг шаҳи Ғозий била Ҳирий янглиғ.

Наводир ун-ниҳоя, 262-б.

Хиёбонда Навоий сабрини гар хублар олди,
Ўзидин воқиф улсун, негаким шаҳри Ҳиридур бу.

Фавойид ул-кибар, 352-б.

ҲИРИЙЛИҚ, -лик [*ф.-т.* هري ليك // هري ليق] Ҳиротлик, Ҳирот шаҳридан; Ҳиротда яшовчи.

Мавлоно Жунуний – ҳирийлиқдур.

Мажолис ун-нафоис, 24-б.

Мавлоно Ишқий – ҳирийлик эрди ва қасидани пухта айтур эрди.

Мажолис ун-нафоис, 50-б.

Аммо табъида хили чошниси бор. ҳирийлиқдур.

Мажолис ун-нафоис, 108-б.

ҲИСОБСИЗ [*а.-т.* حساب سز] Беҳисоб, ҳисоби йўқ.

Сўзи ҳисобсиз – узи иҳтисобсиз.

Маҳбуб ул-қулуб, 99-б.

ҲОЖАТМАНДЛИК [*а.-т.* حاجتمند لك] Муҳтожлик, эҳтиёжлилик

[*Шайх Абулфазл...*]. *Яна айтти: бандаликнинг ҳақиқати икки нарса: бири Аллоҳга ҳожатмандлик қилишдурким, бу бандаликнинг асосидур...*

Насойим ул-муҳаббат, 200-б.

ҲОЗО [*а.* هذا] Бу, шу кўрсатиш олмошлари.

Ало ҳоз ал-қиёс Шунга қиёсан, шунга мувофиқ.

Бир мутааййин нимаким, «оқ уйдур», анга «хиргоҳ» от қуюптурлар. Аммо анинг ажзосининг кўпини турк тили била айтурлар. Андоққи, тунглук ва узук... бусаға ва эркина ва ало ҳоз ал-қиёс.

Муҳокамат ул-луғатайн, 20-б.

Ҳоз ал-қиёс [هذاالقياس] Қиесан.

Ҳозо Рабби Мана шу Парвардигорим.

Бир кеча бу фикрда эрди, ҳар кавкаб тулуъ қилса «ҳозо рабби» ишорати била хушҳол бўлуб, ғуруб қилгоч, навмид бўлур эрди.

Тарихи анбиё ва ҳукамо, 114-б.

ҲОЗИР [*а.* حاضر] **1** Бирор иш, вазифа учун тайёр; шай.

2 Шу он, шу лаҳза, айни пайт.

3 Чақириқ, мурожаат.

Ҳозир ул-вақт Вақт ҳозири.

[*Абулҳусайн Қарофий р. т.*]. *Шайх ул-ислом дебдурки, Қарофий ўз вақтида дунёнинг ягонаси ва беназири эрди. Бас ҳадд ун-назар ва ҳозир ул-вақт.*

Насойим ул-муҳаббат, 160-б.

ҲОКИМСУРАТ [*а.* حاكم صورت] Ҳокимсуврат, ҳоким кўринишли.

Ҳокимсурату дарвешсийрат, балки Дарвеш исми ҳукумат қисм, яъни ахавий маоби давлат иёбқа мавоизосо калом ва насойиҳи молокалом демак.

Садди Искандарий, 559-б.

ҲОЛА [ф. هاله] Ой атрофидаги ғуборли айлана.

Ул қуёш ҳажрида отсам кечалар новаки оҳ,
Ҳоладин чарх тутар дафъига қалқон ўтру.

Фавойид ул-кибар, 455-б.

ҲОМИД [*а.* حامد] Шукр қилувчи, мақтовчи, сано айтувчи.

Ҳамд ангаким вожиби биззот эрур,
Ҳомид анинг зотиға заррот эрур.

Ҳайрат ул-аброр, 15-б.

ҲОНИС [*а.* خائن] Қасамдан қайтган, онтни бузган.

Ҳонис бўлмамоқ Қасамни бузмаслик.

Ва ҳеч қайсининг онти ҳонис бўлмамиш бўлғай.

Насойим ул-муҳаббат, 414-б.

ҲОТАМЛИҚ [*а.-т.* حاتم لیق] 1 Саховатлик, сахийлик.

2 Ибн Абдуллоҳ бин Саъднинг лақаби.

3 *тасаввуфда* Йўл юришлик.

. . Базмда даъволари Ҳотамлиқ, размда талошлар Рустамлиқ.

Маҳбуб ул-қулуб, 18-б

ҲОТИФИЙ [*а.* هاتفي] Овоз берувчилик, товуш чиқарувчилик, ғойибдан овоз берувчилик.

[*Абулхайр Ҳабаший қ. т. с.*]. *Ҳар қачон биравдин нима тиламак хаёл қилдим, ҳотифий нидо қилдиким, уялмассенким, ул юзники, бизинг оллимизда сажда қилур, ғайр илайида хор қилғайсен?*

Насойим ул-муҳаббат, 151-б.

ҲОФИЗАЛИҚ [*а.-т.* حافظه لیق] Эсда сақлаш қобилияти.

Қавий ҳофизалиқ Кучли ҳофизалик.

Кичик Мирзо – хуб табълиқ, тез идроклиқ, шўх зеҳнлик, қавий ҳофизалиқ йигит эрди.

Мажолис ун-нафоис, 169-б.

ҲОФИЙ [*а.* حافي] Оёқ яланг, камбағал.

Гар худ ул уй соҳиби ҳофий эрур,
Истари аввал майи софий эрур.

Ҳайрат ул-аброр, 227-б.

ҲОШАЛИЛЛОҲ [*а.* حاشا لله] Аллоҳ ҳамма нарсани кўриб турибди! Аллоҳ сақласин! Эй Аллоҳ, сендан паноҳ тилайман!

2 Асло, сира.

Ҳошалиллоҳким, Навоий айлагай тарки вафо,
Бевафо кофирлар олса жонни ҳам, имонни ҳам.

Наводир ун-ниҳоя, 362-б.

ҲУБОБОСО [*а.* حباب آسا] Пуфакчага ўхшаш. сув юзида пайдо буладиган пуфакчаларга ўхшаш.

Ҳавойи ишқдурким, бузғай уйларни ҳубобосо,
Бузулгачким ҳаво чикса кўзум баҳри ҳубобидин.

Наводир ун-ниҳоя, 388-б.

ҲУДУС [*а.* حدوث] Содир буладиган, пайдо буладиган, вужудга келадиган; бир нарсанинг янгитдан пайдо булиши

Агарчи дард ҳудусидур улча мумкин эрур,
Валек бўлмади бир дардима даво ҳодис.

Наводир уш-шабоб, 70-б.

Ва мундоқ кишининг ҳукми улдурки, ҳеч ҳодисае ҳаводисдин анга воқеъ бўлмағайки, аввал анинг ҳудусидин анга хабар қилмағайлар.

Насойим ул-муҳаббат, 490-б.

ҲУЖЖОБ [*а.* حجاب] Парда тутувчи, пардодор, дарвозабон, эшик посбони [*Жорияи Мажҳула р. т.*]. *Деди: эй жавонмард, тақвони озугунг қил ва зуҳдни йулунг ва вараъни боргиринг ва қурқунчлуғлар тариқида сулук қил, то еткайсен бир эшиккаки, не ҳужжоб қўргайсен анда, не баввоб.*

Насойим ул-муҳаббат, 494-б.

ҲУЖЛА [*а.* حجلة] **1** Чодир, утов.

2 Гўшанга, чимилдиқ.

Латофат ҳужласи Латофат уйи.

Бу ҳужла эрур ҳарими иффат,
Эсмай анга жуз насими иффат.

Лайли ва Мажнун, 113-б.

... ва маоний ақмиишаси нафойисин бу латофат ҳужласи аройиси учун ғайб тужжоридин ҳаёт нақдин бериб савдо қилмоқ...

Фарҳод ва Ширин, 41–42-б.

ҲУЖЛАНИШИН [*а.-ф.* حجله نشين] **1** Парда ичида утирувчи.

2 Келин-куёв учун тайёрланган ораста уй, келинчак уйи.

Аслида ул ғазолаи мушкин,
Чин фазосида эрди ҳужланишин.

Сабъаи сайёр, 101-б.

ҲУЗУЗ [*а.* حظوظ] Баҳралар, насибалар, улушлар; хуррамликлар, хурсандликлар, лаззатлар, роҳатлар.

Сабр ўзни чиқармоқдур ҳузуз нафсонидин ва танаъумот жисмонидин ва нафсни ҳабс қилмоқдур ибодат меҳнатида ва қадамни собит қўймоқдур риёзат суубатида.

Маҳбуб ул-қулуб, 56-б.

ҲУЛИЙ [*а.* حلي] Зийнат, зеб, безак, ороиш.

Баҳор мошитаси саъйи бирла кийдурдунг
Чаман аруси юзу қаддига ҳулийю ҳулал.

Наводир уш-шабоб, 266-б.

ҲУЛЛАЛИҚ, -лик//-лиг [*а.-т.* حله ليق // حله ليغ // حله ليك] Безакли, нозик ва нафис кийимлик; ипакли нафис матолик; либослик.

Иситма ранжидин, эй гул, бўлубсен ғунча андоқким,
Ҳариру ҳуллалиқ жисминг тушубтур печу тоб ичра.

Бадоеъ ул-васат, 376-б.

... шафақгун ҳуллалик хуршид била соғари ёқутфом ичинда лаъл ранг май ичгони...

Сабъаи сайёр, 236-б.

Керак либоси малоҳатда маҳваш эл дилкаш,
Гар эгни ҳуллалиг ўлсун, вагар тани бузлук.

Фавоийд ул-кибар, 225-б

ҲУНАРЛИҚ [*ф.-т.* هنرليق] Маҳоратлик, моҳирлик; фазилатлик; ҳаммага маъқул иш тутишлик.

Куп ҳунарлиқ кимса шаҳларга этар дамсозлиқ,
Қуш тилин билган Сулаймонга этар ҳамрозлиқ.

Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер, 89-б.

ҲУНАРСИЗ [*ф.-т.* هنرسيز] Беҳунар, ишсиз; касб-корсиз.

Ким бўлса ҳунарсиз иши-уқ ранжи эрур,
Бу важҳ илаким, ҳунари ганжи эрур.

Назм ул-жавоҳир, 146-б.

ҲУНИЛАМАК [*т.* هونيلا مك] Ўқ визиллаб кетмоқ

Ўқ ҳунилаб ут ёлиндек ҳар тарафким қуйса юз,
Юз кўнгулни куйдуруб, юз жонни вайрон қилгуси.

Ғаройиб ус-сиғар, 467-б.

ҲУРМАК [*т.* هورمك] **1** Дам урмоқ, дам солмоқ, пуфламоқ
2 Дуо ўқиб, «куф-суф» қилмоқ, куф-суфламоқ

Тумон дедиким, балчиғдин қуш ясаб, дамини анга ҳуруб, руҳ танига киюрур.

Тарихи анбиё ва ҳукамо, 178-б.

Мавлоно бу суга дуойи ўқуб, ҳуруб юборсаларки, ул ичса, шояд муборак нафаслари баракатидин анга шифое еткай.

Насойим ул-муҳаббат, 360-б.

ҲУРИСИЙМО [*а.* حورسيما] Малак сиймо, фаришта сифат, ҳур юзли, гўзал.

Сенга не гам мен киби мажнуни шайдодин йироқ,
Иш менгадур сен париваш ҳурисиймодин йироқ.

Наводир ун-ниҳоя, 275-б.

ҲУРКУТМАК [*т.* هورقوتمك] Чўчитмоқ, қуркитмоқ, узоқлаштирмоқ, кочирмоқ, ҳуркитмоқ.

Даҳр бустонида қилмоқ сайр айлаб ҳоюҳуй
Ҳарза кезмакдур ҳаётинг қушларини ҳуркутуб.

Бадоеъ ул-бидоя, 78-б.

ҲУСАЙНИЙ [*а.* حسيني] Ҳусайн (626–680) – Али ибн Абу Толибнинг Фотимадан туғилган кичик ўғли. Муҳаммад алайҳиссаломнинг набираси учинчи шиа мазҳаби имоми) га мансуб мазҳаб, шиа мазҳаби.

Мен Ҳусайний мазҳаб ар ҳамроҳ эмасмен, йўқ ажаб
Чун Навоий ҳар дам оҳанги Ҳижоз айлар, нетай?

Наводир уш-шабоб, 445-б.

ҲУСНИХАТ [*а.* حسن خط] Чиройли ёзув.

Ҳуснихатдин сабзипуш улмоққа норози эдим,
Кур не ҳол улгайки, ул кисватни эмди шол этар.

Наводир ун-ниҳоя, 166-б.

ҲУШСИЗЛИК [*ф.-т.* هوش سيزليك] Беҳушлик, ҳуши узида эмаслик, ақлсизлик.

Жунуну ҳушсизлик, даги уйқу
Ки, булгай такяда ноқисдурур бу.

Сирож ул-муслимин, 281-б.

АРАБИЙ (АЙРИМ ФОРСИЙ) БИРИКМА ВА ИБОРАЛАРНИНГ ИЗОҲИ ҲАМДА ТАЛҚИНИ

Аббада л-лоҳу таоло зилол шафатиҳи ало нафориқи л-муҳиббин ила явмиддин عَبَّدَ اللهُ تَعَالَى زِلَالَ شَفَقَتِهِ عَلَى نَفَارِقِ الْمُحِبِّينَ إِلَى يَوْمِ الدِّينِ Аллоҳ таоло шафқат соясини дўстлар айрилиғи устида то қиёмат абадий қилсин.

Ҳаттоким, ҳазрати салтанат шиор, хилофатдисор Султон Бадиуззамон Мирзо (Аббада л-лоҳу таоло зилол шафатиҳи ало нафориқи л-муҳиббин ила явмиддин) Мозандарон мулкидин қиши йиборib, алар (Жомий) азоси учун баъзига либослар илтифот қилиб эрдилар...

Хамсат ул-мутаҳаййирин, 79-б.

Або ан жад أَنَا أَنْجَدُ Отанинг хирқа ва сажжодаси.

[*Хожа Халил р. т.*]. ... *«або ан жад» анга тегибдур ва ато авлоди орасида нақиб эркандур.*

Насойим ул-муҳаббат, 421-б.

Адаб ул-маръи хайрун мин заҳабиҳи أَدَبُ الْمَرْءِ خَيْرٌ مِنْ ذَهَبِهِ Кишининг одоби унинг олтинидан яхшидир.

Адаб ул-маръи хайрун мин заҳабиҳи
Олтин-кумуш этма касб давлат кунидин,
Ким тортар адаб улусни меҳнат тунидин,
Гар иуқтур адаб, не суд олтун унидин,
Элнинг адаби хушрок эрур олтунидин.

Назм ул-жавоҳир, 137-б.

Ад-дайну шайн уд-дини اَلدَّيْنُ شَيْنُ الدِّينِ Қарз – бу дин узра доғдур (қарз адоси – бу дин нишонасидур).

Ад-дайну шайн уд-дини
Аҳли дин ул дурурки қилғай адо,
Бот агар зиммасинда дайн улғай.
Дайн адоси чу дин аломатидур,
Беадолиқ динга шайн улғай.

Арбаъин, 265-б.

Аддиб иййака танфаъуҳум أَدِّبْ إِيَّاكَ تَنْفَعْهُمْ Фарзандларингни тарбия қил – уларга фойда келтирасан.

Аддиб иййака танфаъуҳум
Топтинг чу аёл яхшилиқ еткургил,
Ўргат адабу яхши қилиқ еткургил,
Ҳар неча адаб булса қатиг еткургил,
Хайлингга адаб қилиб асиг еткургил.

Назм ул-жавоҳир, 137-б.

Ад-дунё малъунатун ва малъунун ма фийҳа илла зикраллоҳи таоло اَلدُّنْيَا مَلْعُوْنَةٌ وَ مَلْعُوْنٌ مَا فِيْهَا اِلَّا ذِكْرُ اللهِ تَعَالَى Дунё малъундир, Тангри ёдидан ўзга дунёдаги барча бефойда ишлар ҳам малъундир.

Ад-дунё малъунатун ва малъунун ма фийҳа илла зикраллоҳи таоло.
Дунёву ҳар не андадур мавжуд
Бўлди Ҳақ лаънати гирифтори.
Ғайри Ҳақ зикриким, эрур зокир
Тенгрининг раҳмати сазовори.

Арбаъин, 263-б.

Адлун соатен йў возию амала сақлайна عَدْلُ سَاعَةٍ يُوَازِيْ عَمَلَ ثَقَلَيْنِ Бир соатлик одиллик икки дунё ҳаракатларига баробар.

Султониким ... анинг шаънида нозил ва адолат шиорике, «адлун соатен йў возию амала сақлайна» мужсаидурур.

Вақфия, 241-б.

Адоъ уд-дайни мин ад-дини اَدَاءُ الدَّيْنِ مِنَ الدِّيْنِ Бурчни адо этиш диндандир.

Адоъ уд-дайни мин ад-дини
Хуб эрмас дайн муддаоси элга,
Ким, қаттиғ эрур бурч балоси элга,
Қайтармоқ эрур анинг давоси элга,
Ким, диндин эрур бурч адоси элга.

Назм ул-жавоҳир, 137-б.

Адуввун оқилун хайрун мин садиқин жоҳилин عَدُوٌّ عَاقِلٌ خَيْرٌ مِنْ صَدِيْقٍ جَاهِلٍ Аҳмоқ дўстдан ақлли душман яхши

Адуввун оқилун хайрун мин садиқин жоҳилин
Ҳар кимки, хирад йўли сори мойил эса,
Бу дўст анга ҳар нечаким қойил эса,
Бир дўстдин ортуқдур агар жоҳил эса,
Андоқ душманки, зийраку оқил эса.

Назм ул-жавоҳир, 164-б.

Азҳару мин аш-шамс اَزْهَرُ مِنَ الشَّمْسِ Қуёшдан порлоқ

Паҳлавон Муҳаммад Гуштигирким, куб фазойил била оростадурким... Чун камолоти «азҳару мин аш-шамс» дур.

Мажолис ун-нафоис, 114-б.

Азҳума филғор اَذْهَمُ فِي الْغَارِ Мушкулот ғори.

Соний иснайн азҳума филғор Мушкулот ғоридаги иккинчи одам.

Улки султони Расулнинг ёридур,
Соний иснайн азҳума филғоридур.

Лисон ут-тайр, 21-б.

Айб ул-каломи тавийлуҳу عَيْبُ الْكَلَامِ طَوِيْلُهُ Узундан-узоқ гап – нуқсонли гапдир

Айб ул-каломи тавийлуҳу
Бермас татвил чун сухандон сузга
Қил мухтасар улча булгай имкон сузга,
Куп айб топар кимса фаровон сузга,
Чун чекти узоққа, етти нуқсон сузга.

Назм ул-жавоҳир, 164-б

Айюҳа-с-соқий лано даъ мо кадар ҳаз мо сафо أَيُّهَا السَّاقِي لَنَا دَعْنَا كَدَرِ حَظُّ مَا صَفَا Эй соқий сафосини ол, ифлосини ташла! Эй соқий, йўқлик косасидан сафо аҳлига қани?

Тийракликдур даҳр иши, софий фано жомию бас,
Айюҳа-с-соқий лано даъ мо кадар ҳаз мо сафо.

Наводир уш-шабоб, 29-б.

Ал абду ва мофаадиҳи кана лилмавлоҳу الْعَبْدُ وَ مَفَادُهُ كَانَ لِلْمَوْلَى Қул ва унга тегишли ҳамма нарса хожасиникидир.

... ва анинг мазмуни жавобида «Ал абду ва мофаадиҳи кана лилмавлоҳу» савтига мутараннум бўлди.

Муншаот, 158-б.

Алайка бил-ҳифзи дун ал-жамъи минал-кутуби عَلَيْكَ بِالْحِفْظِ دُونَ الْجَمْعِ مِنَ الْكُتُبِ Китобларни йиққандан кўра, ундаги нарсаларни хотирангда сақлаганинг яхшироқ бўлади.

Алайка бил-ҳифзи дун ал-жамъи минал-кутуби
Дониш тилаю ҳар сори гар кетгайсен,
Ҳифз айламасанг варақ йиғиб нетгайсен,
Саъй айлаки, ҳифзи ганжига етгайсен,
Йўқ улки, кутуб саъй ила жамъ этгайсен.

Назм ул-жавоҳир, 165-б.

Ал-айш اَلْعَيْشُ Шодмонлик, хуррамлик

Мушкуллик илаки иш адоси келди,
Сунгра анга «ал-айш» нидоси келди,
Иш саъбки, одами балоси келди,
Осонлиғу айши ибтидоси келди.

Назм ул-жавоҳир, 165-б.

Алайҳит-таҳиятиҳи ва л-сано عَلَيْهِ التَّحِيَّةُ وَالثَّنَاءُ Унга Тангрининг мақтови бўлсин!

Бу фақир имом Али Мусо ар-Ризо (Алайҳит-таҳиятиҳи ва л-сано) зиёратидин ҳамул йилким алар нақл қилдилар, шаҳрга келдим.

Ҳамсат ул-мутаҳаййирин, 68-б.

Алайҳит-таҳияту вас-саламу عَلَيْهِ التَّحِيَّةُ وَالسَّلَامُ Унга Аллоҳнинг мақтови ва саломи булсин!

[*Мир Ғиёс қ. р.*]. *Мир чун Машҳадқа етти, бир кеча Имом Али алайҳит-таҳияту вас-саламу равзасида иҳё қилур эрдиким ...*

Насойим ул-муҳаббат, 410-б.

Ала қадр ил-муттақини ва ало қадр ил-мутаваккалина عَلَى قَدْرِ الْمُتَّقِينَ وَ عَلَى قَدْرِ الْمُتَوَكِّلِينَ Тақводордан ҳам кўра Аллоҳга таваккал қилувчиларнинг қадри кўпрокдир.

Ала қадр ил-муттақина ва ало қадр ил-мутаваккалина
Не булгусидур аҳли тажоҳул қадри,
Ё зумраи аъвону такосул қадри,
Йўқ дайрда арбоби тағофул қадри,
Беҳад бўлур асҳоби таваккул қадри.

Назм ул-жавоҳир, 165–166-б.

Ал-балоу муаккалун бин-нутқи البلاء موكل بالنطق Ҳамма бало – тилдандир

Ал-балоу муаккалун бин-нутқи
Деди кўп сузлаган хато кўп этар,
Улки дерлар ани валиюллоҳ.
Ҳар балоким етар-эрур суздин,
Буйла ҳукм айлади набиюллоҳ.

Арбаъин, 269-б.

Ал-ваъдату дайнун الوعدة دين Ваъда – бу қарздир.

Ал-ваъдату дайнун
Кимки ҳар кимга ваъдае қилди,
Шарт эрур ваъдага вафо қилмоқ.
Ваъдаким қилдинг уйладурким дайн,
Фарздур қарзни адо қилмоқ.

Арбаъин, 264-б.

Ал-жаннату таҳта ақдому уммаҳати الجنة تحت أقدام أمهاتها Жаннат оналар оёғи остидадир.

Ал-жаннату таҳта ақдому уммаҳати
Оналарнинг оёғи остидадур
Равзаи жаннату жинон боғи.
Равза боғи висолин истар эсанг,
Бул Онанинг оёғи туфроғи!

Арбаъин, 269-б.

Ал-илму индаллоҳ العلم عند الله Илмда Аллоҳ мартабали, ҳар нарсани билувчи Аллоҳнинг ўзидир.

[*Кўк Шайх а. р.*]. *Ул куёв беандомлиғидин нохуш суз кўп айтиб, Шайхни малул қилибдур. Шайхнинг ғазаби юзидин тилига ўтубдурки, «кур бўл, шариат юкини чек!» Ул киши ҳамулдам нобино бўлибдур, ал-илму индаллоҳ.*

Насойим ул-муҳаббат, 422-б.

Ал-илму ла яҳиллу манъҳу العلم لا تهلوا منعه Илмда бахиллик йўқ.

Ал-илму ла яҳиллу манъҳу
Эй хирадманд олимеки, санга
Илмдин рузий айлади сонеъ.
Киши ўрганса қилмағил маҳрум,
Ёки нафъ олса бўлмағил монеъ.

Арбаъин, 268-б.

Ал-иймону ан туъмину биллаҳи ва малоикатиҳи ва кутубиҳи ва расулиҳи ва бил-явмил-охири ва бил қадари хайриҳи ва шарриҳи الإيمان عن تومن بالله و ملائكته و كتبه و رسوله و باليوم الآخر وبالقدر خيره و شره Иймон дегани бу – Аллоҳга, унинг малоиклари китоблари, пайғамбарлари, қиёмат куниги иймон келтириш ҳамда тақдирнинг яхши ёки ёмонлиги Аллоҳдан эканлигига ишонишликдир.

Иймон шарҳидаким, «ал-иймону ан туъмину биллаҳи ва малоикатиҳи ва кутубиҳи ва расулиҳи ва бил-явмил-охири ва бил қадари хайриҳи ва шарриҳи» демакдин мақсуд бу калимот эмас ва агар аҳли зоҳир муни иймон деса, аҳли маъни демас...

Ҳайрат ул-аброр, 100-б.

Ал-инсону убайд ал-эҳсон الإنسان عبيد الإحسان Одам яхшиликларнинг қули.

Яна бир амри азим эҳсондурким, анинг баёнида кўп сўз аёндур. Ал-инсону убайд ал-эҳсон анга дол...

Маҳбуб ул-қулуб, 77-б.

Алишер ал-мутахаллис бин Навоий ғаффара зунубаҳу ва саттара айюбаҳу علي شير المتخلص بن نوائي غفر ذنبه و ستر أيوبه Навоий тахаллусли Алишернинг гуноҳларини (Тангри) кечирсин ва айбларини беркитсин.

... ва назм гулистонининг андалиби нағмасаройи, яъни Алишер ал-мутахаллис бин Навоий ғаффара зунубаҳу ва саттара айюбаҳу мундоқ арз қилурким...

Муҳоқамат ул-луғатайн, 8-б.

Ал-калимат ут-таййибату садақатун الكلمة الطيبة صدقة Яхши сўз – садақадир.

Ал-калимат ут-таййибату садақатун
Яхши суз бирла ҳожат аҳлин сўр,
Бермасанг яхши туъмадин нафақа.
Не учунким расул қавли билан
Яхши суз бордур уйлаким садақа.

Арбаъин, 268-б.

Аллам аласмоа куллаҳа علم الأسماء كلها Тангри таоло одамни мукаррам тутиб, унга ҳамма исмларни ўргатди.

Субҳоналлоҳ не қудрати комиладурким, инсонни... каримаси мазмуни бирла «аллам аласмоа куллаҳа!».

Муҳоқамат ул-луғатайн, 7-б.

Аллама одамаал асмао куллаҳа علم آدم الأسماء كلها Ва У зот Одамга барча нарсаларнинг исмларини ўргатди... [2:31].

Чун инсон кисватин одамга кийдурдилар Ҳақ субҳонаҳу ва таоло асмои ҳуснани анга ургаттиким ва аллама Одамаал асмоа куллаҳа...

Тарихи анбиё ва ҳукамо, 99-б.

Ал-мажолису бил-амонати المجالس بي الأمانت Мажлисларда эшитганинг – омонат.

Ал-мажолису бил-амонати
Қайси мажлисдаким эшитсанг сўз,
Билгил ул суз санга амонатдур.
Гар ани узга ерда нақл этсанг,
Ул амонатга бу хиёнатдур.

Арбаъин, 264-б.

Алминнату лиллаҳ اَلْمِنَّةُ لِلّٰهِ Аллоҳдан миннатдормиз.

Дайр ичра яна кирдим бир журъа учун, вах,
Ул бут манга миннат қуяр алминнату лиллаҳ.

Фавоиид ул-кибар, 356-б.

Алминнату-ллоҳи таборак ва таоло اَلْمِنَّةُ لِلّٰهِ تَبَارَكَ وَ تَعَالَى Муборак яратувчи, Аллоҳ таолодан миннатдормиз.

Алминнату-ллоҳи таборак ва таоло
Ким биза етишти бу сифат мансаби воло.

Вақфия, 240-б.

Ал-муслиму ман салим ал-муслимуна мин ядиҳи ва лисониҳи اَلْمُسْلِمُ مَنْ سَلِمَ الْمُسْلِمُوْنَ مِنْ يَدِهِ وَ لِسَانِهِ Қули ва тилидан мусулмонларга озор етмайдиган кишигина ҳақиқий мусулмондир.

Ал-муслиму ман салим ал-муслимуна мин ядиҳи ва лисониҳи
Ким мусулмонлиг айласа даъво
Чин эмас гар фидо қилур жонлар.
Ул мусулмондурурки, солимдур.
Тилию илгидин мусулмонлар.

Арбаъин, 262–263-б.

Ал-мусташору муътаминун اَلْمُسْتَشَارُ مُؤْتَمَنٌ Маслаҳатчи – ишончга сазовордир.

Ал-мусташору муътаминун
Ҳар кишиким бировни маҳрам этиб,
Машваратда амини роз этти,
Гар яшурди билиб салоҳ сузин,
Ўзини қалбу ҳийласоз этти.

Арбаъин, 265-б.

Ал-мутахаллиқу биахлоқиллоҳи اَلْمُتَخَلِّقُ بِأَخْلَاقِ اللهِ Тангри таолонинг ахлоқларини қабул қилгувчилар.

Мосиволлоҳ лавси орийдин қутилди ва «ал-мутахаллиқу биахлоқиллоҳи» сифати била мутаассиф бўлди.

Маҳбуб ул-қулуб, 64-б.

Ало қадри маротибиҳим عَلَى قَدْرِ مَرَاتِبِهِمْ Даража, мартабаларига кура.

... ва бадоеъ тазйин воқеъ бўлубтур: «ало қадри маротибиҳим».

Назм ул-жавоҳир, 126-б.

Ало ҳаддиҳи عَلَى حَدِّهِ Даража, миқдорига кўра.

Шайх Абдурраҳмон Суламий табақоти машойихнинг соҳиби р. т. нисват ун-обидот ва нисо ун-орифот аҳволи зикрида ало ҳаддиҳи китобе жамъ қилибдур.

Насойим ул-муҳаббат, 482-б.

Ал-умрат айн اَلْعُمْرَةُ عَيْنٌ Ҳаёт булоғи, тириклик чашмаси.

Деди оғзимдур сенинг умрунг, висолин истагил,
Умр агар будур висолин топқамен ал умрат айн.

Наводир ун-ниҳоя, 435-б.

Ал-уҳдату алар-ровий اَلْعُهْدَةُ عَلَى الرَّاوِيْ Сўзнинг тўғри ёки нотўғрилиги айтган кишилар гарданига.

[*Суфий Пири Сесадсола-форсигўй шоирлардан*]. *Суфийнинг мизожанинг тезлик ва нозиклиги бу ғоятгача дерларким... сафиҳона алфоз била фаҳш айтур эрмиш ва таёгламоқга даги ҳам қилур эрмиш (Ал-уҳдату алар-ровий).*

Мажолис ун-нафоис, 133-б.

Аляъсу эҳдар-роҳатайн عَلَى اَهْدَرِ الرَّاحَتَيْنِ Умидсизлик – икки роҳатнинг бири.

Соқиё, куп ваъда қилдинг роҳ ила роҳат етур,
Иуқса қил маъюским, аляъсу эҳдар-роҳатайн.

Наводир ун-ниҳоя, 435-б.

Ал-қанаъату канзун ло юфно القناعة كنز لا يفنى Ҳар неча нафъ топса, қаноат қилмас.

Қонеъ васфидаким «алқанаъату канзун ло юфно» мазмуни била амал қилур...

Ғаройиб ус-сиғар, 556-б.

Ал-қанаъату молун ло яфна القناعة مال لا يفنى Қаноат – туганмас бойликдир.

Ал-қанаъату молун ло яфна
Ҳирсдин кечгил ул ғамедурким,
Ҳадду ғоят эмас анга пайдо.
Тут қаноатки, ул эрур моле
Ки, ниҳоят эмас анга пайдо.

Арбаъин, 265-б.

Ал-ғинал-яъсу мимма фи айдин-наси الغنا اليأس مما في أيد الناس Ҳақиқий бойлик – бу одамлар қулидаги нарсалардан умидвор бўлмаслик, тамаъ қилмасликдир.

Ал-ғинал-яъсу мимма фи айдиннаси
Бойлиг истар эсанг эл илигидин
Ҳар на курсанг боридин ул навмид,
Бул ғино баски, халқдин кечибон
Тутсанг уммид ҳақдин-ўқ жовид.

Арбаъин, 267-б.

Ал-ҳазму суъ уз-занни الحزم سوء الظن Ишонмаслик – эҳтиёткорликдир.

Аз-ҳазму суъ уз-занни
Ҳазм боис дурур ангаки, мудом
Иши эл сори бадгумон ўлгай.
Доимо эҳтиёт этар ангаким,
Қайдлардин ҳама амон ўлгай.

Арбаъин, 268-б.

Алҳамду лиллаҳи имтоза-л-инсона ало соирил- маҳлуқоти бишарафи-н-нутқ ва-л-лисони ва азҳара мин азубати лисониҳи ва ҳаловати баёниҳи суккар-иш-шукри ва шаҳди-ш-шуҳуди ва-л-имтинони اَلْحَمْدُ لِلّٰهِ إِمْتَازَ الإِنْسَانَ عَلَى سَائِرِ الْمَخْلُوقَاتِ بِشَرَفِ النُّطْقِ وَالْلِّسَانِ وَ أَظْهَرَ مِنْ عُذُوبَةِ لِسَانِهِ وَ حَلَاوَةِ بَيَانِهِ سُكْرَ الشُّكْرِ وَ شَهْدَ الشُّهُودِ وَالْإِمْتِنَانِ Инсонни нутқ ва тил била шарафлаб, тилининг ширинлиги, фикр баён этишининг гўзаллиги, шукр айтишининг шакари (Тангри таолонинг ваҳдатлигига) гувоҳлик беришининг бош ва миннатдорчилиги туфайли уни (одамни) яратган, барча бошқа жонзотлардан улуғ ва мумтоз килган Тангри таолога ҳамду санолар бўлсин!

Алҳамду лиллаҳи имтоза-л-инсона ало соирил-маҳлуқоти бишарафи-н-нутқ ва-л-лисони ва азҳара мин азубати лисониҳи ва ҳаловати баёниҳи суккар-иш-шукри ва шаҳди-ш-шуҳуди ва-л-имтинони

Рубоий:
Эй суз била қилгон офариниш оғоз,
Инсонни арода айлагон маҳрами роз.

Муҳоқамат ул-луғатайн, 7-б.

Алҳамду лиллаҳи ала аттавфиқ اَلْحَمْدُ لِلّٰهِ عَلَى التَّوْفِيْقِ Муваффақият (имконият учун) Аллоҳга мақтовлар бўлсин.

Бу фақири ҳақир бу сўнгги жамоат зумрасида хиёбон бошида курган замонида мухтасар битилган рисола сабақига мумтоз бўлдум (алҳамду лиллаҳи ала аттавфиқ).

Хамсат ул-мутаҳаййирин, 14-б.

Алҳамду лиллаҳил-лазий анзала аъла абдиҳил китаби اَلْحَمْدُ لِلّٰهِ الَّذِيْ أَنْزَلَ عَلَى عَبْدِهِ الْكِتَابَ Тангри таолога ҳамдлар бўлсинки, ўз бандасига китоб нозил қилди.

Не нома эрдиким, аршосо даргоҳдин нозил бўлди анинг шонида «Алҳамду лиллаҳил-лазий анзала аъла абдиҳил китаби» дин узга нима хотирга келмас...

Муншаот, 178-б.

Алҳамду лиллаҳил-лазий аҳзаба ғина алхазон اَلْحَمْدُ لِلّٰهِ الَّذِيْ أَذْهَبَ عَنِّي الْحَزَنَ Аллоҳга ҳамдлар бўлсинки, осмондан (фалак фарсо боргоҳдин) бир варақ (нузул қилди) туширди.

... ва не сафҳа эрдиким, фалак фарсо боргоҳдин нузул қилдиким, анинг шонида «Алҳамду лиллаҳил-лазий аҳзаба ғина алхазон» дин ўзга калима тилга эврулмас.

Муншаот, 178-б.

Алҳамду лиллаҳил-лази(й) ваффақани мин ифтитоҳиҳи ило ихтитомиҳи; ва саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи ва асҳоби киромиҳи اَلْحَمْدُ لِلّٰهِ الَّذِيْ وَفَّقَنِيْ مِنْ إِفْتِتَاحِهِ إِلَى اِخْتِتَامِهِ، وَصَلَّى اللّٰهُ عَلَيْهِ وَ آلِهِ وَ أَصْحَابِهِ كِرَامِهِ Мени бошлаб тугатишимга муваффақ қилган Аллоҳга мақтовлар бўлсин, Муҳаммадга унинг эҳтиромли яқинлари сирдошларига Аллоҳ раҳмати бўлсин!

... ва дилсухтавор фақр кургазмак била ниҳоятсиз фараҳ топмоқ, «Алҳамду лиллаҳил-лази(й) ваффақани мин ифтитоҳиҳи ило ихтитомиҳи; ва саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи ва асҳоби киромиҳи».

Фарҳод ва Ширин, 468-б.

Алҳамду лиллаҳил-лази(й) ва ҳабали алал кибари Исмоила ва Исҳоқа اَلْحَمْدُ لِلّٰهِ الَّذِيْ وَهَبَ لِيْ عَلَى الْكِبَرِ إِسْمَاعِيْلَ وَإِسْحَاقَ Менга кексалик пайтимда Исмоил ва Исҳоқни ҳадя этган Зот – Аллоҳга ҳамду санолар бўлсин [14:39].

То улки Иброҳим а. с. Маккага келиб мақом тутти ва юз яшагандa, Ҳақ таоло Сорадин Иброҳимга Исҳоқ а. с. ни каромат қилдиким, ул оятки «Алҳамду лиллаҳил-лази(й) ва ҳабали алал кибари Исмоила ва Исҳоқа» андин хабар берур.

Тарихи анбиё ва ҳукамо, 118-б.

Алҳамду лиллаҳи раббил оламин вас-салавот-уҳ-саллам ало Расулиҳи Муҳаммадин ва олиҳи ажмаин اَلْحَمْدُ لِلّٰهِ رَبِّ الْعَالَمِيْنَ وَالصَّلَوَاةُ وَالسَّلَامُ عَلَى رَسُوْلِهِ مُحَمَّدٍ وَ آلِهِ أَجْمَعِيْنَ Бутун оламларнинг Парвардигорига ҳамду санолар ҳамда Аллоҳнинг Расули Муҳаммад ва унинг оила аъзоларига дуои саломлар бўлсин!

Алҳамду лиллаҳи раббил оламин вас-салавот-ус-саллам ало Расулиҳи Муҳаммадин ва олиҳи ажмаин.

Рисолаи тийр андохтан, 303-б.

Алҳамду лиллаҳи таоло اَلْحَمْدُ لِلّٰهِ تَعَالٰى Барча мақтов, шукрлар Аллоҳ таолога бўлсин.

Алҳамду лиллаҳи таолоки, бу рубъи маскунда шоҳнинг чаҳор болиш салтанати солди...

Назм ул-жавоҳир, 136-б.

Ал-ҳукму лиллоҳ اَلْحُكْمُ لِلّٰهِ Аллоҳ таолонинг ҳукми, фармони билан.

Сўзлари бу эрдиким, «Ал-ҳукму лиллоҳ» эгасига биздин кераклик экандур – элтти, умид улдурким, раҳмат қилгай».

Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер, 100-б.

Анбата Аллоҳ наботан ҳасано أَنْبَتَ اللّٰهُ نَبَاتًا حَسَنًا Тангри барча наботот (ўсимликлар дунёси)ларни гўзал қилиб яратди.

Лаб узра хатти наботи ҳусну нахли қадди,
Гулбуне анбата Аллоҳ наботан ҳасано.

Наводир ун-ниҳоя, 14-б.

Анзално мин ал-муъсироти моан сажжожан ли-нухрижа биҳи ҳаббон ва наботан ва жаннатин алфофан أَنْزَلْنَا مِنَ الْمُعْصِرَاتِ مَاءً ثَجَّاجًا لِنُخْرِجَ بِهِ حَبًّا وَ نَبَاتًا وَ جَنَّاتٍ أَلْفَافًا Ва уруғни, усимликни ва шохлари бир-бирига уралиб кетган урмонзорларни кўкартириш учун ёмғирли булутлардан туганмас сувларни туширдик [78:14–16].

Аллоҳ, Аллоҳ ул равзаи руҳафзода не назорат ва ул гулшани дилосода не назоҳатдурким, анинг боғбони ва «анзално мин ал-муъсироти моан сажжожан линухрижа биҳи ҳаббон ва наботан ва жаннатин алфофан» каримаси била такаллум қилур.

Муҳокамат ул-луғатайн, 10-б.

Ан-назару илал маръатил-ажнабияти саҳмун мин сиҳами иблиса اَلنَّظَرُ إِلَى الْمَرْأَةِ الْأَجْنَبِيَّةِ سَهْمٌ مِنْ سِهَامِ إِبْلِيسَ Бегона аёлларга ташланган ҳар бир назар – шайтон ўқидир

Ан-назару илал маръатил-ажнабияти саҳмун мин сиҳами иблиса
Солма кўз кимса булса номаҳрам,
Гарчи нафсинг топар назорада суд,
Ки назарким ҳамроҳ-шайтоннинг
Новакидур ва лек заҳролуд.

Арбаъин, 269-б.

Анна мадинат ал-олам ва ала бобиҳа أَنَا مَدِينَةُ الْعِلْمِ وَعَلِيٌّ بَابُهَا Мен олам марказиман ва унинг эшиги менинг устимда.

... ул Расул бобинда була олурким «анна мадинат ал-олам ва ала бобиҳа» анинг ҳадиси муъжиз низомидин ривояте бўла олур.

Назм ул-жавоҳир, 123-б.

Аннамо амараҳу изо ирода шайъан ан йақуллаҳу кун файакун إِنَّمَا أَمْرُهُ إِذَا أَرَادَ شَيْئًا أَنْ يَقُولَ لَهُ كُنْ فَيَكُونُ Бирор нарсани ҳоҳлаганда, унинг иши (Аллоҳнинг) «бул!» демаклигидур. Ва (у нарса) бўлур. [36:82].

Чун Ҳақ субҳоно ва таолонинг ҳикмати болиға ва қудрат шайъаси «аннамо амараҳу изо ирода шайъан ан йақуллаҳу кун файакун»

ишорати била жамеъ маҳлуқотни ғайб шодирвони кейнидин шаҳодат майдони фазосига сурди.

Вақфия, 237-б.

Ано жаално фи аъноқаҳум аълолан أنا جَعَلْنا في أعناقِهِم أغلالًا Биз уларнинг гарданларига тавқ қўйдик

... ваъдаси умиди била, навоҳисин «ано жаално фи аъноқаҳум аълолан» вайди бийми била аларга ирсол қилғонлар.

Вақфия, 238-б.

Анно лаки ҳозо фи ғайри вақтиҳи عنّا لك هذا في غير وقته Ҳар қачон Закария Марямнинг олдига ҳужрага кирганида, унинг ҳузурида бир ризқ-насиба курди. У: «Эй Марям, бу нарсалар сенга қаёқдан келди?» – деб сўраганида Марям жавоб қилди: булар Аллоҳ ҳузуридандир...» [3:37].

[Закария а. с.]. ... Сўрғондаким, «анно лаки ҳозо фи ғайри вақтиҳи» жавоб топтиким ...

Тарихи анбиё ва ҳукамо, 174-б.

Арокаллоҳулвужуҳал мувмисот اراكَ اللهُ وُجُهَلَ مُؤمِنات Тангри таоло сенга зония хотинларнинг юзини кўрсатсин.

Чун Жариҳ намозга машғул эрди, эшик очарга кечрак келиб, анаси малул булуб, дуо қилдиким, «арокаллоҳулвужуҳал мувмисот».

Тарихи анбиё ва ҳукамо, 190-б.

Аслиҳо собитун ва фаръиҳо фи-с-самоъин أصلُها ثابتٌ وَ فَرْعها في السَّماءِ асли мустаҳкам, боши самода

... тожи нахшабики, олийқадр тахтин ҳикмати нажжори «аслиҳо собитун ва фаръиҳо фи-с-самоъин» шажарасидин таркиб боғлади.

Вақфия, 241-б.

Аслуҳо собитун ва фаръуҳо фи-с-само أصلُها ثابتٌ وَفرعُها في السَّماء Томири ерда шохлари осмонда.

Сурайё гоятсиз ашжориғаким ер бирла кукка иттисол берур «аслуҳо собитун ва фаръуҳо фи-с-само» содиқ ва ниҳоятсиз тўюрғаким, ердин учқонда фалак юзин ёпар...

Муншаот, 147-б.

Ас-самоҳу рабаҳун السَّماء ربه Қули очиклик – фойдадир.

Ас-самоҳу рабаҳун
Мол базл ила суд агар тиласанг,
Оқибат чун ўлум эрур мавжуд.
Асрағон қолур, улки базл эттинг
Санга ҳамроҳ борурдин эттинг суд.

Арбаъин, 265-б.

Ас-саъиду ман вуъиза биғайриҳи السَّعيدُ مَنْ وُعِظَ بِغَيْرِهِ Бошқалардаги камчиликни кўриб, ўзини тузатган одам-саодатлидир.

Ас-саъиду ман вуъиза биғайриҳи
Элга не келса айламас панд,
Улки кўнглини қилди ғафлат банд.
Кимки панд олди элга тушгандин,
Они билким, эрур саодатманд.

Арбаъин, 266-б.

Ас-суҳбату муассир الصحبة مؤثر Таъсирли, яхши суҳбат тилаш.

Набави ҳадис таржимасидаки «ас-суҳбату муассир» яхши суҳбат тиламок авлоким, тушкай муассир.

Фавойид ул-кибар, 522-б.

Ас-Султони биннис Султон ал-Ҳоқон бинни-л-Ҳоқон муизз-ус-салтана вад-дунё вад-дин Абул Ғозий Султон Ҳусайн Баҳодирхон халаддаллоҳ таоло мулкаҳу ва салтанатаҳу ва афоза алал-оламина бирраҳу ва мукарраматиҳи اَلسُّلطان بنالسُّلطانالحاقان بنالحاقان مُعِزُّ السُّلطَن وَالدُّنيا وَالدِّين أبوالغازي سُلطان حسين بهادرخان خلّدالله تعالى مُلكَه و سلطنته و أفاد على العالمين برّه و مكرمته Султон ибн Султон, Ҳоқон ибн Ҳоқон, яъни Аллоҳ дин, дунё ва салтанат қуввати Абулғозий Султон Ҳусайн Баҳодирхон салтанати ва мулкини абадий қилсин, оламни унинг яхшилиги ва кароматидан баҳраманд айласин.

То бу вақтқачаким, мулк дудмоннинг тахти салтанатига хотам ва тожи хилофатига сазовор... ва мақол ҳадиқасининг булбули хуш навоси ас-султони биннис-султон ал-Ҳоқон бинни-л-хоқон муизз-ус-салтана ваддунё вад-дин Абул Ғозий Султон Ҳусайн Баҳодирхон халаддаллоҳ таоло мулкаҳу ва салтанатаҳу ва афоза алал-оламина бирраҳу ва мукарраматиҳи.

Муҳоқамат ул-луғатайн, 36–37-б.

Ассултону залла л-лоҳу фил арзаин اَلسُّلطان ظلّ الله في الأرضين Султон Аллоҳнинг ердаги соясидир.

Султониким, «ассултону залла л-лоҳу фил арзаин» жавоҳири билан манъ илки ҳумоюнфол чатри ҳошиясин мурассаъ қилди...

Вақфия. 241-б.

(Асҳоби уҳдуд қололлоҳу таоло) қутила асҳоб ул-уҳдуд أصحاب الأخدود قالالله تعالى قتل أصحاب الأخدود Чоҳ эгалари лаънат қилингайлар [85:4–5].

(Асҳоби уҳдуд қололлоҳу таоло) қутила асҳоб ул-уҳдуд. Бу қавм Яман мулкидин эрдилар ва Зулвос буларнинг подшоҳи эрди.

Тарихи анбиё ва ҳукамо, 187-б.

Атийъу Аллоҳу ва атийъу-р-расул ва улуввал-л амри минкум амрий أطيعُوا الله و أطيعوا الرسول و علوالأمر منكم أمري Тангри таолога, унинг Пайғамбарига ва барча улуғлар амрига итоат қилингиз.

... ва анжумсипоҳ ҳавоқинни оламда қаҳрамон ва халойиқга ҳукмрон этти. «Атийъу Аллоҳу ва атийъу-р-расул ва улуввал-л амри минкум амрий», била улуҳият ва нубувват маротибидин сунгра салтанат мартабасига тартиб берди.

Вақфия, 240-б.

Ат-таъзиму ли амриллоҳ التَّعظيمُ لِمن خَلَقَ الله Таъзим (фақат) Аллоҳ амричадир.

Ва гар тенгрилиқ учун булса, «ат-таъзиму ли амриллоҳ» саодати ҳосил ва агар холиқ дустлиги учун бўлса...

Маҳбуб ул-қулуб, 59-б.

Аху-ка ман ва осока фил-шиддати أخك من و عساك في الشدّت Фалокат етганда ёрдамга келган киши – биродаринг.

Аху-ка ман ва асока фил-шиддати
Қардошинг эмас улки қуюб бош санга,

Давлат чоги узни қўлдош санга-
Ким, қилди қатиғлиғда вафо фош санга,
Ул бўлди ҳақиқат ичра қардош санга.

Назм ул-жавоҳир, 137-б.

Аш-шафқату ало халқиллоҳи اَلشَّفَقَةُ عَلَى خَلْقِ اللهِ Шафқат Аллоҳнинг яратганигадир.

... ва агар холиқ дўстлиги учун бўлса, «аш-шафқату ало халқиллоҳи» давлати восил.

Маҳбуб ул-қулуб, 59-б.

Аш-шақиййу мин шақиййун фибатни уммийҳу اَلشَّقِيُّ مِنْ شَقِيٍّ فِي بَطْنِ اُمِّهِ Ёмон она қорнида ҳам ёмондир.

... ва анбиё муъжизотин иродат бирла шаъбадаға индурса, «аш шақиййу мин шақиййун фибатни уммийҳу» далили бирла дунёда шақовати мухаллад ва уқбода азоби муаббад бўлгай...

Вақфия, 239-б.

Аъжазту ан акуна мисли ҳазал ғуроби اَعْجَزْتُ اَنْ اَكُونَ مِثْلَ هٰذَا الْغُرَابِ Мана шу қарғачалик бўла олмадимми? [5:31].

Қобил даги бу таълимни олгоч, Ҳобилни гўр қазиб, дафн қилдиким, Бори таоло Қобил тилидинким, «аъжазту ан акуна мисли ҳазал гуроби» каримасин адо қилур.

Тарихи анбиё ва ҳукамо, 101-б.

Ақийбу кулли явмин лайлатун عَقِيبُ كُلِّ يَوْمٍ لَيْلَةٌ Ҳар бир тундан сўнг, албатта, кун келади.

Ақийбу кули явмин лайлатун
Кофур қошида мушк соро эрмиш,
Гул жанбида сунбул ошкоро эрмиш,
Ҳар юз била бир зулфи сумансо эрмиш,
Ҳар кун сунгида бир кеча пайдо эрмиш.

Назм ул-жавоҳир, 165-б.

Аҳлан ва саҳлан марҳабо اَهْلاً وَ سَهْلاً مَرْحَبًا Меҳмонга айтиладиган «хуш келибсиз», ўрнидаги ибора.

Бедилинг хайли русули сенсен аларга дилрабо,
Ё Набий руҳий фидока аҳлан ва саҳлан марҳабо.

Наводир ун-ниҳоя, 11-б.

Аҳсин илал-мусиъи тасаддуҳу اَحْسِنْ اِلَى الْمُسِيْءِ تَصَدُّقُهُ Ёмонга яхшилик қилиш билан уни қайтарган бўласан.

Аҳсин илал-мусиъи тасуддуҳу
Гар хасм жафосидин сарандоз ўлгунг,
Доим таабу аламга анбоз ўлгунг,
Сен лутф этиб агар навосоз ўлгунг,
Бу важҳ била анга сарафроз ўлгунг.

Назм ул-жавоҳир, 137-б.

Бало ул-инсони мин ал-лисони بَلَاءُ الْاِنْسَانِ مِنَ اللِّسَانِ Инсонга бало тилдин келур.

Бало ул-инсони мин ал-лисони
Сузидин кишиким гаму бало ҳосилдур,

Ҳар нуктада тили деса бало дохилдур,
Бесирфа деган кишига тили қотилдур,
Аҳиссаки, кимсанинг балоси тилидур.

Назм ул-жавоҳир, 139-б.

Баракат ул-маоли фи адоъ из-закоти بركة المال في أداء الزكوة Мол дунё баракаси закотни адо этишда.

Баракат ул-маоли фи адоъ из-закоти
Гар молни асбоби нажот айлагасен,
Дарвешга садқасини бот айлагасен,
Молингдин агар сарфи закот айлагасен,
Кўпрак булурига илтифот айлагасен.

Назм ул-жавоҳир, 139-б.

Баракат ул-умри фи ҳусн ил-амали بركة العمر في حسن العمل Уларнинг баракаси чиройли амаллардандир.

Баракат ул-умри фи ҳусн ил-амали
Ҳақ йўлида ҳар кимга ибодат булғай,
Яхши амал асбоби саодат булғай,
Гар яхши амал кишига одат булғай,
Умри бу амал бирла зиёдат булғай.

Назм ул-жавоҳир, 138-б.

Баррик ло тубтилҳу бил-манни برك لا تبطله بالمن Эзгулик қил, аммо уни миннат қилиш билан йўқ қилма.

Баррик ло тубтилҳу бил-манни
Жуз жуду сахо уйини манзил қилма,
Имсокни сахо юзига ҳойил қилма,
Қил яхшилиқу демакни дохил қилма,
Миннат била яхшилигни ботил қилма.

Назм ул-жавоҳир, 140-б.

Батн ул-маръи адувваҳу بطن المرء عدوه Кишининг қорни – душманидир.

Батн ул-маръи адувваҳу
Ҳар кимгаки кўп таом емак фандур,
Билгилки, нажосатқа тани маскандур,
Қорнинг била дуст бўлмасанг аҳсандур,
Невчунки эр уғлига қорин душмандур.

Назм ул-жавоҳир, 139-б.

Башшир нафсака биз-зафари баъд ас-сабри بشر نفسك بالظفر بعد الصبر Ўзингга сабрдан кейин зафар келишини билдириб қўй

Башшир нафсака биз-зафари баъд ас-сабри
Нафс уйига сабр ила иморат англа,
Бесабрлигин анинг шарорат англа,
Иш сабр сори анга ишорат англа,
Сабрни зафар сори башорат англа.

Назм ул-жавоҳир, 138-б.

Башошат ул-маръи атийматун-сониййатун بشاشة المرء عطية ثانية Кишининг мулойимлиги (эҳсондан сунг) иккинчи совғадир.

Башошат ул-маръи атийматун-сониййатун
Эҳсонки бировга сийрату сон келди,

Ашколи сипеҳр олдида осон келди,
Эҳсон ҳар неча зеби инсон келди,
Эҳсонда тараб икинчи эҳсон келди.

Назм ул-жавоҳир, 140-б.

Баъд ад-дунё бил охирати тарбаҳу تغدالدُّنْيا بالآخرة تربا Бу дунёни охират учун сотиб юбор, фойда кўрасан.

Баъд ад-дунё бил охирати тарбаҳу
Дунё била неча зебу оро қилмоқ,
Ул зеб ила дузах ути барпо қилмоқ,
Мумкин эмас эрса тарки дунё қилмоқ,
Уқбо била хушдур ани савдо қилмоқ.

Назм ул-жавоҳир, 139-б.

Биабдиҳи лайлан минал-масжидил ҳароми илал масжидил-ақсо بعَبْدِه لَيْلاً مِنَ المَسْجِدِ الحَرَامِ إِلَى المَسْجِدِ الأَقْصَى Покдир ул зотки ўз бандасини (Муҳаммад с.а.в. назарда) тутилган бир кечада Ҳаром масжидидан Ақсо масжидига олиб борди.

Меърож кечаси таърифидаким, каримаи: «субҳоналлази асро» анга мусаддақи дурур ва «биабдиҳи лайлан минал-масжидил ҳароми илал масжидил- ақсо» анинг субутига икки гувоҳи содиқ.

Ҳайрат ул-аброр, 44-б.

Бика мин зил жалоли вал-икром بِكَ مِنْ ذِي الجَلَالِ وَالإِكْرَامِ Эй жалолат ва икром соҳиби (Расулуллоҳ!).

Е Расулаллоҳ, алфа-алфа салом,
Бика мин зил жалоли вал-икром.

Сабъаи сайёр, 18-б.

Бирр ул-волидайни салафун بِرُّ الوَالِدَيْنِ سَلَفٌ Ота-онага меҳрибонлик – меросдир.

Бирр ул-волидайни салафун
Иста ато йулида жон фидо қилмоқ
Қуллуқ анога ҳам улча имкон қилмоқ,
Зуҳри абад истасанг фаровон қилмоқ,
Бил они ато-анога эҳсон қилмоқ.

Назм ул-жавоҳир, 138-б.

Бисмиллоҳир-раҳмонир-раҳийм بِسْمِ اللهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан бошлайман.

Курки, эрур аввали ҳар суранинг
«Бисмиллоҳир-раҳмонир раҳийм».

Бадоеъ ул-бидоя, 21-б.

Бишукри тадумун-ниам بِالشُّكْرِ تَدُومُ نِعَمُ Беҳисоб неъматингга шукр

Мунча ниам бердию қилди ракам,
Муники: «Бишшукри тадумун-ниам».

Ҳайрат ул-аброр, 298-б.

Биҳамдиллоҳ вал-минна//Биҳамдиллаҳ вал-миннатика بِحَمْدِ اللهِ وَالمِنَّةِ Аллоҳга ва унинг неъматларига ҳамд.

Биҳамдиллоҳ вал-миннаки, менинг бу ҳаётим гулбунининг гуллари ул Ҳазратнинг хизмати баҳорида очилди...

Вақфия, 260-б.

Биҳамдиллаҳ вал миннатика то сипеҳри даввор ҳаводиси саргардонлигидин рузгори нопойдор навойиби бесомонлигидин Мозондарон чангалига қадам қуюлубтурким...

Муншаот, 146-б.

Букрат ус-сабти вал-хамиси баракатун بكرة السبت والخميس بركة Шанба ва пайшанба тонглари баракадир.

Букрат ус-сабти вал-хамиси баракатун
Кўп келди замонанинг мукаррар субҳи,
Баракат дуридин топмади зевар субҳи,
Кўргузмади они чархнинг ҳар субҳи,
Жуз шанбау панжшанба анвар субҳи.

Назм ул-жавоҳир, 139-б.

Буқоъ ул-маръи мин хашйат-иллоҳи қуррату айнин بقاع المرء من خشية الله قرة عين Кишининг Аллоҳдан қўрқиб йиглаши кўзини равшан қилади.

Буқоъ ул-маръи мин хашйат-иллоҳи қуррату айнин
Ҳар кимки хушуъ уйини маскан қилғай,
Олам сижинин Ҳақ анга маъман қилғай,
Ҳақ ваҳмидин улки йиғламоқ фан қилғай,
Ул ашк анинг кўзини равшан қилғай.

Назм ул-жавоҳир, 139-б.

Ва алқайно ало курсиййиҳи жасадан وألقينا على كرسيه جسدا Ва унинг тахти устига бир жонсиз жасадни ташладик [38:34].

... Азроилга амр булдиким, руҳин қабз қилиб, жасадин Сулаймон а. с. нинг тахти устида ташладиларким, «ва алқайно ало курсиййиҳи жасадан» мақсуд мундин булғай.

Тарихи анбиё ва ҳукамо, 166-б.

Ва аммо с-соила фало танҳура وأما السائل فلا تنهر Аммо тиланчиларни ранжитма.

... анжумсипоҳике, ишккаи ахтарин «ва аммо с-соила фало танҳура» равнақи била савобитнинг туққуз пардалиқ манзаридин ошурди.

Вақфия, 241–242-б.

Ва асока man тағофала анка وعساك من تغافل عنك Сенга нисбатан ғофиллик қилинган бўлса, бу сен учун катта ёрдам.

Ва асока man тағофала анка
Нафсинг нечаким ишта тажоҳул қилди,
Давронда ташаддуддек тасалсул қилди,
Бор улди санга улки, таҳаммул қилди,
Кўргузди мувосову тағофул қилди.

Назм ул-жавоҳир, 176-б.

Вазру садақат ил-маннони аксару мин ажриҳи وزر صدقة المنان أكثر من أجره Миннат билан қилинган садақанинг гуноҳи савобидан кўпроқ бўлади.

Вазру садақат ил-маннони аксару мин ажриҳи
Ким садқа берур агарчи Афридундур,
Гар миннат этар бу феъл ила матъундур,
Миннат била улки садқа айлар дундур-
Ким, журми анинг савобидин афзундур.

Назм ул-жавоҳир, 175-б.

Вазъ ул-эҳсони фи ғайри мавзиъиҳи зулмун وَضْعُ الْإِحْسَانِ فِي غَيْرِ مَوْضِعِهِ ظُلْمٌ Ўз ўрнида қилинмаган яхшилик – зулм билан баробардир.

Вазъ ул-эҳсони фи ғайри мавзиъиҳи зулмун
Яхшилиқ эрур ямонга маҳкам бедод,
Воқиф булу зоҳир этма ҳар дам бедод,
Эҳсон эрур андинки, керак кам бедод,
Ўз ерида қилмоғондуру ҳам бедод.

Назм ул-жавоҳир, 175-б.

Ва изал биҳару сужжират وَإِذَا الْبِحَارُ سُجِّرَتْ Ва вақтики. денгизлар аланга олиб ёнса.

... ва гоҳи кўлак ташвиридин амвож таоқиби сув хуруши уни била «ва изал биҳару сужжират» адосига мутакаллим.

Муншаот, 145-б.

Ва иза-с-самау кайфа руфиъат وَإِذَا السَّمَاءُ كَيْفَ رُفِعَتْ Осмоннинг қандай кўтариб қўйилганлигига...

Сарбаландлиги сабза тилидин «ва иза-с-самау кайфа руфиъат аъдосига жорий...

Муншаот, 134-б.

Ва из қола Мусо лифатоҳу ло абраҳу ҳатто аблуға мажмаал баҳрайни ав амзия ҳуқубан وَإِذْ قَالَ مُوسَى لِفَتَاهُ لَا أَبْرَحُ حَتَّى أَبْلُغَ مَجْمَعَ الْبَحْرَيْنِ أَوْ أَمْضِيَ حُقُبًا Мусо алайҳиссалом (узининг хизматкори) йигитига: «То икки денгиз қўшиладиган ерга етмагунча ёки узоқ замонлар кезмагунча юришдан тўхтамайман, деган пайтини эслангиз [18:60].

[Ювшаъ бинни Нун а. с.]. Ва кўпрак муфассирлар муттафиқдурлар мунгаким, Ҳақ субҳонаҳу ва таоло ул оятда дебдурким: «ва из қола Мусо лифатоҳу ло абраҳу ҳатто аблуға мажмаал баҳрайни ав амзия ҳуқубан» иборат Ювшаъдиндур.

Тарихи анбиё ва ҳукамо, 148-б.

Ва из қола юсуфу лиабиҳи ё абати инни раайту аҳада ашара кавкабан ваш-шамса вал-қамара раайтуҳум ли сожидина وَإِذْ قَالَ يُوسُفُ لِأَبِيهِ يَا أَبَتِ إِنِّي رَأَيْتُ أَحَدَ عَشَرَ كَوْكَبًا وَالشَّمْسَ وَالْقَمَرَ رَأَيْتُهُمْ لِي سَاجِدِينَ Эй ота, мен тушимда ўн бир юлдузни, яна қуёш ва ойни кўрибман. Ҳаммалари менга сажда қилаётган эмиш [12:14].

[Юсуф а. с.]. Бу тушни Яъқуб а. с. га айттиким: «ва из қола Юсуфу лиабиҳи ё абати инни раайту аҳада ашара кавкакабан ваш-шамса вал-қамара раайтуҳум ли сожидина» андин хабар берур.

Тарихи анбиё ва ҳукамо, 123-б.

Ва илал жибалу кайфа нусибат وَإِلَى الْجِبَالِ كَيْفَ نُصِبَتْ Тоғларнинг қандай тикланганлигига... [88:18].

... ва побаржолиги садо тақриридин «ва илал жибалу кайфа нусибат» баёнига зокир.

Муншаот, 134–135-б.

Ва илми муаскари бадеъ ул-ливо وَعَلَمُ مُوَسْكَرِي بَدِيعُ اللِّوَا Моҳир қўмондон.

Ва абнойи замондин ва афозили даврондин баъзидинким, табъи қасри рафеъ ул-бино «ва илми муаскари бадеъ ул-ливо» бўлгай.

Назм ул-жавоҳир, 127-б.

Ва иҳкуму яфъалуллоҳу маяшаъ мо юриду وَ اِحْكُمْ يَفْعَلُ اللهُ مَا يَشَاءُ مَا يُرِيدُ Тангри таоло хоҳлаган ва истаган нарсасини ҳукм қилади

Бу учурда юқоридин бу фақир хизматиға рақаме тортилди... ва хитоби сидқдин узга билилмади «ва иҳкуму яфъаллуллоҳу маяшаъ мо юриду».

Муншаот, 154-б.

Вайлум дил-ҳасаду ман ҳасадаҳу وَيْلُمُ دِلْ حَسُودِ مَنْ حَسَدَهُ Ҳасадчиларнинг ҳолига вой.

Вайлум дил-ҳасаду ман ҳасадаҳу
Ҳар кимки, ҳасад хислатидур, вой анга,
Иқбол ила фарқ ўлса фалаксой анга,
Ҳеч офатдин бўлмас парвой анга,
Ҳам уз ҳасади офатидин вой анга.

Назм ул-жавоҳир, 176-б.

Вайлун лиман ватар ал-аҳзону وَيْلٌ لِمَنْ وَتَرَ الْاَحْزَانَ Яхшиларни тарк этган кишининг ҳолига вой бўлади.

Вайлун лиман ватар ал-аҳзону
Даҳр уйида улки ранжпарвард ўлгай,
Кўп яхшики бедардга ҳамдард ўлгай,
Жон гулшанида чу яхши эл вард ўлгай,
Вой ангаки, яхшилардин ул фард ўлгай.

Назм ул-жавоҳир, 176-б.

Вайлун лиман соъа хулқаҳу ва қабаҳа халқаҳу وَيْلٌ لِمَنْ سَاءَ خُلُقَهُ وَ قَبَّحَ خَلْقَهُ Хулқи ёмон ва халқига «хурадиган» кишининг ҳолига вой!

Вайлун лиман соъа хулқаҳу ва қабаҳа халқаҳу
Хушхуйлиқ илаки, сарнавишт ўлди анга,
Дузах сузи лутфидин биҳишт ўлди анга,
Вой ул кишигаким, хулқи зишт ўлди анга,
Бу хулқи била ямон сиришт ўлди анга.

Назм ул-жавоҳир, 175–176-б.

Валав кунтум фи бурувжим мушайядатин وَ لَوْ كُنْتُمْ فِي بُرُوجٍ مُشَيَّدَةٍ Ҳатто мустаҳкам қалъалар ичида бўлсангиз ҳам... улим сизларни топиб олади [4:78].

[Асҳоб ур-Раъс]. ... Раъс қочиб, бир мис ва руйдин ясагон қурғонга кирди, аммо фойда бермади. «валав кунтум фи бурувжим мушайядатин» мазмуни била Азроил руҳин қабз қилди ва жаҳаннам сори йиборди.

Тарихи анбиё ва ҳукамо, 111-б.

Валав якуну қабиҳан, фа-минҳу, тубту илайк وَ لَوْ يَكُونُ قَبِيحًا فَمِنْهُ تُبْتُ اِلَيْكَ Агар ёзганларим ёмон бўлса, ундан тийилдим, тавба қилдим (агар қаламимнинг йўналиши хунук бўлса, ундан тийилдим, тавба қилдим).

Агар ҳуд ўлса малиҳ ажри раҳматингдур анинг,
Валав якуну қабиҳан, фа-минҳу, тубту илайк.

Ғаройиб ус-сиғар, 559-б.

Валадат физ-замон ас-султон ул-одил ولادت في الزمان السلطان العادل Одил султон замонида туғилиш.

Буким одил подшоҳ таърифдин бийикроқ эрур «валадат физ-замон ас-султон ул-одил» андин хабар берур.

Маҳбуб ул-қулуб, 12-б.

Валадука раббука وَلَدُكَ رَبُّكَ Отанг Парвардигорингдир.

Ва машойих раҳимуллоҳ сузи буким, валадука раббука...

Муншаот, 183-б.

Валақад заййина-с-самаа д-дунё бимасобиҳ وَ لَقَدْ زَيَّنَّا السَّمَاءَ الدُّنْيَا بِمَصَابِيحَ Дунё осмонини чироқлар билан безадик.

Мўртафеъ шохлар шамъ шуъласидек барглар шакли шарҳига бўстон музаккирлари «валақад заййина-с-самаа д-дунё бимасобиҳ» каримаси билан мутакаллим...

Муншаот, 138-б.

Валлайлу вар-раҳмон وَاللَّيْلُ وَالرَّحْمَنُ Қуръони каримдаги «валлайли» сўзи билан бошланувчи суранинг биринчи ояти мазмунига ишора [Валлайли иза яғша (Зулмат ила ҳамма нарсани беркитган тун билан қасам)].

Шоми зулфи қайдию меҳри узорин кўргали
Айламишмен сураи валлайлу вар-раҳмонни ҳифз.

Бадоеъ ул-васат, 206-б.

Валлайли иза яғша وَاللَّيْلِ إِذَا يَغْشَى Кечанинг дунёни қопловчи тим қоронғулиги билан қасам ичаман, тун билан унинг зулматида қасамёд қиламан [92:1].

Аммо баъд бу саҳифаки, «вашшамси ва зуҳаҳо» кофурий сафҳасидин ёруқроқ келди «валлайли иза яғша» мушки била нукта тироз қилғучи...

Назм ул-жавоҳир, 124-б.

Ул шоми висолнингким, «валлайли изо яғша» ояти була олғай анинг шонида саводи ёзилмоғи...

Лайли ва Мажнун, 20-б.

Валлоъ ут-тифли марзуқун وَلَّاءُ الطِّفْلِ مَرْزُوقٌ Фарзандни Аллоҳ ризқи билан беради.

Валлоъ ут-тифли марзуқун
Ҳар кимгаки, тифл улса эрур кўзи очуқ,
Шуғли била хотири ғамандузи очуқ,
Булмоқ не ажаб базми дилафрўзи очуқ,
Ким тифли бор эрса ё анга рўзи очуқ.

Назм ул-жавоҳир, 177-б.

Валлоҳу таоло аълам وَاللهُ تَعَالَى أَعْلَمُ Аллоҳ таоло билади, Худо билади.

[Шайх Шиҳобуддин...]. Валодати беш юз уттуз туққузда Ражаб ойида эрмиш, вафотлари олти юз уттуз иккида эрмиш, валлоҳу таоло аълам.

Насойим ул-муҳаббат, 338-б.

Вал-ғуфрон وَالْغُفْرَانُ (Аллоҳ) гуноҳларни кечирувчи

Ва Ҳаким Сулаймон алайҳурраҳмата вал-ғуфрон сузидурким, ота қодири қайюм, она розиқи марсум...

Муншаот, 184-б.

Вал-ҳамду лиллаҳи ала тавфиқи ҳаазл-арбаъини вас-салоту вассалам ат-таййибин ат-тоҳирина ва саллама таслиман касийран وَالْحَمْدُ لِلّٰهِ عَلٰى تَوْفِيقِي هٰذَا الْأَرْبَعِينَ وَالصَّلٰوةُ وَالسَّلَامُ عَلَى الطَّيِّبِينَ الطَّاهِرِينَ وَسَلَّمَ لَهَا تَسْلِيمًا كَثِيرًا Шу «Арбаъин» манзумасини ёзиб тугаллашга муваффақ этгани учун Тангри таолога шукр ҳамда (Муҳаммад с.а.в.) унинг ҳамма пок авлодига ҳам Тангрининг марҳамат ва раҳмати ҳамда саломи бўлсин!

Ки, Навоийга ул дуо етгай
Булбули руҳига наво етгай.

Вал-ҳамду лиллаҳи ала тавфиқи ҳаазл-арбаъини вас-салоту вассалам ат-таййибин ат-тоҳирина ва саллама таслиман касийран.

Арбаъин, 270-б.

Ва мо тадри нафсун мозо таксибу ғадан وَمَا تَدْرِي نَفْسٌ مَاذَا تَكْسِبُ غَدًا Киши нафси эрта нима бўлишини билмайди.

Ҳар ойинаким анбиёйи мурсал аввал орзу саволин қилгонда «ва мо тадри нафсун мозо таксибу ғадан» жавоби била ноумид бўлурлар.

Мунша от, 153-б.

Варафаъноҳу маконан алиййан وَرَفَعْنَاهُ مَكَانًا عَلِيًّا Ва биз уни юксак мартабага кўтардик [19:57].

Ва Идрис а. с.нинг мавтин киши кўрмайдур. Ҳам шаръ аҳли қошида, ҳам тарих аҳли олида ақида будурким, ул тирикдур ва биҳиштдадурким, каломи олиҳи ондин хабар берурким, «варафаъноҳу маконан алиййан».

Тарихи анбиё ва ҳукамо, 104-б.

Ва саллаллоҳу алайҳи ва ало олиҳит таййибийн ва асҳобуҳ ут-тоҳирийн ва мин тобъиҳум ажмаийн ило явмиддин وَصَلَّى اللّٰهُ عَلَيْهِ وَعَلَى آلِهِ الطَّيِّبِينَ وَأَصْحَابِهِ الطَّاهِرِينَ وَمِنْ تَابِعِيهِمْ أَجْمَعِينَ إِلَى يَوْمِ الدِّينِ «(Муҳаммад алайҳиссалом) унга, унинг яхши қариндошларига, пок саҳобаларига ва унга эргашганларнинг ҳаммасига Аллоҳнинг саловатлари бўлсин!».

Этма маҳрум анинг итоатидин
Қилма навмед анинг шафоатидин.

«Ва саллаллоҳу алайҳи ва ало олиҳит таййибийн ва асҳобуҳ ут-тоҳирийн ва мин тобъиҳум ажмаийн ило явмиддин».

Вақфия, 236-б.

Ва саллалоҳу алайҳи ва ало олиҳи ва асҳибиҳи ва саллам وَصَلَّى اللّٰهُ عَلَيْهِ وَعَلَى آلِهِ أَصْحَابِهِ وَسَلَّمَ Унга, унинг яхши қариндошларига, саҳобаларига Аллоҳнинг дуруд ва саловотлари бўлсин!

Чун нуктасида қилди аъён гавҳари ноб,
Даъвогари гавҳарлари булди сиймоб.
Ва саллаллоҳу алайҳи ва ало олиҳи ва асҳобиҳи ва саллам.

Ғаройиб ус-сиғар, 9-б.

Ва саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи-т-таййибина ва асҳобиҳи-т-тоҳирина ва саллама таслиман касиран касира وَصَلَّى اللّٰهُ عَلَيْهِ وَعَلَى آلِهِ الطَّيِّبِينَ وَأَصْحَابِهِ الطَّاهِرِينَ وَسَلَّمَ تَسْلِيمًا كَثِيرًا كَثِيرًا У (Муҳаммад [*а.* с.), унга ёқимли хислатли оиласига ва покиза саҳобаларига Аллоҳнинг саловати ва кўпдан-кўп саломлари бўлсин!

Чун ул ўзининг хилқатидин урди дам,
Мантуқи эди «кунта набиян фафҳам».

Ва саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи-т-таййибина ва асҳобиҳи-тоҳирина ва саллама таслиман касиран, касира.

Муҳокамат ул-луғатайн, 8-б.

Ва саллаллоҳу ало шамси жамолиҳи ва зилли камолиҳи وَ صَلَّى اللهُ عَلَى شَمْسِ جَمَالِهِ وَ ظِلِّ كَمَالِهِ Ва Тангри таолонинг раҳмати уни жамолининг қуёши ва камолининг соясича бўлсин!

... агарчи ул қуёшқа соя йуқ эрди ва ул кечага манзил қуёш устида-ўқ эрди. «ва саллаллоҳу ало шамси жамолиҳи ва зилли камолиҳи».

Фарҳод ва Ширин, 17-б.

Вассалому вал-икром وَالسَّلَامُ وَالْإِكْرَامُ Вассалому вал-икром, раҳмат!

Тутмангиз бу диёр ичинда мақом,
Қайтингиз, вассалому вал-икром».

Сабъаи сайёр, 150-б.

Вассобиқун ассобиқун والسابق السابق Ҳаммадан илгари келлардан ҳам илгари бор эди.

Ул эди олам элига раҳнамун,
Келди чун вассобиқун ассобиқун.

Лисон ут-тайр, 21-б.

Ва уҳйил мавта биизниллоҳи وَأُحْيِي الْمَوْتَى بِإِذْنِ اللهِ Ва Тангри таоло изни билан уликларни тиритиираман [3:49].

... дуо била улукни тиргуздик, «ва уҳйил мавта биизниллоҳи».

Тарихи анбиё ва ҳукамо, 177-б.

Вашшамсу валлайл وَالشَّمْسُ وَاللَّيْلُ Қуёш билан ва уни (қуёпни) зоҳир қилиб кўрсатган наҳор (кундузи) билан қасам.

Эй хуш улким, офият кунжи манга эрди мақом,
Сураи вашшамсу валлайл эрди вирдим субҳу шом.

Фавойид ул-кибар, 289-б.

Ва янсурака Аллоҳу насран азизан وَيَنْصُرَكَ اللهُ نَصْرًا عَزِيزًا Ва Аллоҳнинг азизларга ёрдами сураси.

... қазо килкидин анинг шуққаи ливосига ёқилгон аъдо афганиким: «ва янсурака Аллоҳу насран азизан» ояти дурур...

Назм ул-жавоҳир, 130-б.

Ва янҳо ан алфуҳашо вал-мункар ва буғо وَ يَنْهَى عَنِ الْفَحْشَاءِ وَالْمُنْكَرِ وَ الْبَغْيِ Ва фаҳш, ифлослик ва адолатсизликни рад этади.

... анинг миръоти ломеъ мухолифгузоре «ва янҳо ан алфуҳашо вал-мункар ва буғо» ашиъадурур...

Назм ул-жавоҳир, 130-б.

Ва қийл ёрзи аблаги маъҳуди وَ قِيلَ يَا أَرْضُ ابْلَعِي مَاءَكِ Айтилдики, эй ер-сувингни ютгил.

... анинг дарёйи ҳаёт табъидин рашҳаи була олгай, балогатдисореким: «ва қийл ёрзи аблаги маъҳуди» анинг ҳуққаи пур гавҳаригa такаллум вақти диққати калом била татаббуъ қила олгай.

Назм ул-жавоҳир, 130-б.

Ва қолотил-яҳуду узайру-ибнуллоҳи وَقَالَتِ الْيَهُودُ عُزَيْرٌ ابْنُ اللَّهِ Яҳудийлар «Узайр – Аллоҳнинг ўғли». – дедилар [9:30].

Баъзи бу гариб ҳолатдин Узайр а. с.ни ибнуллоҳ дедилар. «ва қолотил-яҳуду узайру-ибнуллоҳи».

Тарихи анбиё ва ҳукамо, 173-б.

Ва қулно ё Зулқарнайн وَقُلْنَا يَا ذَا الْقَرْنَيْنِ Биз: «Эй Зулқарнайн, ё уларни азобга дучор қилурсан ёки уларга яхши муомалада бўлурсан», – дедик [18:8].

... Зулқарнайннинг нубувватига бир далил будурким, Тангри таоло уз каломида «ва қулно ё Зулқарнайн» деб анбиё дастури била хитоб қилиб, баъзи яъжуж дафъи учун сад боглабдур...

Тарихи анбиё ва ҳукамо, 111–112-б.

Ваҳдат ул-маръи хайрун мин жалис ис-суъи وَحْدَةُ الْمَرْءِ خَيْرٌ مِنْ جَلِيسِ السُّوءِ Ёмон билан ҳамсуҳбат бўлгандан ёлғизлик яхши.

Ваҳдат ул-маръи хайрун мин жалис ис-суъи
Бекаслигу дард куйида гард ўлмоқ,
Хушроққи, ямон била ҳамовард ўлмоқ,
Ёлгиз бул, топма ранжпарвард ўлмоқ,
Хушрок чу ямон рафикдин фард ўлмоқ.

,Назм ул-жавоҳир, 176-б.

Ваҳдаҳу ло шарика лаҳу ло илоҳа иллаллоҳ وَحْدَهُ لَا شَرِيكَ لَهُ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ У (Аллоҳ) ягонадир ва унинг шериги йўқдир. Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқдир

Охир Худованди бемислу монандким, анга йўқтур шабиҳ ва шарик ва волид ва фарзанд, яктоедур беҳамто, бешиштибоҳу икроҳ (ваҳдаҳу ло шарика лаҳу ло илоҳа иллаллоҳ) гайрати илоҳий ва ғазаби номутаноҳий била аларга ҳам не расволиглар насиб этти...

Маҳбуб ул-қулуб, 76-б.

Ва ҳува йўҳйиллази лоямуту абада ва шаъниҳи тақаддаса ва таала وَهُوَ الَّذِي لَا يَمُوتُ أَبَدًا وَشَأْنُهُ تَقَدَّسَ وَتَعَالَى У (Аллоҳ) асло ўлмайди, доимо тирик, унинг шаъни муқаддас ва олийдир.

Таоллаҳу зиҳи ҳар покдин пок,
Ки, не шаҳ, не гадодин бор анга бок,
Гадони шоҳ этардин йўқ ҳаросон,
Анга шоҳни гадо қилмоқ ҳам осон.
Ва ҳува йўҳйиллази лоямуту абада ва шаъниҳи тақаддаса ва таала.

Мунпаот, 149-б.

Ва ҳур атника мисол сул-луълу ал-макнуна وَحُورٌ أَطْبَاقُكَ مِثْلُ لُؤْلُؤِ الْمَكْنُونِ Ва куз қораси яширин дурдек.

... то Ҳазрати амир сўзлари равзалари тамошосига қадам қўяр эрдим ва ҳар равзада «ва ҳур атника мисол сул-луълу ал-макнуна» висолларидин баҳра топар эрдим...

Назм ул-жавоҳир, 127-б.

Вилоят ул-аҳмақи сариъ уз-заволи وِلَايَةُ الْأَحْمَقِ سَرِيعُ الزَّوَالِ Аҳмоқ юрт бошқарса заволнинг келиши тезлашади.

Вилоят ул-аҳмақи сариъ уз-заволи
Ҳар кимга хирад тариқининг нисбати бор,

Давлатқа агар етса анинг муддати бор,
Аҳмаққа чу етса салтанат шанъати бор,
Султонлигининг заволига суръати бор.

Назм ул-жавоҳир, 175-б.

Водин гайри зи заръин وادٍ غير ذي زرعٍ Экин ўсмайдиган бир водий [14:37].

Иброҳим а. с. Ҳожар била Исмоил а. с. ни элтиб, бир биёбондаким, Ҳақ таоло ўз каломида «водин гайри зи заръин» дебдурки, Макка еридур, қуйди.

Тарихи анбиё ва ҳукамо, 116-б.

Волока ман лам юъодука والاك منْ لم يُعدك Сени менсимаган киши – сенга ёрдам беради.

Волока ман лам юъодука
Давр аҳлига лутфи жонфизо кўргузгил,
Эл қилса ямон, яхши жазо кургузгил,
Йуқ, ёринга сидқ сафо кургузгил,
Ким қилмаса хасмлиқ, вафо кургузгил.

Назм ул-жавоҳир, 176-б.

Вулитду фи замони ас-султонул-одил анушировн وُلدتُ في زَمانُ السُّلطانُ العَادل انشروان Мен одил Ануширвон (Нўширавон) подшоҳ замонида дунёга келдим.

Ва ул ҳазрат бу ишка эътибор қуюб, ўз каломи муъжиз низомини мундоқ сурубдурким, вулитду фи замони ас-султонул-одил Ануширвон.

Тарихи мулуки ажам, 242-б.

Давлати ожили муфизи ба саодати авоил барважҳи акмал муяссар бод ва муҳассал, вассалом دولت آجل مفيض به سعادت اوائل بر وجه اكمل ميسر باد و محصل، والسلام Истиқбол саодатига элтгувчи тез келган давлат мукаммал равишда муяссар (умидлар) ҳосил бўлгай. Вассалом (Тамом).

Давлати ожили муфизи ба саодати авоил барважҳи акмал муяссар бод ва муҳассал, вассалом.

Бу руқъалари келган вақтда аларнинг муборак мижозларига ориза воқеъ бўлуб, неча кун беҳузур бўлуб, яна сиҳатлари хабари келди.

Ҳамсат ул-мутаҳаййирин, 42-б.

Давлат ул-мулуки фил-адли دولة الملوك فيالعدل Шоҳларнинг давлати адолат узрадир.

Давлат ул-мулуки фил-адли
Шаҳ уббаҳату ҳашматидур адли била,
Иқбол доғи шавкат эрур адли била,
Олам эли амниятидур адли била,
Султонларнинг давлатидур адли била.

Назм ул-жавоҳир, 149-б.

Давлат ун-наводи офат ил-рижоли دولة النواد افة الرجال Нокасларнинг давлати – кишиларнинг офати.

Давлат ун-наводи офат ил-рижоли
Муқбиллар ишида кўп латофат билгил,

Идборда ул эл аро масофат билгил,
Нокаслар ишин айни касофат билгил,
Давлатларини эранга офат билгил.

Назм ул-жавоҳир, 149-б.

Давом ус-сурури бируят ил-ихвони دوامُ السُّرورِ بِرُؤيةِ الإخوانِ Дўстларни кўриш, хурсандчиликка хотима бермайди

Давом ус-сурури бируят ил-ихвони
Қардошлар очилмасунким оралари,
Фаррух булсун кавкаби сайёралари,
Васл ила йироқлиқларининг чоралари –
Ким, келди фараҳ мужиби наззоралари.

Назм ул-жавоҳир, 148-б.

Даво ул-қалб ир-ризоу бил-қазои دَواءُ القَلبِ الرِّضاءُ بِالقَضاءِ Қалбнинг шифоси – қазога рози булиш.

Даво ул-қалб ир-ризоу бил-қазои
Ҳар кимга ливойи чарх фарсуд керак,
Кунглида сипеҳр дарди мавжуд керак,
Ҳар кимгаки, кўнгли дарди нобуд керак,
Ҳар неки қазодин улса, хушнуд керак.

Назм ул-жавоҳир, 147-б.

Дайн ул-маръи ҳузнуҳу دَيْنُ المَرْءِ حُزْنُهُ Кишининг бурчи – маҳзун булиш.

Дайн ул-маръи ҳузнуҳу
Ҳар кимсаким, бурч ранжининг дарҳамидур,
Ғамнинг ёрию дарднинг ҳамдамидур,
Курмаклик вомҳоҳни мотамидур,
Алқисса, бурч одамининг ғамидур.

Назм ул-жавоҳир, 149-б.

Далилу асл ил-маръи фаълуҳу دَليلُ أَصْلِ المَرْءِ فِعْلُهُ Кишининг асл эканлигини феъли намоён қилади.

Далилу асл ил-маръи фаълуҳу
Кимни тиласанг билай, мақолин англа,
Аслин десанг англайин, фиолин англа,
Кирдорига боқиб, асл ҳолин англа,
Аслига далил анинг хисолин англа.

Назм ул-жавоҳир, 148-б.

Далилу ақл ил-маръи қавлуҳу دَليلُ عَقْلِ المَرْءِ قَوْلُهُ Кишининг сузи – ақлига далолатдир.

Далилу ақл ил-маръи қавлуҳу
Одамки, демак била киромийдуру бас,
Суз дурри ишининг интизомидуру бас,
Сиҳҳат ончаки, аҳли ақл комидуру бас,
Ақлига далил анинг каломидуру бас.

Назм ул-жавоҳир, 148-б.

Далил ул-фақри ғаризун индал-лоҳи دَليلُ الفَقْرِ عَزيزٌ عِنْدَ اللهِ Фақирларнинг энг хори Аллоҳ ҳузурида азиздир.

Далил ул-фақри ғаризун индал-лоҳи
Ҳаргиз булмас жоҳу дирам зори азиз,

Жон нақди бериб сийм харидори азиз,
Халқ оллидадур фақр талабгори азиз,
Ҳақ оллида фақрнинг эрур хори азиз.

Назм ул-жавоҳир, 150–151-б.

Даъ зикраҳунна миммо лаҳунна вафоу, риҳуссабо ваваъди савоу دعذكرهنّ ممّا لهُنّ وَفاؤ/ رخصبا وَوَعدي سواؤ Аёлларнинг вафоси ҳакида зикр қилишни қуй (уларнинг вафоси) тонги шабада ва (ёлғон) аҳду паймоннинг узидир (шеър).

Тарихи анбиё ва ҳукамо, 189-б.

Динор уш-шажиҳи ҳажарун دينارُ الشّحيحِ حَجَرٌ Бахилнинг тилласи фойдасиз топдан ўзга нарса эмас.

Динор уш-шажиҳи ҳажарун
Жамъ этмак азалда топти тақсим бахил,
Ким этмади сийм элга таслим бахил,
Чун харж қилур чоғда курар бийм бахил,
Тош ҳукмидадурки, жамъ этар сийм бахил.

Назм ул-жавоҳир, 149-б.

Диҳи тамуру мур ас-саҳоб يمرّ تمُورُ مُرِ السّحابُ Улар ҳам булутлар юргандек юрарлар.

... содиқ ва ниҳоятсиз туюриғаким, ердин учқонда фалак юзин ёпар «диҳи тамуру мур ас-саҳоб» мутобиқ.

Муншаот, 147-б.

Дори ман жафока таҳжилан лаҳу دار منْ جفاكَ تهجيلاً لَه Кимса сенга жафо қилса ҳам, ундан уялиб муроса қил.

Дори ман жафока таҳжилан лаҳу
Ҳар кимки, сени раво курар шиддатига,
Сен кўпрак иштиғол эт анинг хизматига,
Гар тутмас ул ҳариф ўз хислатига,
Сен лек мадори қил анинг хижлатига.

Назм ул-жавоҳир, 148-б.

Дор ус-салтана دار السلطنه Пойтахт, подшоҳ яшайдиган жой.

Батахсис Ҳирот дор ус-салтанасининг амнободи тавсифидаким...

Ҳайрат ул-аброр, 305-б.

Доъун-нафси ва наъл-ҳирсу داعونْ نفس و نعلُ الحرص Кипининг офатини ҳирсининг инжиқлигидан деб бил.

Доъун-нафси ва наъл-ҳирсу
Ҳирс офатини нафс ҳавоси билгил,
Қўймоқ ани нафс муддаоси билгил,
Нафсингга алам ҳирс балоси билгил,
Кечмак мундин анинг давоси билгил.

Назм ул-жавоҳир, 148-б.

Доъун нафси ил-ҳирсу داعونْ نفسُ الحرْسُ Кипшига алам – ҳирс (таъма, очкузлик)дан етади.

Доъун-нафси ил-ҳирсу
Гар айтур эсанг, булай жувонмард охир,

Қил ҳирсни фақр йўлида гард охир,
Ҳирс утидин бўлма дардпарвард охир,
Ким нафсга ҳирсдин етар дард охир.

Назм ул-жавоҳир, 148-б.

Дум ала казам ил-ғайзи таҳмуду авоқибака دُمْ علىٰ كظم الغيظ بمحمود عواقبك Жаҳлга йўл берма – оқибатлари мақталади.

Дум ала казам ил-ғайзи таҳмуду авоқибака
Таврунгда гунаҳ кечурмокин мавжуд эт,
Суд қилибон бу навъ беҳад суд эт,
Эл гуссасини сингурмокин мақсуд эт,
Бу шева била оқибатинг маҳмуд эт.

Назм ул-жавоҳир, 149-б.

Дум ала-т-таҳорати ювсаъу алайка-р-ризқу دُمْ الا طهارة يوسّع عليك الرزق Доим таҳоратли юргин, таҳорат тозалик ризқу рузингни оширади.

Дум ала-т-таҳорати ювсаъу алайка-р-ризқу
Гар ҳамиша таҳоратинг бўлса,
Ориғай фоқа чирки ул сувдин.
Тоҳир ул истасанг фузун рузий,
Хосир улким йитурди бул сувдин.

Арбаъин, 264-б.

Ё арзи хузиҳи عرض هوزه يا Эй ер тут (ют) буни.

Мусо а. с. ерга айттики, «ё арзи хузиҳи». Ер Қорунни ошуғигача ўзига тортти. Ҳорун дедиким, эй Мусо, яна сеҳр огоз қилдинг. Мусо а. с. айтти: «ё арзи хузиҳи».

Тарихи анбиё ва ҳукамо, 143-б.

Ё муфаттиҳил абвоб يافتح الابواب Эй эпикларни фатҳ қилувчи.

Хумор ғолибу майхона эшиги боғлиг,
Тараҳҳум айла менга, ё муфаттиҳил абвоб.

Наводир ун-ниҳоя, 49-б.

Ё Одаму ускун анта ва завжука ал-жанната يَا ءادَمُ اسْكُنْ أَنْتَ وَزَوْجُكَ الْجَنَّةَ Эй Одам, сен эса жуфтинг (Ҳавво) билан жаннатни маскан тутиб... [7:19].

Одам ва Ҳаво биҳиштда сокин бўлсун деб амр бўлдиким, «ё Одаму, ускун анта ва завжука ал-жанната».

Тарихи анбиё ва ҳукамо, 100-б.

Ё Яҳё ҳузил китоба биқувватен ва отайноҳул-ҳукма сабийян يَا يَحْيَى خُذِ الْكِتَابَ بِقُوَّةٍ وَءَاتَيْنَاهُ الْحُكْمَ صَبِيًّا (Биз унга): «Эй Яҳё, Китобни (яъни Тавротни) маҳкам ушлагин, (дедик) ва унга ғўдаклик чоғидаёқ ҳикмат-маърифат ато этдик [19.12].

Ва чун Яҳё а. с. мутаваллид бўлди, оз вақтдин сўнгра Тенгри таоло муборак кўнглин ваҳй нузулидин мунаввар қилдиким. «ё Яҳё ҳузил китоба биқувватен ва отайноҳул-ҳукма сабийян».

Тарихи анбиё ва ҳукамо, 174-б.

Ё қудрату айни жиъ ва-р-ҳам бидумуъи يا قرّة عيني جيع وارحم بدموعي Эй кўзимнинг оқу қораси, раҳмли ва шафқатли бўл.

Ё қудрату айни жиъ ва-р-ҳам бидумуъи,
Ким қилди бу селоб кўзум уйини вайрон.

Фавойид ул-кибар, 301-б.

Ё Ҳомонубни ли сарҳан يَا هَامَانُ ابْنِ لِي صَرْحًا Эй Ҳомон, мен учун бир (баланд) қаср қургин [40:36–37].

Уткон балийёт асосида Фиръавн сарҳи мумаррадни Ҳомонга буюрдиким, осмонга чиқиб Мусо а. с. нинг Тенгриси била урушай, деб куп муддат устодлари жамъ қилиб, ул сарҳни ясадиким, «ё Ҳомонубни ли сарҳан» анга долдур.

Тарихи анбиё ва ҳукамо, 138-б.

Жавдат ул каломи фил-ихтисори جَوْدَةُ الْكَلَامِ فِي الْاِخْتِصَارِ Сузнинг яхшиси – қисқасидир.

Жавдат ул-каломи фил-ихтисори
Ҳар кимсаки суз демак шиорида дурур,
Маъни гули нутқининг баҳорида дурур,
Сузким десун улки ихтиёрида дурур,
Суз яхшилиги чу ихтисорида дурур.

Назм ул-жавоҳир, 144-б.

Жавлат ул-ботили соатун ва жавлат ул-ҳаққи илас-соати جَوْلَةُ الْبَاطِلِ سَاعَةً وَ جَوْلَةُ الْحَقِّ إِلَى السَّاعَةِ Ботилнинг умри бир соат, ҳақиқатники эса қиёмат соатигачадир.

Жавлат ул-ботили соатун ва жавлат ул-ҳаққи илас-соати
Ботилки чақилса барқи тобони анинг,
Кузини юмуб очқунча имкони анинг,
Ҳаққим йуқ нафъ ичинда поёни анинг,
Булгуси қиёматқача жавлони анинг.

Назм ул-жавоҳир, 144-б.

Жавазал-иснайни шоъ جَوَازُ الْاِثْنَيْنِ شَائِعٌ Ботирликнинг икки нишонаси.

Эй Навоий, Тенгри асрорига тил маҳрам эмас,
Чок кунглунг ичра тутким «жавазал-иснайни шоъ».

Бадоеъ ул-бидоя, 255-б.

Жалла жалолаҳу умма наволлаҳу ва ла илоҳа ғайруҳу جَلَّ جَلَالُهُ عَمَّ نَوَالُهُ وَ لَا إِلَهَ غَيْرُهُ Буюклиги яна ҳам юксалиб, неъматлар умумий бўлсин. Ундан узга илоҳ йўқ.

Кибриё ва жабарут асоси холиқи Жаббордур. Бу сифатқа ул сазо ва бу сифат анга сазовордур (Жалла жалолаҳу умма наволлаҳу ва ла илоҳа ғайруҳу).

Маҳбуб ул-қулуб, 77-б.

Жалла ман ло ямуту جَلَّ مَنْ لَا يَمُوتُ Ўлмайдиган нарса – улуғдир.

Жалла ман ло ямуту
Гардунки халойиққа вафоси йуқ анинг,
Жавр ичра кичик-улуққа поси йуқ анинг,
Ҳар кимки кичик булса бақоси йуқ анинг,
Сен они улуқ билки, фаноси йуқ анинг.

Назм ул-жавоҳир, 145-б.

Жалла олуаҳу не ҳаййи қадим جَلَّ الَّهُ نَهُ حَيٌّ قَدِيمٌ У (Аллоҳ) азалдан бор, ягоналикда буюк раҳмондир.

Жалла олуаҳу не ҳаййи қадим,
Аммо нуъмоуҳу не фарди азим.

Сабъаи сайёр, 14-б.

Жалла субҳонаҳу ва азим уш-шонаҳу جَلَّ سُبْحَانُهُ وَ عَظِيمُ الشَّأْنِهُ Улуғдир унинг неъматлари ва буюкдир шон шавкати.

Анга ҳамдким илми лорайб эрур,
Ҳамул илм ила олим ул-ғайб эрур.
Жалла субҳонаҳу ва азим уш-шонаҳу.

Муншаот, 153-б.

Жалли субҳаҳаҳу ва азуму шаънуҳу ва илайҳи ғайриҳу جَلَّ سُبْحَانُهُ وَ عَظُمَ شَأْنُهُ وَ إِلَيْهِ غَيْرُهُ Унинг неъматлари улуғдир, шону шавкати буюкдир ва ундан бошқа илоҳ йўқдир.

«Жалли субҳанаҳу ва азуму шаънуҳу ва илайҳи ғайриҳу» фунун дақойиқи, балки дақойиқ фунунининг мутаввил маоний аёнлиқ ва мухтасар баёнлиқ муҳаддислари...

Вақфия, 234-б.

Жалис ул-маръи мислуҳу جَلِيسُ الْمَرْءِ مِثْلُهُ Кишининг ҳамсуҳбати унинг узи каби бўлади.

Жалис ул-маръи мислуҳу
Йуқ олам ичинда фардлиқ меҳнатидек,
Ким кимсага қилса ёрлиқ нисбатидек,
Булғуси хисоли ёрининг хислатидек,
Бордур кишининг чу феъли ҳамсуҳбатидек.

Назм ул-жавоҳир, 144-б.

Жалис ус-суъи шайтонун جَلِيسُ السُّوءِ شَيْطَانٌ Ёмон дўст – шайтондир.

Жалис ус-суъи шайтонун
Яхшиликдин топса нишон ҳамсуҳбат,
Берур санга осойиши жон ҳамсухбат,
Чун булди малак нафъарасон ҳамсуҳбат,
Шайтон сангаким дурур ёмон ҳамсуҳбат.

Назм ул-жавоҳир, 143-б.

Жалис ул-хайри ғаниматун جَلِيسُ الْخَيْرِ غَنِيمَةٌ Яхши ҳамсуҳбат – ғаниматдир.

Жалис ул-хайри ғаниматун
Ёреки тегар бировга озори анинг,
Ақл олдида тенгдурур йуқу бори анинг,
Ёреки эрур ҳамида атвори анинг,
Курмакка ғанимат улди рухсори анинг.

Назм ул-жавоҳир, 144-б.

Жамол ул-маръи фил-ҳилми جَمَالُ الْمَرْءِ فِي الْحِلْمِ Кишининг ҳусни – мулойимлигидадир.

Жамол ул-маръи фил-ҳилми
Ҳар кимдаки даҳр ичинда донолиқ эрур,
Ҳилм ила иш анга мажлисоролиқ эрур,
Ойини таҳаммулда тавонлиқ эрур,
Юк чекмак уйла кишига зеболиқ эрур.

Назм ул-жавоҳир, 143-б.

Жанноти аднин фадхулулуҳо холидин جَنَّاتُ عَدْنٍ فَادْخُلُوهَا خَالِدِينَ (Тақводор зотлар учун) барча дарвозалари очиқ мангу жаннатлар бордир. Унга мангу қолгувчи ҳолларингизда киринг из [38, 39:50, 70].

Ва яна: «жанноти аднин фадхулулуҳо холидин» ким, вазни: «мустафъилун, мустафъилун, мустафъилон» дур ва «ражази мусаддаси музол» воқеъ бўлубдур.

Мезон ул-авзон, 45-б.

Жаҳд ул-муқилли касирун جَهْدُ الْمُقِلِّ كَثِيرٌ Фақир учун оз бало ҳам кўпдир.

Жаҳд уд-муқилли касирун
Ҳар кимдаки даҳр ибтилоси кўпдур,
Йуқ бок агар ҳаққа ризоси кўпдур,
Борлиқда агар даҳр жафоси кўпдур,
Йуқсизда вале фоқа балоси кўпдур.

Назм ул-жавоҳир, 143-б.

Жоласал-фуқарои таздад шукран جَلَسَ الْفُقَرَاءِ تَزْدَدْ شُكْرًا Камбағаллар билан суҳбатда бўлиш, шукрни кўпайтиради.

Жолас ал-фуқарои таздад шукран
Жаҳл аҳли била кимгаки улфат бўлгай,
Ул улфати ичра юз минг офат бўлгай.
Фақр аҳли била ангаки суҳбат бўлгай,
Шак йуқки, зиёда шуки неъмат бўлгай.

Назм ул-жавоҳир, 144-б.

Жуд бил-касири ва қониъ бил-қалили جُدْ بِالْكَثِيرِ وَ قَانِعْ بِالْقَلِيلِ Беришда кўп бер, олаётганда оз билан қаноатлан.

Жуд бил-касири ва қониъ бил-қалили
Жудеки хирад буюрса тобеъ бўлгил,
Нафс айласа бухл марифа монеъ бўлгил,
Озу кўп аро бир сўзумга сомеъ бўлгил,
Кўп бергилу озга лек қонеъ бўлгил.

Назм ул-жавоҳир, 144-б.

Жуд бимо тажиду садақ ал-амри جُدْ بِمَا تَجِدُ وَ صَدِّقِ الْأَمْرَ Нимаики топсанг, садақа қил.

Жуд бимо тажиду садақ ал-амри
Майдони саҳо ичра жалодат кўргуз,
Топқонни берур амрига одат кўргуз,
Бухл айласа, нафсингга адоват кўргуз,
Ҳар нимаки топилса саховат кўргуз.

Назм ул-жавоҳир, 143-б.

Завақат ус-салотини муҳрифат уш-шафатайни ذَوَقَاتُ الصَّلَاتِينَ مُهْرِفَةُ الشَّفَتَيْنِ Шоҳларнинг таоми лабни куйдиради.

Завақат ус-салотини муҳрифат уш-шафатайни
Шаҳ хони гамин қўйки, тарабни ўртар,
Иссиғ оши турку арабни ўртар,
Топмоғлиғ ани аҳли адабни ўртат,
Тотмоғлиғ ани ҳуд икки лабни ўртар.

Назм ул-жавоҳир, 150-б.

Завоё ад-дунё машҳунатун би-р-разоё زَوَايَا الدُّنْيَا مَشْحُونَةٌ بِالرَّضَايَا Дунё бурчаклари мотамларга тўладир.

Завоё ад-дунё машҳунатун би-р-разоё
Гардунки, анинг жавфида мамлу гамдур,

Ҳар бир гамида юз ибтило мудгамдур,
Дунёдаки, эл навҳаси зеру бамдур,
Ҳар зовияси тула мотамдур.

Назм ул-жавоҳир, 153-б.

Залла ман боъ ад-дина бид-дунё ذَلَّ مَنْ بَاعَ الدِّيْنَ بِالدُّنْيَا Кимки динни дунёга алиштирган бўлса, йўлдан озибди.

Залла ман боъ ад-дина бид-дунё
Дуне сориким майл ўқин отти, ахий,
Анинг ваҳлига белича ботти, ахий,
Гумроҳ улус ичра ўзин қотти, ахий,
Дунёга бировки дунёни сотти, ахий.

Назм ул-жавоҳир, 160–16-б.

Залла ман ракана илал-ашрари ذَلَّ مَنْ رَكَنَ إِلَى الْأَشْرَارِ Ёмонга қайишган киши – залолатдадир.

Залла ман ракана илал-ашрари
Майл айла ҳамиша меҳрибонлар сори,
Яхшилару турфа кордонлар сори,
Дол ўлди ямон кишига қонлар сори,
Озди кишиким, борди ямонлар сори.

Назм ул-жавоҳир, 160-б.

Залла саъйу ман ражаъа ғайр ул-лоҳи ذَلَّ سَعْيُ مَنْ رَجَا غَيْرَ اللهِ Аллоҳдан узга кишига умид боғлаган киши гумроҳдир.

Залла саъйу ман ражаъа ғайр ул-лоҳи
Ҳақдин кишиким йуқ орзухоҳлиги
Билгилки, гадоликдур анинг шоҳлиги,
Жуз ҳақдин анингки бўлса огоҳлиҳи,
Уммиди эрур гояти гумроҳлиги.

Назм ул-жавоҳир, 159-б.

Заломат ул-мазлуми ло тузиъу ظُلَامَةُ الْمَظْلُوْمِ لَا تُزِيْعُوْا Мазлумнинг ранж-укубати зоеъ кетмайди.

Заломат ул-мазлуми ло тузиъу
Золимки, тилар айласа олам зоеъ,
Мазлумни бедоди этар кам зоеъ,
Мазлумни гарчи айлагай гам зоеъ,
Ул ранжки чекти бўлмагай ҳам зоеъ.

Назм ул-жавоҳир, 163-б.

Залоқат ул-лисони зот ул-моли زَلَاقَةُ اللِّسَانِ ذَاتُ الْمَالِ Тилнинг равонлиги бойлик эгасидир.

Залоқату л-лисони зот ул-моли
Сокит бўлур офоқ аро ҳол ияси,
Ойини фанода турфа аҳвол ияси,
Мол ўлса яқин билки эмас мол ияси,
Невчунки анинг лек эрур мол ияси.

Назм ул-жавоҳир, 151-б.

Замман ал-лоҳу ризқа кулла-аҳадин ضَمَّنَ اللهُ رِزْقَ كُلِّ أَحَدٍ Аллоҳ ҳар бир нарсанинг ризқига кафилдир.

Замман ал-лоҳу ризқа кулла аҳадин
Ҳар кимки, яқин анга муҳаққақ булди,
Оллида маош ишида равнақ булди,
Қилмоқ тамаъ элга саҳви мутлақ булди,
Эл қисматининг кафили чун ҳақ булди.

Назм ул-жавоҳир, 160-б.

Замаъ ул-моли ашадду мин замаъ ил-моъ ضَمَاءُ الْمَالِ أَشَدُّ مِنْ ضَمَاءِ الْمَاءِ Мол дунёга ташналик – сувга ташналикдан кучлироқдир

Замаъ ул-моли ашадду мин замаъ ил-моъ
Дунё сори ҳирс ҳар ямондин ортуқ,
Тарк этмак ани кавну макондин ортуқ ,
Сувсизга сув шавқи бўлса жондин ортуқ
Бил, сифлага мол шавқи жондин ортуқ.

Назм ул-жавоҳир, 163-б.

Занобун воҳидун касирун ва алфу тоъатин қалили ذُنُوبٌ وَاحِدٌ كَثِيرٌ وَ أَلْفُ طَاعَةٍ قَلِيلٌ Гуноҳнинг биттаси ҳам куп, ибодатнинг мингтаси ҳам камдир.

Занобун воҳидун касирун ва алфу тоъатин қалили
Гар эмас эсанг зуҳдга дамсоз ҳануз,
Фисқ ичра қилур эсанг таку тоз ҳануз,
Куп англа бир улса журм носоз ҳануз,
Гар минг улса тоат эрур оз ҳануз.

Назм ул-жавоҳир, 150-б.

Зарб ал-ҳабиби авжаъу ضَرْبُ الْحَبِيبِ أَوْجَعُ Дуст ачитиб гапиради.

Зарб ал-ҳабиби авжаъу
Ким дуст дурур нозу наим англа ани,
Душман эса нийрони жаҳим англа ани,
Тан хок эса хасмдин, салим англа ани,
Зарбеки ҳабиб урар, алим англа ани.

Назм ул-жавоҳир, 160-б.

Зарб ул-лисони ашадду мин таън ис-синони ضَرْبُ اللِّسَانِ أَشَدُّ مِنْ طَعْنِ السِّنَانِ Тил зарбаси – тиш оғриғидан кучлироқ

Зарб ул-лисони ашадду мин таън ис-синони
Чун синса кунгул захми забон оғриғидин,
Ким эрмас анинг оғриғи жон оғриғидин,
Ҳар неки санга етар лисон оғриғидин,
Билгилки, қатиқдурур синон оғриғидин.

Назм ул-жавоҳир, 160-б.

Зарр ут-тоғи фи туғёниҳи زَرُّ الطَّاغِ فِي طُغْيَانِهِ Исён қилувчини ўз исёни ҳалок этади.

Зарр ут-тоғи фи туғёниҳи
Фармон хатин айлагил рақам жон ичра,
Туғён рақамини ташла найрон ичра,
Тоғеки, узин солмади фармон ичра,
Қуй нофармон халқин туғён ичра.

Назм ул-жавоҳир, 150-б.

Заҳабно водиял-мақсад, важадно моҳувал-мақсуд ذهبنا وادي المقصد، وجدنا ما هو المقصود Мақсад водийсига кетдик (етдик), мақсад қандай эканлигини у ерда топдик.

Навоий, Каъба зикрини қуйки, биз дайри фано истаб
Заҳабно водиял-мақсад, важадно моҳувал-мақсуд.

Бадоеъ ул-бидоя, 115-б.

Зиёрат уз-зуъафоъи миннат тавозуъи زيارة الزعماء منة تواضع Заифларнинг ҳолидан хабар олиш – камтарликдандир

Зиёрат уз-зуъафоъи миннат тавозуъи
Заъф аҳлига алтоф таваққуъ билгил,
Лутфунг била ул элга тараффуъ билгил,
Бу нуктани нас йуқ, тасомуъ билгил,
Ул қавм зиёратин тавозуъ билгил.

Назм ул-жавоҳир, 154-б.

Зиё ул-қалби мин акл ил-ҳалоли ضياء القلب من اكل الحلال Қалб нури – ҳалол таомдан пайдо булади.

Зиё ул-қалби мин акл ил-ҳалоли
То ишқ балосига фақир улди кунгул,
Ҳар кузи ҳаримига асир улди кунгул,
Ҳурмат аро тийра масир улди кунгул,
Маъкули ҳалолдин мунир улди кунгул.

Назм ул-жавоҳир, 160-б.

Зиёрат-ул ҳабиб ил-ҳарроъ ул муҳаббати زيارة الحبيب الحراء المحبة Дустларни зиёрат қилиш муҳаббатни оширади.

Зиёрат ул-ҳабиб ил-ҳарроъ ул-муҳаббати
Ҳар кимки ҳабибинг улса эврул бошига,
Маҳв ул юзига, жонни фидо қил кошига,
Тош урса равонингни туфайл эт бошига,
Таждиди муҳаббат англа бормоқ қошига.

Назм ул-жавоҳир, 153-б.

Зийнат уботини хайрун мин зийнат из-зоҳири زينة الباطن خير من زينة الظاهر Ботиний ҳусн зоҳирий ҳусндан яхшироқдир.

Зийнат уботини хайрун мин зийнат из-зоҳири
Эйким, қиласен жилвау ишрат чоғи зеб,
Мустаҳсан эмас эр кишининг қилмоғи зеб,
Гар булса ишинг кўпраги ё озроғи зеб,
Зоҳирдин эрур сутуда ботиндоғи зеб.

, Назм ул-жавоҳир, 154-б.

Зикр-ул авлиёоъи тунзил ур-раҳмата ذكر الأولياء تنزل الرحمة Авлиёларни эслаш – илоҳий раҳмат ёғдиради.

Зикр ул-авлиёоъи тунзил ур-раҳмата
Халқ ичра Ҳақ авлиёсини бил раҳмат,
Ул хайлдин улди элга мойил раҳмат,
Зикр айлаб аларни ҳосил раҳмат,
Ким зикрлари айлади нозил раҳмат.

Назм ул-жавоҳир, 150-б.

Зикр ул-мавти-жалоъ ул-қулуби ذِكْرُ الْمَوْتِ جَلَاءُ الْقُلُوبِ Ўлимни эслаш – қалб жилосидир.

Зикр ул-мавти-жалоъ ул-қулуби
Ҳар кимки, улум сузин демак фан айлар,
Уз ҳолига бу суз била шеван айлар,
Таврини сулук ичинда аҳсан айлар,
Ким руҳни улмак сузи равшан айлар.

Назм ул-жавоҳир, 151-б.

Зикр уш-шабоби ҳасратун ذِكْرُ الشَّبَابِ حَسْرَةٌ Ёшликни эслаш – ҳасратдир.

Зикр уш-шабоби ҳасратун
Қарики эрур, кунглига синмоқ ҳасрат,
Жонига йигитликни қилинмоқ ҳасрат,
Ҳар ишда йигитларга ёлинмоқ ҳасрат,
Суз ичра йигитликни соғинмоқ ҳасрат.

Назм ул-жавоҳир, 151-б.

Зилл ул-аъвижи аъважу ذِلُّ الْأَعْوِجِ أَعْوَجُ Букри кишининг сояси ҳам эгридир.

Зилл ул-аъвижи аъважу
Ким эгри эса, тузлук эмас пояси ҳам,
Бор ўзидек эгри суду сармояси ҳам,
Тузлук эрмас шифосию вояси ҳам,
Ким эгри кишининг эгридур сояси ҳам.

Назм ул-жавоҳир, 164-б.

Зилл ул-карими васиъун ذِلُّ الْكَرِيمِ وَسِيعٌ Сахийликнинг сояси кенг булади.

Зилл ул-карими васиъун
Мукрим ишини курки, бадеъ улди басе,
Богида хариф анга рабеъ улди басе,
Чун гули мурод анга рафеъ улди басе,
Ул нахлга ҳам соя васеъ улди басе.

Назм ул-жавоҳир, 163-б.

Зиллу умр из-золими қасирун ذِلُّ عُمْرِ الظَّالِمِ قَصِيرٌ Золим умрининг сояси қисқа бўлади.

Зиллу умр из-золими қасирун
Золимки, шиор этти жафо поясини,
Уз воясин истаб олди эл воясини,
Қайдин топқай ҳаёт сармоясини,
Ҳақ айлади қисқа умрин соясини.

Назм ул-жавоҳир, 163-б.

Зин ур-рижоли мавози йафҳум زِنَةُ الرِّجَالِ مَوَاضِعُ يَفْهَمُ Кишиларнинг вазни – тарозиларидир

Зин ур-рижоли мавози йафҳум
Маҳрам тиласанг сидқ ила гуфториға боқ,
Пир истар эсанг сулуку атворига боқ,
Ғавр айла кишига доғи кирдорига боқ,
Не қилсанг анинг шонида миқдорига боқ.

Назм ул-жавоҳир, 153-б.

Зир ул маръи ала қадри киромиҳи زُرُ الْمَرْءِ عَلَى قَدْرِ كَرَامِهِ Кишини зиёрат қилиш унинг саховатига қараб бўлади.

Зир ул-маръи ала қадри киромиҳи
Ерингни тонир ишта маҳорат айла,
Диққат била ҳолиға басорат айла,
Мукрим эса изҳори башорат айла,
Жудиға кўра они зиёрат айла.

Назм ул-жавоҳир, 153-б.

Зоқа садруҳу ман зоқа ядуҳу مَنْ ذَاقَ يَدَهُ صَدْرُهُ ضَاقَ Қўли очиқ бўлмаган кишининг юраги тор бўлади

Зоқа садруҳу ман зоқа ядуҳу
Улким қўлида дурри лаоли булғай,
Ғамнинг анга қайда эҳтимоли булғай,
Муфлис булмоқ тараб заволи булғай,
Ғамгиндурур улки, илги холи булғай.

Назм ул-жавоҳир, 161-б.

Зоқат ид-дунё алал-мутаноқизина ذَاقَةُ الدُّنْيَا عَلَى الْمُتَنَاقِضِينَ Дунё – қалби торлар учунгина тордир.

Зоқат ид-дунё алал-мутаноқизина
Хайлеки маваддат ошкор айладилар,
Авқот хазонини баҳор айладилар,
Жамъики мухосамат шиор айладилар,
Кенг даҳр узига тангу тор айладилар.

Назм ул-жавоҳир, 161-б.

Зулл ул-маръи фит тамаъи ذُلُّ الْمَرْءِ فِي الطَّمَعِ Кишининг тўғри йўлдан озиши – тамаъдандир.

Зулл ул-маръи фит тамаъи
Ҳар кимки, тамаъдурур гирифторлиги,
Не суд анга аҳли сахо ёрлиги,
Иззат бермас нақду дирам борлиги,
Ким бўлди тамаъдин кишининг хорлиги.

Назм ул-жавоҳир, 150-б.

Зулм уз-золими яудуҳу илал-ҳалоки ظُلْمُ الظَّالِمِ يَقُودُهُ إِلَى الْهَلَاكِ Золимнинг зулми уни ҳалокатга йуллайди.

Зулм уз-золими яудуҳу илал-ҳалоки
Золимки, эрур зулму жафо ҳосил анга,
Зулм этгали-уқ хотир улур мойил анга,
Бўлмоқ хуш эмас қилғонидин хушдил анга,
Ўз зулмидин-уқ улғусидур қойил анга.

Назм ул-жавоҳир, 163-б.

Зулм ул маръи язруъуҳу ظُلْمُ الْمَرْءِ يَزْرُوعُهُ Киши зулм қилса, ўзи хор бўлади.

Зулм ул-маръи язруъуҳу
Даврон кишига зулм фузун айламагай,
То они таабға раҳнамун айламагай,
Эл зулм ила халқни забун айламагай,
Ким зулм-уқ они сарнигун айламагай.

Назм ул-жавоҳир, 163-б.

Зулмул мулуки авло мин далолир раъияти ظلم الملوك اولى من دلال الرعة Халқнинг(ножуя) қилиғидан подшоҳнинг зулми яхшироқ.

Зулмул мулуки авло мин далолир раъияти
Ким булса раъият иши тақво анга,
Қилмоқни буюрди Ҳақ таоло анга,
Нозики раъият этса бежо анга,
Шоҳ зулми алар нозидин авло анга.

Назм ул-жавоҳир (илмий-танқидий матн), 85-б.

Зур ғаббан таздад ҳуббан زرْ غبًا تزْدَد حُبًّا Гоҳ-гоҳ кўришганда муҳаббат ошар.

Зур ғаббан таздад ҳуббан
Бир-бирин дустлар агар гаҳ-гаҳ,
Кўрсалар, дустлуқ улур ғолиб.
Шавқдин ихтилот улур матлуб,
Васл учун орзу улур толиб.

Арбаъин, 267-б.

Зуҳд ул-омий музиллатун زُهْدُ الْعَامِي مَذِلَّةٌ Авом кишининг зоҳидлиги – гумроҳликдир.

Зуҳд ул-омий музиллатун
Ким бор эса ҳаққа даргоҳ хоклиги,
Илм ортуқким, икки жаҳон шоҳлиги,
Олам фисқида бордур огоҳлиги,
Оми киши бўлди зуҳди гумроҳлиги.

Назм ул-жавоҳир, 154-б.

Иброҳим салавотур-раҳмон алайҳ улул-азм إِبْرَاهِيمُ صَلَوَاتُ الرَّحْمَنِ عَلَيْهِ أُولُو الْعَزْمِ Иброҳим Пайғамбарга Аллоҳнинг улуғ раҳмати бўлсин.

Иброҳим салавотур-раҳмон алайҳ улул-азм битибдурлар. Отаси эрдиким, ани Торах ҳам битибдурлар.

Тарихи анбиё ва ҳукамо, 112-б.

Из қолатил-малоикату ё марёму инналлаҳа юбаш-шируки бикалиматен минҳу исмиҳул масиҳу исабну маряма ва жийҳан фид-дунё вал охирати ва минал-муқаррабийна ва юкаллимуниоса фил маҳди ва каҳлан إِذْ قَالَتِ الْمَلَائِكَةُ يَا مَرْيَمُ إِنَّ اللهَ يُبَشِّرُكِ بِكَلِمَةٍ مِنْهُ اسْمُهُ الْمَسِيحُ عِيسَى ابْنُ مَرْيَمَ وَجِيهًا فِي الدُّنْيَا وَالْآخِرَةِ وَمِنَ الْمُقَرَّبِينَ وَيُكَلِّمُ النَّاسَ فِي الْمَهْدِ وَكَهْلًا...

Эсланг (Эй Муҳаммад), фаришталар: Ё Марям, албатта, Аллоҳ сенга узининг сузини хушхабар қилиб берадики, унинг исми ал-масиҳ Исо бинни Марям бўлиб, дунёю охиратда обрули ва (Тангрининг) яқинларидан бўлур ҳамда одамларга гўдаклик пайтида ҳам вояга етган чоғидек гапирур ва солиҳ бандалардан булур... [3:45–46].

Тарихи анбиё ва ҳукамо, 176-б.

Изҳор ул-ғанйи минаш-шукри إِظْهَارُ الْغِنَى مِنَ الشُّكْرِ Бойликнинг изҳори – шукрдир.

Изҳор ул-ғанйи минаш-шукри
Шукр айлади шиддатда рижо изҳори,
Ҳар меҳнат аро дафъи бало изҳори,

Мол истасанг эт шукру сано изҳори,
Ким шукр демак қилур ғино изҳори.

Назм ул-жавоҳир, 137-б.

Иймон ул-маръи йуърафу биаймониҳи إِيمَانُ الْمَرْءِ يُعْرَفُ بِأَيْمَانِهِ Киши-нинг иймони аҳдига вафо қилишидан билинади.

Иймон ул-маръи йуърафу биаймониҳи
Иймони анингки куфрига сотир эрур,
Чин нукта демакка ул киши қодир эрур,
Ҳар кимсаки иймон ишида моҳир эрур,
Иймонини билки, отидин зоҳир эрур.

Назм ул-жавоҳир, 136-б.

Иллаллоҳ (ила) ло илоҳ إِلَّا اللهُ إِلَى لَا إِلَهَ Бир Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқ.

Англағил арконини бешитибоҳ,
Аввали «иллаллоҳ» ила «ло илоҳ».

Ҳайрат ул-аброр, 111-б.

Инда маликин муктадирин عِنْدَ مَلِكٍ مُقْتَدِرٍ Аллоҳ ҳузурида мартабали.

Булардур ишқда васлдин кон топқон ва «инда маликин муктадирин» мақомида ором топқон.

Маҳбуб ул-қулуб, 70-б.

Ин иҳтариқа жисми мин нори ҳавойиҳ إِنْ اِحْتَرَقَ جِسْمِ مِنْ نَارِي هَوَايِهِ Ишқ шуъласидан (оловидан) ўз аслингни ҳар қанча яширма, бари бир куясан.

Ин иҳтариқа жисми мин нори ҳавойиҳ,
Куймаслиги хаснинг чоқин етганда не имкон.

Фавойид ул-кибар, 301-б.

Иллаллазийна омануу ва амилус солиҳати фалаҳум ажрун ғойру мамнун إِلَّا الَّذِينَ آمَنُوا وَ عَمِلُوا الصَّالِحَاتِ فَلَهُمْ أَجْرٌ غَيْرُ مَمْنُونٍ Магарам иймон келтирганлар ва яхши амаллар қилганларга миннатсиз ва узлуксиз ажрлар бордир [95:6].

Ҳар ким таслим юзин қабул туфроғига қуюб, уларнинг амри наҳйига иймон келтуруб, тоатларига амал қилса, «иллаллазийна омануу ва амилус солиҳати фалаҳум ажрун ғойру мамнун» ҳидое ва ниамидин бархурдор бўлғай...

Вақфия, 238-б.

Инна аразно ал амоната ало-с-самовоти валарзи вал жабола фаабайна ан йахмалинаҳо إِنَّا عَرَضْنَا الْأَمَانَةَ عَلَى السَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضِ وَالْجِبَالِ فَأَبَيْنَ أَنْ يَحْمِلْنَهَا Бу омонатни кўклар (фалак)га, ерга ва тоққа кундаланг қуйган эдик, улар уни кўтаришдан бош тортдилар [33:72].

«Инна аразно ал-амоната ало-с-самовоти валарзи вал жабола фаабайна ан йахмалинаҳо» даъвийга шоҳид, аммо нечукки ваҳҳоблиги тақозоси бу навъ мавҳибат ва жамолият қилди.

Вақфия, 237-б.

Инналлоҳа юҳиб ус-саҳл ат-талқа إِنَّ اللهَ يُحِبُّ السَّهْلَ الطَّلْقَ Тангри таоло хушфеъл ва очиқ юзли бандаларини севади.

Инналлоҳа юҳиб ус-саҳл ат-талқа
Ҳақ сени севгай эл била бўлсанг,
Тилу кунглунгни қилиб якруй,

Нукта сурсанг шукуфтау хандон,
Етса кўпрак улуса нафъ андин.

Арбаъин, 266-б.

Инна Аллоҳу ало кулли шайъин муҳит إِنَّ اللهَ عَلَى كُلِّ شَيْءٍ مُحِيطٌ Ҳақиқатда Аллоҳ ҳар бир ишга қодирдир

Ва айзан бо вужуди «инна Аллоҳу ало кулли шайъин муҳит» ки ҳеч зарраи зарротдин ва ҳеч шаййи ашёдин эмаским, Ҳаққи субҳона бир лаҳза, балки бир турфат ул-айни уларнинг сирри алойинасидин воқиф булмаґай.

Вақфия, 240-б.

Инналлоҳу жамилун юҳибб ул-жамол إِنَّ اللهَ جَمِيلٌ يُحِبُّ الْجَمَالَ Ҳақиқатда Аллоҳ ґўзалдир ва ґўзалликни севади.

Ва ул маъшуқ ҳуснидин иборатдурким «инналлоҳу жамилун юҳибб ул-жамол» андин хабар берурким ишқ бу эътибору жалоли била...

Маҳбуб ул-қулуб, 66-б.

Инналлоҳу йаъмуру бил-адли вал эҳсону إِنَّ اللهَ يَأْمُرُ بِالْعَدْلِ وَالْإِحْسَانِ Аллоҳ уларга адолат ва эҳсонни буюргандир.

... сипеҳрқадреким, хутбаи минбарин «инналлоҳу йаъмуру бил адли вал эҳсону» ривожи бирла муштарийнинг олти поялиг минбарига еткурди.

Вақфия, 241-б.

Шаҳе [Ҳусайн Байқаро] дурким, даврон шаҳаншоҳлари рибқаи ҳукмида асир... анинг тахти фалак мисоли китобасига мувофиқ раиятнавозеким, «инналлоҳу яъмуру бил-адли вал эҳсону» ламъадур...

Назм ул-жавоҳир, 129–130-б.

Инна мин аш-шеъри ли ҳикматун ва инна мин ал-баёнис-сеҳран إِنَّ مِنَ الشِّعْرِ لَحِكْمَةً وَ إِنَّ مِنَ الْبَيَانِ لَسِحْرًا Ҳақиқатан ҳам, шеърда ҳикмат баёнида сеҳр бор.

... назмда балоґат ва насрда фасоҳат таърифида «инна мин аш-шеъри ли ҳикматун ва инна мин ал-баёнис-сеҳран» буюурубдурур ва сеҳр демайким, муъжиза кўргузубдур.

Назм ул-жавоҳир, 126-б.

Инна минка анта минни إِنَّ مِنْكَ أَنْتَ مِنِّي Мен сендадурман, сен мендадурсан.

Анинг сариким, узи улу ул ўзидур,
Борча «инна минка анта минни» сузидур.

Назм ул-жавоҳир, 123-б.

Инна фатаҳно إِنَّا فَتَحْنَا Дурустликда бир ҳукм қилдик сенинг учун эй Муҳаммад алайҳиссалом... Биз сизга очиқ-равшан фатҳ-ґалаба ато этдик [48:1].

Тиґинга қозиб қазо «инна фатаҳно» сурасин,
Туґунга ёзиб қадар «насрун миналлоҳ» оятин.

Бадоеъ ул-васат, 481-б.

Инна фатаҳно лака (фатҳан) мубийнан إِنَّا فَتَحْنَا لَكَ فَتْحًا مُبِينًا Биз сенга аниқ-равшан қилиб очдик (ва Таңри таолонинг сенга (Муҳаммад с.а.в. назарда тутилган) кучли ёрдам бериши учун [48:1].

... сафшиканеким: «инна фатаҳно лака (фатҳан) мубайянан» дебочадурур қазо килкидин анинг шуққаи ливосига ёқилгон...

Назм ул-жавоҳир, 130-б.

Инн аш-щеъра лаҳикматун ва инн ал-баёна ласиҳркун إِنَّ الشِّعْرَ لَا حِكْمَةٌ وَ إِنَّ الْبَيَانَ لَا سِحْرٌ كُنْ Щеърда ҳикмат кўп, уни баён этиш эса, янада жозибалидир.

Ва дуруди номаъдуд ул анбиё ҳалқасининг хотамигаким, инн аш-шеъра лаҳикматун ва инн ал-баёна ласиҳркун нуктаси била шуаро поясин ҳукамо мартабасига чектию баён рутбасин сеҳр манзиласига торти.

Ғаройиб ус-сигар, 9-б.

Иннаҳу илло ҳува ваҳюл-юҳо إِنَّهُ إِلَّا هُوَ وَحْيٌ أُوحِيَ Унга очилаётган вақт келяпти.

Рисолат лисонининг гуфториким: «иннаҳу илло ҳува ваҳюл-юҳо» анинг баёнидадурким...

Назм ул-жавоҳир, 126-б.

Иннаҳу мин Сулаймона ва иннаҳу бисмиллоҳир-раҳмонир-раҳийм алло таълу алайя ваътуни муслимина إِنَّهُ مِن سُلَيْمَانَ وَإِنَّهُ بِسْمِ اللهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ أَلَّا تَعْلُوا عَلَيَّ وَأْتُونِي مُسْلِمِينَ Албатта, у Сулаймондир ва у (мактубда шундай битилгандир): Меҳрибон ва раҳмдил Тангри таоло номи билан бошлайман. Сизлар менга кибр-ҳаво қилмай, ҳузуримга буйсунган ҳолингизда келингиз! [27:30–31].

Ва мунинг асносида онча таъриф қилдиким, Сулаймон а. с. га анинг мулоқоти майли булуб, мактуб битдиким, ислом давлатига мушарраф бўлсунки, «иннаҳу мин Сулаймона ва иннаҳу бисмиллоҳир-раҳмонир-раҳийми алло таълу алайя ваътуни муслимина» андин мухбирдур.

Тарихи анбиё ва ҳукамо, 164-б.

Инни аналлоҳ إِنِّي أَنَا اللهُ Мен Худоман ёки менинг ўзим Худоман.

Ераб, бу на ҳол эркин? «инни аналлоҳ» нидоси келиб, Мусо а. с. нинг давлатманд бошига рисолат тожи қўюлди...

Тарихи анбиё ва ҳукамо, 136-б.

Исбири ё уммоҳ фақад васалти илаллоҳи ва нилти ризоуҳу ва лайсал она байнаки ва байнал жаннати илло хатватан авхатватайни اصْبِرِي يَا أُمَّاهُ فَقَدْ وَصَلْتِي إِلَى اللهِ وَ نِلْتِي رِضَاهُ وَ لَيْسَ الآنَ بَيْنَكِ وَ بَيْنَ الْجَنَّةِ إِلَّا خَطْوَةٌ أَوْ خَطْوَتَيْنِ Сабр қилинг, эй онажон, сиз Аллоҳга яқинлашиб, унинг ризолигини топдингиз. Сиз билан жаннат орасида икки қадамгина қолди.

... Фиръавн қизининг бир машшотаси бор эрди. Бир кун анинг сочин тарарди тароғи иликдин тушти. «Бисмиллоҳ» деб ердин олди. Қиз отасига айтти. Отаси ул заифани темур қозуглар била чормих қилиб, утлуқ қизиқ тошни бош ва юзига қўйдурди. Ул мазлума диндин ёнмади. Ва уч ойлиқ тифлни қизиқ танурга солди. Ва ул тифл онасига фасеҳ тил била дедиким, «исбири ё уммоҳ фақад васалти илаллоҳи ва нилти ризоуҳу ва лайсал она байнаки ва байнал-жаннати илло хатватан авхатватайни».

Тарихи анбиё ва ҳукамо, 148-б.

Истироҳат ун нафси фил йаъси إستراحة النفس في اليأس Руҳнинг роҳати маъюсликдадар.

Истироҳат ун-нафси фил-йаъси
Ҳақдин дурур элга аҳли таъйид ўлмоқ,
Навмид ўлуб толиби тажрид ўлмоқ,
Чун яъс дурур осудаи жовид ўлмоқ,
Роҳат етурур нафсқа навмид ўлмоқ.

Назм ул-жавоҳир, 138-б.

Ихвану ҳаза аз-замани бавасис ул-уйуби إخوان هذا الزمان بوسيس العيوب Бу замоннинг одамлари айб қидирувчилардир.

Ихвану ҳаза аз-замани бавасис ул-уйуби
Даҳр элики келди аҳли номус бори,
Қардошлар эрур макр ила маҳбус бори,
Олингда неча қилса заминбус бори,
Лекин бордур айбинга жосус бори.

Назм ул-жавоҳир, 138-б.

Ихталафаалзобу байнаҳум إختلفا الأحزاب بينهم Сўнг (яҳудий ва насроний) фирқалар (Исо хусусида) узаро ихтилоф қилдилар [19:37].

Юнус Жуҳуд азим риёзатлар била элни муътақид қилиб Исо а. с. қошидин келадурмен ва баъзи Тенгри Исонинг ўғлидур дебдурлар, баъзи Исо Тенгрининг ўғлидур дебдурлар ва баъзи шарикдур, деб изол қилди... Ва «ихтилафаалзобу байнаҳум» аларнинг шаънидадур.

Тарихи анбиё ва ҳукамо, 182–183-б.

Ихфоъ уш-шада оиддун мин ал-мурувватти اخفاء الشدائد من المروءة Мурувват қийинчиликларни тусади.

Ихфоъ уш-шада оиддун мин ал-мурувватти
Олам тарки кишига ҳимматдин эрур,
Ким, куп шиддат ул сори рағбатдин эрур,
Нафсингга қаю аламки шиддатдин эрур,
Махфий тутмоқ ани мурувватдин эрур.

Назм ул-жавоҳир, 138-б.

Ишрабу ё айюҳал-атшон إشرب يا أيها العطشان Ичингиз, эй ташналар!

Ташналаб улма, Навоий, чун азал соқийсидин
«Ишрабу ё айюҳал-атшон» келур ҳар дам нидо.

Бадоеъ ул-бидоя, 29-б.

Иш қаниъан такун маликан أش قانعاً تكن ملكاً Қаноат билан яшасанг, шоҳликка ҳам эришасан.

Иш қаниъан такун маликан
Қилсанг тамаъ элдин ҳадафи хузлон бўл,
Саргаштау хору бесару самон бўл,
Тарки тамаъ айла, ҳокими даврон бўл,
Яъники, қаноат айлаву султон бўл.

Назм ул-жавоҳир, 164-б.

Иқтилсо ал-муъзият إقتلسا المؤزية Азоб келтирадиган (нарсалардан) қутулдинг.

Шаҳ ултурмас авлодур ул элни бот –
Ки, дебдур набий «иқтилсо ал-муъзият».

Маҳбуб ул-қулуб, 16-б.

Йа айюҳа-л-лазина оману иза нудийа ли-с-салавоти мин йавми-л-жумъати фасъу ила зикри-л-лоҳи ва зару албайъ يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا إِذَا نُودِيَ لِلصَّلَاةِ مِن يَوْمِ الْجُمُعَةِ فَاسْعَوْا إِلَىٰ ذِكْرِ اللَّهِ وَذَرُوا الْبَيْعَ Эй иймон келтирганлар, жумъа намози учун азон айтилса бас, интилганлар, (Тангрининг) зикрига боринглар, савдо-сотиқни тарк этган ҳолда.

Қишда баъзи совуқ ва балчиг узри била ва езда баъзи гард ва иссиг баҳонаси била «йа айюҳа-л-лазина оману иза нудийа ли-с-салавоти мин йавми-л-жумъати фасъу ила зикри-л-лоҳи ва зару албайъ» амридин гофил ва анинг савобидин отил эрдилар...

Вақфия, 259–260-б.

Йансурука Аллоҳу насран азизан يَنصُرَكَ اللَّهُ نَصْرًا عَزِيزًا Тангри сенга азиз ғалаба беради.

... кишиваристонеки, фатҳ жавоҳир қиличини ва «йансурука Аллоҳу насран азизан» зурхонасида варзеш тобокон қўлдин узга қўл чека билмас...

Вақфия, 241-б.

Каззобуна ло уммати كَذَّبُونَ لَا أُمَّتِي Ёлғончилар уммат эмаслар.

Сидқ ила ургонда сало уммати
Ояти «каззобуна ло уммати».

Ҳайрат ул-аброр, 208-б.

Кал-аҳодис ин-набийи мурсал كَالْأَحَادِيثِ النَّبِيِّ مُرْسَلٌ Юборилган Пайғамбар ҳадислари каби.

... ва ҳар рисола «кал-аҳодис ин-набийи мурсал» олийшон ва рафъе макондурким, алардин ҳар лафз қийматда дурри саминдин обдорроқ ва ҳирқатда лаъли оташиндин барқкирдорроқ.

Муҳокамат ул-луғатайн, 28-б.

Каломуллоҳи давоъ ул-қулуби كَلَامُ اللَّهِ دَوَاءُ الْقُلُوبِ Аллоҳнинг каломи – қалбларнинг шифосидир.

Каломуллоҳи давоъ ул-қулуби
Олам эли ичра гар гадо, гар шоҳ эрур,
Не дардки, ул кунгли аро ҳамроҳ эрур,
Қуръонни тиловат этсун ар огоҳ эрур,
Эл кунглига чун даво Каломуллоҳ эрур.

Назм ул-жавоҳир, 170-б.

Ка мишкотин фи-з-зужожа كَمِشْكَاةٍ فِي الزُّجَاجَةِ Шиша ичидаги чироқ каби.

... ва ул шуълаосо барглар акси шишаи ҳалабийда ойнаи Чиний каби зулол ичра тушгандин чаман қушлари «ка мишкотин фи-з-зужожа» савтига мутаранним.

Муншаот, 138-б.

Камол ул-жуд ил-эътизору минҳу كَمَالُ الْجُودِ الْعِتْرَارُ مِنْهُ Яхшилик – узрлик бўлиш билан комил бўлади.

Камол ул-жуд ил-эътизору минҳу
Йўқ феъл кишига яхшироқ эҳсондин,

Офоқ элига жуди бепоёндин.
Гар мужтаниб улса давр аро нуқсондин,
Жудига камоли узр билгил ондин.

Назм ул-жавоҳир, 170-б.

Камол ул-илми фил-ҳилми كمال العلم في حلم Илмнинг камоли – мулойимликдандир.

Камол ул-илми фил-ҳилми
Олимки, писандадур хисоли билгил,
Ҳилмин тан аро руҳ мисоли билгил,
Комилда керак ҳилм хаёли билгил,
Ким ҳилмдадур илм камоли билгил.

Назм ул-жавоҳир, 170-б.

Каррамаллоҳу важҳаҳу كَرَّمَ اللهُ وَجْهَهُ Аллоҳ унинг юзини ёруғ қилсин

Ва Амир ул-муъминин Али каррамаллоҳу важҳаҳунинг ашъори купдур, балки девони бор.

Мезон ул-авзон, 45-б.

Касрат уз-зиҳки юмийт ул-қалба كَثْرَةُ الضِّحْكِ تُمِيتُ الْقَلْبَ Кулгининг купи – қалб ўлимидир.

Касрат уз-зиҳки юмийт ул-қалба.
Асру куп кулмаким, улар эрмиш,
Зинда дил кўнгли кулгу касратидин.
Муни ҳар кимки билди кўнглибила,
Кулмагай улса кунгли ҳасратидин.

Арбаъин, 269-б.

Кафа билмавти ваъизан كفى بالموت وعظاً Улим, бу – айни панду насиҳатдир.

Кафа билмавти ваъизан
Воизинг бас ато-ано улуми,
Ким аларча эрур санга носиҳ.
Воизе ул ким айтуру қилмас,
Эрур ул воизинг мунга рожиҳ.

Арбаъин, 266-б.

Кафа билмаръи исман ан юҳаддиса билкулли ма ясмаъу كفى بالمرء إثماً أن يحدث بكل ما يسمع Эшитган гапларни узгаларга айтиш – инсонни гуноҳга ботиши учун кифоядир.

Кафа билмаръи исман ан юҳаддиса бикулли ма ясмаъу
Бу ёзуқ бас кишигаким, элдин
Ҳар на сўзким эшитти фош этти.

Арбаъин, 266-б.

Кафа биш-шайби доъун كفى بالشيب داعون Қариликнинг узи сенга етарли касалликдир.

Кафа биш-шайби доъун
Ёш улгайса тоқи муқарнасдур дард,
Балким мамлу сипеҳри атласдур дард,
Қари кишига балки кам змасдур дард,
Юз сиҳҳати булса, қарилиқ басдур дард.

Назм ул-жавоҳир, 170-б.

Кафака мин уйюб ид-дунё ан ло ябқо كفيك من أيوب الدنيا أن لا تبقا Дунёнинг айблари унда қолмаслик учун сенга етарли бўлади.

Кафака мин уйюб ид-дунё ан ло ябқо
Бу даҳр ажузеки, вафоси йўқ анинг,
Бир фоҳишадекдурки, ҳаёси йўқ анинг,
Дема муниким, айбу хатоси йўқ анинг,
Айби бас эрур буким, бақоси йўқ анинг.

Назм ул-жавоҳир, 171-б.

Кафака ҳамман илмука бил-мавти كفيك همّا علمك بي الموتى Ўлимни ёдга олиш ғами сенга етарлидир.

Кафака ҳамман илмука бил-мавти
Эй улки, эмас махзани олам санга бас,
Базл этгали бир хизона ҳардам санга бас,
Единнга улум кирмаги мотам санга бас,
Улмакни яқин айламагинг гам санга бас.

Назм ул-жавоҳир, 171-б.

Кафа лил-ҳасуди мин ҳасудиҳи كفى لِلْ حسوده مِنْ حسده Ҳасадгўйга унинг ҳасади (ҳалок бўлиш учун) кифоядир.

Кафа лил-ҳасуди мин ҳасудиҳи
Ҳар кимки ҳасуд эрур сазодур ҳасади,
Ҳақдин булғон ямон қазодур ҳасади,
Ўз жонига етгунча балодур ҳасади,
Балким, анга дарди бедаводур ҳасади.

Назм ул-жавоҳир, 170-б.

Кизб ал-мунажжимун كذب المنجمون Мунажжимлар (юлдузшунос), ёлғон гапирадилар.

Бовужуде улки, ўн сўзидин иттифоқе бири ҳам рост келмас, мунунг қабоҳатин ё билмас ва ё билиб кўзига илмас. «Кизб ал-мунажжимун» мазмуни била анинг сўзи ёлғондур...

Маҳбуб ул-қулуб, 33-б.

Кона каан лам якун كان كأنْ لمْ يكون Гуёки булмагандик.

Ул чу эсиб таза вагар худ куҳун,
Бир дам аро «кона каан лам якун».

Ҳайрат ул-аброр, 24-б.

Конат шафаҳак айну ҳаёт ано атшон كانت شفاهك عيْنُ حيوة أنا عطشان Эй ташналар, ҳаёт булоғидан тўйиб-тўйиб ичинглар, бу ҳам бир ғанимат.

Улғум сусабон ҳажр биёбонида, раҳм эт,
Конат шафаҳак айну ҳаёт ано атшон.

Фавойид ул-кибар, 301-б.

Кониян минкон كانيغى كان Кон бойлиги кондан.

... ва аларга Суқрот гавҳари тоғ конида ломеъ бўлуб тилисм мушкулин «кониян минкон» равшан қилмоғи...

Фарҳод ва Ширин, 170-б.

Кофирун сахийюн аржа илал-жаннати мин муслимин шаҳиҳин كافرٌ سخيٌ ارجى الى الْجَنّة منْ مسْلم شحيح Сахий кофир жаннатга киришга хасис мусулмондан кўра кўпроқ умидворроқ.

Кофир ки хирад олли(зли) хору дундур,
Ки зоти аро дурри сахо махзундур,
Бухл аҳлидин ар олам аро Қорундур,
Жаннатқа онинг умиди куп афзундур.

Назм ул-жавоҳир (илмий-танқидий матн), 99-б.

Кузбураҳ усфураҳ قُزبورَه عصفوره Кашнич, чумчуқ.

[Абу Абдуллоҳ муштаҳир Бобуний қ. с.]. Улар ҳазл ва истеҳзо юзидин дебдурларки, агар тиласангки, донишманд булгайсен, бу кеча уюнгнинг сақфидин бир ип била аёгингдин боглаб, тонг отқунча дегилки, «кузбураҳ усфураҳ» [кашнич, чумчуқ] ки, илм абвоби сенга очилур.

Насойим ул-муҳаббат, 222–223-б.

Кулли ман алайҳа фана//Куллу ман алайҳо фон كُلّ مَنْ عَلَيْهَا فَانٍ Ҳар бир киши бизга утгувчидир (бизга қайтади).

Муборак хотирга равшандурким «кулли ман алайҳа фана» каримаси манзуми била ҳар кимгиким бақо жомидин нашъа етишти фано хуморини тортардин гузири йуқтур...

Муншаот, 201-б.

Бақо сарчашмасидин сероблиг қайда мумкин, чун «кулли ман алайҳа фана» согари илан бермас...

Муншаот, 224-б.

Хушо, дайр ичра майхона, тула илгимда паймона,
Мену аҳли фано оғзида куллу ман алайҳо фон.

Фаҳойид ул-кибар, 306-б.

Кулли нафсун зайиқат ул-мавти كُلُّ نَفْسٍ ذَائِقَةُ الْمَوْتِ Ҳар бир нафс улим шарбатини тоттувчидир

... ва тириклик шарбатидин шодкомлиг не мутасаввир, чун «кулли нафсун зойиқат ул-мавти» қадаҳидин гузар эрмас.

Муншаот, 224-б.

Кулли шайъин мин аз-зарифи зариф كُلُّ شَيْءٍ مِنَ الظَّرِيفِ ظَرِيفٌ Ҳар бир суҳбатдош юз хил ҳазилнома сўз айтар, ҳамма нарса бир-биридан гузал эди.

Ҳусн аҳлининг ҳар узвининг васфидаким, кулли шайъин мин аз-зарифи зарифдин хабар берур.

Фавойид ул-кибар, 518-б.

Юз зарофатда ҳар хужаста ҳариф,
Кули шайъин мин аз-зарифи зариф.

Сабъаи сайёр, 247-б.

Кулли шайъин ҳоликин илла важҳаҳу كُلُّ شَيْءٍ هَالِكٌ إِلَّا وَجْهَهُ Ҳар бир нарсанинг ҳалокати сабаб биландир. Тангри таолодан бошқа ҳамма нарса ҳалок бўлгувчидир.

... ҳар кимгаким бақо жомидин нашъа етишти фано хуморини тортардин гузири йуқтур ва «кулли шайъин ҳоликин илла важҳаҳу» ояти мазмуни била боқийи мутлақ ва ҳаййи барҳақ вужудидин узга жамеъ ашёга заҳри ҳалок жомин ичардин чора йуқ...

Муншаот, 201-б.

Кунта набиян фафҳам كُنْتُ نَبِيًّا فَهْمٌ Пайғамбар бўлдинг, бас, англаб ол.

Чун ул узининг хилқатидин урди дам,
Мантуқи эди «кунта набиян фафҳам».

Муҳоқамат ул-луғатайн, 8-б.

Кунту набийян ва одаму байналмои ваттин كُنْتُ نَبِيًّا وَ آدَمُ بَيْنَ الْمَاءِ وَالطِّيْنِ Одам Ато сув билан тупроқ таркибиди ётган даврдаёқ мен (Муҳаммад) бор эдим.

Улки, «кунту набийян ва Одаму байналмои ваттин» мазмуни анбиёга муқаддамдур.

Муножот, 294-б.

Кун фид-дуня к-аннака ғарибун ав обиру сабил(ин) كُنْ فِي الدُّنْيَا كَأَنَّكَ غَرِيْبٌ أَوْ عَابِرُ سَبِيْلٍ Дунёда ғарибдек ва мусофирдек бул.

Ҳазрат набавий ҳадиси таржимасидаким, кун фид-дуня к-анна-ка ғарибун ав обиру сабил.
Ки, дунёда булгил нечукким, ғариб
Ва ёхуд анингдекки, йул уткучи.

Фавойид ул-кибар, 526-б.

... ва бу фано мақоми бақо доруссаломи йулида бир манзилдурки, «кун фид-дуня к-аннака ғарибун ав обиру сабилин» андин хабар берур.

Муншаот, 201-б.

Куфрон ун-неъмати мазилуҳо كُفْرَانُ النِّعْمَةِ مَزِيْلُهُ Неъматта куфр қилиш – уни йуқ қилади.

Куфрон ун-неъмати мазилуҳо
Ҳар шукрки, гар шаҳу, гар сойил этар,
Уз неъматин ортмоқ сори мойил этар,
Неъмат шукрига ким тилини қойил этар,
Ортар куфрони, лек ани зойил этар.

Назм ул-жавоҳир, 170-б.

Ла вафоа лил маръати لَا وَفَا لِلْمَرْءَةِ Аёлларда вафо йуқ.

Хотун киши даъби жуз хато булмас эмиш,
Ақл аҳли аларга ошно бўлмас эмиш,
Мазҳабларида вафо раво бўлмас эмиш,
Ул қавмга алқисса вафо булмас эмиш.

Назм ул-жавоҳир (илмий-танқидий матн), 118-б.

Ла каромата лил казиби لَا كَرَامَةَ لِلْكَاذِبِ Ёлғончи учун ҳурмат йуқ.

Сидқ аҳлига шева жуз саломат булмас,
Ҳар ишдаки майл этса ғаромат бўлмас,
Ёлғончигаким ғайри надомат бўлмас,
Эл олдида таъзими каромат бўлмас.

Назм ул-жавоҳир (илмий-танқидий матн),117-б.

Ла юлдаг ул-мўъмину мин жуҳрин воҳидин марратайни لَا يُلْدَغُ الْمُؤْمِنُ مِنْ جُحْرٍ وَاحِدٍ مَرَّتَيْنِ Мумин киши бир тешикдан икки марта чиқолмайди.

Ла юлдаг ул-муъмину мин жуҳрин воҳидин марратайни
Эйки, бир неш етти музйидин
Кунглунга неча узайса, ётла.

Чунки мўъминни тишламас ҳаргиз,
Бир тўшукдин йилон ики қатла.

Арбаъин, 264-б.

Ла ғанийя лиман ла фазла лаҳу لا غنى لمن فضله له Фазилати бўлмаган киши бой эмас.

Ҳар кимки насиб анга фазойил эрмас,
Кунглига ғино махзани ҳосил эрмас,
Ким ганжи фазойил била комил эрмас,
Булсун Қорунким мутамаввал эрмас.

Назм ул-жавоҳир (илмий-танқидий матн),119-б.

Лав кушифал-ғитоа мо издадат яқинан لَوْ كُشِفَ الْغِطَاءُ مَا ازْدَدْتُ يَقِينًا Ёпинчиқни кутармаганда ҳақиқий илм олмаган бўларди.

... ва мазкур бўлгон тайюридин баъзи «лав кушифал-ғитоа мо издадат яқинан» адоси била тараннум ниҳоятига етар...

Муҳокамат ул-луғатайн, 10-б.

Лав лам йакуни-р-ройиҳати-л-манзили салмо لَوْ لَمْ يَكُنِ الرَّائِحَةُ الْمَنْزِلَ سَلْمًا Агар маъшуқанинг манзилидан шамол эсмаганда эди.

Лав лам йакуни-р-ройиҳати-л-манзили салмо,
Юз қатла банд манзилидин кетмиш эди жон.

Фавойид ул-кибар, 301-б.

Лав танзур фи ҳусниҳи-л-он камо кон لَوْ تَنْظُرُ فِي حُسْنِهِ الْآنَ كَمَا كَانَ Агар сен уни хуснига боқсанг худди аввалгидин ҳеч узгармаган эди.

Ул кони малоҳатда демон бор эди бир он,
Лав танзур фи ҳусниҳи-л-он камо кон.

Фавойид ул-кибар, 301-б.

Лавҳи мактаб لوح مكتب Мактаб доскаси; таълим тахтаси.

Ишқким езди ҳуруфи дард куксум лавҳида,
Ошкор этти бало атфоли лавҳи мактабин.

Наводир уш-шабоб, 326-б.

Лавҳи маҳфуз لوح محفوظ Азалдан то охиратга қадар кишиларнинг яхши ва ёмон амаллари ёзилиб сақланадиган Аллоҳнинг лавҳи (доскаси); пешонада ёзилган нарса, лавҳ.

Азал субҳида малҳузунгни келтур!
Арога лавҳи маҳфузунгни келтур!

Фарҳод ва Ширин, 16-б.

Лаййин ул-каломи қайду қулуби لَيِّنُ الْكَلَامِ قَيْدُ قُلُوبٍ Юмшоқ сўз қалбларни гирифтор қилади.

Лаййин ул-каломи қайду қулуби
Ҳар кимки, чучук сўз элга изҳор айлар,
Ҳар нечаки ағёрдурур, ёр айлар,
Сўз қаттиғи эл кунглига озор айлар,
Юмшоғи кунгулларни гирифтор айлар.

Назм ул-жавоҳир, 171-б.

Лаййин қавлака таҳбуб لَيِّنْ قَوْلَكَ تُحْبَبْ Сўзингни юмшоқ қил – севимли бўлиб қоласан.

Лаййин қавлака таҳбуб
Хуб эл била суҳбат тутубон хуб улгил,

Яхшини талаб қилгилу матлуб улгил,
Ширин суз ила халққа марғуб улгил,
Юмшоқ де ҳадисингнию маҳбуб улгил.

Назм ул-жавоҳир, 171-б.

Лайлат ул-қадри хайрун мин алфи шаҳр لَيْلَةُ الْقَدْرِ خَيْرٌ مِنْ أَلْفِ شَهْرٍ Қадр кечаси минг ойдан яхшироқдир. Чунки Қуръони карим нозил бўлган бу кечадаги ибодатнинг фазли минг ойлик ибодатдан афзалдир [97:3].

Ва аҳли Тафсир дебдурларким, каломуллоҳда «лайлат ул- қадри хайрун мин алфи шаҳр» дин мақсуд ул минг ойдур.

Тарихи анбиё ва ҳукамо, 189-б.

Лайс ал-ғанию ан касрат ил арзи иннамал-ғанию нафси لَيْسَ الْغِنَى عَنْ كَثْرَةِ الْعَرَضِ إِنَّمَا الْغِنَى غِنَى النَّفْسِ Бойлик – молу дунёнинг кўплиги билан эмас, балки нафснинг тўқлиги билан улчанади.

Лайс ал-ғанию ан касрат ил арзи иннамал-ғанию нафси
Бой эмас улки, мол касратидин
Қурмагай фоқау талаб ранжин.
Они билким, худой бермиш анга
Нафси аммора таркини ганжин.

Арбаъин, 268-б.

Лайс аш-шайбу минал-умри لَيْسَ الشَّيْبُ مِنَ الْعُمْرِ Қарилик йилларини умр йилларим деб ҳисоблама.

Лайс аш-шайбу минал-умри
Қарига бажуз даҳр азоби эрмас,
Боғида йигитлик обу тоби эрмас,
Одамга ҳаёт жуз шабобий эрмас,
Яъни, қарилиқ умр ҳисоби эрмас.

Назм ул-жавоҳир, 171-б.

Лайс аш-шуҳрату мин ар-руъунати لَيْسَ الشُّهْرَةُ مِنَ رَنُوناتِ Кибр билан шуҳрат топиб булмайди.

Лайс аш-шуҳрату мин ар-руъунати
Донога такаллуф туни киймак қиндур,
Ҳар чини сори оразида бир чиндур,
Шуҳрат туни киймагинг руунатдиндур,
Кий хирқаи фақру хотирингни тиндур.

Назм ул-жавоҳир, 172-б.

Лайса аш-шадиду бисиръати иннама аш-шадид ул-лазийна ямлику нафсаҳу инд ал ғазаби لَيْسَ الشَّدِيدُ بِسُرْعَةِ إِنَّمَا الشَّدِيدُ الَّذِي يَمْلِكُ نَفْسَهُ عِنْدَ الْغَضَبِ Курашда ғолиб чиққан паҳлавон эмас, балки ғазаби келганда, ўзини босиб олган одам паҳлавондир.

Лайса аш-шадиду бисиръати иннама аш-шадид ул-лазийна ямлику нафсаҳу индал ғазаби.
Эмас ул паҳлавонки уз қадрин
Бош уза элтибон нигун қилгай.
Паҳлавон они билки етса ғазаб
Нафси амморани забун қилгай.

Арбаъин, 268-б.

Лайса камислиҳи шайъун ва ҳувас-самиъ ул-басир لَيْسَ كَمِثْلِهِ شَيْءٌ وَهُوَ السَّمِيعُ الْبَصِيرُ Бирон нарса у (Аллоҳ) зотга ўхшаш эмасдур. У эшитувчи ва куриб тургувчидир [42:11].

Чун бу хиёл далолат бемислликка қилур, улким «лайса камислиҳи шайъун ва ҳувас-самиъ ул-басир» анинг шаънидадур.

Тарихи анбиё ва ҳукамо, 123-б.

Лайса ли-султон ил-олими заволун لَيْسَ لِي سُلْطَانٌ عَالِمٍ زَوَالٌ Илмли шоҳга завол йўқдир.

Лайса ли-султон ил-олими заволун
Ҳар кимдаким, илм қийлу қоли бўлмас,
Илм аҳлига сўз дерга мажоли бўлмас,
Олим мулкининг интиқоли бўлмас,
Шаҳ олим агар бўлса, заволи бўлмас.

Назм ул-жавоҳир, 171–172-б.

Лайсака мислиҳ لَيْسَكَ مِثْلٌ Ҳеч нарса унга ўхшаш эмас [42:11].

Чу эрмас анга ҳеч ашё мушобиҳ,
Анинг шаъниндадур: «лайсака мислиҳ».

Сирож ул-муслимин, 278-б.

Лакал-ҳамд, ё акрамал-акрамин لَكَ الْحَمْدُ يَا أَكْرَمَ الْأَكْرَمِينَ Эй қули очиқ ва сахий кишиларни ҳақиру камтар қилган саховатпеша зот.

Лакал-ҳамд, ё акрамал-акрамин,
Карам аҳлин этган гадойи камин.

Садди Искандарий, 15-б.

Лам язал ва ло-язол لَمْ يَزَلْ وَ لَا يَزَالُ Тангри ундан рози бўлсин ва Тангри уни буюк қилсин!

Ҳар неким, бебақодур, анга кўнгул боғламоқ хатодур. Улки, андин ўзга борига маърази заволдур. Ул бири бол «лам язал ва ло-язол» дур, анинг ишқин берк тут.

Маҳбуб ул-қулуб, 86-б.

Лам якун золика-л-улувви сивок لَمْ يَكُنْ ذَلِكَ الْعُلُوِّ سِوَاكَ Бу севикли мартаба ҳам бўлмаган бўлур эди.

Мадҳи зотингда ҳақ дебон лавлок
Лам якун золика-л-улувви сивок.

Вақфия, 235-б.

Лам ялид ва лам юлад لَمْ يَلِدْ وَلَمْ يُولَدْ У (Аллоҳ) туғмаган ва туғилмаган (яъни унинг фарзанди ҳам, ота-онаси ҳам йўқ. Чунки туғиш, туғилиш бандаларга хос, Худога нисбатан эса бу сифатлар тўғри келмайди) [112:3].

... бепайвандлигингга «лам ялид ва лам юлад» далили мувофиқ.

Муножот, 293-б.

Лаҳмака лаҳми لَحْمُكَ لَحْمِ Гўштим гўштингга.

Лаҳмака лаҳми ҳам онинг шонида,
Дамака дами ҳам истеҳсонида.

Лисон ут-тайр, 26-б.

Лаҳу халладаллоҳу султонаҳу لَهُ خَلَّدَ اللهُ سُلْطَانَهُ Бутун дунёга иньомини (эҳсонини) давомли қилсин. Айт унинг (Ҳусайн Бойқаро фарзанди Музаффар Ҳусайн ибн Султон Ҳусайн Мирзо назарда тутилган) ҳукмронлигини абадий қилсин.

Алал оламина дома эҳсонаҳу,
Лаҳу халладаллоҳу султонаҳу.

Садди Искандарий, 546-б.

Ликулли адоватин муслиҳатун илло адоват ил-ҳусуди لِكُلِّ عَدَاوَةٍ مُصْلِحَةٌ إِلَّا عَدَاوَةَ الْحَسُودِ Ҳасад душманлигидан бошқа ҳамма душманликнинг иложи бор.

Ликулли адоватин муслиҳатун илло адоват ил-ҳусуди
Ислоҳ булур жуҳуд душманлигига,
Топмас чу гумон суд душманлигига,
Муслиҳ тилагил рабуд душманлигига,
Лек этма талаб ҳасуд душманлигига.

Назм ул-жавоҳир, 172-б.

Ли маъаллоҳи вақтун لِلّٰهِ وَقْتٌ Менда Тангри таоло билан бирга булмоқ учун вақт бор.

Буроқи иноят анинг маркаби улви хироми ва Жибрили ҳидоят анинг пайки барқгоми, лайлат ул-меърож анинг шабистони ва «ли маъаллоҳи вақтун» анинг мақоми.

Муножот, 294-б.

Ло алат-таъйин لَا عَلَى التَّعْيِينِ Кийимсиз, қип-яланғоч.

[Бобо Ҳасан Турк қ. т. с.]. Бобога жазб ғолиб булибдур, яланғоч такядин чиқиб, ло алат-таъйин масту беҳуд кезиб юрур эрмиш.

Насойим ул-муҳаббат, 450-б.

Ло дина лиман ло иймоната лаҳу لَا دِينَ لِمَنْ لَا أَمَانَةَ لَهُ Иймони йуқнинг дини ҳам йуқдир.

Ло дина лиман иймоната лаҳу
Ким олам аро уёти йўқтур анинг,
Дин нуктасида фатонати йўқтур анинг,
Диндор улким, хиёнати йўқтур анинг,
Йуқ дин ангаким, амонати йуқтур анинг.

Назм ул-жавоҳир, 178-б.

Ло дина лиман ло муруввата лаҳу لَا دِينَ لِمَنْ لَا مُرُوَّةَ لَهُ Мурувватсиз кимсада дин ҳам йўқ.

Ло дина лиман ло муруввата лаҳу
Ҳар кимсаки, дин ичинда қувват йуқ анга,
Жазм айлаки, ойини футувват йуқ анга,
Дин аҳли била расми ухувват йуқ анга,
Ул кимсада йуқ динки, мурувват йуқ анга.

Назм ул-жавоҳир, 178-б.

Ло илаҳа илла анта субҳонака инни кунту миназ-золимин لَا إِلٰهَ إِلَّا أَنْتَ سُبْحَانَكَ إِنِّي كُنْتُ مِنَ الظَّالِمِينَ Ҳеч илоҳ йўқ, магар ўзинг бордирсан, эй пок Парвардигор, дарҳақиқат, мен (ўз жонимга) жабр қилувчилардан булиб қолдим [21:87].

Ва Юнус а. с. қирқ кун болиг ичинда эрди ва бу тасбеҳни вирд қилиб эрдиким, «ло илаҳа илла анта субҳонака инни кунту мин аз-золимин».

Тарихи анбиё ва ҳукамо, 170-б.

Ло илаҳа иллоҳу //Ло илаҳа иллаллаҳ لا إله إلا هو // لا إله إلا الله Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ.

Дер Навоийки ғайр эмас мавжуд,
Турфа суз «ло илаҳа иллоҳу».

Бадоеъ ул-бидоя, 467-б.

Сужуд этар қуёш оллинда уйлаким ҳинду
Юзунг қошинда қуёш ло илаҳа иллоҳу.

Бадоеъ ул-бидоя, 473-б.

Юзу кузунгда муайян камоли сунъи илоҳ,
Не юздурур бу не куз, ло илаҳа иллаллоҳ.

Бадоеъ ул-бидоя, 474-б.

Ло нуҳси саноан алайка لا نحصي ثناءاً عليك Сенинг мактовингни айтиб тугата олмаймиз.

Ҳамдингда такаллум аҳли тили косир, сипосингда мутакаллимлар ажздин мутаҳаййир. Бу бобда «ло нуҳси саноан алайка» мазкур булур, ҳар неча балоғат лофин урган дам урмаса, маъзур булур.

Муножот, 294-б.

Ло роҳата лил-ҳасуди لا راحة للحسود Ҳасадгўйга роҳат йўқ.

Ло роҳата лил-ҳасуди
Олам элида биров саодатсиз улур,
Ким, фақр йулида иститоатсиз улур,
Иззат топмаским қаноатсиз улур,
Ҳар кимса ҳасуд булса, роҳатсиз улур.

Назм ул-жавоҳир, 179-б.

Ло тазар кофирина дайёра لا تذر كافرك ديار Кофирларни бутхонага таклиф қилма!

Дема гарчи топар эсанг ёро,
«Ло тазар кофирина дайёро».

Сабъаи сайёр, 383-б.

Ло туҳсий لا تحصي Сон-саноқсиз, беадад (Аллоҳга беадад шукр айтиш).

Санойи зотинг ичра топиб ажз аҳли идрок,
Гаҳи ло туҳсий айтиб замоне мо арафнок.

Наводир ун-ниҳоя, 283-б.

Ло фақра лил-оқили لا فقر للعاقل Оқил кишига фақирлик йўқдир.

Ло фақра лил-оқили
Ҳар кимсаки ақл кунглидин зойилдур,
Қорун эса, оқил қошида сойилдур,
Юз ганж кишига ақлдин ҳосилдур,
Йўқтур анга фақру фоқаким оқилдур.

Назм ул-жавоҳир, 179-б.

Ло халаса илла бил ихлоси لا خلص إلا بالإخلاص Халос ихлосдандир.

Ва «Ихлосия» мадрасаси утрусида бу хонақоҳғаким, иморати ҳар навъ риё ва ғашдин холи эрди ва хотирга кўп тараддудин халос берди: «Халосия» от қуйдум «ло халаса илла бил ихлоси».

Вақфия, 260-б.

Ло юъмину аҳадукум ҳатта яҳиббу ла аҳиҳи ма юҳиббу ли нафсиҳи لا يؤمن احدكم حتى يحب لاخيه ما يحب لنفسه Сизлардан ҳеч бирингиз узига раво курган нарсани биродарига раво кўрмагунча, чин мўмин бўлолмайди.

Ло юъмину аҳадукум ҳатта яҳиббу ла аҳиҳи ма юҳиббу ли нафсиҳи
Муъмин эрмастур, улки иймондин
Рузгорида юз сафо кургай,
Токи қардошига раво кўрмас –
Ҳар неким узига раво кургай.

Арбаъин, 262-б.

Ло яшбаъ ул-муъмину дуна жориҳи لا يشبع المؤمن دون جاره Мумин кипи қўшниси оч туриб, ўз қорнини тўйғазмайди.

Ло яшбаъ ул-муъмину дуна жориҳи
Кимки муъмин дурур қачон чидагай,
Ким ўзи тўқу қўшни булгай оч.
Анга доғи керак етурса насиб,
Хонида гар қулочу хоҳи умоч.

Арбаъин, 269-б.

Ло қазафа лил-фоҳиш لا قذف للفاحش Фаҳш ишлар қилувчи, ахлоқсиз кишига танбеҳ кор қилмайди.

Ло қазафа лил-фоҳиши
Ҳар ким сузи фаҳш-ақл анга ром ўлмас,
Бу навъ неку киши саранжом ўлмас,
Дашномдин ўзга ақлга ком ўлмас,
Бу турфаким, дашном анга дашном ўлмас.

Назм ул-жавоҳир, 179-б.

Ло ғамма лил-қониъи لا غم للقانع Қаноатли кимсада ғам булмайди.

Ло ғамма лил-қониъи
Қонеъга махзани саодат кам йуқ,
Жуз зумраи эъзозу шараф ҳамдам йуқ,
Хурсандлиқ ойини киби олам йуқ,
Ҳар кимсадаким булса қаноат, ғам йуқ.

Назм ул-жавоҳир, 179-б.

Ло ҳавла ва ло қуввата илла биллоҳ لاحول ولا قوة الا بالله Куч билан қувват эса Тангри таолодан ўзга ҳеч кимда йуқ

Даъват вужуду даъвин қуввату ҳавл,
Ло ҳавла вало қуввата илла биллоҳ.

Мажолис ун-нафоис, 13-б.

Ло ҳурмата лил-фосиқи لا حرمة للفاسق Фосиқ кишининг ҳурмати бўлмайди.

Ло ҳурмата лил-фосиқи
Фисқ аҳлига булмас киши қилмоқ ҳурмат,
Ким эрмас анинг ҳолига равнақ ҳурмат,
Фосиққа насиб этмади чун ҳақ ҳурмат,
Хушроқтур ани тутмаса мутлақ ҳурмат.

Назм ул-жавоҳир, 179-б.

Луъина абд уд-динари ва луъина абд ул-дирҳами لُعِنَ عَبْدُ الدِّيْنَارِ وَلُعِنَ عَبْدُ الدِّرْهَمِ Динор-дирҳамга қул бўлганларга лаънат бўлсин.

Луъина абд уд-динари ва луъина абд ул-дирҳами
Раҳмат озодагаки ул олмос,
Даҳр динору дирҳамин ғамга.
Лек лаънат ангаки қул бўлгай.
Хоҳ динору хоҳ дирҳамга.

Арбаъин, 264-б.

Мадда зиллу ҳул-олий مَدَّ ظِلُّهُ الْعَلِيِّ Умрини узайтирсин (соясини узайтирсин).

... яъни ҳазрат шайхул-исломи мавлоно Нуриддин Абдураҳмон Жомий мадда зиллу ҳул-олий мадҳида хома найининг шаккарборлиғи ва қунгул садафининг гавҳарнисорлиғи.

Сабъаи сайёр, 41-б.

Мадда зиллу ҳул-олий ало мафориқи фарқат-толи-бин مَدَّ ظِلُّهُ الْعَلِيِّ عَلَى مَفَارِقِ ذَوِي الطَّالِبِيْنَ Аллоҳ у улуғ мартабали, муҳтарам зоти бобаракотнинг умрларини узун ва абадий қилгай.

... яъни ҳазрати махдумий мавлоно Нуриддин Абдураҳмон Жомий мадда зиллу ҳул-олий ало мафориқи фарқат-толибин жанобида арзи ниёз қилмоқ ва изҳори роз айламак.

Садди Искандарий, 48-б.

Мажлис ул-илми разват ул-жаннати مَجْلِسُ الْعِلْمِ رَوْضَةُ الْجَنَّةِ Илм мажлиси – жаннат боғига ўхшайди.

Мажлис ул-илми разват ул-жаннати
Ким олим эса, нуқтада барҳақ де они,
Гар базм тузар, биҳишти мутлақ де они,
Ҳар кимсаки, йўқ илм анга аҳмақ де они,
Мажлисдаки илм бўлса учмоқ де они.

Назм ул-жавоҳир, 173-б.

Мажлис ул-кироми ҳусун ул-каломи مَجْلِسُ الْكِرَامِ حُسْنُ الْكَلَامِ Жумардлик мажлиси – сўз истеҳкомидир.

Мажлис ул-кироми ҳусун ул-каломи
Яхши эл ила эрур мадори ҳикмат,
Ҳар сўзлари дури шоҳвори ҳикмат,
Қил базмларида ихтиёри ҳикмат,
Мажлислари чун эрур ҳисори ҳикмат.

Назм ул-жавоҳир, 173-б.

Маликун алломун жалла ва ало مَلِكٌ عَلَّامٌ جَلَّ وَعَلَى Қудратли ва улуғ мулк эгаси (Тангри сифати).

... ва сузи сидқ ва иши таслим – уқдурким, маликун алломун жалла ва алонинг каломи муъжиз низоми ул тил била нозил...

Муҳокамат ул-луғатайн, 9-б.

Ман акрома олиман фақад акрамани مَنْ أَكْرَمَ عَالِمًا فَقَدْ أَكْرَمَنِي Кимки олимни ҳурмат қилса, мени (яъни, Аллоҳни) ҳурмат қилган бўлади.

Мундоқ деди илм аҳлини айларга ғани,
«Ман акрома олиман фақад акрамани».

Хамсат ул-мутаҳаййирин, 7-б.

Ва Расул саллаллоҳу алайҳи васаллам аҳодисида даги ҳам бу тариқ тушубдур. Ул жумладин бири будурким, «ман акрома олиман фақад акрамани» ким, вазни: «мафъулу мафоилун мафоилу фаул» дур.

Мезон ул-авзон, 45-б.

Ман аллат ҳимматуҳу тола ҳамумуҳу مَنْ عَلَتْ هِمَّتُهُ طَالَ غَمُّهُ Ҳиммат даражаси баланднинг қайғу торлари узун бўлади.

Ман аллат ҳимматуҳу тола ҳамумуҳу
Ҳар кимки анинг ҳиммати дунроқ бўлди,
Билки, ғаминнинг нахли нигунроқ бўлди,
Ким, ҳиммати рифъати фузунроқ бўлди,
Қайғуларнинг тори узунроқ бўлди.

Назм ул-жавоҳир, 172-б.

Ман кона лиллаҳи кона-л-лаҳу лаҳу مَنْ كَانَ لِلّٰهِ كَانَ اللّٰهُ لَهُ – Ҳар кимки Тангрига бўлса, Тангри ул кишига бўлур (ким Тангрига бўлса, Тангри ул кишига бўлур).

Ҳадиси қудсийдурким «ман кона лиллаҳи кона-л-лаҳу лаҳу»...

Муншаот, 182-б.

Ва «ман кона лиллаҳи кона-л-лоҳу лаҳу» мазмунича маҳбуби ҳақиқий била мусоҳабат лофин ургайсиз, ҳар неки утти азал қисматидин эрканин билиб, ортуқси гусса тутмагайсиз.

Муншаот, 150-б.

Ман касара каломуҳу касара маломуҳу مَنْ كَثُرَ كَلَامُهُ كَثُرَ مَلَامُهُ Кимки куп сўзлабди – ўзига маломатни орттирибди.

Ман касара каломуҳу касара маломуҳу
Ким оз деди нукта айшу ком ўлди анга,
Сўз қоидасида интизом ўлди анга.
Ҳаддин утди ҳар кимки калом ўлди анга,
Ул навъ каломдин малом ўлди анга.

Назм ул-жавоҳир, 172-б.

Ман лам ярҳаминнаса ла ярҳамҳуллоҳу مَنْ لَمْ يَرْحَمِ النَّاسَ لَا يَرْحَمُهُ اللّٰهُ Одамларга раҳмли бўлмаган кишига Аллоҳнинг ҳам раҳми келмайди.

Ман лам ярҳаминнаса ла ярҳамҳуллоҳу
Тенгридин раҳм агар тамаъ қилсанг,
Аввал ўлмоқ кераксен элга раҳим.
Ҳар кишиким улуса раҳм этмас,
Анга раҳм айламас раҳими карим.

Арбаъин, 263-б.

Ман лам яшкуруннаса лам яшкуриллаҳа مَنْ لَمْ يَشْكُرِ النَّاسَ لَمْ يَشْكُرِ اللّٰهَ Кимки инсонларга шукр айтмаса Аллоҳга ҳам шукр қилмайди.

Ман лам яшкуриннаса лам яшкуриллаҳа
Улки холиқга шукр дер, аввал
Шокир ўлмоқ керак халойиқдин.
Кимки, махлуқ шукрини демагай,
Демагай даги шукр холиқдин.

Арбаъин, 263-б.

Ман аъта лиллаҳи ва манаъа лиллаҳи ва аҳабба лиллаҳи ва абғаза лиллаҳи фақад-исътакмала ийманаҳу مَنْ أَعطَا لِلّٰهِ وَ مَنَعَ لِلّٰهِ وَ أَحَبَّ لِلّٰهِ وَ أَبْغَضَ لِلّٰهِ فَقَدِ اسْتَكْمَلَ إِيمَانَهُ Кимки ҳайр-эҳсон кипишда, ноўрин жойларга сарф қилмасликда, яхши одамларни дуст ва ёмон одамларни душман тутишда фақат Аллоҳнинг ризолигини ният қилган бўлса, демак, у ўз иймонини бутун сақлайди.

Ман аъта лиллаҳи ва манаъа лиллаҳи ва аҳабба лиллаҳи ва абғаза
лиллаҳи фақад-исътакмала ийманаҳу
Кимгаким ҳуббу буғзу манъу ато
Ҳақ учун бўлди жазм бил они,
Ким эрур Тенгри лутфидин комил
Аҳли иймон қошида иймони.

Арбаъин, 262-б.

Ман салимал-муслимун مَنْ سَلِمَ الْمُسْلِمُونَ Кимки соғлом бўлса, мусулмон бўлади.

Муслим эрур «ман салимал-муслимун»,
Юз, илигу тил бу иш ичра забун.

Ҳайрат ул-аброр, 111-б.

Ман хадима худима مَنْ خَدَمَ خَدَمَهُ Ким бировга хизмат қилса, унга ҳам кимдир хизмат қилади.

Чун Мир Махдум поктийнат ва соҳибдавлат йигит эрди, ул хизматларни андоқ қилдиким: «ман хадима худима» мазмуни била ҳазрат Мир Қосим анга Мир Махдум от қуйдилар ва доим ҳазрати Мир Қосим ани азиз ва мукаррам тутар эрдилар.

Мажолис ун-нафоис, 12-б.

Ман(ъ) араф مَنْ عَرَفَ (Биров билади) кимки ўз васфини билса у ўз хўжаси (Аллоҳ) ни ҳам билади; кимки ўзини таниса, у ўз хожасини ҳам танийди (унинг зоти олам васфлари билан зийнатлидур).

Мунда зоҳир бўлди сирри ман араф,
Ким курубтур гавҳар улмоғлиғ садаф.

Лисон ут-тайр, 268-б.

Бўлмас никоб очсанг доғи чун ҳалли сирри лавкашаф,
Толибга недур айламак таҳсили ганжи маньараф.

Бадоеъ ул-васат, 222-б.

Олам авсофига зоти муттасаф,
Ким сўзики ман арафки лав кашаф.

Лисон ут-тайр, 26-б.

Манқабат ул-марьи тахта лисониҳи مَنْقَبَةُ الْمَرْءِ تَحْتَ لِسَانِهِ Киппининг ҳунари тили остида бўлади.

Манқабат ул-марьи тахта лисониҳи
Ҳар кимсаки, оллиға ёзилди ҳунари,
Суз пардаси устида ёпилди ҳунари,
Чу нуктада деди элга ёйилди ҳунари,
Невчунким тил остида келди ҳунари.

Назм ул-жавоҳир, 173-б.

Ман қараи бобан ложжу ва лажжу مَنْ قَرَعَ بَابًا لَاجَّ وَ لَجَّ Ким бир деб уқиса, ким қаттиқ ҳаракат қилса, киради.

Умидки, «ман қараи бобан ложжу ва лажжу» ҳукми била юзларига мақсуд эшиги очилгай ва бошларига мурод гавҳари сочилгай...

Вақфия, 238-б.

Машраб ул-азби муздаҳимун مَشْرَبُ الْعَذْبِ مُتْخَمٌ Тиниқ булоқ атрофида ҳамма одамлар тупланишади.

Машраб ул-азби муздаҳимун
Ҳар кимгаки, ачиг булди суз илқоси,
Бор суҳбатидин халқнинг истигноси,
Ҳар кимки, чучук нукта эрур иншоси,
Қошидадур, албатта улус гавгоси.

Назм ул-жавоҳир, 172-б.

Маъшо золика фазулуллоҳ юътиҳа ман яшаъ مَاشَاءَ ذَالِكَ فَضْلُ اللهِ يُؤْتِيهِ مَنْ يَشَا Бу Тангри таолонинг фазилатидур, уни хоҳлаган кипсисига беради.

Бу саодат кишига узлугидин етмак «маъшо золика фазулуллоҳ юътиҳа ман яшаъ».

Маҳбуб ул-қулуб, 48-б.

Мин ал-ҳамри ва ҳологиҳи, ахрақа қалби би ҳароротиҳи مِنَ الْخَمْرِ وَ حَالَاتِهِ اَحْرَقَ قَلْبِي بِي حَرَارَتِهِ Шароб ва унинг кайфидан юрагим ҳарорат билан куйди.

Оҳ мин ал-хамри ва ҳолотиҳи,
Ахрақа қалби би ҳароротиҳи.

Мунщаот, 136-б.

Мин жайри дами-л-айни лано ҳосилу ийқон مِنْ جَيْرِ دَمِ الْعَيْنِ لَنَا حَاصِلُ إِيْقَانٌ Кўз ёпининг оқишидан якинлик ҳосил булади (куп йиғласа Худога яқин булади).

Эй қонки, кузумдин оқасен рахмки, улгум,
Мин жайри дами-л-айни лано ҳосилу ийқон.

Фавойид ул-кибар, 301-б.

Мин кулли вужуҳин суфи важҳика ҳайрон مِنْ كُلِّي وُجُوهٍ صُوفِي وَجْهِكَ حَيْرَان Бу барча важ(ҳ)лардан суфининг чеҳрасида ҳайронлик.

Ҳар важҳ ила гар улса Навоий не ажабким,
Мин кулли вужуҳин суфи важҳика ҳайрон.

Фавойид ул-кибар, 302-б.

Мин ҳуснил ислом ил-маръи таркуҳу ма ла юийбуҳи مِنْ حُسْنِ الْإِسْلَامِ الْمَرْءِ تَرْكُهُ مَا لَا يَنْبُهُ Ўзига ярашмаган нарсаларни тарк этиш – ислом мусулмончилигининг ҳуснидир.

Мин ҳуснил ислом ил-маръи таркуҳу ма ла юийбуҳи
Кимки ислом кузгусида тилар
Ҳар замон узга бир сафо мавжуд.
Кечсун ул навъ барча ишдинким,
Тенгри рози эмас, улус-хушнуд.

Арбаъин, 267-б.

Мои маин ماء معين Оқар сув, оби равон.

Боғлар ул навъки хулди барин,
Сувлари ул таврки мои маин.
Ҳайрат ул-аброр, 297-б.

Мо надама ман саката ما ندم من سكت Сукут сақлаган одам кейин надомат қилмайди.

Мо надама ман саката
Ҳар кимсаки, нуктаси фаровон бўлмас,
Тил ранжига қолмоғлиги имкон бўлмас,
Кўп сўзлагучига ғайри нуқсон бўлмас,
Ҳар кимки хамуш бўлди, пушаймон бўлмас.

Назм ул-жавоҳир, 173-б.

Мо халақа илло ما خلق إلا Ахир улар ўзларича Тангри таоло осмон ва ерни, ҳамда улар орасидаги бор нарсани фақат ҳақ (қонун) ва белгиланган муддат билан яратганини тафаккур қилиб кўрмайдиларми? Дарҳақиқат бу одамлардан кўпчилик қайта тирилиб, Парвардигорига рўбарў бўлишни инкор қилгувчилардир.

Ва Сулаймон а. с. тўлъудин ғурубқача «мо ҳалақа илло» қозиясин суруб, ҳукмин қилур эрди.

Тарихи анбиё ва ҳукамо, 162-б.

Мо халақа Аллоҳ ما خلق الله Аллоҳ томонидан яратилган.

Ва ул машғуллуқ «ма халақа Аллоҳ» фаносидур ва ул машғуллуқ «мо халқи Аллоҳ» бақосидур...

Маҳбуб ул-қулуб, 60-б.

Мо халқи Аллоҳ ما خلق الله Аллоҳнинг яратгани.

Кунгул била Ҳақ ёридин холий бўлмоқдур ва анинг ғайри хайлидин холий бўлмоқдур... ва «мо халқи Аллоҳ» холиқининг бақосидур.

Маҳбуб ул-қулуб, 60-б.

Мусоҳибат ул-ашрори рукуб ул-баҳри مصاحبة الاشرار ركوب البحر Ёмон билан ҳамсуҳбат бўлиш – денгиз сафари каби хатарлидир.

Мусоҳибат ул-ашрори рукуб ул-баҳри
Ҳар важҳ ила нотавонга ҳамсуҳбатлиқ
Кўп яхшики, комронга ҳамсуҳбатлиқ,
Киши хатари ямонга ҳамсуҳбатлиқ,
Дарё сафари ҳамонга ҳамсуҳбатлиқ.

Назм ул-жавоҳир, 173-б.

Муқтазойи ожил مقتضاى اجل Ўлим тақозоси.

Чун рўзгор ҳарунлигидин ва лайлу наҳор буқаламунлигидин Паҳлавон Бусаид ҳаёт вадиатин муқтазойи ожилга топшурубдур.

Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад, 105-б.

Навваралҳу марқадаҳу нуран ваффақаналлоҳу نوّر الله مرقده نورا وفقه الله Аллоҳ унинг ётган жойини мунаввар қилсин.

Ва оташгоҳ ҳарорати гармравларидин бири Хусрави номий ва майкада дардмандлиги номийларидин бири Жомий (навваралҳу марқадаҳу нуран ваффақаналлоҳу!).

Маҳбуб ул-қулуб, 66-б.

Наввир қабрака бис-салоти физ-зилами نوّر قبرك بي الصلوة في ظلم Тунги намозлар била қабрингни мунаввар эт.

Наввир қабрака бис-салоти физ-зилами
Уйқу неча ишрату сурурунг бирла,

Кўзунг қаро айламак ғурурунг бирла,
Тийра кеча тоат эт ҳузурунг бирла,
Қабринг уйини ёрут бу нурунг бирла.

Назм ул-жавоҳир, 174-б.

Навм ус-субайҳати ямнаъ ур-ризқа نوم السبحة يمنع الرزق Тонги уйқу ризқни қисқартиради (камайтиради).

Навм ус-субайҳати ямнаъ ур-ризқа
Субҳ уйқусин улки айлар тарк
Ризқу рузин узига туш кургай,
Улки ғафлатда этти навми сабуҳ,
Бу шарафни магарки туш кургай.

Арбаъин, 265-б.

Назрат ул-важҳи фис-сидқи نظرت الوجه في صدق Юз софлиги – тўғри сўзликдандир.

Назрат ул-важҳи фис-сидқи
Ҳар кимгаки эгриликда овоза дурур,
Туз жодда ичра йўлидин оза дурур,
Тузлукта тараб беҳаду андоза дурур,
Ким ростдурур, юзи анинг тоза дурур.

Назм ул-жавоҳир, 175-б.

Найл ул-манйи фил-ино نيل العلي في الأنا Мақсадга қийинчилик орқали эришилади.

Найл ул-манйи фил-ино
Ғамдин дурур ўзни шод топмоқ билгил,
Бетушалиқ ичра зод топмоқ билгил ,
Меҳнат ародур кушод топмоқ билгил,
Ранж ичрадурур мурод топмоқ билгил.

Назм ул-жавоҳир, 174-б.

Наузу биллоҳи мин шурури анфусино ва мин саййиоти аъмалино نعوذ بالله من شرور انفسنا و من سيئات أعمالنا Аллоҳдан паноҳ тилаймиз нафсларимизнинг ва амалларимизнинг ёмонлигидан (Аллоҳ унинг ётган жойини нурга чўмдириб, қабрини муқаддас айласин).

То уч кундин сунгра ақабаҳ вужуҳ била адам йўлига азимат қилдилар. «наузи биллоҳи мин шурури анфусино ва мин саййиоти аъмолино.

Тарихи анбиё ва ҳукамо, 180-б.

Наузу биллоҳи мин ғазабиллоҳи ва наузу биллоҳи мин шурури анфусино ва мин саййиоти аъмолино نعوذ بالله من غضب الله و نعوذ بالله من شرور انفسنا و من سيئات أعمالنا Тангри таолодан унинг ғазабидан паноҳ тилаймиз ва яна паноҳ тилаймиз нафсларимизнинг ва амалларимизнинг ёмонлигидан.

Қаҳҳорлиг ва мунтақимлиқ баҳри муталотим булди эрса, бир лаҳзада Фиръавн била андоқ азим сипоҳдин осор қолмади. «наузу биллоҳи мин ғазабиллоҳи ва наузу биллохи мин шурури анфусино ва мин саййиоти аъмолино».

Тарихи анбиё ва ҳукамо, 139-б.

Наъийта ила нафсика хина шабоби раъсика جِئْتُ إِلَى نَفْسِكَ حِينَ شَبَابِ رَأْسِكَ Сочингта тушган оқ сенга улимдан хабар беради.

Наъийта ила нафсика хина шабоби раъсика
Неча учакишиб бу нафси худ кома санга,
Нома қаро бўлгай уйлаким хома санга,
Чун бошинг оқормоқ бўлди ҳангома санга,
Оқ била улмакдин эрур нома санга.

Назм ул-жавоҳир, 174-б.

Нести ҳастнамой نيستي هستنامای Йўқ эди бор каби.

Бас, туфроғ муҳарриклигда нести ҳастнамойдур ва ҳаво ҳасти нестнамой.

Насойим ул-муҳаббат, 251-б.

Нисён ул-мавти садоъ ул-қалби نِسْيَانُ الْمَوْتِ صَدَاعُ الْقَلْبِ Улимни унутиш – қалбинг занглаганидан далолатдир.

Нисён ул-мавти садоъ ул-қалби
Ҳар кимки, мақоми умр авранги эмиш,
Ғафлат майининг ҳамиша дилтанги эмиш,
Ёд этмак улум ёруглуқ оҳанги эмиш,
Улмакни унутмоғинг кунгул занги эмиш.

Назм ул-жавоҳир, 174-б.

Нор ул фирқати аҳарру мин нори жаҳаннама نارُ الْفُرْقَةِ أَحَرُّ مِنْ نَارِ جَهَنَّمَ Айрилиқ ути дузах утидин кучлироқдир.

Нор ул-фирқати аҳарру мин нори жаҳаннама
Ҳижрон аро бир рафиқи маҳрам утидин,
Ким куйса томуғни ўртагай ғам утидин,
Фурқатки кунгулни куйдурур ҳам утидин,
Билгил ани тезлик жаҳаннам утидин.

Назм ул-жавоҳир, 174–175-б.

Нум оминан такун фи маҳд ил-фароши نَمْ آمِنًا تَكُنْ فِي مَهْدِ الْفَرَاشِ Иймон келтириб ухла, уйқунг яхши бўлади.

Нум оминан такун фи маҳд ил-фароши
Неча юммай кузунгни ҳар зевар аро,
Ғафлат била кирмак неча баҳру бар аро,
Эмин уюбон бу олами пур шарар аро,
Қил хобгаҳингни яхшироқ бистар аро.

Назм ул-жавоҳир, 174-б.

Нур ул-муъмини мин қиём ил-лайли نُورُ الْمُؤْمِنِ مِنْ قِيَامِ اللَّيْلِ Тунни бедор утказиш мумин кишига нур ато этади.

Нур ул-муъмини мин қиём ил-лайли
Ҳар кимсаки, матлуби кунгул соғлиғидур,
Тун эҳёси илож қилмоғлиғидур,
Эл шамъи замирики вафо боғлиғидур,
Равшанлиги тийра туннинг уйғоғлиғидур.

Назм ул-жавоҳир, 173–174-б.

Нуру шайбика ло тазлимуҳу бил-мавсийяти نُورُ شَيْبِكَ لَا تُظْلِمْهُ بِالْمَوْصِيَاتِ Бадфеъллик ила кексалик нурини сўндирма!

Нуру шайбика ло тазлимуҳу бил-мавсийяти
Келди қарилиқ нури хато айламагил,
Жуз узр йулига илтижо айламагил ,
Нурини анинг зулмат аро айламагил,
Исён била яъники каро айламагил.

Назм ул-жавоҳир, 175-б.

Нур ул-ҳақ вад-дин каҳф ул-ислом ва муслимийна шайхуно نور الحق والدين كهف الإسلام و المسلمين شيخنا Ҳақ ва диннинг нури, ислом ва мусулмонларнинг сиғинадиган жойи, шайхимиз (Абдураҳмон Жомий назарда тутилган).

... яъни Нур ул-ҳақ вад-дин, каҳф ул-ислом ва муслимийна шайхуно...

Хамсат ул-мутаҳаййирин, 7-б.

Олий ҳазрати валоят манқибати кошифи асрори раббоний ва олими румуз ва асрори самадоний юл-уламо варасаҳ ул-анбиё حضرت ولايت منقبت كاشف أسرار ربانى و عالم رموز و أسرار صمدانى العلما ورثة الأنبيا Валийликнинг олий ҳазрати, Тангри таоло сирларини кашф этувчиси, яширин ишоралар ва алоҳида сирлар олими, пайғамбарлар давомчиси сифатидаги аллома [Абдураҳмон Жомий назарда тутилган].

Хамсат ул-мутаҳаййирин, 7-б.

Омин, ё Рабб ил-оламин امين يا رب العلمين Омин, эй оламларнинг Тарбиячиси (яратувчиси) – Тангри таоло.

... ва аъдосини маҳҳур ва аҳиббосини мансур қилгил. Омин, ё Рабб ил-оламин!.

Насойим ул-муҳаббат, 498-б.

Офат ус-самоҳати ал-манну آفت السماحت المن Миннат – сахийлик офатидир.

Офат ус-самоҳати ал-манну
Ҳар кишига риояте қилсанг,
Миннат ўткармагил гумонингга.
Негаким ул кишига офат эрур,
Юкла миннат ва лек жонингга.

Арбаъин, 265-б.

Оқибат уз-золими ваҳиматун عاقبة الظالم واهمة Шафқатсизликнинг оқибати даҳшатлидир.

Оқибат уз-золими ваҳиматун
Одил кузига бу каъба, ул дайр ўлмас,
Золимда жафо қилурда эл гайр ўлмас,
Одилга бажуз хайр сори сайр ўлмас,
Золим кишининг оқибати хайр ўлмас.

Назм ул-жавоҳир, 164-б.

Раббано анзил алайна моидатан минас-самаи такуни лано иъйдан ли аввалина ва охирина ва оятан минка варзуқно ва анта хайр ур-розикин ربنا أنزل علينا مائدة من السماء تكون لنا عيدا لأولنا وءاخرنا وءاية منك وارزقنا وأنت خير الرازقين Эй худойим, Парвадигор, бизга осмондан бир дастурхон нозил қилгилки, у авваллу охиримиз учун байрам ва сенинг оят-мўъжизанг

булиб қолади. Бизни (шу неъматдан) баҳраманд қилгил. Ўзинг энг яхши ризқ берувчисан [7:88–89].

Бани Исроил ҳавориюнга дедиларким, агар Исо а. с. дуо қилсаким, Тенгри таоло осмондин моида йиборсаким, таомга муҳтож халойиқ андин баҳра топсалар... Исо а. с. тазарруъ қилиб дедиким, «раббано анзил алайна моидатан минас-самаи такуни лано иъйдан ли аввалина ва охирина ва оятан минка варзуқно ва анта хайр ур-розиқин».

Тарихи анбиё ва ҳукамо, 179-б.

Раббано фатҳ байнано ва байна қавмино билҳаққи ва анта хайр ул-фотиҳин رَبَّنَا افْتَحْ بَيْنَنَا وَ بَيْنَ قَوْمِنَا بِالْحَقِّ وَ أَنْتَ خَيْرُ الْفَاتِحِينَ Қавмимиз ўртасида ҳақ ҳукм қилгайсан. Ўзинг ҳукм қилгувчиларнинг яхшироғидирсан [7:88–89].

Шуъайб а. с. муножот қилиб, «раббано фатҳ байнано ва байна қавмино билҳаққи ва анта хайр ул-фотиҳин».

Тарихи анбиё ва ҳукамо, 132-б.

Рабби анзилни мунзалан муборакан ва анта хайр ул-мунзилин رَبِّ أَنْزِلْنِي مُنْزَلاً مُبَارَكاً وَ أَنْتَ خَيْرُ الْمُنْزِلِينَ Эй Парвардигорим шу тушган жойимни қутлуғ қилгин.

... ва китобнинг хутбасин бу оят била ибтидо қилибдурки: «рабби анзилни мунзалан муборакан ва анта хайр ул-мунзилин».

Мажолис ун-нафоис, 122-б.

Раббибни ли индака байтан фил жаннати ва нажжини мин фирьавна ва амалиҳи ва нажжини минал қавмиззолимин رَبِّ ابْنِ لِي عِنْدَكَ بَيْتاً فِي الْجَنَّةِ وَ نَجِّنِي مِنْ فِرْعَوْنَ وَ عَمَلِهِ وَ نَجِّنِي مِنَ الْقَوْمِ الظَّالِمِينَ Парвардигорим, ўзинг мен учун ҳузурингда-жаннатда бир уй бино қилгин, менга Фирьавн ва унинг қилмишидан нажот бергин ва менга бу золим қавмдан нажот бергин [66:11].

Осия даги Фирьавн мусоҳобати кудуратда батанг булди, Ҳақ таолога муножот қилдиким, «раббибни ли индака байтан фил жаннати ва нажжини мин Фирьана ва амалиҳи ва нажжини минал қавмиззолимин».

Тарихи анбиё ва ҳукамо, 137-б.

Рабби лотазарни алал арзи минал кафирина даййоро رَبِّ لَا تَذَرْ عَلَى الْأَرْضِ مِنَ الْكَافِرِينَ دَيَّاراً Парвадигорим, ер юзида кофирлардан бирон ҳовли-жой эгасини қолдирмагин [71:26].

Ҳаддин уткондин сунг, Нуҳ дуо қилди: «рабби лотазарни алал арзи минал кафирина даййоро» дуоси мустажоб бўлди.

Тарихи анбиё ва ҳукамо, 105-б.

Рабби инни ло амлику илло нафси ва ахи, фафруқ байнано ва байнал қавмил фосиқин رَبِّ إِنِّي لَا أَمْلِكُ إِلَّا نَفْسِي وَ أَخِي فَافْرُقْ بَيْنَنَا وَ بَيْنَ الْقَوْمِ الْفَاسِقِينَ Парвадигорим, мен фақат ўзингга ва биродарим (Ҳорун) га эгаман, холос. Бас, ўзинг биз билан бу итоатсиз қавмнинг орасини ажратгин [5:25].

Мусо а. с. қавмидин ранжа бўлуб, сажда қилиб айттиким, «рабби инни ло амлику илло нафси ва ахи, фафруқ байнано ва байнал қавмил фосиқин».

Тарихи анбиё ва ҳукамо, 144-б.

Рабб иғфирли ва ҳабали мулкан ло янбағи ли аҳадин мин баъди رَبِّ اغْفِرْ لِي وَهَبْ لِي مُلْكًا لَا يَنْبَغِي لِأَحَدٍ مِنْ بَعْدِي Деди: Парвардигорим, ўзинг мени мағфират қилгин ва менга ўзимдан кейин биронтаси учун муяссар булмайдиган бир мулку давлат ҳадя этгувчисан [38:35].

[Сулаймон бинни Довуд а. с.]. Ул дуо қилдиким, «рабб иғфирли ва ҳабали мулкан ло янбағи ли аҳадин мин баъди». Ҳар ойина дуоси мустажоб булуб, бовужуди нубувват, баъзи дебдурларким бо вужуди улким, рубъи маскун салтанатини Тенгри таоло анга насиб қилди...

Тарихи анбиё ва ҳукамо, 161-б.

Равваҳаллоҳу руҳаҳу رَوَّحَ اللهُ رُوحَهُ Аллоҳ унинг руҳини шод қилсин.

... яъни Амир Хусрав Деҳлавий равваҳаллоҳу руҳаҳунинг газалиётиниким, турт девонга машҳурдур...

Мезон ул-авзон, 44-б.

Равваҳаллоҳу таоло арвоҳаҳум ажмаъин رَوَّحَ اللهُ تَعَالَى أَرْوَاحَهُمْ أَجْمَعِينَ Ҳаммаларининг руҳларини Аллоҳ шод қилсин.

Сайру сулукдин сунгра улуми дунёйи ҳақойиқи ва маорифи яқиния дақойиқидин уз завқу куммали авлиёю акобир ва машойих муҳаққиклари «равваҳаллоҳу таоло арвоҳаҳум ажмаъин» азвоқидин жамъ қилибдур.

Насойим ул-муҳаббат, 393-б.

Разиёллоҳу алайҳа-л анҳу رَضِيَ اللهُ عَلَيْهَا عَنْهَا Аллоҳ у кишидан рози бўлсин. мўминлар амири (иккинчи халифа Умар *р а.* сифати).

... Ҳурмуз бани Шайбон кабиласининг малики эрмишким, Бағдодда салтанат қилибдур ва жоҳилият замонида амир ул-муъминин Умар (разиёллоҳу алайҳа-л анҳу) илгида ислом шарафига мушарраф булубтур.

Хамсат ул-мутаҳаййирин, 10-б.

Разиёллоҳу анҳу ва карамаллоҳу важҳа رَضِيَ اللهُ عَنْهُ وَكَرَّمَ اللهُ وَجْهَهُ Тангри ундан рози булсин ва Тангри таоло юзини ёрлақасин.

Султони Расул бирла қадам барқадам ул,
Фарзанду рафиқу куёву ибн-амм ул.
«Разиёллоҳу анҳу ва карамаллоҳу важҳа».

Назм ул-жавоҳир, 124-б.

Разиёллоҳу анҳу ва каримуллоҳу ва важҳу رَضِيَ اللهُ عَنْهُ وَكَرَّمَ اللهُ وَجْهَهُ Аллоҳ ундан рози булсин ва Аллоҳ уни буюк қилсин!

... ва каромат авжи мунир ахтари Амир ул-муъмин Али (разиёллоҳу анҳу ва каримуллоҳу ва важҳу) дурким, назм девонлари мавжуддур ва анда асрор ва нукат номаъдуд.

Маҳбуб ул-қулуб, 25-б.

Расул алайҳис-салавоту ва саллам رَسُولِ عَلَيْهِ الصَّلَوَاتُ وَسَلَّمَ Унга (Пайғамбарга) салавот ва саломлар бўлсин!

... ва Расул алайҳис-салавоту ва салламнинг аҳодиси саодат анжоми ул лафз била ворид булубдур.

Муҳокамат ул-луғатайн, 9-б.

Расул ул мавт ил-вал одату رَسُولُ الْمَوْتِ وَالْعَادَةِ Улимнинг хабарини туғилиш беради.

Расул ул-мавт ил-вал одату
Танга ҳаёт жомидур комрасон,
Бул танга нишот комидин жомрасон,
Жонга ҳам улумдин бурун оромрасон-
Ким, туғмоқ эрур улумга пайғом расон.

Назм ул-жавоҳир, 152-б.

Рафоҳият ул-айши фил-амни رَفَاهِيَةُ الْعَيْشِ فِي الْأَمْنِ Яшашнинг гузаллиги – осойишталикнинг мавжудлигидадир.

Рафоҳият ул-айши фил-амни
Даврон аро кимса ранж паймудалиги,
Бушмас гар эмас фароғ камбудалиги,
Ноамнлиқ улди халқ фарсудалиги,
Амн ичра булур маош осудалиги.

Назм ул-жавоҳир, 152-б.

Раъунот ин-нафси таъабуҳо رَعُونَةُ النَّفْسِ تَعَابُهَا Нафсга безак берма – уни чарчатасан.

Раъунот ин-нафси таъабухо
Ишдур санга ҳақ сори қадамфарсолиқ,
Қилма тилабон лаҳв жаҳонпаймолиқ,
Куп нафсга бермагил жамолоролиқ-
Ким, ранжга солур куп раъналиқ.

Назм ул-жавоҳир, 152-б.

Раҳматан лил оламин ва хотамун набиййин رَحْمَةً لِلْعَالَمِينَ وَ خَاتَمُ النَّبِيِّينَ Бутун олам ва охирги Пайғамбар.

... «раҳматан лил оламин ва хотамун Набиййин» мантуқи била аларга муаххар ва хотамдур, ҳабиби ҳазрати Илоҳ Муҳаммад расулуллоҳ саллаллоҳи алайҳи васалламдур.

Муножот, 294-б.

Ризо урробби фир-ризаил валиди ва сахатун арроби фи сахатул-валиди رِضَا رَبِّي فِي رِضَاءِ الْوَلِيدِي وَ سَخَطُ الرَّبِّي فِي سَخَطِ الْوَلِيدِي Тангри таоло ризоси ота ризосига вобастадур, тангри ғазаби ҳам ота ғазабига вобаста.

Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васаллам буюрубтурким, «ризо урробби фир-ризаил валиди ва сахат ун-арроби фи сахат ул-валиди»...

Мунпшаот, 183-б.

Ризқука юатлубқа фастарих رِزْقُكَ يُوَطِّلُكَ فَاسْتَرِحْ Хотиржам бул – ризқингни узи сени топиб олади.

Ризқука юатлубқа фастарих
Айлар чу сукут топса тил осойиш,
Ҳам булмаса дастранж эл осойиш,
Рўзини тилар таркини бил осойиш,
Рузи тилар эрмиш сени қил осойиш.

Назм ул-жавоҳир, 152-б.

Рифқ ул-маръи далилу ақлиҳи رفق المرء دليل عقله Кишининг меҳрибонлиги ақлига далолатдир.

Рифқ ул-маръи далилу ақлиҳи
Ким ақл йўлида тутса маъво охир,
Тонг йуқ эл ичинда бўлса доно охир,
Рифқ айламаги ҳар ишта авло охир,
Ким, ақл далилидур мадоро охир.

Назм ул-жавоҳир, 153-б.

Робиуҳум калбуҳум رابعهم كلبهم Уларнинг тарбиячиси ит (Бунда Қуръоннинг «Асҳоб ул-Каҳф» сурасидаги Қитмир номли итнинг садоқати назарда тутилган).

Каҳфи бақо ичра алар бўлса гум,
Мен ҳам улай робиуҳум калбуҳум.

Ҳайрат ул-аброр, 56-б.

Роъа абока юроъука-биука راة انك يوراعوك بيعوك Отангга риоят қил – болангдан қайтади.

Роъа абока юроъука-биука
Фарзанд ато қуллуғин чу одат қилгай,
Ул одат ила касби саодат қилгай.
Ҳар кимки, атога куп риоят қилгай,
Уғлидин анга бу иш сироят қилгай.

Назм ул-жавоҳир, 151-б.

Роъ ал-ҳаққа инди ғалабот ин-нафси راءالحق عندي غلبة النفس Нафсинг ғалаба қилса, Ҳақ йўлини тут.

Роъ ал-ҳаққа инди ғалабот ин-нафси
Урмоқта амал заръи фано досини тут,
Иблис бу йулда ақл васвосини тут,
Ҳақ йулида нафсингга улум косини тут,
Нафсинг ғалаботи вақти ҳақ иосини тут.

Назм ул-жавоҳир, 152–153-б.

Рутбут ал-илми алар-рутбати رتبة العلم علا الرتبة Илмнинг даражаси – сифатидадир.

Рутбут ал-илми алар-рутбати
Ҳақ берди чу элга илм сармоясини,
Хуршед уза солди уламо соясини,
Олганлар анинг рутбасидин воясини,
Билдик боридин бийик анинг поясини.

Назм ул-жавоҳир, 152-б.

Руъйат ул-ҳабиби жилоъ ул-айни رؤية الحبيب جلاء العين Севимли кишини кўриш – кўзни равшан қилади.

Руъйат ул-ҳабиби жилоъ ул-айни
Ҳар кимки, муҳаббат уйини маскан этар,
Кўнглига ҳабиб кўйини гулшан этар,
Кўз касби зиё дўст юзидин фан этар,
Маҳбуб юзин курмаги кўз равшан этар.

Назм ул-жавоҳир, 151-б.

Руҳуллоҳу таоло валаҳу ҳусни(л) маоб رُوحُ اللهِ تعالى وَاللهُ حُسْنُ الْمَعَاب Тангри таолонинг гўзал ҳусни бор.

Эй Навоий, ангаким бор эса бу роҳ насиб,
Руҳуллоҳу таоло валаҳу ҳусни маоб.

Бадоеъ ул-васат, 36-б.

Саббаҳа исми раббикал-аъло سَبِّحِ اسْمَ رَبِّكَ الْأَعْلَى Тангри таолонинг исмини такрорлаб, тасбеҳ (Аллоҳ покдур) айтиш.

Кунгулнинг адам тунидин қутулиб... «саббаҳа исми раббикал-аъло» амри била қайюми ҳақиқий тасбиҳига машғул эрканин билиб...

Ҳайрат ул-аброр, 75-б.

Сабрука юврас уз-зафару صَبْرُكَ يُورِثُكَ الظَّفَرَ Сабр ғалаба келтиради.

Сабрука юврас уз-зафару
Сабр арчи кишига ранж афзун айлар,
Охир киши фолини ҳумоюн айлар,
Сабринг нечаким кунгулни маҳзун айлар,
Ҳам сабр сени зафарга мақрун айлар.

Назм ул-жавоҳир, 158-б.

Савоб ул-охирати хайрун мин наъиймид-дунё ثَوَابُ الْآخِرَةِ خَيْرٌ مِنْ نَعِيمِ الدُّنْيَا Охират савоби дунё роҳатидан яхшидир.

Савоб ул-охирати хайрун мин наъиймид-дунё
Дунёки утар юрт мисоли булгай,
Анда не иқомат эҳтимоли булгай,
Уқбо хабарики лоязоли булгай,
Хушроқ бу наимдинки ҳоли булгай.

Назм ул-жавоҳир, 142-б.

Сакрат ул-аҳёъи суъ ул-хулқи سَكَرَاتُ الْأَحْيَاءِ سُوءُ الْخُلُقِ Қалбан уйғоқ киши-нинг маст булиши – хулқларнинг ёмондир.

Сакрат ул-аҳёъи суъ ул-хулқи
Ноҳуш қилсанг кишига маълум қилиг,
Билким, ани зоеъ айлар шум қилиг,
Дун булса эрур кишига масмум қилиг,
Душвордурур кишига мазмум қилиг.

Назм ул-жавоҳир, 155-б.

Салавот ул-лайли баҳоъун бин-наҳори صَلَوَاتُ اللَّيْلِ بَهَاءٌ بِالنَّهَارِ Тунда ўқилган намоз кундузга ҳусн булади.

Салавот ул-лайли баҳоъун бин-наҳори
Куп қилма намоз амрида бепарволиқ,
Ракъат била қил оҳ хадангин ёлиқ,
Қилсанг кеча саждага жабинфарсолиқ,
Кундузунга ул намоз эрур зеболиқ.

Назм ул-жавоҳир, 158-б.

Салавотуллоҳ алайҳ صَلَوَاتُ اللهِ عَلَيْهِ Салавот айтсин (унга) Аллоҳнинг саловоти бўлсин.

Одам салавотуллоҳ алайҳ хилқати Одамнинг кунияти Булбашардур ва лақаби Сафиюллоҳдур.

Тарихи анбиё ва ҳукамо, 99-б.

Салавотуллоҳи алайҳи عليه صلوات الله Унга, яъни Нуҳга Тангри таолонинг салавоти бўлсин. Қуръони каримда келтирилишича, Нуҳ замонида қирқ кеча ва қирқ кундуз сел ёғади ва бутун дунёни сув босиб кетади. Шунда Нуҳ уз яқинлари, тарафдорлари ва ҳар навъ ҳайвондан бир жуфтдан кемага солиб олади. Ер юзидагилар сувга ғарқ бўлади. Нуҳ алайҳиссаломнинг даъватларига қулоқ солмай уша бутларга сиғинганликлари учун ҳам тўфон балосига гирифтор қилиниб ҳалок бўлганлар [71:23], ёлғиз Нуҳ кемаси бир тоғ чўққисида омон қолади. Нуҳнинг уч ўғли – Ёфас, Сом ва Ҳомлардан кейинчалик туркий, форсий ва ҳиндийзабон халқлар тарқалди (Бу ерда Навоий шунга ишора қилади).

Аммо туркий ва форсий ва ҳиндий асл тилларнинг маншаидурки, Нуҳ Пайғамбар салавотуллоҳи алайҳининг уч ўғликим, Ёфас ва Сом ва Ҳомдур етишур.

Муҳокамат ул-луғатайн, 10-б.

Салавотуллоҳи алайҳи ва лақад каррамно бани одама صلوات الله عليه و لَقَدْ كَرَّمْنَا بَنِي آدَمَ Унга Тангри таолони салавотлари бўлсин ва одам (авлоди) болаларини мукаррам қилдик.

... ва жавоҳир шукри била мулаззаз ва мунаввар қилурларким, одамни «салавотуллоҳи алайҳи ва лақад каррамно бани одама» икроми била мукаррам қилиб...

Вақфия, 233-б.

Салавотуллоҳи васалламаҳу алайҳ صلوات الله وسلامه عليه Салавот айтсин унга Худо салом юборсин.

... чун ҳазрат пайғамбари охир аз-замон «салавотуллоҳи васалламаҳу алайҳ» анинг фарҳунда замонида мутаваллид бўлди.

Тарихи мулуки ажам, 242-б.

Салавотул-лаҳу алайҳи-р-раҳмон صلوات الله عليه الرحمن У раҳмдилга Тангри таолонинг салавотлари бўлсин.

Андоғки, Мусо салавотул-лаҳу алайҳи-р-раҳмон илкидаги қўёш утрусида фиръавн тийралиғи зуҳурга келди.

Вақфия, 237-б.

Салавот ур-раҳмон алайҳ صلوات الرحمن عليه Унга Аллоҳнинг салавотлари бўлсин.

Иброҳим Халил салавот ур-раҳмон алайҳининг атоси бовужуди улким, Озари буттарош эрди ...

Муншаот, 184-б.

Саллаллоҳу алайҳи ва ало олиҳи ва асҳобиҳи ва атбоиҳи ва саллама ва баъду صلى الله عليه و آله و أصحابه و أتباعه و سلم و بعد Аллоҳ уни (яъни Муҳаммад пайғамбарни), оиласини ва саҳобаларини ва унинг издошларини дуо қилсин ва олқишласин ва сўнгра...

Мундоқ деди илм аҳлини айларга ғани,
«Ман акрама олиман фақад акрамани»
Саллалоҳу алайҳи ва ало олиҳи асҳобиҳи ва атбоиҳи ва саллама ва баъду

Хамсат ул-мутаҳаййирин, 7-б.

Саллаллоҳу алайҳи ва ало олиҳи васаллам صلى الله عليه وعلى آله وسلم Уни (яъни Пайғамбарни) ва оиласини Аллоҳ раҳмат қилсин.

Ул нимаки Исо а. с. элига амр қилди тавҳид эди. Ва хотам ун-нубувватнинг рисолатига иқрор қилдиким, қолаллоҳу таало: ... «ва мубашширан бирасулин яъти мин баъдисмуҳу Аҳмаду». Саллаллоҳу алайҳи ва ало олиҳи васаллам.

Тарихи анбие ва ҳукамо, 177-б

Саллаллоҳу алайҳи ва ало олиҳи асҳобиҳи صلى الله عليه وعلى آله وأصحابه Унга (яъни Пайғамбарга), оиласига ва саҳобаларига мақтовлар булсин!

Ҳақдин иши оламга рисолат келди,
Шони бу рисолатда адолат келди.
Саллаллоҳу алайҳи ва ало олиҳи ва асҳобиҳи.

Муншаот, 133-б.

Саллаллоҳу алайҳи ва ало олиҳи ва асҳобиҳи васаллам صلى الله عليه وعلى آله وأصحابه وسلم Унга (яъни Муҳаммад а. с.га), оиласига ва саҳобаларига Парвардигорнинг раҳмати булсин!

Ва хотим улким, бовужуди бу ики шақ ондин сўнгра пайғамбар булмағайким, бу сифат Ҳазрати Муҳаммад арабий «саллаллоҳу алайҳи ва ало олиҳи ва асҳобиҳи васаллам»га мусалламдур, бас.

Тарихи анбиё ва ҳукамо, 186-б.

Саллаллоҳу алайҳи васаллам, вал илму индаллоҳу صلى الله عليه وسلم والعلم عند الله Уни (яъни Пайғамбарни) Аллоҳ раҳмат қилсин, ҳар нарсани билгувчи Аллоҳнинг ўзидир.

... Маҳди зуҳур қилгондин сунгра Исо а. с. осмондин ингай, даги Дажжолни ҳалок қилиб, сойир милал аҳлин хотам ун-нубувва миллатига далолат қилгай. Саллаллоҳу алайҳи васаллам, вал илму индаллоҳу.

Тарихи анбие ва ҳукамо, 181-б.

Саломуллоҳи аломон ҳалла фиҳи иҳроми سلام الله على من حل فيه احرام Эҳром қилган (боғлаган) зотга Аллоҳнинг раҳмати булсин.

Минг Қуръон хатмидин сунгра Ҳазрат Шайх руҳониятидин ишорат анга булубдурки, Машҳад зиёрати «саломуллоҳи аломон ҳалла фиҳи иҳроми» боғлади...

Насойим ул-муҳаббат, 350-б.

Салойи ом صلاة عام Умумий чақириқ.

Жоми расволиқ ила ҳар дам улуб,
Олам аҳлига салойи омим.

Наводир уш-шабоб, 307-б.

Саломат ул-инсони фи ҳифз ул-лисони سلامة الإنسان في حفظ اللسان Инсон тилига эҳтиёт бўлса саломат булади

Саломат ул-инсони ҳифз ул-лисони
Ким истаса мазҳари каромат булмоқ,
Ҳар навъ ишда истиқомат бўлмоқ,
Сўздур анга мужиби гаромат бўлмоқ,
Тил забтидадур анга саломат бўлмоқ.

Назм ул-жавоҳир, 155-б.

Салоса миатин синийна ваздоду тисъан ثَلٰثَ مِئَةٍ سِنِينَ وَازْدَادُوا تِسْعًا («Асҳоби каҳф» – Ғор эгалари уч юз йил турдилар ва яна тўққиз йилни зиёда ҳам қилдилар [18:27].

Ҳар тақдир била ғорга кириб, ҳақ таоло уйқуни аларга муставлий қилиб, алар уч юз тўқуз йил уюмишлар. «салоса миатин синийна ваздоду тисъан».

Тарихи анбиё ва ҳукамо, 181–182-б.

Салосун муҳкотун бухлун ва ҳаван ва ужбун ثَلٰثٌ مُهْلِكَاتٌ بُخْلٌ وَهَوًى وَعُجْبٌ Уч нарса ҳалокатга олиб келади: бахиллик, худбинлик ва такаббурлик

Салосун муҳкотун бухлун ва ҳаван ва ужбун

Уч феъл эрур кишига қотил охир,
Қотиллиқ аро заҳри ҳалоҳил охир,
Бухл англа бирин, бирин ҳаво бил охир,
Қил ужбни ҳам аларга дохил охир.

Назм ул-жавоҳир, 141-б.

Салоҳ уд-дини фил-вараъи ва фасодҳу фит-тамаъи صَلَاحُ الدِّينِ فِي الْوَرَعِ وَفَسَادُهُ فِي الطَّمَعِ Диннинг саломатлиги – Аллоҳдан қуркишда; фасоди эса – макирликдир.

Салоҳ уд-дини фил-вароъи ва фасодҳу фит-тамаъи
Динким, анга афъоли табаъдин булди,
Қалқон анга «азза ман қанаъ» дин булди,
Андоққи салоҳ анга вараъдин булди,
Билгилки, фасод анга тамаъдин булди.

Назм ул-жавоҳир, 159-б.

Салоҳ ул бадани фис-сукути صَلَاحُ الْبَدَنِ فِي السُّكُوتِ Тан сиҳатлиги сукутдан.

Салоҳ ул-бадани фис-сукути

Даҳр ичра сукут жомидин мадҳуш ул,
Лаб бирла сузунг юзига бурқаъпуш ул,
Демонки, суз айтурга балоғат куш ул,
Нафсингга салоҳ истар эсанг хомуш ул.

Назм ул-жавоҳир, 158-б.

Салоҳ ул-инсони фи ҳифз ил-лисони صَلَاحُ الْإِنْسَانِ فِي حِفْظِ اللِّسَانِ Инсон саломатлиги – тилга эҳтиёт булишликда.

Салоҳ ул-инсони фи ҳифз ил-лисони
Оз нукта дегил, тилар эсанг жонга салоҳ,
Ташвишли ғалат биймидин иймонга салоҳ,
Инсон ани билки, ком эрур онга салоҳ,
Тил ҳифзидадур зумраи нисонга салоҳ.

Назм ул-жавоҳир, 158-б.

Самувви рифъат سُمُوِّ رِفْعَةٍ Юксак мартаба.

... самувви рифъатдин «фазлу олими алал обиди к-афзалу ало аднокум» фасонаси била такаллум кўргузди.

Вақфия, 235-б.

Самм ул-маъа фит гавозуъи سَمُّ الْمَاءِ فِي التَّوَاضُعِ Тавозеъли киши – улуғ кишидир.

Самм ул-маъа фит-тавозуъи
Куп етти шикаст сарбаланд ўлмоқ аро,
Ул навъки қадар мустаманд ўлмоқ аро,
Касб айла бийикликни нажанд ўлмоқ аро,
Ким рифъат эрур ниёзманд ўлмоқ аро.

Назм ул-жавоҳир, 156-б.

Самт ул жоҳили сутруҳу سمتُ الجاهل سترُهُ Нодоннинг сукути – айбларига пардадир.

Самт ул-жоҳили сутруҳу
Жоҳилки ғараздур ашҳабу жарда анга,
Сўз рахши батйдур тараб айларда анга,
Эрмас чун нутқ нуктапарварда анга,
Хомушлуғи ҳолиғадур парда анга.

Назм ул-жавоҳир, 159-б.

Саноъ ур-ражули ала муътийҳи мустазийдун ثناءُ الرجُول على مُعْطِيه مُسْتَزِيد Кишининг берувчига раҳмати унинг неъматларига барака беради.

Саноъ ур-ражули ала муътийҳи мустазийдун
Куфрон била ҳар кимки ўзи дун қилғай,
Камлик сори неъматини вожун қилғай,
Чун шукрга ўз тилини мақрун қилғай,
Ўз неъматин ул шукр ила афзун қилғай.

Назм ул-жавоҳир, 143-б.

Саяъқулуна салосатун робиуҳум калбуҳум ва яқулуна хамсатун содисуҳум калбуҳум ражман билғайби ва яқулуна сабъатун ва соминуҳум калбуҳум سَيَقُولُون ثَلَاثَةٌ رَابِعُهُمْ كَلْبُهُمْ وَيَقُولُون خَمْسَةٌ سَادِسُهُمْ كَلْبُهُمْ رَجْمًا بِالْغَيْبِ وَيَقُولُونَ سَبْعَةٌ وَثَامِنُهُمْ كَلْبُهُمْ Ҳали улар (яъни пайғамбар (а. с.) га замондош бўлган яҳудий ва насороларнинг айримлари ўша Асҳоби каҳфни): «Учтадир, тўртинчилари итларидир», – деб ғайбга тош отурлар, аниқ билмаган нарсалари ҳақида гап сотурлар [18:22].

Ва аларнинг (Асҳоби каҳф) ададида тараддуд бор, начукким «Калами мажид» хабар берурким, «саяъқулуну салосатун робиуҳум калбуҳум ва яқулуна хамсатун содисуҳум калбуҳум ражман билғайби ва яқулуна сабъатун ва соминуҳум калбуҳум».

Тарихи анбиё ва ҳукамо, 181-б.

Сидқ ул-маръи нажотуҳу صِدْقُ المَرْءِ نَجَاتُه Кишининг туғри сўзлилик фазилати унинг нажоткоридир.

Сидқ ул-маръи нажотуҳу
Сидқ ичра қачонки чиқса оти эрнинг,
Фош ўлса садоқатда сифоти эрнинг,
Хушроққи тавил ўлса ҳаёти эрнинг-
Ким, сидқдин-уқ дурур нажоти эрнинг.

Назм ул-жавоҳир, 158-б.

Сийрат ул-маръи табни ан сариратҳи سِيرَتُ المَرْءِ تُنْبِئُ عَنْ سَرِيرَتِه Кишининг руҳий оламини унинг сийрати очиб беради.

Сийрат ул-маръи табни ан сариратҳи
Десанг топай эл замиридин боре хабар,

Сирридин эрур таври намудори хабар,
Таврин куру равшвн айла ҳар сори хабар,
Ким кунглидагидин берур атвори хабар.

Назм ул-жавоҳир, 155-б.

Силл раҳмака таксуру ҳашамака سل رَحْمَتَكَ تَكْسُرُ وَاحْشَمَكَ Меҳрибон бўл – ҳурматли буласан.

Силл раҳмака таксуру ҳашамака
Ҳар неча қаробатдин алам куплугидур,
Суҳбатлари андуҳу ситам куплугидур,
Вуслатлари гарчи элга ғам кўплугидур,
Қил вуслат алариғаким ҳашам кўплугидур.

Назм ул-жавоҳир, 159-б.

Силоҳ уз-зуъафоъи шикойатун سِلَاحُ الضُّعَفَاءِ شَكَايَةٌ Нотавонларнинг курали шикоят орқали булади.

Силоҳ уз-зуъафоъи шикойатун
Ким дардидин этса меҳрибонларга гила,
Осойиш эрур ғамзада жонларга гила,
Эрмастур яхши паҳлавонларга гила –
Ким, бўлди силоҳ нотавонларга гила.

Назм ул-жавоҳир, 155-б.

Сирож ул-муслимин سِرَاجُ الْمُسْلِمِينَ Мусулмонлар чироғи (асар номи).

Чу равшан айлар ислом аҳли зотин.
«Сирож ул-муслимин» кўймишмен отин.

Сирож ул-муслимин, 289-б.

Сирри фаъту буъсиротин мислеҳ سِرُّ فَتْحِ بُوقِ مِثْلِهِ Қиёмат бошланганидан хабар берувчи Исрофил фаришта чаладиган сур (сурнай) авозидан гўё қабрлар остин-устун бўлиб, ичидаги одамлар турганидек (байтда талмеҳ санъати қўлланилган).

Бу хабардин бўлуб нишоний деҳ,
Сирии фаъту буъсиротин мислеҳ.

Сабъаи сайёр, 21-б.

Сиҳҳат ул-бадани фис-савми صِحَّةُ الْبَدَنِ فِي الصَّوْمِ Баданнинг сиҳати – руза тутишдан

Сиҳҳат ул-бадани фис-савми
Доим тут узунга рўзанинг меҳнатини –
Ким, руҳқа еткурур сафо давлатини,
Сиҳҳат тиласанг қилгил анинг риятини –
Ким, рузада кўйдилар бадан сиҳҳатини.

Назм ул-жавоҳир, 158-б.

Содат ул-уммат ил-фуқаҳоъу سَادَاتُ الْأُمَّةِ الْفُقَهَاءُ Фиқҳ уламолари – халқ сарваридирлар.

Содат ул-уммат ил-фуқаҳоъу
Қолгон киши касби илмдин заҳмат аро,
Фиқҳ ургансун саъй ила ул меҳнат аро,
Илм ичра шараф фиқҳда бил нисбат аро,
Ким сарвар эрур фақиҳ бу уммат аро.

Назм ул-жавоҳир, 155-б.

Соний иснайн азҳума филғор ثاني إثنين إذ هما في الغار Мушкулот ғоридаги иккинчи одам.

Улки султони расулнинг ёридур,
Соний иснайн азҳума филғоридур.

Лисон ут-тайр, 21-б.

Сояи иршод бар сари бандаву озод муаббад ва мухаллад бод вассалом سایهٔ ارشاد بر سر بنده و آزاد مؤبد و مخلد باد، والسلام Раҳбарлик соялари қул ва озодлар бошида абадий ва доимий бўлгай!.

Хамсат ул-мутаҳаййирин, 42-б.

Сохиб ул-ахёри яъману ул-ашрора صاحب الأخيار يعمنو الأشرار Яхши кишилар билан ҳамсуҳбат бўлиш – ёмонликдан асрайди.

Соҳиб ул-ахёри яъману ул-ашрора
Асли мақсуд соридур йул суҳбат,
Фарҳунда кишики топқай ушул суҳбат,
Яхши кишилар бирла тутар бул суҳбат,
То бергай амон шариридин ул суҳбат.

Назм ул-жавоҳир, 159-б.

Субот ул-мулки фил-адли ثبات الملك بالعدل Ҳукмронлик адолат билан мустаҳкам бўлади.

Субот ул-мулки фил-адли
Адл айлаки, ул халқ ҳаёти бўлмиш,
Хуш ул кишиким, адл сифоти бўлмиш,
Ҳам мулк била адл жиҳоти бўлмиш,
Ҳам адл била мулк саботи бўлмиш.

Назм ул-жавоҳир, 142-б.

Субот ун-нафси би ғизоъи ва субот ур-руҳи билғиноъи ثبات النفس بالغذاء و ثبات الروح بالغناء Тан овқат билан, руҳ эса куй билан тирикдир.

Субот ун-нафси бил ғизоъи ва субот ур-руҳи билгиноъи
Куз топти жамол дилрабо бирла сабот,
Кунгул доғи васли жонфизо бирла сабот.

Назм ул-жавоҳир, 143-б.

Субҳонака ло илма лано سبحانك لا علم لنا Тангри таолога мақтовларки, бизда илм йўқ.

Илмиға милк сурмоди бир ҳарф яно,
Жуз нукта субҳонака ло илма лано.

Хамсат ул-мутаҳаййирин, 7-б.

Субҳонака ло аъламин лино илло мо алламатина иннака анта-л-алим ул ҳакими سبحانك لا أعلام لنا إلا ما علمتنا إنك أنت العليم الحكيم Улуғ зот биз учун бошқа илм йўқ, сен ҳақиқий илм ва ҳикмат эгасидурсен.

... ва муқаддас равоқлик мадрасасида каррубийлар ифода ва истифодаси учун ижлос қилди. «субҳонака ло аъламин лино илло мо алламатина иннака анта-л-алим ул ҳакими».

Вақфия, 233-б.

Субҳоналлоҳи холиқи зул-мажду ало سبحان الله خالق ذو المجد العلي Парвардигор ҳамма нуксонлардан (холи) покдир, улуғлик, шон-шавкатлик унга хосдир.

Субҳоналлоҳи холики зул-мажду ало,
Ким, андин эрур тўла хало бирла мало.

Бадоеъ ул-бидоя, 643-б.

Сукут ул-лисони саломат ул-инсони سُكُوتُ اللِّسَانِ سَلَامَةُ الْإِنْسَانِ Тилнинг сукути – инсон саломатлиги.

Сукут ул-лисони саломат ул-инсони
Тил илдомидин бўлур ғаромат ҳосил,
Юз навъ надомату маломат ҳосил,
Оз сўзлаганидин истиқомат ҳосил,
Сокитлигидин вале саломат ҳосил.

Назм ул-жавоҳир, 156-б.

Сулмат уд-дини мавт ул-уламоъи سُلْمَةُ الدِّينِ مَوْتُ الْعُلَمَاءِ Уламолар улими динга зарардир.

Сулмат уд-дини мавт ул-уламоъи
Илм улди шараф дин аро ҳар ойинга
Бормоқ бўлур ургангали ани Чинга,
Динда уламо мужиб эрур тазйинга,
Ўлмоқлик аларга рахна солди динга.

Назм ул-жавоҳир, 142-б.

Сулмат ул-ҳирси ло йасуддуҳо иллот-туроби سُلْمَةُ الْحِرْصِ لَا يَسُدُّهَا إِلَّا التُّرَابُ Ҳирс етказган зарарни фақат тупроқ тўлдиради.

Сулмат ул-ҳирси ло йасуддуҳо иллот-туроби
Ҳирс улса қаноат утиға ёқ ани,
Яъниким адам риштасиға тоқ ани,
Не рахнаки ҳирс айлагай боқ ани,
Маҳкам қилғай магарки туфроқ ани.

Назм ул-жавоҳир, 142-б.

Сулс ул-иймони ҳайоъун ва сулсуҳу вафоъун ва сулсуҳу сахоъун ثُلُثُ الْإِيمَانِ حَيَاءٌ وَ ثُلُثُهُ وَفَاءٌ وَ ثُلُثُهُ سَخَاءٌ Уч нарса иймондандир: ҳаё, вафо ва сахийлик.

Сулс ул-иймони ҳайоъун ва сулсуҳу вафоъун ва сулсуҳу сахоъун
Уч қисм ила иймонга бино фаҳм айла,
Аввалгисини анинг ҳаё фаҳм айла,
Иккинчисини даги вафо фаҳм айла,
Учунчини билмасанг, сахо фаҳм айла.

Назм ул-жавоҳир, 142-б.

Сун иҳсонака било-иъти зори سُنْ إِحْسَانَكَ بِلَا اعْتِذَارٍ Эҳсон қилсанг, уни хокисорлик билан яна такрор эт.

Сун иҳсонака било-иъти зори
Эҳсонки қилурсен ифтихор айлаб ани,
Оламда улуқ иш эътибор айлаб ани,
Ҳеч айлама элга гирудор айлаб ани,
Қилғил ики онча эътизор айлаб ани.

Назм ул-жавоҳир, 142-б.

Сурурука бид-дунё ғурурука سُرُورُكَ بِالدُّنْيَا غُرُورُكَ Дунё билан фахрланиш – кибрдир.

Сурурука бид-дунё гурурука
Ганж узра аёгингга мурур ўлди гурур,
Гулгашт эта гулшанда ҳузур ўлди гурур,
Дунё соридин санга сурур ўлди гурур,
Бу борча гурур улди, гурур улди гурур.

Назм ул-жавоҳир, 154-б.

Сухан «дурр» асту тааллуқ ба гўши шаҳ дорад سخن دُرّ است و تعلق به گوش شاه دارد Суз дур [инжу], шоҳ қулоғига тааллуқи бор.

Бир яхши замондин сунгра борғон киши жавоб келтурди ва ул [Абдураҳмон Жомий] Ҳазрат бу мисрани битиб эрдиларким.

«Сухан «дурр» асту тааллуқ ба гўши шаҳ дорад.

Хамсат ул-мутаҳаййирин, 18-б.

Суъ уз-занни минал-ҳазми سوءُ الظنّ مِنَ الحزم Бадгумонлик – кибрдандир.

Суъ уз-занни минал-ҳазми
Ҳуштурур бу жаҳонда бенишонлиқ кишига,
Фақр аҳли йўлида нотавонлиқ кишига,
Ҳожат эмас асру хурдадонлиқ кишига,
Куп ҳазмдин улди бадгумонлиқ кишига.

Назм ул-жавоҳир, 154-б.

Суъ ул-хулқи ло халоса фиҳо سوءُ الخُلق لا خلاص فيها Ёмон хулқдан халос бўлиш кийин

Суъ ул-хулқи ло халоса фиҳо
Кунглунгни арит борча ямон хислатдин –
Ким, яхши қилиғ далил эрур раҳматдин,
Бадхўйлиқ ул ваҳшат эрур шиддатдин –
Ким: элга халослиқ йўқ ул ваҳшатдин.

Назм ул-жавоҳир, 154–155-б.

Таваккал алаллоҳи йакфика توكّلْ على الله يكفيك Аллоҳга таваккал қил – шунинг узи кифоя.

Таваккал алаллоҳи йакфика
Ҳар ишдаки ҳаққа мултамас бўлғусидур
Иш саъб эса Тенгри чорарас бўлғусидур,
Ҳар йўлгаки кунглунгга ҳавас булғусидур,
Тенгрига таваккул санга бас бўлғусидур.

Назм ул-жавоҳир, 140-б.

Тавозуъ ул-маръи юкримуҳу تواضع المرء يكرمه Кишининг камтарлиги унга ҳурмат келтиради.

Тавозуъ ул-маръи юкримуҳу
Таъзимда улки эҳтимоми бўлгай,
Ул мужиби иззу эҳтиромн бўлгай,
Ҳар кимки, тавозуъ амри коми булгай,
Ул феъл ила халқ аро киромий булгай.

Назм ул-жавоҳир, 141-б.

Тадорака фи охир ил-умри мо фотака фи аввалиҳи تدارك في آخر العمر ما فاتك في أوله Умринг аввалида ўтган ишлар хатосини умринг охирида туғрила.

Тадорака фи охир ил-умри мо фотака фи аввалиҳи
Қуллуқ ишида қисмати авқот айла,
Чун умрга эътимод йуқ бот айла,
Умр аввалида ҳисоби мофот айла,
Умр охирида қазойи мофот айла.

Назм ул-жавоҳир, 140-б.

Такосул ул-маръи фис-салоти мин даъф ил-иймони تكاسل المرء في الصلوة من ضعف الإيمان Кишининг намозда эринчоқлик килиши – иймоннинг заифлигидандир.

Такосул ул-маръи фис-салоти мин даъф ил-иймони
Ҳар кимки эрур тамом тавакқул анда,
Булғуси намоз бетаммул анда,
Ҳар кимки аён этар тағофул анда,
Иймон заъфидур такосул анда.

Назм ул-жавоҳир, 140-б.

Талаб ул-адаби авло мин талаб из-заҳаби طلب الأدب أولا من طلب الذهب Одоб талабида булиш – дунё талаб этишдан авлодир.

Талаб ул-адаби авло мин талаб из-заҳаби
Ҳақ йулида нафсинга таабдур яхши,
Неким санга амри этти, талабдур яхши,
Дема тараб айларда занабдур яхши –
Ким, андин эл истарга адабдур яхши.

Назм ул-жавоҳир, 162-б.

Таоло шаънука ва амма эҳсонука ва ло илоҳа ғайрука ё вадуд ва маъбуди вожиб ул-вужуд تعالى شأنك و أما إحسانك و لا إله غيرك يا ودود و معبودي والمبدأ الوجود Шонинг олий, эҳсонинг умумий, ўзингдан ўзга Илоҳ йуқдир. Эй Дўст ва қатъий мавжуд Зот.

Зотинг-қайюми барҳақ, вужудунг боқийи мутлақ. Сендин узга мавжуд кўрунганлар намуди бенамуд, балки нобуду номавжуд, вужуд ва мавжуддин сен мақсуд. Таоло шаънука ва амма эҳсонука ва ло илоҳа ғайрука. Ё вадуд ва Маъбуди вожиб ул-вужуд.

Мўнажот, 293-б.

Тараҳума ал-аёдийа ало ат-таъоми баракатун ترحمة الأيادي على الطعام بركة Қулларнинг таом билан меҳрибонлик қилиши барака келтиради.

Тараҳума ал-аёдийа ало ат-таъоми баракатун
Меҳмоннинг меҳрин асрағил жон ичра,
Неъмат қалин айла хони эҳсон ичра,
Ҳар неча адад ўксук эса нон ичра,
Баракат етурур қалин илик хон ичра.

Назм ул-жавоҳир, 141-б.

Тасофиру тасиҳҳу تصافر تسيخه Сафар қилинг , саломат буласиз.

«Тасофиру тасиҳҳу» амр ва мужсдаси била Ҳазрати Имом равзасига дегинча рухсат била келилди, хаёлда остонбўслуг орзуси бағоят ва кунгулда сариг юзни олтун бусағаға суртмак муддаоси бениҳоят эрди.

Муншаот, 164-б.

Татрук битарк из-зунуби تترك بترك الذنوب Гуноҳларни тарк этишга ғайрат қил.

Татрук битарк из-зунуби
Кунглунгга хирад йулин падидор айла,
Бу нақдқа жонингни харидор айла,
Ҳар ишда хирадни узунгга ёр айла,
Журмунг таркидин хирад изҳор айла.

Назм ул-жавоҳир, 141-б.

Таффала бил-хайри танулҳу تفعل بالخير تنله Яхшилик башоратини бер – уни ҳадя этгандай буласан.

Таффала бил-хайри танулҳу
Бас кимсаки меҳнат ичра солди ғам ани
Ким, яхши тафаъул айлади хуррам ани,
Фолеки ёмондурур айлагил мубҳам ани,
Уз фолини яхшиким топарсен ҳам ани.

Назм ул-жавоҳир, 141-б.

Таъхир ул-асръаги мин ал-иқболу تأخر الأسرع بالإقبال Балонинг кечикиши – иқболдир.

Таъхир ул-асръати мин ал-иқболу
Не ишки ёмонлиг улди таъсири анинг,
Йуқ дарду надамдин узга тавфири анинг,
Муқбил агар истар улса тадбири анинг,
Иқболдурур кишига таъхири анинг.

Назм ул-жавоҳир, 140-б.

Тағафал анил-макруҳи тавфирун تغفل عن المكروه توفرون Макруҳ ишни рад этишда ғофиллик қилсанг, у кўпайиб бораверади.

Тағафал анил-макруҳи тавфирун
Гар даҳр элидин етишса макруҳ санга,
Албатта керак бўлмаса андуҳ санга,
Ул ишда тагофул улса анбуҳ санга,
Ортар тавқир куҳ то куҳ санга.

Назм ул-жавоҳир, 141-б.

Таҳаду таҳабба تهادوا تحابوا Бир-бирингизга ҳадялар бериб, дустлашинглар.

Таҳаду таҳабба
Дустлашинглар ҳадиялар беришиб,
Баҳра топқон хирад атиясидин.
Ҳуд жаҳонда атияе борму,
Яхшироқ дўстлиқ ҳадиясидин.

Арбаъин, 267-б.

Тир маъ ал-ашколи تر مع الأشكال Кабутар-кабутар билан учади, ғоз-ғоз билан.

Тир маъ ал-ашколи
Ножинс ила лутфу инбисот оз айла,
Ҳам пешани ҳамнишину ҳамроз айла,
Ҳаммашраб ила нишот оғоз айла,
Ҳамжинс била ҳамиша парвоз айла.

Назм ул-жавоҳир, 162-б.

Тоба вақту ман васақа бил-лоҳи طَابَ وَقْتُ مَنْ وَثِقَ بِاللهِ Аллоҳга ишонганнинг вақти чоғ булади.

Тоба вақту ман васақа бил-лоҳи
Улким, туну кун кунгли муроди ҳақдур,
Ҳар ғуссада ороми фуоди ҳақдур,
Юз ҳар сориким, кетурса ҳоди ҳафдур,
Хуш вақти анингки, эътимоди ҳақдур.

Назм ул-жавоҳир, 161-б.

Тола умру ман қасара ражаъуҳу طَالَ عُمْرُ مَنْ قَصَرَ رَجَاؤُهُ Қаноатли кишининг умри узун булади.

Тола умру ман қасара ражаъуҳу
Дунё сори бормаву бул ондин навмид,
Булғил йуқса азиз жондин навмид,
Ҳар кимсаки ул булди жаҳондин навмид,
Ул булмади умри жовидондин навмид.

Назм ул-жавоҳир, 162-б.

Тола умру ман қасара таъабаҳу طَالَ عُمْرُ مَنْ كَثُرَ مُتَاعَبُهُ Ғам азоби қисқарганнинг умри узун булади.

Тола умру ман қасара таъабаҳу
Хуш вақти фано базми сори борғоннинг,
Йулдин ўзлук қайдини қайтарғоннинг,
Қисқорди ҳаёти ғам ичин ёрғоннинг,
Умри узун улди ранжи қисқорғоннинг.

Назм ул-жавоҳир, 162-б.

Тоъат ул-адувви ҳалакун طَاعَةُ الْعَدُوِّ هَلَاكٌ Душманга итоат – ўлимдир

Тоъат ул-адувви ҳалакун
Тут ҳақ тарафи касби саноат қилмоқ,
Ҳақдин неки юзланса, қаноат қилмоқ,
Жон топмоқ эрур дустга тоат қилмоқ,
Душманга улумдурур итоат қилмоқ.

Назм ул-жавоҳир, 162-б.

Тоъат ул-лоҳи ғаниматун طَاعَةُ اللهِ غَنِيمَةٌ Аллоҳга тоат – ғаниматдир.

Тоъат ул-лоҳи ғаниматун
Шайтон йулидин айла ҳазимат зинҳор,
Қилғил раҳмон сори азимат зинҳор,
Тоат била бер узунгга қиймат зинҳор,
Ҳақ тоатини англа ғанимат зинҳор.

Назм ул-жавоҳир, 162-б.

Тоқияи фарқи тожи такаллуфро ва пораи карбоси нашфи рутубати дасти аз жаҳон шустаро фиристода шуд تقیهٔ فرق تاج تکلف را و پارهٔ کرباس نشف رطوبت دست از جهان شسته را فرستاده شد Такаллуф тожини тарк этган бош учун дуппи ва жаҳондан қул ювган қўлнинг ҳўлини ўзига олувчи парча бўз юборилади.

Ва руқъа ҳошиясида қасида силаси бир бўрк била сарафроз қилиб, бир рўймол мужиби абрўй қилиб эрдилар. Мундоқ битиб эрдилар-

ким: «тоқияи фарқи тожи такаллуфро ва пораи карбоси нашфи рутубати дасти аз жаҳон шустаро фиристода шуд».

Хамсат ул-мутаҳаййирин, 36-б.

Тубо лиман ло аҳла лаҳу طوبى لمن لا اهل له Аҳли оиласи йуқ кишига қандай ҳам яхши.

Меҳнат аро ҳар кимки таҳаммул йуқ анга,
Тазвижқа мутлақо тахаййул йуқ анга,
Хушвақт ул эмаски юз туман зул йуқ анга,
Хушвақт ани билгилки тааҳҳул йуқ анга.

Назм ул-жавоҳир (илмий-танқидий матн), 84-б.

Тубо лиман шағалаҳу айбуҳу ан уюб ун-наси طوبى لمن شغله عن عيوب الناس Ўз айбини билиб, бошқалар айбини кидирмайдиган инсон – хуб яхши кишидир.

Тубо лиман шағалаҳу айбуҳу ан уюб-ун-наси
Эй хушо улки, айб кўрмамак ила
Юз ҳунарвар маротибин топқай.
Яъни уз айби пардаси кузига
Ўзга эл айби чеҳрасин ёпфай.

Арбаъин, 267-б.

Тубо лиман рўзиқа бил-офийяти طوبى لمن رزق بالعافية Офият ила ризқлантирилган киши қандай яхши.

Тубо лиман рўзиқа бил-офийяти
Дардига анингки ҳақ даво қилди насиб,
Мақсудини айламак раво қилди насиб,
Ул кимсага ойини худо қилди насиб,
Ким офият ишин анго қилди насиб.

Назм ул-жавоҳир, 161-б.

Тубу илаллоҳ تُوبُوا إِلَى اللهِ Чин тавба, илоҳий тавба: «Ё айюҳалла-зина оману тубу илоллоҳи тавбатан Насуҳан» – Эй имон келтирганлар, агар тавба қилсаларинг худди Насуҳ табасидай чин тавба қилинглар [66:8].

«Тубу илаллоҳ» ила топса футуҳ,
Булса бу тавбаки, топибдур Насуҳ.

Ҳайрат ул-аброр, 264-б.

Тул ул-умри минат-тоъати мин халиъ ил-анбиёи طول العمر من الطاعة من خلع الانبياء Умр бўйи ибодат – набийлар шиоридир.

Тул ул-умри минат-тоъати мин халиъ ил-анбиёи
Тоат сори қил тилингни жорий охир –
Ким, андин эрур эл эътибори охир,
Тоатда узун умр шумори охир,
Топқонга бил анбиё шиори охир.

Назм ул-жавоҳир, 161-б.

Туҳфат ул-фақир ул-ҳақир تحفة الفقير الحقير Каминаи камтариннинг туҳфаси.

Аммо туҳфат ул-фақир ул-ҳақир расми била «Хамса»нинг аввалги дафтари «Ҳайрат ул-аброр»да аларнинг васфидаки, васфга сиғмас...

Хамсат ул-мутаҳаййирин, 58-б.

Уламоу умматий к-анбиё бани исроила عُلَمَاءُ أُمَّتِي كَأَنْبِيَاءِ بَنِي إِسْرَائِيلَ Олимлар бани Исроил пайғамбарлари каби умматлидир.

... ва мужалло қилурларким, улувви даражотдин «уламоу умматий к-анбиё бани Исроила» таронаси била тараннум тузди...

Вақфия, 234–235-б.

Улувв ил-ҳиммати минал-иймони عُلُوُّ الْهِمَّةِ مِنَ الْإِيمَانِ Олий ҳимматлик – иймондандир.

Улувв ил-ҳаммати минал-иймони
Гар булса асоси қасри давлат олий,
Иймонга булур равони ҳашмат олий,
Ҳиммат топар иймон била рутбат олий,
Иймондин эрур гар улса ҳиммат олий.

Назм ул-жавоҳир,,164-б.

Унзур лимоқола лотанзур лиманқола انْظُرْ إِلَى مَا قَالَ لَا تَنْظُرْ إِلَى مَنْ قَالَ «Сўзчи ҳолин боқма, боқ сўз ҳолини».

Амирул муъминин Али каррамаллоҳу важҳаҳу сузига таржимаким – унзур лимақола лотанзур лиманқола.

Бадоеъ ул-васат, 488-б

Уср ул-амри муқаддамат ул-юсри أَسْرُ الْأَمْرِ مُقَدِّمَةُ الْيُسْرِ Ишнинг қийини – осонига эшик булади.

Уср ул-амри муқаддамат ул-юсри
Мушкуллик илаки иш адоси келди,
Сўнгра анга «ал-айш» нидоси келди,
Иш саъбки, одами балоси келди,
Осонлигу айши ибтидоси келди.

Назм ул-жавоҳир, 165-б.

Утлуб ул-илма ва лав бачинни اُطْلُبُوا الْعِلْمَ وَ لَوْ بِالصِّينِ Илм керак бўлса, ҳатто Чинга бор (Хитой-Чинда бўлса ҳам илм талаб қилгин, илму ҳунарни Хитойдан бўлса ҳам бориб ўрганинглар).

... ва ҳар хонақоҳи суффаси устидаги «утлуб ул илма ва лав бачинни» амри билан саъй қадамин талаб бадиясига қуюб, умид ажзосин фақр жузвдонига солиб...

Вақфия, 234-б.

Утлуб ул-хайри инда ҳисонил-вужуҳи أُطْلُبُ الْخَيْرَ عِنْدَ حِسَانِ الْوُجُوهِ Яхшиликни чеҳралари очиқ одамлардан кутинглар.

Утлуб ул-хайри инда ҳисонил-вужуҳи
Эйки, бир ишда ҳожатинг бўлса,
Яхши юзлукдин иста бахшойиш.
Токи бахшойишидин аввалроқ
Кўрмагидин етушгай осойиш.

Арбаъин, 267-б.

Уқубат уз-золими суръат ул-мавти عُقُوبَةُ الظَّالِمِ سُرْعَةُ الْمَوْتِ Золимнинг уқубати – ўлимнинг тезкорлигидир.

Уқубат уз-золими суръат ул-мавти
Ким ила бўлса тийра авқотлиги,
Бор лозими умр тулининг ётлиги,

Бот булгай ажал бисотига мотлиги,
Золимга уқубатдур улум ботлиги.

Назм ул-жавоҳир, 165-б.

Фа авлаика ун нориҳум фиҳо холидувна فأولئك أصحاب النار هم فيها خالدون Улар дузах утига лойиқ ва унда абадий ёнадилар

... Расул ҳаворицкин сахарга тушурса ва анбиё муъжизотин иродат бирла шаъбадага индурса... ва уқбода азоби муаббад булгай «фа авлаика ун нориҳум фиҳо холидувна».

Вақфия, 239-б.

Фаатоу би суратин мин мислиҳи فأتوا بسورة من مثله Сурадаги оят ҳам шу маънодаги.

Андогки, калимдаи «фаатоу би суратин мин мислиҳи» андин хабар берур...

Вақфия, 238-б

... ва сузи таърифа уз расулидин халойиққа пайгомидурким, ваҳй котиблари лавҳан ваҳйосор уз калами муъжиз нигори билан: «фаату биссуратин мин мислиҳи» салоси урубдурлар.

Назм ул-жавоҳир, 125-б

Фазлу олими алал обиди к-афзалу ало аднокум فضل عالم على العابد فالفضل على الناكم Олимларнинг фазилатлари обидларга нисбатан ва қуйидагиларга нисбатан ҳам афзалдир.

... ва самувви рифъатидин «фазлу олими алал обиди к-афзалу ало аднокум» фасонаси била такаллум қургузди.

Вақфия, 235-б.

Фалажуқа ала хасмика фил-иҳтимоли فلجك خصمك فبالاحتمال Душманинг устидан ғалаба қозонишинг осон нарса.

Фалажуқа ала хасмика фил-иҳтимоли
Ҳар ком санга етса тааммулдин бил,
Нокомлиқ урса, юз тагофулдин бил,
Мақсудга етманг таваккулдин бил,
Хасмингга зафар ҳилму таҳаммулдин бил.

Назм ул-жавоҳир, 167-б.

Фаламмо афалат қола ё қавми инни бариун мимма тушрикун فلما أفلت قال يا قوم إني بريء مما تشركون У ҳам ботиб кетгач: «Эй қавмим, мен сизларнинг ширкингиздан покман» [6:78].

То қуёшқа навбат етти, андин доги маъюс бўлуб, «фаламмо афалот қола ё қавми инни бариун мимма тушрикун» каримаси била мутаранним бўлуб, муборак замира анвори ҳидоят била боруди.

Тарихи анбиё ва ҳукамо, 114-б.

Фанодат-ҳул-малоикату ва ҳува қойимун юсалли фил миҳроби فنادته الملائكة وهو قائم يصلي في المحراب Сунг меҳробда намоз ўқиб турган вақтида унга фаришталар нидо қилдилар [3:39].

Бу орзу кунглига утти, Жабраил а. с. анга Яҳё а. с. вужудига башорат берди. «фанодат-ҳул-малоикату ва ҳува қойимун юсалли фил миҳроби».

Тарихи анбиё ва ҳукамо, 174-б.

Фаръ уш-шайъи юхбиру ан аслиҳи فرّج الشيء بفتحه أن أصله Нарсанинг бир кичик парчаси ҳам унинг асллигидан далолат бериши мумкин.

Фаръ уш-шайъи юхбиру ан аслиҳи
Йуқ лаззати сабрдек мукаддар ниманинг,
Ўз хурдиғадур завқи муқаррар ниманинг,
Беаслга йуқ фаҳми муяссар ниманинг,
Фаръи берур аслдин хабар ҳар ниманинг.

Назм ул-жавоҳир, 168-б.

Фасбир лиҳукми раббика ва ло такун касоҳибил ҳути فاصبر لحكم ربك ولا تكن كصاحب الحوت Парвардигорингиз ҳукмига сабр қилинг ва наҳанг балиқ соҳиби (Юнус пайғамбар) каби бесабр бўлманг!» [68:48].

Тенгри таоло хотим ал-анбиё салавотуллоҳи алайҳи ва ало олиҳига сабр қилмоққа амр қилиб, Юнус а. с. қилгонидин наҳй қилурким, «фасбир лиҳукми раббика ва ло такун касоҳибил ҳути».

Тарихи анбиё ва ҳукамо, 170-б.

Фатақаббалаҳо раббуҳо биқабулин ҳасанин فتقبلها ربها بقبول حسن Бас, Парвардигори уни (Марямни) хуш қабул айлаб, чиройли парвариш этди [3:37].

Зикриё а. с. га ваҳй келдиким, бу фахирани ўғулга қабул қилдуқ «фатакаббалаҳо раббуҳо бикабулин ҳасанин».

Тарихи анбиё ва ҳукамо, 174-б.

Фахр ул-миллати вад-дин فخر الملت والدين Дин ва миллатнинг фахри.

Яна ҳазрати шайх ул-машойих Фахр ул-миллати вад-дин Ироқийнинг «Ламаот»идурким, Ҳазрати Маҳдум ул китобни бу фақирга сабақ айтурда айтур эрдиларким...

Хамсат ул-мутаҳаййирин, 73-б.

Фақул салавотил-лиллаҳи алайҳа ва ала асҳобиҳи билисонил ажз варризо, ҳусусан алас-Сиддиқ вал Форуқ ва Зун-нурайн вал-Муртазо فقل صلوات الله عليها و على اصحابه بلسان العجز والرضا خصوصا على الصديق والفاروق و النورين والمرتضى Мамнун тил ва ёлворишлик била дегилким Аллоҳнинг дуоси унга ва саҳобаларига бўлғай, ҳусусан, Сидиқ (Абу Бакр) ва Фаруққа (Умар) ва Зун-нурайн (Усмон) ва ал-Муртазо (Али) га ҳам бўлғай.

Назм ул-жавоҳир, 123-б.

Фаҳо ул-маръи бифазлиғи авло мин фахриҳи биаслиҳи فهاء المرء بفضله اولا من فخره بأصله Кишининг фазилати билан фахрланиши – асл эканлиги билан фахрланишидан аълодир.

Фаҳо ул-маръи бифазлиғи авло мин фахриҳи биаслиҳи
Ҳар кимки, халойиқ ичра доно кўрунур,
Ойини хирад аро тавоно кўрунур,
Фахр асл била ажаб таманно кўрунур,
Фахр айласа фазл бирла авло кўрунур.

Назм ул-жавоҳир, 167-б.

Фаҳум лояъруфу ҳозал-маоний فهم لا يعرف هذا المعاني Улар бу маъноларни билмайдилар.

Бу меҳнатлар била истар они халқ
Фаҳум лояъруфу ҳозал-маоний.

Бадоеъ ул-бидоя, 612-б.

Фи амонуллаҳ فى أمان الله Аллоҳнинг фароғатида.

Навоий, кўп дема ғам хайлидин майхона маъмандур,
Азимат қилсанг ул дорул-амонга фи амонуллаҳ.

Бадоеъ ул-бидоя, 509-б.

Фикак ул-марьи фис-сидқи فكاك المرء في الصدق Кишининг эркин ва озод бўлиши – тўғри сўзлиги шарофатидандир.

Фикак ул-марьи фис-сидқи
Олам элига ҳает эрур тузлукдин,
Етмак гаразига бот эрур тузлукдин,
Норостқа кўп уёт эрур тузлукдин,
Лек эр кишига нажот эрур тузлукдин.

Назм ул-жавоҳир, 168-б.

Фи кулли қалбин шуғлун في كلّي قلب شغل Ҳар бир қалбнинг ўз ғашвиши бор

Фил кулли қалбин шуғлун
Анинг қаро қошу кузга машғуллиғи,
Мунунг доғи пок сўзга машғуллиғи,
Бирнинг тўқумоғда бузга машғуллиғи,
Ҳар қайси кунгулнинг ўзга машғуллиғи.

Назм ул-жавоҳир, 168-б.

Филайту кулли ало иллоҳ في ليتوكل على الله Тангри таолога таваккал қилсин.

Таваккул аҳли барча асбоб воситасидин кўз юмубдурлар ва «филайту кулли ало иллоҳ» дарёсига чўмубдурлар ва рўзий еткургучи ҳақни билибдурлар.

Маҳбуб ул-қулуб, 52-б.

Фи мақъади сидқин инда малики муқтадир في مقعد صدق عند ملك مقتدر Қудратли малик ҳузурида сидқ ўрни.

Алар бу маҳалли ҳаводисдин «фи мақъади сидқин инда малики муқтадир» га роғиброқдурлар.

Муншаот, 201-б.

Фитнат ул-марьи ядуллу ала аслиҳи فتنة المرء يدلّ على أصله Кимки ақлли бўлса – у асл кишидир.

Фитнат ул-марьи ядуллу ала аслиҳи
Нодонлиг эрур элда малолатга далил,
Доно улус оллида хижолатга далил,
Беасл иши бўлмади адолатқа далил,
Донолиг эрур элда асолатга далил.

Назм ул-жавоҳир, 167–168-б.

Фоза ман зафара бид-дини فاز من ظفر بالدين Дин орқали қозонилган ғалаба – ҳақиқий ғалабадир.

Фоза ман зафара бид-дини
Бор аҳли жаҳонга шоҳу сарвар бўлгон,
Дин маъракасида гурду сафдар бўлгон,
Фируз эмас бошида афсар бўлгон,
Фируздурур динга музаффар бўлгон.

Назм ул-жавоҳир, 167-б.

Фоза ман салама мин шарри нафсиҳи فإذا من سلم من شر نفسه Кимки нафс ёмонлигидан омон қолган бўлса, ғалаба қилибди.

Фоза ман салама мин шарри нафсиҳи
Нодонга эрур ҳамиша олим фируз,
Одил кишига бўлмади золим фируз,
Бордур дер эсанг халқ ароким фируз –
Ким, нафс шарридин улди солим фируз.

Назм ул-жавоҳир, 168-б.

Хавф Аллоҳу таъмана ғайруҳу خوف الله طعمن غيره Аллоҳдан қўрқсанг бас, ундан бошқасидан омон бўласан

Хавф Аллоҳу таъмана ғайруҳу
Ҳақдин эмин бўлубки жон топқайсен,
Ғайридин хавфи бегарон топқайсен,
Андинки ражойи жовидон топқайсен,
Хавф айлаки, ғайридин амон топқайсен.

Назм ул-жавоҳир, 146-б.

Хайр ул-аном алайҳиссалавоту вассаллам خير الأنام عليه الصلوات و سلم Одамларнинг яхшиси, унга салом ва дуолар бўлсин (Бу ибора Муҳаммад алайҳиссалом номига қушиб айтилади).

Ҳазрати малики алломнинг каломи муъжиз низоми Жаброили хужаста фаржом воситаси била, хайр ул-аном алайҳиссалавоту вассалламга нозил бўлди.

Мажолис ун-нафоис, 7-б.

Хайр ул-асҳоби ман йадуллука алал-хайри خير الأصحاب من يدلك عليه الخير Дўстларнинг яхшиликка бошлагани – яхшироқдир.

Хайр ул-асҳоби ман йадуллука алал-хайри
Асҳоб аросида ани бил шарлик,
Ким шар сори айлагай далиловарлиқ,
Яхши ул эрурки, айлабон боварлиқ,
Қилгай санга яхшилик сори еварлиқ.

Назм ул-жавоҳир, 146-б.

Хайр ул-моли мо анфақа фи сабил ил-лоҳи خير المال ما أنفق في سبيل الله Молнинг Аллоҳ йўлида сарф бўлгани – яхшироғидир.

Хайр ул-моли мо анфақа фи сабил ил-лоҳи
Молингки эрур, кому ҳаво йўлида харж,
Жоми маю лаҳни жонфизо йўлида харж,
Бордур ямон айламак риё йўлида харж,
Яхшиси эрур, булса худо йўлида харж.

Назм ул-жавоҳир, 147-б.

Хайр ун-наси ман янфаъули н-наси خير الناس من ينفع الناس Инсонларнинг яхшиси – инсонларга фойдаси тегадиганидир.

Хайр ун-наси ман янфаъули н-наси
Халқ аро яхшироқ, дединг, кимдур?
Эшитиб, айла шубҳа рафъ андин,
Яхшироқ бил ани улус ароким,
Етса кўпрак улуса нафъ андин.

Арбаъин, 266-б.

Хайр ун-нисо ил-вадуд ил-валуди خَيْرُ النِّسَاءِ الْوَدُودُ الْوَلُودُ Хотиннинг яхшиси – суюмли ва куп тугадиганидир.

Хайр ун-нисо ил-вадуд ил-валуди
Хайли зуафоки бевафолиқ фанидур,
Ҳийла уйи ул гуруҳнинг масканидур,
Яхшиси деса киши куп севганидур,
Куп севса ва куп тугса аҳсанидур.

Назм ул-жавоҳир, 147-б.

Халил ул-маръи далил уд-диниҳи خَلِيلُ الْمَرْءِ دَلِيلُ دِينِهِ Кишининг дусти – унинг динига далилдир.

Халил ул-маръи далил уд-диниҳи
Ҳар кимки, назари шамъ яқин келди анга,
Дин аҳли гадойи хушачин келди анга,
Қил анга назарки, ҳамнишин келди анга,
Ким соҳиби-уқ далили дин келди анга.

Назм ул-жавоҳир, 147-б.

Халлада лиллаҳи мулкаҳу ва салтанаҳу خَلَّدَ اللهُ مُلْكَهُ وَ سُلْطَانَهُ Аллоҳ мулки ва салтанатини боқий қилсин!

Ул подшоҳ замониким утти ва салтанат тахти султони соҳибқирон Абулғози Султон Ҳусаин Баҳодирхон (халлада лиллаҳи мулкаҳу ва салтанаҳу) га муқаррар булди.

Хамсат ул-мутаҳаййирин, 75-б.

Халладаллоҳу мулкаҳу ва аббада давлатаҳу خَلَّدَاللهُ مُلْكَهُ وَ عَبَّدَ دَوْلَتَهُ Тангри таоло мол-мулкини ва подшоҳлигини абадий қилсин.

... ва замон аҳлининг бадии, яъни Султон Бадиуззамон Баҳодир мадҳида: халладаллоҳу мулкаҳу ва аббада давлатаҳу.

Фарҳод ва Ширин, 55-б.

Халладаллоҳу мулкаҳу ва адома умраҳу خَلَّدَاللهُ مُلْكَهُ وَ عَمَّرَ عُمْرَهُ Аллоҳ мулкини дахлсиз ва умрини узун қилсин!

... бу банда ҳазрати султон ус-салотин муизз ус-салтанати вад-дунё вад-дин Султон Ҳусаин Баҳодирхон халладаллоҳу мулкаҳу ва адома умраҳу.

Мезон ул-авзон, 43-б.

Халладаллоҳу мулкаҳу ва султонаҳу ва шонаҳу ва авзаҳа эҳсонаҳу خَلَّدَاللهُ مُلْكَهُ وَ سُلْطَانَهُ وَ شَأْنَهُ وَ عَوْنَهُ إِحْسَانَهُ Аллоҳ таоло унинг мулки ва салтанатини барқарор ва шоҳлиги ва эҳсонини абадий қилсин.

... салотини олий хайлида доғи Шоҳи Ғозий вужуди бовужудидин ҳамул ҳол зоҳир булгондин шаммае зоҳир қилмоқ халладаллоҳу мулкаҳу ва султонаҳу ва шонаҳу ва авзаҳа эҳсонаҳу.

Садди Искандарий, 64-б.

Халлада мулкаҳо ва таввала умраҳу خَلَّدَ مُلْكَهُ وَ طَوَّلَ عُمْرَهُ Аллоҳ мулкини боқий ва умрини узун қилсун!

... ва азо балосида то улки ҳазрати Султон соҳибқирон (халлада мулкаҳу ва таввала умраҳу) ташриф келтурдилар.

Хамсат ул-мутаҳаййирин, 78-б.

Халладаллоҳу султонаҳу خَلَّدَاللهُ سُلْطَانَهُ Тангри таоло унинг шоҳлигини доимий қилсин.

Отига қазо: «дома иҳсонаҳу»
Езиб «халладаллоҳу султонаҳу».

Садди Искандарий, 66-б.

Халлақул инсона мин тафовутин خَلِّقِ الْإِنْسَانَ مِنْ تَفَاوُتٍ Инсонни нутфадан (маний) яратади.

Ҳар ойинаким, «халлақул инсона мин тафовутин» амри лозим келди.

Вақфия, 237-б.

Хаммарту арбаъина сабоҳ خَمَّرْتُ أَرْبَعِينَ صَبَاحٌ (Инсон лойина)кирқ кун қордим.

Эйки, шахсингни холиқи фаттоҳ
Деди: хаммарту арбаъина сабоҳ.

Арбаъин, 269-б.

Хислат аъни ло яжтамиъани фи муъминин ал-бух-лу ва суъ ул-хулқи خَصْلَتَانِ لَا تَجْتَمِعَانِ فِي مُؤْمِنٍ الْبُخْلُ وَسُوءُ الْخُلُقِ Мумин кишида икки хислат жамъ булмайди: бахиллик ва ёмон хулқлилик.

Хислат аъни ло яжтамиъани фи муъминин ал-бухлу ва суъ ул-хулқи
Мўъмин эрсанг қилиб дурингни нисор,
Эл била равшан ул нечукким шамъ.
Негаким, Тенгри ҳеч мўъминда,
Бухлу бадхуйлуқни қилмади жамъ.

Арбаъин, 263-б.

Холаф нафсака тастариҳу خَالِفْ نَفْسَكَ تَسْتَرِحْ Нафсингга қарши тур – дам оласан.

Холаф нафсака тастуриҳу
Нафс амрида ҳар нечаки толпингайсен,
Куп гарчи бутунлук тиласанг, сингайсен,
Ком истаю неча элга ёлингайсен,
Нафсингга хилоф айлаким, тингайсен.

Назм ул-жавоҳир, 146-б.

Хулув ул-қалби хайрун мин малаъ-ил-кийси خُلُوُّ الْقَلْبِ خَيْرٌ مِنْ مَلَاءِ الْكِيسِ Қалбнинг холи булиши – чунтакнинг тула булишидан яхшидир.

Хулув ул-қалби хайрун мин малаъ ил-кийси
Ҳар нечаки кимса фақр помоли эса,
Ғам йўқтур агар сафо кунгул олий эса,
Гар кисса аро тўла жаҳон моли эса,
Хушроқ андин агар кунгул холи эса.

Назм ул-жавоҳир, 147-б.

Хулус ул-вадди мин ҳусн ил-аҳди خُلُوصُ الْوُدِّ مِنْ حُسْنِ الْعَهْدِ Дўстнинг холислигини унинг ваъдасига амал қилишидан бил.

Хулус ул-вадди мин ҳусн ил-аҳди
Аҳдингнинг агар бор эса мезони дуруст,
Асра ани иқбол нигаҳбони дуруст,

Ҳар дустки, сўз ичра десанг они дуруст,
Холисдур агар бор эса паймони дуруст.

Назм ул-жавоҳир, 147-б.

Хун шуд خون شد Яъни қон бўлди.

Муғаннийга баъзи эътироз юзидин ва баъзи танбеҳ юзидин дедиларким: «сиришки ман ҳама дурр шуд» ўқума, «дурр шуд» ўрнига «хун шуд» ўқуки, «дурр шуд» нинг маъноси йўқтур.

Хамсат ул-мутаҳаййирин, 17-б.

Чор донг сипоҳигари говмиш тохтанаст چهار دانگ سپاهیگر گاومیش تاخت است Дунёнинг тўрт иклимига сипоҳгарлик қилиш мол ҳайдашликдир.

Бу навъ ораста қилгондин сунгра чанбаршоҳ йўрга уйга тескари миндургайлар ва шаҳрнинг кўй ва маҳаллотига кездургайлар ва наззорагар эл таъну ташнеъ билаким, «чор донг сипоҳигари говмиш тохтан аст», – деб фарёд қилгайлар.

Маҳбуб ул-қулуб, 42-б.

Шайбука ноъийка شیبك ناعیك Қарилик ўлим хабарини келтиради.

Шайбука ноъийка
Қуйгучи боғирга хузн доғи қарилиқ,
Солгучи ғаму бало суроғи қарилиқ,
Тутқучи туло фано аёғи қарилиқ,
Улмак хабарин бергучи доғи қарилиқ.

Назм ул-жавоҳир, 157-б.

Шайн ул-илм ис-салафу شین العلم السلف Илмнинг заволи – мақтанишдадир.

Шайн ул-илм ис-салафу
Ҳар кимгаки табъ жоми соф улди яқин,
Билмак сори анга иттисоф улди яқин,
Ҳар нукта аро лофу газоф улди яқин,
Ким илмга айбу шайн лоф улди яқин.

Назм ул-жавоҳир, 156-б.

Шамматун минал-маърифати хайрун мин касир ил-амали شمة من المعرفة خیر من کثیر العمل Куп тоатдан оз маърифат яхши.

Шамматун минал-маърифати хайрун мин касир ил-амали
Ирфон аҳлига эл ниёзи яхши,
Таъзим ила лутфи дилнавози яхши,
Гар маърифат улса чорасози яхши,
Тоат кўпидин, маърифат ози яхши.

Назм ул-жавоҳир, 157-б.

Шаммир фи талаб ил-жаннати شمر فی طلب الجنة Жаннат талабида белингни маҳкам боғла.

Шаммир фи талаб ил-жаннати
Нутқунгни улуса уйлаким шаҳд айла,
Сўз талх демасга ҳақ била аҳд айла,
Жонингни маҳзи худо учун маҳд айла,
Жаннат талабида жид била жаҳд айла.

Назм ул-жавоҳир, 156-б.

Шарр ул-умури акробуҳо мин аш-шарри شَرُّ الْأُمُورِ عَقَارِبُهَا مِنَ الشَّرِّ Ёмонга яқин бўлган иш – ёмон ишдир

Шарр ул-умури акрабуҳо мин аш-шарри
Ҳар ишки улус оллида мавзун бўлгай,
Қилгон ани ҳар бахт ҳумоюн бўлгай,
Иш поёники зишти вожун бўлгай,
Улдурки ямон иш била мақрун бўлгай.

Назм ул-жавоҳир, 156-б.

Шарр ун-носи ман ятқийҳ ин-носу شَرُّ النَّاسِ مَنْ يَتَّقِيهِ النَّاسُ Кишиларнинг ёмонроғи – халқдан ўзини олиб қочувчисидир.

Шарр ун-носи ман ятқийҳ ин-носу
Эл қочса бировдин эл ямони бил они,
Аҳволида идбор нишони бил они,
Феъл ичра улус балойи жони бил они,
Олам элининг ямон ямони бил они.

Назм ул-жавоҳир, 157-б.

Шарт ул-улфати тарк ул-кулфати شَرْطُ الْأُلْفَةِ تَرْكُ الْكُلْفَةِ Улфатчилик шарти – кулфат йуқлигидир.

Шарт ул-улфати тарк ул-кулфати
Улфат ишида эрур тахаллуф қилмоқ,
Дилжуйлуқ айларда таваққуф қилмоқ,
Улфат шартини бетаассуф қилмоқ,
Билгилки, эрур тарки такаллуф қилмоқ.

Назм ул-жавоҳир, 157-б.

Шафоъ ул-жинони мин қироъат ил-Қуръони شِفَاءُ الْجِنَانِ مِنْ قِرَاءَةِ الْقُرْآنِ Жаннатий бўлишни истасанг Қуръон ўқи.

Шафоъ ул-жинони мин қироъат ил-Қуръони
Қуръонки эрур мужда жони уқумоқ,
Йуқ, йуққи, ҳаёти жовидони уқумоқ,
Бил кунглунга истасанг шифони уқумоқ-
Ким, келди кунгул шифоси они уқумоқ.

Назм ул-жавоҳир, 157-б.

Шаҳ баҳоулҳақ вад-дин нақшбанд شَاهُ بَهَاءُ الْحَقِّ وَالدِّينِ نَقْشَبَنْدُ Ҳақ равшанлигининг шоҳи ва туғри йулнинг гул солувчиси бўлган Хожа Баҳовуддин Нақшбанд [Баҳовуддин Нақшбанд-бухоролик машҳур шайх ва мутафаккир, нақшбандия тариқотининг асосчиси, 1390 йилда вафот этган].

Хожаи олий сифоти аржуманд,
Шаҳ Баҳоулҳақ вад-дин Нақшбанд.

Лисон ут-тайр, 254-б.

Шаҳиҳун ғаниюн афқару мин фақирин сахиййин شَحِيحٌ غَنِيٌّ افْقَرُ مِنْ فَقِيرٍ سَخِيٍّ Бахил бой сахий фақирдан-фаққирроқдир.

Мумсик ажзи асаридин кўракдур,
Мағбунлиги ҳам фақирдин купракдур,
Гар моли ҳисобу тирдин кўпракдур,
Фақри ғани ҳақирдин купракдур.

Назм ул-жавоҳир (илмий-танқидий матн),84-б

Шаҳҳ ал-ғанийю уқубатун شَحُّ الْغَنِيِّ عُقُوبَةٌ Бойнинг бахиллиги унинг азобидир.

Шаҳҳ ал-ғанийю уқубатун
Ҳар кимсаки жуд иктисобидур анинг,
Эл мафхари зот комёбидур анинг,
Ҳар кимсаки, бухл иртикобидур анинг,
Ғар булса ғани, бухл азобидур анинг.

Назм ул-жавоҳир, 156-б.

Юзору ва ютабирраку биҳи يَضُرُّ وَ يُبَرِّكُ بِهِ Уни қадрини табаррук қилсин.

Ва умри юз йигирма тўртга етти ва беш юзда дунёдин утти ва қабри Хончаболддадур, юзору ва ютабарраку биҳи.

Насойим ул-муҳаббат. 240-б.

Юсир ул-амр ус-сабуру ила муродиҳи يَسِيرُ الْأَمْرِ الصَّبُورُ إِلَى مُرَادِهِ Сабр соҳиби, албатта, муродига етади.

Юсир ул-амр ус-сабуру ила муродиҳи
Ҳар кимки фалак зулму инодига етар,
Сабр айлаган охир эътиқодига етар,
Чун булди сабур Тенгри додига етар,
Собир киши оқибат муродига етар.

Назм ул-жавоҳир, 180-б

Яблуғ ул-маръу бис-сидқи манозил ал-кибори يَبْلُغُ الْمَرْءُ بِالصِّدْقِ مَنَازِلَ الْكِبَرِ Киши ростгўйлик билан улуғлар даражасига етади.

Яблуғ ул-маръу бис-сидқи манозил ал-кибори
Норостки қолди хору зор эл ерга,
Ўлтурди лаиму хоксор эл ерга,
Десанг нетай аҳли эътибор эл ерга,
Сидқ айлаки, етгайсен канор эл ерга.

Назм ул-жавоҳир, 180-б.

Явмаизин мохалақаллоҳу фиҳ يَوْمَئِذٍ مَا خَلَقَ اللهُ فِيهِ Ўша пайтда Аллоҳ уни яратмаган эди.

Явмаизин мохалақаллоҳу фиҳ,
Явма яфирр ул-маръу мин ахиҳ.

Ҳайрат ул-аброр, 27-б.

Явма яфирр ул-маръу мин ахиҳ يَوْمَ يَفِرُّ الْمَرْءُ مِنْ أَخِيهِ Шундай бир кунки одам дусти (энг яқинларидан, ҳатто отасидан) дан қочади.

Явмаизин мохалақаллоҳу фиҳ,
Явма яфирр ул-маръу мин ахиҳ.

Ҳайрат ул-аброр, 27-б.

Язид ус-садақату фил-умри يَزِيدُ الصَّدَقَةُ فِي الْعُمُرِ Садақа – умрни узайтиради.

Язид ус-садақату фил-умри
Ҳар садқаки, толеингни маймун айлар,
Қатрангни хавоси дурри макнун айлар,
Жисминг уйига ҳаёт мақрун айлар,
Яъники, бақоу умр афзун айлар.

Назм ул-жавоҳир, 180-б.

Яли лам яқул بَلْ لَمْ يَقُولْ Айтмагандик яқинлашади.

Сурат аро тифл, вале ақли кул,
Қавлунг аро ғайри яли лам-яқул.

Ҳайрат ул-аброр, 35-б.

Ясих ус суқут يَسِيحُ السُّكُوتُ Сукунат олтиндур.

... ва бурҳон истамакка алил булса, улар кунсдин равшанроқ муъжиза бобида яди байзо кургузгайлар ва ясих ус-сукут эъжози зуҳурида ояте булғайлар.

Вақфия, 238-б.

Ясуд ул-маръу қавмуҳу бил-инсони алайим يَسُودُ الْمَرْءُ قَوْمُهُ بِالْإِنْسَانِ عَلَيْهِمْ Ким қавмига яхшилик қилса, уларнинг хожаси булиб қолади

Ясуд ул-маръу қавмуҳу бил-инсони алайим
Ким элга жафо чоҳин томуг зайли қилур,
Кавсар суйин узига улум сайли қилур,
Уз хайлиға кимки яхшилиқ майли қилур,
Эҳсон ани билки, қавм сарҳайли қилур.

Назм ул-жавоҳир, 180-б.

Ясъад ур-ражулу бимусоҳабат ис-саъиди يَسْعَدُ الرَّجُلُ بِمُصَاحَبَةِ السَّعِيدِ Бахтли киши билан ҳамсуҳбат булган киши ҳам бахтиёр булади.

Ясъад ур-ражулу бимусоҳабат ис-саъиди
Уббод аро булғон мойил ибодатга етар,
Булғон киши мустаид ифодатга етар,
Хуш одат эл ичра яхши одатга етар,
Ким, кимса саъиддин саодатга етар.

Назм ул-жавоҳир, 181-б.

Ятлубукар-ризқу камо татлубуҳу يَطْلُبُكَ الرِّزْقُ كَمَا تَطْلُبُهُ Сен ризқни талаб қилганинг каби ризқ ҳам сени талаб қилади.

Ҳар неча замона аҳлининг пурфанисен,
Ё фарз айтолики, аблаҳу кудакисен,
Ризқ иста-ю булма халқнинг душмани сен,
Истар сени чун ризқ нечукким ани сен.

Назм ул-жавоҳир (илмий-танқидий матн),121-б.

Яшибу ибну Адама ва ташуббу фиҳи хислатони ал-ҳирсу ва тул ул-амали يَشِيبُ ابْنُ آدَمَ وَ تَشُبُّ فِيهِ خَصْلَتَانِ الْحِرْصُ وَ طُولُ الْأَمَلِ Инсон кексайган сари унда икки хил хислат яшариб боради: дунёга муҳаббат ва ҳавас.

Яшибу ибну адама ва ташуббу фиҳи хислатони ал-ҳирсу ва тул ул-амали.
Одамиға агарчи воқеъ эрур
Қариған сори барча ишда халал.
Икки феъли вале йигитрак ўлур.
Бири ҳирсу бириси тули амал.

Арбаъин, 263-б.

Яъмал ун-наммому фис-соати фитната шаҳрин يَعْمَلُ النَّمَّامُ فِي السَّاعَةِ فِتْنَةَ شَهْرٍ Чақимчи бир соатда бир ойлик фитнани қилади.

Сўз тергучи гар дурри адн зоҳир этар,
Ҳар дурри анинг санга миҳан зоҳир этар,

Ҳар соат аро ки элга фан зоҳир этар,
Бир ойчилиқ ошуб ва фитан зоҳир этар.

Назм ул-жавоҳир (илмий-танқидий матн),120-б.

Яъман ул-хойифу изо васала ила мо хофаҳу تعتنالخايف إذا وصل الي ما خافه Кимдан хавфсираб юрган булсанг, ушанга учраганингдан сунг тинч булиб қоласан.

Яъман ул-хойифу изо васала ила мо хофаҳу
Хоифгаки хавф юз зиёндин эрди,
Бал ҳам анга хонумондин эрди,
Эмин булур ар хафа анга жондин эрди,
Чун етти ангаки хавфи ондин эрди.

Назм ул-жавоҳир, 180-б.

Яъс ул-қалби роҳат ун-нафси تأس القلب راحة النفس Қалб маъюслиги жон роҳатидир.

Яъс ул-қалби роҳат ун-нафси
Истар эсанг осудлиқ иш ражрид эт,
Фақр ичра узунгни мойили тафрид эт,
Кунглунгни замон баҳрасидин навмид эт,
Нафсингга бу ишни роҳиби жовид эт.

Назм ул-жавоҳир, 181-б.

Яътика мо қадара лака يعطيك ما قدر لك Сенга тақдир этилган нарсагина берилади.

Яътика мо қадара лака
Қисматда насиб хайр ё шарр булмиш,
Саъй этмайин ул санга муяссар булмиш,
Топмас тагайюр улча муқаддар булмиш,
Етгай санга ҳар неки, муқаррар булмиш.

Назм ул-жавоҳир, 179-б.

Қабул ул-ҳаққи мин ад-дини قبول الحق من الدين Ҳақни қабул қилмоқлик диндандир.

Дин заъфини англа бугз ила кинга далил,
Ислом аро нописанд ойинга далил,
Дин қуввати суз дерда эрур чинга далил,
Чин сузни қабул этмак эрур динга далил.

Назм ул-жавоҳир (илмий-танқидий матн),121-б.

Қавл ул-маръи юхбиру аммо фи қалбиҳи قول المرء يخبر اما في قلبه Кишининг гапи қалбидагини фош этиб куяди.

Қавл ул-маръи юхбиру аммо фи қалбиҳи
Суз зоҳир этар замир иши кўпрагидин,
Тил мухбир эрур кунгул ниҳон эмгагидин,
Фаҳм айла киши ҳолини суз демагидин,
Ким берди хабар ҳадиси кунглидагидин.

Назм ул-жавоҳир, 168-б.

Қавоиду истилоҳот قواعد اصطلاحات Атамалар қоидаси.

... ва фан гариб зебу зийнат топибдур ва турфа қавоиду истилоҳот пайдо бўлубтур. Аммо истилоҳотни тартиб била адо қилмайдурлар.

Хамсат ул-мутаҳаййирин, 57-б.

Қад арафа раббаҳу قد عرف ربّه У узлигидан ҳар бир муйигача хабардор бўлиб, «Ўзини билган Худони ҳам билади» деган гап фойда берди.

Нафсга чун ориф улуб му-баму,
Фойиз ўлуб «қад арафа раббаҳу».

Ҳайрат ул-аброр, 96-б.

Қаддаса аллоҳу асрораҳум قدّس الله أسرارهم Аллоҳ уларнинг сирларини муқаддас қилсин.

Ва авлиёйи кибор ва машойихи олий миқдор қаддаса Аллоҳу асрораҳум кўпрак ҳақойиқ ва маорифки: сурубтурлар ва маоний зеболарни тақрир либосига киюрубдурлар.

Муҳокамат ул-луғатайн, 9–10-б.

Қаддасаллоҳу руҳ ал-азиз قدّس الله روح العزيز Унинг азиз руҳини Аллоҳ муқаддас айласин.

... ва муршиди аҳли шариат ва тариқат, кошифи улуми раббоний Мавлоно Шамсуддин Муҳаммад Табодгоний (қаддасоллоҳу руҳ ал-азиз) ки...

Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер, 98-б.

Қаддир фил-амали танажжа мин аз-залали قدّر في العمل تنجّ من الزلل Амал-ибодат қилишни қадрла – шодлик, хушнудлик топасан.

Қаддир фил-амали танажжа мин аз-залали
Улким, иши бевақту маҳал бўлмагуси,
Ҳар иштаки, саъий этса ҳалал бўлмагуси,
Қонун била кимгаким, амал бўлмагуси,
Ул қилмоғи жуз ранжу залал бўлмагуси.

Назм ул-жавоҳир, 169-б.

Қадр ул-маръи мою ҳиммаҳу قدر المرء ما وهمّه Кишининг қадри, биров уни қадрласа билинади.

Қадр ул-маръи мою ҳиммаҳу
Эл поясин англай десанг асрорини бил,
Кунглидаги муддаосин изҳорини бил,
Қалбига кура таши намудорини бил,
Матлубига боқу кимса миқдорини бил.

Назм ул-жавоҳир, 169-б.

Қад раҳималлоҳу ман инсафа قد رحم الله من انصف Инсоф қилганга Аллоҳ раҳм қилади (ушбу ибора Сулаймон Пайғамбарнинг машҳур адолатли вазири Осаф узугига нақшланган).

Вазир вазирдин муштоқдур ва бу феъл анинг зотига аҳақ ва алиқдур. Бу ишни писондида қилгон Осаф эрмишким, нигини нақши «қад раҳималлоҳу ман инсафа» эрмиш.

Маҳбуб ул-қулуб, 16-б.

Қарин ул-маръи далилу диниҳи قرين المرء دليل دينه Кишининг дўсти – унинг динига далилдур.

Қарин ул-маръи далилу диниҳи
Ҳақ кимгаки рузий этти дин давлатини,
Шак йуқки, қилур икки жаҳон ишратини,
Ҳамсуҳбат ила топар чу дин қувватини,
Динига далил топар англа ҳам сиҳҳатини.

Назм ул-жавоҳир, 169-б.

Қасват ул-қалби минаш-шабаъи قسوة القلب من الشبع Тошюрак булиш – туқлик оқибатидир.

Қасват ул-қалби минаш-шабаъи
Куп туъма ер эл аросидин ихрож ул,
Савм аҳли аро бош қую соҳиб тож ул,
Ким қалби дақиқ эрур, анга муҳтож ул,
Туқлуқ чу кунгулни қатиқ айлар, оч ул.

Назм ул-жавоҳир, 169-б.

Қола Аллоҳ, қола Расулуллоҳ قال الله , قال رسول الله Аллоҳ айтганини пайғамбар ҳам таъкидлади.

Олим керакким, мутаққий бўлса ва огоҳ ва айтурга қола Аллоҳ, қола Расулуллоҳ.

Маҳбуб ул-қулуб, 23-б.

Қола ифритун минал жинни ана отика биҳи қабла ан тақума мин мақомика ва инни алайҳи лақавиюн амин قال عفريت من الجن أنا آتيك به قبل أن تقوم من مقامك وإني عليه لقوي أمين Шунда жинлардан бир паҳлавон айтди: «Мен уни сен ўрнингдан туришингдан илгари сенга келтурурман. Албатта, мен бунга қодир ва ишончлидурман» [27:39].

Ва мазолим девонида ултуруб, дедиким, бўлгайки Билқиснининг тахтин Сабо шаҳридин бот келтургай. «Қола ифритун минал жинни ана отика биҳи қабла ан тақума мин мақомика ва инни алайҳи лақавийюн амин».

Тарихи анбиё ва ҳукамо, 165-б.

Қола кам лабиста? Қола «явман ав баъзи явмен» Қола «баллабиста миата омин фанзур ила таомика ва шаробика лам ятасаннаҳ, ванзур ила ҳиморика валинажалака قال كم لبثت قال لبثت يوما أو بعض يوم قال بل لبثت مائة عام فانظر إلى طعامك وشرابك لم يتسنه وانظر إلى حمارك ولنجعلك «Қанча муддат (ўлик ҳолда) турдинг? «Бир кун ё ярим кун»,-деди у. Аллоҳ деди: «Йўқ, юз йил турдинг» Таом ва ичимлигингга қара-бузилган эмас. Энди эшагингни (чириб, суяклари ажраб кетганини) кўргин» [2:259].

Бу муддатдин сўнгра Тенгри таоло Узайр а. с. ни тиргузди. Бир малак андин сурдиким, «кам лабиста?». Жавоб бердиким, «явман ав баъзи явмен». Ул малак деди: «баллабиста миата омин фанзур ило таомика ва шаробика лам ятасаннаҳ. Ванзур ило ҳиморика валинажалака».

Тарихи анбиё ва ҳукамо, 172-б.

Қола ҳозо фироқу байни قال هذا فراق بيني Бу ўртамизда айрилиқ бўлур.

Чун куп эрди азоб шайни анга,
«Қола ҳозо фироқу байни» анга.

Сабъаи сайёр, 309-б.

Қолаллоҳу таоло: анни ахлуқу лакум минат-тийни каҳийат ут-тайри фаанфуху фиҳи фаякуну тайран биизниллоҳи ва убир ул-акмаҳа вал-абраса قالالله تعالى: أني أخلق لكم من الطين كهيئة الطير فأنفخ فيه فيكون طيرا بإذن الله وأبرئ الأكمه والأبرص Мен сизларга лойдан қуш тимсолини ясаб, унга пуфласам, у Аллоҳнинг изни-иродаси билан ҳақиқий қуш булади. Ва яна кўр, пес касалларини тузата оламан [3:49]

Ва [Исо [а. с.] сойир муъжизотидин бири хуффошдурким, болчигдин ул ҳайъот била ясаб, нафасин анга сурди. Ва ул нафасдин рух топиб учти ва эмдигача бор. Ва бири акмаҳ ва бири абрас иложидурким, Қолаллоҳу таоло: «анни ахлуқу лакум минат-тийни каҳийат ут-тайри фаанфуху фиҳи фаякуну тайран биизниллоҳи ва убир ул-акмаҳа вал-абраса».

Тарихи анбиё ва ҳукамо, 177-б.

Қолаллоҳу таоло: ва лақад фатанно Сулаймона ва алқайно ало курсиййиҳи жасадан сумма аноба قالالله تعالى: وَلَقَدْ فَتَنَّا سُلَيْمَانَ وَأَلْقَيْنَا عَلَى كُرْسِيِّهِ جَسَدًا ثُمَّ أَنَابَ Аллоҳ деди: ... «Дарҳақиқат, биз Сулаймонни имтиҳон қилдик [38:34].

Сулаймон а. с. фитнаси «қолаллоҳу таоло: ва лакад фатанно Сулаймона ва алқайно ало курсиййиҳи жасадан сумма аноба».

Тарихи анбиё ва ҳукамо, 165–166-б.

Қолаллоҳу таоло: ва инна Юнуса ламинал мурсалин قالالله تعالى: وَإِنَّ يُونُسَ لَمِنَ الْمُرْسَلِينَ Аллоҳ деди: «Юнус ҳам шубҳасиз, пайғамбарлардандир» [37:139].

Юнус бинни Мато а. с. отаси оти била машҳурдур. Ота Довуд бинни Яъқуб а. с. наслидиндур, мурсал пайғамбардурким, «қолаллоҳу таоло: ва инна Юнуса ламинал мурсалин».

Тарихи анбиё ва ҳукамо, 169-б.

Қолаллоҳу таоло: ва из қола Исабну Маряма ё бани Исроила инни Расулуллоҳи илайкум мусаддиқан лимо байна ядайя минат-тавроти ва мубашширан бирасулин яъти мин баъдисмуҳу аҳмаду قالالله تعالى: وَإِذْ قَالَ عِيسَى ابْنُ مَرْيَمَ يَا بَنِي إِسْرَائِيلَ إِنِّي رَسُولُ اللهِ إِلَيْكُمْ مُصَدِّقًا لِمَا بَيْنَ يَدَيَّ مِنَ التَّوْرَاةِ وَمُبَشِّرًا بِرَسُولٍ يَأْتِي مِنْ بَعْدِي اسْمُهُ أَحْمَدُ (صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَعَلَى آلِهِ وَسَلَّمَ) Эсланг, Исо Бинни Марям: «Эй Бани Исроил, албатта, мен Аллоҳнинг сизларга (юборган) Пайғамбаридурман. (Мен) ўзимдан олдинги Тавротни тасдиқлагувчи ва ўзимдан кейин келадиган Аҳмад исмли бир Пайғамбар ҳақида хушхабар бергувчи булган ҳолда юборилдим...» [61:6].

Исо а. с. элига амр қилди тавҳид эрди. Ва хотам ун-нубувватнинг рисолатига икрор қилдиким, «Қолаллоҳу таоло: «ва из қола Исабну Маряма ё бани Исроила инни Расулуллоҳи илайкум мусаддиқан лимо байна ядайя минат-тавроти ва мубашширан бирасулин яъти мин баъдисмуҳу Аҳмаду».

Тарихи анбиё ва ҳукамо, 177-б.

Қолаллоҳу таоло: инни вазаътуҳа унсо валлоҳу аъламу бимо вазаъат ва лайсаз-закари кал унсо ва инни саммайтуҳо Маряма ва инни уъийзуҳо бика вазуррийятаҳо минаш-шайтонир-ражим قَالَتْ رَبِّ إِنِّي وَضَعْتُهَا أُنْثَى وَاللَّهُ أَعْلَمُ بِمَا وَضَعَتْ وَلَيْسَ الذَّكَرُ كَالْأُنْثَى وَإِنِّي سَمَّيْتُهَا مَرْيَمَ وَإِنِّي أُعِيذُهَا بِكَ وَذُرِّيَّتَهَا مِنَ الشَّيْطَانِ الرَّجِيمِ «... Парвардигорим, мен қиз туғдим». Ҳолбуки, Аллоҳ унинг нима гуккани билгувчироғдир ва ҳар қандай ўғил ва қиз каби [бу қизнинг ўрнини босгувчи] эмасдир ва мен унга Марям деб исм қўйдим. Мен бу қизга, унинг зурриётига даргоҳингдан қувилган шайтоннинг ёмонлигидан паноҳ беришингни сендан илтижо қиламан [3:36].

Тарихи анбиё ва ҳукамо, 173–174-б.

Қотил ул-ҳариси ҳирсуҳу قَتْلُ الْحَرِيصِ حِرْصُهُ Очкўзликнинг қотили унинг очкўзлигидир

Ҳар кимсаки, ҳирс ранжи дохилдур анга,
Ул даҳдаҳа ичра умр мушкулдур анга,
Ўз феъ́лидин-ўқ ҳаёт зойилдур анга,
Ким булса ҳарис, ҳирси қотилдур анга.

Назм ул-жавоҳир (илмий-танқидий матн), 97-б.

Қувват ул-қалби мин сиҳҳат ил-иймони قُوَّةُ الْقَلْبِ مِنْ صِحَّةِ الْإِيمَانِ Қалбнинг қуввати – иймон саломатлигидандир.

Қувват ул-қалби мин сиҳҳат ил-иймони
Иймон топқон кишига ҳақ раҳматидин,
Ғам йўқ шайтон васвасау заҳматидин,
Иймонга мадор ўлди кунгул қувватиди,
Кунгул аро қувват ўлди дин сиҳҳатидин.

Назм ул-жавоҳир, 169-б.

Қуддиса аллоҳу асрориҳум//қуддиса аллоҳ сирриҳу قَدَّسَ اللهُ أَسْرَارَهُمْ// قَدَّسَ اللهُ سِرَّهُ Тангри таоло уларнинг сирларини муқаддас қилсин.

Ва авлиё (қуддиса Аллоҳу асрориҳум) ахлоқ ва сифоти таърифида...

Маҳбуб ул-қулуб, 128-б.

... ва авлиёуллоҳ (қуддиса Аллоҳу асрориҳум) нинг расоил ва кутубидинким...

Хамсат ул-мутаҳаййирин, 12-б.

Ҳикоят: Кошифи асрори илоҳий Шайх Шоҳ Зиёратгоҳий (қуддиса Аллоҳ сирриҳу) ибодат фароғати учун қаноат шиор қилди.

Маҳбуб ул-қулуб, 55-б.

Қуддиса аллоҳу сирраҳу ва наввара аллоҳу марқадаҳу قَدَّسَ اللهُ سِرَّهُ وَنَوَّرَ اللهُ مَرْقَدَهُ Аллоҳ сиррини муқаддас сақласин ва ғурини ёруғ қилсин.

... яъни Нур ул-ҳақ вад-дин, каҳф ул-ислом ва муслимийна шайхуно ва Мавлоно Абдураҳмон ул-Жомий (қуддиса Аллоҳу сирраҳу ва наввара Аллоҳу марқадаҳу).

Хамсат ул-мутаҳаййирин, 7-б.

Қуддиса аллоҳу таоло арвоҳаҳум قَدَّسَ اللهُ تَعَالَى أَرْوَاحَهُمْ Аллоҳ таоло уларнинг руҳларини муқаддас қилсин.

... ва мушкулкушойлиги учун бир нимаким, ногузирдур комил раҳнасойи пирдурким, анинг иршоди бўлмайин бу йўлга азм қилмоқни

акобири авлиё (қуддиса Аллоҳу таоло арвоҳаҳум) жоиз тутмайдур...

Маҳбуб ул-қулуб, 117-б.

Қурб ул-ашрори мудирратун قُرْبُ الأشرار مُضِرَّةٌ Ёмонларнинг яқинида юриш ҳам зарарлидир.

Қурб ул-ашрори мудирратун
Бордур ямон элга ҳамнишинлиғда зарар,
Хуррамлиқ аро ранжу ҳазинлиғда зарар,
Касб этма шарр аҳлидин қаринлиғда зарар,
Ким келди ямонларга яқинлиғда зарар.

Назм ул-жавоҳир, 169-б.

Ғадрука ман даллака алал-усоъати غَدْرُكَ مَنْ دَلَّكَ عَلَى الْمَعْصِيَةِ Сени ёмонликка бошлаган киши душманингдир.

Ғадрука ман даллака ала-усоъати
Ғаддорки қисмингни малолат қилди,
Ғам кишваридин санга рисолат қилди,
Уз жонини қадрингга ҳаволат қилди,
Ким сени ямонлиққа далолат қилди.

Назм ул-жавоҳир, 166-б.

Ғазабука анил-ҳаққи муқбиҳатун غَضَبُكَ عَنِ الْحَقِّ مَفْضَحَةٌ Туғри нарсадан жаҳлинг чиқиши – қабиҳликдандир

Ғазабука анил-ҳаққи муқбиҳатун
Доим тилаган айшу тараб нохуштур,
Нуш айламаган ранжу тааб нохуштур,
Ёлғонга киши қилса ғазаб нохуштур,
Чиндин ғазаб этмагинг ажаб нохуштур.

Назм ул-жавоҳир, 167-б.

Ғамрат ул-мавти аҳвану мин мажолисати ман ло яҳвоҳу қалбука غَمْرَةُ الْمَوْتِ أَهْوَنُ مِنْ مُجَالَسَةِ مَنْ لَا يَهْوَاهُ قَلْبُكَ Улим ғами – қалбинг севмаган киши билан ҳамсуҳбат қилишдан енгилроқдир

Ғамрат ул-мавти аҳвану мин мажолисати ман ло яҳвоҳу қалбука
Ғар кўрса ўлум ғамин ниҳоний кунглунг,
Ул ранжда қолса жовидоний кунглунг,
Ул кимсача эрмас ўлса фоний кунглунг,
Ким суҳбат аро истамас они кунглунг.

Назм ул-жавоҳир, 166-б.

Ғанима ман салама غَنِيمَةُ مَنْ سَلِمَ Соғлиқ ғаниматдир.

Ғанима ман салама
Гардунки эрур тизгани жоҳилдек,
Ҳар кун анга узундурур бир йилдек,
Тонгдин оқшомга қон тукар қотилдек,
Солимлиғин андин эл ғанимат билдик.

Назм ул-жавоҳир, 165-б.

Ғанимат ул-мўъмини важдон ул-ҳикмати غَنِيمَةُ الْمُؤْمِنِ وِجْدَانُ الْحِكْمَةِ Ҳикматни ҳис қила олиш – мўмин учун совғадир.

Ғанимат ул-муъмини важдон ул-ҳикмати
Муъмин бори элдин узини кам билса керак,
Ҳақдин не анга келса, карам билса керак,
Беҳикматлиғини дарду ғам билса керак,
Ҳикмат топарини муғтанам билса керак.

Назм ул-жавоҳир, 167-б.

Ғаффара зунубаҳу саттара айюбаҳу غفر ذنبه ستر عيوبه Тангри таоло гуноҳларини кечирсин ва айбларини бекитсин (гуноҳлар маъфират қилинсин, гуноҳлар кечирилсин).

... яъни Алишер ал-мутахаллис бин Навоий ғаффара зунубаҳу ва саттара айюбаҳу мундоқ арз қилурким суз дурредурким, анинг дарёси кўнгулдур ва кунгул мазҳаредурким, жомии маоний жузв ва куллдур.

Муҳокамат ул-луғатайн, 8-б.

Ғашшака манис-хатика бил-ботили غشاك منالص خطئك بالباطل Ким сени ботил ишга йўллаган бўлса, сени алдабди.

Ғашшака манис-хатика бил-ботили
Шукр айлаки, ҳақ аҳли яқин қилди сени,
Гар сабру таҳаммулга қарин қилди сени,
Узр этти санга доғи ҳазин қилди сени,
Ботил била улки ҳашмгин қилди сени.

Назм ул-жавоҳир, 166-б.

Ғоба хаттуҳу ман ғоба нафсаҳу غاب خطه من غاب نفسه Йўлини йўқотган, узини ҳам йўқотибди.

Ғоба хаттуҳу ман ғоба нафсаҳу
Эй ҳажр, мени сен айла жондин ғойиб,
Лекин қилма ул остондин ғойиб,
Ҳар кимсаки, бўлди бир макондин ғойиб,
Ҳам бўлди анинг баҳраси ондин ғойиб.

Назм ул-жавоҳир, 166-б.

Ғоят ул-имкон ва маърифат уз-замон вал макон غاية الامكان و معرفة الزمان والمكان **1** Имкон чегараси бу – вакт ва маконни билишдир.

2 Диний-тасаввуфий рисола номи.

Ва Шайх Маҳмуд Ушнувий раҳимаҳуллоҳки, «Ғоят ул-имкон ва маърифат уз-замон вал макон» рисоласининг мусаннифидур, анинг гунбадида мадфундур.

Насойим ул-муҳаббат, 241-б.

Ғуломун оқилун хайрун мин шайхин жоҳилин غلام عاقل خير من شيخ جاهل Оқил ғўдак – нодон кексадан яхшироқдир.

Ғуломун оқилун хайрун мин шайхин жоҳилин
Гар кимсада зоҳир улса тамкини хирад,
Андин билгилки топти тазйини хирад,
Андоқ қариким йўқ анда ойини хирад,
Ул ёш ортуқки, топти талқини хирад.

Назм ул-жавоҳир, 166-б.

Ғурфатуллоҳи бифасҳ ал-ғароим غُرْفَةُ اللهِ بِفَسْحِ الْغَرَائِمِ Бу жумланинг маъносини англаб етмадик.

... ва авлиёи акмал «ғурфатуллоҳи бифасҳ ал-ғароим» нуктаси била такаллум қилурлар.

Муншаот, 153-б.

Ҳаё ул маръи сатруҳу حَيَاءُ الْمَرْءِ سِتْرُهُ Кишининг ҳаёси – унинг иффат пардасидир.

Ҳаё ул-маръи сатруҳу
Авжи шараф узра офтоб улди ҳаё,
Бустони саодатга сахоб улди ҳаё,
Мазмум хасоилга ҳижлб улди ҳаё,
Эл айнига гўёки ниқоб улди ҳаё.

Назм ул-жавоҳир, 145-б.

Ҳазрати шайх ул машойих олим ил-муршиди тавоиф ил-умам шайх зайн ул-миллати вад-дин ал-хавофий حضرت شَيْخُ الْمَشَائِخِ عَالِمُ الْمُرْشِدِ تَوَائِفِ الْأُمَمِ شَيْخِ زَيْنُ الْمِلَّةِ وَالدِّيْنِ الْخَوَافِي Ал-Хавофий-Шайх Зайнуддин Абубакр ал-Хавофий. Зоҳирий ва ботиний билимларни мукаммал билган шайхлардан (Вафоти–838/1434–1435).

... кошифи улуми раббоний Мавлоно Шамсуддин Муҳаммад Табодгоний... ки, ҳазрати шайх ул-машойих олим ил-муришди тавоиф ил-умам шайх зайн ул-миллати вад-дин ал-Хавофий (раҳимаҳумуллоҳу таоло) нинг ихтиёрий хулофосидин эрдилар.

Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер, 98-б.

Ҳаййи лоямут حَيٌّ لَا يَمُوتُ Мангу ҳаётлик, Тангри таолонинг сифатларидан бири.

Ул кузу лаб ултуруб тиргузсалар не айбким,
Бирни қотил, бирни жонбахш этти ҳаййи лоямут.

Наводир ун-ниҳоя, 76-б.

Ҳайҳат мин насиҳат ил-адувви هَيْهَاتَ مِنْ نَصِيحَةِ الْعَدُوِّ Душманнинг насиҳатидан узоқ бўл.

Эл панд берурда айлагил қайгу йироқ,
Гар бўлса гадо тут ўзни андин қўйироқ,
Гар дуст берур панд эмастур бу йироқ,
Душман панди ишедурур асру йироқ.

Назм ул-жавоҳир (илмий-танқидий матн),113-б.

Ҳалак ал-ҳарису ва ҳува ло яъламу هَلَكَ الْحَرِيصُ وَ هُوَ لَا يَعْلَمُ Ҳирс бандаси ҳалокат сари кетаётганлигини билмайди.

Ҳалак ал-ҳарису ва ҳува ло яъламу
Ҳирс аҳлига ғайри неш сончилмас ҳеч,
Бағридин анинг бу неш айрилмас ҳеч,
Бу маҳлака ичра фикрини филмас ҳеч,
Ҳирс ани ҳалок этти, ул билмас ҳеч.

Назм ул-жавоҳир, 178-б.

Ҳалли жазо ал-эҳсон илал ал-эҳсон حَلُّ جَزَاءِ الْإِحْسَانِ إِلَى الْإِحْسَانِ Яхшиликка яхшиликдан бошқа мукофот йўқ.

Яна бир амри азим эҳсонидурким, анинг баёнида кўп сўз аёндур... ва ҳалли жазо ал-эҳсон илал ал-эҳсон анга гувоҳи ҳол.

Маҳбуб ул-қулуб, 77-б.

Ҳалок ул-маръи фил усби هَلاكُ الْمَرْءِ فِي الْشَّبَبِ Кишининг худбинлиги уни ҳалок қилади.

Ҳалок ул-маръи фил-усби
Касб айла нишот меҳнатойинлик аро –
Ким, ишрат умиди келди ғамгинлик аро,
Кўрма арода узингни мискинлик аро –
Ким, булди, киши ҳалоки худбинлик аро.

Назм ул-жавоҳир, 177-б.

Ҳал оти алал инсона ҳийнун мин ад-даҳри лам якун шайъан мазкуран هَلْ أَتَى عَلَى الْإِنْسَانِ حِينٌ مِنَ الدَّهْرِ لَمْ يَكُنْ شَيْئًا مَذْكُورًا Инсон бошидан бирор-бир он ўтганлиги, эслашга лойиқ бирор нарса содир булмаган булсин [76:1].

... ул Тенгрининг шонидадурким: «ҳал оти алал-инсона ҳийнун мин ад-даҳри лам якун шайъан мазкуран» анинг каломи фархунда фаржомидин оятдурур.

Назм ул-жавоҳир, 123-б.

Ҳамм ас-саъиду охиратаҳу ва ҳамм аш-шақийю дунёҳу هَمُّ السَّعِيدِ آخِرَتُهُ وَهَمُّ الشَّقِيِّ دُنْيَاهُ Бахтли одам охират ғамини, бахтсиз одам бу дунё ғамини ўйлайди.

Ҳамм ас-саъиду охиратаҳу ва ҳамм аш-шақийю дунёҳу
Уқбо ғами ул ер ани доно бил,
Егонни жаҳоннинг ғамини доно бил,
Ким булса саид анинг ғамин уқбо бил,
Булғанга шақий ғамин бозаи дунё бил.

Назм ул-жавоҳир, 177-б.

Ҳамузот ит-таъоми хайрун мин хамузот ил-каломи هَمُوزُ الطَّعَامِ خَيْرٌ مِنْ هَمُوزِ الْكَلَامِ Аччиқ сўздан аччиқ овқат яхши

Ҳамузот ит-таъоми хайрун мин хамузот ил-каломи
Гар заҳр била кишига ком улса ачиғ,
Юз ончаки сўз била мудом улса ачиғ,
Ҳар неча мазоқ аро таом улса ачиғ,
Хушрокдурур андинки, калом улса ачиғ.

Назм ул-жавоҳир, 145-б.

Ҳарамайни шарифайн зодаҳумаллоҳу таъзиман ва такриман حَرَمَيْنِ شَرِيفَيْنِ زَادَهُمَا اللهُ تَعْظِيمًا وَتَكْرِيمًا Тангри таоло ҳарамайн ва шарифайн (Макка ва Мадина) ни улуғ ва буюклигини зиёда қилиб яратди

[Хожа Аҳмад б. Мавлуд б. Чиштий қ. с.]. Улуғ ёшларида ҳарамайни шарифайн зодаҳумаллоҳу таъзиман ва такриман зиёратига мутаважжиҳ булди.

Насойим ул-муҳаббат, 227-б.

Ҳаррам ал-вафоу лиман аслалаҳу حَرَامٌ الْوَفَاءُ لِمَنْ أَضَلَّهُ Ёмонга вафо – ҳаромдир.

Ҳаррам ал-вафоу лиман аслалаҳу
Беасл халойиққа сафо келди ҳарам,

Ҳар ишки эрур ғайри жафо келди ҳарам,
Ҳам жавр асл аро келди ҳарам,
Ҳам асли йуқ эл ичра вафо келди ҳарам.

Назм ул-жавоҳир, 146-б.

Ҳасадат неъмату ман кафарахо خسادت نعمت من کفرها Кимки неъматга куфр келтирса (қадрини билмаса)-фосид ҳукмидадир.

Ҳасадат неъмату ман кафарахо
Доно киши шукри неъмат айтур жондин,
Ким, неъмати ортуқроқ улур яздондин,
Доим бу сифат амр келур ёд ондин,
Ким, неъматини фосид этар куфрондин.

Назм ул-жавоҳир, 168-б.

Ҳасти нестнамой هستی نیستنمای Бор эди йуқ каби.

Бас, туфроғ муҳарриклиғда нести ҳастанамойдур ва ҳаво ҳасти нестнамой.

Насойим ул-муҳаббат, 251-б.

Ҳашим ус-сариди мин ғайри аклиҳи هشیم الثرید من غیر اکله Синдирмоқдан емоқни фарқи бор.

Эй ким, бермак таом туттунг ўзга,
Меҳмон ўзрида қўй иликни кўзга,
Боқ илик на ичра бу ажойиб сўзга,
Синдурмоғин ўзга бил емакни ўзга.

Назм ул-жавоҳир (илмий-танқидий матн),115-б.

Ҳақ субҳонаҳу ва таоло حق سبحانه و تعالی Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло.

Ҳақ субҳонаҳу ва таоло барча толиби ниёзмандларга бу тариқ орзумандларга ул гулистондин туҳфае ва ул раёҳиндин шаммае насиб қилсун.

Маҳбуб ул-қулуб, 51-б.

Ҳаққи жалли субҳона حقّ جَلّ سُبْحَانَ У субҳонаҳу ва таолонинг ҳаки.

... муборак белларига рисолат камарин боғлаб, бу халойиқ орасида сарафроз ва муъжизапардоз қилдиким, «ҳаққи жалли субҳона» адо амрин...

Вақфия, 238-б.

Ҳилм ул-маръи авнуҳу حلمُ المَرْءِ عَوْنُه Киппининг юмшоқ феъли булиши унинг мададкоридир.

Ҳилм ул-маръи авнуҳу
Ҳар кимки иши таҳаммул изҳори эрур,
Албатта муқорин анга кирдори эрур,
Йуқким мадад ичра улу бу ёри эрур,
Ким хилми таҳаммули мададгори эрур.

Назм ул-жавоҳир, 145-б.

Ҳиддат ул-маръи туҳликуҳу حِدّةُ المَرْءِ تُهْلِكُه Кишининг қизиққонлиги уни ҳалокатга бошлайди.

Ҳиддат ул-маръи туҳликуҳу
Таъб ичра эрур таҳаммуломизлиги,
Андин ортуқки ваҳшатангизлиги,

Жон қасди этар кимса ғазабрезлиги,
Алқисса, кишини ултурур тезлиги.

Назм ул-жавоҳир, 145-б.

Ҳиммат ул-маръи қийматуҳу همة المرء قيمته Кишининг ҳиммати унинг қийматини белгилайди.

Ҳиммат ул-маръи қийматуҳу
Ҳиммат элининг гарчи хулқ кисвати бор,
Чарх атласидин вале бийик рифъати бор,
Беқиймат эрур улки бийик ҳиммати бор,
Гарчи неча кам ҳиммати бор қиймати бор.

Назм ул-жавоҳир, 178-б.

Ҳирфат ул-маръи канзуҳу حرفة المرء كنزه Ҳунар – кишининг бойлигидир.

Ҳирфат ул-маръи канзуҳу
Косиб кунжи кафи зар олгинчи эрур,
Икки қули мезони дирамсанжи эрур,
Ким бўлса ҳунарсиз иши-ўқ ранжи эрур,
Бу важҳ илаким, ҳунари ганжи эрур.

Назм ул-жавоҳир, 146-б.

Ҳозо мин индиллоҳи ярзуқу ман яшоъу биғайри ҳисоб هذا من عند الله يرزق من يشاء بغير حساب Албатта, Тангри таоло ўзи хоҳлаган кишиларига беҳисоб ризқ берур [3:37].

Ва ул жумладин бири буким, қишда ёз меваси ва акс ҳам курар эрди. Сургондаким, «анно лаки ҳозо фи ғайри вақтиҳи» (ҳар қачон Закариё Марямнинг олдига ҳужрага кирганида унинг ҳузурида бир ризқ-насиба кўрди. У: «Эй Марям, бу нарсалар сенга қаёқдан келди?-деб сураганида Марям жавоб қилди: «Булар Аллоҳ ҳузуридандир...»), жавоб топтиким «ҳаза мин индиллоҳи ярзуқу ман яшоъу биғайри ҳисоб».

Тарихи анбиё ва ҳукамо, 174-б.

Ҳозо робби هذا ربي Мана шу Парвадигорим [6:76].

... Бир кеча бу фикрда эрди, ҳар кавкаб тулуъ қилса, «ҳозо робби» ишорати била хушҳол булуб, гуруб қилгоч, навмид булур эрди.

Тарихи анбиё ва ҳукамо, 114-б.

Ҳоммат ул-маръи ҳимматуҳу همت المرء همته Кишининг улуғлиги унинг ҳимматидан билинади.

Ҳоммат ул-маръи ҳимматуҳу
Ҳар кимсаки иқбол анинг ёваридур,
Ҳар ёнки юз урса, ҳиммати раҳбаридур,
Ҳиммат дури фахр тожининг гавҳаридур,
Чун ҳиммат одам углининг сарваридур.

Назм ул-жавоҳир, 177-б.

Ҳота мо индака таърифу биҳи حط ما عندك لنعرف به Борингни курсат, кимлигингни айтиб бераман.

Ҳота мо индака таърифу биҳи
Ҳам лофу газоф дафтарин куйдургил,

Ҳам хомани инсоф хатиға сургил,
Ҳар неки санга биликдур келтургил,
Ҳолингни ҳам андин эл аро билдургил.

Назм ул-жавоҳир, 178-б.

Ҳулй ир-рижол ил-адабу خلهاز حلاالأدب Кишиларнинг безаги – одобдир.

Ҳулй ир-рижол ил-адабу
Зевар кишига не тожу не афсар бил,
Ул зевар адаб бирла ҳаё дархар бил,
Ҳар кимки адабсиздур, ишин абтар бил,
Алқисса эранларга адаб зевар бил.

Назм ул-жавоҳир, 145-б.

Ҳумум ул-маръи биқадри ҳимматиҳи همّم المرء بي القدر همّته Кишининг иши натижаси унинг ғайратига қараб булади

Ҳумум ул-маръи биқадри ҳимматиҳи
Ҳиммат эли кузда қурутуб намларини,
Неча қилур ошом фалак самларини,
Ҳар кимки урар ҳиммат ила дамларини,
Ҳимматларининг хуридадур ғамларини.

Назм ул-жавоҳир, 177-б.

Ҳурубука мин нафсики анфаъу мин ҳарубика минал-асади حربك من نفسك انفع من حربك من العسد Нафсингдан қочиппинг, шердан қочишингдан кўра кўпроқ фойда беради.

Ҳурубука мин нафсики анфаъу мин ҳарубика минал-асади
Ким кинавар улса, иста ондин қочмоқ,
Невчунки, зарурдур ямондин қочмоқ,
Эр углига нафси кинарондин қочмоқ,
Нафъдурким, шери жаёндин қочмоқ.

Назм ул-жавоҳир, 177-б.

Ҳусн ул-хулқи ғаниматун حسن الخلق غنيمة Хулқ чиройлилиги – ғаниматдир.

Ҳусн ул-хулқи ғаниматун
Бадхуйки, уз қилгани раҳматдур анга,
Орам халойиқ сори туҳматдур анга,
Ким хуйи ямон булса, машаққатдур анга,
Ким хуйи анинг яхши ганиматдур анга.

Назм ул-жавоҳир, 146-б.

БИР ҒАЗАЛ ШАРҲИ

«Эсиб раҳмат насими...»

Мумтоз шеъриятимизга хос маъшуқ васли куйи, айниқса, «илоҳий ишқ» сирини чуқур англаш – инсоннинг ботиний шеърий тафаккур тарзи учун ниҳоятда жоиз хусусиятдир. Зеро, «илоҳий ишқ» таври инсоннинг кунгил мулки қадар кенг ва терандир. Навоий ғазалиёти замиридаги бундай ботиний хусусиятларнинг маълум бир қисми Расулуллоҳ васф этилган ояти карималар таъсирида вужудга келган, дейишимиз мумкин. Бу тарз кўпроқ Ҳазратнинг наът-ғазаллари замирида мужассамдир.

Энди ана шундай наът-ғазаллар сирасига кирувчи «Ғаройиб ус-сиғар»нинг 7-ғазалини тўлиқ келтирамиз:

Зиҳи жавлонгаҳинг афлок уза майдони «ав адно»,
Буроқингга тўқуз гунбад бу тўққуз гунбади хазро.
Қилиб чун хай гулоби майл наълайнинг, булуб ондин
Малак раъноларининг жабҳасига булуб чарх сандалсо.
Эсиб раҳмат насими чун дамодам сунбулунг сори,
Булуб руҳонийлар жайби лаболаб анбари соро.
Фалак қолиб Буроқингдин, эмас васфи фалаксуръат,
Қамар ёруб жамолингдин, эмас наътинг қамарсиймо.
Юзунгдин анжум, анжумдин қуёш нур иктисоб айлаб
Анингдекким, қуёшдин ою ойдин қийргун габро.
Фалак водийлари қатъиға азминг чун суруб маркаб,
Хирад пайкига ҳам аввал қадамда ранж улуб пайдо.
Рафиқинг тойир андоқким Сулаймон оллида ҳудҳуд,
Буроқинг сойир анжум шоҳи устинда сипеҳросо.
Қилиб бу сайр аро маъшуқ васли куйида манзил,
Тилаб саргашта ушшоқига ҳам раҳмат уйин маъво.
Навоий хуш курар оламни отинг зикридин, йуқса,
Анга дузах аро утдекдурур дунёву мофиҳо.

Бу наът-ғазал тўққиз байтдан таркиб топган булиб, унинг узига хос хусусияти уқувчига шарқ шеъриятига хос илоҳий ишқнинг не чоғли руҳий мақомда эканлигини янада чуқурроқ англатишдан

иборатдир. Айтиш жоизки, бу наът-ғазал сўнгги мурсалнинг кавну макон, яъни коинот ичра маъшуқ (Тангри таоло назарда тутилган – М.А.) куйи манзили сари интилиш таври бу борадаги тасаввуримизни кенгайтиришда муҳим адабий омил бўлиб хизмат қилади.

Энди байтлар шарҳига ўтайлик.

Зиҳи жавлонгаҳинг афлок уза майдони «ав адно»,
Буроқингга тўқуз гунбад бу тўққуз гунбади хазро.

Аввало, ушбу матлаъдаги энг характерли сўзга эътиборни қаратайлик. Бу – мусҳафнинг «Нажм» – («Юлдуз») сурасидаги «ав адно» иқтибосидир. Бу иқтибос Алишер Навоий асарларида «ёки яқинроқ» маъносида қўлланилиб, «фа кона қобақавсайни ав адно» га ишорадир. Умуман, мумтоз адабиётда бу мусҳафий иқтибос «Бас, (Муҳаммад с.а.в. га) икки камон ёки ундан-да, яъни икки қош оралиғидек яқинроқ бўлди» маъносида келади. Айни шу маънода матлаънинг қисқача мазмуни қуйидагича: эй мурсал, сен учун фалаклар узра сайр қилиш худди «ав адно» сингаридир. Зеро, Буроқинг, яъни шу номли учқур отинг гўё бир кечада самонинг «фалакулафлок» манзилига, яъни сўнгги тўққизинчи қаватига кутарилди. Шу кечада сен Тангрига гўё икки қош оралиғича яқинлашдинг .. Бунда меърож кечаси таърифланади. Яъни, бу унинг Маккадан то Масжиди Ақсогача, сўнгра у ердан осмонлар узра кўтарилиб, Оллоҳ буюрган жойгача самовий сайр қилишига рамздир.

Қилиб чун хай гулоби майл наълайнинг, бўлуб ондин
Малак раъноларининг жабҳасига бўлуб чарх сандалсо.

Шоҳ байтдаги бадиий ҳақиқат наълайн («бир жуфт ковуш») сўзи маъносида мужассам. Зеро, у шоҳ байт маъносининг очқичидир. Аммо, бу ўринда наълайн отнинг туёқ изларига ишора тарзида қўлланилган: ўша кеча, яъни ўша меърож туни Буроқинг билан ердан кўкка кўтарилаётганингда, отингнинг туёғига ердаги бир сангпора мен ҳам бораман, деб илашган эди. Отинг ҳавога кўтарилгандан сўнг, сен сангпорага қол деб амр қилдинг ва у ҳавода «санги муаллақ» ҳолида қолди. Бунда шундай ташбиҳ бор: ана шу муаллақ қолган тошга Буроқингнинг туёқ изи ва баданидан чиққан хушбўй терлар нишонаси қолди. Кечада у шундай жилваланиб турардики, бу худди аршдаги ҳурюзли малоикларнинг манглайига тортилган сандал дарахти сингари сабзранг фалакнинг нишонларига, аниқроғи, тақдири азал қолдирган асорат белгиларига менгзаш эди. Нақадар ғаройиб ташбиҳ! Бу ташбеҳ шунга ишора этади: эй инсон, кўр, бил, бу сенга ибратдир. Зотан, оламлардаги барча нар-

са ва ҳодисалар Тангрига хизматкордек ҳаракатда. Уларга бундан ортиғи берилмади. Ортиқроғи эса инсонга берилди. Чунки, Худо ўз-ўзидан билиш санъатини фақат инсонгагина инъом этди. Инсон ўз-ўзига тўсиқ бўлмаса, бас!

Эсиб раҳмат насими чун дамодам сунбулунг сори,
Бўлуб руҳонийлар жайби лаболаб анбари соро.

Ғазалнинг умумий мазмунига кўра, бу байтда қўлланилган қуйидаги сўзлар ушбу маъноларда келган: раҳмат – гуноҳларни авф этувчи шабада; руҳоний – фаришта; жайб – кўнгил, дил. Бунда шундай бадиий тафаккур илгари сурилади: эй сўнгги мурсал, бу кеча сенинг хушбуй сочларинг сари ажиб бир шабада, яъни Парвардигори олам томанидан гуноҳларни авф этувчи майин шамол кетма-кет эсди. Бу шамол шу кеча каби тим қора сочларинг бўйини кенг оламга ёйди. Бу хушбуйликдан, то ҳатто малоиклар қалби-да лиммо-лим тўлди.

Фалак қолиб Буроқингдин, эмас васфи фалаксуръат,
Қамар ёруб жамолингдин, эмас наътинг қамарсиймо.

Байтнинг мухтасар маъноси: Меърож кечасида Буроқинг, яъни отинг тез ҳаракатланиши гуё фалакни ҳам ортда қолдирди. Лекин бу билан бу ҳолни фалаксуръат деб ҳам бўлмайди. Негаки, сенинг сифатинг учун бу васф камлик қилади. Шу кечада жамолинг партави олдида ой ҳам хижолатда эди. Аммо бу қамарсиймо дегани эмас. Чунки жамолинг тажаллийси азалиятга дахлдордир. Зеро, сенинг нурингни улуғ Тангри башариятни яратмасдан бурун яратиб қўйган эди. Аслида, инсонни яратишидан мурод ҳам сен эдинг. Улуғ мутафаккир бу манзарани бошқа бир асарида шундай образли тарзда баён этади: «У Одам Атодан ҳам илгари мавжуд бўлиб, ҳам набий, ҳам сирлар огоҳи эди. У олти кунда яратилган оламдан бурун ҳам нур ҳолида бор эди. Бу шундай нурки, у юз иззат ва шараф эгасидир. У – маъшуқ, яратувчи – ишқивоз эди. Оллоҳ Бўлбашарни яратгунига қадар, бу нур узоқ йиллар, Ҳақ назаридан баҳраманд эди. Бўлбашар вужуди яратилганда унинг юзи шу юлдуз нуридан камол топди».

Юзунгдин анжум, анжумдин қуёш нур иктисоб айлаб
Анингдекким, қуёшдин ою ойдин қийргун габро.

Бу байтда шундай маъно бор: эй Расулуллоҳ, ер юзида қуёшни ой, ойни қоп-қоронғулик тусган бўлса, бунинг зидди уларок, бу кеча юзинг, яъни жамолинг шундай партавландики, гуё жамолинг

тажаллисидан юлдуз, юлдуздан қуеш нури ҳосил қилингандай эди.

Фалак водийлари қатъига азминг чун суруб маркаб,
Хирад пайкига ҳам аввал қадамда ранж улуб пайдо.

Байтнинг мухтасар мазмуни: фалак водийларини кезиш учун от суришни максад қилганингда, акл элчисига ҳам, биринчи қадамдаёқ машаккат зоҳир бўлди.

Рафиқинг тойир андоқким Сулаймон оллида ҳудҳуд,
Буроқинг сойир анжум шоҳи устинда сипеҳросо.

Бу байтнинг биринчи мисрасида Қуръони каримнинг «Намл» («Чумоли») сурасининг қушлар тилидаги ғайб хабарлари маъносига ишора қилинади. Аниқроғи, инс ва жиндан туғилган Сабо мамлакатининг қизи Билқис, яъни Сулаймоннинг бўлғуси ёри ўртасида «номабарлик» (хат ташувчилик) қилган Ҳудҳуд номли қушнинг азму шижоати ва донолигига рамз қилинган. Айни шу маънода байт мазмуни қуйидагича: эй мурсал, дустинг, яъни Буроқингнинг жасорати олдида бир пайтлар Сулаймонга хат ташувчилик қилган Ҳудҳуд қушининг жасорати ҳеч бўлиб қолди. Зеро, тавсанинг, яъни учқур отинг бу кеча сайёралардан ҳам юксакда сайр қилди.

Қилиб бу сайр аро маъшуқ васли қуйида манзил,
Тилаб саргашта ушшоқига ҳам раҳмат уйин маъво.

Байт мазмуни: бу сайрдан асосий максад, биринчидан, маъшуқ, яъни Парвардигор васлига етишиш йўлида бир манзил тутиб, у билан юзма-юз келиш бўлса, иккинчидан, саргашта, яъни ёр (Худо) қуйида паришон бўлган ошиқларига ҳам гуноҳларни мағфират этувчи уйни мақом тутишларини ундан (Парвардигордан) тилаш ҳам эди.

Навоий хуш курар оламни отинг зикридин, йўқса,
Анга дузах аро ўтдекдурур дунёву мофиҳо.

Мактаъда шундай фикр баён этилади: қачонки, номинг мазкур бўлганда, Навоий бу оламни яхши кўриб кетади. Йўқса, дунё ва ундаги мавжудотлар унинг учун дузах ичидаги оловдайдир.

Ҳазрат Алишер Навоийнинг биз юқорида шарҳлашга уринган ғазалида шарқона шеъриятга хос маъшуқ васли қуйида мақом тутиш сунгги мурсалдан не чоғли машаккатли ажзу ниёз, аниқроғи, ботиний захмат талаб қилгани кўзда тутилади. Кўринадики, мазкур ғазал мисралари замирида ана шундай зоҳирий ва ботиний маъноолар олами ястаниб ётибди. Шу боис Ҳазрат ғазалиётини урганаётган ҳар бир ўқувчи бу хусусиятларни теран англаб олиши жоиздир.

Илмий нашр

Манзар Абдулҳайр

НАВОИЙ АСАРЛАРИНИНГ ИЗОҲЛИ ЛУҒАТИ

«Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати»га кирмай колган суз ва иборалар

«Узбекистон миллий энциклопедияси»
Давлат илмий нашриёти
Тошкент–2018

Муҳаррир *Жаҳонгир Қунишев*
Бадиий муҳаррир *Асқар Ёқубжонов*
Сахифаловчи *Жаҳонгир Бадалов*

Нашриёт лицензияси AI № 160, 14.08.2009 й.
Босишга рухсат этилди 26.02.2018. Бичими 84 × 108 $^{1}/_{32}$.
Офсет қоғозига босилди. «Times New Roman» гарнитураси.
Шартли босма табоғи 29,4. Нашр ҳисоб-табоғи 45.
Адади 1000 нусха Буюртма № 7.

«Узбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти
100011, Тошкент шаҳри, Навоий кучаси, 30-уй.

«Yoshlar matbuoti» МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
100113, Тошкент шаҳри, Чилонзор-8, Қатортол кучаси, 60-уй.

30.000 c.

ISBN 978-9943-07-586-3